

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ

ЛЕВ ТОЛСТОЙ

# ТИРИЛИШ

821.161.1-31  
Т63 аб  
413411



**ЖАХОН АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ**

**ЛЕВ ТОЛСТОЙ**

**ТИРПИШ**

*(роман)*

**«Илм-зиё-заковат»**

**ТОШКЕНТ – 2019**



УЎК: 821.161.1-31

КБК: 84(2 Рус)

T-64

Лев Толстой. «Тирилиш» / роман / русчадан Холида Аҳорова таржимаси/ «Жаҳон адабиёти дурдоналари» туркуми – Т.: «Илм-зиё-заковат» –, 576 б. 2019 йил.

Нашрга тайёрловчи, қўшимча иктибос ва изоҳларни киритувчи:  
**Эргашбой Матёкубов.**

*Кўлингиздаги ушбу китоб рус адиби Лев Толстой қаламига мансуб “Воскресение” романининг Холида Аҳорова томонидан “Тирилиш” номи остида таржима қилинган кўринишидир.*

*Шуни билингки, бадиий асарни таржима қилиш (айниқса, туркий тилларга мансуб бўлмаган тилдан таржима қилиш) шу асарни қайтадан ёзиш билан тенг қийинчиликка эга. Шу тилдаги ибораларни сўзларни, жумлаларни ёки мақол ва маталларни маромига етказиб таржима қилиш жуда мушкул иш ҳисобланади. Чунки бунда таржимондан бевосита энг камида иккита хорижий тилни мукаммал билиш, шунингдек, ўша тил эгалари – халқнинг турмуш-тарзи, этнографиясини, маданиятини ва тарихини мукаммал билиш талаб этилади. Шунинг учун Холида Аҳорова ҳам доимо халқимизнинг, айнқса, ўқувчи ёшларимизнинг таҳсин-у ташаққурига сазовор бўлган. Биз ҳам шулар қаторида таржимон – Холида Аҳоровадан ушбу хизматлари учун беҳад хурсандмиз!*

*“Тирилиш” асари – жаҳон адабиётининг ўлмас дурдоналаридан бири ҳисобланади!*

*Ушбу асар ҳаётда бўлиб ўтган оддий воқеа – бир суд жараёни асосида яратилган бу асарда адиб ижтимоий адолатсизликка асосланган жамиятнинг ички, маънавий асосларини очиб ташлайди.*

*Асарни ўқиш давомида бирор жойда мантиқсизликка дуч келмайсиз. Асарнинг асосий қаҳрамонлари Нехлодов, Маслова ва иккинчи даражали қаҳрамонлар орқали ҳам жуда катта мазмун яратади.*

*Ушбу китоб илк бор ўзбек тилида 1980-йилда чоп этилган. Бу даврдаги нашрида айрим сўз ва жумлаларнинг маъноси изоҳланмаган ёки русча сўзлар, ёки байналмиал жумлалар орқали берилган эди. Бу ҳолат билан биз таржимонларни ёки ўша давр нашриёти ходимларини камситиш фикридан йироқмиз. Фақат ҳозирги давр китобхонларининг талаб ва илтимосларига асосан асар таржимасига қўшимча иктибослар киритилди ва асар ҳозирги ўзбек адабий тилининг имло қоидалари асосида қайта таҳрирланди.*

УЎК: 821.161.1-31

КБК: 84(2 Рус)

ISBN: 978-9943-5770-9-1

© Лев Толстой.

© «Илм-зиё-заковат», 2019 йил.

## ЁН ДАФТАРГА МУҲРЛАНУВЧИ БИТИКЛАР

(Толстойнинг «Тирилиш» романидан)

... Аммо одамлар – ёши улғайган кишилар ўзларини ва бир-бирларини алдашни, қийнашни тарк этмасдилар. Одамлар шу баҳор тонгини, бутун тирик жоннинг бахт-саодати учун Худо томонидан яратилган шу дунё гўзаллигини, яъни тинчлик, тотувлик билан яшашга чорловчи нафосатни эмас, бир-бирлари устидан ҳукмрон бўлиш учун ўзлари ўйлаб топган нарсани муқаддас ва муҳим деб билар эдилар.

\* \* \*

Ўзига ишониб яшаганда ҳар қандай масалани жон койитмай хурсандчилик қилиш пайида бўлган ҳайвоний нафсининг фойдасига эмас, балки деярли ҳамма вақт унинг зарарига ҳал қилиш керак бўларди; бошқаларга ишониб яшаганда ҳеч нарсани ҳал қилишнинг ҳожати йўқ, ҳаммаси ҳал қилинган ва доим маънавий ҳаёт зарарига, ҳайвоний нафсининг фойдасига ҳал қилинган бўларди.

\* \* \*

Эркак билан аёл киши ўртасидаги муҳаббатда ҳаминша шундай бир дақиқа бўладики, бунда муҳаббат ўзининг камолот чўққисига эришади, бунда киши эс-хушини йўкотади, у кишида хирс қўзғатмайди.

\* \* \*

Ёмон ҳаракатлар ёмон ишга йўл очади, ёмон фикрлар эса инсонни шу йўлга судрайди.

\* \* \*

Беғуноҳ одамни айбламаслик учун ўн нафар айбдорнинг гуноҳидан ўтиш керак деган қоидага риоя қилиш у ёқда турсин, аксинча, бир нарсанинг ириган ерини кесиб ташлаш учун соғлом жойини кесиб олганлари каби, – битта ҳақиқий хавфли кишини четлатиш учун ўнта беғуноҳ одамга жазо берар, четлатар эдилар.

\* \* \*

Ҳар қанақа одамнинг бир иш қилиш учун, аввало, шу ишини жуда муҳим ва яхши деб ҳисобламоғи лозим. Шу сабабли одам қай алпозда бўлмасин, у турмуш ҳақида

шундай бир хулосага келиб қўядики, назарида, ўзининг фаолиятини муҳим ва яхши деб билади.

\* \* \*

Тақдир ва гуноҳлари – хатолари туфайли бир алпозга тушиб қолган кишилар, тутаётган ишлари қанчалик нотўғри бўлмасин, турмуш ҳақида шундай бир хулосага келиб қўйган бўладиларки, назарларида, ҳозирги тутган ўринлари ва қилаётган ишлари яхши ва эътиборли бўлиб кўринади. Шу фикрлари йўққа чиқмаслиги учун одамлар, беихтиёр, турмуш ҳақидаги фикрларини тан оладиган ва ўзларининг унда тутган ўринлари яхши эканлигини инкор этмайдиган кишилар доирасидан чиқмасликка ҳаракат қиладилар.

\* \* \*

Бу одамнинг ақлий кучи катта эди, лекин ўзи ҳақидаги ўй-хаёли ҳаддан тапқари катта бўлиб, ақлий кучидан аллақачон ўзиб кетган эди.

\* \* \*

Дунёда энг кўп тарқалган фикр: ҳар бир кишининг ўзига хос маълум бир хусусияти бўлади, хушфёъл, ақли, аҳмоқ, ғайратли, ялқов одам бўлади ва ҳоказо деган фикр-дир. Лекин одамлар бунақа бўлмайди. Биз одам ҳақида у кўпинча баджаҳл эмас, хушфёъл бўлади, кўпинча, аҳмоқ эмас, ақли, ялқов эмас, ғайратли ёки аксинча бўлади дейишимиз мумкин, лекин бир одамни агарда, у хушфёъл ёинки ақлли, десанг-у, бошқа бирини жаҳлдор ёки аҳмоқ десак нотўғри гапирган бўламиз. Биз эса доимо одамларни шундай ажратамиз. Буниси тўғри. Одамлар дарёдек гап: ҳаммасининг суви бир хил, ҳамма жойда ўша суви, лекин дарё гоҳ кенг бўлади, гоҳ тор, гоҳ тез оқади, гоҳ секин, суви гоҳ тиниқ бўлади, гоҳ лойқа, гоҳ совук, гоҳ илиқ бўлади. Одамлар ҳам шундай. Ҳар бир одамда ҳамма инсоний хусусиятларнинг куртаги бўлади. Одам шу хусусиятларнинг гоҳ бирини, гоҳ бошқасини намоён қилади, баъзан ўша одамнинг ўзи бутунлай ўзгариб кетади. Баъзи одамларда шу ўзгаришлар жуда кескин намоён бўлади.

\* \* \*

Баъзан, орадан анчагина вақт ўтгач, у маънавий ҳаёти сусайиб ёки турғунликка учраб қолганини ҳис этар ва кўнглида йиғилиб қолган бу турғунликка сабаб бўлган барча ифлосликни тозалай бошларди. Ана шундай руҳий аҳволни «қалбни покизалаш» деб атарди.

\* \* \*

Агарда, ҳеч бўлмаса, бир соатга ёнқи айрим ҳолларда, инсонпарварлик ҳиссидан кўра муҳимроқ ҳис бор деб ҳисобланса, бундай тақдирда киши ўзини айбдор ҳисобламай туриб инсонларга ёвузлик қилиш асло мумкин эмас.

\* \* \*

... Дунёда ҳамма нарса жонлидир, жонсиз нарса йўқ, биз жонсиз деб ҳисоблаган нарсаларнинг ҳаммаси буюк жонли жисмнинг бир қисмигина бўлиб, биз уни қамраб ололмаймиз... Инсон шу катта жисмнинг бир қисми бўлгани учун ҳам унинг вазифаси шу организмнинг ва унинг барча жонли жисмларининг яшаши учун ёрдам беришдан иборат.

\* \* \*

Ҳамма одамлар қисман ўз ақли билан, қисман бировнинг ақли билан яшайди, иш тутади. Одамларнинг биридан асосий фарқи ҳам уларнинг ўз ақли ёки бировнинг ақли билан яшашига боғлиқ. Баъзи одамлар кўпинча ўз фикрларини зеҳний машқ учун қурол деб биладилар, ақл-идроклари ҳаракатлантирувчи қайиши олинган машина ғилдирақларига ўхшаб қолади, қиладиган ишларида бировларнинг фикрига – урф-одатга, ривоятларга, қонунга бўйсундилар, бошқалар эса ўз ақл-идрокларини ўзларининг бутун фаолиятларини вужудга келтирувчи асосий куч деб ҳисоблаб, деярли ҳар доим ақл-идрокларининг талабига қулоқ соладилар ва шунга итоат қиладилар. Фақат аҳён-аҳён-дагина, ўшандаям танқидий мулоҳазадан кейин, бошқаларнинг қарорига бўйсундилар

*Нашрга тайёрловчи – «GOLD STAR EDUCATION»*

*НТМ директори МАТЁҚУБОВ Э. Р.*

# БИРИНЧИ ҚИСМ

## I

*Матф, XVIII боб. 21-оят.* Шунда Петр унга юзланиб дедики: ё раббим! Менга қарши гуноҳ қилган биродаримни неча бор афв этсам бўлади? Етти мартагачами? 22-оят. Ҳазрати Исо<sup>1</sup> унга деди: етти мартагача демайман сенга, етти карра етмиш мартагача.

*Матф. VII боб. 3-оят.* Нима учун биродаринг кўзидаги чўпни кўрасан-у, ўз кўзингдаги ходани пайқамайсан?

*Иоани, VIII боб. 7-оят.* Ичингизда қайси бирингиз гуноҳсиз бўлсангиз, аёлга аввал ўша тош отсин.

*Лука. VI боб. 40-оят.* Шогирд устозидан юқори бўлмайди, аммо камолотга етгач, ҳар қандай шогирд устозидай бўлади.<sup>2</sup>

Бир неча юз минг одам бир парча ерга тўпланиб олиб, ўзлари тикилишиб яшаётган ерларини дабдала, қилишга нақадар уринишган бўлмасин ҳеч бир гиёҳ ўсмасин деб ерга қанчалик тош ётқизишган, ниш уриб чиқаётган ҳар бир гиёҳни қириб-қиртишлаган бўлмасин, тош-қўмир ва нефть бурқ-

<sup>1</sup> **Исо Масих** – Қуръонда тилга олинган пайғамбарлардан бири. Ислолда Муҳаммад (с. а. в.) дан олдинги пайғамбар сифатида алоҳида эъзозланади. Қуръонда, шунингдек, «ал-Масих» («Худо ярлақан»), Ибн Марям («Марямнинг ўгли»), Абдуллоҳ («Аллоҳнинг қули»), Расулуллоҳ («Аллоҳнинг элчиси»), Аллоҳнинг муқарраби (яқини), «Ҳақни сўзловчи», деб таърифланади. Унга Инжил нозил қилинган.

<sup>2</sup> **Матфей, Иоани, Лука** – Исо алайҳиссаломнинг ҳаворийлари.





сатишиб, дарахтларни қийратган ва жамики ҳайвон-у паррандаларни қувғин қилишган бўлмасин, баҳор шаҳарда ҳам баҳорлигини қилган эди. Қуёш қиздириб, киртишланмаган жойларда, ёлғиз хиёбонлардаги майсазорлардагина эмас, балки харсангтошларнинг орасида ҳам ўтлар жонланиб ўсган ва кўм-кўк тусга кирган, қайинлар, тераклар, шумуртлар<sup>1</sup> ёпишқоқ ва хушбўй барг ёзган, арғувонлар<sup>2</sup> куртак чиқарган эди; зағчалар, чумчуқлар ва каптарлар баҳордан хурсанд бўлиб ин қўйишар, офтобрўя<sup>3</sup> деворлар бўйида пашшалар гўнғиллашарди. Ўт-ўландан тортиб паррандаларгача, курт-қумурскалардан тортиб болаларгача – ҳаммаси шод эди. Аммо одамлар – ёши улғайган кишилар ўзларини ва бир-бирларини алдашни, қийнашни тарк этмасдилар. Одамлар шу баҳор тонгини, бутун тирик жоннинг бахт-саодати учун Худо томонидан яратилган шу дунё гўзаллигини, яъни тинчлик, тотувлик билан яшашга чорловчи нафосатни эмас, бир-бирлари устидан ҳукмрон бўлиш учун ўзлари ўйлаб топган нарсани муқаддас ва муҳим деб билар эдилар.

Чунончи, губерна<sup>4</sup> турмасининг маҳкамасида ҳам барча ҳайвон-у одамларга берилган шу баҳор гашти ва қувончи муқаддас ва муҳим деб ҳисобланмас, балки, кечагина келиб теккан ва фалон идорага деб ёзилган сарлавҳасига рақам қўйилган, муҳр босилган бир парча қоғоз муқаддас ва муҳим деб ҳисобланарди Бу қоғозда, турмада тергов остидаги уч махбус – икки аёл ва бир эркак ушбу кун, яъни 28-апрель, эрталаб соат тўққизга етказилсин, дейилган эди. Аёллардан бири, яъни катта жиноятчиси алоҳида келтирилиши лозим эди. Шу тариқа мазкур қоғозга биноан,

28-апрель куни эрталаб соат саккизда аёллар бўлимининг қо-ронғи ва қўланса йўлагига бош назоратчи кириб,

<sup>1</sup> Шумурт – шох-шаббалари кенг, гуллари хушбўй хидли, резавор мевали, рўгнодошлар оиласига мансуб дарахт ёки бута.

<sup>2</sup> Арғувон (форсча) – ёғоч ўймакорлигида ишлатиладиган, баҳорда очиладиган қирмизи гулли дарахт.

<sup>3</sup> Офтобрўя (форсча) – қуёшга қараган, қуёш нури кўп тушадиган жой; кунгай;

<sup>4</sup> баҳорги, таъсир кучи кам, ёқимли офтоб.

<sup>5</sup> Губерна, губерня – Чор Россияда, шуниингдек, 1929-1930-йилларгача Собиқ Иттифокда асосий маъмурий-худудий бирлик.

келди. Оппоқ сочлари хурпайган, енглари уқали<sup>1</sup> кофта кийиб, кўк ҳошияли камар боғлаб олган ҳорғин қиёфали бир аёл ҳам унинг кетидан йўлакка эргашиб кирди. Бу – назоратчи аёл эди.

У навбатчи назоратчи билан эшиги йўлакка очиладиган камералардан бирининг ёнида тўхтаб:

– Сизга Маслова керакми? – деб сўради.

Назоратчи шарақлатиб темир кулфни очди, камера<sup>2</sup> эшигини очган эди, йўлакдагидан ҳам бешбаттар қўланса хид гуп этиб димоғта урилди. Назоратчи:

– Маслова, судга! – деб қичқирди-да, эшикни яна дарров ёпиб, кутиб турди.

Ҳатто турма ҳовлисида ҳам шамол далалардан шаҳарга ҳайдаб келтирган ҳаётбахш тоза ҳаво бор эди. Аммо йўлакда ҳар қандай янги келган одамнинг кўнглини оздирадиган сийдик хиди, қора мой ва чириган нарсаларнинг сассик хиди димоғта уриларди. Ҳовлидан кириб келган назоратчи хотин, бадбўй ҳавога ўрганиб қолган бўлса-да, алланечук бўлиб кетди. У йўлакка кирар-кирмас, тўсатдан бўшашиб, бирдан уйқу босди.

Камерадан говур-ғувур товушлар: аёллар овози, яланг оёқларнинг шипиллаши эшитилди.

– Имиллама, тезроқ кимирла, Маслова! – деб қичқирди бош назоратчи камера эшигидан.

Орадан икки дақиқа ўтар-ўтмас оқ кофта, оқ юбка устидан халат кийиб олган, ўртачадан келган; кўкраклари тўла, ёшгина жувон эшикдан шартта-шартта юриб чиқди, кейин ўтирилиб назоратчи ёнида тўхтади. Жувоннинг оёғи-да ип пайпоқ, пайпоқ устидан ёғоч кавуш, бошида оқ дурра<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Уқал - безак учун газмол буюмлар. кийим-кечак ва шу каби нарсалар четига тикиб, қадаб қўйиладиган узун энсиз мато

<sup>2</sup> Камера (лотинча: camera - гумбаз; хона, бўлма) – баъзи муассасаларда бирор нарсани ёки шахс учун мўлжалланган махсус хона, бўлма (асарда шу маънода); 2) асбоб, машина, иншоот ичидаги атрофи берк бўшлик; 3) шина ёки тўп қопламаси остидан жойлаштириладиган ва ичига ҳаво дамланадиган резина қобик, гилоф; 4) фото, кино ёки видеоаппаратнинг пластинка ёки плёнка қўйиладиган ячки қисми ёки шундай аппаратларнинг қисқача номи.

<sup>3</sup> Дурра (ча) (форсча: чарм тасма; пешона, кожил) – аёллар пешонага тағийдиган кичик рўмол.

бўлиб, унинг тагидан, атайин қилгандек қора жингалак сочлари ҳалқа-ҳалқа бўлиб чиқиб турарди. Жувоннинг юзи шундай бўзарган эдики, узоқ вақт камоқда ётган одамларнинг юзигина шунақа бўлади, худди ертўлада сақланган картошканинг нишларини эслатади. Кичкинагина узун қўллари ҳам, халатнинг кенг ёқасидан кўриниб турган, семиз, оппоқ бўйни ҳам худди ана шундай эди. Унинг жуда оқариб кетган юзида чақнаб турган шишинкираган тим қора ўйноқи кўзлари ажойиб эди, аммо аёлнинг бир кўзи салгина ғилай эди. Жувон тўлагина кўкрагини кериб, қоматини тик тутарди.

Йўлакка чикқач, у бошини ғоз кўтариб, назоратчининг кўзига тик қаради ва унинг талабларини бажаришга шайланиб турди. Назоратчи эшикни энди беркитмоқчи бўлганда, сочлари оппоқ, юзини ажин босган рангпар бир кампир эшикдан бошини чиқариб қаради. Кампир Масловага алланима деб гапира бошлади. Назоратчи кампирнинг калласини эшик билан итариб, тарақлатиб ёпди – кампир дарҳол бошини тортиб олди. Камера ичида хотин кишининг хандон уриб кулгани эшитилди. Маслова ҳам жилмайди-да, эшикнинг панжара тutilган кичкина туйнугидан қаради. Кампир ичкари томондан туйнук олдига келиб, панжарага юзини тираб хириллаб гапира бошлади:

– Битта гапда тур – вассалом, ортиқча гапирма.

– Нима бўлса ҳам, тезроқ бир ёқли бўлсайди, бундан баттар бўлмайди-ку, – деди Маслова бошини силкиб.

– Албатта, бир ёқли бўлади-да, икки ёқли бўлмайди, – деди ўзига ишонган бош назоратчи ўткир жавоб берганидан мамнун бўлиб. – Қани, юр!

Кампирнинг туйнукдан кўриниб турган кўзи ғойиб бўлди. Маслова эса йўлакнинг ўртасига тушиб, майда қадам ташлаб бош назоратчи орқасидан тез-тез юриб кетди. Улар тош зинадан пастга тушишди, кейин аёллар камерасидан бешбаттар бадбўй ва сершовқин эркаклар камералари ёнидан ўтишди, туйнуклардан қараган кўзлар уларни кузатиб қолди. Бош назоратчи билан Маслова милтиқли икки

конвой<sup>1</sup> аскар турган идорага киришди; идорада ўтирган мирзо аскарлардан бирига тамаки тутуни сингиб кетган коғозни тутқизди-да, маҳбус аёлни кўрсатиб: «Қабул қилиб ол», – деди. Қизил юз, чўтир аскар – нижегородлик деҳқон коғозни шинели<sup>2</sup> энгининг қайтармасига қистирди-да, шериги, ялпоқ юзли чувашга маҳбус аёлни кўрсатиб кўз қисди. Аскарлар маҳбус аёлни олдиларига солиб зинадан тушишди-да, дарвоза томон юришди.

Дарвоза ўртасидаги кичкина эшик очилди. Аскарлар билан маҳбус аёл остонадан ҳатлаб кўрага чиқишди, сўнгра панжарадан ўтиб, шаҳар бўйлаб, тош кўчанинг ўртасидан юриб кетишди.

Извошчилар<sup>3</sup>, дўкандорлар, ошпаз хотинлар, ишчиларга амалдорлар тўхташиб, маҳбус аёлга қарашарди; баъзилари бошларини чайқаб: «Йўлдан озган кишининг аҳволи шу-да! Бизга ўхшаб тинч юрса ўладими», – деб ўйлашарди. Болалар «қароқчи» хотинга кўрқа-писа қарашар, орқасидан аскарлар келяпти-ку, энди ҳеч нарса қилолмайди, деб юпанишарди. Кўмирини сотиб бўлиб, трактирдан<sup>4</sup> чой ичиб чиққан бир қишлоқи деҳқон маҳбус аёлнинг ёнига келди-да, чўқиниб унга бир тийин узатди. Маҳбус аёл кип-қизариб кетди, боши ҳам бўлди, алланима деб ғудранди.

Маҳбус аёл ҳамманинг кўзи ўзида эканини сезиб, қараётганларга охиस्ताгина кўз қирини ташлаб қўйди ва ўзига тикилиб қараганларини билиб, хурсанд бўлди. Турмадагига қараганда тозароқ бўлган баҳор ҳавоси ҳам унинг баҳрини очди. Аммо юришни унутиб қўйган, кўпол маҳбуслар шиппаги кийган оёқлари тошда юрганда оғрир, шунинг учун ҳам у кўзини ердан узмай, охистароқ кадам қўйишга уринарди. Ун дўкони ёнидан ўтиб кетаётганда, маҳбус аёл дўкон ёнида, одамлардан кўркмай, лапанглаб юрган беозор

<sup>1</sup> Конвой – соқчи ёки қоровул.

<sup>2</sup> Шинель (русча < французча: chenille – эркакларнинг тонгги кийими, костюми) – махсус мятодан тикиладиган, махсус бичимдаги пальто.

<sup>3</sup> Извош (русча: извозчик — қирақаш арава ҳайдовчи) – резина гилдиракли, усти очилиб-ёпиладиган енгил от арава; фойтун. Извошчи – извош ҳайдовчи ёки унинг эгаси.

<sup>4</sup> Трактир – 1) оддий ресторан (бу ерда шу маънода); 2) меҳмонхонали ресторан.

каптарлардан бирини босиб олаёзди, каптар пар этиб кўтарилди-да, қанотларини силкитиб маҳбус аёлнинг қулоғи ёнидан учиб ўтиб кетди, шамоли юзига келиб урилди. Маҳбус аёл жилмайди-ю, кейин ўзининг қандай аҳволда эканлиги эсига тушиб, хўрсиниб қўйди.

## II

Маҳбус Маслованинг бошидан ўтган воқеалар кунда бўлиб турадиган воқеалардан эди. Маслова эрга тегмаган бир хизматкор хотиннинг қизи эди. Бу эрсиз хотин қишлоқда опа-сингил помешчик<sup>1</sup> бекачкида<sup>2</sup> молбоқарлик қиладиган онаси қўлида турар ва ҳар йили туғар эди. Қишлоқ одатига кўра, туғилган бола чўқинтириларди, кейин онаси дунёга бемаврид келган, ишлашга халақит берган бу кераксиз болани эмизмасди, у кўп вақт ўтмай очликдан ўлиб кетаверарди.

Унинг беш боласи шу тахлитда ўлиб кетган эди. Ҳаммаси чўқинтирилди, кейин эмизилмади, ўлиб кетди. Ўткинчи лўлидан орттирилган олтинчи бола қиз эди ва агарда у қари бекачлардан бири қаймоқдан сигир ҳиди келяпти, деб молбоқарларни қойиш учун молхонага кирмаганда, бу қизчанинг тақдири ҳам худди шундай бўларди. Бека молхонага кирганда аёл дўмбоққина чақалоқни қўйнида олиб ётарди. Қари бекач қаймоқ учун ҳам кўзи ёриган аёлни молхонага киргизишгани учун ҳам қойиди-да, энди чиқиб кетмоқчи бўлганида, гўдақни кўриб ийиб кетди ва момоси бўлишни истаб, қолди. Бекач қизчани чўқинтирди ва чўқинтирган қизига раҳми келиб сут, онасига пул бериб турди, шу баҳона билан қизча омон қолди. Қари бекачлар ҳам қизчани «омон қолган» деб юритадиган бўлди.

Онаси касал бўлиб ўлиб қолганда қизча уч яшар эди. Молбоқар кампир неварасини боқишга қийналгани учун

<sup>1</sup> Помешчик (русча: поместье – «хизматлари учун берилган чек ер») – катта ер эгаси.

<sup>2</sup> Бекач – бекнинг, умуман ҳукмдорларнинг, хонларнинг хотини ёки қизи.



қари бекачлар қизчани ўз қарамоқларига олишди. Қора кўз қизча ниҳоятда шўх ва ёқимтой бўлиб чиқди, қари бекачлар ўша билан овунадиган бўлиб қолишди.

Қари бекачлар иккита эди: кичиги Софья Ивановна кўнгилчанроқ бўлиб, қизни шуниси чўқинтирган эди. Катта-си Марья Ивановна қаттиққўлроқ эди. Софья Ивановна қизни ясантирар, ўқишга ўргатар ва уни асранди қилиб олмақчи бўларди. Марья Ивановна эса қизни хизматкор, удда-бурон оқсоч қилиш керак деярди. Шунинг учун ҳам жуда талабчан эди, жаҳли чиқиб турган кезларда қизчани жазо-лар, ҳатто тутиб олиб урарди.

Шундай қилиб, икки хил таъсир остида тарбия топган қизча ўсиб вояга етганда на асранди қиз бўлди, на оқсоч. Уни Катька эмас, Катенька ҳам эмас, балки Катюша деб чақиришарди. Катюша кашга тикар, уйларни йиғиштирар, иконаларни<sup>1</sup> бўр билан тозалар, қаҳва қовурар, туяр, қайна-тиб косачаларда келтириб берар, майда-чуйдаларни ювар, баъзан бекачларга китоб ҳам ўқиб берарди.

Унга бир неча бор совчилар келди, лекин бекачлар орасида яшаб ўрганган қиз ўзига совчи қўйган меҳнаткаш одамлар билан бирга туриш оғир бўлишини ўйлаб, биронта-сига ҳам тегмади.

У ўн олти ёшга киргунча ана шундай яшади. Катюша ўн олтига кирганда бекачларникига уларнинг талаба жияни – бадавлат князь<sup>2</sup> келди. Катюша эса князни севиб қолди, лекин на унга муҳаббат изҳор қилди ва на бунга иқрор бўлди. Орадан икки йил ўтгач, бекачларнинг худди ўша жияни урушга кета туриб йўл-йўлакай аммалариникига ту-шиб, уларникида тўрт кун туриб қолди, жўнашидан бир кун олдин Катюша и йўлдан оздириб, жўнаб кетадиган кунни унинг қўлига юз сўм қистирди. Орадан беш ой ўтгач, Катюша ўзининг ҳомиладорлигини сезиб қолди.

<sup>1</sup> Икона – христианликдаги Исо, Биби Марям ва аълиёлар тасвири.

<sup>2</sup> Князь (немисча: künig – қабил, уруғ оқсоқоли) – 1) феодал-князьлик давридаги Русда аскар бошлиғи ва виллоят докяни; 2) Чор Россиясида мерос тариқасида ёки чор ҳукумати олдидан хизматлари учун берилган фахрий унвон ҳамда шу унвонга эга бўлган шахс.

Ўшандан бери дунё кўзига қоронғи кўриниб, бу шармандалиқдан кутулиш йўлларини излай бошлади. Кўли ишга бормай, бекачларига ўлганининг кунидан хизмат қилиб юрди ва бора-бора сабр косаси тўлиб-тошганини ўзи ҳам пайкамай қолди. У бекачларига қаердаги бўлмағур гапларни шарт-шурт гапириб, ҳисоб-китоб қилиб жўнатиб юборишларини сўради. Аммо кейин бу қилмишидан ўзи кўп афсусланди.

Бекачлари ҳам ундан анча хафа бўлишиб, ишдан бўшатиб юборишди. Буларниқидан кетгач, становойникида<sup>1</sup> оқсоч бўлиб ишлай бошлади. Лекин бу ерда фақат уч ойгина турди, холос, чунки, становой, элик яшар чол, ҳадеб тегишаверди, бир сафар, у шилқимлик қилаверганида, Катюшанинг зардаси қайнаб, аҳмоқ ва қари шайтон деб ҳақорат қилди, кўкрагига бир туртиб йиқитиб юборди. Шундан кейин Катюшани беадаблиқда айблаб ҳайдаб юборишди. Ойкуни яқинлашиб қолгани сабабли бирон ишга жойлашишнинг фойдаси йўқ эди, шунинг учун Катюша қишлоқдаги винофуруш бева доя хотинниқида тура бошлади. Қийналмасдан кўзи ёриди. Аммо қишлоқда касал хотинни туғдирган доя Катюшага юқумли касал юқтирди. Чақалок ўғилчани етимхонага жўнатишди. Чақалокни етимхонага элтган, кампирнинг айтишича, бола етиб борган заҳоти дунёдан ўтибди.

Доя хотинниқига келганда Катюшанинг бир юз йигирма етти сўм пули бор эди: йигирма етти сўмни ўзи ишлаб топган, юз сўмни йўлдан оздирган йигит берган эди. Доя хотиннинг уйдан чиқиб кетган пайтда Катюшанинг ёнида атиги олти сўм пул қолганди. Катюша пул сақлашни билмас, ўзига ҳам харжлайверар, сўраганларга ҳам бераверарди. Доя хотин икки ой уйда тургани, еган овқати ва ичган чойи учун ундан қирқ сўм олди. Йигирма беш сўм болани жўнатишга сарф бўлди. Қирқ сўмини доя хотин сигир сотиб оламан деб қарзга сўраб олди. Йигирма сўмни кўйлак ва совға-салом оламан деб нест-нобуд қилди. Шундай қилиб, Катюша соғайган вақтида ёнида уч пул қолмаган эди. Яна иш қидириш

<sup>1</sup> Становой – чор Россиясида полиция мансабдори (турж.).

керак эди. Ўрмон мудириникидан иш топилди. У болачақали одам бўлса-да, худди становой сингари, Катюша келган кунданоқ унга шилкимлик қила бошлади. Катюша ундан жирканар, шу сабабли ундан ўзини олиб қочиб юрарди. У Катюшадан кўра тажрибали ва маккор, энг муҳими – Катюшани хоҳлаган жойга юборишга ҳадди сиғадиган хўжайин эди. Шундай қилиб, у пайт пойлаб Катюшани қўлга туширди. Ўрмон мудирининг хотини буни пайқаб қолди ва бир куни уларнинг устига келиб қолиб, Катюшани дўппослаб кетди. Катюша бўш келмади, юмдалашди, оқибатда Катюшага ишлаган ҳақини ҳам тўламай, ҳайдаб юборишди. Шундан кейин Катюша шаҳарга бориб холасиникида тура бошлади. Холасининг эри муковасоз бўлиб, илгари ўзига тўқ эди, эндиликда ҳамма миждозларидан айрилиб, қўлига тушган нарсани сотиб ичадиган бўлиб қолган эди.

Холаси кичкинагина кирхона очиб, шу билан тирикчилигини ўтказар, болалари ва тириктон эрини боқар эди. Холаси Масловага кир ювувчи бўлиб ишлашни таклиф қилди. Аммо Маслова холасиникида турган кир ювувчи хотинларнинг машаққат билан кун кечираётганларини кўргач, жавобни орқага суриб, бирон идорада хизматкорлик топилармикан, деб иш қидириб юрди. Иккита гимназист<sup>1</sup> ўғли билан яшовчи бир бойвуччаникидан иш топилди. Орадан бир ҳафта ўтгач, гимназиянинг олтинчи синфида ўқийдиган мўйловдор катта ўғли ўқишни йиғиштириб, Масловага шилкимлик қилавериш кун бермай қўйди. Бека ҳамма айбни Масловага тўнкаб, жавобини бериб юборди. Ҳадеганда янги жой топилавермади. Бир куни Маслова одамларга хизматчи топиб берадиган идорага борганида, дўмбок қўлларига узук ва биллагузуклар таққан бойвучча хотинни учратди. Бу хотин Маслованинг иш қидириб юрганини эшитиб, манзилини берди ва уйига таклиф қилди. Маслова уникига

<sup>1</sup> Гимназия (юнонча: gymnasium – қадимги Грецияда таълимни гимнастика билан қўшиб олиб боровчи ўқув-тарбия муассасаси) – Ўзбекистонда ва айрим хорижий мамлакатларда: бир катор фанларни, одатда, гуманитар фанларни чуқур ўргатишга ихтисослашган ўрта умумтаълим ўқув маскани. Гимназист – гимназия тингловчиси.

борди. Ойимча меҳрибонлик билан кутиб олди, сомса ва ширин вино билан сийлади, хат ёзиб бериб оқсочини аллақаяққа юборди. Кечкурун хонага баланд бўйли, узун сочларига оқ оралаган ва оппоқ соқолли киши кириб келди; чол келган заҳоти Маслованинг ёнига ўтирди-да, кўзларини чақчайтириб, илжайиб, бошидан оёғигача разм солиб чикди, ҳазиллаша бошлади. Бека ойим чолни бошқа хонага чақириб олди. Шунда Маслова унинг: «Қишлоқ шамолини еган, қаймоқдаккина», – деганини эшитди. Кейин бека ойим Масловани чақириб, бу одамнинг пули кўп, ўзи ёзувчи, деди, агар унга ёқиб қолсанг борми, сендан ҳеч нарсасини аямайди, деди. Катюша ёзувчига ёқиб қолди. У Маслованинг кўлига йигирма беш сўм тутқазди-да, тез-тез учрашиб туришга ваъда берди. Катюша холасиникида бўлган вақтидаги қарзини тўлади, янги кўйлақ, шляпа ва лента сотиб олди. Шу билан пули ҳам соб бўлди. Орадан бир неча кун ўтгач, ёзувчи уни яна чақиртирди. Катюша борди. У Катюшага яна йигирма беш сўм берди ва алоҳида уйга ўтишни таклиф этди.

Маслова ёзувчи ижарага олган уйда яшаб юриб, худди шу ҳовлида турадиган хушчақчақ бир гумаштани<sup>1</sup> яхши кўриб қолди. Катюша ёзувчига гапнинг очигини айтди ва бошқа кичикроқ бир уйга кўчиб чикди. Унга уйланишга ваъда берган гумашта эса ҳеч нарсa демасдан уни ташлаб, **Нижний шаҳрига** жўнаб кетди. Маслова ёлғиз қолди. У ёлғиз ўзи ижарада турмоқчи бўлди-ю, лекин рухсат беришмади. Даҳа назоратчиси, агар сарик чипта олсанг ва кўриқдан ўтиб турсанг, ёлғиз туришинг мумкин, деди. Шундан кейин у холасиникига кетди. Сўнгги модадаги кўйлагини, елкага ташлаб юрадиган кийими ва шляпасини кўрган холаси уни ҳурмат билан кутиб олди ва бу сафар, турмуши яхшига ўхшайди, деб ўйлаб, кир ювувчиликка киргин дейишга ботинолмади.

<sup>1</sup> Гумашта (форсча; ваколатли шахс; хизматкор) – 1) XX аср бошларига қадар Туркистонда катта савдогар бойларнинг жойларда савдо ишларини олиб борувчи шпончи кишиси, вақили; 2) бирор кимсани қўллаб-қувватлаш билан муайян амалга тайинланган ёки бирор томонидан махсус топшириқ билан қўйилган шахс (асарда шу маънода).

Энди Маслова кир ювувчиликка киришни хаёлига ҳам келтирмасди. У олдинги хоналарда турувчи кўллари қокшол<sup>1</sup> кирчи хотинларнинг оғир турмушига ачинарди. Уларнинг баъзилари қишин-ёзин деразалари ёпилмайдиган хоналарда ўттиз даражали иссик совун буғи ичида кир ювиб, кир дазмоллайвериб сил бўлган эди. Катюша ана шуларнинг аҳволини кўриб, мен ҳам шу азоб-уқубатда қолиб кетишим мумкин, деб ўйлаб, ваҳимага тушди.

Худди ана шу вақтда, яъни Маслованини аҳволи ниҳоятда танг бўлиб, уни химоя остига оладиган одам топилмай қолганда фоҳишахона учун қиз излаб юривчи бир даллол хотин дуч келиб қолди.

Маслова кўпдан бери чекарди. Аммо гумашта билан алоқа қила бошлагандан сўнг ва, айниқса, у ташлаб кетгандан кейин кўпроқ ичадиган бўлиб қолган эди. Вино лаззатли бўлгани учунгина эмас, балки бошидан кечирган оғир кунларини унуттиргани учун, маст бўлганда ўзини эркинроқ ва дадилроқ ҳис этгани учун ҳам Маслова ичкиликка ўч бўлиб қолди. Вино ичмаган кезларида унинг кўнгли ғаш бўлар ва уялар эди.

Даллол хотин холасини зиёфат қилди ва Масловани ичириб, шаҳардаги энг яхши фоҳишахонага киришни таклиф этди, бу касбнинг фойдали ва яхши томонларини уқтирди. Маслованинг олдида икки йўл бор эди: ё хизматкор бўлиб, хўрланиб, эркалар томонидан таъқиб этилиб, киши билмас ўқтин-ўқтин бузуқилик қилиш ёки егани олдида, емагани кетида, тинч, хотиржам, конун томонидан йўл кўйилган ва яхши ҳақ тўланадиган, доимий фоҳишалик билан очикчасига шуғулланиш. У кейингисини танлади. Бундан ташқари у шу йўл билан ўзини йўлдан оздирган кишидан, гумаштадан ва унга ёмонлик қилган барча одамлардан ўч олмоқчи бўлди. Унинг бу қарорга келишига сабаб бўлган

<sup>1</sup> Қокшол – 1) ориқликдан қок қуриб қолган, қок, қуруқ суяк (асарда шу маънода); 2) одам ва ҳайвонларда организмга терининг жароҳатланган еридан кириб, ўзидан захар ажратиб, бутун организмни захарловчи таёқча шаклидаги алоҳида микроб кўжатадиган ўткир юкумли касаллик (бемор камалакдек эгилиб қолади ва ҳар қандай ташқи таъсирдан тиряшиб қолаверади).



нарсалардан яна бири шу эдики, даллол хотин унга: «Кўнглинги тусаган кўйлакни – духоба дейсизми, фай<sup>1</sup> дейсизми, шоҳи кўйлак дейсизми, балга кийиладиганидан тортиб, орқаси очик ва енгсиз кўйлаккача, истаганинги тиктира олишинги мумкин», – деб айтди. Маслова қора духоба хошияли ўйма ёқали сап-сарик кўйлак кийганини тасаввур қилгач, ўзини тутиб туrolмади ва паспортини берди. Шу кунёк кечкурун даллол хотин уни извошга ўтқазиб, ҳамма ёққа донғи кетган Китаеванинг уйига олиб бориб қўйди.

Ана шу пайтдан бошлаб Маслова тангрининг буйруғи ва бани-башар пандларини узлуксиз поймол қилган ҳаёт оғушида яшай бошлади. Ўз фуқароларининг бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қиладиган ҳукумат бошлиқларининг ижозати билангина эмас, балки ўшаларнинг ҳимояси остида юзлаб ва юз мианглаб аёллар шундай гуноҳ ишлар билан шуғулланиб келмоқда ва оқибатда ўнтасидан тўққизтаси оғир хасталикка мубтало бўлиб, вақтидан бурун қариб, ўлиб кетмоқда эди.

Кечаси билан айш-ишрат қилиб чикқач, эрталаб ва кундузлари ғафлат босиб ухлашар, соат уч, тўртларда ифлос тўшакдан ҳориб-чарчаб туришар, бош оғриғига сельтер сув<sup>2</sup>, қаҳва ичишар, енгил уй кийими – кофта ва халатда хонама-хона кезишар, дераза пардаси орасидан мўралашишар, ланж бўлиб бир-бирлари билан жанжаллашишар, кейин ювиниб-тараниб, баданларига, сочларига мой суртишар, устларига атир сепишар, кўйлак ўлчашар, кўйлак учун бека билан таллашиб-тортишишар, ўзларини ойнага солишар, юзлари, қошларини бўяшар, ширин, ёғлиқ овқатлар ейишарди, кейин бадани кўриниб турадиган ҳарир шоҳи кўйлак кийиб, безатилган, ёруғ залга чиқишарди, меҳмонларни кутиб олишар, мусиқа, рақслар бошланар, конфетлар еб, вино ичишар, тамаки чекишарди. Кейин ёшлар билан ўрта яшарлар ва она сути оғзидан кетмаганлар, қариб-чириб қолган қариялар, бўйдоқлар ва хотин, бола-чақалилар, савдогарлар,

<sup>1</sup> Фай – бир турли шойи ёки шув гизлама.

<sup>2</sup> Сельтер суви – Голландиянинг минерал (меъданли) суви.

приказчиклар<sup>1</sup>, арманлар, яхудийлар, татарлар, бойлар, камбағаллар, соғлар, касаллар, мастлар, хушёрлар, қўрс одамлар, нозик табиатлилар, ҳарбийлар, оддий кишилар, талабалар, гимназистлар – хуллас, ҳар хил тоифадаги, турли ёшдаги ва феълдаги одамлар билан зино қилишарди. Оқшомдан тонг отгунча шовқин-сурон, ҳазил-мутойиба, муштлашиши мусиқа, тамаки-ю вино, вино-ю тамаки. Фақат эрта-лаб шулардан кутулиб қаттиқ уйкуга кетишарди. Ҳафтанинг ҳар бир куни аҳвол шу эди. Ниҳоят, ҳафтанинг сўнгги кунларида давлат маҳкамасига – участкага боришарди. Бу ерда давлат хизматида турган амалдорлар – эрмак докторлар баъзан жиддийлик билан, баъзида эса фақат инсонларнигина эмас, ҳатто ҳайвонларни ҳам жинойтдан сақловчи шарм-ҳаёни йиғиштириб қўйиб, эрмак қилиб кулишиб, шу хотинларни кўриқдан ўтказар ва уларга шериклари билан биргалликда бир ҳафта давомида қилган ўша жинойтларини яна давом этиришлари учун патент<sup>2</sup> беришарди. Ҳафта кетидан ҳафталар шу зайлда ўтаверарди. Ҳар куни, ёзин-қишин, Худонинг берган куни аҳвол шу эди.

Маслова етти йил шу зайлда кун кечирди. Бу вақт ичида у фоҳишахонани икки марта ўзгартирди, бир марта касалхонада ётиб чиқди. Фоҳишахонага келганига етти йил, биринчи бор йўлдан озганига саккиз йил бўлди деганда, йигирма олти ёшида уни қамоққа олишди, кейин қотиллар ва ўғрилар орасида олти ой тургандан кейин уни судга олиб кетишди.

<sup>1</sup> **Приказчик** (русча) – 1) савдогарларга ёлланган ва уларнинг савдо-сотик ишларини олиб борган хизматчи; 2) помешчикнинг ер-мулкани бошқарувчи, хўжалик ишларини бажарувчи хизматчи (бу ерда шу маънода).

<sup>2</sup> **Патент** (лотинча: patens, patentis – аниқ, очик) – 1) ихтирочига давлат патент идораси томонидан бериладиган, унинг ўз ихтиросига муаллифлиги ва мутлақ ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат; 2) савдо-сотик ёки бирор касб-ҳунар билан шугулланиш учун руҳсат берилганлиги ҳақидаги ҳужжат.

### III

Узоқ йўл юриб чарчаган Маслова конвойлар билан вилоят судига яқинлашганда, ўша бекаларнинг жияни, уни йўлдан оздирган ўша князь Дмитрий Иванович Нехлюдов ҳамон пружинали<sup>1</sup> баланд ва юмшоқ паркув тўшак устида, кўкрак бурмалари дазмолланган голландча ич кўйлагининг ёқасини очиб, папирос чекиб ётарди. У кўзини бир нуқтага тикканича кеча нима бўлганлиги ва бугун нима қилиши кераклиги устида бош қотирарди.

У бадавлат ва номдор Корчагинларникида ўтказган кечаги окшомни эслар экан, бир хўрсиниб қўйди. Ҳамма уни Корчагинларнинг қизига уйланади, деб ўйлар эди. Нехлюдов папирос қолдиғини ташлаб, кумуш портсигардан<sup>2</sup> иккинчи папиросни олмоқчи бўлди-ю, аммо бу фикридан қайтди ва оппоқ, силлиқ оёғини каравотдан осилтириб туфлисини топди, тўладан келган кифтига шоҳи халат ташлади-да, тез ва гурс-гурс қадам ташлаб, ётоқхонага ёндошган эликсир<sup>3</sup>, атир, фиксатуар<sup>4</sup> ва атир ҳидлари анкиб турган хонага чиқди. Нехлюдов кўп ерига пломба<sup>5</sup> қўйилган тишларини алоҳида кукун билан тозаллади, гулоб билан оғзини чайди. Кейин ҳамма ёғини ювиб, ҳар хил сочиқ билан артина бошлади. Атирсовун билан қўлларини ювиб бўлгач, узун тирноқларини чўтка билан эринмай тозаллади, катта мрамар умивальникда<sup>6</sup> юзини ва йўгон бўйнини ювиб олди-да, ётоқхона ёнидаги учинчи хонага кириб кетди. У ерда душ тайёрлаб қўйилган эди. Бунда у сергўшт, семиз, оппоқ баданига совуқ сув қуйиб, пахмоқ чойшаб билан артиниб, дазмоллаб

<sup>1</sup> Пружина (русча) – қисилганда ҳосил бўладиган эластик куч ҳисобига механик энергия ҳосил қиладиган ва турткиларни юмшатадиган деталь.

<sup>2</sup> Портсигар (французча: porte – олиб юрмоқ, sigares + сигарет) – сигара ёки папирос солиб юриладиган қутича; папирос қутиси.

<sup>3</sup> Эликсир (арабча) – 1) ўрта аср кимёгарлари наздида, умрни узайтирувчи ҳаёлий ичимлик, об-ҳаёт; 2) ўсимлик моддаларининг спирт, кислота ва бошқаларда тайёрланган дамлама ёки экстракти. Тиббиёт ва косметикада ишлатилади.

<sup>4</sup> Фиксатуар – сочни силлиқлаш учун суртиладиган помада, мой (тарж.).

<sup>5</sup> Пломба – тишдаги қавакни тўлдириш учун ишлатиладиган модда.

<sup>6</sup> Умивальник (русча) – юз-қўл ювиш учун мўлжалланган жўмракли қурилма.

тайёрлаб қўйилган кийимларини, ойнадек ярқираб турган ботинкасини кийди, ойна ёнига ўтириб олиб иккита чўтка билан калтагина қора жингалак соқолини, бошининг олд қисмидаги сийраклашиб қолган жингалак сочларини тарай бошлади.

Унинг ҳамма нарсаси – ички кийимлари, уст-бошлари, ботинкаси, галстуки, тўғнағичи, запонкаси<sup>1</sup> кўза ташланмайдиган, оддий, пишик, қимматбаҳо нарсалар эди.

Нехлюдов ўнларча галстук ва тўғноғичлар орасидан қўлига илинганини олиб – булар ўнга бир вақтлар янги ва антиқа нарсаларга ўхшаб туюлар, ҳозир эса барибир эди – тозалаб стулга тахт қилиб қўйилган кўйлакни кийди-да, ранги тоза бўлмаса-да, ҳар қалай, озода кийимда, хушбўй ҳидлар таратиб, узун емакхонага кирди. Емакхонанинг паркет<sup>2</sup> полини кеча учта деҳқон ишқалаб ювиб қўйган эди. У ерда баҳайбат қарағай буфет<sup>3</sup> ва оёқлари шер панжасига ўхшаган, ўймакор, икки ёққа суриладиган катта серҳашам стол турарди. Четига катта-катта вензеллар<sup>4</sup> тикилган, крахмалланган юпка дастурхон ёйилган стол устида қаҳва ҳиди гуркираб турган кумуш қаҳвайник, худди шунақа қанддон, қаймоқ солинган қаймоқдон ва юмшоқ кулча, сухари, бисквит<sup>5</sup> солинган саватча турар эди. Асбоб-анжомлар ёнида янги келган хатлар, газеталар ва «Revue des deux Mondes»<sup>6</sup> деган янги китоб ётарди. Нехлюдов хатларни ўқимоқчи бўлиб турган ҳам эдики, йўлакка чиқиладиган

<sup>1</sup> Запонка (русча: запона – металл тўғноғич) – эркаклар, шунингдек, аёллар кўйлагининг енгига ёки бўйинбоғига тақиладиган безакли тўғнағич.

<sup>2</sup> Паркет (французча: parquet) – турар-жой ва жамоат бинолари поллариغا қоплаш учун мўлжалланган юпка тахтача ёки шундай тахтачалардан қилинган пол.

<sup>3</sup> Буфет (французча: buffet – стол) – 1) идиш-товоқ, мева-чева, ичимлик ва шу кабилар сақланадиган махсус жавон (шкаф) (бу ерда шу маънода); 2) катта ошхона ва ресторанлар, муайян корхоналар қошида ташкил этиладиган, енгил-сипи овқатланиш учун мўлжалланган дўкон; тамаддихона.

<sup>4</sup> Вензель – исм ва фамилия бош ҳарфларини бир-бирига чирмаштириб тузилган безак.

<sup>5</sup> Бисквит (французча: biscuit) – 1) қандолатчилик маҳсулоти; ун, ёғ, шакар, тукум, сут ва бошқа масаллиқлардан тайёрланадиган пишириқ тури. Махсус шакллардаги қолип идишларда пиширилади.

<sup>6</sup> «Revue des deux Mondes» (французча) – «Икки олам таҳлили» – 1830-йилда ёзилган, лекин муаллиффи номмаълум асар.

эшиқдан қора кийим кийган, бошига қинғир-қийшиқ фарқини бекитиб турган безакли тўр таплаган семиз кампир кириб келди. У Нехлюдовнинг якингинада шу уйда вафот этган марҳум онасининг оқсочи Аграфена Петровна эди. Энди у Нехлюдовнинг иқтисодчиси эди.

Аграфена Петровна турли вақтларда Нехлюдовнинг онаси билан чет элларда ўн йил яшаб келган, қиёфаси ҳам, юриш-туриши ҳам бекасиникига ўхшарди. У Нехлюдовлар уйида болалиқ чоғидан яшаб келар ва Дмитрий Ивановични гўдақлик чоғиданоқ, Митенькалик вақтиданоқ биларди.

– Салом, Дмитрий Иванович.

– Салом, Аграфена Петровна. Қандай янгиликлар бор? – деб сўради Нехлюдов ҳазиломуз.

– Княгиняданми<sup>1</sup>, княжнаданми<sup>2</sup>, кимдандир хат бор. Боя оқсочи келтирган эди. Менинг хонамда кутиб ўтирибди, – Аграфена Петровна хатни узата туриб маънодор жилмайиб қўйди.

– Хўп, ҳозир, – деди Нехлюдов хатни олиб. Аграфена Петровнанинг жилмайганини кўриб, ковоғини солди.

Аграфена Петровнанинг табассуми хат княжна Корчагинадан эканлигини, Аграфена Петровнанинг фикрига қараганда, Нехлюдов княжнага уйланмоқчилигини кўрсатарди. Аграфена Петровнанинг ўсмоқчилаб кулиб туриши Нехлюдовга ёқмади.

– Оқсочга, кутиб турар экансиз, дейман-да, – Аграфена Петровна стол устини супурадиган чўтка ўз жойида турмаганини кўриб бошқа жойга олиб қўйди-да, емакхонадан чиқиб кетди.

Нехлюдов Аграфена Петровна берган, атир иси анқиб турган хатни очиб ўқий бошлади.

*«Сизнинг хотира дафтарингиз бўлишни ўз зиммамга олганим учун, – деб шошилиб ёзилган эди четлари текисланмаган бир варақ кулранг қалин қозоғза, – шу нарсани сизга эслатиб ўтмоқчиманки, сиз шу йил, 28-апрель куни масла-*

<sup>1</sup> Княгиня – князнинг хотини.

<sup>2</sup> Княжна – князнинг турмушга чиқмаган қизи.



хатчи сифатида судда бўлишингиз керак. Кеча ўзингизга хос енгилтаклик билан бизлар ва Колосов билан бирга сурат томоша қилгани боришга ваъда қилган эдингиз, энди боришингизнинг иложи йўқ; судга вақтида етиб бормаганингиз учун *à moins que vous ne soyes disposé payer à la cour d'assises les 300 roubles d'amend, que vous vous refusez pourvotre cheval*<sup>1</sup>. Кеча сиз жўнаб кетган заҳоти эсимга тушди. Эсингиздан чиқмасин тагин.

Кн. м. Корчагина».

Қоғознинг иккинчи бетига шундай деб қўшимча қилинган эди:

*«Maman vous fait dire que votre couvert vous attendra jusqu'a la nuit. Yenez absolument a 'quelle heure que cela soit*<sup>2</sup>

М. К.

Нехлюдов пешонасини тириштирди. Бу хат княжна Корчагинанинг икки ойдан буён усталик билан олиб бораётган ишининг давоми эди, княжна Нехлюдовни аста ўзига ром қилиб, ипсиз боғлаб қўйган эди.

Нехлюдов ҳозир ўзи истаса ҳам, княжнага уйланишни таклиф этолмас, чунки буни амалга оширолмаслигига, ёши ўтиб қолган, жон-дилидан севмаган кишиларга хос сусткашликдан ташқари, яна бир сабаб бор эди. Бунга сабаб, бундан ўн йил муқаддам Катюшани йўлдан оздириб, кейин ташлаб кетгани эмас. Йўқ, буни у бутунлай унутиб юборган ва уйланишимга ғов бўлади, деб хаёлига ҳам келтирмасди; бу сабаб шундан иборат эдики, Нехлюдов бир эрли хотин билан алоқада эди, кейин бу алоқани у узган бўлса-да, лекин аёл алоқани ҳали узилган деб ҳисобламас эди.

<sup>1</sup> *À moins que vous ne soyes disposé payer à la cour d'assises les 300 roubles d'amend, que vous vous refusez pourvotre cheval (французча)* – От сотиб олашга кўзингиз киймаган 300 сўми, округ судига штраф тўлашга кўзингиз учмаётган бўлса, албатта.

<sup>2</sup> *Maman vous fait dire que votre couvert vous attendra jusqu'a la nuit. Yenez absolument a 'quelle heure que cela soit (французча)* – Ойимлар идиш-товоклар сиз учун тахт туражагини айтишни топширдилар. Фурсат топсангиз, албатта.

Нехлюдов хотин-қизлар билан муомала қилганда жу-да тортинчоқ эди. Унинг ана шу тортинчоқлиги ўша эрли аёлда Нехлюдовни ўзига ром қилиб олиш истагини кўзгаган эди. Бу аёл уезд<sup>1</sup> оқсоқолининг хотини эди. Нехлюдов ўша уездга дворянлар<sup>2</sup> оқсоқоли сайловига борган эди. Аёл уни шундай алоқага жалб қилдики, натижада Нехлюдов бутун эхтироси билан унга берилиб кетди, лекин бу алоқа борган сари уни жиркантирарди. Дастлаб Нехлюдов нафсини тиёлмади, кейин эса ўша хотин олдида ўзини гуноҳдор ҳисоблаб, унинг розилигисиз алоқасини узиб кетолмади. Худди мана шунинг учун ҳам Нехлюдов ҳатто Корчагинага уйланмоқчи бўлган тақдирда ҳам, бунга ҳаққим йўқ, деб ҳисобларди.

Столда худди шу хотиннинг эридан келган хат ётарди. Унинг қўли билан ёзилган хатни, устига босилган муҳрни кўриб Нехлюдов кип-қизариб кетди, кучига куч қўшилгандек бўлди. Одатда, хавф-хатар туғилганда у ўзини шундай ҳис қиларди. Лекин беҳудага ҳаяжонланган экан: ўйнашининг эри, Нехлюдовнинг асосий ер-мулки жойлашган уезд дворянларининг оқсоқоли, май ойининг охирларида шошилинч суратда земство<sup>3</sup> мажлиси чақирилаётганлигидан Нехлюдовни хабардор этиб, албатта, етиб келишни ва земство мажлисида кўриладиган масалаларда *donner un coup d'épaule*<sup>4</sup> сўрабди. Земство мажлисида мактаб ва йўл қурилиши масалалари кўрилиши кўзда тутилиб, реакцион партиянинг<sup>5</sup> қаршилиқ қилиши кутилди.

Дворянлар оқсоқоли либерал<sup>6</sup> одам бўлиб, бир неча

<sup>1</sup> Уезд (*русча*: ездъ – йўл; кўча; юриш) – Чор Россиясида ва собиқ Иттифоқда 1929-йилгача губерна таркибдаги маъмурий-худудий бўлинма.

<sup>2</sup> Дворянлар – Ғарбий Европада феодализм ва капитализм даврларида хизмат кўрсатиб, мартаба орттирган помещчик ва мулкдорлар, уларнинг аслэодларидан ҳамда подшоҳга хизмат кўрсатиб, мартаба орттирган амалдорлардан иборат ҳуқуқрон, имтиёзли табақа; оқсуяклар, зодагонлар.

<sup>3</sup> Земство (*русча*) – Чор Россияси ва Собиқ Иттифоқда сайлаш йўли билан шакллантириладиган маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ташкилоти (тарж.).

<sup>4</sup> *Donner un coup d'épaule* (*французча*) – қўллаб-қувватлашни.

<sup>5</sup> Реакцион партия – партия манфаатлари учун қурашувчи, эски тартибларни сақлаб қолишга ёки тиклашга уринувчи партия.

<sup>6</sup> Либерал (*лотинча*: liberalis) – Ғарбий Европа мамлакатларида XVIII асрларда пайдо бўлган ва мутлақ ҳокимликка, феодализмга қарши қаратилган, фуқаровий,

маслакдошлари билан биргаликда Александр III даврида юз берган реакцияга қарши кураш олиб борар ва бу ишга шу қадар берилиб кетган эдики, ўзининг бахтсиз оилавий ҳаётидан бутунлай беҳабар эди.

Нехлюдов шу киши туфайли бошидан кечирган барча оғир дамларни: бир куни эри билиб қолди деб ўйлаб, у билан дуэль қилишга ҳозирланганини ва бу дуэлда осмонга қаратиб ўқ узишга аҳд қилганини ҳамда у хотиннинг умидсизланиб, ўзини сувга ташламоқчи бўлиб боғга, ҳовуз томонга югуриб чиққанини, ўзи уни қидириб юрганини эслади. «То у жавоб қайтармагунча бора олмайман ҳам, бирон иш қилолмайман ҳам», – деб ўйлади Нехлюдов. Нехлюдов бундан бир ҳафта муқаддам унга узил-кесил хат ёзиб, ўзининг гуноҳкорлигини, гуноҳини ювиш учун ҳар нима қилишга тайёрлигини, лекин, ҳар ҳолда, унинг бахт-саодати учун алоқани биратўла узиш кераклигини билдирган эди. У ана шу хатга жавоб кутар, жавобдан эса дарак йўқ эди. Жавоб йўқлиги бир ҳисобда яхшилик аломати эди. Агар аёл алоқанинг узилишига рози бўлмаганда аллақачон ёзиб юборган ёки илгаригидек, ўзи етиб келган бўларди. Нехлюдов у ёқда ҳозир қандайдир бир офицер яшаётганини ва у хотинга айланишаётганини эшитган эди. Бу хабар уни гоҳ рашк ўтида ёндириб азобга соларди, гоҳ ёлғон гапиришдан кутулдим, деб севинарди.

Иккинчи хат ўз ер-мулкини бошқарувчидан эди. Бошқарувчи, меросхўрлигингизни мустаҳкамлаш учун, албатта, ўзингиз келишингиз зарур. Бундан ташқари, хўжаликни қандай олиб бориш керак, мархума княгиня давридагидек олиб бориладими, ёки мен бир вақтлар мархума княгиняга таклиф этганим, энди сиз ёш князга таклиф этаётганим усулда, яъни асбоб-ускуналарни кўпайтириб, дехқонларга улашиб берилган ерларни ўзимиз ишлаймизми, шу масалани ҳам ҳал қилмоқ зарур, деб ёзган эди. Бошқарувчи ердан шу тариқа фойдаланиш анча қулай бўлади, деб ёзган эди. Шу билан бирга, бошқарувчи одат бўйича ойнинг биринчи куни

---

сиёсий, иқтисодий эркинликларни талаб қилган ғоявий ва ижтимоий-сиёсий гунаҳдор.

юбориши лозим бўлган уч минг сўмни бирмунча кечикиб юбораётгани учун узр сўраган эди. Шу пуллар кейинги почта билан юборилар экан. Кечикиб қолганининг сабаби шу эканки, деҳқонлардан йиғиб олиш жуда қийин бўлибди. Деҳқонлар шу қадар ноинсоф бўлиб кетишибдики, улардан пул ундириш учун бошқарувчи ҳукумат идораларига мурожаат қилишга мажбур бўлибди. Бу хат Нехлюдовга ҳам ёқар, ҳам ёқмас эди. Катта хўжаликнинг эгаси эканлиги унга ёқарди. Ёмон томони шу эдики, Нехлюдов катта ер эгаси бўла туриб, ёшлик чоғлариданоқ Герберт Спенсернинг<sup>1</sup> мужлиси эди, Спенсер ўзининг «Social statics»<sup>2</sup> деган асарига адолат ерга хусусий эгаллик қилишга йўл қўймайди, деб даъво қилган, бу эса Нехлюдовни ҳайратда қолдирганди. У ёшликка хос самимийлик ва қатъият билан, ер хусусий мулк бўлиши мумкин эмас, деб гапирибгина қолмасдан, университетда шу ҳақда илмий асар ёзиш билангина кифояланмасдан, ўша вақтда буни амалга ҳам оширган, ўз эътиқодига хилоф қилмаслик, ер-мулкка эга бўлмаслик учун биров ерни (онасига дахли бўлмаган, отасидан ўзига мерос қолган ерни) деҳқонларга бўлиб берган эди. Энди мерос қолиб, катта ер эгаси бўлиб олгач, у икки йўлдан бирини танлаши лозим эди; ё бундан ўн йил муқаддам отасидан қолган икки юз ботмон ерни инъом қилганидек, ер-мулкидан воз кечиши ёки олдинги фикрининг хато ва нотўғрилигига иқрор бўлиб, индамай юравериши керак эди.

Биринчисини қила олмасди, чунки кун кечириши учун ердан бошқа моддий бойлиги йўқ эди. У хизмат қилишни истамас, бунинг устига у роҳатда яшаб ўрганиб қолган ва бу одатларни тарқ этишга кўзи қиймас эди. Бунинг ҳожати ҳам йўқ эди, чунки, энди унда ёшлигидаги қатъийлик, эътиқод кучи ва одамларни ҳайрон қолдириш истаги ва ғурурдан асар ҳам қолмаган эди. Иккинчидан эса, ерга хусусий эгаллик қилишнинг қонунсизлиги ҳақида Спенсернинг «Ижтимоий

<sup>1</sup> Герберт Спенсер (1820-1903) – инглиз файласуфи ва социологи, позитивизм асосчиларидан бири. «Синтетик фалсафа тизими» асарининг муаллифи.

<sup>2</sup> «Social statics» (французча) – «Ижтимоий статистика».

статистика» китобида келтирилган ўша ёрқин, шак-шубҳасиз далилларидан воз кеча олмас эди. Нехлюдов кейинчалик, Генри Жоржнинг<sup>1</sup> асарларида бу фикрларини тасдиқловчи аниқ далилларни тошган эди.

Мана шунинг учун ҳам бошқарувчининг хати унга ёқмаган эди.

#### IV

Нехлюдов қаҳва ичиб бўлгач, кабинетига кирди, таклиф қоғозини кўздан кечириб судга соат нечага чақирганларини билмоқчи ва княжнага жавоб ёзиб юбормоқчи бўлди. Кабинетга устахона орқали ўтиларди. Устахонада янги бошланган, орқаси ўтириб қўйилган расм мольберт<sup>2</sup> устида турар, этюдлар<sup>3</sup> осиб қўйилган эди. Икки йилдан бери у шу расм устида ишлар эди, бу расм, этюдлар ва устахонанинг кўриниши унга, айниқса, кейинги вақтларда рассом бўлишига ишончи йўқола борганини эслатди. Нехлюдов буни ғоятда нозик ривожланган эстетик туйғу натижаси деб тушунар, лекин шу фикр унинг кўнглини ғаш қилар эди.

Нехлюдов етти йил муқаддам, менда рассомлик истеъдоди бор, деб ўйлаб, хизматни ташлаган ва санъатнинг юксак чўққисидан туриб, бошқа ишларга менсимаслик билан қараган эди. Энди маълум бўлдики, бундай қилишга унинг ҳақи йўқ экан. Шунинг учун ҳам бу гап эсига тушганда кўнгли ғаш бўлар эди. Нехлюдов устахонадаги барча ҳашаматли асбоб-анжомларга қараб, дилсиёҳ бўлди, диққати ошиб кабинетга кирди. Каттагина кабинет ҳар турли

<sup>1</sup> **Генри Жорж** (1839-1897) – америкалик сиёсий иқтисодчи. Жоржизм ғоясининг муаллифи. Бу ғоя кўра, ҳар бир одам фақат ўзи яратган нарсага эгаллик қилиши керак, лекин табиий ҳолда мавжуд бўлган нарсалар ҳаммага баробар.

<sup>2</sup> **Мольберт** (немисча: Malbrett – рассом тахтаси, сурат ўрнатиладиган тахта) – рассом асар ишлаш жараёнида картина, расм ва шу кабиларни ўрнатадиган, одатда, ёғочдан тайёрланган уч оёқли мослама, таглик (тўрж.).

<sup>3</sup> **Этюд** (французча; айнан мишқ, ўрганиш) – 1) тасвирий санъатда борлиқ (ятура)дан уни ўрганиш мақсадида яратилган асар; 2) мусиқада чолғу ижрочилигининг муайян техник усулини қўлланга асосланган ва созанданинг малакасини оширишга мўлжалланган пьеса.

жиҳозлар билан безатилган эди.

Нехлюдов каттакон столнинг шошилинич ишлар тортмасидан чақирув қоғозини топди, ўқиб, судга соат ўн бирга чақирилганини билди, сўнгра ўтириб княжнага хат ёзди ва таклиф қилганлари учун миннатдорчилик билдириб, овқат маҳалига етиб боришга ҳаракат қилишини билдирди. Лекин битта хатни ёзиб бўлди-да, йиртиб ташлади: назарида, ўзини жуда яқин олиб ёзгандек туюлди; яна бошқасини ёзди – буниси жуда совуқ, ҳақоратомуз бўлиб кўринди. У яна йиртиб ташлаб, девордаги тугмани босди. Эшик очилиб кулранг қалин сурпдан фартук кийган, сокол-мўйлови қиррилган, бакенбард<sup>1</sup> қўйган, бадқовок хизматкор кирди.

– Марҳамат қилиб, извош чақиртиринг.

– Хўп бўлади.

– Ҳа, айтгандай, бу ерда Корчагинларникидан келган одам кутиб ўтирибди. Раҳмат дедилар, боришга ҳаракат қилар эканлар, деб айтиб қўйинг.

– Хўп бўлади.

«Яхши бўлмади, ёза олмасам, нима қилай. Барибир, ҳали ўзини кўраман-ку», – деб ўйлади Нехлюдов ва кийиниш учун ичкари кириб кетди.

У кийиниб, зинапояга чиққанида резина ғилдиракли таниш извош уни кутиб турган эди.

– Кеча сиз князь Корчагинникидан энди чиқиб кетган экансиз, кетма-кет етиб келибман, – деди извошчи оқ ёқадан чиқиб турган, офтобда қорайган йўғон бўйинини буриб, – швейцар<sup>2</sup> менга: «Ҳозиргина чиқиб кетдилар», – деди.

«Корчагинларга бўлган муносабатимни извошчилар ҳам билишади», – деб ўйлади Нехлюдов. Кейинги вақтларда унинг бошини қотирган: Корчагинага уйлансаммикан, йўқми, деган муаммо олдига келиб қўндаланг бўлди. У шу кунларда ўз олдида турган кўпгина бошқа масалалар каби буни ҳам на у ёқли, на бу ёқли қила олмади.

<sup>1</sup> Бакенбард (голландча: bakkebaarden) – ҳар нқкала кулоқнинг олд ёнбошидан то нагигача бўладиган қисмидаги тўқлар.

<sup>2</sup> Швейцар – машҳур ресторан, меҳмонхона, музей ва бошқа шунга ўхшаш маиший жойларда меҳмонларни кутиб олиш ва кузатиб қўйиш учун маъсул ходим.

Уйланиш керак, деган фикрни ёқловчи бир қанча далиллар бор эди. Биринчидан, уйланиш тинч оилавий ҳаёт бағишларди. Шу билан бир вақтда, жинсий ҳаётни тартибга солиб ахлоқ доирасида яшашга имкон берар эди; иккинчидан ва энг муҳими, оила ва бола-чақа ҳозирги тугуриқсиз ҳаётимга маъно беради, деб умид қилар эди. Шуларнинг ҳаммаси уйланишнинг фойдали томонини кўрсатарди. Уйланишга қарши далиллардан бири – барча ёши улғайиб қолган буйдоқларга хос бўлган кўрқоқлик, эркни қўлдан бериб қўйишдан кўрқиш бўлса; иккинчидан, хотин кишидек сирли зотдан онгсиз равишда кўрқиш ҳисси эди.

Миссига уйланиш масаласига келганда эса (Корчагининг исми Мария бўлиб, барча олий табақа оилаларда расм бўлганидек, унга шундай лақаб қўйган эдилар), Нехлюдовга ёққан нарса. Биринчидан, унинг насл-насаби, ҳамма парсада, кийинишидан тортиб, гапириш, юриш-туриш қулишигача оддий одамлардан бирон бошқа нарса билан эмас, «андишалилиги» билан ажралиб туришида эди, Нехлюдов бу хислатига бошқача ном тополмас ва бу хислатнинг қадри-ни билар эди: иккинчидан эса, Мисси уни бошқалардан кўра кўпроқ кадрларди, демак, Нехлюдовнинг фикрича, уни яхши тушунарди. Миссининг шу тушунчаси, яъни Нехлюдовнинг юксак фазилатларга эга бўлганини эътироф этиши, унинг назарида, Миссининг ақлли, хушли, доно қиз эканини кўрсатарди. Миссига уйланишга қарши бўлган далиллар шулардан иборат эди: биринчидан, Миссидан кўра фазилатлари кўпроқ қизни, яъни ўзига муносиб қизни топиш мумкин; иккинчидан, Миссининг ёши йигирма еттида. Илгари у бошқа бир одам билан севишган бўлиши мумкин, деган фикр Нехлюдовни азобларди. У Мисси ўтмишда мендан бошқа одамни севган бўлиши мумкин деган фикрга чидай олмасди. Мисси уни учратиб қолишини олдин хаёлига ҳам келтирмаган, албатта, бу ойнадек равшан. Аммо, шунга қарамай, Мисси илгари бошқа одамни севган бўлиши мумкин, деган фикр Нехлюдовни таҳқирларди.

Уйланишни ёқлаб ва уйланишга қарши бўлган далиллар баравар эди. Шу сабабдан Нехлюдов ўзини-ўзи мазах



қилиб: – Мен буридан эшагиман<sup>1</sup>, – дерди. У ўз олдида турган икки боғ пичаннинг қайси бирини ейишини билмай, боши қотганича қолаверди.

«Хуллас, Марья Васильевнадан (уезд дворянлар оқсоқолининг хотинидан) жавоб олмагунимча, у билан ишни бир ёқли қилмагунимча, ҳеч нарса қила олмайман», деди у ўзига ўзи.

Бир қарорга келиш учун шопилмасам ҳам бўлади, шопилмаслик керак, деган фикридан ўзи мамнун бўлди.

«Хуллас, бафуржа ўйлаб кўраман», – деди у ўзига ўзи извош суднинг асфальтланган дарвозахонасига товушсизгина келиб тўхтаган пайтда.

«Жамоат ишларини қандай ҳалол бажариб келган бўлсам, ҳозир ҳам шундай қилишим керак. Шуниси ҳам борки, бу марокли иш», – деди у ўзига ўзи, сўнгра швейцар ёнидан ўтиб суд маҳкамасининг даҳлизига кирди.

## V

Нехлюдов кириб келганда суд маҳкамасининг йўлагиди ҳаракат кучайган эди.

Қоровуллар гоҳ елиб-югуриб, гоҳ оёқларини судраб юришар, юмушларни бажариб, қоғоз ташиб у ёқдан бу ёққа ҳарсиллаб чопишарди. Приставлар<sup>2</sup>, адвокатлар ва суд ходимлари гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа ўтиб туришар, арзгўйлар ва қамокқа олинмаган судланувчилар мунғайиб, девор бўйлаб санғиб юришар ёки кутиб ўтиришарди.

– Округ<sup>3</sup> суди қаерда? – деб сўради Нехлюдов қо-

<sup>1</sup> Бурядан эшаги (лотинча: *Asinus Buridani inter duo prata* – иккита майсазор орасидаги эшак) – иккита бир хил ижкониятга эга томондан биттасини танлай олмайдиганларга нисбатан ишлатиладиган ибора.

<sup>2</sup> Пристав (русча: приставить – қараб, назорат қилиб туриш учун қўймоқ, тайинламоқ) – Чор Россиясида кичикроқ ҳудуддаги маҳаллий полиция бошлиғи.

<sup>3</sup> Округ (русча: округ – теварак-атроф) – 1) баъзи давлатларда маъмурий-ҳудудий бирлик (бу ерда шу маънода); 2) йирик ҳудудий ҳарбий бирлашма, бўлирма;

3) вақтинчалик тuzилган ҳудудий бўлим; 4) ҳозирги вилоят бараваридаги ҳудудий бирлик, музофот.

ровуларнинг биридан.

– Сизга қайси бириси керак? Фуқаролар бўлими бор, суд палатаси бор.

– Мен маслаҳатчиман.

– Жиноят ишлар бўлими. Шунақа демайсизми. Бу ёққа, ўнг томонга юриб, кейин чапга бурилсангиз, иккинчи эшик.

Нехлюдов кўрсатилган томонга қараб кетди.

Ўша эшик ёнида икки киши кутиб турарди: уларнинг бири баланд бўйли барваста, очиқкўнгил савдогар эди, афтидан, тамадди қилиб, ичиб, ширакайф бўлиб олганга ўхшарди, иккинчиси яхудий гумашта эди. Нехлюдов уларнинг ёнига бориб, маслаҳатчилар уйи шу ердами деб сўраганда, иккаласи жуннинг нархи ҳақида сўзлашиб турган эди.

– Шу ерда, тақсир, шу ерда. Сиз ҳам бизга ўхшаган маслаҳатчимисиз дейман-а? – деб сўради очиқ кўнгил савдогар кулиб, кўз қисиб қўйиб. – Дуруст, биргалашиб заҳмат чекар эканмиз-да, – Нехлюдов «ҳа» дегандек бош ирғаб қўйгандан кейин, гапида давом этди, – иккинчи гильдия<sup>1</sup> савдогари Баклашов, – деди у юмшоқ, қисиб бўлмайдиган япалок қўлини узатиб, – заҳмат чекмоқ керак. Ким билан танишиш шарафига муяссар бўлдик?

Нехлюдов ўзини танитди-да, маслаҳатчилар хонасига кириб кетди.

Кичкинагина маслаҳатчилар хонасида турли тоифадан ўнтача одам бор эди. Ҳаммалари ҳам эндигина келган бўлиб, баъзилари ўтиришар, баъзилари юриб турар, бир-бирларини кўздан кечиришар эди. Улар орасида мундир<sup>2</sup> кийган истеъфога чиққан бир ҳарбий киши ҳам бор, бошқалари сюртук<sup>3</sup> ва пиджак<sup>4</sup> кийишган, фақат бир киши бурма

<sup>1</sup> Гильдия (*немисча*: Gilde – савдогар уюшмаси) – 10-15 кишидан иборат савдогар уюшмаси.

<sup>2</sup> Мундир (*французча*; аслаҳа-анжом кийинган, гўзал; кийим, либос) – ҳарбий ёки расмий форм; устки кийим.

<sup>3</sup> Сюртук (*французча*) – эркаларнинг тиззагача хеладиган бир томонлама ёки икки томонлама тугмаланадиган пальтоси.

<sup>4</sup> Пиджак (*инглизча*) – қайтарма ёқали, олди очиқ, тугмаланадиган калта уст кийим – эркалар костюмининг устки қисми.

камзул кийиб олган эди.

Бу вазифа маслаҳатчиларнинг кўпини ишдан қолдирган ва ўзларининг айтишларича, уларга малол келаётган бўлса ҳам, жамият учун зарур ишни қилаётганларидан бир қадар мамнун бўлганлари афтларидан билиниб турарди.

Маслаҳатчиларнинг баъзилари бир-бирлари билан танишиб олишиб, кимнинг кимлигини тусмоллаб билиб олиб, об-ҳаво ҳақида, баҳорнинг эрта келгани ҳақида, кўриладиган иш тўғрисида гаплашишарди. Нехлюдовни танимаганлар у билан танишиб олишга шошилар, афтидан, у билан танишишни ўзлари учун катта мартаба деб билар эдилар. Нехлюдов ҳамма вақт нотаниш одамлар мени шундай ҳурматлашлари зарур деб ҳисобларди. Агар ундан, нега ўзингни кўп кишилардан балеңд ҳисоблайсан, деб сўралса, у бунга жавоб бера олмас эди, чунки умрида бирор арзигули иш қилмаган эди. Инглиз, француз ва немис тилида яхши гапириши, ички ва устки кийимлари, галстук ва запонкаларининг энг асл ва қимматбаҳо нарсалар эканлиги, ўзини катта олиши учун сабаб бўла олмаслигини ўзи ҳам тушунарди. Аммо, шунга қарамай, у ўзини катта олар, мени иззат ҳурмат қилишларин лозим, деб ҳисоблар ва ҳурматини жойига қўйишмаса, ўзини тақдирланган деб биларди. Маслаҳатчилар хонасида ҳурмати жойига келтирилмаганидан кўнгли оғриди. Маслаҳатчилар орасида Нехлюдовнинг таниши чиқиб қолди. Бу Петр Герасимович (Нехлюдов унинг фамилиясини билмас ва билмаслиги билан мақтаниб ҳам юрарди), опасининг болаларини илгари ўқитган эди. Ана шу Петр Герасимович курсни тугатиб, эндиликда гимназияда дарс берарди. Нехлюдов уни бетакаллуфляги учун, қаҳқаҳлаб кулиши, опаси айтганидек, «адолатпарвар»лиги учун ёқтирмас эди.

– Э-ҳа, сиз ҳам қўлга тушибсиз-ку, – дея қаҳқаҳлаб кутиб олди Петр Герасимович уни. – Чап беролмабсиз-да?

– Чап беришни хаёлимга ҳам келтирганим йўқ, – деди Нехлюдов бирдан қовоғини солиб.

– Бу шон-шарафли иш, лекин ҳали шошмай туринг, оч қолганингиз устига яна уйқудан ҳам қолдиришсин, ана унда бошқача сайрайсиз! – деди Петр Герасимович аввал

гидан ҳам қаттиқроқ хахолаб.

«Бу попвачча<sup>1</sup> ҳозир мени сенсирашдан ҳам тоймай-ди», – деб ўйлади Нехлюдов ва қовоғини солиб, худди ҳамма кариндош-уруғлари ўлиб қолганидан эндигина хабар топган одамдек тумтайиб нари кетди ва жон-жаҳди билан алланарсаларни ҳикоя қилаётган сочи кирилган басавлатгина новча жаноб ёнига тўпланган одамлар тўдасига бориб қўшилди. Бу жаноб ҳозир фуқаро бўлимида бораётган суд иши ҳақида гапирар, ўзини бу ишни ипидан-игнасигача билиб олгандек қилиб кўрсатар, судьялар ва машҳур адвокатларни исми ва отасининг оти билан айтиб ҳикоя қиларди. У бир машҳур адвокат усталик билан ишни бошқача қилиб юборганини сўзларди. Натижада судлашган томонлардан бири – кекса бека, бутунлай ҳақли бўлишига қарамай, энди бекордан бекорга иккинчи томонга жуда кўп пул тўлашга мажбур бўлибди.

– Жуда уста адвокат! – деяр эди у.

Унинг сўзларига ҳурмат билан кулоқ солишарди, баъзилар ўз мулоҳазаларини қўшиб қўйишга уринишар, аммо у, ҳаммасини фақат ўзигина биладигандек, уларнинг гапини шартта бўларди.

Нехлюдов судга кеч келганига қарамай, кўп кутишга тўғри келди. Суд аъзоларидан бири ҳалигача етиб келмагани учун иш кўрилмай турар эди.

## VI

Раислик қилувчи барвақт етиб келди. У баланд бўйли, бакенбардига оқ туша бошлаган семиз киши эди. У уйланган бўлса-да, хотини сингари бузуки одам эди. Улар бир-бирларига халақит беришмасди. Бугун эрталаб у ёзда уйларида яшаган мураббия хотиндан хат олган эди. У хатида, жанубдан Петербургга ўтиб кета туриб, йўл-йўлакай бу шаҳарга тушишини, соат учдан олтигача «Италия» меҳмонхонасида

<sup>1</sup> Поп (юнонча) – православ черковнда рудониянинг расмий номларидан бири.

кутишини айтган эди. Шунинг учун ҳам раис бултур ёзда дачада дон олишган ўша малла Клара Васильевнани соат олтигача бориб кўришга улгуриш мақсадида бугунги мажлисни тезроқ бошлаб, эртароқ тугатиш пайида эди.

Суд раиси кабинетига киргач, эшикни ичидан бекитди-да, қоғозлар сақланадиган жавоннинг пастки каватидан иккита кадоқ тошни қўлига олиб, йигирма марта баланд кўтарди, олдинга чўзди, ёнга ёйди ва пастга туширди. Кейин кадоқ тошни боши тепасида тутгани холда уч марта ўтириб турди.

«Одамни соғлом қилишда совуқ сувда ювиниш билан гимнастикага етадигани йўқ», – деб ўйлади у ён бармоғига олтин узук тақилган чап қўли билан ўнг қўлининг туртиб чиққан мушагини ушлаб. У энди қўлидаги кадоқ билан ҳавода ярим доира чизмоқчи бўлиб турган ҳам эдики (узокка чўзиладиган мажлиста кириб ўтиришдан олдин, у шу икки машкни қиларди), аллаким эшикни итарди. Раис шошиб-пишиб кадоқ тошни жойига қўйди-да, эшикни очди.

– Кечирасиз, – деди у.

Хонага суд аъзоларидан бири – олтин кўзойнак таққан, ўрта бўйли, бир кифти кўтарилган, ковоғи солиқ киши кирди.

– Матвей Никитичдан яна дарак йўқ, – деди суд аъзоси норозилик билан.

– Ҳалигача келмади, – дея жавоб берди раис мундиряни кия туриб. – Доим кечиккани-кечиккани.

– Уялмаганига ҳайронман, – деди суд аъзоси ва папиросини олар экан жаҳл билан ўтирди.

Жуда батартиб бўлган бу суд аъзоси бир ойга деб берган пулини вақтидан илгари сарфлаб қўйгани учун шу бугун эрталаб хотини билан уришиб чиққан эди. Хотини олдиндан яна пул бериб туришини сўраган эди, у айтганим-айтган деб ўз сўзида туриб олди. Шу билан жанжал кўтарилди. Хотини, агар шундай бўладиган бўлса, овқат пиширмайман ҳам, уйда овқатланаман деб ўйламагин ҳам, деди. Хотинидан ҳар нарсани кутиш мумкин эди, шунинг учун у, оббо, энди айтганини қилмаса эди, деб қўрқиб уйдан чиқиб

кетган эди. «Шу ахволда одоб ва ахлоқ доирасидан чиқмай яшаб кўр-чи», – деб ўйларди. У, тирсақларини кериб, чиройли, оппоқ бармоқлари билан оқ оралай бошлаган қуюқ ва узун бакенбардини тик ёқасининг икки томонига тараётган, чертса икки бетидан қон томадиган, хушчақчақ ва очик-кўнгилли раисга қараб ичида: «У ҳамма вақт мамнун ва хурсанд, мен эса азоб ичидаман», – деб қўйди.

Шу пайт аллақандай бир ҳужжатни кўтариб котиб кириб келди.

– Ғоятда сиздан миннатдорман, – деди раис ва папиросни ёндирди. – Қайси ишни олдин кўрамыз?

– Менингча, заҳарлашни, – деди котиб бепарводек кўриниб.

– Яхши, заҳарлашни бўлса, заҳарлашни-да, – деди раис, бу ишни соат тўртгача тамомлаб, кейин кетиш мумкин деб ўйлаб. – Матвей Никитич ҳали келгани йўқми?

– Келгани йўқ.

– Бреве-чи?

– Шу ерда, – деб жавоб берди котиб.

– Кўриб қолсангиз, айтинг: заҳарлашдан бошлаймиз дег.

Бреве шу суд мажлисида қораловчилик қиладиган прокурор ёрдамчиси эди.

Котиб йўлакка чиққанда Бревени учратди. У мундирининг тугмаларини солмаган, портфелини қўлтигига қис-тириб олган, кўкрагини кериб, пошнасини дўқиллатиб, буйинини чўзиб, бўш қўлини кескин силкиб йўлакда шахдам юриб келмоқда эди.

– Михаил Петрович сиздан тайёرمىсиз деб сўрагин деган эдилар, – деди котиб унга.

– Албатта, доим тайёрман, – деди прокурор ёрдамчиси. – Қайси иш олдин кўрилар экан?

– Заҳарлаш.

– Жуда соз, – деди прокурор ёрдамчиси, аммо, аслида, бунини жуда соз эмаслигини биларди, чунки тун бўйи ухламаган эди. Улар бир ўртоқларини кузатишиб, жуда кўп ичишган, соат иккигача қарта ўйнашган, кейин хотинлар

ёнига, бундан олти ой муқаддам Маслова яшаган уйга бо-ришган эди. Шунинг учун ҳам заҳарлаш ҳақидаги иш билан танишиб чиқишга қўли тегмаган, энди бир кўз югуртириб чиқмоқчи эди. Котиб эса унинг заҳарлаш ҳақидаги иш билан танишмаганлигини била туриб, атайлаб раисга шу ишни олдин кўришни маслаҳат берган эди. Котиб либерал, ҳатто кескин чоралар кўриш тарафдори бўлган киши эди. Бреве эса аксил ҳаракатчи ва Россияда хизмат қилаётган барча немислар сингари православияга<sup>1</sup> содиқ эди. Шу сабабдан котиб уни ёмон кўрар ва унинг мансабига ҳасад қиларди.

– Одам бичиш иши-чи? – деб сўради котиб.

– Ҳозир кўролмаймак дедим-ку, – деди прокурор ёрдамчиси, – гувоҳлар бўлмаганидан кейин нима қиламиз, судга ҳам худди шундай дейман. Бошқа ҳеч иложи йўқ, вассалом!

– Ахир, барибир...

– Бўлмайти, – деди прокурор ёрдамчиси ва боягидек қўлларини силкитиб кабинетига кириб кетди.

У скопецлар<sup>2</sup> ҳақидаги ишни арзимаган ва кераксиз гувоҳнинг келмаганини баҳона қилиб, жўртгага орқага сурарди, чунки бу иш зиёли маслаҳатчилар иштирокида кўриладиган бўлганидан, скопецлар оқланиб кетиши мумкин эди.

Раис билан гапни бир жойга қўйиб, ишни уезд шаҳри сессиясига ўтказишга қарор қилган эдилар, зеро у ерда кўпчилик деҳқонлар бўлгани учун судланувчиларни қоралаш осонроқ бўлар эди.

Йўлақдан у ёқдан-бу ёққа тез-тез юра бошладилар. Айниқса, фуқаролар бўлими зали ёнида, яъни бояги суд ишларининг ишқибози бўлган басавлат жаноб ҳикоя қилган иш кўриладиган зал ёнида одам кўп эди. Танаффус пайтида шу залдан ўша кампир чиқди. Бояги машҳур адвокат кампирнинг мол-мулкини бир мулкдорнинг фойдасига ҳал қи-

<sup>1</sup> **Православия** (русча; тўғрилиққа эътиқод) – христиан динининг асосий оқим (мизҳаб)ларидан бири. XI асрда Византияда шаклланган шарқий христианлик (эътиқоддаги маълум қарашлар бўйича Ғарбдаги католицизмдан фарқ қилади).

<sup>2</sup> **Скопецлар** – бичилган одамлар.



либ берган эди. Мулкдорнинг бу мол-мулкка ҳеч қанақа ҳақи йўқ эди. Буни судлар ҳам, даъвогар ҳам, айниқса, адвокатнинг ўзи ҳам жуда яхши билишарди, аммо улар ишни шундай олиб борган эдиларки, кампирнинг мол-мулкини тортиб олиб, мулкдорга бермасликнинг иложи йўқ эди. Кампир яхши кийинган, шляпасига каттакон гул таққан семизгина хотин эди. У эшикдан чиқиб, йўлакда тўхтади-да, семиз, қалта қўлларини кериб, ўз адвокатига қараб, ҳадеб:

– Бу қандай гап, ахир? Худо хайрингизни берсин! Ахир, бу қандай гап? – дер эди. Адвокат эса унинг шляпасидаги гулга тикилганича, гапига қулоқ солмай, алланима тўғрисида бош қотирарди.

Кампирнинг кетидан фуқаролар бўлими залининг эшигидан олди очиқ жилети ичидан кўриниб турган крахмалланган кўйлагини кўз-кўз қилиб, ўша машҳур адвокат чиқиб келди; у гул таққан кампирни шипшийдам қилиб, ўзига ўн минг сўм берган мулкдорни юз мингдан ортиққа эга қилганидан ғоятда мағрур кўринарди. Барча кўзлар адвокатга тикилди, у буни сизди-да, гўё бутун кўриниши билан: «Садоқатингизни кўрсатмай қўя қолинглар», – дегандай одамлар олдидан тез-тез ўтиб кетди.

## VII

Ниҳоят Матвей Никитич, бўйни узун, қотмадан келган, пастки лаби қийшиқ, бир ёнбошга шох ташлаб юрадиган суд пристави ҳам келиб, маслаҳатчилар хонасига кирди.

Бу суд пристави виждонли, университетни битирган киши эди-ю, лекин сурункасига ичгани учун бир жойда узоқ ишламасди. Бундан уч ой муқаддам хотинининг ҳомийси бўлган бир графиня<sup>1</sup> уни шу ишга жойлаб қўйган эди. Шу

---

<sup>1</sup> Граф (немича) – Ғарбий Европада ва чор Россиясида олий табақали дворянларнинг княздан қуйи, барондан юқори унвони ва шу унвонга эга бўлган шахс. Графиня – графнинг хотини ё кизи.

вақтгача ишлаб келганидан у жуда хурсанд эди.

– Хўш, жаноблар, ҳамма келиб бўлдимиз? – деди у пенсне<sup>1</sup> тақиб ва пенсне устидан қараб.

– Ҳамма шу ерда, шекилли, – деди хушчақчақ савдогар.

– Хўп, ҳозир текшириб кўрамиз, – деди суд пристави ва чўнтагидан бир варақ қоғоз олиб, номма-ном чақира бошлади ва номи чиққанларни гоҳ пенсне тепасидан, гоҳ пенсне орқали кўздан кечира бошлади.

– Давлат маслаҳатчиси И. М. Никифоров.

– Мен, – деди барча суд ишларидан хабардор басавлат киши.

– Истеъфодаги полковник Иван Семёнович Иванов.

– Шу ерда, – деди истеъфога чиққан ҳарбийлар княдиган мундирдаги қотма киши.

– Иккинчи гильдия савдогари Петр Баклашов.

– Бор, – деди кўнгли очиқ савдогар оғзи қулоғига етиб. – Тайёрмиз.

– Гвардия<sup>2</sup> поручики<sup>3</sup> князь Дмитрий Нехлюдов.

– Мен, – деб жавоб берди Нехлюдов.

Суд пристави уни бошқалардан устун кўргандек, пенсне тепасидан қараб, эъзоз-икром билан таъзим қилди.

– Капитан Юрий Дмитриевич Данченко, савдогар Григорий Ефимович Кулешев ва ҳоказолар, ва ҳоказолар.

Икки кишидан бошқа ҳамма маслаҳатчилар шу ерда эди.

– Энди, жаноблар, залга марҳамат қилинглар, – деди пристав тавозе билан эшикни кўрсатиб.

Ҳамма кўзгалди, эшикка етганда бир-бирларига йўл беришиб, йўлакка чиқишди, йўлақдан мажлислар залига

<sup>1</sup> Пенсне (французча: *pince-nez*) – бурун устига қўйиш орқали кўриладиган кўзойнак.

<sup>2</sup> Гвардия (италиянча: *guardia* – соқчилар, қўриқчилар) – XII асрда Италияда, сўнграқ Европанинг бошқа бир қанча давлатларида, XVII аср охиридан 1918-йилгача Россияда монарх, подшо, лашкарбоши қабиларнинг шахсий соқчилари; кўшиннинг сараланган, имтиёзли қисмлари.

<sup>3</sup> Поручик (полякча) – ҳарбий унвон. Ҳозирги вақтда катта лейтенант унвонига тўғри келади.

Ўтишди.

Суд зали узун, катта хонадан иборат эди. Залнинг бир томони баланд қилиб ишланиб, уч поғонали зина билан чиқиларди. Баландликнинг ўртасида тўқ яшил рангдаги шокилали яшил мовут ёпилган стол турарди. Столнинг нариги томонида баланд, эман ёғочидан ишланган сернақш суянчиқли учта кресло, креслонинг орқасидаги зарҳал ром ичида мундир кийган, лента таққан, қилич кўтариб бир оёғини олдинга ташлаб турган генералнинг портрети бор эди. Ўнг томондаги бурчақда, кийим жавончаси ичида бошига тиканли гулчамбар таққан Исо пайгамбарнинг расми ва остида икона билан китоблар қўйиладиган баланд столча, шу ўнг томонда прокурор столи турар эди. Чап томонда, столнинг рўпарасида, ичкарироқда котиб столи бўлиб, ундан берироқда, одамларга яқинроқ ерда эман ёғочидан йўниб қилинган панжара ва панжара ичкарисида қора курси кўзга ташланарди. Баландликнинг ўнг томонида маслаҳатчилар учун суянчиғи баланд стуллар икки қатор қилиб қўйилган, пастда адвокатлар столи турарди. Шуларнинг ҳаммаси панжара билан икки қисмга ажратилган залнинг олдинги томонида эди. Залнинг орқа қисми эса то девор тагигача, бир-биридан баланд қилиб жойлаштирилган скамейкалар билан банд эди. Залнинг орқа қисмида, олдинги қатордаги скамейкаларда фабрика ишчиларидан ёки оксочлардан бўлса керак, тўрт аёл ва икки эркак ўтирарди. Эркаклар ҳам ишчилардан бўлиб, серҳашам залнинг салобати босиб қолгандек, бир-бирлари билан шивирлашиб ўтиришарди.

Маслаҳатчилар келгандан кейин, зум ўтмай, суд пристави бир ёнига шох ташлаб ўртага чиқди ва залдагиларни кўрkitмоқчи бўлгандек:

– Суд келяпти! – деб бақирди.

Ҳамма ўрнидан турди. Залнинг баландлик қисмига судьялар олдинма-кейин чиқишди: мушақдор ва бакенбардлари таралган раис, кейин олтин кўзойнак таққан, ковоғи солиқ суд аъзоси чиқди, ҳозир унинг ковоғи баттар осилиб кетган эди, чунки мажлис бошланай деб турганда суд мансабига номзод бўлган қайнисини учратиб, ундан опаси-

нинг ёнига кириб ўтганини, опаси тушда овқат тайёрламайман, деб айтганини эшитган эди.

– Бундан чиқди, қовоқхонага борар эканмиз-да? – деди қайниси кулиб.

– Кулгили жойи йўқ, – деди қовоғи солиқ суд аъзоси ва баттар қовоғини солиб олди.

Ниҳоят, учинчи суд аъзоси, ҳамма вақт кечикиб келадиган Матвей Никитич чиқди. Бу ёқимли, катта кўзларининг ости салқиб тушган серсоқол киши эди. У меъда касалига мубтало бўлиб, докторнинг маслаҳатига кўра, худди шу бугун эрталабдан бошлаб янги режим билан даволана бошлаган ва шу режим туфайли уйда одатдагидан ортиқроқ тутилиб қолган эди. Ҳозир, баландликка чиқиб келар экан, бир нарса устида бош қотираётганга ўхшарди, у кўнглида ўйлаб қўйган нарсаси тўғри чиқадими, йўқми, шуни билиш учун зўр бериб жавоб ахтаришга одатланган эди. Ҳозир у ўзича, агар кабинет эшигидан креслогача босган қадамининг сони учга қолдиқсиз тақсимланса, янги режим касалимини даволайди, агар тақсимланмаса, наф тегмайди, деб кўнглидан ўтказган эди, босган қадамларининг сони йигирма олтита эди, лекин у кичикроқ бир қадам ташлади-ю, йигирма еттинчи қадамда креслога етиб борди.

Зар ёқали мундирда баландликка чиқиб келган раис ва аъзоларнинг қиёфаси жуда дабдабали эди. Буни уларнинг ўзлари ҳам ҳис этардилар. Учалови ҳам ўзларининг бу қадар улугворликларидан хижолат бўлгандек, дарров ерга қараб олдилар ва яшил мовут ёпилган столнинг нариги ёғидаги нақшинкор креслоларга ўтирдилар. Столда бургут тамғали учбурчак асбоб, буфетларда конфет солинадиган вазалар, сиёҳдон, патқаламлар, тоза қоғоз, учи очилган катта-кичик қаламлар турарди. Судлар билан прокурор ёрдамчиси ҳам кирди. У яна бояғидай шошиб, портфелини қўлтиқлаган ҳолда, қўлини силқиб дераза ёнидаги ўз ўрнига бориб ўтирди-да, ишга тайёрланиш учун ҳар дақиқани ғанимат билиб, столдан бошини кўтармай қоғозларни ўқиб, кўздан кечири бошлади. Бу прокурор шу билан тўртинчи бор судда қораловчилик қилаётган эди. У жуда шухратпараст киши бўлиб,

мансаб орттиришга каттиқ аҳд қилиб қўйган ва шу сабабдан қораловчи сифатида қатнашадиган ҳар бир ишда орқа-ўнгини суриштирмай қоралайвериш зарур, деб ҳисоблар эди. Заҳарлаш ҳақидаги ишнинг моҳиятини тахминан билса-да, нутқининг режасини аллақачон тўзиб олган, аммо унга баъзи ҳужжатлар етишмас, у худди ана шуларни шошиб-пишиб кўчириб олаётган эди.

Котиб баландликнинг нариги томонида ўтирар, ўқилиши эҳтимол тутилган қоғозларни тайёрлаб қўйиб, ҳозир кеча топиб, ўқиган, тақиқланган мақолани кўздан кечирмоқда эди. Бу мақола хусусида у маслақдош бўлган серсоқол суд аъзоси билан гаплашмоқчи эди, шу сабабли гаплашишдан аввал мақола билан танишиб чиқмоқчи бўлди.

## VIII

Суд раиси қоғозларни кўздан кечириб чйққач, суд пристави ва котибига бир неча савол берди-да, улардан тасдиқ жавобини олгандан кейин, судланувчиларни олиб киришни буюрди. Дарҳол панжара орқасидаги эшик очилиб, бошига шапка кийган, қилич яланғочлаган икки жандарм<sup>1</sup> кирди, уларнинг кетидан аввал бир судланувчи – юзини сепкил босган малла киши, кейин икки аёл кирди. Эркакнинг эғнида кенг ва узун маҳбуслар халати бор эди. Суд залига кирар экан, у икки ёнига туширилган қўлларининг бош бармоғини кериб, шу билан узун енгини ушлаб турарди. У судьяларга ва залда ўтирганларга қарамай скамейкани айланиб ўтаркан, уни диққат билан кўздан кечирди. Скамейкани айланиб ўтгач, бошқаларга жой қолдириб, ўзи бир чеккасига ўтирди-да, кўзини раисга тикканича алланарса деб шивирлаётгандек, юзининг гўшглари пир-пир уча бошлади. Унинг кетидан ёши қайтган, худди ҳалиги киши сингари маҳбуслар халати кийган хотин кирди. Аёл бошига маҳбуслар дурраси

<sup>1</sup> Жандарм (*французча*: gendarmerie) – куролланган кишилар, сиёсий муҳофаза, тинтув ишлари олиб бориш, давлат тузумига эид иш олиб боровчиларга қарши кураш учун хизмат қиладиган сиёсий полиция ходими.

танғиган, рангпар, кош-киприксиз кўзлари қизарган эди. Бу хотин жуда хотиржам кўринарди. Жойига ўтиб кетаётганида халати алланарсага илиниб қолган эди, у шошилмасдан, эҳтиёт билан халатини чиқариб олди-да, жойига бориб ўтирди.

Учинчи судланувчи Маслова эди.

У кириши биланоқ залдаги ҳамма эркаклар унга кўз тикиб қолишди, унинг тим қора кўзлари парпираб турган оппоқ юзидан, халати остидан дўппайиб турган тўла кўкрагидан кўз уза олмай қолишди. Ҳатто бир жандарм ҳам Маслова унинг ёнидан ўтиб; жойига бориб ўтиргунча бақрайиб тикилиб қолди, ўтиргандан кейин эса, гуноҳ қилиб қўйгандек, шошиб юзини тескари ўгирди-да, рўпарасидаги деразага қараб тураверди.

Судланувчилар жой-жойларига ўтиргунларича раис кутиб турди-да, Маслова ўтирган замон котибга мурожаат қилди.

Одатдаги расм-русм бошланди: маслаҳатчилар номма-ном чақирилди, келмаганлар устида мулоҳаза юритилди, уларга жарима солинди, сўраб кетганлар ҳақида қарор чиқарилди ва келмаганларнинг ўрнини захирадагилар билан тўлдирилди. Кейин раис чипталарни йиғиб, шиша вазага солди ва мундирининг енгини шимариб, тук босган кўлини яланғочлади-да, «кўз боғловчи» найрангбозлар сингари ҳаракат қилиб, биттадан чипта чиқариб уларни ёзиб ўқий бошлади. Кейин раис енгини туширди, маслаҳатчиларга қасам ичиришни попга таклиф этди.

Ранги сарик, юзи шишинқираган, жигарранг жубба<sup>1</sup> кийиб, кўкрагига олтин хоч ва жуббасининг ён томонига яна аллақандай кичкина орден таққан кекса поп шишган оёғини бир-бир босиб, аста-секин икона тагида турган столга яқинлашди.

Маслаҳатчилар ўринларидан туришди ва тўдалашиб ўша томон юришди.

– Марҳамат, – деди поп кўкрагидаги хочини юмшоқ кўли билан ушлаб ва маслаҳатчиларнинг яқинлашишини

<sup>1</sup> Жубба – шайхлар кийими.

кутиб.

Поп қирқ олти йилдан буён кашпишлик<sup>1</sup> қилар ва уч йилдан кейин, яқинда юбилейини ўтказган собор<sup>2</sup> протоиерей<sup>3</sup> сингари ўзининг юбилейини ўтказмоқчи бўлиб юрарди. Округ судида .у суд очилган кундан буён ишлар ва бир неча ўн минг кишига қасам ичиргани, қартайиб қолганига қарамай черков, ватан ва оиласи бахт-саодати учун хизмат қилаётгани билан фахрланар эди. У оиласига уй-жойдан ташқари, ўттиз минг сўмли фоиз қоғози ҳам қолдириб кетади. Инжилда<sup>4</sup> қасам ичиш тўғридан тўғри тақиқланган бўлишига қарамай, унинг судда қиладиган иши Инжил устида одамларни қасам ичиришдан иборат бўлиб, бу ишнинг жоиз эмаслиги ҳеч қачон ҳаёлига ҳам келмасди, шунинг учун бу ишидан азоб чекмас, қайтага, бу машғулотни яхши кўрарди, чунки шу туфайли яхши жаноблар билан танишиб оларди. Бугун у машҳур адвокат билан танишиб олгани учун боши осмонга етди. Айниқса, шляпасига катта гул таққан кампирнинг иши учунгина ўн минг сўм олгани унга бўлган ихлосини оширган эди.

Маслаҳатчилар зинадан баландликка чиққанларида поп сочи оқарган тепакал бошини епитрахилининг<sup>5</sup> ёғ босиб кетган ёқасидан чиқариб, бир тутамгина сочини текислаб, маслаҳатчиларга мурожаат қилди:

– Ўнг қўлингизни кўтаринг, бармоқларингизни мана бундай жуфтланг, – деди у минғирлаган овоз билан ҳар битта бармоғининг устида чуқурчаси бўлган семиз қўлини

<sup>1</sup> Кашпиш – 1) Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари мусиқа санъатида кенг қўлланилувчи мусиқа безакларидан. Асосан, торли тирнама созларда маълум товуш баландлигини бир оз тебратиб бериш учун торни бармоқ воситасида «сзиб» ва «бўшатиб» чалиш йўли билан амалга оширилади; 2) илк ўрта асрлар Европасида диний илмдан хабари бор шахсларга ҳам кашпиш атамаси ишлатилган ва улар ҳозирги вақтдаги котиб сўзига тўғри келади (бу ерда шу маънода).

<sup>2</sup> Собор – 1) христианликда олий мартабали рухонийлар тоғт-ибодат қиладиган йирик христиан ибодатхонаси; 2) ўрта асрларда соборлар шаҳар марказидаги асосий бинолардан ҳисобланиб, готика, роман услубида салобатли (ташки ва ички киффаси мезморий жиҳатдан муҳаммад) қилиб қурилган.

<sup>3</sup> Протоиерей – олий мансабли поп.

<sup>4</sup> Инжил (арабча) – Аллоҳ таолонинг Исо алайҳиссаломга Жаброил фаришта орқали олзаки тарзда нозил қилган китоби. Насронийларнинг муқаддас китоби.

<sup>5</sup> Епитрахий – поплар бўйига қиладиган кийим.



кўтариб, бармоқларини жуфтлар экан. – Энди мен билан баравар такрорланг: Олло таоло ва унинг муқаддас Инжилини тилга олиб, ҳаётбахш хоч билан қасам ичаманки, мен шу иш бўйича... – у ҳар жумладан кейин тўхтаб: – Қўлингизни туширманг, шундай тутиб туринг, – деди у қўлини туширган ёш йигитга, – шу иш бўйича...

Бакенбардли басавлат киши, полковник, савдогар ва бошқалар бармоқларини поп айтгандек жуфтлаб, астойдил баланд кўтариб туришар, бошқалар эса истар-истамас, ҳафсаласизлик билан кўтариб туришгандек эди. Баъзилар: «Мен, барибир, гапиравераман», – дегандек сўзларни ҳаддан ташқари қаттиқ ва ихлос билан такрорлар, бошқалар эса шивирлаб, попдан орқада қолиб кетар ва чўчигандек бирданига бидирлаб унга етиб олишга ҳаракат қилардилар; бировлар бирор нарсани қўлдан чиқармасликка урингандек, бармоқларини маҳкам жуфтлаб олган, бошқа бировлар эса бармоқларини очиб юбориб, яна жуфтлаштирар эдилар. Ҳамма ўнғайсизланар, фақат кекса попгина ўзининг жуда муҳим ва фойдали иш қилаётганига имони комил эди. Қасам ичириш маросими тугагач, раис маслаҳатчиларга старшина<sup>1</sup> сайлашни таклиф этди. Маслаҳатчилар ўринларидан туришди ва тикилишиб, маслаҳат хонасига кириб кетишди-да, кирган заҳоти деярли ҳаммалари папирос чиқариб, чека бошлашди. Аллаким басавлат жанобни старшиналикка таклиф этган эди, дарҳол ҳамма бу таклифга қўшилди ва папиросини ўчириб ташлаб залга қайтди. Сайланган старшина раисга старшина қилиб кимнинг сайланганини билдирди, шундан кейин ҳамма яна кетма-кет юриб баланд суянчикли стулларга икки қатор бўлиб ўтирди.

Маросим бетўхтов, тез ва дабдаба билан ўтмоқда эди ва бу маросимнинг коидага мувофиқ мунтазам ва дабдаба билан ўтиши, афтидан, унда иштирок этувчиларда завқ уйғотар, улар жиддий ва зарур жамоат ишини бажараётганларига қаттиқ ишонар эдилар. Нехлюдов ҳам худди шу

<sup>1</sup> Старшина – 1) кичик командирларнинг энг юқори унвони; денгиз флотига сержантга баравар унвон; 2) инқилобдан илгариги Россияда баъзи ташкилотларда сайлаб қўйладиган шахс, оксокол (асарда шу маънода).

нарсани хис этар эди.

Маслаҳатчилар жойлашиб ўтирган ҳамон раис уларнинг ҳуқуқлари, вазифалари ва масъулиятлари ҳақида гапирди. Раис гапирар экан, ҳадеб вазиятини ўзгартирар: гоҳ чап қўлига, гоҳ ўнг қўлига таяниб ўтирар, гоҳ кресло суянциғига ясланиб олар, гоҳ қоғознинг четини текислар, гоҳ қоғоз кесадиған пичоқни силар, гоҳ каламни ўйнарди.

Унинг айтишича, маслаҳатчиларнинг ҳуқуқлари шундан иборат экан: улар судланувчиларга раис орқали савол беришлари, қоғоз-калам тутишлари ва далилий ашёларни кўздан кечиришлари мумкин экан. Вазифалари эса, нотўғри суд қилмай, адолатли суд қилишдан иборат экан. Масъулиятлари шундан иборат эдики, мажлис сири махфий тутилмаса ёки чет кишилар билан алоқалари сезилса, жазога тортилар эканлар.

Ҳамма унинг сўзларини эхтиром билан тинглади. Савдогар теварак-атрофига вино ҳидини гуркиратиб ва каттик кекиришдан ўзини зўрға тутиб, ҳар гапни маъқуллаб бош ирғаб ўтирарди.

## IX

Сўзини тугатгач, раис судланувчиларга қараб: – Симон Картинкин, туринг ўрнингиздан, – деди. Симон ирғиб ўрнидан турди. Бетининг мушаклари аввалгидан ҳам пирпираб уча бошлади.

– Исмингиз?

Жавобга у олдиндан тайёрланиб қўйган бўлса керак:

– Симон Петр ўғли Картинкин, – деб тез ва шартта жавоб қайтарди.

– Қайси табақадансиз?

– Дехқонлардан.

– Қайси губерна, қайси уездансиз?

– Тула губернаси, Крапивенск уезди, Купянск волости<sup>1</sup>, Борки қишлоғиданман.

<sup>1</sup> Волость – 1) қадимги Русда: бир маъмур-князь ҳукмида бўлган вилоят; 2) инки-

- Ёшингиз нечада?
- Ўттиз тўртда, туғилган йилим, минг саккиз юз...
- Динингиз?
- Биз рус динида, православ динидамиз.
- Уйланганмисиз?
- Йўқ, уйланмаганман.
- Касбингиз?
- «Мавритания» меҳмонхонасида хизматкорлик

қилардик.

- Илгари судланганмисиз?
- Ҳеч қачон суд бўлмаганман. Нега деганда, илгари турмушимиз...
- Илгари судланган эмасмисиз?
- Худо сақласин, ҳеч қачон.
- Айбномани олдингизми?
- Олдим.

– Ўтиринг. Евфимия Иван қизи Бочкова, – дея му-  
рожаат қилди раис иккинчи судланувчига.

Аммо Симон Бочковани тўсиб, қаққайганича турарди.

– Картинкин, ўтиринг.

Картинкин ҳамон қаққайиб турарди.

– Ўтиринг, Картинкин!

Аммо Картинкин ҳамон тик турарди. Пристав югуриб келиб бошини ёнига эгиб, кўзларини олайтириб: «Ўтирилсин, ўтирилсин!» деб шивирлагандагина ўтирди.

Картинкин қандай тез турган бўлса, шундай тез ўтирди, халатига ўраниб олди-да, яна бетини пир-пир учуриб ўтираверди.

Раис олдида турган қоғоздан алланарсани ўқир экан, иккинчи судланувчига қарамасдан:

– Исмингиз нима? – дея сўради ҳарсиллаб. Раисга бундай ишларни кўриш шу қадар одат бўлиб қолган эдики, ишни тезроқ тугатиш учун у икки вазифани барабар олиб бора олар эди.

Бочкованинг ёши қирк учда, у коломналик мешчан

лобдан илгариги Россияда ва 1929-1930 йилларгача Собиқ Иттифоқда: уезд таркибига кирган бир неча қишлоқдан иборат маъмурий-территориал бўлинма.

тоифасидан бўлиб, касби худди ўша «Мавритания» меҳмонхонасида хизматкор экан. Суд терговиди бўлмаган, айбномани олган экан. Бочкова дадил-дадил жавоб қайтарар, шундай оҳангда гапирардики, гўё ҳар бир жавобга: «Ҳа, Евфимияман, Бочковаман, айбномани олдим, бу билан фахрланаман, бировнинг мазах қилишига йўл қўймайман», – деяётгандек бўларди. Бочкова «ўтир» дейишларини кутмасдан, саволлар тугаши биланок ўтириб олди.

– Исмингиз? – деди хотинбоз раис учинчи судланувчи аёлга бошқача мулойимлик билан мурожаат қилиб. – Ўриндан туриш керак, – деб юмшоққина қўшиб қўйди у Маслованинг ўтирганини кўриб.

Маслова шартта ўрнидан турди ва баланд кўкрагини кериб, хиёл ғилай қора кўзлари билан раиснинг башарасига тикка қараб, саволга жавоб қайтармай шайланиб турди.

– Отингиз нима?

– Любовь, – деди у шошиб.

Нехлюдов эса бу орада пенсне тақиб, тергов қилинаётган судланувчиларни кўздан кечириб ўтирар эди. «Наҳотки ўша бўлса, – деб ўйларди у судланувчидан кўз узмасдан, – нега унда оти Любовь?» – деб ўйлади князь унинг жавобини эшитиб.

Раис сўроғини давом эттирмоқчи эди-ю, лекин кўзойнак таққан суд аъзоси жаҳл билан алланарса деб шивирлаб, уни тўхтатди. Раис хўп дегандек, бошини қимирлатди-да, яна судланувчига мурожаат қилди.

– Нега Любовь дейсиз? – деди у. – Бу ерда бошқача ёзилган-ку.

Судланувчи жавоб бермади.

– Сиздан сўраяпман, ҳақиқий исмингиз нима?

– Чўқинтирганда нима исм қўйганлар? – деб сўради сержаҳл аъзо.

– Илгари Катерина эди.

«Наҳотки ўша бўлса», – дерди ҳамон Нехлюдов ўзига ўзи. Аммо бу судланувчининг ҳеч шубҳасиз ўша қиз экани, бир вақтлар ўзи ошиқ бўлиб юрган, ҳа, ошиқ бўлган, кейин эса телбалик қилиб, номусига тегиб, ташлаб кетган оксоч қиз

эканини ҳеч шубҳасиз билар эди.

Нехлюдов бу қизни кейин сира эсга олмаган эди, чунки бу хотиралар унга жуда азоб берар ва унинг айбини фош қиларди, ўзининг виждонли, инсофлилиги билан фахрланиб юрган Нехлюдовнинг бу хотинга нисбатан инсоф у ёқда турсин, қабих муносабатда бўлганини кўрсатарди.

Ҳа, бу ўша қиз эди. Ҳозир Нехлюдов унинг чехрасида ҳар бир кишининг юзини бошқаларникидан ажратувчи, ёлғиз унинг ўзига хос бўлган сирли хислатни аниқ кўрди. Юзининг семизлиги ва оппоқлигига қарамай, бу чехрада, лабларда, хиёл қийғоч<sup>1</sup> боққан кўзларда ва, энг муҳими, унинг кулиб қарашида, фақат юзидагина эмас, балки бутун вужудидан барқ уриб турган муҳайёлик ифодасида дилкашлик, ўзига хос хислат кўриниб турарди.

– Шундай демайсизми, ахир, – деди раис яна боягидай юмшоққина қилиб. – Отангизнинг исми нима?

– Никоҳланмаган ота-онадан туғилганман, – деди Маслова.

– Чўқинтирган отангизнинг номи бордир, ахир?

– Михаил қизи.

«Нима гуноҳ қилган бўлиши мумкин?» – деб ўйларди Нехлюдов хўрсиниб қўйиб.

– Фамилиянгиз нима? – деб давом этди раис.

– Онамнинг фамилияси билан атаб, Маслова дейишарди.

– Қайси табақага мансубсиз?

– Мешчанка<sup>2</sup>.

– Православмисиз?

– Ҳа, православ динидаман.

– Касбингиз? Нима билан шуғулланардингиз?

Маслова индамади.

– Нима билан шуғулланардингиз? – деб такрорлади раис.

– Ишратхонада эдим, – деди у.

<sup>1</sup> Қийғоч – қайрилма.

<sup>2</sup> Мешчан – чор Россиясида: шахар майда буржуазиясига мансуб майда савдогар, хунарманд.

– Қанака ишратхонада? – деб қатъий сўради кўзойнак таққан суд аъзоси.

– Қанақалигини ўзингиз биласиз-ку, – деди Маслова, кейин жилмайиб, шу заҳоти бир аланглаб олди-да, яна раисга тикилди.

Шу пайт айтган сўзларининг маъносидан, шу жилмайишидан, залга аланглаб тез қараб олишидан юзида қандайдир ғалати: ҳам даҳшатли, ҳам аянчли бир ифода пайдо бўлди, раис кўзларини ерга тикиб қолди ва залга бир дақиқа сув қуйгандек жимлик чўкди. Аллаким пикиллаб кулиб юбориб, бу сукунатни бузди. Кимдир унга жим деб қўйди. Раис бошини кўтариб саволини давом эттира бошлади:

– Суд, терговда бўлганмисиз? – йўқ, бўлмаганман, – деди оҳиста Маслова хўрсиниб.

– Айбноманинг нусхасини олганмисиз?

– Олганман.

– Ўтиринг, – деди раис.

Судланувчи, олифта хотинлар ерга судралиб юрадиган этагини тўғрилаб олганидек, юбкасининг орқа томонини сал кўтариб ўтирди-да, кичкина, оппоқ қўлларини халатининг енгига тикиб раисга тикилиб қолди.

Гувоҳларнинг номини айтиб чақиряшди, уларни залдан чиқариб юборишди, эксперт-шифокор ҳақида бир қарорга келиб, уни мажлислар залига чақириб келтиришди. Кейин котиб ўрнидан туриб, айбномани ўқий бошлади. У шанғиллаб, бурро-бурро қилиб ўқир, аммо шундай тез ўқирдики, «л» билан «р»ни тўғри талаффуз эта олмаганидан овози бир тарзда ғўнғиллаб эшитилар, кишининг уйқусини келтирарди. Судьялар гоҳ креслонинг бир ёнидаги суянчиғига, гоҳ иккинчи томонидаги суянчиғига, гоҳ столга, гоҳ орқа суянчиққа суянишар, гоҳ кўзларини юмар, гоҳ очар, бир-бирлари билан шивирлашарди. Бир жандарм устма-уст келаётган эсноқдан ўзини зўрға тийиб ўтирарди.

Судланувчи Картинкиннинг юзи пир-пир учарди. Бочкова қаддини ростлаб ўтирар, аҳён-аҳёнда дуррасининг тагига қўлини тикиб бошини қашиб қўярди.

Маслова гоҳ котибга тикилиб, унинг ўқиётганига қу-

лок солиб, қимир этмай ўтирар, гоҳ сесканиб тушар, гоҳ эътироз билдирмоқчи бўлгандай қизарар, хўрсинар, қўлини қимирлатиб қўяр, атрофга аланглар ва яна ўқиётганга тикиларди.

Нехлюдов биринчи қаторда, четдан иккинчи бўлиб баланд стулда ўтирар, пенснесини олиб Масловага тикилар, унинг кўнглида мураккаб ва оғир кураш борарди.

## X

Айбноманинг мазмуни куйидагича эди:

«188\*-йил 17-январь куни «Мавритания» меҳмонхонасида бир мусофир – курганлик иккинчи гильдия савдогар Ферапонт Емельянович Смельков тўсатдан вафот этди.

Маҳаллий 4-участка полиция шифокори, у спиртли ичимликни ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилгани сабабли юраги ёрилиб ўлган, деб тасдиқлаган. Смельковнинг жасади кўмилган.

Орадан бир неча кун ўтгач, Смельковнинг ҳамшаҳари ва ўртоғи савдогар Тимохин Петербургдан қайтиб келиб, Смельковнинг қандай шароитда ўлганини эшитади ва ёнидаги пулларини ўғирлаш мақсадида уни заҳарлаб ўлдиришган бўлсалар керак, деб гумон қилади.

Бу гумон дастлабки терговда тасдиқланади ва куйидагилар аниқланади:

1) Смельков ўлимидан бир неча кун муқаддам банкдан 3800 сўм қумуш пул олган. Аммо марҳумдан қолган нарсаларни эҳтиёт қилиш мақсадида хатта олинганда атиги 312 сўм 16 тиџин нақд пул чиққан.

2) Смельков ўлимидан бир кун илгари эртадан кечгача ва охириги кечаси тонггача Любка (Екатерина Маслова) деган фоҳиша билан исловатхонада ва «Мавритания» меҳмонхонасида бирга бўлган. Екатерина Маслова Смельковнинг илтимосига кўра, унинг ўзи йўқ пайтида исловатхонадан пул олгани келиб «Мавритания» меҳмонхонаси хизматчиларидан Евфимия Бочкова ва Симон Картинкиннинг кўзи олдида



Смельков берган калит билан чамадонни очиб пул олиб кетган. Маслова чамадонни очганда, шу ерда ҳозир бўлганлардан Бочкова ва Картинкин бир даста юз сўмлик кредит чипталарини кўришган.

3) Смельков исловатхонадан «Мавритания» меҳмонхонасига қайтгач, у билан бирга келган Любка деган фоҳиша хизматкор Картинкиннинг маслаҳатига кўра бир қадах коньякка Картинкиндан олган оқ кукунни солиб Смельковга ичирган.

4) Эртасига эрталаб фоҳиша Любка (Екатерина Маслова) бекасига, исловатхона эгаси, гувоҳ Китаевага Смельковнинг бриллиант узугини сотган, буни Смельков совға қилди, деб айтган.

5) «Мавритания» меҳмонхонасининг хизматкори Евфимия Бочкова Смельков ўлган куннинг эртасига маҳаллий коммерческий банкка 1800 сўм кумуш пул қўйган.

Суд-тиббиёт кўриги, жасадни ёриш ва Смельковнинг ички аъзоларини кимёвий усул билан текшириш натижасида, мархумнинг организмида заҳар борлиги ана шу заҳар ўлимга сабаб бўлгани аниқланган.

Жавобгарликка тортилган Маслова, Бочкова ва Картинкин айбларини бўйинларига олмайдилар: Маслованинг айтишича, ҳақиқатан, Смельков пул олиб кел, деб уни ўзи ишлайдиган исловатхонадан «Мавритания» меҳмонхонасига юборибди. Маслова савдогар берган калит билан чамадонни очибди, савдогарнинг айтганини қилиб 40 сўм кумуш пул олибди, ортиқча олмайди, буни чамадонни очиб, ёпаётганида тепасида турган Бочкова билан Картинкин ҳам тасдиқлаши мумкин эмиш. Сўнгра у меҳмонхонага иккинчи келишида, ҳақиқатан ҳам, Картинкиннинг маслаҳатига кўра, аллақандай кукунни, ухлатадиган кукун, деб ўйлаб, коньякка солиб савдогар Смельковга ичирибди, савдогар тезроқ ухлаб қолса, ундан тезроқ кутулиб кета қоламан, деб ўйлабди. Смельков Масловани урган экан, у йиғлаб, кетаман, деб туриб олибди, шундан кейин Смельков Масловага узукни совға қилибди.

Евфимия Бочкова йўқолган пул хусусида ҳеч нима

билмаслигини, савдогарнинг номерига<sup>1</sup> кирмаганини, у ерда фақат Любканинг ўзи ёлғиз хўжайинлик қилганини, агар савдогарнинг бирон нарсаси йўқолган бўлса, буни Любка савдогарнинг калитини олиб келганда ўтирлаганини айтади. (Шу ерга келганда Маслова сесканиб кетди ва огзини очиб, Бочкова томон ўтирилди) Евфимия Бочковага банкдаги 1800 сўм кумуш пул ҳисоб рақамини кўрсатиб, шунча пулни каердан олдинг, деб сўраганда, бу пулларни у Симон Картинкин билан ўн икки йил бирга ишлаб йиққанман, унга тегмоқчи эдим, деб жавоб беради, – деб ўқишни давом эттирди котиб. – Симон Картинкин дастлабки сўроқда Бочкова билан бирга исловатхонадан калит олиб келган Маслованинг маслаҳатига кўра пулни ўтирлаганини, Маслова ва Бочкова билан бўлишиб олганини бўйнига олган эди. – Шу ерга келганда Маслова яна сесканиб кетди; ўрнидан сапчиб туриб, кипкизариб, алланарсалар деб гапира бошлаган эди, суд пристави уни тўхтатди. – Охирида, – деб ўқишни давом эттирди котиб, – Картинкин савдогарни ухлатиш учун Масловага кукун берганини бўйнига олган; иккинчи сўроқда Картинкин пулни ўтирлаганини, Масловага кукун берганини инкор этиб, ҳамма айбни Масловага тўнқади. Бочкова банкка қўйган пул хусусига келганда эса, бу пулларни ўн икки йил меҳмонхонада бирга ишлаб, яхши хизматларимиз эвазига жаноблар иона<sup>2</sup> қилган пулдан орттириб тўплаганмиз, деб айтди».

Сўнгра айбномада юзлаштириш, гувоҳларнинг берган маълумотлари, экспертларнинг фикри ва ҳоказолар баён этилган эди.

Айбноманинг хулосаси қуйидагича эди:

---

<sup>1</sup> **Номер** (лотинча) – 1) бир турдаги предметларнинг ичида ҳар бирининг тартиб рақами; 2) ҳужжат, рўйхатга олиш ва шу кабилар белгиси сифатидаги маълум рақамлар ёзилган ёрлик, тахтача; 3) кийим-кечак, пойабзал ва шу кабиларнинг катта-кичиклигини, ўлчамини билдирувчи рақам; 4) меҳмонхона, ҳаммом ва шу кабиларда алоҳида бўлма, хона (асарда шу маънода); 5) театр, цирк, концерт ва шу кабиларнинг ҳар бир алоҳида ижро этиладиган қисми; 6) тўпчилар, пулемётчилар гуруҳида маълум хизматни бажарувчи жангчи.

<sup>2</sup> **Иона** (арабча) – 1) моддий ёрдам, нафақа; 2) бирор қори хайр учун тўпланган пул.

«Юқорида айтиб ўтилганларга кўра, Борки қишлоқлик деҳқон, 33 яшар Симон Петров Картинкин, 43 яшар мешчанка Евфимия Ивановна Бочкова ва 27 яшар мешчанка Екатерина Маслова 188\*-йилнинг 17-январь куни ўзаро тил бириктириб, савдогар Смелёковнинг пулини ва узугини (жамми 2 500 сўмни) ўғирлашда, ҳамда Смелёковга қасддан заҳар беришда айбланадилар. Смелёков ана шу суиқасд натижасида ўлган.

Бу жиноят жазолар Қонун мажмуасининг 1453-модда 4 ва 5-бандига тўғри келади. Шунга кўра, ҳамда жиноий суд қилиш Уставининг 201-моддасига биноан деҳқон Симон Картинкин, Евфимия Бочкова ва мешчанка Екатерина Маслова округ судида суд маслаҳатчилари иштирокида суд қилинишлари лозим деб топилади».

Котиб узундан узоқ айбномани ўқиб тамом қилди ва қоғозларни тахлади-ю, узун сочларини икки қўли билан текислаб ўтирди. Ҳамма, мана энди текшириш бошланади, ҳамма нарса аниқланади ва адолат тантана қилади, деган ширин хаёлда енгилланиб нафас олди. Ёлғиз Нехлюдов бу ҳисдан маҳрум эди: ўн йил муқаддам таниган маъсума латофатли қиз, ўша Маслова қилиб қўйган жиноятдан у дахшатга келиб ўтирарди.

## XI

Айбнома ўқилиб бўлгач, раис аъзолар билан маслаҳатлашиб, энди ҳаммасини батафсил билиб оламиз, дегандай қилиб, Картинкинга юз ўтирди.

– Деҳқон Симон Картинкин, – деди у чапга энгашиб.

Симон Картинкин қўлини икки ёнига қилиб, ўрнидан турди-да, бутун гавдаси билан олдинга энгашди. Унинг юзи ҳамон пир-пир этиб учиб турарди.

– Сиз, 188\*-йилнинг 17-январь куни Евфимия Бочкова ва Екатерина Маслова билан биргаликда савдогар Смелёковнинг чамадонидан унинг пулини ўғирлашда айбла-

насиз. Сиз Екатерина Масловага маргимуш<sup>1</sup> олиб келиб бергансиз ва винога солиб савдогар Смелъковга ичиргин, деб тайинлагансиз. Шунинг натижасида Смелъков ўлган. Айбингизга икрормисиз? – деди раис, сўнгра ўнг томонга энгашди.

– Йўқ, нимага деганингизда, бизнинг ишимиз меҳмонларга хизмат қилиш...

– Кейин гапирасиз. Айбингизга икрормисиз?

– Йўқ, икрор эмасман. Мен фақат...

– Кейин гапирасиз. Айбингизга икрормисиз? – деб такрорлади раис мулойим, лекин қатъий овоз билан.

– Икрор бўлолмайман, чунки...

Суд пристави яна Симон Картинкиннинг ёнига келиб, даҳшатли овоз билан шивирлаб уни тўхтатди.

Раис энди бу иш тамом, дегандай қоғоз ушлаган қўлининг тирсагини бошқа жойга қўйди-да, Евфимия Бочковага мурожаат қилди:

– Евфимия Бочкова, сиз 188\*-йилнинг 17-январиди, «Мавритания» меҳмонхонасида Симон Картинкин ва Екатерина Маслова билан биргалашиб Смелъков деган савдогарнинг чамадонидан пулни ва узугини ўғирлаб ўзаро бўлишиб олиб, жиноятингизни яшириш учун савдогар Смелъковни заҳарлаб ўлдиришда айбланасиз. Айбингизни бўйнингизга оласизми?

– Менинг ҳеч қандай айбим йўқ, – деди айбланувчи дадил ва қатъий. – Мен номерга кирганим ҳам йўқ... Мана бу манжалақи кирган, ишни шу қилган.

– Кейин гапирасиз, – деди раис яна боятидек мулойим ва қатъий. – Демак, айбингизни бўйнингизга олмайсизми?

– Мен пулни олганим ҳам йўқ, заҳар берганим ҳам йўқ, номерга кирганим ҳам йўқ. Агар кирганимда эди, уни ҳайдаб чиқариб юборардим.

– Айбингизни бўйнингизга олмайсизми?

<sup>1</sup> Маргимуш (форсча; сичкон ўлпия; сичкон ўлдирувчи) – 1) Менделеев даврий системасининг V гуруҳига мансуб кимёвий элемент; тўқ кулранг кристалл, бёзлан аморф ҳолдаги мўрт, қаттиқ металл; 2) шу моддадан тайёрланган препарат (тиббийёт ва техникада ишлатилади).

– Олмаيمان.

– Жуда соз.

– Екатерина Маслова, – деб сўз бошлади раис учинчи судланувчига мурожаат қилиб, – сиз, исловатхонадан савдогар Смелковнинг чамадонининг калитини олиб келиб, «Мавритания» меҳмонхонасининг номерида чамадондан пул билан узук ўғирлашда айбланасиз, – деди у ёдланган дарсни такрорлагандай, сўз орасида у чап томонга, далилий ашёлар ичида шиша етишмаётганини айтаётган аъзога қулогини тутиб. – Чамадондан пул билан узук ўғирлагансиз, – деб такрорлади раис, – кейин ўғирланган пулни бўлишиб олгансиз ва савдогар Смелков билан яна «Мавритания» меҳмонхонасига қайтиб келгандан кейин унга заҳар солинган винони ичиргансиз. Савдогарни заҳарлаб ўлдиргансиз. Айбингизни бўйнингизга оласизми?

– Менинг ҳеч қандай айбим йўқ, – деди Маслова тез-тез гапириб, – аввал нима деган бўлсам, ҳозир ҳам шуни айтаман, мен ҳеч нарса олганим йўқ, дедимми, олганим йўқ, олганим йўқ, узукни менга унинг ўзи берган...

– Икки минг беш юз сўм пулни ўғирлашда ўзингизни айбдор деб ҳисобламайсизми? – деди раис.

– Қирқ сўмдан бўлак ҳеч нарса олганим йўқ деяпманку, ахир.

– Винога кукун солиб савдогар Смелковга ичирганингиз-чи, буни бўйнингизга оласизми?

– Бунисини бўйнимга оламан. Мен буни ухлатадиган кукун деб ўйлаган эдим, менга шунақа дейишган эди. Бундай бўлишини билганим йўқ, бундай бўлади деб ўйлаганим ҳам йўқ. Тепамда Худо турибди: хаёлимга ҳам келтирмаган эдим, – деди у.

– Демак, сиз савдогар Смелковнинг пулини ва узугини ўғирлашда ўзингизни айбдор деб ҳисобламайсиз, – деди раис. – Аммо кукун берганингизни бўйнингизга оласиз?

– Бўйнимга оламан, албатта, фақат уни ухлатадиган дори деб ўйлаган эдим. Мен уни ухлаб қола қолсин деб берганман, бошқача бўлишини ўйламаган, хаёлимга ҳам

келтирмаган эдим.

– Жуда соз, – деди раис саволиянинг натижасидан хурсанд бўлгандай у икки қўлини столга қўйиб, кресло суянчигига ясланиб. – Воқеа қандай бўлганини айтиб беринг-чи? Бўлган гапни оқизмай-томизмай гапириб беринг. Айбингизга чин кўнгилдан иқроф бўлсангиз, ўз ахволингизни енгиллатган бўласиз.

Маслова раисга боягидай тўппа-тўғри тикилиб, жим турарди.

– Хўш, қандай бўлди?

– Қандай дейсизми? – деди тўсатдан Маслова тез гапириб. – Меҳмонхонага келдим, мени номерга бошлаб киришди, у фирт маст бўлиб ўтирган экан. – Маслова у деган сўзни сесканиб гапирар, кўзлари кинидан чикиб кетай дерди. – Мен кетмоқчи бўлган эдим, у юбормади.

Маслова калаванинг учини йўқотиб қўйгандек ёки бир бошқа нарсани эслагандек жим бўлиб қолди.

– Кейин нима бўлди?

– Нима бўларди? Кейин бир ой ўтирдим-да, уйга келдим.

Шу чоғ прокурор ёрдамчиси ғайри табиий суратда бир тирсагига таяниб ўрнидан сал турди.

– Саволингиз борми? – деди раис; прокурор ёрдамчисидан тасдиқ жавобини олгач, сизга мен савол бериш ҳуқуқини бераман, дегандек ишора қилди.

– Шундай бир савол бермоқчи эдим: судланувчи Симон Картинкинни илгари ҳам танирмиди? – деди прокурор ёрдамчиси Масловага қарамасдан.

Саволни бериб бўлгач, лабини қимтиб, ковоғини солиб олди.

Суд раиси унинг саволини такрорлади. Маслова кўрқа-писа прокурор ёрдамчисига қараб:

– Симонними? Танирдим, – деди.

– Судланувчининг Картинкин билан танишлиги қандай бўлган, шуни билмоқчи эдим. Бир-бирлари билан тез-тез учрашиб туришганми?

– Танишлигим қандайлигим? Таниш эмас эдим-у,

лекин меҳмонлар ёнига чақириб турарди, – деб жавоб берди Маслова ташвишланиб прокурор ёрдамчисидан юз ўгириб раисга ва яна прокурор ёрдамчисига қараб.

– Мен яна шу нарсани билмоқчиман: Картинкин меҳмонларга бошқа қизларни чақирмай, нега доим Масловани чақирган? – деди прокурор ёрдамчиси кўзини қисиб ва айёрона илжайиб.

– Билмайман. Мен қаёқдан билан, – деб жавоб қилди Маслова кўрқув аралаш атрофига аланглаб, бир лаҳза Нехлюдовга кўз тикар:

– Кимни хоҳласа, шуни чақирган-да.

Нехлюдов юзига қон қуйилганини ҳис этиб:

«Таниган бўлса-я?» – деб ўйлади ваҳима ичида, аммо Маслова унга тикилиб ўтирмай, шу ондаёқ юзини ўгирди ва яна кўрқув аралаш прокурор ёрдамчисига қаради.

– Бундан чиқди, судланувчи Картинкин билан яқин алоқада бўлганини инкор этаркан-да? Жуда соз. Бошқа саволим йўқ.

Прокурор ёрдамчиси шу заҳоти тирсагини столдан олди ва алланималарни ёза бошлади. Аслида эса, у ҳеч нарса ёзмас, фақат олдин ёзган ҳарфларининг устидан қалам юргизиб чиқиш билан овора эди. У прокурор ва адвокатларнинг шундай қилишларини кўрган эди; улар усталик билан берилган саволдан кейин нутқларига рақибларини яқсон қиладиган далиллар қўшиб қўйишарди.

Раис кўзойнак таққан аъзодан, олдиндан тайёрлаб ёзиб қўйилган саволларнинг қўйилишига розимисиз, деб сўраётгани учун судланувчига дарров мурожаат қила қолмади.

– Кейин нима бўлди? – деб саволини давом эттирди раис.

– Уйга қайтиб келдим, – деб давом этди Маслова энди раисга аввалгидан кўра дадилроқ қараб, – бекамга пулни бердим-да, ётдим. Энди кўзим илинган экан, ўзимизникилардан Берга деган қиз уйғотиб қолди. «Тур, савдогаринг яна келди», – деди. Мен чиқмайман деган эдим, лекин хоним қўймадилар. У эса – Маслова у деган сўзни гапирганда сесканиб кетди – у эса ҳамма қизларимизни вино билан сий-



лай бошлади. Кейин яна винога одам юбормоқчи бўлган эди, пули етмади. Бека унга ишонмади. Шундан кейин у мени номерига юборди. Пулининг қаердалигини, қанча олиш кераклигини айтди. Шундан кейин мен меҳмонхонага бордим.

Раис шу маҳал чап томондаги аъзо билан шивирлашиб ўтиргани учун Маслованинг нима деганини эшитмади. Аммо ҳамма гапни эшитган кишидай, унинг охириги сўзларини такрорлаб:

– Меҳмонхонага бордингиз. Хўш, кейин нима бўлди? – деди у.

– Бордим, у қандай тайинлаган бўлса, худди шундай қилдим: номерга кирдим. Номерга ёлғиз кирмадим. Симон Михайлович билан ана уни чақирдим, – деди у Бочковани кўрсатиб.

– Ёлғон, номерга қадам босганим йўқ... – деб гап бошлаган эди Бочкова, лекин уни тўхтатишди.

– Уларнинг кўзи олдида тўртта червон<sup>1</sup> олдим, – деб давом этди Маслова Бочковага қарамасдан қовоғини солиб.

– Судланувчи қирқ сўм пулни олаётганда неча пул борлигини кўрмадимикин? – деб яна сўради прокурор. Прокурор савол берган пайтда Маслова сесканиб кетди. У ўзи нима гаплигини билмаса-да, лекин прокурор унга ёмонлик тилаётганини ҳис этарди.

– Санганим йўқ, ҳаммаси нуқул юз сўмлик пулнинг гина кўрдим, холос.

– Судланувчи юз сўмликларни кўрган экан, бошқа саволим йўқ.

– Хўш, пулни олиб келдингизми? – деб сўради раис соатига қараб.

– Олиб келдим.

– Кейин-чи? – деди раис.

– Кейин, у мени яна ўзи билан бирга олиб кетди, – деди Маслова.

– Қандай қилиб винога кукун солиб бердингиз? – деб сўради раис.

<sup>1</sup> Червон – 10 сўмлик қоғоз ёки танга пул.

– Қандай қилиб бўларди? Винога солдим-да, беравердим.

– Нега бундай қилдингиз?

Маслова жавоб кайтариш ўрнига оғир ва чуқур хўрсинди.

– Ҳадеганда жўнатавермади у, – деди Маслова бироз жим тургач. – Тинкамни қуритди. Йўлакка чикдимда, Симон Михайловичга: «Қани энди, жўнатиб юбора қолса. Жуда чарчаб кетдим», – дедим. Симон Михайлович бўлса: «Бизнинг ҳам жонимизга тегиб кетди. Биз унга ухлатадиган кукун бермоқчимиз; ухлаб қолса, кетаверасан», – деди. Мен: «Майли», – дедим. Буни зарарсиз кукун, деб ўйлабман. Қўлимга қоғоз тутқизди. Қайтиб кирдим, у тўсиқнинг нариги ёғида ётган экан. Киришим билан коньяк куйиб беришни буюрди. Столдан бир шиша фин шампанини олдим-да, иккита стаканга: унга ва ўзимга қўйдим. Унинг стаканига кукун солиб бердим. Билсам, берармидим.

– Узук сизга қаёқдан келиб қолди? – деб сўради раис.

– Узукни менга ўзи совға қилди.

– Қачон совға қилди?

– Номерга келишимиз билан, мен кетмоқчи бўлган эдим, у бошимга бир уриб, тароғимни синдириб қўйди. Мен жаҳл қилиб, кетмоқчи бўлдим. Кетиб қолмасин деб бармоғидан узугини олиб менга совға қилди, – деди Маслова.

Шу маҳал прокурор ёрдамчиси бояғидай ўрнидан сал туриб, яна аввалғидай мунофиқона соддалик билан бир неча савол беришга рухсат сўради ва ижозат олгач, қўйлагининг гул солиб тикилган ёқаси устига бўйнини кийшайтириб сўради:

– Савдогар Смелковнинг номерида судланувчи қанча вақт бўлганини билишни истардим.

Масловани яна қўрқув босди. У гоҳ прокурор ёрдамчисига, гоҳ раисга кўз югуртириб, шошиб-пишиб жавоб берди:

– Қанча вақт ўтгани эсимда йўқ.

– Судланувчи савдогар Смелков ёнидан чиққач, меҳмонхонада бирон жойга киргани эсида йўқмикан?

Маслова ўйлаб кўрди.

– Ёнма-ён жойлашган бўш номерга кириб эдим, – деди у.

– Нега кириб эдингиз? – деди прокурор ёрдамчиси берилиб кетганидан тўғридан тўғри Масловага мурожаат қилиб.

– Уст-бошимни ростлаб олиб, извошчини кутдим.

– Судланувчининг ёнида, номерда Картинкин ҳам бормиди ёки йўқмиди?

– У ҳам кирган эди.

– Нега кирган эди?

– Савдогардан фин шампани қолган эди иккаламиз бирга ичдик.

– Ҳа-ҳа, бирга ичибсизлар-да. Жуда соз.

– Судланувчи Симон билан гаплашганми, агар гаплашган бўлса, нима тўғрида?

Маслова тўсатдан ковоғини солиб олди, кип-қизариб кетди-да, тез-тез гапира бошлади:

– Нимани гаплашибман? Ҳеч нарсани гаплашганим йўқ. Бўлган гапнинг ҳаммасини айтиб бердим, бошқа ҳеч нарса билмайман. Нима қилсангиз қилинг. Менинг гуноҳим йўқ, вассалом.

– Бошқа саволим йўқ, – деди прокурор раисга ва ғайри табиий бир тусда қифтини қисиб, нутқининг конспектига судланувчининг Симон билан бирга бўш номерга киргани тўғрисидаги эътирофини ёза бошлади.

Орага сукунат чўкди.

– Айтадиган бошқа гапингиз йўқми?

– Ҳаммасини айтиб бўлдим, – деди Маслова хўрсиниб, сўнгра ўтирди.

Шундан кейин раис қоғозга ниманидир ёзди ва чап томонида ўтирган суд аъзосининг шивирлаб айтган гапини тинглаб, ўн дақиқа танаффус эълон қилди, шошиб ўрнидан турди-да, залдан чиқди. Раис билан чап томонида ўтирган серсоқол, катта, мулойим кўзли аъзо ўртасида бўлиб ўтган маслаҳат шундан иборат эдики, ўша аъзонинг меъдаси бузилган, у қорнини силаб, дори ичиб олмоқчи бўлган эди. У

шу гапни раисга айтган ва унинг илтимосига кўра танаффус эълон қилинган эди.

Судьялардан кейин маслаҳатчилар, адвокатлар ва гувоҳлар ўринларидан туришди, муҳим ишнинг бир қисмини бажариб кўнгиллари жойига тушгандай, у ёқдан бу ёққа юра бошладилар.

Нехлюдов маслаҳатчилар хонасига ўтди ва дераза ёнига бориб ўтирди.

## XII

Ҳа, бу Катюша эди.

Нехлюдовнинг Катюша билан муносабати қуйидагича эди:

Нехлюдов Катюшани биринчи марта университетнинг учинчи босқичида ўқиётган маҳалда, ёзда аммалариникига келиб, ерга бўлган хусусий эгалик ҳақида илмий асар ёзиш чоғида кўрган эди. Одатда у ёзда онаси ва опаси билан бирга онасининг Москва ёнидаги катта қўрғонида яшарди. Аммо бу йил опаси ерга тегиб кетди, онаси даволаниш учун чет элга сувга жўнади. Нехлюдов эса илмий асар ёзиши лозим эди, шундай қилиб, у ёзни аммалариникида ўтказишга аҳд қилди. Уларнинг ери бир чеккада, тинч, уларникида ўйин-томоша деган нарса йўқ, аммалари эса меросхўр жияларини жуда яхши кўришар эди. Нехлюдов ҳам уларни, уларнинг эскича, оддий ҳаётларини яхши кўрарди.

Нехлюдов аммалариникида бўлган ёз ойлари унинг юраги шундай завқ-шавққа тўлган эдики, бу ҳолатда ўспирин йигит ҳаётнинг гўзаллиги ва маъносини ҳамда шу ҳаётда инсон зиммасига қўйилган вазифанинг бутун аҳамиятини бировнинг кўрсатганига қараб эмас, балки ўзи англайди, ўзи ва бутун олам чексиз такомил топиши мумкинлигини кўриб, шунга ишонибгина қолмай, балки тасаввурдаги камолотга дадиллик билан интилади. Яна шу йил университетда у Спенсернинг «Ижтимоий статистика» деган асарини ўқиган ва Спенсернинг ерга бўлган хусусий эгалик ҳақидаги муло-

ҳазалари унда, хусусан, ўзи катта ер эгасининг ўғли бўлгани учун жуда зўр таассурот қолдирган эди. Унинг отаси бадавлат эмас, аммо онаси сепга ўн минг ботмонча ер олган эди. Нехлюдов ерга бўлган хусусий эгаликнинг нақадар шафқатсиз ва адолатсизлигини биринчи бор ўша пайтларда англаб, ахлокий талаблар йўлида фидокорлик қилишни энг юксак рухий лаззат деб биладиган одамлардан бири бўлгани учун ерга бўлган хусусий эгалик ҳуқуқидан воз кечди, отасидан мерос қолган ерни ўша вақтдаёқ деҳқонларга бўлиб берди. У илмий асарини ҳам худди ана шу мавзуда ёзаётган эди.

Ўша йил аммаларининг қишлоғида унинг ҳаёти шундай ўтганди: у жуда эрта, баъзан соат учда турар ва қуёш чиққунча, баъзан тонгги туман тарқалмасдан бурун, тоғ ён бағридаги сойга бориб чўмилар, ҳамда гиёҳлар ва гуллардаги шабнам кўтарилмасдан қайтиб келарди. Баъзида эрта-лаб қаҳва ичиб олгач, ўтириб илмий асарини ёзар ёки ўшанга керакли хужжатларни ўқирди, аммо кўпинча, ўқиш ёки ёзиш ўрнига яна уйдан чиқиб кетиб далалар, ўрмонларни кезиб юрарди. Тушлик овқат олдидан боғнинг бирон бурчагида ётиб ухлаб қолар, овқат пайтида қизиқчилик қилиб аммаларини кулдириб ўтирар, кейин от миниб кезар ёки қайиқда сайр қиларди-да, кечкурун яна аммалари билан ўтириб пасьянс<sup>1</sup> ўйнарди. Кўпинча кечалари, айниқса, ойдин кечалари, кўнгли ҳаёт қувончи билан тўлиб-тошганидан уйқуси келмас, ухлаш ўрнига баъзида тонггача ўз фикри хаёли билан банд бўлиб боғда юриб чиқарди.

Аммалариникида яшаган даврининг биринчи ойида у, оксоч деса оксоч эмас, асранди деса асранди қиз эмас, қора-кўз, эпчил Катюшага эътибор бермай, бахтиёр ва осойишта ҳаёт кечирарди.

Она бағрида тарбия тошган Нехлюдов у вақтларда ўн тўққизга кирган бўлса-да, чинакам маъсум йигит эди. У аёл киши ҳақида ўйлаганда, фақат унга уйланишини кўзда тутарди. Ўзига хотин бўла олмайдиган барча хотинлар, унинг назарида, хотин эмас, одам сифатида гавдаланарди.

<sup>1</sup> Пасьянс – картада фол очишининг ёки ўйин кўрсатишининг бир тури.

Шу йил ёзда Вознесенье<sup>1</sup> байрамида Нехлюдовнинг аммалариникига қўшнилари бўлган аёл ўз болалари, яъни бўйи етган икки кизи, гимназист ўғли ва уйларидаги меҳмон – деҳқонлардан чиққан рассом билан бирга меҳмон бўлиб келди.

Чойдан кейин уй рўпарасидаги ўрилган ўтлоқда гур-гур ўйини<sup>2</sup> ўйнаш бошладилар. Катюшани ҳам чакиришди. Бир неча ўйиндан кейин Нехлюдов Катюша билан қочишадиган бўлди. Катюшани кўрганда доим Нехлюдовнинг кўнгли хурсанд бўлар, лекин икковининг ўртасида бирон бошқача муносабат бўлиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмас эди.

– Энди буларни тутолмайман, – деди «пойлоқчи» хушчақчақ рассом; унинг деҳқонларга хос кучли оёқлари калта ва эгри бўлгани билан у жуда тез югурар эди. – Қокилиб кетишганда тутмасам...

– Сиз бўласиз-у, тутмай қўясизми?

– Бир, икки, уч!

Улар уч марта чапак чалишди. Катюша кулгидан ўзини зўрга тутиб, Нехлюдов билан ўрнини тез алмаштириб, гадири-будур, кучли, кичкина қўли билан унинг катта қўлини қисиб қўйиб, крахмалланган юбкасини шилдирашиб чапга қараб югуриб кетди.

Нехлюдов жуда тез югурарди. У рассомга туткич бермаслик учун кучининг борича чопди. Кейин орқасига қараган эди, рассом Катюшани қувлаб кетаётганини кўрди, Катюша чаққон югуриб, унга туткич бермай, чап томонга қараб қочди. Олдинда настарин гули бутаси, бор эди. У ёкка ҳеч ким бормаган эди. Катюша Нехлюдов томонга қаради-да, боши билан настарин гул бутаси орқасида бирлашамиз деб ишора қилди. Нехлюдов унинг ишорасини тушунди-да, бута томон югурди. Аммо у ерда бир ариқча бўлиб, устини қичитки ўт қоплаган эди, Нехлюдов буни пайқамай тайганиб

<sup>1</sup> Вознесенье – Исонинг арши аълога кўтарилиши ва христьянларнинг шунга бағишланган байрами.

<sup>2</sup> Бу ўйинда энг олдинда турган бола орқасида жуфт-жуфт бўлиб турган болаларнинг бирини тутиб олиши керак.

йиқилди-да, қўлини қичитқига босиб олди ва оқшомга яқин тушган шудрингдан қўли ҳўл бўлди, лекин шу заҳоти кула-кула ўрнидан туриб, ялангликка чиқди.

Катюша хурсандлигидан чаросдек коп-қора қўзларини чақнатиб жилмаяр экан, унга томон югурди. Улар чопиб келиб, қўл ушлашиб олдилар.

Катюша бўш қўли билан тўзғиган сочларини тўғри-лаб, Нехлюдовга қушбоқиш билан тик қаради-да:

– Қўлингизни роса қичитаётгандир? – деди ҳарсиллаб жилмаяр-экан.

– Бу ерда ариқча борлигини билмаган эдим, – деди у ҳам жилмайиб, қизнинг қўлини қўйиб юбормай.

Катюша унга яқинроқ келди. Нехлюдов қандай қилиб қизга юзини яқинлаштирганини ўзи ҳам билмай қолди. Катюша ўзини олиб қочмади, Нехлюдов унинг қўлини қаттиқроқ қисди-да, лабидан ўпиб олди.

– Вой ўлай, – деди қиз қўлини шартта тортиб олиб, сўнгра ура солиб қочиб кетди.

Катюша настарин гул бутаси ёнига югуриб борди-да, гуллари тўкила бошлаган иккита оқ настарин новдасини ўзиб олди. Кейин шу настарин билан ловуллаб турган бетига уриб, Нехлюдовга ўгирилиб қарай-қарай, қўлларини силки-тиб орқага, ўйновчилар ёнига қайтди.

Ана шу пайтдан бошлаб Нехлюдов билан Катюшанинг муносабати ўзгарди ва бир-бирига интилган маъсум йигит билан маъсума қиз ўртасида бўладиган бошқача бир муносабат пайдо бўлди.

Катюша хонага кирса ёки Нехлюдов унинг оқ фар-тукини узоқдан кўриб қолгудай бўлса, назарида, борлик куёш нурига чўмгандай, ҳамма нарса жозибали, кўнгилли ва маънолидай туюларди, ҳаёт ширин бўлиб кетарди. Катюша ҳам шундай ҳолатда эди. Нехлюдовга бундай таъсир қилган нарса Катюшанинг шу ердалиги ёки яқинлигидагина эмас эди; дунёда Катюша бор-ку, деган фикрнинг ўзиёқ унга шундай таъсир этар, Катюша учун эса Нехлюдовнинг бор-лиги шундай туйғу тугдирарди. Нехлюдов онасидан кўнгил-сиз хат олса ёки илмий иши юришмай қолса, ёинки ёшлик



хаёллари сабабсиз-несиз кўнглини ғаш қилса, Катюша борку, деб эслаши билан ёки уни кўриши билан бутун ғами таралиб кетарди.

Катюшанинг уйда юмуши жуда кўп эди. Аммо у югуриб-елиб ишини битирар ва бўш вақтларида китоб ўқирди. Нехлюдов Достоевский<sup>1</sup> ва Тургенев<sup>2</sup> китобларини ўқиб туширгандан кейин унга берарди. Катюшага Тургеневнинг «Хилваттоҳ» деган асари жуда ёқар эди. Улар ахён-ахёнда: йўлакда, балконда, ҳовлида учрашиб қолишганда гаплашишар, баъзида эса оқсоч кампир Матрёна Павловнанинг хонасида гаплашиб ўтиришарди. Катюша бу хонада Матрёна Павловна билан бирга турар, Нехлюдов эса ора-чора қанд тишлаб чой ичгани кириб турар. Матрёна Павловна ҳузурида ўтадиган бу суҳбатлар жуда гаштли бўларди. Ёлғиз қолганларида гаплашиш оғир туюларди. Бундай пайтларда кўзлар оғиздан чиккан сўзлардан кўра бошқа, муҳимроқ нарсаларни гапиргандек бўлар, лаблар бужмаяр ва негадир дахшат босиб, улар дарров ўринларидан туриб кетар эдилар.

Биринчи марта аммалариникига келиб турган кезде Нехлюдов билан Катюша ўртасидаги муносабат ана шундай эди. Аммалари бу муносабатни пайқаб қолиб кўрқиб кетишди ва ҳатто, чет элга княгиня Елена Ивановнага, Нехлюдовнинг онасига хат ёзиб ҳам юборишди. Аммаси Марья Ивановна Дмитрий Катюша билан алоқа қилиб қўймасин, деб кўрқарди. Лекин унинг кўрқиши ўринсиз эди, чунки Нехлюдов, ўзи буни билмагани ҳолда, Катюшани пок муҳаббат билан севар, унинг севгиси ўзини ҳам, кизни ҳам бузилишдан асрар эди. Унда қиздан ўз ҳирсини қондириш максаси

<sup>1</sup> Фёдор Михайлович Достоевский (1821-1881) – рус ёзувчиси. Асарлари: «Бечора одамлар», «Жиноят ва жазо», «Ўлик хонадондан мактублар», «Телба», «Жинлар», «Ўсмир» «Хўрланганлар ва ҳақоратланганлар» романлари. «Қиёфадош», «Ок тунлар» кнссалари ва бошқалар.

<sup>2</sup> Иван Сергеевич Тургенев (1818-1883) – рус ёзувчиси. «Стено», «Помешчико», «Параша» каби достонлар; «Андрей Колосов», «Уч сурат», «Бретер», «Муму», «Петушков», «Ортиқча кишининг кундалиги», «Яков Пасинков», «Карвонсарой», «Ёзишма», «Фауст», «Полесье сафари» каби кнссалар; «Сармоясизлико», «Йўлбошловчининг нонуштаси» «Бўйдоқ», «Техивхўр», «Қишлоқда бир ой» каби драмалар; «Икки авлод» (тугалланмаган), «Рудян», «Дворянлар уяси», «Арафа», «Оталар ва болалар», «Тутун» романлар муаллифи.

дида фойдаланиш истаги у ёқда турсин, хатто қизга нисбатан шундай муомалада бўлиш мумкин, деган фикрнинг ўзи йўқ эди. Буни ўйлаганда уни ваҳима босарди. Шоиртабиат Софья Ивановнанинг, ўз сўзли ва иродали Дмитрий қизни севиб қолиб, унинг зотини ва кимлигини суриштирмасдан унга уйланиб қўймасайди эди, деб хавотирланиши асослироқ эди.

Агар Нехлюдов Катюшага бўлган муҳаббатини ўша вақтда аниқ тушуниб олганда ва, хусусан, ўша вақтда унга, тақдирининг бу қиз билан боғлашинг асло мумкин эмас, деб уқтиришга уринганларида эди, у ўзига хос дангаллик билан, эҳтимолки, қизни севганимдан кейин унинг кимлигидан қатъи назар, уйланмаслигимга ҳеч қандай сабаб йўқ, деган қарорга келиши мумкин эди. Аммо аммалари унга ўз шубҳаларини билдиришмади ва у, қизга бўлган муҳаббатини англаб етмасдан бурун жўнаб кетди.

У Катюшага бўлган хиссиётини ўша вақтларда бутун вужудини тўлдирган ҳаёт шодлиги туйғусининг бир тури деб ўйларди, шу гўзал, хушчақчақ қиз унинг туйғуларига шерик бўлган эди. У кетаётганида, Катюша аммалари билан бирга пиллапояга чиқиб, хиёл ғилай, қоп-қора кўзларидаги жикка ёш билан уни узатиб қолганда, Нехлюдов энди ҳеч қачон топиб бўлмайдиган қандайдир энг гўзал, кадрдон нарсасини ташлаб кетаётгандек ҳис қилди. У жуда хафа бўлиб кетди.

Нехлюдов Софья Ивановнанинг тепасидан қараб:

– Хайр, Катюша, бутун хизматларинг учун раҳмат, – деди извошга ўтирар экан.

– Яхши боринг, Дмитрий Иванович, – деди Катюша кўз ёшларини зўрға тутиб, ёқимли эркаловчи товуши билан ва дахлизга қочиб кириб кетди. У ерда қиз бемалол, тўйиб-тўйиб йиғлаб олиши мумкин эди.

### ХШ

Шундан кейин Нехлюдов Катюшани уч йил кўрмади. У офицерлик мансабига эндигина кўтарилиб, ҳарбий хизматга кетар экан, йўл-йўлакай аммалариникига тушиб кизни кўрган маҳалда, уч йил муқаддам ёзни ўтказган вақтдагидан кўра бутунлай ўзгариб кетган эди.

У вақтларда Нехлюдов ҳар қандай эзгу, яхши ишга жонини фидо, қилишга тайёр бўлган виждонли йигит эди — энди у фақат йўлига кирган, фақат ўз ҳузурини ўйлайдиган худбин бўлиб қолган эди. У вақтларда ёруғ олам унинг кўзига сирли бўлиб кўринар ва у завқ-шавқ қа тўлиб, севиниб шу сирни билишга интилар эди — энди ҳаётдаги ҳамма нарса, назарида, оддий ва аниқ, у яшаган турмуш шароитлари билан белгиланадиган нарсалардан иборат эди. У вақтларда табиат билан, ўзидан илгари яшаб ўтган, фикр қилган, ҳис этган одамлар (фалсафа, шеърият) билан яқин муносабатда бўлишни муҳим ва зарур деб билар эди, энди эса турли муассасалар ва ўртоқлар билан алоқада бўлиш муҳим ва зарур эди. У вақтларда кўзига хотин киши сирли ва дилбар — худди шу сирли бўлгани учун ҳам дилбар бўлиб кўринарди — энди эса хотиннинг, ўз қариндош-уруғлари-ю, ўртоқларининг хотинларидан бошқа ҳар қандай хотиннинг нима аҳамиятга эга эканлиги маълум эди: хотин киши ўзи татиб кўрган айш-ишратнинг энг яхши воситаларидан бири эди. У вақтларда унга пул керак эмас, онаси юбориб турган пулнинг учдан бири ҳам ортиқчалик қилар, у отасидан қолган ер-мулкдан воз кечиб, уни дехқонларга бериши мумкин эди, энди эса онаси ҳар ой сари юбориб турган ўша бир ярим минг сўм пул етмас ва шу пул юзасидан онаси билан айтишиб ҳам қолган эди. У вақтларда Нехлюдов ҳақиқий мен деб ўзининг руҳий дунёсини билар, энди эса соғлом, бақувват қуруқ танасини, ҳайвоний нафсини мен деб ҳисоблар эди.

Ундаги бу даҳшатли ўзгаришга сабаб фақат шу эдики, у ўзига ишонмай, бошқаларга ишонадиган бўлиб қолган эди. Ўзига ишонмай, бошқаларга ишонадиган бўлиб қолганига сабаб шу эдики, ўзига ишониб яшаш ниҳоятда оғир эди:

Ўзига ишониб яшаганда ҳар қандай масалани жон койитмай хурсандчилик қилиш пайида бўлган ҳайвоний нафсининг фойдасига эмас, балки деярли ҳамма вақт унинг зарарига ҳал қилиш керак бўларди; бошқаларга ишониб яшаганда ҳеч нарсани ҳал қилишнинг ҳожати йўқ, ҳаммаси ҳал қилинган ва доим маънавий ҳаёт зарарига, ҳайвоний нафсининг фойдасига ҳал қилинган бўларди. Бундан ташқари, Ўзига ишониб яшаганда у доим одамларнинг маломатига қоларди, – бошқаларга ишонганда эса атрофини ўраб олган одамларга манзур бўларди.

Чунончи, Нехлюдов Худо тўғрисида, ҳақиқат, бойлик ва камбағаллик тўғрисида ўйлаганда, ўқиганда ва гапирганда атрофдаги одамлар буни ўринсиз ва қисман кулгили деб ҳисоблашар, онаси ҳам, аммаси ҳам кесатиб, уни *notre cher philosophe*<sup>1</sup> деб аташарди; у романлар ўқиб беадаб латифалар айтганда, французча пьесаларни кўргани театрда борганда ва кўрганларини марок билан сўзлаб берганда эса, ҳамма уни мақташарди. У ўз эҳтиёжларини чеклашни зарур деб, эски шинель кийиб юрганда ва вино ичмай қўйганда ҳамма буни ғалати қилиқ ва беҳуда мактанчоқлик деб ҳисоблар, лекин овга чиқиш ёки ғоятда ҳашаматли кабинетини жиҳозлаш учун катта-катта харж қилганда ҳамма унинг дидини мақтар, қимматбаҳо нарсалар совға қиларди. У ифбатли йигит чоғида то уйлангунча шундай юрмоқчи бўлганида қариндош-уруғлари унинг саломатлигидан хавотир олишди ва ҳатто у ўртоғидан аллақандай француз хотинни тортиб олганида, онаси буни эшитиб, хафа бўлиш ўрнига, ўғлим энди ҳақиқий эркак бўлибди, деб севинган эди. Дмитрийнинг Катюша билан бўлган муносабати, ўғлининг унга уйланиши мумкинлиги княгиняни даҳшатга соларди.

Нехлюдов вояга етгач, отасидан мерос қолган бироз ерни, ерга эгалик қилиш адолатдан эмас, деб деҳқонларга бўлиб берган вақтида ҳам унинг бу қилиғи онасини ва қариндош-уруғларини даҳшатга солган эди. Шу туфайли у

<sup>1</sup> *Notre cher philosophe* (французча) – азиз файласуфимиз.

барча уруғ-аймоқларининг маломатига қолган эди. Нехлюдовга, ундан ер олган дехқонлар бойиш ўрнига, учта ковоқхона очиб ва ишлашни йиғиштириб қўйиб қайтага қашшоқлашиб кетганлари тўғрисида гапиравериб унинг кулоғини битиришди. Нехлюдов гвардияга кириб, баланд мартабали ўртоқлари билан оламжаҳон пулни кўкка совуриб, қартага бой бериб қўйганда, Елена Ивановна дастмоесидан пул олиб юборишга мажбур бўлган ва шунда ҳам сира хафа бўлмай, бу табиий бир ҳол, қайтага яхши бўлибди, чечак ёшлигида эмлангани тузук, улфатлари ёмон эмас, деб ҳисоблаган эди.

Дастлаб Нехлюдов курашиб кўрди, аммо курашиш жуда оғир бўлди, чунки ўзига ишониб, яхши деб топган нарсаларини бошқалар ёмон дер, ва аксинча, ўзига ишониб, ёмон деган нарсаларини атрофидагиларнинг ҳаммаси яхши дер эдилар. Бу курашнинг натижасида Нехлюдов таслим бўлди, ўзига ишонмай, бошқаларга ишонадиган бўлиб қолди. Авваллари ўз йўлидан қайтиш анча оғир бўлди, аммо бу ҳис узоқ давом этмади ва худди шу вақтдан бошлаб вино ичиш, папирос чекишни бошлаган Нехлюдов, кўп ўтмай, кўнглини ғаш қилган бу туйғуни ҳис этмай қўйди ва ҳатто анча энгил тортгандай бўлди.

Шундай қилиб, Нехлюдов эҳтиросли табиатга хос жўшқинлик билан атрофдагиларга маъқул бўлган шу янги ҳаётга берилиб кетди ва қандайдир бошқа нарсани талаб этувчи қалбидаги овозни бутунлай бўғиб ташлади. Бу ҳолат Петербургга кўчиб ўтганидан кейин бошланди ва ҳарбий хизматга кириш билан яна авж олиб кетди.

Ҳарбий хизмат умуман одамларни йўлдан оздиради, чунки ҳарбий хизматга кирганларнинг умрлари бекорчилик билан ўтади, яъни улар онгли ва фойдали иш қилмайдилар, умумий инсоний бурчларни унутиб қўядилар, улар ўрнига полк<sup>1</sup>, мундир, байроқнинг расм бўлиб қолган шон-шухрати олдинга сурилади, бундан ташқари, ўлар, бир томондан, бошқа одамлар тепасидан чексиз ҳукмдорлик қилсалар, иккинчи томондан, ўзларидан баланд мартабадаги бошлиқ-

<sup>1</sup> Полк (русча: бир гала, тўп (қиз); оломон; қўшин) – одатда, дивизия ёки бригада таркибига кирадиган ва бир неча батальон ва ротадан ташкил топган ҳарбий қисм.

лар олдида қулларча итоат қилишга мажбур бўладилар.

Одамларнинг ахлоқини бузадиган, мундир ва байроқ шон-шухратидан бошқани тан олмайдиган, зўравонликка, қотилликка ижозат берадиган ҳарбий хизмат устига бойликнинг ҳамда подшо хонадонига яқинликнинг касофати қўшилса, бу бадахлоқлик унинг таъсирига берилган одамларни ўтакетган худбин қилиб қўяди, бадавлат ва кибор офицерлар хизмат қиладиган гвардия полкларида шу ҳол юз беради. Ҳарбий хизматга кириб ўртоқлари сингари яшай бошлагандан буён Нехлюдов ҳам худди шундай ўтакетган худбин бўлиб қолган эди.

Бировлар тиккан, тозалаган чиройли мундирни, каскани кийиб, бошқа бировлар ясаган, ялтиратиб келтириб берган яроғни тақиб, яна бошқа одамлар томонидан боқилган, ўргатилган ва ўстирилган отга миниб худди ўзига ўхшаш одамлар билан машққа, кўрикка ошиқиш, от чоптириш, қиличбозлик қилиш, отиш ва буларни бошқаларга ўргатишдан бошқа ҳеч қандай иш йўқ эди. Энг олий мартабали кишилар, ёшлар, қарилар, подшодан тортиб мулозимларигача бу машғулотни маъқуллабгина қолмай, балки буни мақташар ва табриклашар эди. Ана шу машғулотлар тамом бўлгач қаердан олинаётгани маълум бўлмаган пулларни созуриб, офицерлар клубида ёки нарх-навоси қиммат трактирда биргалашиб овқатланиш, айниқса, ичиш жуда яхши ва муҳим иш ҳисобланарди; кейин театрлар, рақс кечалари, хотинлар билан айш-ишрат, ундан кейин яна от чоптириш, қиличбозлик, пойга, яна пул созуриш, вино, карта, хотинлар билан айш-ишрат...

Бундай ҳаёт ҳарбийларга шунинг учун ҳам ёмон таъсир қиладикки, агар оддий одам шундай ҳаёт кечирса кўнгли хижил бўлмай қолмайди. Ҳарбийлар эса шундай бўлиши керак, деб ҳисоблайдилар, айниқса, уруш вақтида шундай ҳаёт кечирганлари учун фахрланадилар. Туркияга уруш эълон қилингач ҳарбий хизматга кирган Нехлюдов ҳам худди шу фикрда эди. «Биз урушда жонимизни фидо қилишга тайёرمىз, шу сабабдан ҳам бундай беғам, хушчакчақ ҳаёт кечириш биз учун уят эмас, шарт. Биз худди шундай

яшаяпмиз».

Нехлюдов ҳаётининг шу даврида ана шундай деб ўйларди; илгари ўз олдига қўйган ахлоқий тўсиқлардан қутулганига беҳад хурсанд ва ўтакетган худбинлик оғушида маст-аласт ҳолда эди.

Орадан уч йил ўтгач, йўл-йўлакай аммалариникига тушганида, у худди ана шундай ҳолатда эди.

#### XIV

Нехлюдов аммалариникига шунинг учун ҳам тушиб ўтган эдики, уларнинг ер-мулки унинг полки ўтиб кетган йўл устида эди. Шу сабабдан аммалари кириб ўтишни ундан қаттиқ илтимос қилишганди, энг муҳими эса, Катюшани бир кўрмоқчи эди. Балки, ўша пайтда жиловсиз ҳайвоний ҳирс уни васвасага солганидан кўнглининг чуқур жойида Катюшага нисбатан ёмон ният туғилгандир, лекин у бу ниятда эканини билмасди ва бир вақтлар шундай яхши кун кечирган жойларини, ҳамма вақт атрофида парвона бўладиган, бироз ғалати табиат, лекин меҳрибон ва оққўнгил аммаларини, ғоят ёқимли хотиралар қолдирган дилдор Катюшани кўришни истар эди.

У мартнинг охирларида, пасха<sup>1</sup> олдидаги жума куни лойгарчиликда жала қуйиб турган пайтда келди. У уст-боши шалаббо бўлиб, совқотиб келган бўлса-да, ҳар доим шундай кезларда ўзини ҳис этганидай бардам ва хурсанд эди. У

<sup>1</sup> *Пасха* (қадимий яҳудийча: пейсах – ўтмоқ) – яҳудийлар ва христианларнинг баҳор байрами. Қадимда кўчмалячи семит қабиалари Пасхани чорва молларининг баҳорги болалаш вақтида байрам қилганлар. Бу қабиаларнинг ўтроқлашиши ва деҳқончилик билан шугулланиши натижасида Пасха ўрим-йигим байрамига айланган. Бу байрам христианларнинг Пасхасидан фарқли ўлароқ, яҳудийларнинг Мисрдаги Фиръавн қулигидан қутулиб чиққанлари (тахминан милоддан аввалги VII аср) муносабати билан нишонланади. Яҳудийлар Пасхасида кейинчалик миссияни қутуш гоёси ҳам ўз ифодасини топди. Христианликда бу байрам Исонинг тирилиши тўғрисидаги ривоят билан боғлиқ бўлиб, православларнинг асосий байрами ҳисобланади. Баҳорги тенгқуллиқ ва тўлиқ ойдан кейинги 1-якшанбада нишонланади. Байрам қуялари санъисини ҳисоблаб чиқиш учун жадваллар (пасхалия) тузилади.



аммаларининг атрофи ғиштин девор билан ўралган, томдан тушган қор уюлиб ётган кўҳна кўрасига кириб келар экан: «У ҳалиям шу ердамикин?» – деб ўйлади. Нехлюдов, чананинг қўнғироғини эшитиб, пиллапоёга Катюша югуриб чиқади, деб ўйлаган эди. Лекин кизлар бўлмасининг пиллапоясига кўйлаги липпасига<sup>1</sup> қистирилган, яланг оёқ икки хотин челақ кўтариб чиқди, афтидан, булар пол юваётган бўлсалар керак. Катюша катта эшик ёнидаги зинапоя устида ҳам кўринмади; фақат фартук тутган хизматкор Тихон чиқди, холос, у ҳам супуриш-сидириш билан овора бўлса керак. Даҳлизга эғнида шоҳи кўйлак ва бошида чепец<sup>2</sup> билан Софья Ивановна чиқди.

– Бўйгинангдан ўргилай, яхши келибсан, – деди Софья Ивановна уни ўпиб. – Машеньканинг бироз тоби йўқроқ, черковдан чарчаб қайтди. Табаррук шаробдан татиб келдик.

– Табриклайман, аммажон, – деди Нехлюдов Софья Ивановнанинг қўлини ўпиб, – кечирасиз, ҳўл қилиб қўйдим.

– Бор, хонангта кир. Тоза ивиб кетибсан. Мўйлов ҳам қўйиб юборибсан-ку... Катюша! Катюша! Унга қаҳва келтир дарров.

Йўлакдан:

– Ҳозир! – деган таниш, ёқимли овоз эшитилди. Қувонганидан Нехлюдовнинг юраги «шиғ» этиб кетди. «Шу ерда экан!» Бирдан ялт этиб булут орасидан куёш чиққандай бўлди. Нехлюдов суюниб, уст-бошини алмаштириш учун Тихон билан бирга ўзининг олдинги хонасига кирди.

Нехлюдов Тихондан: «Катюша нима қиляпти? Аҳволи қалай? Турмушга чиқмоқчимми?» – деб суришгирмоқчи ҳам бўлди. Аммо Тихон иззат-икромни шу қадар жойига қўйиб, ўзини шу қадар жиддий тутдики (қўлингизга ўзим сув қуяман, деб туриб олди), шундан кейин Нехлюдов Катюша ҳақида сўрашга ботина олмади-да, фақат неваралари, қари от, Полкан деган кўпнак тўғрисида сўраб қўя қолди.

<sup>1</sup> Липша (арабча; тола, ип) – шимнинг камар ўтказиш учун қайтариб тикилган жойи.

<sup>2</sup> Чепец – аёлларнинг ситил, иссиқ бош кийими.

Маълум бўлишича, бултур кутуриб ўлган Полкандан бошка ҳамма соғ-саломат экан.

Нехлюдов ҳўл уст-бошларини ечиб, энди кийина бошлаган ҳам эдики, аллакимнинг тез-тез юриб келаётганини эшитди, шу чоғ эшик тикиллади. Нехлюдов оёқ товушини ҳам, тикиллатишни ҳам таниди. Фақат Катюша шундай қадам ташлар ва шундай тикиллатарди.

Нехлюдов ҳўл шинелини устига ташлаб, эшикка яқинлашди.

– Кираверинг!

Бу ўша Катюша эди. Ўша-ўша Катюша, илгаригидан ҳам чиройли бўлиб кетган эди. Содда, кийгоч қора кўзлари ҳамон ўшандай пастдан юқорига қараб, жилмайиб, турарди. У, илгаригидек, тоза, оппоқ фартук тутиб олган эди. У аммалари ҳозиргина қоғоздан очиб олиб берган ироки<sup>1</sup> совун билан иккита сочиқ: катта рус сочиғи ва пахмоқ сочиқ келтирган эди. Устидаги ёзуви яққол кўришиб турган, тутилмаган совун, сочиқ ва кизнинг ўзи – ҳаммаси бир хилда тоза, янги, пок ва дилрабо эди. Кизнинг нафис, кизил лаблари, Нехлюдовни кўрганда беҳад қувонганидан, ҳамон илгаригидек жийрилиб турарди.

– Хуш келибсиз, Дмитрий Иванович! – деди у зўрға. унинг икки бети кип-кизариб кетди.

– Саломатмисан... саломатмисиз, – Нехлюдов уни «сен» сирашини ҳам «сиз» сирашини ҳам билмай, Катюша сингари кизариб кетди. – Эсон-омон юрибсизми?

– Худога шукур... Аммангиз сизга энг яхши кўрган совунингизни, пушти ранг совунни бериб юбордилар, – деди у совунни столга, сочиқларни кресло суянчиғига қўя туриб.

– Ўзлариники бор, – деди Тихон меҳмоннинг ўз изми ўзида дегандек, Нехлюдовнинг бир қанча шиша, шчётка, фиксатуар, атир ва турли пардоз анжомлари солинган катта, кумуш копқокли, очик турган пардоз қутчасини кўрсатиб.

– Аммамларга миннатдорчиликимни айтинг. Келганимга гоятда хурсандман, – деди Нехлюдов кўнгли эриб,

<sup>1</sup> Ироки (арабча) – Ирокка мансуб, Ирокда тайёрланган.

илгаригидек кўнгли равшан бўла бошлаганини ҳис қилиб.

Бу сўзларга жавобан қиз жилмайди-да, эшикка чиқиб кетди.

Нехлюдовни яхши кўрган аммалари бу гал уни ҳар сафаргисидан ҳам севишиб қарши олишди. Дмитрий урушга кетаётган эди. У ярадор бўлиши ё ҳалок бўлиши мумкин эди. Шу сабабдан ҳам аммаларининг жуда меҳри товланиб кетган эди.

Нехлюдов аммалариникида атиги бир кун турмоқчи эди, аммо Катюшани кўргандан кейин икки кундан сўнг бўладиган пасхани ҳам аммалариникида кутиб олишга рози бўлди ва Одессада учрашмоқчи бўлган ўртоғи Шенбокка телеграмма<sup>1</sup> юбориб, аммалариникига тушиб ўтишини сўради.

Катюшани кўрган кунидан бошлаб Нехлюдовнинг кизга нисбатан бўлган аввалги туйғулари уйғонди. Худди илгаригидек Катюшанинг оқ фартукини кўрганда юраги орзиқиб кетар, унинг оёқ товушини, овозини, кулгисини эшитганда севинар, чаросдай қоп-қора кўзларини, айниқса, жилмайиб турган кезларида кўрганида эриб кетар, рўпара келиб қолишганда қизнинг қизариб кетганини кўриб хижолат тортарди. У севиб қолганини ҳис этди, лекин илгариги севгиси билан бу сафаргиси орасида фарқ бор эди, илгари бу севги унинг учун сирли нарса эди ва севиб қолганига иқроор бўлишга юраги дов бермас эди, илгари у, киши умрида фақат бир марта севиши мумкин, деб ишонарди, энди эса ошиқ бўлганини ўзи билар ва бунга суюнар, муҳаббатнинг нима-лигини ва унинг оқибати нима бўлишини сал-пал билса-да, буни ўзидан яширарди.

Нехлюдовнинг кўнглида бошқа одамларнинг ҳам кўнглида бўлгани каби икки одам яшар эди. Бири, ёлғиз ўзи учун эмас, бошқалар учун ҳам бахт-саодат тиловчи маънавий одам, иккинчиси, ёлғиз ўзининг манфаатини кўзловчи ва ўз манфаати учун тўғри келган нарсанинг ҳаммасини қурбон қилишга тайёр бўлган ҳайвоний одам эди. Петербургда. ва

<sup>1</sup> Телеграмма (теле.. + юнонча: грамма – ёзув) – телеграф орқали узатишган ёки қабул қилиб олинган шошилинч хабар, ҳужжат ва шундай хабар ёзилган қоғоз.

харбий хизматда орттирган худбинликнинг учига чиққан даврида унинг вужудида ана шу хайвоний одам ҳукмрон бўлиб, Маънавий одамни бутунлай эзиб ташлаган эди. Аммо Катюшани кўриб, илгари унга нисбатан ҳис этган туйғусини яна бошдан кечиргач, ундаги маънавий одам яна бош кўтарди ва ўз ҳақини талаб қила бошлади. Хуллас, пасхагача бўлган икки кун ичида Нехлюдовнинг юрагида ўзи ҳам англай олмаган тинимсиз кураш давом этди.

У кетиши кераклигини, аммалариникида қолишнинг фойдаси йўқлигини, бундан яхшилик чиқмаслигини билар эди, аммо у шу қадар шод-хуррам эдики, бу ҳақда бош қотириб ўтирмай, аммалариникида қолаверди.

Шанба куни кечкурун, Исога «ожон кирган кун» арафасида поп, дьякон<sup>1</sup> ва дьячок<sup>2</sup> билан биргаликда, ўзларининг айтишларига қараганда, черков билан аммаларининг уйи ўртасидаги уч чақирим масофани чанада кўп азоб-укубатлар билан босиб, ибодат қилгани келишган эди.

Нехлюдов аммалари ва хизматкорлар билан бирга эшик ёнида исирик тутатадиган идишни тутиб турган Катюшадан кўзини узмай, ибодат қилиб бўлди, поп билан, аммалари билан ўпишди-да, энди бориб ухлайман, деб турган ҳам эдики, Марья Ивановнанинг кекса оқсочи Матрёна Павловнанинг Катюша билан бирга куличларни<sup>3</sup> табарруклуб келиш учун черковга бормоқчи бўлиб йўлакда тараддудланаётганини эшитиб қолди. «Мен ҳам бораман», – деб ўйлади у.

Черковга на аравада, на чанада бориб бўларди, аммалариникида ўзини худди ўз уйида юргандек ҳис қиладиган Нехлюдов «Оғайни» деган аргумокни эгарлатди ва ётиб ухлаш ўрнига тор рейтузи билан мундирини, унинг устидан шинелини кийди-да, сеяриб кетган, ҳар қадамда шишқирадиган қари аргумокни миниб қоронғида сув ва қор кечиб черковга жўнади.

<sup>1</sup> Дьякон – православ ва католик черковида пойдан кейинги ўринда турган черков руҳонийси.

<sup>2</sup> Дьячок – православ черковида энг қуйи лавозимли руҳоний.

<sup>3</sup> Кулич – думалок ширин non.

Черковдаги ўша ибодат Нехлюдовнинг ҳаётида умр бўйи энг ёрқин ва энг кучли хотирот бўлиб қолди.

Ҳамма ёқ зим-зиё қоронғи, фақат онда-сонда қор оқариб кўринарди. Нехлюдов, черков атрофига ёқиб қўйилган қора чирокларни кўриб қулоғини чимирган, сувни шалоплатиб бораётган от устида черков ҳовлисига кириб келганда ибодат бошланган эди.

Дехқонлар Марья Ивановнанинг жиянини таниб, отдан тушиш учун қуруқ жойни кўрсатишди, отини бойлаб, ўзини черковга кузатиб қўйишди. Черков байрам либосини кийган халойиқ билан тўла эди.

Эгнига хонаки чакмон, оёғига оқ пайтава ўраб, чипта кавуш кийган чоллар ва чиройли белбоғ бойлаб, этик кийган ёш-яланглар ўнг томонда туришарди. Бошига қизил шойи рўмол, эгнига янги, тўққизил белбурма камзул билан кўк, яшил, ола-була юбка ва нағал<sup>1</sup> қоқилган ботинка кийган хотинлар чап томонда туришарди. Оқ рўмол ўраб, кулранг камзул ва қадимий жун юбка, бошмоқ ёки янги чипта кавуш кийган кампирлар улардан орқароқда туришарди; хотинлар билан кампирлар ўртасида сочларига мой суртилган, ясанган болалар бор эди. Дехқонлар чўқинишар, сочларини силкиб таъзим қилишарди. Хотинлар, айникса, кампирлар нурсиз кўзларини шам ёқилган иконалардан бирига тикишиб, жуфтлаштирилган бармоқларини пешоналарига, икки елкаларига ва қоринларига қаттиқ босиб чўқинишар, алланималарни шивирлаб, турган ерларида таъзим қилишар ёки тиз чўқишарди. Болалар, бошқалар қараб турганда, катталарга тақлид қилиб астойдил ибодат қилишарди. Зарҳал икона четларига ўрнатилган шамлар порлаб ёнар, чилчиरोққа шам териб қўйилган эди, клирос<sup>2</sup> томондан кўнгилли ҳофизларнинг баланд-паст навозишлари<sup>3</sup> эшитиларди.

<sup>1</sup> Нағал (арабча) – оёқ кийимининг пошнасига қоқиладиган такача.

<sup>2</sup> Клирос – черковда хор айтувчилар учун ажратилган жой (тарж.).

<sup>3</sup> Навозиш (форсча; эркалаш; хушмуомалалик) – меҳрибонлик билан ёки лутфан.

Нехлюдов олдинга ўтди. Ўртада аристократлар<sup>1</sup>: хотини ва матросча кийинган ўгли билан бир помешчик, становой, телеграфчи<sup>2</sup>, кигиз этик кийган савдогар, медаль таққан старшина турарди. Мехробнинг<sup>3</sup> ўнг томонида, помешчик хотиннинг орқасида, товланадиган бинафшаранг кўйлак кийган ва оқ хошияли шол рўмол ўраган Матрёна Павловна ва белбурма оқ кўйлак кийиб, ҳаворанг камар бойлаган, қора сочига қизил бант таққан Катюша турарди.

Ҳамма нарса байрам тусида, тантанали, хушнуд ва гўзал эди: зарҳал хоч сурати туширилган кумушранг жубба кийган руҳонийлар ҳам, узун, енги кенг зарбоф тўн кийган дьякон ва дьячоклар ҳам, ясанган ва сочларига мой суртган хонишчилар ҳам, шўх-янгрок куйлари, ҳам, учта шам ўрнатилган ва гуллар билан безалган қандил ушлаган руҳонийларнинг халойикни «Христос воскрес! Христос воскрес!» – деб узлуксиз дуо қилиб туриши ҳам, ҳаммаси, ҳаммаси ажойиб эди, аммо оқ кўйлак кийиб, ҳаворанг камар бойлаган, қора сочига қизил бант тақиб, завқланганидан кўзлари чақнаб турган Катюша ҳаммасидан ҳам гўзалроқ эди.

Нехлюдов, Катюша ўтирилиб қарамаса-да, келганимни кўрибди, деб ўйлади. У буни Катюшанинг ёнидан мехробга ўтиб кетаётганида пайкаб қолди. Унинг Катюшага айтадиган гапи йўқ эди, лекин бир баҳона топди-да, ёнидан ўтиб кета туриб:

– Аммамлар кечки ибодатдан кейин рўзамни очаман, дедилар, – деди.

Ҳар доим Нехлюдовни кўрганда юз берадиган ҳол такрорланди: Катюшанинг икки бети лоладек қизариб кетди, қора кўзлари қулиб-қувнаб, соддадиллик билан боқиб,

<sup>1</sup> Аристократ (юн. а.: aristokratia – яхшилар ҳукмронлиги) – 1) иқтисодий ҳукмрон синф. содагонларнинг сиёсий ҳокимияти, ҳукмронлиги; 2) қулдорлик ва ундан кейинги оқ давлатларда энг имтиёзли табақа (бу ерда шу маънода).

<sup>2</sup> Телеграф (т. л. + юн.ча: grapho – ёзаман) – узоқ масофаларга телеграмма, радиотелеграмма тарзида шошилич хабар узатиш ёки уни қабул қилиб олиш учун хизмат қиладиган алоқа тизими ва унинг воситалари.

<sup>3</sup> Мехроб (арабча; ибодатхона; тоқча, таҳмон тепасинияг ярим доира қилиб ишланган қисми) – масжид ичида унинг юбла томонидаги дсворида таҳмон шаклида қурилган жой (намоз шу томонга қараб ўқилади).

Нехлюдовга тикилди.

– Хабарим бор, – деди у жилмайиб.

Шу пайт мис кашкул<sup>1</sup> ушлаб халойиқ орасидан ўтиб кетаётган дьячок Катюша ёнида унга парво қилмай ўтаркан, кийимининг этаги қизга тегиб кетди. Дьячок Нехлюдовни хурмат қилиб, ундан четлаб ўтаман деб Катюшага тегиб кетган эди. Нехлюдов бунга жуда хайрон бўлди. Наҳотки бу дьячок шу ердаги ва умуман бутун дунёдаги нарсаларнинг бариси фақат Катюша учун яратилганини билмаса, бутун дунёдаги нарсаларнинг ҳаммасига менсимаслик билан қараш мумкин-у. Катюшага бундай қараш мумкин эмаслигини тушунмаса, ахир, у бутун оламнинг маркази-ку, деб ўйлади Нехлюдов. Деворга қатор терилган иконалар ҳам Катюша учун ярқирар, қандиллардаги шамлар ҳам унинг учун порлаб ёнар, «Муборак пасха байрами бу, халойиқ, шод-хуррам бўлингиз», деган қувноқ қўшиқлар ҳам унинг учун куйланарди. Хуллас, оламдаги бутун яхши нарсаларнинг ҳаммаси Катюша учун яратилган эди. Унинг назарида, Катюша ҳам ҳамма нарса фақат ўзи учун бўлаётганини тушунгандек эди. Нехлюдов Катюшанинг бурмали оқ кўйлақдаги сарв қома тига, сергак, шод чехрасига тикилар экан, назарида, шундай туюлди ва ўз кўнглидан ўтаётган туйғулар унинг ҳам кўнглидан ўтаётгандек бўлди.

Илк саҳар ибодати билан эрталабки ибодат орасида Нехлюдов черковдан чиқди. Халойиқ унга йўл бериб, таъзим қилди. Баъзилар уни танир, баъзи бировлар: «Бу кимнинг ўғли?» деб сўрашарди. У ибодатхона эшиги олдида тўхтади. Тиланчилар уни ўраб олишди. Нехлюдов ҳамёнидаги майда пулни улашиб тугатди-да, зинадан пастга тушди.

Тонг ёришиб, теварак-атрофдаги нарсалар оқариб, ғира-шира кўринадиган бўлиб қолган, лекин ҳали куёш чиқмаган эди. Одамлар черков атрофидаги қабристонга таралиб кетди. Катюша ҳали черковдан чиқмаган эди, Нехлюдов уни кутиб турди.

<sup>1</sup> *Кашкул* (форсча) – дарвешлар садақа йиғиш учун бўйинларига илиб ёки қўлда олиб юрадиган қайқисмон ковок (ёғоч) идиш. Қаландарларнинг хайр-садақа йиғадиган махсус идиши.



Халойик ҳамон черковдан чиқиб келар, нағалли этикларини дўқиллатиб зинадан тушар, черков ховлисига ва кабристонга тараларди.

Марья Ивановнанинг қандолатчиси, боши ликиллаб турадиган кекса чол Нехлюдовни тўхтатиб у билан ўпишди, бошига шойи пешонабоғ ўраган унинг хотини – кекирдаги буришиб кетган кампир рўмоли орасидан сариқ-заъфарранг тухум олиб берди. Шу маҳал эгнида янги белбурма камзул, яшил камар бойлаган, миқтидан келган ёшгина деҳқон жилмайиб келаверди.

– Христос воскресе, – деди у Нехлюдовга яқинлашиб. Унинг кўзлари кулар, ундан деҳқонларга хос аллақандай ёқимли хид келиб турарди: деҳқон гилосдай кип-қизил лаблари билан Нехлюдовнинг лабидан уч марта чўпиллатиб ўпганда, жингалак соқоли унинг қитигини келтирди.

Нехлюдов деҳқон билан ўпишиб, унинг кўлидан тўқ жигарранг тухум олаётганида Матрёна Павловнанинг йилтироқ кўйлаги ва қизил бант таққан қора соч чиройли бош кўринди.

Катюша олдинда кетаётганларнинг боши оша уни кўриб қолди. Нехлюдов унинг юзи ёришиб кетганини кўрди.

Катюша билан Матрёна Павловна ибодатхона эшиги олдидаги пешайвонга чиқиб, тиланчиларга садақа бериш учун тўхташди. Бурни ўрнида битган яранинг чандиғи кип-қизариб турган тиланчи Катюшанинг ёнига келди. Катюша рўмолидан алланима олиб унга берди-да, кейин яқинроқ бориб жирканмай-нетмай, кўзлари чакнаган ҳолда, уч марта ўпишди. Тиланчи билан ўпишиб турган маҳалида кўзи Нехлюдовнинг кўзига тўкнашиб қолди. Гуё у: «Бу ишим яхшими, ё чаккими?» – деб сўраётгандай эди.

«Жуда соз, жонгинам, жуда яхши, севаман сени».

Улар пешайвондан тушишди, Нехлюдов эса Катюшанинг ёнига борди. У Христос воскресе, деб ўпишмоқчи эмас, фақат унинг ёнида бўлишни истарди.

– Христос воскресе! – деди Матрёна Павловна бошини эгиб ва жилмайиб. У, бугун ҳамма барабар, деган оҳангда гапирди ва буклаб қўлтиғига қисиб қўйган рўмол билан

оғзини артди-да, ўпишмоқ учун Нехлюдовга лабини чўзди.

– Дархақиқат, – деди Нехлюдов ўпишаркан.

Нехлюдов Катюшага ўтирилиб қаради. Катюша қип-қизариб кетди-да, шу заҳоти унга яқинроқ келиб:

– Христос воскресе, Дмитрий Иванович, – деди.

– Дархақиқат, воскресе, – деди у. Улар икки марта ўпишишди ва яна ўпишиш керакми, дегандек тўхтаб қолишди. Кейин гўё ўпишиш керак, деган қарорга келгандек учинчи бор ўпишишди ва иккови баравар жилмайди.

– Сизлар попнинг қузурига бормайсизларми? – деб сўради Нехлюдов.

– Йўқ, Дмитрий Иванович, биз шу ерда ўтира тура-миз, – деди Катюша завқ билан меҳнат қилган одамдай чуқур хўрсиниб, мўлтиллаб турган, уятчан, дилрабо, қийғоч кўзларини унга тикиб.

Эркак билан аёл киши ўртасидаги муҳаббатда ҳамиша шундай бир дақиқа бўладики, бунда муҳаббат ўзининг камолот чўққисига эришади, бунда кинпи эс-хушини йўқотади, у кишида ҳирс кўзгатмайди. Нехлюдов бундай дақиқани Исонинг тирилиш байрами кечаси бошидан кечирган эди. Катюшани турли ҳолатда кўп кўрган бўлса ҳам, ҳозир уни эслар экан, ўша дақиқа бошқа ҳамма хотиротларни босиб кетарди. Силлиқ қилиб таралган, ялтираб турган қора сочлари, келишган қадди-қомат ва кўкрагини кучиб олган бурмали оқ кўйлақ, қип-қизариб кетган бетлар, уйқусизликдан хумор бўлиб қолган хиёл ғилай қора кўзлар ва умуман бутун вужудидаги икки асосий хусусият, яъни фақат Нехлюдовга нисбатангина эмас – буни ўзи ҳам биларди – балки, дунёдаги одам ва нарсаларнинг ҳаммасига, фақат яхши нарсаларгагина эмас, балки дунёда нимаики бўлса ҳаммасига, ҳатто боя ўпишишган тиланчига нисбатан ҳам барқ урган тоза, пок муҳаббат.

Нехлюдов киздаги бу муҳаббатни биларди, чунки у шу кеча ва шу тонг бу муҳаббатни қалбида ҳис этган ва шу муҳаббат туфайли у киз билан бир тан, бир жон эканини англаган эди.

Ох, қани энди, ҳамма нарса ўша кечада уйғонган ҳис

билан чекланиб қолган бўлса! «Ҳа, ўша қабих иш Исонинг тирилиш байрамидан кейинги кечада бўлган эди!» – деб ўйларди ҳозир Нехлюдов маслаҳатчилар хонасида, дераза ёнида ўтириб.

## XVI

Черковдан қайтиб келгач, Нехлюдов аммалари билан ўтириб рўзасини очди, полкда ўрганган одатига кўра дадил бўлиб олмоқ учун ароқ ва вино ичди-да, ўз хонасига кириб кетди, эғнидаги кийими билан ётиб, шу заҳоти ухлаб қолди. Эшикнинг тикиллаганини эшитиб уйғонди. Эшикни тикиллатишидан, Катюша бўлса керак, деб Нехлюдов кўзларини уқалай-уқалай, керишиб қаддини ростлади.

– Катюша, сенмисан? Кира қол, – деди у ўрнидан туриб.

Қиз эшикни қия очди.

– Овқатга чақиршияпти, – деди у.

У ҳамон ўша ок кўйлақда эди-ю, лекин сочида бант кўринмас эди. Қиз Нехлюдовнинг кўзига қараркан, гўё унга фавкулудда шодиёна бир хабар етказгандек чехраси яшнаб кетди.

– Ҳозир бораман, – деди Нехлюдов сочини тараш учун тароқни кўлига олиб.

Қиз бир лаҳза туриб қолди. Нехлюдов буни сезди-да, тароқни қўйиб, қиз томон юрди. Лекин у шу заҳоти тезгина бурилиб, енгил ва эпчил қадам ташлаб йўлақдаги пояндоз устида югургилаганча кетди.

«Эй, аҳмоқ, – деди Нехлюдов ўзига ўзи, – нега уни индамай қўйиб юбордим?»

Шуни деб, у кизни қувиб, йўлақда етиб олди.

Қиздан нима исташини ўзи ҳам билмас эди. Назарида, қиз унинг хонасига кирганида, ҳамма қиладиган қандайдир бир ишни қилиш керак эди-ю, лекин у шуни қилмагандек туюлди.

– Катюша, шошма, – деди у.

Қиз ўтирилиб қаради.

– Нима дейсиз? – деди тўхтаб.

– Ҳеч нарса, фақат...

Нехлюдов шундай пайтларда бошқалар нима қилишини эслади-да, ўзини ўзи зўрлаб Катюшанинг белидан кучоклади.

Қиз тўхтаб, унинг кўзига қаради.

– Қўйинг, Дмитрий Иванович, олинг қўлингизни, – деди у йиғламоқдан бери бўлиб. Катюша кип-қизариб кетди, сўнгра кучли қўллари билан ўзини кучоклаб турувчи қўлни олиб ташлади.

Нехлюдов уни қўйиб юборди, аммо бир дақиқагача кўнгли хижил бўлиб турди, хатто ўздан ўзи нафратланди. У ўзига ишониши керак эди, бироқ у, бу хижолат ва уялиш – юзида ақс этган нозик ҳислар эканлигини тушунмади, аксинча, аҳмоқлик қиялман, ҳамма қилган ишни қилавериш керак, деб ўйлади.

У Катюшани қувиб етди-да, яна кучоклаб бўйнидан ўпди. Буниси аввалги икки ўпишга, яъни бири, настарин бутаси орқасидаги ва иккинчиси, бугун эрталабки, черковдаги беғараз ўпишга сира ўхшамас эди. Бу мудҳиш иш эди. Катюша буни ҳис этди.

– Вой, бу нима қилганингиз?! – деб қичқирди Катюша, гўё Нехлюдов қандайдир бир бебаҳо, қиммат нарсани синдириб қўйгандек ва югурганича қочиб кетди.

Нехлюдов емакхонага келди. Ясанган аммалари, доктор ва қўшни хотин енгил овқатлар қўйилган стол олдида туришарди. Ҳамма нарса одатдагидай, лекин Нехлюдовнинг кўнгли нотинч эди. У ўзига айтилаётган гапларнинг биронтасини ҳам англамас, ўринсиз жавоб қайтарар ва фақат Катюша ҳақида ўйлаб, уни йўлақда қувиб етиб ўганини эслар эди, холос. Унинг хаёлига бошқа ҳеч нарса келмасди. Катюша хонага кириб келганда Нехлюдов қарамасданок бутун вужуди билан унинг келганини ҳис этар, лекин қарамасликка ўзини мажбур қиларди.

Овқатдан кейинок у ўз хонасига кириб кетди ва уйда қизнинг оёқ товушига қулоқ солиб анчагача зўр хаяжон ичида у ёқдан-бу ёққа юрди. Энди унинг вужудидаги ҳай-

воний одам фақат бошини кўтарибгина қолмай, балки бу ерга биринчи сафар келган ва ҳатто шу бугун эрталаб черковда бўлган пайтидаги маънавий одамни босиб-янчиб ташлади, энди ана шу ҳайвоний одамнинг бир ўзи унинг кўнглида ҳокимлик қила бошлади. Шу куни у қизни қанча пойламасин, барибир, уни ёлғиз учрата олмади. Афтидан, қиз ундан ўзини олиб қочиб юрган бўлса керак. Аммо кечкурун қиз Нехлюдов турган хонанинг ёнидаги хонага борадиган бўлиб қолди, чунки доктор тунаб қоладиган бўлди ва Катюша меҳмонга жой солиб бериши керак эди, Нехлюдов қизнинг оёқ товушларини эшитиб, худди бирон жиноят қилишга ҳозирланаётгандек, нафасини ичига ютиб, аста унинг орқасидан кирди.

Катюша тоза ёстиқ авра ичига тикилган икки қўли билан ёстиқнинг икки учидан ушлаганича унга ўгирилиб қаради-да, жилмайди; унинг бу сафарги жилмайиши аввалгидай шўх ва қувноқ эмас, балки аянчли ва қўркув аралаш кулги эди. Унинг бу жилмайиши Нехлюдовга ёмон бир иш қилаётганини айтаётгандек эди. Нехлюдов бир лаҳзагина ўзини тийди. Ҳали кўнглида курашишга имкон бор эди. Гарчи заиф бўлса-да, қалбида қизга нисбатан яна ҳақиқий муҳаббат товуши эшитилди. Ана шу товуш унга қиз ҳақида, қизнинг ҳис-туйғулари, ҳаёти ҳақида гапирди. Бошқа товуш эса: «Бўш келма, айшингни суриб қол, ўз бахтингни кўзла», – деярдди. Ана шу кейинги товуш олдинги товушни босиб кетди. Нехлюдов дадил юриб қиз олдига келди. Шу пайт вужудини зўр ҳайвоний ҳис эгаллаб олди.

Нехлюдов қизни кучоғидан қўйиб юбормай ўринга ўтқазди-да, яна нималар қилиш лозимлигини ҳис қилди.

– Жон Дмитрий Иванович, қўйиб юборинг, – деди қиз ялиниб. – Вой, Матрёна Павловна келяпти! – қичқирди-да, унинг кучоғидан отилиб чиқди. Ҳақиқатан ҳам, аллақим эшик томон келарди.

– Билиб қўй, кечкурун олдингга бораман, – деди Нехлюдов. – Ёлғизсан-а?

– Нима деяпсиз? Йўқ, йўқ! Керак эмас, – деди Катюша тил учиди, аммо ҳаяжонланган, довдираб қолган вужуди

бутунлай бошқа нарса деб турарди.

Эшик ёнига келган, ҳақиқатан ҳам, Матрёна Павловна экан. У қўлида адёл кўтариб хонага кирди ва Нехлюдовга таънаомуз назар ташлаб, бошқа адёл олиб келгани учун Катюшани койиди. Нехлюдов индамай чиқиб кетди. У ҳатто уялмади ҳам. Матрёна Павловнанинг қиёфасидан ўзи қилган иши учун уни айблаётганини ва айблашга ҳақли эканини кўрди ва билди, бу қилмиши яхши эмаслигини ҳам тушунди, аммо аввалги самимий муҳаббат ўрнида пайдо бўлган ҳайвоний хирс бошқа ҳеч нарсани тан олмай, бутун вужудини эгаллаб олган эди. Энди у шу хирсни кондириш учун нима қилмоқ кераклигини билар ва бунга чора изларди.

Шу оқшом Нехлюдов ўзини қўярга жой тополмай юрди: гоҳ аммаларининг ёнига кирар, гоҳ у ердан чиқиб ўз хонасига қайтар, зинапоёга чиқар ва фақат бир нарса ҳақида, яъни қандай қилиб қизни ёлғиз учратиш ҳақида ўйлар эди: Катюша ҳам унга кўринмасликка ҳаракат қилар, Матрёна Павловна эса қизни кўздан қочирмасликка уринарди.

## XVII

Оқшом шу алпозда ўтди, тун кирди. Доктор ухлагани кетди. Аммалари ҳам ётишди. Нехлюдов Матрёна Павловна ҳозир аммаларининг ётоғида эканлигини, Катюша қизлар хонасида ёлғизлигини биларди. У яна зинапоёга чиқди. Ҳовли қоронғи, ҳаво намхуш ва илик эди. Баҳорда сўнгги қорни эритувчи ёки эриган сўнгги қордан вужудга келувчи оппоқ туман ҳавони тўлдирган эди. Уйдан юз кадамча наридаги тепалик тагидан оққан сойдан ғалати товуш эшитиларди: бу синаётган музларнинг овози эди.

Нехлюдов зинапоядан тушди ва халқоблардан хатнаси Деразаси ёнига бориб тўхтади. Юраги шундай дукуллардики, ҳатто ўзи ҳам эшитарди; гоҳ нафаси тикилар, гоҳ харсиллар эди. Қизлар хонасида кичкина чирок ёниб турарди. Катюша стол ёнида бир нуқтага тикилиб, хаёл суриб ўтирарди. Нехлюдов, қиз ҳеч ким йўқлигида нима қилар

экан, деб анчагача қимир этмай тикилиб турди. Қиз бир-икки дақиқа қимир этмай ўтирди-да, кейин кўзларини кўтариб жилмайди, ўзига ўзи таъна қилгандай бош чайқади, кейин ҳолатини ўзгартириб, икки кўлини стол устига қўйди-да, рўпарасига кўз тикди.

Нехлюдов қизга тикилганича ҳам юрагининг дукуллашини, ҳам сой томондан келаётган ғалати товушларни беихтиёр тинглаб турди. У ёқда, сойда, туман ичида қандайдир бетиним иш борарди: алланарса пишиллар, қирсиллар, шовуллаб тўкилар, юпқа музлар ойнадек жаранглаб синарди.

Нехлюдов ўйга ботган Катюшанинг хаёлчан юзига қараб турар экан, унга ачинди. Лекин шуниси қизиқки, ачинган сари ҳирси баттар ортар эди.

Ниҳоят ҳирс бутун вужудини қамраб олди.

У деразани тикиллатди. Катюша электр токи теккандай бир сапчиб тушди, чехрасида кўрқув акс этди. Кейин сакраб турди-да, дераза ёнига келиб ойнага юзини қўйди. Икки кўлини пешонасига қўйиб қараб, Нехлюдовни таниганида ҳам чехрасидаги кўрқув ифодаси ўчмади. Унинг чехраси жуда жиддий эди, Нехлюдов уни ҳеч қачон бундай ҳолатда кўрмаганди. Нехлюдов жилмайгач, унга тақлид қилиб қиз ҳам жилмайди, лекин кўнглини хурсандлик эмас, балки кўрқув қамраб олган эди. Нехлюдов кўли билан бу ёққа чиқ, деган ишорани қилди. Лекин Катюша, йўқ, чиқмайман, дегандек бошини чайқади ва дераза ёнида тураверди. Нехлюдов яна юзини деразага яқинлаштириб ҳовлига чиқ, деб чақирмоқчи бўлиб турган ҳам эдики, шу пайт биров чақирди, шекилли, Катюша эшик томонга ўтирилди. Нехлюдов дераза ёнидан кетди. Туман шу қадар куюк эдики, уйдан беш қадам нари кетар-кетмас дераза кўринмай қолди. Фақат қорайиб кўринган баҳайбат бир нарса ичидан чирокнинг қизғиш нури катта бўлиб кўзга ташланарди. Сойдан ҳамон боягидай ғалати пишиллаган, шовуллаган, қарсиллаган товушлар, музнинг синиши эшитиларди. Яқин орада, ҳовлида туман ичидан хўроз қичқирди, яқинроқ ерда унга жавобан яна бир неча хўроз қичқирди, қишлоқни хўрозларнинг



бирин-кетин қичқирган овозлари босиб кетди. Шунга қарамай, сойнинг шовуллашидан бошқа товуш эшитилмас эди. Бу иккинчи марта хўроз қичқирган пайт эди.

Нехлюдов уйнинг орқа томонида бир-икки марта у ёқдан-бу ёққа юрди, оёғи бир неча бор ҳалқоб сувга тушиб ҳам кетди.

Сўнг у яна қизлар хонаси деразаси ёнига келди. Чирок ҳамон ёниб турар, Катюша эса боягидай стол ёнида ўтирар, бир қарорға кела олмаётгандек кўринарди. Нехлюдов деразага яқинлашган ҳам эдики, қиз деразага қаради. Нехлюдов деразани тақиллатди. Катюша шу заҳоти ким тақиллатганини аниқламасданок, қизлар хонасидан югуриб чиқди. Нехлюдов эшикнинг оҳиста ғирчиллаб очилганини эшитди. Нехлюдов уни даҳлиз ёнида кутиб турарди, ёнига яқинлашиши биланок индамай қучоклаб олди. Катюша унинг пинжиги тақилди, бошини кўтарди, лаби билан унинг лаби учрашди. Улар ҳовлида, даҳлизнинг бурчагида қори эриб қуриган ерда туришарди. Нехлюдовнинг вужудини қонмаган шиддатли ҳирс қамраб олган эди. Тўсатдан эшик яна ғичирлаб очилди, аччиғи чиққан Матрёна Павловнанинг овози эшитилди: – Катюша!

Катюша унинг қучоғидан отилиб чиқди-да, қизлар хонасига яна кириб кетди. Нехлюдов эшик ҳалқасининг «ширк» этиб тушганини эшитди. Шундан кейин ҳамма ёққа сукунат чўқди, деразадаги қизғиш нур ғойиб бўлди, ҳамма ёқ туман, сойдан шовуллаган товуш келиб турарди.

Нехлюдов дераза ёнига келди, ҳеч кимса кўринмас эди. У тақиллатиб кўрди, ҳеч ким жавоб бермади. Нехлюдов уйга кўча эшикдан қайтиб келди-ю, лекин ётиб ухлай олмади. У этигини ечиб яланг оёқ бўлиб йўлакка чиқди-да, Матрёна Павловнанинг хонаси ёнидаги Катюшанинг эшиги томон юрди. Дастлаб у Матрёна Павловнанинг хуррак тортаётганини эшитиб, энди кирмоқчи, бўлиб турган ҳам эдики, бирдан Матрёна Павловна йуталиб қолди ва тўшагини ғижирлатиб иккинчи ёнбошига ағдарилди. Нехлюдов турган ерида қотиб беш дақиқача турди. Теварак-атрофга жимлик чўкиб, яна хуррак эшитила бошлаганда, у полнинг

гижилламайдиган тахтасига оёқ кўйишга уриниб нари кетди ва Катюшанинг эшиги тагига келди. «Чурқ» этган товуш эшитилмас эди. Афтидан, Катюша ухламаган. Чунки унинг пишиллагани эшитилмасди. Нехлюдов: «Катюша!» – деб шивирлаши биланок қиз ирғиб ўрнидан турди-да, эшик ёнига келиб, қайтиб кетишини илтимос қила бошлади. Нехлюдовнинг назарида, жаҳл билан гапираётгандек туюлди.

– Бу нима қилганингиз? Яхши эмас-ку. Аммаларингиз эшитиб қолишади, – деди Катюша, аммо дилида «ожон» деб турарди.

Нехлюдов фақат шунигина тушунарди.

– Бирпасга оч. Жон Катюша, – деди у бемаъни сўзларни такрорлаб.

Катюша жимиб қолди, кейин Нехлюдов унинг ҳалқани кидираётган кўлининг шитирлаган товушини эшитди.

Ҳалқа «ширқ» этиб очилди ва Нехлюдов ўзини ичкарига урди.

У дағал ич кўйлақда бўлган кўли яланғоч Катюшани маҳкам кучоқлаб олди ва кўтариб чиқиб кетди.

– Вой! Кўйинг-э! – деб шивирларди қиз.

Қизни ўз хонасига кўтариб кетаётган Нехлюдов унинг сўзларига парво қилмади.

– Кўйинг, кераги йўқ, кўйиб юборинг, – деярд эди қиз, аммо ўзи эса унинг пинжига тикиларди.

Катюша титраб-қалтираб, унинг гапига жавоб қайтармай индамай чиқиб кетганда, Нехлюдов бўлиб ўтган ҳодисанинг мағзини чақиш учун зинапоёга чиқди.

Ҳовли ёруғроқ эди, пастда сойнинг қасир-кусури, шовуллаши яна кучайган, аввалги товушларга шилдираган овоз қўшилган эди. Туман чўка бошлаган ва туман пардаси ортидан кўтарилиб чиққан ўроқ шаклидаги ой қандайдир қора ва даҳшатли бир нарсани ғира-шира ёритарди.

«Бу қандай бўлди: буюк бахтиёрлик рўй бердими, ё катта бахтсизлик?» – деб сўрарди Нехлюдов ўзидан. «Доим шундай, ҳамма вақт шундай бўлган», – деди у ўзига ўзи, сўнгра ухлагани кириб кетди.

## XVIII

Эртасига олифта, хушчакчақ Шенбок Нехлюдовни олиб кетгани келди ва башанглиги, илтифоткорлиги, хушчакчақлиги, сахийлиги ва Дмитрийга меҳрибонлиги билан аммаларини ўзига ром қилди. Шенбокнинг сахийлиги уларга ёқди-ю, лекин бу ҳаддан ташқари сахийлик уларни жуда хайрон қолдирди. Сўқир тиланчиларга Шенбок бир сўм берди, хизматкорларга чойчақа деб ўн беш сўмни улашиб юборди. Софья Ивановнанинг кучукчаси – Сюзетка Шенбокнинг олдида қокилиб панжасини қонатиб олганда, Шенбок унинг жароҳатини боғлади, ўйлаб-нетиб ўтирмасдан хошияли батист<sup>1</sup> дастрўмолини йиртиб (Софья Ивановна бундай дастрўмолнинг дюжинаси<sup>2</sup> ўн беш сўмдан кам турмаслигини биларди), ундан Сюзетка учун бинг<sup>3</sup> ясади. Нехлюдовнинг аммалари бунақангисини ҳеч қачон кўришмаган ва худди шу Шенбокнинг икки юз минг қарзи борлигини билишмас эди. Шенбок бу қарзларини ҳеч қачон узолмаслигини яхши билар, шунинг учун ҳам йигирма беш сўм камми ёки кўпми – бу билан ҳисоблашиб ўтирмасди.

Шенбок атиги бир кун турди ва эртаси кун кечаси Нехлюдов билан бирга жўнаб кетди. Улар бир кун ҳам ортиқ қолиша олмас эди, чунки полкка етиб боришнинг охириги муддати етган эди.

Аммалариникида ўтказилган ана шу охириги кунда, тунги ходисалар ҳозиргидек хотирида экан, Нехлюдовнинг кўнглида икки туйғу қўзғалиб, бир-бири билан курашарди: бири – кутганидай чиқмаган бўлса-да, ҳайвоний севгининг эҳтиросли хотиралари ва мақсадига эришганлигидан мағрурланиш ҳисси бўлса, иккинчиси – қабих бир иш қилиб қўйганини ва шу қабих ишни тузатиш кераклигини, қиз учун эмас, балки ўзи учун тузатиш лозимлигини ҳис этиш эди.

<sup>1</sup> Батист (*французча*: Batiste < fransuz Batiste de Chambrai номдан) – пишитилган ингичка илдая тўқилган юпка, ситил газлама.

<sup>2</sup> Дюжина (*лотинча*: duode-cim – ўн икки) – ўн икки доня (бир хилдаги нарсалар ҳақда).

<sup>3</sup> Бинг (*немисча*: Binge – боғич, боғ) – драларни боғлашга мўлжалланган дока, буз, фланель, лента ва бошқалар).

Ўша пайтда ўтакетган худбин бўлган Нехлюдов қизнинг қандай руҳий аҳволдалиги ва кейин унинг нима қилишини ўйламас, фақат ўзи ҳақида ўйлар, агар қизнинг бошига тушган ишни эшитсалар, мени таъна қилишармикан, қандай таъна қилишаркан, деб бош қотирарди.

Шенбок унинг Катюша билан муносабатини тушунаётганини Нехлюдов сезар ва бу билан ғурурланарди.

– Тўсатдан аммаларингни яхши кўриб қолганингга хайрон бўлаётган эдим-а, – деди Шенбок Катюшани кўриб, – бир ҳафта қолиб кетдинг бу ерда. Сенинг ўрнингда бўлганимда мен ҳам кетмас эдим. Соз экан!

Ҳозир қиз билан кўнгилдагидек ишрат қила олмай кетаётгани унга алам қилса-да, лекин Нехлюдов, жўнаб кетиш зарур бўлиб қолгани мен учун фойдали, деб ўйлади, чунки бу нарса бундан кейин давом эттириш қийин бўлган муносабатни бирийўла узиб ташлашга имкон берарди. Бундан ташқари, Нехлюдов унга пул бериш зарурлиги ҳақида ҳам бош қотирарди. Унинг ўзи учун, шу пул қизга зарур бўлиб қолиши мумкинлиги учун эмас, балки ҳамма шундай қилаётгани сабабли ва агар ундан фойдалангани учун пул тўламаса, уни виждонсиз деб ҳисоблашлари мумкинлиги учун пул бермоқчи эди. Нехлюдов унга шу пулни берди, ўзининг ва қизнинг мавқеини назарда тутиб, қанча беришни лозим топган бўлса, шунча пул берди.

Жўнаб кетадиган куни, тушки овқатдан кейин у Катюшани дахлизда пойлаб туриб дуч келтирди. Катюша уни кўриб қип-қизариб кетди ва кўзи билан қизлар хонасига имо қилиб ёнидан индамай ўтиб кетмоқчи бўлган эди-ю, лекин Нехлюдов уни тўхтатди.

– Хайрлашмоқчи эдим, – деди Нехлюдов юз сўмлик солинган конвертни ғижимлаб. – Мана шуни...

Катюша тушунди, юзини буриштириб, бошини чайқалди-да, унинг қўлини итариб ташлади.

Нехлюдов:

– Ол, энди, – деб ғўлдиради-да, конвертни қизнинг қўлига тикди ва худди қўли қуйгандай юзини буриштириб, интраганича ўз хонасига югуриб кетди.

Шундан кейин у анчагача хонасида у ёқдан бу ёққа юрди, шу воқеани эсларкан, бир ери оғригандек ижирғанар, хатто сакрар, ух тортарди.

«Нима қилсам экан? ҳамма вақт шундай бўлган. Шенбок билан мураббия хотин ўртасида ҳам шундай ходиса бўлган, буни Шенбокнинг ўзи айтиб берди; Гриша амаки ҳам шундай қилган, кишлоқда яшаган пайтида отам ҳам шундай қилган. Ўшанда бир деҳқон хотин отамдан ўғил кўрган, Митемка деган ўша бола ҳали ҳам тирик. Ҳамма шундай қилгандан кейин, демак, шундай қилиш керак экан-да». Нехлюдов шу тариқа ўзини юпатмоқчи бўлар, лекин сира юпата олмасди. Бу хотиротлар виждонини азобга соларди.

Кўнглида, кўнглининг энг чуқур ерида у қабих ва ярамас иш қилиб қўйганини ҳис қиларди. Бу қилган иши ёдида турар экан, бошқа бировни ёмонлаш у ёқда турсин, одамларнинг кўзига тик қарай олмасди; ўзини ажойиб, олийжаноб, ҳимматли йигит деб ҳисоблаш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Аммо аввалгидай ўйнаб-кулиб яшаш учун эса ўзини олийжаноб, ҳимматли йигит деб ўйлаши лозим эди. Бунинг учун бир йўл бор эди: у ҳам бўлса, бу ҳақда ўйламаслик. Нехлюдов худди шундай қилди.

У қадам қўйган янги ҳаёт, – янги жойлар, ўртоқлар, уруш, – бу ҳақда ўйламасликка ёрдам берди. Кўп яшаган сайин, буни кўпроқ унутарди ва ниҳоят, бутунлай унутиб юборди.

Фақат бир марта, урушдан кейин, Катюшани кўриш умидида аммалариникига тушиб ўтганда, унинг йўқлигини, Нехлюдов жўнаб кетгандан сўнг орадан бир канча вақт ўтгач, туғиш учун кетиб қолганини, аллақаяққа бориб туғганини, аммаларининг эшитишича, бутунлай бузилиб кетганини билиб, юраги жизиллаб кетди. Туғган вақтини чамалаб караганда, бола ўзиники бўлиши керак, лекин бошқаники ҳам бўлиши мумкин эди. Аммалари уни бузилиб кетган, онасига тортган, дейишарди. Аммаларининг бу мулоҳазалари унга ёғдек ёқарди, чунки уни оклаётгандек бўларди.

Дастлаб Нехлюдов Катюшани ҳам, болани ҳам қидириб топмоқчи бўлди. Аммо бу ҳақда ўйлаганда ич-ичидан

азоб чекар ва уялиб кетарди, шунинг учун қидириб топишга ортиқ юраги бўлмади, қилган гуноҳи устида мяясини қотириб ўтирмай, бутунлай унутиб юборди.

Аммо эндиликда бу ғалати тасодиф унга ҳаммасини эслатди ва шундай гуноҳ билан ўн йил хотиржам яшашига йўл қўйган шафқатсизлигини, виждонсизлигини, разиллигини бўйнига олишни талаб этди. Аммо Нехлюдов икром бўлишдан ҳали узоқда эди. Ҳозир у фақат ўша воқеа очилиб қолмаса эди, Катюша ёки унинг химоячиси ўша воқеани гапириб бериб, мени ҳамманинг олдида шарманда қилмаса эди, деб ўйларди.

## XIX

Нехлюдов суд залидан чиқиб, маслаҳатчилар хонасига кирганда ана шундай руҳий аҳволда эди. У атрофидаги одамларнинг гапига кулоқ солиб, дераза ёнида тинмай чекиб ўтирарди.

Хушчақчақ савдогар, афтидан, Смельковнинг айш-ишратига чин кўнгилдан ҳавас қилгандек кўринарди.

– Ўзиям, маишатни биларкан, сибирчасига маишат қиларкан. Диди жойида, шундай жононни танлабди-я!

Старшина, ҳамма гап экспертизада<sup>1</sup> деб мулоҳаза юргизарди. Петр Герасимович яҳудий приказчик билан алланима деб ҳазиллашар ва негадир иккови қажқаб кулишарди. Нехлюдов ўзига берилган саволларга мужмал жавоб қилар, фақат бир нарсани – ўз ҳолига қўйишларини истарди.

Суд пристави яккакифт бўлиб чиқиб, маслаҳатчиларни яна суд залига чақирганда, Нехлюдовнинг назарида, суд қилгани кираётган ўзи эмас, балки уни суд қилгани олиб кетишаётгандек, ваҳима босиб кетди. У кўнглида ўзини одамларнинг юзига тик қарай олмайдиган муттаҳам деб билса-да, одатдагидек гердайиб залга кирди ва баланддаги

<sup>1</sup> Экспертиза (французча: expertise – тажрибали; синалган) – қийин ёки чинал масалани ечиш ва ҳал қилиш учун мутахассислар иштирокда уюштирилган текшириш, шундай текшириш ўтказувчи мутахассислар хайъати.

жойига, старшинанинг ёнига бориб оёгини оёғига қўйиб, пенснесини ўйнаб ўтирди.

Судланувчиларни ҳам аллақасан олиб чиқишган эди, энди яна олиб киришди.

Залда янги одамлар – гувоҳлар бор эди. Нехлюдов Маслованинг панжара олдидаги биринчи қаторда ўтирган, тирсагига очик қўлида чиройли ридикюль<sup>1</sup> ушлаган, катта бантли баланд шляпа кийган, шохи-барқутларга беланган олифта ҳатиндан кўз узолмай, қараб-қараб қўйганини сизди. Кейин билса, бу хотин гувоҳ, Маслова турган исловатхонанинг бекаси экан.

Гувоҳлардан исмлари, дини, мазҳаби ва ҳоказоларни сўрай бошладилар. Сўроқдан кейин томонлардан, гувоҳларга қандай савол берасиз: қасам ичириб савол берасизми ёки қасам ичирмасданми, деб суриштиришди. Бояги кекса поп оёгини зўр-базўр судраб, ҳарир тўнининг кўкрагидаги сариқ хочни тўғрилаб, фойдали ва муҳим иш қилаётгандек хотиржамлик ва дадиллик билан гувоҳларни ва экспертни қасамёд килдирди. Қасамёд килиш маросими тугагач, фақат Китаевани – исловатхона эгасини қолдириб, қолган гувоҳларнинг ҳаммасини олиб чиқиб кетишди. Ундан бу иш ҳақида нималар билишини сўрашди. Китаева сохта табассум билан, ҳар гапида шляпа қўндирилган бошини ирғатиб, немисча талаффуз билан батафсил ва равон гапириб бера бошлади.

Энг аввал исловатхонага сибирлик бадавлат савдогар учун қиз олиб кетгани таниш хизматкор Симон келибди. Китаева Любашани юборибди. Бир қанча вақтдан кейин Любаша савдогар билан бошлашиб келиб қолибди.

– Савдогар жуда хуш-хуружда эди, – деди Китаева сал жилмайиб, – бизникида ҳам ичишини, қизларни зиёфат қилишини қўймади; пули етмай қолгандан кейин номерига ана шу Любашани юборадиган бўлиб қолди. Савдогар билан шу Любаша ишрат қилиши керак эди-да, – деди у судланувчига қараб қўйиб.

Нехлюдовнинг назарида, Маслова шу гапни эшитиб

<sup>1</sup> Ридикюль – хотин-қизлар сумкачаси.



жилмайгандек бўлди. Бу табассум уни жиркантирди. Кўнглида нафрат аралаш ачиниш ҳисси ғалаёнга келди.

Суд томонидан судьяликка номзод қилиб кўрсатилган киши, Маслованинг адвокати кизариб-бўзариб тортиниб:

– Маслова ҳақида қандай фикрдасиз? – деб сўради.

– Жуда яхши, – деб жавоб берди Китаева, – ўқиган киз, жуда яхши киз, яхши оилада тарбият топган, французчани билади. Баъзида ортиқча ичиб кўярди-ю, лекин ҳаддидан ошмас эди. Жуда яхши киз.

Катюша бекасига қараб ўтирарди. Кейин бирдан маслаҳатчиларга кўз югуртирди ва Нехлюдовга тикилганича қараб қолди, юзи жиддий, ҳатто қаҳрли тус олди. Қаҳрини сочаётган кўзларнинг бири хиёл ғилай эди. Ғалати боқиш қилган ана шу икки кўз Нехлюдовга узоқ тикилиб қолди. Нехлюдов ҳам даҳшат ичида қолганига қарамай, соққаси оппоқ ғилай кўздан кўз узолмади. У сой музлари қарсиллаб синган ўша туманли, даҳшатли кечани эслади. Саҳар пайтида чиққан ўроксимон ой қандайдир қора ва даҳшатли нарсани ёритган эди. Ҳам ўзига, ҳам унинг ёнидаги нарсага боқувчи бу қора кўзлар унга қандайдир қора ва даҳшатли нарсани эслатарди.

«Таниди!» – деб ўйлади у. Нехлюдов калтак тушишини кутгандек ғужанак бўлиб олди. Лекин Катюша уни танимади. Катюша бир хўрсиниб қўйди-да, яна раисга кўз тикди. Нехлюдов ҳам хўрсиниб қўйди. «Тезроқ тугай қолсайди», – деб ўйларди у. Нехлюдов ов вақтида ярадор бўлган қушни ўлдиришга тўғри келганда шундай нарсани ҳис этарди: ҳам жирканар, ҳам ачинар, ҳам афсусланарди. Чала ўлик ҳуш ҳалтада типирчилайди: ҳам жигингга тегади, ҳам ачинасан, ҳам тезроқ ўлдириб қутулгинг келади.

Нехлюдов гувоҳларнинг сўроғини тинглар экан, бири бири билан аралашиб кетган ана шундай ҳислар кўнглидан кечарди.

Аксига иш чўзилиб кетди: гувоҳларни ва экспертни якка-якка чақириб сўралгандан кейин ва прокурор ёрдамчиси, адвокатлар томонидан берилиши зарур деб ҳисобланган бетайин саволлардан кейин раис далилий ашёларни кўздан кечиришни таклиф этди. Далилий ашёлар – йўғон кўрсаткич бармоққа тақиладиган бриллиант кўзли катта узук ва филтрдан иборат эди. Текшириш шу филтлда захар борлигини кўрсатган эди. Бу буюмлар муҳрлаб қўйилган ва ҳар бирининг устига ёрлик ёпиштирилган эди.

Маслаҳатчилар далилий ашёларни кўрмоқчи бўлиб турганларида прокурор ёрдамчиси ўрнидан туриб, далилий ашёларни кўздан кечиришдан олдин, жасадни текширган шифокорнинг хулосаларини ўқишни таклиф этди.

Маъшуқасининг олдига эртароқ бориш учун ишни мумкин қадар тезлаштиришга уринган раис бу қоғозни ўқиш кишини зериктиришдан ва вақтни олишдан бошқа фойдаси йўқлигини билса-да, прокурор ёрдамчиси буни талаб қилишга ҳақи борлигини кўрсатиш учунгина талаб этаётганини тушунса-да, унинг илтимосини рад этмади, розилик билдирди. Котиб қоғозни олди, яна соқовланиб, «л» ва «р» товушларини аниқ талаффуз этолмай маъюс овоз билан ўқий бошлади.

– «Ташқи кўринишидан қуйидагилар аниқланди:

1) ферапонт Смельковнинг бўйи – 2 газ 12 вершок<sup>1</sup>!

– Бўйдан ҳам берган экан, – деб шивирлади савдогар Нехлюдовнинг қулоғига.

2) кўринишидан ёши тахминан қирқларда!

3) ўлик шишиб кетган!

4) бадани кўкарган, ҳар ер-ҳар ерида қорамтир доғлар пайдо бўлган!

5) териси пуфак-пуфак бўлиб шишиб чиққан, катта-

<sup>1</sup> Вершок – 4,4 сантиметрга тенг узунлик ўлчови.

кичиклиги турлича, баъзи ерида ёрилиб, парча-парча бўлиб осилиб қолган

6) сочи тўқсарик, қалин, қўл текизилганда теридан ажралиб чиқяпти

7) кўзи косасидан чиқиб кетган, шох соққаси хира тортган;

8) бурун тешиқларидан, иккала қулоғидан ва оғзидан кўпиксимон қон аралаш шилимшиқ оқиб турибди, оғзи ярим очик

9) юзи ва кўкраги шишиб кетганидан бўйни билинмай кетган».

Ва ҳоказо, ва ҳоказо.

Шаҳарда айш-ишрат қилган семиз савдогарнинг бадбуруш ва шишиб кетган жасадини ташқи кўриқдан ўтказиш натижалари тўрт бетга йигирма етти банд қилиб, батафсил ёзилган эди. Жирканиб ўтирган Нехлюдов жасад тасвири ўқилганда баттар сесканиб кетди. Катюшанинг ҳаёти ҳам, бурун катақларидан оқиб турган қонли йиринг ҳам, косасидан чиқиб кетган кўзлар ҳам, қизга нисбатан ўзининг қилган иши ҳам – ана шуларнинг ҳаммаси, унинг назарида, бир-биридан баттар нарсалар эди, у ҳар тарафдан шу нарсалар билан ўралиб, гирдобга тушган эди. Ниҳоят, ташқи кўриқдан ўтказиш натижалари ўқилиб бўлгач, раис, тутаган бўлса керак, деган умидда чуқур тин олиб, бошини кўтарди. Аммо котиб шу заҳоти ички текшириш тасвирини ўқий бошлади.

Раис яна бошини қуйи солди ва қўлига таяниб, кўзини юмди; Нехлюдовнинг ёнида ўтирган савдогар мудраб ўтирар, аҳён-аҳёнда бир чайқалиб қўярди; судланувчилар ва улар орқасида ўтирган жандармлар кимир этмай ўтиришарди.

– «Ички аъзоларни текшириш натижасида қуйидагилар аниқланди:

1) бош суягининг териси бош суягидан осонгина кўчиб чиқдн, қонталаш жойи кўринмади

2) бош суяги ўртача қалинликда ва бутун

3) миянинг қобиғида ҳар бири тўрт дюм<sup>1</sup> келадиган иккита доғ бор, қобикнинг ўзи хирагина», – ва ҳоказо ва ҳоказо шунга ўхшаш яна ўн уч нукта.

Кейин холис кишиларнинг исми, имзоси, шифокорнинг фикри ёзилган эди. Жасадни ёриб қаралганда, ошқозон ҳамда қисман ичак билан буйракда топилган ва баённомага ёзилган ўзгаришлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Смелковнинг ўлими унинг ошқозонига вино билан кирган заҳар натријасидир.

Ошқозон ва ичаклардаги ўзгаришларга қараб, ошқозонга тушган заҳарнинг қандай заҳарлигини аниқлаш кийин; Смелковнинг ошқозонидан жуда кўп вино чиққани учунгина заҳар ошқозонга вино билан кирган, деб тахмин қилиш мумкин.

– Хўп ичар экан-да, ўзиям, – деб яна шивирлади савдогар кўзини очиб.

Қарийб бир соат давомида ўқилган баённома ҳам прокурор ёрдамчисини қаноатлантирмади. Баённома ўқилиб бўлгач, раис унга юзланиб:

– Ички аъзоларни текшириш ҳақидаги далолатномани ўқимаса ҳам бўлар, деб ўйлайман, – деди.

– Бу далолатномани ҳам ўқиб эшиттиришни сўрар эдим, – деди қийшайиб ўрнидан турган прокурор ёрдамчиси раисга қарамасдан. У шундай оҳангда гапирдики, бу билан у баённоманинг ўқилишини талаб этиш ҳуқуқига эғалигини, бу ҳуқуқдан чекинмаслигини билдирмоқчи, мабодо рад этсалар, шикоятга баҳона топилади, демоқчидек бўлар эди.

Қовоғи салкиган, мулойим кўзли, ошқозон касалига мубтало бўлган серсоқол суд аъзоси, ҳолдан кетиб раисга мурожаат қилди:

– Буни ўқишнинг нима ҳожати бор-а? Бекорга вақтни олади. Бу янги супурги эскисидан тоза супурмайди, қайтага, секин супуради.

Тилла кўзойнакли суд аъзоси чурқ этмади. У на хотиндан, на ҳаётдан яхшилик кутмай, тўғрисига қараб тикил-

<sup>1</sup> Дюм – 25,4 миллиметр ёки 2,54 сантиметрга тенг бўлган узунлик ўлчови бирлиги.

ганича хўмрайиб ўтирарди.

Далолатномани ўқий бошладилар:

– «Мен, қўйида имзо чекувчи камина 188 йилнинг 15-февраль куни, шифохона топшириғига мувофик, шифохона назоратчиси муовини иштирокида 638 рақамли далолатномани шу хусусда туздикким, – деб яна ўқий бошлади котиб мудраб ўтирганларнинг уйқусини қочириш учун шанғиллаб.

– Ички аъзоларини, чунончи:

1) ўпканинг ўнг қисми ва юракни (олти қадоқли шиша идишда)

2) опқозондан чиққан нарсаларни (олти қадоқли шиша идишда)

3) опқозоннинг ўзини (олти қадоқли шиша идишда)

4) жигар, талоқ ва буйракни (уч қадоқли шиша идишда)

5) ичак-чавоқларни (олти қадоқли сопол идишда) текшириб...»

Котиб далолатномани ўқий бошлаган ҳамоно раис аъзолардан бири томонга энгашиб ниманидир шивирлади, кейин иккинчиси билан шивирлашди ва тасдиқ жавобини олгач, шу ерга етганда ўқишни тўхтатди.

– Суд далолатноманинг ўқилишини ортикча деб топади, – деди у.

Котиб ўқишдан тўхтаб, қоғозларни йиғиштира бошлади, прокурор ёрдамчиси жаҳл билан алланималарни ёза бошлади.

– Жаноб маслаҳатчилар далилий ашёларни кўздан кечиришлари мумкин, – деди суд раиси.

Старшина ва маслаҳатчиларнинг баъзилари ўринларидан кўзгалишди ва ҳаракатлари ёки қўлларининг вазиятидан ўнғайсизланиб столга яқинлашишди, узукни, шишани ва фильтрни бирма-бир кўздан кечиришди. Савдогар узукни ҳатто бармоғига тақиб ҳам кўрди.

– Бармоқдан ҳам Худо берган экан, – деди у жойига қайтиб. – Йўғонлиги худди ўқлоғидек келади-я, – деб қўшиб қўйди у завқланиб, заҳарланган савдогарни паҳлавондек тасаввур этиб.

Далилий ашёлар кўрилиб бўлгач, раис суд тергови тамом бўлганини эълон этди ва танаффус қилмасдан ишни тезроқ тугатмоқ учун қораловчига сўз берди. Раис ўзича, қораловчи ҳам одам-ку, унинг ҳам чеккиси, овқат егиси келар, бизларга раҳми келар, деб ўйлаган эди. Аммо прокурор ёрдамчиси ўзини ҳам, уларни ҳам аямади. Прокурор ёрдамчиси аҳмоқ одам эди. Бунинг устига гимназияни олтин медаль билан битириб, университетда Рим ҳуқуқшунослиги бўйича сервитут<sup>1</sup> ҳақидаги асари учун мукофот олиб, мағрурланиб кетган, ўзига бино қўйган эди. (Хотинларга манзур бўлиши ундаги бу худписандликни яна ошириб юборган эди). Шунинг учун ҳам у ўтакетган овсар эди. Сўз берилгандан кейин у оҳиста ўрнидан турди, мундир кийган басавлат гавдасини кўз-кўз қилиб, икки қўлини столга қўйди, бошини бироз кийшайтириб, судланувчиларга қарамай, залда ўтирганларни кўздан кечириб чикди-да, бошлади.

– Сизларнинг ихтиёрингизда бўлган иш, жаноб суд маслаҳатчилари, – деб бошлади у баённома ва далолатнома ўқиладиган пайтда тайёрлаб қўйган нутқини, – агар шундай деб аташ мумкин бўлса, ўзига хос жиноятдир.

Прокурор ёрдамчисининг нутқи, ўзининг фикрича, ном чиқарган адвокатлар сўзлаган машҳур нутқлар сингари ижтимоий аҳамиятга эга бўлиши лозим эди. Суд залидагилар орасида атиги уч хотин: тикувчи, ошпаз хотин, Симоннинг синглиси ва бир извошчи ўтирарди. Лекин бунинг аҳамияти йўқ. Ўша машҳур адвокатлар ҳам шундай бошлаган-да. Прокурор ёрдамчисининг одати шу эди: ҳамма вақт ўз вазифасини тўғри адо этиб, яъни жиноятнинг рухий моҳиятини чуқур англаб, жамият маразларини очиб ташлаши керак эди.

– Жаноб суд маслаҳатчилари, сиз кўриб турган бу ходиса, агар шундай таъбир жониз бўлса, асримизнинг охирига хос жиноятдир, бу жиноятлар жамиятда бўлган унсур-

<sup>1</sup> Сервитут – бировнинг мулкидан маълум даражада фойдаланиш ҳуқуқи.

ларнинг бузилиши орқасида келиб чиққан. Жинояткорлар эса, шу бузилиш жараёнининг ўткир шуъласи остида қолган кишилардир...

Прокурор ёрдамчиси жуда узоқ гапирди. У бир томондан ўйлаб қўйган оқилона сўзларини эслашга, иккинчи томондан ва асосан, бир дақиқа ҳам тўхтамай, бир соат-у ўн беш дақиқа тинмай бидиллашга уринди. Фақат бир мартагина тўхтаб анчагача тупугини ютиб турди-ю, лекин дарҳол ўзини тутиб олиб, боягидай маҳмаданалик қилди. У депсиниб, суд хайъатларига тикилиб тилёғламалик билан мулоимгина гапирар, гоҳ дафтарчасига қараб-қараб қўйиб секин ва жиддий сўзлар, гоҳ бир томошабинларга, бир маслаҳатчиларга юзланиб баланд, фош этувчи овоз билан гапирарди. Аммо кўзларини узмай унга тикилиб ўтирган учала судланувчиларга у бир марта ҳам кўз ташламади. Унинг нутқида ўша вақтларда ўз улфатлари орасида кўп ишлатиладиган ва ҳозир ҳам илм-фан оламида янгилик деб нутқда ирсият масаласи ҳам, туғма жинояткорлик ҳам, Ломброзо ҳам, Тард<sup>1</sup> ҳам, эволюция<sup>2</sup> ҳам, яшаш учун кураш ҳам, гипнотизм<sup>3</sup> ҳам, уқдириш ҳам, Шарко<sup>4</sup> ва декадентлик<sup>5</sup> ҳам – ҳаммасидан бир шингилдан бор эди.

Прокурор ёрдамчисининг таърифига қараганда, савдогар Смельков феъли кенг, забардаст, бузилмаган, очикқўнғил рус кишиси бўлган. У азбаройи очикқўнғил ва танглигидан ўтакетган бузук одамлар қўлида ўлиб кетган. Симон Картинкин крепостнойлик ҳуқуқининг<sup>6</sup> қолдиғи бўлиб, эзилган, илмсиз, ақидасиз, ҳатто динсиз бир одамдир.

<sup>1</sup> Ломброзо, Тард – XIX аср охирида машҳур бўлган олимлар.

<sup>2</sup> Эволюция (латинча: *evolutio* – ажл олдириш, кучайтириш) – узлуксиз тадрижий ривожланиш, ўзгариш, табиат ва жамиятда узлуксиз ва тадрижий равишда давом этадиган ва сифат ўзгаришларига олиб борадиган миқдор ўзгаришлари.

<sup>3</sup> Гипнотизм – гипноз ҳақидаги таълимот.

<sup>4</sup> Шарко – XIX асрда яшagan француз олими.

<sup>5</sup> Декадентлик (латинча: *dekadentia* – таназзул; тушқунлик) – XIX аср охири ва XX аср бошларидаги Европа маданиятидаги инкирозий ҳолатни (таназзулга юз тутиш, умидсизлик кайфияти, ҳаётдан безиш ва шу қабилар) умумий тарзда ифодаловчи ном.

<sup>6</sup> Крепостной ҳуқуқи (русча) – помешчикларнинг ўзига қарашли деҳқонларга, уларнинг меҳнати ва мол-мулкига чексиз эгаллик қилиш ҳуқуқи.



Евфимия унинг ўйнаши ва ирсият қонунининг қурбонидир. У руҳий жиҳатдан айнигани ошқора кўриниб турган шахс. Декадентликнинг энг тубан намояндаларида бўлган хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган Маслова жиноятнинг асосий сабабчисидир.

– Бу хотин, – дерди прокурор ёрдамчиси унга қарамай, – илми, биз бу ерда, судда, бекасининг гапини эшитдик. У ўқиш-ёзишдан ташқари, французчани ҳам билади. У етимча, жинояткорлик, балки, насабида ҳам бўлгандир. Бу хотин маданий дворян оиласида тарбия топган, демак, ҳалол меҳнат билан кун кўриши мумкин эди; йўқ, бу киши валинезматларини ташлаб кетади, шахвоний ҳирс кўйига тушади ва уни излаб исловатхонага киради. Исловатхонада у илми билан, энг муҳими, ҳозир бекасидан ўз қулоғингиз билан эшитдингиз, жаноб маслаҳатчилар, мижозларга таъсир этиш қобилияти билан, яъни, сўнгги пайтларда фан томонидан, айниқса, Шарко мактаби томонидан аниқланган, таъсир этиш деб номланган хусусияти билан бошқа жувонлардан ажралиб туради. У худди ана шу хусусияти билан очиқкўнгилли рус пахлавонини, кўнгилчан Садқони – бадавлат меҳмоннинг бошини айлантиради ва унинг анойилигидан фойдаланиб бор-йўгини шилади, кейин, шафқатсизларча ҳаётидан маҳрум қилади.

– Жуда ошириб юборди-ку, – деди раис илжайиб, жиддий қиёфадаги суд аъзоси томонга энгашиб.

– Жаноб маслаҳатчилар, – деб давом этди бу орада прокурор ёрдамчиси хипча белини биланглатиб, – мана шу шахсларнинг тақдири сизларнинг қўлингизда. Шунингдек, жамият тақдири ҳам қисман сизнинг қўлингизда, чунки сиз ўз ҳукмингиз билан бунга таъсир қиласиз. Сизлар ушбу жиноятнинг моҳиятини, мана шу Маслова каби ғайритабiiй шахсларнинг жамият учун қандай хавфли эканини синчиклаб ўрганинг ва жамиятни заҳарланишдан, бу жамиятдаги ифбатли, мустаҳкам кишиларни заҳарланишдан ва бекор ҳалок бўлиб кетишдан ҳимоя қилинг.

Ўз нутқига ўзи қойил қолган прокурор ёрдамчиси суд томонидан қабул қилинадиган қарорнинг муҳимлигидан

ларзага келгандай ўтириб қолди.

Қочириқ гапларини мустасно қилганда, нутқининг мазмуни шундан иборат эдики, Маслова савдогарнинг бошини айлантириб, унинг ишончини қозонган-да, калит билан номерга келиб, пулнинг ҳаммасини ўзи олмоқчи бўлган, лекин Симон билан Евфимия унинг устидан чиқиб қолишгандан кейин бўлишиб олишга мажбур бўлган. Кейин жиноятни яшириш мақсадида савдогар билан меҳмонхонага қайтиб келган ва уни заҳарлаган.

Прокурор ёрдамчисининг нутқидан кейин жиноятчилар столи ёнида ўтирган фрак<sup>1</sup> кийган, оппоқ кўйлагининг кўкраги крахмалланган ўрта ёшлардаги киши ўрnidан турди ва Картинкин билан Бочковани ёқлаб нутқ сўзлади. Бу одам Картинкин билан Бочкова уч юз сўмга ёллаган адвокат эди. У ҳамма айбни Масловага тўнкаб, буларнинг икковини оқлашга уринди.

Адвокат Маслованинг: «Пул олаётганимда тепамда Бочкова билан Картинкин бор эди», – деган гапини рад қилиб, заҳар бериб одам ўлдиришда айбланган аёлнинг сўзи инобатга ўтмайди, деб туриб олди. Икки минг беш юз сўм эса, – деди адвокат, – бу иккала меҳнатқаш ва инсофли одамлар томонидан ишлаб топилган бўлиши мумкин. Нимагаки, меҳмонлар уларга кунда уч сўм, баъзида эса беш сўм бериб кетишади. Савдогарнинг пулини эса шак-шубҳасиз Маслова ўғирлаган, кейин ё бировга бериб юборган, ёки йўқотиб қўйган. Зероки ўша пайтда у маст бўлган. Савдогарни заҳарлаган ҳам Маслованинг ўзи.

Адвокат маслаҳатчилардан ана шу юқорида зикр этиб ўтилганларни назарда тутиб, Картинкин билан Бочковани гуноҳсиз деб ҳисоблашни, мабодо пул ўғирлашда айбдор деб ҳисобланган тақдирда эса, уларни олдиндан тузилган режага мувофиқ заҳарлашда айбдор деб ҳисобламасликни сўради.

Сўз охирида адвокат, прокурор ёрдамчисига ўчакишиб, жаноб прокурор ёрдамчисининг ирсият ҳақидаги сўз-

<sup>1</sup> Фрак (французча) – олд қисми калта қилиб ўйилган, узун орка этагининг қуйи қисми иккига ажралган, тантаналарда кийиладиган эркаклар кийими, костюм.

лари, гарчи, ирсият тўғрисидаги таълимотни илмий жиҳатдан ёритиб кўрсатса-да, Бочкованинг ота-онаси номаълум бўлгани ҳозирги воқеага алоқаси йўқлигини уқдириб ўтди.

Прокурор ёрдамчиси, аччиғланиб, зарда билан алланарсаларни қоғозга ёзиб олди ва нафрат аралаш ҳайрат билан елкасини қисиб қўйди.

Кейин Маслованинг адвокати ўрнидан туриб тутила-тутила, тортинибгина ҳимоя қила бошлади. У Маслованинг пулни ўғирлашда иштирок этганини инкор қилмади, фақат Маслова Смельковни ўлдиришни хаёлига ҳам келтирмаганини, уни ухлатиш учунгина дори ичирганини гапирди. Адвокат Маслова бу тубанликнинг барча аччиқ-чучугини тотиб тургани ҳолда уни йўлдан оздирган эркак жазоланмай қолгани тўғрисида ваъзхонлик қилиб, одамларнинг кўнглини юмшатмоқчи бўлиб кўрди-ю, лекин уддасидан чиқолмай, қайтага бошқаларни ҳам хижолатга солди. Адвокат эркакларнинг тошкўнглилиги, хотин-қизларнинг заифлиги ҳақида эзмалик қилаётган эди, раис уни оғир аҳволдан чиқариш учун масаладан узоқлашмаслигини илтимос қилиб қолди.

Бу ҳимоячидан кейин прокурор ёрдамчиси яна ўрнидан туриб, биринчи ҳимоячига қарши ўзининг ирсият ҳақидаги мулоҳазаларини ёқлаб кетди ва Бочкованинг ота-онаси номаълум бўлса-да, бу билан чин ҳақиқат бўлган ирсият қонунини камситиб бўлмайди, ирсият тўғрисидаги таълимот илмий жиҳатдан тасдиқланганлиги сабабли, ирсиятга қараб жиноятни белгилабгина қолмасдан, балки жиноятга қараб ирсиятни белгилаб оламиз, деб уқдиришга уринди. Иккинчи адвокатнинг Масловани аллақандай бир (у «аллақандай» сўзини айтганда заҳарханда қилди) одам йўлдан оздирган деган фикрига келганимизда, шуни айтиш мумкинки, билъакс барча далиллар йўлдан оздирувчи Маслованинг ўзи эканлигини ва кўп одамни йўлдан оздирганини кўрсатади, деди. Шу сўзларни айтиб бўлгач, прокурор ёрдамчиси дабдаба билан ўтирди.

Кейин ўзларини оқлаш учун судланувчиларга сўз берилди.

Евфимия Бочкова ҳамон, ҳеч нарса билмайман, ҳеч нимада иштирок этмадим, деб такрорлар, ҳаммасига ўша айбдор, деб Масловани кўрсатарди. Симон эса бир неча бор:

– Ихтиёр сизларда, аммо айбим йўқ, бекор кетяпман, – деб такрорлади, холос.

Маслова эса ҳеч нарса демади. Раис унга, ўзингизни химоя қилиш учун нима дейсиз, гапиринг, деганда бошини кўтарди, кафасга тушган қушдек ҳаммага мўлтираб қаради-да, бошини ерга эгиб ҳўнграб йиғлаб юборди.

Нехлюдовнинг ёнида ўтирган савдогар:

– Сизга нима бўлди? – деб сўради Нехлюдовнинг оғзидан чиққан ғалати бир товушни эшитиб. Бу – тўсатдан тўхтатиб қолинган йиғи товуши эди.

Нехлюдов ўзининг ҳозирги аҳволига ҳамон тушуниб етмаган эди. У кўз ёшларини окизиб, ҳўнграб йиғлаб юборишдан ўзини зўрға тутиб қолган эди. Бу ҳолни у асабийлигидан деб билди ва буни яшириш учун пенсне тақди, кейин рўмолчасини олиб, бурнини қоқа бошлади.

Шу ерда, суд залида ўтирганлар менинг қилмишимдан хабардор бўлиб қолсалар, шарманда бўламан, деган андиша унинг кўнглида бораётган кечинмаларни бўғиб ташлади. Бу қўрқув ҳозирги пайтда ҳамма нарсадан кучли эди.

## XXII

Айбланувчиларнинг сўнгги сўзидан кейин ва тарафлар масалани қай тариқа қўйиш ҳақида узоқ талашиб-тортишганларидан кейин, маслаҳатчилар олдига қўйиладиган саволлар аниқланди, раис якунлашга ўтди.

Суд раиси масалани баён қилишдан аввал, таловчилик таловчилик эканлигини, ўғрилиқ ўғрилиқ эканлигини, яшириб қўйилган жойдан ўғирлаш, яшириб қўйилган жойдан ўғирлаш демаклигини ва очик-сочик ётган ердан ўғирлаш, очик-сочик ётган ердан ўғирлаш кераклигини маслаҳатчиларга ёқимли овоз билан анчагача уқдирди. Буни ту-

шунтирар экан раис, бу муҳим ҳолатни унга уқдирсам, зора бошқаларга ҳам тушунтириб қўйса, дегандек Нехлодовга қараб-қараб қўярди. Маслаҳатчилар бу ҳақиқатни англаб олишди, деган қарорга келгандан кейин, у бошқа бир ҳақиқатни тушунтира кетди. Сўнг у, бирон ҳаракат натижасида бирон киши ўлса, бундай ҳаракатни қотиллик дейдилар, шунинг учун заҳарлаш ҳам ўлдириш ҳисобланади, деб уқдира кетди. Маслаҳатчилар бу ҳақиқатни ҳам англаб етдилар деган худосага келгач, у агар ўғрилиқ ва қотиллик бир вақтда содир бўлган экан, у ҳолда жиноят таркиби ўғрилиқ билан қотиллик бўлишини тушунтирди.

Раис ўз касбига шу қадар ўрганиб қолган эдики, ўзи ишни тезроқ тугатиб кетишни истаса ҳам, швейцариялик маъшуқаси кутиб қолган бўлса ҳам, бир оғзини очгандан кейин ўзини ҳеч тўхтатиб қола олмади. Шунинг учун ҳам у, маслаҳатчиларга, агар судланувчиларни айбдор деб ҳисобласалар, айбдор деб ҳисоблашга ҳақли эканликларини, агар гуноҳсиз деб ҳисобласалар, гуноҳсиз деб ҳисоблашга ҳақли эканликларини, мабодо бир ишда айбдор, иккинчисида, айбсиз деб ҳисобласалар, у ҳолда, бир ишда айбдор, иккинчисида айбсиз деб ҳисоблашлари мумкинлигини уқдира кетди. Кейин раис маслаҳатчиларга яна бир нарсани, уларга бу ҳуқуқ берилгани билан, ҳуқуқдан ўйлаб, оқилона фойдаланишлари кераклигини тушунтирди. У маслаҳатчиларга яна бир нарсани, агар берилган саволга тасдиқ жавобини беришса, бу билан берилган саволни тўла-тўқис тасдиқлаган бўлишларини, агар саволга тўла-тўқис қўшилишмаса, у ҳолда нимасига қўшилмаганларини айтиб ўтишлари кераклигини ҳам тушунтирмоқчи эди. Лекин раис соатига карадию, беш дақиқаси кам уч эканлигини кўриб, яқунлашга ўтди.

– Бу иш мана шундай шароитда бўлган, – деб бошлади у сўзини. У ҳимоячилар, прокурор ёрдамчиси, ҳамда гувоҳлар бир неча бор гапириб ўтган сўзларни такрорлади.

Раис сўзлар, икки ёнида ўтирган суд ҳайъатлари эса маънодор тусда тинглашар, раиснинг нутқини яхши деб, яъни талабга мувофиқ деб топишар, лекин бироз узунроқ деб ҳисоблаб, аҳён-аҳёнда соатларига қараб қўйишарди. Барча

суд ходимлари ва залда ўтирганлар сингари прокурор ёрдамчиси ҳам худди шу фикрда эди. Ниҳоят раис якунлаб бўлди.

Гап тамом бўлгандек эди. Аммо раис ўзининг гапириш ҳуқуқидан сира воз Кеча олмасди – ўзининг таъсирчан говушини эшитиш унга шу қадар хуш ёқардики, маслаҳатчиларга берилган ҳуқуқнинг муҳимлигини, маслаҳатчилар бу ҳуқуқдан, суиистеъмол қилмай, эҳтиёткорлик ва хушёрлик билан фойдаланишлари кераклиги, ўзларининг қасамёд қилганликлари ва жамиятнинг виждони эканликлари, ҳамда маслаҳат хонасидаги сирлар муқаддас сақланиши ва ҳоказо, ва ҳоказолар ҳақида бир неча оғиз гапириб ўтишни лозим деб топди.

Раис сўзлай бошлагандан кейин Маслова унинг бирон оғиз сўзини эшитмай қолмаслик учун ундан кўз узмай тикилиб қолди. Шу сабабли Нехлюдов кўзи кўзига тушиб қолишидан қўрқмай, Масловага тикилди. Унинг тасаввурида одатдаги шундай бир ҳол юз берарди: севимли одамнинг кўпдан буён кўрмаган чехраси дастлаб, шу кўришмаган давр ичида рўй берган ташқи ўзгаришлар билан кишини ҳайратга солади ва бора-бора барча ўзгаришлар кўздан йўқолиб, кўп йиллар муқаддам қандай бўлса, шу ҳолатга қайтади ва ботин кўзи билан мисли бўлмаган ягона бир шахсни кўради.

Нехлюдов худди шундай аҳволда эди.

Ҳақиқатан ҳам, эгнида маҳбуслар ҳалати бўлишидан қатъи назар гавдасининг тўлалиги, кўкрагининг катталиги ва юзининг пастки қисмининг тўлишиб кетганига қарамай, пешона ва чаккаларидаги ажинларига, кўзининг шишинкираганига қарамай, бу ўша Катюша, Исонинг тирилиши байрами кунини Нехлюдовга, ошиғига қия бокиб, қувончини ичига сиғдиролмаганидан кулиб турган, кўзларида севги-муҳаббат акс этган Катюша эди.

«Қизик! Келиб-келиб мен иштирок этадиган кунга тўғри келганини қаранг-а! Ўн йил ҳеч қасрда кўрмай, келиб-келиб шу ерда, айбдорлар курсисида учратсам-а! Охири нима бўларкин? Тезроқ, тезроқ бир ёқлик бўла қолсайди!»

Нехлюдов қалбида уйғониб келаётган пушаймон

хиссига ҳамон бўйсунгиси келмасди. Назарида, бу унинг ҳаётига шикаст бермай, ўз-ўзидан ўтиб кетадиган тасодифдек туюларди. Нехлюдов ўзини уй ичини булғатиб қўйган, эгаси гарданидан ушлаб, бурнини шу ифлос ахлатга нуқиб турган лайчадек хис этарди. Лайча ўз ахлатидан тисарилишга бор кучи билан уринади, уни бутунлай унутиш учун чийиллайди, аммо шафқатсиз хўжайини қўйиб юбормайди. Нехлюдов ҳам қилган қилғилигининг нақадар қабихлигини сезар, хўжайиннинг қудратли қўлини хис этарди-ю, аммо қилмишининг маънисига тушуниб етмас, хўжайинини тан олмасди. У, мана шу кўз ўнгидаги иш, ўз иши эканлигига ишонишни истамас эди. Аммо кўринмас шафқатсиз қўл уни маҳкам ушлаб олган. Нехлюдов бу қўлдан қочиб қутула олмаслигини хис этарди. Шунга қарамай у, ҳамон ўзига далда берар ва одатига кўра оёғини чалиштириб, пенснесини бепарвогина ўйнатиб, биринчи қатордаги иккинчи стулда кеккайиб ўтирарди. Ваҳоланки, қилган ишигина эмас, балки ишратбозлик, бекорчилик, ифлослик билан ўтган умрининг нақадар қабих, ярамас ва разил эканини хис этарди, мана шу ўн икки йил давомида унинг бу жинояти ва сўнгги йиллар ичида кечирган бутун ҳаётини қандайдир бир мўъжиза билан тўсиб турган ўша даҳшатли парда тебрана бошлади ва парда орқасига Нехлюдовнинг ора-сира кўзи тушиб коларди.

## XXIII

Ниҳоят, раис сўзини тугатди-да, витор билан сўроқлар ёзилган қоғозини қўлига олиб, унинг олдига келган старшинага узатди. Маслаҳатчилар энди чикиб кетиш мумкин, деб мамнун бўлиб ўринларидан туришди, қўлларини қаерга қўйишларини билмай, нимадандир уялгандай, бирин-кетин маслаҳатхонага кириб кетишди. Уларнинг кетидан эшик ёпилиши биланок бир жандарм эшик ёнига келиб қиличини кинидан чиқарди-да, елкасига қўйиб, соқчиликда турди. Судьялар ўринларидан туриб, чикиб кетишди.



Судланувчиларни ҳам олиб чиқиб кетдилар.

Маслаҳатчилар маслаҳатхонага киргач, одатдагидек, аввал папирос чека бошладилар. Маслаҳатхонага кириб папирос чекишлари биланок залда, ўз ўринларида ўтирган пайтларида озми-кўпми ҳис этган ғайритабiiйлик ва сохталикдан асар ҳам қолмади. Ҳаммалари бироз енгил тортган-дек жойлашиб ўтиришди ва гапга тушиб кетишди.

– Қиз бечоранинг айби йўқ, боши айланиб қолган, – деди кўнгилчан савдогар, – инсоф қилиш керак.

– Шунн муҳокама қиламиз-да, – деди старшина. – Биз шахсий таассуротларга берилиб кетмаслигимиз керак.

– Раис яқунловчи сўзини жуда боғлади, – деди полковник.

– Боғлаган эмиш! Оз бўлмаса, ухлаб қолай дебман-а.

– Ҳамма гап шундаки, Маслова улар билан тил бириктирган бўлмаса, хизматкорлар пули борлигини билишмас эди, – деди яхудийнамо приказчик.

– Хўш, нима демоқчисиз, пулни Маслова ўғирлаган демоқчимисиз? – деб сўради маслаҳатчилардан бири.

– Бунга сира ишонмайман, – деб шанғиллади кўнгилчан савдогар, – бу ишларнинг ҳаммасини анови қизил кўз шаллақи қилган.

– Ҳаммасиям бир гўр, – деди полковник.

– Хизматкор хотин номерга кирганим йўқ деяпти-ку.

– Айтганига ишонаверасизми? Мен у манжалақининг гапига ўлсам ҳам ишонмайман.

– Нима бўлибди, ишонмасангиз ишонмай қолаверасиз-да, лекин бу кифоя эмас, – деди приказчик.

– Калит Масловада экан-ку.

– Масловада бўлса, нима бўлибди? – деб эътироз билдирди савдогар.

– Узук-чи?

– Ахир, ўзи айтди-ку, – деб яна вағиллади савдогар, – савдогар бўлганда ҳам зарби танг экан, бунинг устига кайфи тарақ экан, уни урибди. Кейин, раҳми келиб, ма, ола қол, йиғлама, деган. Ўзиям тоғни талқон қиладиган одам экан, эшитдик-ку: бўйи икки газ ўн икки вершок, оғирлиги саккиз

пуд<sup>1</sup> экан.

– Гап бунда эмас, – деб унинг гапини бўлди Петр Герасимович, – бу ишни бошлаган Масловами ё хизмат-корми – гап ана шунда.

– Хизматкор бу ишни ёлғиз қилолмайди. Калит Масловада бўлган.

Бу хилдаги пойма-пой суҳбат узоқ давом этди.

– Шошманглар, жаноблар, – деди старшина, – аввал бундай жойлашиб ўтирайлик-да, кейин маслаҳатлашайлик.

– Марҳамат, – деди раислик ўрнига ўтираётиб.

– Бунақа қизларнинг ўзиям ўлгудек ярамас бўлади, – деди гумашта. У асосий айбдор Маслова деган фикрни тасдиқлаш мақсадида шунақалардан бири бульварда<sup>2</sup> ўртоғининг соатини ўғирлаб қўйганини сўзлаб берди.

Полковник ўшанга ўхшаш яна бир ғалати воқеани, яъни кумуш самоварни ўтирлаш воқеасини сўзлай бошлади.

– Жаноблар, саволларни ўқишга ўтайлик, – деди старшина қалам билан столни тақиллатиб.

Ҳамма жим бўлиб қолди. Бу саволлар қуйидагича мазмунда эди:

1. 188\*-йилнинг 17-январь куни N шахрида, савдогар Смельковни талаш мақсадида уни ўлдириш режасини тузиб, бошқа одамлар билан тил бириктириб, коньякка захар солиб ичириб ўлдиришда ва савдогарнинг икки минг беш юз сўмга яқин пули билан бриллиант узугини ўтирлашда айбланган, Крапивенская уездининг Борков кишлоғида туғилган ўттиз уч яшар деҳқон Симон Петров Картинкинни гуноҳкор ҳисоблайсизми?

2. Мешчанлардан чиққан, қирқ уч яшар Евфимия Ивановна Бочкованинг биринчи саволда таърифлаб ўтилган жиноятда гуноҳкор деб биласизми?

3. Мешчанлардан чиққан йигирма етти яшар Екатерина Михайловна Масловани биринчи саволда таърифлаб

<sup>1</sup> Пуд (латинча: pondus – оғирлик, ўлчов) – 16,38 килограммга тенг оғирлик ўлчов бирлиги. Метрик ўлчовлар тизими қабул қилинганга қадар қўлланган.

<sup>2</sup> Бульвар (французча: boulevard – шаҳар девори) – икки томонлама ҳаракатли кўча ўртасидаги кенг хиебон.

Ўтилган жиноятда гуноҳкор деб биласизми?

4. Агар судланувчи Евфимия Бочкова биринчи савол бўйича гуноҳкор деб ҳисобланмаса, у 188\*-йилнинг 17-январь куни N шахрининг «Мавритания» меҳмонхонасида хизмат қилиб юриб, шу Меҳмонхонада турувчи савдогар Смелковнинг қулфлоглиқ чамадонидан икки минг беш юз сўм пулини калит солиб очиб ўғирлашда айбланмайдими?

Старшина биринчи саволни ўқиди:

– Хўш, нима дейсизлар, жаноблар?

Бу саволга дарров жавоб бера қолишди. Ҳамма бир оғиздан Картинкинни савдогарни заҳарлаш ва пулини ўғирлашда иштироки бор деб топиб: «Ҳа, гуноҳкор», – дейишди. Фақат кекса артелчигина<sup>1</sup> Картинкинни айбдор деб ҳисоблашга рози бўлмади. У ҳамма саволларга ҳам оқлаб юбориш керак, деган мазмунда жавоб старшина артелчи масалага тушунмади, шекилли, деб ўйлади-да, Картинкин билан Бочкованинг айбдорлиги очик-ойдин кўриниб турибди, деб уқдира бошлаган эди ҳамки, артелчи ўзи ҳам яхши тушуниб турганини, ҳар ҳолда, шафқат қилиш лозимлигини гапирди. «Ўзимиз ҳам бегуноҳ эмасмиз-ку», – деди у ўз фикрида қолиб.

Бочкова ҳақидаги иккинчи саволга, узоқ талашиб-тортишувлардан кейин: «Гуноҳсиз», – деб жавоб беришди, чунки адвокати айтгандек, унинг заҳарлашда иштирок этганини исботловчи далил йўқ эди.

Масловани оқлаш мақсадида савдогар ҳамма ишни мана шу Бочкова бошлаган, деб туриб олган эди, маслаҳатчиларнинг кўпчилиги унинг фикрига қўшилишди, аммо старшина, қатъиян қонунга риоя қилиб, савдогарни заҳарлашда Бочкова иштирок этган дейишда асос йўқ, деди. Узоқ тортишувлардан кейин старшинанинг фикри мақбул бўлди.

Бочкова ҳақидаги тўртинчи саволга: «Ҳа, айбдор», – деб жавоб беришди, кейин артелчининг қистови билан: «Аммо шафқат қилса арзийди», – деб қўшиб қўйишди.

<sup>1</sup> Артель (французча: artel < италияча: artigere – хунармайд) – фуқароларнинг, касб-хунара эгаларининг бирлашиб, жамов бўлиб ишлаш учун тузилган уюшмаси шаклларидадан бири.

Маслова ҳақидаги учинчи савол устида тортишув бошланиб кетди. Старшина Масловани талашда ҳам, захарлашда ҳам айбларди, савдогар унинг фикрига кўшилмас, савдогар билан бирга полковник ҳам, приказчик ҳам, артелчи ҳам кўшилмас эди, бошқалар эса иккиланишарди. Маслаҳатчилар чарчаб қолгани учун ҳам старшинанинг тарафдорлари кўпайиб қолди; чарчаганлари учун ҳам тезроқ қутулиб кетиш мақсадида қайси томон баланд келса, шунга кўшилишарди.

Маслованинг пулни ўғирлашда ҳам, захарлашда ҳам айбдор эмаслигини Нехлюдов суд терговининг боришига қараб яхши англаб олган эди. Бундан ташқари у, Катюшани жуда яхши биларди-ку, ахир. Шу сабабли у бошқалар ҳам шу фикрга келади деб қаттиқ ишонган эди, аммо кейин қарасаки, савдогар Масловани ҳимоя этишда нўноқлик қилди. Савдогар Маслованинг қадди-қомати ёқиб қолгани учун ҳам ҳимоя қилар, буни япирмас ҳам эди. Старшина шуларни унинг юзига солиб, қаттиқ зарба бергандан кейин, асосан эса, ҳамма чарчагани туфайли бутун айб Катюшанинг бўйнига тушиб қоладиган бўлиб қолди. Буни сезган Нехлюдов Маслованинг тарафини олиб гапирмоқчи бўлди-ю, лекин ҳамма унинг Катюшага бўлган муносабатини сезиб қоладигандек, кўриб кетди. Аммо, шунга қарамай, у ишни шу аҳволда қолдириб кета олмаслигини, эътироз билдириш лозимлигини ҳис этар, бир қизарар, бир бўзарарди, кейин энди гапирман деб турган ҳам эдики, боядан бери миқ этмай ўтирган Петр Герасимович, старшинанинг баланд келиб гапирётганига ғаш келди, шекилли, бирдан унга эътироз билдирди ва Нехлюдов айтмоқчи бўлиб турган гапларни айта бошлади.

– Шошманг, – деди у, – қўлида калит бўлгани учун Маслова ўғирлаган деяпсиз. Ажабо, у кетгандан кейин хизматкорлар калит топиб очиша олмасмиди?

– Шундай, шундай, – деб тасдиқлади савдогар.

– Маслова пулни олган эмас, нимага деганда уни кўядиган жойи йўқ.

– Мен ҳам шундай деяпман, – деб тасдиқлади

савдогар.

– Маслова келиб кетганидан кейин хизматкорларнинг нияти бузилиб, пайтдан фойдаланиб қолган, кейин ҳаммасини унга тўнкашган.

Петр Герасимович зарда қилиб гапирарди, унинг аччиғланиб гапирётганини кўрган старшинанинг ҳам бешбаттар жаҳли чиқди ва боягидан баттар ўжарлик қилиб ўз фикрида туриб олди. Аммо Петр Герасимович шу қадар ишончли қилиб гапирардики, кўпчилик унинг гапини маъқуллади, пул билан узукни ўғирлашда Маслованинг иштироки йўқ, узукни унга савдогарнинг ўзи совға қилган, деган фикрга келишди. Савдогарни заҳарлашда Маслованинг иштироки бор-йўқлиги хақидаги саволга келганда, унинг қизгин химоячиси савдогар, Катюшада гуноҳ йўқ деб ҳисоблаш зарур, нимагаки, Смелковни ўлдиришдан унга манфаат йўқ эди, деди. Старшина эса кукун берганига Маслованинг ўзи икром бўлгани учун уни бегуноҳ деб бўлмайди, дерди.

– Беришга-ку, берган-а, лекин уни афюн<sup>1</sup> деб ўйлаганда, – деди савдогар.

– Афюн билан ҳам заҳарлаб ўлдириш мумкин, – деди кўшимча баёнот беришни яхши кўрган полковник; у қайин инисининг хотини афюндан заҳарланганини, агар дарров доктор чақириб вақтида чора кўрилмаганда ўлиб қолиши ҳеч гап эмаслигини сўзлай бошлади. Полковник виқор билан шу қадар таъсирли қилиб, ишонтириб сўзлардики, унинг гапини бўлишга ҳеч ким журъат қилмади. Фақат гумаштагина, полковникдан ўрнак олиб, бир воқеани сўзлаб бериш учун унинг гапини бўлди.

– Баъзи одамлар шу қадар ўрганиб кетадики, – деб гап бошлади у, – бемалол қирқ томчидан ичаверади; бир қариндошимиз...

Аммо полковник гапини бўлишга йўл қўймади ва қайин инисининг хотинига афюн қандай таъсир қилганини

<sup>1</sup> Афюн (арабча; – қора дори). 1) кўкнорнинг думбул бошогидан олиб қуритилган шира (қора дори, тарак кўринишида, кайф қилиш учун, тиббиётда эса наркотик модда сифатида ишлатилади); 2) (кўчма) киши онгини заҳарлайдиган нарса.

ҳикоя қила кетди.

– Жаноблар, ахир, соат беш бўлиб қолди, – деди маслаҳатчилардан бири.

– Нима дейдиган бўлдик, жаноблар, – деди старшина, – ўзи гуноҳкор-у, лекин талашни хаёлига келтирмаган, савдогарнинг буюмини ўғирламаган. Шундайми?

Петр Герасимович ғалаба қозонганидан севиниб, бу фикрга қўшилди.

– Аммо-лекин шафқат қилиш керак, – деб қўшиб қўйди савдогар.

Ҳамма унинг гапини маъқуллади. Фақат артелчигина: «Йўқ, гуноҳсиз», – дейиш керак деб туриб олди.

– Ўзи ҳам шу маъно чикяпти, – деб тушунтирди старшина, – талашни хаёлига келтирмаган, буюмини ўғирламаган деяпмиз-ку. Демак, гуноҳсиз бўлади-да.

– Майли, шундай деб ёза қол, яна шафқат қилиш лозим, деб қўшиб қўй: бундан чиқди, энди қутулибмизда, – деди савдогар хурсанд бўлиб.

Ҳамма шу қадар чарчаган, талашиб-гортишиб шу қадар бошлари қотган эдики, савдогарнинг жонига қасд қилган эмас, деб қўшиб қўйиш ҳеч кимнинг хаёлига келмади.

Нехлюдов шу қадар ҳаяжонланган эдики, буни пайқамай қолди. Жавоблар худди шу тахлитда ёзилди ва суд залига олиб кирилди.

Раבלэ шундай деб ёзади: бир юристнинг олдига судлашмоқ учун келишибди. Ҳалиги юрист ҳар турли қонунқондаларни назарда тутиб, йигирма бет лотинча юридик ривоятларни ўқиб чиққандан кейин, судлашаётганларга соққа ташлашни таклиф этибди. Агар чикка тушса, даъвогар ҳақ бўлади, агар пукка тушса, жавобгар ҳақ бўлади деган экан.

Бу ерда ҳам шундай эди. Маълум бир қарорга келинганига ҳамманинг рози бўлиши сабаб бўлгани йўқ. Бунга сабаб, биринчидан, яқунлашни шу қадар чўзган раис бу гал, ҳар доим айтадиган гапини, яъни, саволга жавоб қайтараётганда маслаҳатчилар: «Ҳа, айбдор-у, лекин ҳаётига қасд қилган эмас», – дейишлари мумкинлигини айтишни унутган эди; иккинчидан, полковник қайин инисининг хотини боши-

дан кечирган воқеани узоқ ва зериктирарли ҳикоя қилди; учинчидан, Нехлюдов шу қадар ҳаяжонланган эдики, ҳаётига қасд қилган эмас, деган изоҳнинг йўқлигини пайкамади ва «талашни ҳаёлига келтирган эмас» деган изоҳ Маслованинг бегуноҳлигини очик-ойдин кўрсатиб беради, деб ўйлади; тўртинчидан, старшина савол ва жавобларни қайтадан ўқиб чиққан пайтда Петр Герасимович йўқ эди, у ташқарига чиқиб кетган эди. Асосий сабаб шунда эдики, ҳамма чарчаган, ҳамма тезроқ қутулиб кетишни ўйлар, шунинг учун ҳам қайси қарор ишнинг тезроқ тугашига йўл очса, шунга қўшилишга уринарди.

Маслаҳатчилар кўнғироқ чалишди. Қиличини яланғочлаб эшик олдида турган жандарм, қиличини қинига солди-да, ўзини четга олди. Судьялар жой-жойларига ўтиришди, маслаҳатчилар бирин-кетин чиқиб кетишди. Старшина тантанали суратда қоғозни олиб келди.

У раиснинг олдига келиб, қоғозни узатди. Раис ўқиди ва ҳайрон бўлди, шекилли, елкасини қисиб қўйди-да, ёнидагиларга ўтирилиб маслаҳатлаша бошлади. Раис маслаҳатчиларнинг: «Талашни ҳаёлига ҳам келтирмаган, –деб изоҳ бериб, – жонига қасд қилган эмас», – деб изоҳ бермаганларига ҳайрон эди. Маслаҳатчиларнинг қарорига биноан, Маслова ўғирлик, таловчилик қилмаган-у, лекин шунга қарамай, бекордан бекорга бир одамни заҳарлаб ўлдирган бўлиб чиқарди.

– Чиқарган бемаъни қарорларини кўринг, – деди у чап томонида ўтирган аъзога. – Бу – каторга<sup>1</sup> меҳнатига маҳкум қилиш демак, аслида эса, тариқча гуноҳи йўқ.

– Нега энди бегуноҳ бўлар экан? – деди жаҳлдор аъзо.

– Бегуноҳ бўлгандан кейин бегуноҳ деймиз-да. Менимча, бунга 818-моддани татбиқ қилиш керак. (818 моддада, агар суд ҳайъати қўйилган айб нотўғри деб топса, маслаҳатчиларнинг қарорини бекор қилиши мумкин дейилган

<sup>1</sup> Каторга (ломича: katorgon – галера, эшак-елсанли ҳарбий кема) – Чор Россиясида ва буржуа мамлакатларида жиноий ва сиёсий жиноатлар учун сурғун қилиш, жуда оғир шароитда ишлатиш ва қамашдан иборат жазо чораси ва шундай жазони ўташ жойи; умуман, оғир меҳнат, чидаб бўлмайдиган ҳаёт шароити.



эди.)

– Бунга сиз нима дейсиз? – деди раис кўнгилчан аъзога юзланиб.

Кўнгилчан аъзо жавоб бера қолмади. У олдида ётган қоғознинг номерига каради-да, рақамларни кўшди, учга тақсим қилган эди, бўлинмади: у тақсим қилганда, агар бўлинса, қўшиламан, деб ўйлаган эди, аммо кўнгилчанлигидан тақсим бўлмаса ҳам, қўшила қолди.

– Татбиқ қилинса, яхши бўларди, – деди у.

– Сиз нима дейсиз? – деди раис жаҳлдор аъзога юзланиб.

– Қўшилмайман, – деб жавоб берди у қатъий қилиб. – Газеталарда маслаҳатчилар жиноятчиларни бекордан бекорга оқлаб юборишяпти деб ёзганлари етмайдимми, суднинг ўзи оқлаб юборса, нималар дейишмайди. Йўқ, мен бунга сира қўшила олмайман.

Раис соатига каради.

– Эсизгина, энди нима ҳам қила оламиз, – раис шуидай деди-ю, ўқиб эшиттириш учун қоғозни старшинага узатди.

– Ҳамма ўрнидан турди. Старшина турган жойида депсиниб, йўталиб қўйди-да, савол-жавобларни ўқий бошлади. Суд ҳайъатидагиларнинг ҳаммаси: котибдан тортиб адвокатгача, ҳатто прокуроргача ҳайрон бўлиб қолишди.

Судланувчилар жавобларнинг маънисига тушуниб етишмади, шекилли, жим ўтиришарди. Ҳамма яна ўз жойига ўтирди, раис прокурордан, судланувчилар қандай жазога лойиқ, деб сўради.

Кутилмаганда Маслова масаласида муваффақият қозонганидан севинган прокурор бунинотиклигининг самараси деб топди, қоғозларини титкилаб қараб олгач, ўрнидан кўзгалиб қўйди-да:

– Симон Картинкинни 1452-модда ва 1453-модданинг 4-бандига мувофиқ, Евфимия Бочковани 1659-моддага мувофиқ, Масловани эса 1454-моддага мувофиқ жазолаш лозим деб ҳисоблайман, – деди.

Бу жазоларнинг ҳаммаси ҳам жуда оғир жазолардан

эди.

– Суд ҳукм чиқариш учун чиқиб кетади, – деди раис ўрнидан туриб.

Унинг кетидан ҳамма ўрнидан турди ва ўзини яхши ишни бажаргандек анча енгил ҳис қилиб залдан чиқа бошлади, баъзилар залда у ёқдан бу ёққа юра бошлади.

– Ишни расво қилиб қўйдик-ку, тақсир, – деди Петр Герасимович Нехлюдовнинг олдига келиб, старшина Нехлюдовга алланималарни ҳикоя қилаётган эди. – Бечора жувонни каторгага юборадиган бўлдик.

– Нима дедингиз? – деб қичқириб юборди Нехлюдов. Ҳозир у, ўқитувчининг бетакаллуфлигини сезмай ҳам қолган эди.

– Айтдим-ку ҳозир, – деди у, – Жавобда: «Гуноҳкор-у, лекин ҳаётига қасд қилган эмас», – демабмиз. Менга ҳозир котиб айтди: прокурор уни ўн беш йил каторгага маҳкум қилмоқчи деб.

– Ўзимиз шундай қарор қилдик-ку, – деди старшина.

Петр Герасимович, Маслова пулни олмагандан кейин, савдогарнинг ҳаётига қасд ҳам қилмаганлиги очиқ-равшан кўриниб турибди, деб тортиша бошлади.

– Бу ёққа чиқмасдан туриб жавобни ўзларингизга ўқиб бердим-ку, – деб ўзини оқларди старшина. – Ҳеч қай-сингиз эътироз билдирмадингиз.

– Ўқиб берган вақтингизда мен йўқ эдим, ташқарига чиққан эдим, – деди Петр Герасимович. – Сиз нега тўғрилатмадингиз?

– Бундай бўлар деб ўйламабман, – деди Нехлюдов.

– Ўйламагандан кейин шундай бўлади.

– Ҳалиям тўғриласа бўлади, – деди Нехлюдов.

– Йўқ, энди тўғрилай олмаймиз.

Нехлюдов судланувчиларга қаради. Улар, яъни тақдир ҳал этилаётган бу кишилар панжара орқасида, аскарлар олдида боятдек кимир этмай ўтиришарди. Маслова нимагадир жилмайиб ўтирарди. Нехлюдовнинг кўнглида ёмон ҳис уйғонди. Боя, Катюшанинг оқланиши ва шаҳарда қолишига кўзи етгандан кейин унга қандай муносабатда бўлишига

хайрон бўлиб ўтирган эди; у билан муносабатда бўлиш ҳам қийин эди. Каторга ва Сибирга сургун қилиниши эса унга нисбатан бўладиган ҳар қанақа муносабатга хотима беради: яраланган қуш овчининг халтасида типирчилаб, ўзини эслата олмайди.

## XXIV

Петр Герасимовичнинг тахмини тўғри эди.

Раис кенгашиб чикди-да, қоғозни ўқий бошлади:

– «Округ судининг жинойи ишларни кўриш бўлими император ҳазрати олийларининг фармониға мувофиқ 188\*-йилнинг 28-апрель куни жаноб суд маслаҳатчиларининг қарорига биноан, жинойи ишларни кўриш уставининг 771-моддасининг 3-банди, 776-моддаси ва 777-моддасига асосан, 33 яшар деҳқон Симон Картинкин, 27 яшар мешчанка Екатерина Маслова каторга ишига ҳукм этилсин, мол-мулки мусодара қилинсин; Картинкин 8 йилга, Маслова 4 йилга кесилсин. Иккаласи қонунлар мажмуасининг 28-моддасига биноан ҳуқуқлардан маҳрум этилсин. 43 яшар мешчанка Евфимия Бочкова мол-мулки мусодара қилиниб, 3 йил муддат билан турмага қамалсин, қонунлар мажмуасининг 49-моддасига биноан ҳуқуқдан маҳрум этилсин. Шу иш бўйича чиқимлар судланувчиларнинг гарданига қўйилиб, учаловига баравар тақсимлансин. Уларнинг қурби етмаган тақдирда эса хазина ҳисобига ўтказилсин. Шу иш бўйича келтирилган далилий ашёлар сотилсин, узук қайтариб берилсин, шиша идишлар синдириб ташлансин».

Картинкин бармоқларини кериб, қўлларини икки ёнига ташлаб турар, юзлари пир-пир учарди. Бочкова жудаям хотиржам кўринарди. Маслова эса ҳукмни эшитиб қипқизариб кетди.

– Гуноҳим йўқ, гуноҳим йўқ! – деб овозининг борича чинқириб юборди у. – Бу инсофдан эмас. Гуноҳим йўқ, ўйламаган эдим ҳам, хаёлимга ҳам келмаган эди. Рост айтяпман. Рост. – Шундай деб у скамейкага ўзини ташлаб, ҳўнграб

йиғлаб юборди.

Картинкин билан Бочкова чиқиб кетганда ҳам у жойида йиғлаб ўтирарди, жандарм халатининг энгидан тортиб турғизишга мажбур бўлди.

«Йўқ, буни шу аҳволда қолдириб бўлмайди», – деб гўлдиради Нехлюдов ўзига ўзи, боя кўнглида пайдо бўлган ярамас ҳисни тамомила унутиб, Масловани яна бир бор кўриб қолиш учун шошиб йўлакка чиқди. Нега бундай қилганини ўзи ҳам билмас эди. Ишнинг тугаганидан хурсанд бўлиб чиқиб кетаётган маслаҳатчилар ва адвокатлар эшик олдида уймаланишарди. Шунинг учун Нехлюдов эшик ёнида бир неча дақиқа тўхталиб қолди, Нехлюдов йўлакка чиққанда эса Маслова анча нарига кетиб қолган эди. Нехлюдов одамларнинг эътиборини жалб қилаётганига парво қилмай тез-тез юриб ундан ўзиб кетди-да, тўхтади. Катюша йиғидан тўхтаган эди. У ўқтин-ўқтин хўрсиниб кўяр, қипқизариб кетган юзини дуррасининг учи билан арта-арта Нехлюдовнинг ёнгинасидан унга қарамай ўтиб кетди. Катюшани ўтказиб юборгач, Нехлюдов раисга учрашиш мақсадида қайтиб кирганда, раис аллақачон чиқиб кетган эди.

Нехлюдов кийим ечадиган ерда унга етиб олди.

– Жаноб раис, – деди Нехлюдов. Раис ранги очик пальтосини кийиб бўлиб, швейцар узатаётган кумуш сопли ҳассасини олаётганида у етиб борган эди, – сиз билан ҳозир кўрилган иш ҳақида гаплашсам бўладими? Мен маслаҳатчиман.

– Танийман сизни, янглишмасам, князь Нехлюдов бўлсангиз керак? Жуда хурсандман, илгари ҳам бир учрашган эдик, – деди раис унинг кўлини сиқар экан, Нехлюдов билан учрашган ўша кечада ҳамма ёшлардан ҳам яхши рақс қилганини мамнуният билан эслаб, – Хўш, хизмат?

– Маслова ҳақидаги жавобимизда англашилмовчилик юз берибди. Заҳарлашда айби йўғ-у, бекорга каторгага ҳукм этилиб кетди, – деди Нехлюдов ковоғини солиб, хуноб бўлиб.

– Суд ўзларингизнинг жавобингизга асосан ҳукм чиқарди, – деди раис эшик томонга қадам ташлаб, – аммо суд

хайъатларига ҳам жавобингиз нотўғрига ўхшаб кўринган эди-я.

Раис, маслаҳатчиларга, кишининг жонига қасд қилинганини рад этмай, фақат: «Ҳа, айбдор», – деб жавоб бериш, қасддан ўлдирганини тасдиқлайди, деб тушунтирмақчи бўлганини, лекин шошиб тургани учун индамай қўя қолганини эслади.

– Энди шу хатони тузатсак бўлмайдимиз?

– Ҳукми бекор қилиш учун ҳамма вақт баҳона топилади. Адвокатларга мурожаат қилиш лозим, – деди раис шляпасини чаккасига қўйиб, эшик томон кетар экан.

– Ахир, иш жуда расво бўлди-ку.

Раис Нехлюдов билан мулойимгина гаплашмоқчи бўлди, шекилли:

– Маслова учун икки йўл бор эди, – деди бакенбардини пальтоси ёқасининг устига чиқариб текислар экан. Кейин унинг тирсагидан ушлаб эшик томон бошлади: – Сиз ҳам кетяпсизми?

– Ҳа, – деди Нехлюдов, шошиб-пишиб кийиниб, сўнгра раис билан олдинма-кейин чиқиб кетди.

Улар қуёш нурига ғарқ бўлган кўчага чиқишди, тош кўчада гилдиракларнинг тарақ-турукидан қаттиқ-қаттиқ гаплашишга тўғри келди.

– Жуда ғалати ҳол, – деб гапида давом этди раис овозини баландроқ чиқариб, – Маслова учун атиги икки йўл бор эди: Ё қамалиш – бу окланиш билан баравардир, зеро шу кунгача камоқда ўтиргани ҳам ўша ҳисобга кирарди ёки каторга – бошқа йўл йўқ. Агарда сиз, «Жонига қасд қилган эмас», – деган сўзларни қўшганингизда эди, у окланиб кетарди.

– Афсус, минг афсуски, билмабман, – деди Нехлюдов.

– Ҳамма гап шунда-да, – деди жилмайиб раис, соатига қарар экан.

Клара белгилаган сўнгги муҳлатга чорак кам бир соат қолган эди.

– Агар истасангиз, адвокатга мурожаат қиласиз. Ҳукми бекор қилдириш учун баҳона топиш керак. Баҳона

хамма вақт топилади. Дворянская кўчасига ҳайда, – деди у извошчига, – ўттиз тийин, ҳеч қачон ортиқ тўламайман.

– Марҳамат жаноб олийлари.

– Хуш қолинг. Агар керак бўлиб қолсам, Дворянская кўча, Дворниковнинг уйи деб сўрайсиз, эсда олиб қолиш осон.

Шундай деб у мулойимгина хайрлашди-да, жўнаб кетди.

## XXV

Раис билан суҳбати ва соф ҳаво Нехлюдовни бироз тинчитди. Энди у, боядан бери тортган ташвишим, одатдан ташқари шароитда кунни кеч қилганимдан бўлса керак, деб ўйлади.

«Жуда қизиқ ва ғалати учрашув бўлди-я! Унинг аҳволини енгиллаштириш учун қўлимдан келганини аямаслигим, тезроқ ёрдам беришим керак. Ҳозирнинг ўзидаёқ ишга киришиш лозим. Шу ерда, судда, Фанарин ёки Микишиннинг уйи қаердалигини билиб олиш зарур». У иккита машҳур адвокатни эслади.

Нехлюдов суд идорасига қайтиб келди, пальтосини ечди-да, юқорига чиқди. Биринчи йўлакдаёқ Фанаринга дуч келди. Нехлюдов уни тўхтатди-да, иши борлигини айтди. Фанарин уни яхши танир экан, хизматга тайёрлигини билдирди.

– Жуда чарчаганман... агар кўп вақт олмайдиган бўлса, марҳамат қилиб айта қолинг, юринг бу ёққа.

Фанарин Нехлюдовни қандайдир бир хонага бошлаб кирди. Бу бирор судьянинг кабинети бўлса керак. Улар стол ёнига ўтиришди.

– Хўш, хизмат?

– Аввал сиздан бир нарсани илтимос қиламан, – деди Нехлюдов, – бу ишга аралашганимни ҳеч ким билмасин.

– Бу жиҳатдан ташвишланманг. Хўш...

– Бугун мен судда маслаҳатчи сифатида қатнашган

эдим. Ҳаммамиз бир бўлиб бир хотинни бегуноҳдан бегуноҳ каторгага ҳукм қилиб юбордик. Шу воқеа мени жуда қийнапти.

Нехлюдов ўзи ҳам кутмаганда тўсатдан қип-қизариб кетиб, сўз тополмай қолди.

Фанарин унга ялт этиб бир қараб қўйди-да, яна ерга кўз тикиб, тинглай бошлади.

– Хўш, – деб қўя қолди у.

– Бегуноҳдан бегуноҳ кесилиб кетди. Мен ҳукми бекор қилдиришни, ишни юқори идораларга оширишни истардим.

– Сенатга<sup>1</sup>, – деб тузатди Фанарин.

– Шу ишни зиммангизга оларсиз деб умид қиламан.

Нехлюдов ишнинг энг нозик томонини тезроқ бир ёқлик қилиб юборишни истагани учун шартта:

– Куруқ қўймайман, ҳар қандай чиқим бўлса, ўз устимга оламан, – деди қизариб.

– Бу ёғини келишиб оламыз, – деди адвокат унинг тажрибасизлигидан қулиб.

– Хўш, ўзи нима гап?

Нехлюдов сўзлаб берди.

– Яхши, эртага ишни кўриб чиқаман. Индинга, йўқ, пайшанба кунни кечқурун соат олтида боринг, жавобини бераман. Хўпми? Қани, кетдик унда, мен хали маълумотномалар олишим керак бу ерда.

Нехлюдов у билан хайрлашиб чиқиб кетди.

Адвокат билан суҳбати ва Масловани ҳимоя қилиш учун чора кўра бошлагани уни анча юпатди. У кўчага чиқди. Ҳаво жуда яхши эди. Кўнгли ёришиб соф кўклам ҳавосидан тўйиб нафас олди. Извопчилар хизматига тайёрликларини билдириб, манзират қила бошладилар, аммо у пиёда кетаверди. Шу замонда минг хил фикрлар, Катюша ҳақидаги хоти-

<sup>1</sup> Сенат (лотинча: senatus < senex – кекса, қария; қариялар) – 1) қадимги Рим давлатида олий ҳокимият органи; 2) Россияда: 1711-1917-йилларда қонун чиқарувчи ва давлатни бошқарувчи олий давлат органи (асарда шу маънода); 3) айрим мамлакатларда, жумладан Ўзбекистонда, парламент юқори палатасининг номи.



ралар ва унга нисбатан қилган гуноҳи миясини чулғаб олди. Унинг кўнгли хиралашиб, ҳамма нарса хунук бўлиб кўринди. «Йўк, бу тўғрида кейин бир ўйлаб кўрарман, – деди у ўзига, – ҳозир эса бу оғир таассуротлардан кейин кўнглимни очишим керак».

У Корчагинлар овқатга таклиф этишганини эслади-да, соатига каради. Ҳали вақт бор, овқатга етиб бориш мумкин эди. Ёнидан конка<sup>1</sup> жингиллаб ўтиб кетди. Нехлюдов чопиб бориб конкага чиқиб олди. Майдонга етганда у сакраб тушиб қолди-да, яхши извошни ёллаб, ўн дақиқа ўтар-ўтмас Корчагинларнинг ҳашаматли уйи олдига етиб келди.

## XXVI

Корчагинларнинг ҳашаматли уйи олдида турган бакалоқдан келган ширин сўз швейцар ғирчилламайдиган, икки ёқлама ошиқ-мошиққа илинган карағай эшикни оча туриб:

– Марҳамат қилинг, жаноб олийлари, сизни кутишяпти, – деди. – Овқатланишяпти, фақат сизнигина киритишга рухсат беришган.

Швейцар зина ёнига борди-да, юқорига кўнгирок қилди.

– Бирон одам борми? – деб сўради Нехлюдов ечина туриб.

– Жаноб Колосов билан Михаил Сергеевич, қолганлари ҳаммаси ўз одамларимиз, – деб жавоб берди швейцар.

Зина устида эгнига фрак, кўлига ок қўлқоп кийган хушрўй лакей<sup>2</sup> кўринди.

– Марҳамат, жаноб олийлари, – деди у. – Таклиф этишни буюришган.

Нехлюдов зинага чиқди-да, ўзига таниш ҳашаматли ва кенг залдан ўтиб, емакхонага кирди. Оиланинг барча аъзолари, ҳеч қачон кабинетидан чиқмайдиган княгиня

<sup>1</sup> Конка – отлар тортиб юритадиган трамвай.

<sup>2</sup> Лакей – малай, хизматкор.

Софья Васильевнадан ташқари, ҳамма емакхонада, стол атрофида ўтирарди. Столнинг тўрида кекса Корчагин жойлашган, унинг ёнида, чап томонида доктор, нариги ёнида Иван Иванович Колосов деган меҳмон – собиқ губерния бошлиғи, ҳозир энди банк бошқармасининг аъзоси, Корчагиннинг либерал ўртоғи ўтирарди; кейин чап томонда Миссининг сингисининг мураббияси – киз Редер ва ўша тўрт яшар қизнинг ўзи. Ўнг томонда уларнинг рўпарасида эса Миссининг укаси, Корчагинларнинг ёлғиз ўғли, гимназиянинг VI синф ўқувчиси Петя (бутун оила унинг имтиҳондан ўтишини кутиб шаҳарда қолган эди) ва репетитор<sup>1</sup> – талаба ўтирарди, сўнгра чап томонда қирқ яшар славян-параст қиз Катерина Алексеевна, унинг рўпарасида Миссининг амакиваччаси Михаил Сергеевич, бошқача айтганда, Миша Телегин жойлашганди; энг пастда Миссининг ўзи ўтирар, унинг ёнида қўл тегизилмаган идиш-оёқлар турарди.

Кекса Корчагин ясама тишлари билан кийнаиб ва эҳтиёткорлик билан овқат чайнар экан:

– Жуда соз. Ўтиринг, биз энди балиқдан бошлаб эдик, – деди қип-қизариб кетган кўзларини Нехлюдовга тикиб. – Степан, – деб мурожаат қилди у оғзи тўла овқат билан, семиз, басавлат буфетчига бўш идиш-оёқни кўзи билан кўрсатиб.

Нехлюдов кекса Корчагинни жуда яхши билса-да, уни овқат устида кўп кўрган бўлса-да, нимчасига қистириб қўйилган сочиғи, лаззатланиб тамшанаётган бу лаблар, бу қип-қизил юз ва йўғон бўйини, айниқса, генералнинг миқтидан келган бақувват гавдаси бугун унга негадир жуда ёқимсиз кўринди. Тўсатдан Нехлюдов бу кишининг қаттиқ-қўллиги ҳақида эшитганларини: ўлка бошлиғи бўлган кезларида, ўзи бадавлат ва машҳур, лаганбардорлик қилишга эҳтиёж йўқ бўлишига қарамай, негадир одамларни дўппос-

<sup>1</sup> Репетитор (лотинча: *repetitor* – орқага қайтаришни талаб қилувчи; такрорловчи) – 1) таълимда ўқувчининг маълум бир фан ёки курсини яхши ўзлаштириши учун пулли қўшимча машғулотлар ўтказувчи шахс (ўқитувчи); 2) олий ўқув юртига кирадиган ўқувчига мактаб дастурини ўзлаштиришга ёрдам берувчи шахс; ўқитувчиси.

лагани, ҳатто остирганини эслади.

– Ҳозир овқат беришади, жаноб олийлари, – деди Степан кумуш вазалар тизиб қўйилган буфетдан чўмич олар экан, бакенбардли хушрўй лакейга имо қилиб. Лакей эса дархол Миссининг ёнига келиб, крахмалланган, герби кўзга ташланиб турган сочиқ билан беркитиб қўйилган идиш-товоқларни тўзрилаб овқат суза бошлади.

Нехлюдов столни айланиб ўтиб, ҳамманинг қўлини бир-бир қисиб чиқди. Кекса Корчагин билан аёллардан ташқари ҳамма, у яқинлашганда ўрнидан турар эди. Столни бу тариқа айланиб ўтиш, уларнинг кўпчилиги билан ҳеч қачон гаплашмаган бўлса-да, шу ерда ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси билан қўл сиқиб кўришиш, бугун унга жуда ёқимсиз ва кулгили бўлиб кўринди. Неулюпов кечикиб қолгани учун кечирим сўради-да, столнинг қуйи томонидаги Мисси билан Катерина Алексеевна ўртасидаги бўш ўринга ўтирмоқчи бўлган эди, бироқ кекса Корчагин ундан ароқ ичмаганига яраша омара<sup>1</sup>, икра<sup>2</sup>, ёғ, селёдкалар<sup>3</sup> терилган стол ёнига келиб ўтириб, тамадди қилишини талаб қилди. Нехлюдов қорни бу қадар очиб қолганини пайқамаган эди. У нонни сир билан қўшиб ея бошлади ва ипштаҳаси очилиб, овқатни тушира кетди.

– Хўш, жамият негизларини кўпордингларми? – деди Колосов суд маслаҳатчилари қатнаши билан бўладиган судга қарши бош кўтараётган тескаричилик газетасининг иборасини истехзоли оҳангда ишлатиб. – Айбдорларни оқлаб, гуноҳсизларнинг бўйнига айб қўйдингизми?

– Негизни кўпориш... Негизни кўпориш... – дея такрорлади либерал ўртоғи ва дўстини ақлли ва илмли деб ҳисоблаган князь кулиб.

Нехлюдов, назокатсизлик бўлса-да. Колосовга жавоб қайтармади, буғи чиқиб турган шўрва ёнига ўтирар экан, ҳамон кавшанар эди.

– Уни ўз ҳолига қўйинглар, овқат еб олсин, – деди

<sup>1</sup> Омара – денгиз қискичбақасидан тайёрланган таом.

<sup>2</sup> Икра – увилдириқдан тайёрланган озиқ-овқат маҳсулоти.

<sup>3</sup> Селёдка – дудланган сельд балиги.

Мисси жилмайиб, «уни» деган олмошни ишлатиш билан ўзининг Нехлюдовга яқинлигини эслатиб.

Бу орада Колосов, маслаҳатчилар иштирокидаги судга қарши чиққан, ўзини ғазаблантирган мақоланинг мазмунини шанғиллаб сўзлай бошлади. Корчагиннинг жияни Михаил Сергеевич унинг Тапини маъқуллаб турди ва сўз охирида худди шу газетадаги мақоланинг мазмунини гапириб берди.

Мисси ҳар вақтдагидек жуда *bistinguee*<sup>1</sup> ва кўзга ташланмайдиган, яхши кийим кийган эди.

– Ҳаддан ташқари чарчаганга, оч қолганга ўхшайсиз, – деди Мисси Нехлюдовга, у оғзидаги лукмасини чайнаб, ютиб бўлгандан кейин.

– Йўқ, у қадар эмас. Сиз-чи? Сурат томоша қилгани бордингизми? – деб сўради у.

– Йўқ, бошқа кунга қолдирдик. Биз Саламатовларникида, *lawn tennis*'e<sup>2</sup>да бўлдик. Жаноб Крукс, ҳақиқатан, ўйинга жуда уста экан.

Нехлюдов бу ерга кўнгили очиш учун келган эди. Буни зўр ҳашамати билангина эмас, балки, бу муҳитдаги хушомадгўйлик, меҳрибонлик унинг кўнглига хуш ёқарди. Бугун эса шуниси қизиқки, бу уйдаги нарсаларнинг ҳаммаси – швейцардан тортиб кенг зинагача, гуллардан тортиб лакейларгача, тузоғлик столдан тортиб Миссининг ўзигача уни жиркантирарди. Бугун Мисси унга ёқимсиз ва сохта бўлиб кўринди.

Колосовнинг кеккайиб, орсизларча, либераллик қилиб гапириши Нехлюдовнинг жиғига тегар, кекса Корчагиннинг ҳўкизсифат кеккайган қадди-қомати ғашини келтирар, славянпараст қиз Катерина Алексеевнанинг французча иборалари ғашига тегар, гувернатка<sup>3</sup> билан репетитор йигитнинг тортинчок қиёфалари ҳушига ёқмас, ўзини «уни» деган олмош билан атаганлари эса жонини чиқарарди... Нехлюдов

<sup>1</sup> *Bistinguee* (французча) – нафис.

<sup>2</sup> *Lawn tennis*'e (инглизча) – теннис.

<sup>3</sup> Гувернант(ка) – дворянлар ва боёнлар оиласида ёш болалар тарбияси учун махсус ёлланган тарбиячи.

Миссига нисбатан ҳамма вақт икки хил муносабат ўртасида иккиланарди: баъзида кўзини қисиб қараган вақтидагидек, ёки ойдин кечадагидек унда фақат гўзалликни кўрарди: Мисси, унинг назарида, ҳам навкирон, ҳам чиройли, ҳам ақлли, ҳам табиий бўлиб кўринарди... Баъзида эса худди офтоб ёруғида кўргандек, Миссининг нуқсонлари кўзига яққол ташланар, нуқсонларини кўрмай қололмас эди. Бугун унинг учун худди шундай кун эди. Бугун у қизнинг бетидаги барча ажинларни кўрар, унинг сочи жингалак қилинганини билиб турарди; Нехлюдов қизнинг тирсағи туртиб чиқиб турганини кўрар, айниқса, бош бармоғининг тирноғи отасиникига ўхшаш ялпоқ экани яққол кўринарди.

– Ўлғудай бўлмағур ўйин, – деди Колосов теннис ҳақида гапириб, – ундан кўра биз ёшлигимизда ўйнаган копток ўйини яхшироқ эди.

– Йўт-е, ўйнаб кўрмагансиз-да. Жуда қизиқ ўйин, – деб эътироз билдирди Мисси, Нехлюдовнинг назарида, у «жуда» сўзини ғайри табиий талаффуз этгандек кўринди.

Шу билан баҳс бошланиб кетди. Бу баҳсда Михаил Сергеевич ҳам, Катерина Алексеевна ҳам иштирок этди. Фақат гувернатка, репетитор ва болалар жим ўтиришарди. Улар, афтидан, зерикиб қолишган эди.

– Доим баҳслашганлари баҳслашган! – деди кекса Корчагин хахолаб. У сочинини нимчасидан чиқариб, стулни тарақлатиб ўрнидан турган эди, лакей эпчиллик билан стулни четга олиб қўйди. Ундан кейин бошқалар ҳам ўринларидан туришди-да, илиқ, хушбўй сув турган стол ёнига боришди ва оғизларини чайқашар экан, ҳеч кимни қизиқтирмаган суҳбатни давом эттиришди.

Мисси одамнинг табиати ҳаммадан ҳам ўйинда очик кўринади деган фикрини маъқуллаштириш учун:

– Тўғрими? – деб Нехлюдовга мурожаат қилди. Қиз унинг юзида парижонлик, таъна ифодасини кўрди. Мисси ундаги бу ҳолатдан жуда кўрқар ва нега бундай қилаётганини билишни истарди.

– Қайдам, ҳеч қачон бу тўғрида ўйламаган эканман, – деб жавоб берди Нехлюдов.

– Ойимнинг олдига кирасизми? – деб сўради Мисси.

– Ҳа, ҳа, – деди Нехлюдов папиросини олаётиб. У шундай оҳангда гапирдики, боргиси келмаётгани очиқ ойдин сезилиб турарди.

Қиз индамай, савол назари билан унга қараган эди, Нехлюдовнинг кўнгли бир хил бўлиб кетди. «Рост-да, бировникига қовоқ-тумшугимни осилтиргани келдимми», – деб ўйлади у, ўзича, юмшоқ гапирлишга уриниб, агар княгиня қабул қилсалар, жон деб киришини айтди.

– Ойим жуда хурсанд бўладилар. Ўша ерда чексангиз ҳам бўлади. Иван Иванович ҳам ўша ерда.

Уй бекаси, княгиня Софья Васильевна ётиб қолган эди. У саккиз йилдан бери меҳмонлар ҳузурда кружевали<sup>1</sup>, лентали духоба кийимларга беланиб, фил суяги, бронзадан қилинган, бўялган, зарҳал анжомлар куршовида ётар, ҳеч қаёққа бормас, ўзининг айтишича, фақат «ўз дўстлари»ни, яъни, унинг фикрича, бирон нарсаси билан халойикдан ажралиб турадиганларнигина қабул қиларди. Бу дўстлар қаторида Нехлюдови ҳам қабул қиларди, чунки, аввало, у ақлли йигит ҳисобланарди, онаси бу оиланинг яқин дўстларидан эди. Мисси унга тегса яхши иш бўларди деб ўйларди.

Княгиня Софья Васильевнанинг хонаси катта ва кичик меҳмонхонанинг нариги томонида эди. Катта меҳмонхонага кирганларида, Нехлюдовдан олдинда кетаётган Мисси шартта тўхтади-да, зарҳал стулчанинг суянчигидан ушлаб унга қаради.

Миссининг эрга теккиси келиб қолган, Нехлюдов эса унга муносиб эди. Бундан ташқари Нехлюдов унга ёқарди. Мисси ўзини, у меники бўлади (у Нехлюдови эмас, Нехлюдов уники бўлади), деган фикрга ўргатиб қўйган ва ғайри ихтиёрий равишда, руҳий касалларга хос ҳийлакорлик билан мақсадига эришиш учун интиларди. Қиз, унинг муҳаббат изҳор этишини кутиб гапга солди.

– Кўриб турибман, сизга бир ҳодиса бўлганга ўхшайди, – деди у. – Нима бўлди?

<sup>1</sup> Кружева – тўр кўринишидаги рўмол.

Нехлюдов суддаги учрашувни эслади, кип-қизариб ковоғини солди:

– Ҳа, бўлди, – деди у ростгўй бўлишни истаб, – ғалати, фавкуллодда ва муҳим бир воқеа бўлди.

– Нима экан? Нималигини айта оласизми?

– Ҳозирча айта олмайман. Гапирмасликка ижозат беринг. Шундай бир воқеа бўлдики, мен бу хусусда ўйлаб кўрганимча йўқ, – деди у ва аввалгидан баттар қизарди.

– Менга ҳам айтмайсизми? – Миссининг бети пир-пираб кетди, у ушлаб турган стулчасини суриб қўйди.

– Йўқ, айта олмайман, – деб жавоб берди Нехлюдов. Қизга жавоб қайтарар экан у, аини замонда, ўз саволига ўзи жавоб бераётгандек бўлди, ҳақиқатан ҳам, муҳим воқеа рўй берганига ўзи ҳам иқроп бўлган эди.

– Юринг унда.

Қиз кераксиз фикрларни ҳайдамоқчи бўлгандек, бошини силкитиб қўйди-да, одатдагидан тезроқ юриб кетди.

Нехлюдовнинг назарида, Мисси йиғлаб юбормаслик учун лабинн қимтигандек кўринди. У қизни хафа қилиб қўйганидан кўнгли ғаш бўлди, лекин сал бўш келса, ўзини ўзи ҳалок қилишини, тақдирини боғлаб қўйишини ҳис этарди. Шу топда у бундай бўлишидан кўркарди, у киз билан княгинянинг кабинетига боргунча миқ этмади.

## XXVII

Княгиня Софья Васильевна хуштаъм ва жуда тўйимли тушки овқатини еб бўлди. Нафосатдан йироқ бўлган бундай машғулот вақтида биров мени кўрмасин деб ҳамма вақт ёлғиз овқатланарди. Унинг кушеткаси<sup>1</sup> ёнида мўъжазгина стол бор эди. Стол устида қаҳва турар, княгиня ингичка папирос чекмоқда эди. Княгиня Софья Васильевна ориқ-қина, бўйдор, тишлари узун, шахло кўз, қорачадан келган, ўзини ёш қилиб кўрсатишга уринадиган аёл эди.

<sup>1</sup> Кушетка (французча: *coucherter* – кичик диван) – орка суялчиги йўқ диван.



Унинг доктор билан муносабати ҳақида ғийбат гаплар юрарди. Нехлюдов илгарилари бу гапни эсидан чиқариб юборган эди, ammo бугун, у фақат эслабгина қўя қолмади, балки, мой суртиб ялтиратилган соқоли икки томонга ажратиб таралган доктор княгинянинг креслоси олдида турганини кўрганда, боягидан беш баттар нафрати ошди.

Софья Васильевнанинг ёнида, пастаккина юмшоқ диванда Колосов столчадаги қаҳвани қошиқ билан чайқалтириб ўтирарди, Столча устида бир қадаҳ ликёр<sup>1</sup> бор эди.

Мисси онасининг олдига Нехлюдов билан бирга кирди-ю, лекин бунда ортиқ турмади.

– Ойим чарчаб, ҳайдаб юборса, менинг олдимга боринглар, – деди у Колосов билан Нехлюдовга, ораларидан ҳеч гап ўтмагандек жилмайиб, сўнгра калин гилам устида оҳиста юриб, хонадан чиқиб кетди.

– Салом, дўстим, кани, ўтиринг, нима гаплар бор? – деди княгиня Софья Васильевна худди ростаккам кулгига ўхшаш ясама табассум билан. У илжайганда усталик билан ясалган, худди ўз тишига ўхшаш чиройли узун тишлари кўринарди. – Суддан жуда диққат бўлиб қайтибсиз деб эшитдим. Менингча, бу кўнгли бўш одамларга жуда оғирлик қилса керак, – деб қўйди у французчалаб.

– Тўғри, – деди Нехлюдов, – кўпинча ўзингнинг ноҳақлигингни... суд қилишга ҳақкинг йўқлигини ҳис қиласан киши...

Княгиня ҳар вақтдагидек ҳамсуҳбатига хушомад қилиб:

– Comme c'est vrai<sup>2</sup>, – деб нидо қилди унинг гапи ростлигидан ҳайрон қолгандек.

– Хўш, чизаётган расмингиз нима бўлди, мен жуда кизиқиб қолганман, – деб қўшиб қўйди у. – Агар бедармон бўлмаганимда, аллақачон уйингизга бориб келардим.

– Бутунлай ташлаб қўйдим, – деб қуруққина жавоб

<sup>1</sup> Ликёр (*французча*: liqueur < *лотинча*: liquor – суюклик) – спирт, шакар шарбати ва мева ёки резавор шираси аралашмасидан тайёрланган ширин ва ўткир спиртли ичимлик.

<sup>2</sup> Comme c'est vrai (*французча*) – жуда тўғри.

берди Нехлюдов. Княгинянинг тилёғламалиги доим яшириб келаётган қарилигидек очик-ойдин сезилиб турарди Нехлюдов ҳушмуомалалик билан жавоб қайтаришга нечоғлик уринса ҳам, сира уддалай олмади.

– Бекор қилибсиз! Биласизми, унинг қобилияти жуда зўр, буни менга Репин айтган, – деди княгиня Колосовга юзланиб.

«Ёлғон гапиргани уялмайдиам-а», – деб ўйлади Нехлюдов ковоғини солиб.

Софья Васильевна Нехлюдовнинг кайфи бузуқлигига, уни кўнгилли ва оқилона суҳбатга жалб этишнинг иложи йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, Колосовга мурожаат қилиб, янги драма ҳақидаги фикрини сўради. У шундай оҳангда сўраган эдики, гўё Колосовнинг фикри ҳар қандай шубҳани ҳал қилиб юборади-ю, унинг фикри, ҳар бир сўзи абадий сақланиб қолади. Колосов драмани ёмонлади, шу муносабат билан ўзининг санъат ҳақидаги мулоҳазаларини гапира бошлади. Княгиня Софья Васильевна унинг мулоҳазаларининг нақадар тўғрилигидан таажубланар, драма авторини ҳимоя қила бошлар, лекин шу заҳоти ё таслим бўлар, ёки ўртача бир вазиятни эгалларди. Нехлюдов бақрайиб, уларнинг гапига қулоқ соларди-ю, лекин қаршисидагиларни эмас, балки бутунлай бошқа нарсаларни кўрар ва эшитарди.

Нехлюдов гоҳ Софья Васильевнанинг, гоҳ Колосовнинг сўзларини тинглар экан, биринчидан, на Софья Васильевнанинг ва на Колосовнинг драма билан ҳам, бир-бири билан ҳам бир чақалик иши йўқлигини гапиришаётган бўлса, азбаройи овқатдан кейин томоқ ва тил мушакларини ишга солиш каби физиологик зарурат туфайли гапиришаётганини кўриб турарди; иккинчидан, у Колосовнинг арок, вино, ликёр ичиб олиб маст бўлганини, аҳён-аҳёнда ичадиган деҳқонлар сингари эмас, балки вино ичишга одатланиб қолган одамлар сингари маст бўлганини пайкаб турарди. У гандиракламас, оғзига келганини гапириб валақламас эди-ю, аммо кайфи ошган, ўзидан мамнун эди; учинчидан, Нехлюдов Софья Васильевнанинг, офтоб нури устимга тушиб,

қарилгимни билдириб қўяди, деб ташвишланаётганини, гал орасида офтоб тушиб турган деразага қараб-қараб қўяётганини пайқаган эди.

– Жуда топиб гапирдингиз, – деди Софья Васильевна Колосовнинг аллақандай мулоҳазасига қўшилиб. Кейин кучетка ёнидаги, девордаги қўнғирок тугмачасини босди.

Шу маҳал доктор ўрнидан турди, ўз уйида юргандек, ҳеч нарса демасдан чикиб кетди. Софья Васильевна гапини давом эттириб, уни кўзи билан кузатиб колди.

– Филипп, марҳамат қилиб, шу пардани тушириб қўйсангиз, – деди у қўнғирок товушини эшитиб кирган кўркам лакейга.

– Йўқ, нима десангиз денг, унда қандайдир сирли бир нарса бор, сирли нарса бўлмаган жойда шеърият бўлмайди, – деярд эди у қора кўзининг биттаси билан пардани тушираётган лакейнинг ҳаракатларини кузатаркан.

– Шеъриятсиз мистицизм<sup>1</sup> – хурофот<sup>2</sup>, мистицизмсиз шеърият эса наср, – деди у ғамгин жилмаяркан, пардани тўзрилайётган лакейдан кўз узмай.

– Филипп, бошқа пардани айтяпман – катта деразанинг пардасини, – деди жони ачигандек Софья Васильевна. У шу сўзларни айтгунча кўп куч сарфлагани учун ўзига ачингандек эди; ўзини тинчлантириш мақсадида узукларга беланган қўли билан хушбўй хид таратаётган папиросни оғзига тутди.

Кенг яғринли, гўштдор, кўркам Филипп афв сўрагандек, енгилгина таъзим қилди, кучли, болдирлари ўйнаб чикқан оёқларини секин-аста босиб, гилам устида аста юриб, итоаткорлик билан индамай нариги дераза томонга ўтди, Софья Васильевнага тангадек қуёш нури туширмасликка ҳаракат қилиб, княгиняга қараб-қараб қўйиб пардани ёпа бошлади. Аммо бу гал ҳам у алланарсани ўрнига қўя олмади,

<sup>1</sup> Мистицизм (юнонча: *mystikos* – яширин, сирли) – гайриватбий оламга, илоҳлар ва илоҳий кучларга, ниссонинг илоҳият олами билан алоқа қила олишга иншонидан иборат диний эътиқод. Мистицизм – мистикага, тасаввуфга асосланган идеалистик диний дунёқараш; мистикага мойиллик.

<sup>2</sup> Хурофот (арабча; *bid'at*, таассуб, крим-сиримлар) – диний эътиқод, урф-одатлар, кримларни сохталаштирувчи ижтимоий-психология ҳодиса.

шекилли, азоб чеккан Софья Васильевна яна мистицизм ҳақидаги сўзини ярим йўлда тўхтатиб, гап укмас, шафқатсизлик билан ўзини ташвишга солаётган Филиппга ақл ўргатишга мажбур бўлди. Филиппнинг кўзларида учкун пайдо бўлди, бир лаҳза ёнди-ю, яна сўнди.

«Сенга нима кераклигини шайтоннинг ўзи ҳам билмайди», – деяпти Филипп ўз ичида, – деб ўйлади бу томошани кузатиб турган Нехлюдов. Аммо кўркам ва кучли Филипп тоқатсизланганини яшириб, тинкаси қуриган, нота-вон, туриш-турмуши қалбаки Софья Васильевнанинг буйруғини оҳиста бажара бошлади.

– Дарвин<sup>1</sup> таълимотида анчагина ҳаққоният бор, албатта, – деярди паст креслода ялпайиб ўтирган Колосов мудроқ босган кўзларини Софья Васильевнага тикиб, – лекин у ҳаддан ошиб кетяпти-да, шундай.

– Сиз ирсиятга ишонасизми? – деб сўради княгиня Софья Васильевна Нехлюдовдан; унинг жим тургани княгиняга малол келган эди.

– Ирсиятга дейсизми? – деб қайтариб сўради Нехлюдов. – Йўқ, ишонмайман, – деди у негадир шу топда хаёлхонасида туғилган ғалати образларга берилиб. У кўркам ва кучли Филиппни натурачи<sup>2</sup> деб тасаввур этди ва унинг ёнида қорни тарвуздай, мушаксиз қўллари косовдек, боши ярғоқ Колосов турганини кўз олдига келтирди. Софья Васильевнанинг шоҳи ва баркутлар ташланган елкаси, аслида, қандай эканлиги ҳам кўз ўнгида ғира-шира гавдаланди. Аммо кўз ўнгида гавдаланган бу манзара шу қадар даҳшатли эдики, Нехлюдов уни унутишга шошилди.

Софья Васильевна уни бошдан оёқ кўздан кечирди.

– Мисси сизни кутиб қолгандир, – деди у. – Бора қолинг, у сизга Шуманнинг янги нарсасини чалиб бермоқчи эди... Жуда ажойиб...

<sup>1</sup> Чарлз Роберт Дарвин (1809-1882) – инглиз табиатшуноси, ҳайвон ва ўсимлик турларининг табиий танлаиш йўли билан келиб чиққанлиги ҳақидаги эволюцион таълимот асосчиси. Одамнинг маймунсимон аجدодлардан келиб чиққанлигининг биологик ва ижтимоий шарт-шароитларини алғари сурган.

<sup>2</sup> Натурачи – рессом, ҳайкалтарош олдидан туриб расм олдириш билан шугулланувчи шахс.

«Хеч нарса чалмоқчи бўлган эмас. Негадир бўлмаган гапларни ўйлаб чиқаряпти», – деб ўйлади ўрнидан туриб, Софья Васильевнанинг узуклар билан безанган орик, оппоқ қўлини сиқар экан Нехлюдов.

Меҳмонхонада Катерина Алексеевна учраб қолди-да, шу заҳоти гапга тушиб кетди.

– Маслаҳатчилик лавозими сизни жуда эзиб қўйибди, – деди у ҳар вақтдагидай французчалаб.

– Ҳа, кечирасиз, бугун кайфим йўқроқ, бошқаларнинг ҳам кайфини бўзишга ҳаққим йўқ, – деди Нехлюдов.

– Нега кайфингиз бузилган?

– Сабабини айтмасликка ижозат этгайсиз, – деди у шляпасини ахтараётди.

– Эсингиздами, ҳамма вақт рост гапириш керак, деб туриб олганингиз. Ўшанда ҳаммамизга шундай аччиқ ҳақиқатни гапирардингиз. Нега энди бугун айтганингиз келмаяпти? Эсингиздами, Мисси? – деб мурожаат қилди Катерина Алексеевна шу топда кириб келган Миссига.

– Нега деганингизда, у ўйин эди, – деб жавоб берди Нехлюдов. – Ўйинда ҳаммаси мумкин. Аммо ҳақиқатда бизлар шундай ёмонмизки, яъни мен шундай ёмонманки, ҳар ҳолда, ростини гапириш мумкин эмас.

– Гапни бургандан кўра, яхшиси, ёмонлигимиз нимадалигини айтиб беринг, – деди Катерина Алексеевна, Нехлюдовнинг жиддийлигини сезмагандек, аския қилиб.

– Кайфинг бузилганлигини тан олишдан ёмони йўқ, – деди Мисси. – Мен ҳеч қачон бунга тан олмайман, шунинг учун ҳам доим кайфим жойида. Юринг, мен билан. Биргалашиб сизнинг ўша *mauvaise humeur*нинг<sup>1</sup> тарқатамиз.

Нехлюдов ўзини шундай ҳис этдики, жиловлаб кейин аравага қўшиш учун қашлаётганларида от ўзини худди шундай ҳис қилиши мумкин эди. Бугун у, айниқса, бўйинтуруққа киргуси келмади. Нехлюдов уйига кетиши кераклигини айтиб, узр сўради ва хайрлаша бошлади. Миссининг қўлини одатдагидан узоқ ушлаб турди.

<sup>1</sup> *Mauvaise humeur* (французча) – ёмон кайфият.

– Ёдингизда бўлсинки, сиз учун аҳамиятли бўлган нарса, дўстларингиз учун ҳам аҳамиятлидир, – деди у. – Эртага келасизми?

– Қайдам, – деди Нехлюдов ва изза тортганидан кипкизариб, шошиб чиқиб кетди. Ўзи учун изза бўлдимиди ёки Мисси учунми, буни ўзи ҳам англаб ололмади.

– Тинчликми ўзи *comme cela m'intrigue*<sup>1</sup> – деди Катерина Алексеевна Нехлюдов кетгандан кейин. – Албатта, билиб оламан. Қандайдир бир *affaire d'amour-propre: il est tres susceptible, notre cher Митя*<sup>2</sup>.

Мисси боя Нехлюдовга қараганидан кўра бутунлай бошқача, қандайдир маъюслик билан бир нуктага тикилган эди: *Plutot une affaire d'amour sale*<sup>3</sup>, – демоқчи бўлди-ю, лекин мазмуни хунук бу қочирик гапни ҳатто Катерина Алексеевнага ҳам айтмади. Фақат:

– Ҳаммамизнинг ҳам баъзан димоғимиз чоғ, баъзан ичимизга чироқ ёкса ёримайдиган кунлар бўлади, – деб қўя қолди.

«Наҳотки бу ҳам алдаб кетса, – деб ўйлади у. – Шунча гап бўлиб ўтгандан кейин ҳам ташлаб кетса, жуда хунук иш қилган бўлади».

Агар Мисси: «Шунча гап бўлиб ўтгандан кейин ҳам», – дегани нимасилигини тушунтириши лозим бўлса эди, ўзи бирон тайин нарсани айтиб бера олмасди, аммо шунга қарамай, унинг билишича, Нехлюдов уни умидвор қилибгина қўймай, балки ваъда бериб ҳам қўйган эди. Булар сўз билан изҳор этилган бўлмаса-да, имо-ишоралар, кўз уриштиришлар, табассумлар, лукмалар, сукут қилиб туришлар орқали ифодаланар эди. Лекин шунга қарамай, қиз уни ўзиники ҳисоблар, ундан ажралиб қолиш қиз учун жуда оғир эди.

<sup>1</sup> *Comme cela m'intrigue (французча)* – бу мени жуда кизиқтириб қўйди.

<sup>2</sup> *Affaire d'amour-propre: il est tres susceptible, notre cher (французча)* – иззатнафсга боғлиқ бирон иш бўлгандир: кимоятли Митямиз жуда серзарда.

<sup>3</sup> *Plutot une affaire d'amour sale (французча)* – тўғрироғи, ифлос муҳаббат аралашган иш бўлган.

Бу орада Нехлюдов таниш кўчалардан уйига пиёда қайтаркан: «Шармандалик, разиллик, шармандалик» деб ўйлар эди. Мисси билан сўзлашган вақтдаги оғир ҳислар кўнглига тинчлик бермас эди. У, агар шундай дейиш мумкин бўлса, расмий жиҳатдан қиз олдида ҳақли эди: чунки у қизга уйланишни таклиф этмаган, у билан ўзини боғлайдиган бирон сўз айтмаган эди. Аммо, аслига келганда эса, у ўзини қиз билан боғланган, унга ваъда этган деб ҳисоблар, лекин шунга қарамай, бугун у, Миссига уйлана олмаслигини бутун вужуди билан ҳис этар эди. У фақат Миссига бўлган муносабати ҳақидагина эмас, балки бошқа ҳамма нарсалар ҳақида ҳам гапириб: «Шармандалик, разиллик», – деб такрорларди. Нехлюдов уйига етиб келиб зинапоядан чиқаётганида ҳам ҳамон: «Разиллик, шармандалик», – деб такрорларди ўзича.

– Овқат емайман, – деди у идиш-товоққа ва чой ҳозирлаб қўйилган емакхонага кетидан кирган Корнейга. – Бораверинг.

Корней:

– Хўп бўлади, – деди-ю, лекин чиқиб кетмай стол устидаги нарсаларни йиғиштира бошлади. Нехлюдов Корнейга қараб турар ва ғиживарди. Нехлюдов одамлар уни ўз ҳолига қўйишларини истар, назарида, аксига олиб, жигига тегишаётгандек туюларди. Корней чиқиб кетгач, Нехлюдов чой дамлаш учун самовар ёнига бораётган ҳам эдики, Аграфена Петровнанинг оёқ шарпасини эшитиб қолди ва уни учратмаслик учун, меҳмонхонага чиқиб, эшикни ёпиб олди. Бундан уч ой муқаддам онаси шу меҳмонхонада вафот этган эди. Ҳозир, биттаси, отасининг портрети ёнига, иккинчиси онасининг портрети ёнига қўйилган иккита шамчироқ ёқилган хонага кирар экан, у сўнгги вақтларда онасига бўлган муносабатини эслади. Бу муносабатлар унга сохта ва жирканч туюлди. Бу ҳам уялтирар, ҳам жиркантирарди. Нехлюдов онаси бемор ётган сўнгги кунларда касалнинг ўлгани яхши, уйдагиларнинг тингани яхши деб ўйлаганини эслади. У, бечора онам азоб тортишдан қутулсин деганим учун шу-



ни тилаяпман, деб ўзини-ўзи юпатарди-ю, аслида эса, она-сининг азоб тортишини кўришдан қутулиш учун шундай деган эди.

Нехлюдов онаси ҳақидаги яхши хотираларни эслаш учун, унинг атоқли рассом томонидан беш минг сўмга чизилган портретига қаради. Онаси кўкраги очик, қора барқут кўйлақда тасвирланган эди. Рассом, кўкракни, икки кўкрак орасидаги чуқурчани, ниҳоятда гўзал елкаси ва бўйнини зўр иштиёқ билан чизган бўлса керак. Буниси ўтакетган шармандалик, разиллик эди. Онасининг бу ҳолда, ярим яланғоч бир малак сифатида тасвирланишида қандайдир қабихлик ва таҳқирлаш бор эди. Бу шунинг учун ҳам қабих эдики, мана шу аёл уч ой муқаддам худди мана шу хонада чўпдек ориқлаб мурдадек қоқшол бўлиб, фақат хонанигина эмас, балки бутун уйни ҳеч нарса билан кетказиб бўлмайдиган қандайдир қўланса ҳидга тўлдириб ётган эди. Унинг назарида, шу ҳид ҳозир ҳам димоғига урилгандек бўлди. Нехлюдов онаси ўлмасдан бир кун илгари унинг оппоқ, кучли қўлларини қорайиб, ориқлаб кетган қўлларига олиб кўзига тикилганини: «Мендан ризо бўл, Митя, яхши-ёмон гапирган бўлсам кечир», – деганини, азоб чекканидан хиралашган кўзларига ёш келганини эслади: «Нақадар жирканч!» деди яна бир бор Нехлюдов ўзига ўзи, мрамардек оқ елкаси ва қўлларини кўз-кўз қилиб, гердайиб, жилмайиб турган ярим яланғоч аёлга бир караб. Кўкраги очик аёл сурати кунга кечагина бошқа бир ёш аёлнинг худди шундай ярим яланғоч ҳолда кўрганни эсига туширди. Бу Мисси эди. У балга кийиб бораётган янги кўйлагига Нехлюдовга кўриниш учун, бир баҳона топиб, уни кечкурун чақиртирган эди. Нехлюдов Миссининг чиройли елкаси ва қўлларини эслар экан, нафратланди. Ўтмишда золим бўлган ҳайвонсифат, кўрс отаси, ёмон ном чиқарган *bel esprit*<sup>1</sup> онаси кўз олдига келди. Ҳаммаси разиллик, шу билан бирга, шармандалик эди. Шармандалик ва разиллик эди.

«Йўк, йўк, – деб ўйларди у, – озод бўлиб олиш керак,

<sup>1</sup> *Bel esprit* (французча) – аскиячи.

ҳамма сохта муносабатларни узиш, Корчагинлардан ҳам, Марья Васильевнадан ҳам, меросдан ҳам, бошқа нарсалардан ҳам халос бўлиш керак... Эркинроқ нафас олиш керак. Чет элга – Римга кетиш, рассомлик билан шуғулланиш керак... – У истеъдоди борлигига шубҳаланганини эслади. – Ишқилиб, шу ердан қутулиб кетсам бўлди, эркин нафас оламан-ку. Аввал Истамбулга бораман, кейин Римга, фақат суд маслаҳатчилигидан тезроқ қутулиб олсам бўлди. Кейин адвокатдаги ишми ҳам бир ёқли қилсам».

Бирдан қора, ғилай кўзлн маҳбус аёл кўз олдиди яққол гавдаланди. Судланувчиларга охирги сўз берилган вақтда унинг йиғлаб юборишини қаранг! Нехлюдов чекиб бўлган папиросини шошилинич ўчира туриб кулдонга эзгилаб ташлади-да, бошқасини тутатиб, хона ичида у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Катя билан бирга кечган дақиқалар унинг тасаввурда бирин-кетин гавдалана бошлади. У Катюша билан бўлган охирги учрашувни, ўша маҳал бутун вужудини қамраб олган ҳайвоний ҳирсни, шаҳвоний ҳирси қонгандан кейин эса бирдан кўнгли совиб қолганини эслади. Зангори лентали оқ кўйлакни, эрталабки ибодатни эслади: «Ахир, мен уни севардим, ҳақиқатан ҳам, шу кеча уни яхши, соф муҳаббат билан севганман. Ундан аввал ҳам севардим, аммалариникида биринчи бор турган, асаримни ёзган кезларим нақадар севардим уни!»

Нехлюдов ўша вақтда ўзининг қандай эканлигини эслади. Ўша софлик, ёшлик, тўлиб-тошган ҳаёт эсиб ўтгандай бўлди ва шу он кўнгли вайрон бўлди.

Ўша вақтдаги ҳолати билан ҳозирги аҳволи ўртасидаги фарқ жуда катта эди: ўша вақт черковда кўрган Катюша билан ҳозирги фоҳиша, яъни савдогар билан ичкиликбозлик қилган, шу бугун эрталаб ўзлари суд қилган Катюша орасидаги фарқ қанча бўлса шунча, балки ундан ҳам ортик фарқ бор эди. У вақтларда ўзи тетяк, олдиди бениҳоя имкониятлар кучок очиб турган эркин одам эди, энди у ўзини ҳар томондан бемаъни, пуч, муайян бир мақсадсиз, арзимас ҳаётнинг чангалига тушгандек сезар, бу чангалдан қутулишнинг иложи йўқдек кўринар, балки ўзи қутулишни истамас эди.

У, бир вақтлар ўзининг ҳаққонийлиги билан мағрурланиб юрганини, ҳамма вақт ҳаққоний гап гапиришни ўзинг қоида қилиб олганини ва, ҳақиқатан ҳам, ростгўй бўлганини, энди эса ўзини қуршаган барча одамлар ҳақ деб топган ёлғончилик ботқоғига ботганини эслади. Бу ёлғончилик гирдобидан қутулишнинг иложи йўқ эди, ҳуллас, бу аҳволдан қутулишнинг йўлини топа олмасди. Неҳлюдов шу ботқоққа ботиб, ўрганиб кетди, ҳузур қиладиган бўлди.

Қандай қилиб, Марья Васильевна ва унинг эри билан, унга ва болаларининг кўзига қарашга уялмайдиган бўлиб, алоқани узса экан? Мисси билан муносабатини ёлғон-яшиқсиз қай тариқа бир ёқли қилса? Қандай қилиб, ерга бўлган хусусий эгаликнинг қонунга зидлигини тан олиш билан онасидан қолган меросга эгалик қилиш ўртасидаги қарама-қаршиликдан қутулса? Қандай қилиб, Катюшага нисбатан қилган гуноҳини юва олса? Бу аҳволда қолдириб бўлмайди-ку, ахир.

«Бир вақтлар ўзим севган аёлни ташлашга, бир вақтлар унга пул бериб, тўғри қилдим деб ўйлаганимдек, адвокатга пул бериб, қаторга азобидан қутқазиб, айбимни пул билан ювиб кетишга ҳаққим йўқ, ахир, у бегуноҳдан бегуноҳ қаторгага ҳукм қилинган-ку».

Шу маҳал, бир вақтлар йўлақда кетидан етиб бориб, қўлига пул қистиргани ва қочиб кетгани шу бугунгидек эсига тушди.

«Эҳ, бу пул! – бу дақиқаларни, у, худди ўша вақтдагидек, даҳшат ва нафрат билан эслади. – Эҳ! Нақадар жирканч иш! – деди у худди ўша вақтдагидек овозини чиқариб. – Фақат разил, ярамас одамгина шундай қила олади! Ўша ярамас, ўша разил одам мен! – деди у овозини чиқариб. – Наҳотки, ҳақиқатан ҳам, – у юриб туриб тўхтаб қолди, – наҳотки ўша ярамас мен бўлсам? – Сен бўлмай, ким? – деб жавоб берди ўзига ўзи. – Кошки, шунинг ўзигина бўлса? – деб ўзини ўзи фош қиларди у. – Марья Васильевна билан унинг эрига бўлган муносабатинг қабих эмасми? Мулкка бўлган муносабатинг-чи? Пуллар онамдан қолган деган баҳона билан ғайриқонуний деб билганинг бойликлардан

фойдаланасан. Бекорчилик билан ўтадиган ифлос ҳаётингчи? Катюшага нисбатан бўлган муносабатинг ҳаммасидан ошиб тушади. Ярамас, разил! Улар (одамлар) мен тўғримда нима деб ўйласа ўйлайверсин, уларни алдай оламан, лекин ўзимни алдай олмайман-ку».

Тўсатдан у, кейинги вақтларда одамларга нисбатан, айниқса, бугун князга, Софья Васильевнага, Миссига, Корнейга нисбатан ҳис этган нафрати – ўзидан нафратланиш эканлигини тушунди. Шуниси кизикки, ўзининг қабиҳлигига иқрор бўлар экан, бир томондан, алам қилган бўлса, иккинчи томондан негадир шодлик ҳис этар, хотиржам бўларди.

Нехлюдов, ўз умрида, унинг таъбирича, бир неча бор «қалбини покизалаб олган» эди. Баъзан, орадан анчагина вақт ўтгач, у маънавий ҳаёти сусайиб ёки турғунликка учраб қолганини ҳис этар ва кўнглида йиғилиб қолган бу турғунликка сабаб бўлган барча ифлосликни тозалай бошларди. Ана шундай руҳий аҳволни «қалбни покизалаш» деб атарди.

Ана шундай уйғонишлардан кейин Нехлюдов ўзига қоида тузар ва бутун умр шу қоидага риоя этишга қасд қиларди: кундалик дафтар тутар ва умрининг охиригача шундай яшашга аҳд қилиб, янгича ҳаёт бошларди. *Turning a new leaf*<sup>1</sup> дерди у ўзига-ўзи. Лекин ҳар сафар дунёдаги турлитуман ҳаваслар уни камраб олар, у ўзи сезмаган ҳолда яна тубанлашар, кўпинча аввалгидан ҳам пастлашиб кетарди.

Шу зайл у бир неча бор ўзини поклаб олди ва тубанликдан кўтарилди; ёзда аммалариникига биринчи бор келганда, худди шу аҳволда эди. Бу – жонли, завқли уйғониш эди. Унинг оқибати ҳам анча узоққа борди. У фуқаролик хизматини ташлаб, жонини фидо қилиш учун уруш вақтида ҳарбий хизматга кирганида шундай уйғониш юз берган эди. Лекин бу ерда у жуда тез бузилди. Кейин яна уйғониш рўй берди, у истеъфога чиқиб, чет элга жўнаб кетди ва рассомлик кила бошлади.

Ўшандан бери то шу бугунгача узоқ муддат ҳеч қан-

<sup>1</sup> *Turning a new leaf* (инглизча) – янги саҳифа очиш.

дай тозаланиш деган нарса бўлмади. Шунинг учун ҳам у ҳеч қачон бу қадар ифлосликка бориб етмаган эди. Виждони буюрган ҳаёт билан ҳозирги ҳаёти ўртасидаги фарқ шу қадар катта эдики, буни кўриб бутун вужудини даҳшат қамраб олди.

Бу фарқ шу қадар катта, ифлослик шу қадар кучли эдики, аввалига у покизаланишдан умидини узди. «Яхшироқ бўлишга ҳаракат қилдинг, лекин ҳеч нима чиқмади-ку, – деб шайтон васвасага соларди уни, – яна бир қарра уринишдан нима фойда бор? Фақат сенгина эмас, ҳамма шунақа – ҳаёт ўзи шундай», – дерди яна шу овоз. Лекин ҳар вақт ҳаққоний, ҳар вақт қудратли, мангу бўлган озод, маънавий мавжудот Нехлюдовнинг дилида аллақачон уйғонган эди. Унинг бу мавжудотга ишонмай иложи йўқ эди. Нехлюдовнинг ҳозирги аҳволи билан, ўзи истаган аҳвол ўртасидаги фарқ қанчалик катта бўлмасин, маънавий мавжудот учун бунинг ҳеч қандай оғирлиги йўқ эди.

«Оёқ-қўлимни чамбарчас боғлаган ёлғонни, ҳар қандай қилиб бўлса ҳам парчалаб ташлайман, ҳаммасига икром бўламан, ҳаммага тўғриси айтман, ҳаққоний иш тутаман, – деди у ўзига-ўзи шартта овозини баланд чиқариб. – Миссига тўғриси айтман, бузуқ одамлигимни, унга уйлана олмаслигимни, бекорга безовта қилганимни айтман; Марья Васильевнага (дворянлар бошлигининг хотинига) айтман. Айтгандай, унга гапиришнинг ҳожати йўқ, эрига айтман, ярамас одам эканлигимни, уни алдаб юрганимни айтман. Мерос ҳақида ҳам шундай буйруқ қиламанки, ҳаққоният юзага чиқмай қолмасин. Ярамас одам эканлигимни, унинг олдида гуноҳкорлигимни, тақдирини енгиллатиш учун нимаки қилиш лозим бўлса, ҳаммасини қилишимни унга, Катюшага айтман. Ҳа, уни кўраман ва мени афв этишини ўтинаман. Ҳа, гуноҳимдан ўтишини болалар сингари ялиниб сўрайман. – У жим бўлиб қолди. – Агар лозим бўлиб қолса, унга уйланаман».

У тўхтади, ёшлик чоғларидаги сингари қўлини кўкрагида қовуштирди, кўзини осмонга тикиб, кимгадир мурожаат қилаётгандай гапира бошлади:

– Парвардигори олам, ўзинг қўлла, йўл кўрсат, менга тавфиқ бер, мени маразлардан пок эт.

У тошинар, Худодан ёрдам беришни, кўнглини мусаффо қилишни, тавфиқ беришни тиларди, ваҳоланки, у тилаган нарса аллақачон рўёбга чиққан эди. Унинг дилидан жой олган раҳмон онгини уйғотди. Нехлюдов тангрига етишганини ҳис этди, шунинг учун ҳам эркинлик, бардамлик ва ҳаёт завқинигина эмас, балки эзгуликнинг нақадар қудратли эканини ҳис-этди. У ўзини инсон қўлидан келадиган ҳар қандай эзгуликка қодирдек ҳис қилди.

У ўзига-ўзи шуларни айтар экан, кўзларига ҳам хайрли, ҳам хайрсиз ёш келди; буни шунинг учун ҳам хайрли кўз ёшлари деймизки, Нехлюдовнинг дилида шунча йиллардан буён ухлаб ётган маънавий мавжудотнинг уйғониш шодиёнаси бўлган кўз ёшлари эди. Ўзининг яхшилигидан, фазилатли эканлигидан ийиб кетиб кўзига ёш олгани учун бу хайрсиз кўз ёшлари эди.

У бўғриқиб кетди. Иккинчи табақаси олиб қўйилган дераза ёнига келди-да, очиб юборди. Дераза боғга қараган эди. Сокин, салқин ва ойдин кеча эди. Кўчада ғилдирагини тарақлатиб арава ўтиб кетди, кейин яна жимлик чўқди. Деразанинг нақ ёнгинасида супуриб тозаланган майдончадаги кум устида баланд, яланғоч терак шохларининг сояси тушиб турарди. Чап тарафдаги омборнинг томи ой нурида оппоқ бўлиб кўринарди. Олдинда, бир-бирига чирмашиб кетган дарахт шохлари орасидан деворнинг қоп-қора қўланкаси кўзга ташланарди. Нехлюдов ой нурига чўмган боғга, томга, терак соясига қарар ва ўпкасини тўлдириб салқин ҳаводан сўлиш оларди.

«Қандай яхши! Э, парвардигори олам, нақадар яхши!»  
– дерди у кўнглидан кечаётган нарсалар ҳақида.

Маслова уйга, камерага кечкурун соат олтида, хориб-чарчаб, тош йўлдан ўн беш чақирим пиёда юрганидан оёқлари зирқираб, кутилмаганда чиққан бундай қаттиқ ҳукмдан кўнгли вайрон бўлиб, бунинг устига қорни оч ҳолда қайтиб келди.

Танаффусларнинг бирида соқчилар унинг ёнида нон билан пишган тухум ейишаётганда, оғзининг суви келиб, қорни очганини ҳис этди-ю, лекин улардан тилаб олиб ейишга ор қилди. Орадан уч соат ўтгандан кейин иштаҳаси бўғилиб, бўшашиб кетаётганини ҳис қилди. Шу аҳволда экан, у сира кутмаган ҳукми ўқиб эшиттиришди. Бошда у янглиш эшитган бўлсам керак, деб ўйлади, қулоқларига ишонмади, ўзини каторгачи бўлишини ақлига сиғдира олмади. Аммо судьялар, маслаҳатчилар ҳукми табиий бир нарсасдек хотиржам тинглаб ўтиришганини кўриб, ғазаби қайнади ва гуноҳи йўқлигини айтиб, қичкириб юборди. Лекин бақирганини ҳам табиий, кутилган бир нарсасдек қарши олишганини, фойдаси йўқлигини сезиб, бу шафқатсизликка ва уни ҳайратга солган адолатсизликка итоат этиш кераклигини ҳис қилиб, йиғлаб юборди. Кекса эркаклар эмас, ҳамма вақт унга мулойимгина қарайдиган ёшгина эркакларнинг аямай қоралаганлари Масловани жуда ҳайратга соларди. Биттасини – прокурор ёрдамчисини у бутунлай бошқача кайфиятда эканини кўрди. Катюша суд бўлишини кутиб маҳбуслар хонасида ўтирганида, мажлислар орасидаги танаффус пайтларида ана шу эркаклар, бошқа бир иш билан кетаётгандай эшик ёнидан ўтар ёки уни бир кўриб чиқиш учун хонага кирар эдилар. Келиб-келиб шу эркаклар, унинг тамомила айбсиз эканига қарамай, негадир, каторгага ҳукм қилиб юбордилар. Бошда Катюша йиғлади, кейин дами ичига тушиб кетди, жўнатишларини кутиб маҳбуслар хонасида эсанкираб ўтирди. Ҳозир у фақат бир нарсани: чекишни истарди. Ҳукмдан сўнг Бочкова билан Картинкин худди шу хонага олиб кирилганда, Катюша шу кайфиятда эди. Бочкова кириши биланок Масловани уриша кетди ва каторгачи



деб ҳақорат қила бошлади.

– Ҳа, қўлингдан нима келди? Барибир, қутулиб кета олмадинг-ку, манжалаки. Нима эккан бўлсанг, шуни ўрасан. Каторгада ҳам олифтагарчилик қиламан деб ўйлама.

Маслова қўлиарини халатининг енгига тикиб, бошини қуйи солиб, икки қадам нарига, ифлос полга тикилганича кимир этмай ўтирар ва:

– Сизларга тегаётганим йўқ-ку, қўйинглар ўз ҳолимга, – дерди фақат. – Ахир, тегаётганим йўқ-ку, – деб такрорлади у бир неча бор, кейин бутунлай жим бўлиб қолди. Картинкин билан Бочковани олиб кетганларидан кейин, қоровул унга уч сўм пул олиб келгандагина у сал жонланди.

– Масловамисан? – деб сўради у. – Ма, ол, бойвучча хоним бериб юборди, – деди у пулни Масловага узата туриб.

– Қанақа бойвучча?

– Олишингни билсанг-чи, сенлар билан гаплашиб ҳам ўтираманми.

Бу пулни фоҳишахонанинг эгаси Китаева киргизган эди. У суддан чиқиб кета туриб суд приставидан Масловага бироз пул бериб кетиш мумкинми деб сўради. Суд пристави мумкин деб айтди. Ижозат олгандан кейин Китаева дўмбоққина оппоқ қўлидан уч тугмали юмшоқ қўлқопини ечиб, шоҳи юбкасининг орқа томонидаги бурмаларидан янги расм бўлган ҳамён чиқарди, ҳозиргнна чиптадан қирқиб олинган анча купон орасидан, уйда ишлаб топган пуллардан битта икки ярим сўмликни олди, унга иккита бир тангалик ва битта ярим тангаликни қўшиб приставга берди. Пристав қоровулни чақирди ва садақа берувчининг ўзи олдида бу пулни қоровулга берди.

– Илтимос қиламан, ҳаммасини беринг, – деди Королина Альбертовна қоровулга.

Бу ишончсизлик қоровулга қаттиқ ботди. Шунинг учун ҳам у Масловага қўпол муомала қилди.

Маслова пулни кўриб ўзида йўқ қувонди. Чунки ҳозир шу туфайли истаган нарсасини олиши мумкин эди.

«Қани энди, папирос топиб бир чексам», – деб ўйлар эди у. Ҳозир бутун фикр-у ёди ана шунда эди. Маслованинг

шу қадар чеккиси келар эдики, у кабинетларнинг йўлакка қараган эшикларидан чиқаётган тамаки ҳидини ютоқиб ичига тортарди. Лекин узоқ кутиб қолишга тўғри келди. Чунки уни жўнатиб юборадиган котиб, судланувчиларни унутиб қўйиб, гап билан овора эди, ҳатто, ман этилган бир модда ҳақида адвокатлардан бири билан баҳслаша кетди. Суддан кейин ҳам бир неча ёш ва қари кишилар Масловани кўриш учун киришди, бир нималар деб шивирлашишди. Лекин Маслова уларга парво қилмас эди.

Ниҳоят, соат бешларда унга ижозат беришди ва конвойлар – нижегородлик ва чуваш уни суднинг орқа эшигидан олиб чиқиб кетишди. Йўлакка чиққанлари ҳамон Маслова уларга йигирма тийин бериб иккита кулча билан папирос сотиб олиб беришларини илтимос қилди. Чуваш кулиб юборди, пулни олди-да:

– Майли, олиб берамиз, – деди. Ҳақиқатан ҳам, гапида туриб, папирос билан иккита кулча сотиб олиб келди, ҳатто ортган пулни ҳам берди.

Йўлда чекиш мумкин эмас эди. Шу сабабли Маслова турмага яқинлашганида ҳам хумор қилиб турарди. Уни эшик ёнига олиб келишган пайтда, поезддан юзтача маҳбус келтиришди. Маслова йўлакда уларга дуч келди.

Маҳбуслар – соқоли ўсган, қирилган, қари, ёш руслар, ғайри руслардан иборат эди. Баъзиларининг сочи ярим олинган. Улар оёқларидаги кишанларини шикирлатиб келишар, йўлакни чанг-тўзонга, ғовур-ғовурга, аччиқ тер хидига тўлдиришар эди. Маҳбуслар Маслованинг ёнидан ўтиб кетаётиб, еб қўйгудек бўлиб бошидан оёқ тикилишарди. Баъзиларининг хирслари кўзгаганидан афт-ангорлари ўзгариб унга яқинроқ келар теггишишарди.

– Зап жонон эканми, – дерди бири.

– Салом бердик, холажон, – деб қўярди иккинчиси кўзини қисиб.

Бошининг орқа томонидаги сочи қирилган ери қўқариб турган, соқолини олдириб мўйлов қўйган, қорачадан келган бир маҳбус кишанларига ўралашиб, шикирлатиб, Маслованинг ёнига сакраб ўтди-да, кучоқлаб олди. Маслова

уни итариб юборгандан кейин эса кўзларини ола-кула қилиб, тишини иржайтириб:

– Ҳа, танимай қолдингми жазманингни? Мунча олиф-тагарчилик қиласан! – деб ўшқирди.

– Бу нима қилиқ, аблаҳ? – деб қичқирди ноиб орқа томондан келиб қолиб.

Маҳбус ғужанак бўлиб қблди ва апил-тапил ўзини четга олди. Ноиб эса:

– Бу ерда нима қилиб юрибсан? – деб Масловага дўк ура кетди.

Маслова, мени суддан олиб келдилар, деб айтмоқчи бўлди-ю, лекин шу қадар чарчаган эдики, гапиришга эринди.

– Суддан келяпмиз, жаноб олийлари, – деди ичкарига кириб кетаётган маҳбуслар орасидан ўтиб старший конвой<sup>1</sup>, кўлини шапкасига қилиб.

– Старшийга топширсанг бўлмайдими! Бу қандай номаъқулчилик?

– Хўп бўлади, жаноб олийлари.

– Соколов! Қабул қил, – деб қичқирди ноиб.

Старший келди Ва жаҳл билан Маслованинг елкасига туртди-да, юр, дегандек бошини силкиб, аёллар йўлагига бошлаб кетди. Аёллар йўлагига Масловани бошдан оёқ пайпаслаб, тинтиб чиқишди-да, ҳеч нарса тополмай (бир кути паширос кулча орасига тикиб қўйилган эди) эрталаб чикқан камерасига киритиб юборишди.

### XXX

Маслова жойлашган камера бўйи тўққиз, эни етти газ келадиган иккита деразали узун хона эди. Бу хонада сувоқларни кўчган печка ва тахталари қуриган, камеранинг учдан икки бўлагини эгаллаган сўри бор эди.

Эшикнинг рўпарасида, ўрта бир ерда, шам ёпиштириб

<sup>1</sup> **Конвой** (голландча) – 1) кўриқлаб, кузатиб борувчи қуролли соқчилар отряди;  
2) транспорт ёки савдо кемаларини кўриқлаб, кузатиб борувчи кемалар ёки самолётлар гуруҳи.

қўйилган қорайиб кетган икона турарди. Унинг пастки томонига илиб қўйилган гулдастани чанг босиб кетган эди. Эшикнинг чап томонида, қорайиб кетган пол устида бадбўй ёғоч пақир турарди. Ҳозиргина йўклама килиб, хотин-халажлар устидан қулфлаб чиқиб кетган эдилар.

Бу камерада ҳаммаси бўлиб ўн беш киши турар: шуларнинг ўн иккитаси аёл ва учтаси ёш бола эди.

Ҳали ёп-ёруғ эди. Фақат икки хотин сўри устида ётарди: уларнинг бири, паспорти бўлмагани учун қамалган девона аёл эди, у бошини халатига буркаб ётарди, – у ҳамма вақт ухлагани ухлаган эди. Иккинчиси, ўғирлик қилгани учун қамокқа олинган сил хотин эди. Буниси халатини бошига қўйиб, томоғини китиклаётган балғамни қайтариб, йўталмасликка уриниб бақрайиб қараб ётарди. Ҳаммалари бош яланг, бир хил бўз қўйлак кийган, бошқа аёлларнинг баъзилари сўри устида иш тикиб ўтирар, баъзилари ховлидан ўтиб кетаётган маҳбусларни томоша қилиб, дераза ёнида туришарди. Иш тикиб ўтирган уч хотиннинг бири Масловани узатиб қолган кампир эди. Кораблева ковоғи солиқ, юзини ажин босган, бақбақаси салқиб тушган новча, малла сочи чаккаларидан оқара бошлаган, юзидаги сўғалидан соч ўсиб чиққан бақувват хотин эди. Бу кампир эрини болта билан чошиб ташлагани учун каторгага ҳукм этилган эди. У кизига шилқимлик қилавергани учун эрини ўлдирган эди. У камеранинг оқсоқоли бўла туриб, вино ҳам сотарди. Кораблева кўзойнак тақиб, ишда чиникқан катта қўлларида игнани деҳқончасига уч бармоқ билан ушлаб, учини ўзига қаратиб тикарди. Унинг ёнида паст бўйли, пучуккина, қорачадан келган, митти қора кўз, очик қўнгил, эзма хотин қоп тикиб ўтирарди. Бу темир йўл будкасининг қоровули бўлиб, поезд келар олдидан байроқ кўтариб чиқмагани, поезд ҳалокатга учрагани учун уч ой қамокқа ҳукм этилган эди. Иш тикиб ўтирганларнинг учинчиси Федосья, ўртоқлари Феничка деб юритадиган жувон эди. У оппоқкина, икки бети кип-қизил, мовий кўзлари болаларникидек чакнаб турадиган, иккита қилиб ўрилган узун сочларини кичкинагина бошига чамбарак қилган ёшгина, хушсурат жувон. У эрига заҳар бериб

Ўлдирмоқчи бўлгани учун қамалган эди. Федосьяни ўн олти ёшида эрга беришган, у эрини тўйнинг эртасигаёқ захарламоқчи бўлган. Кафилга олиниб чиқилгач, суд бўлгунча, саккиз ой мобайнида у эри билан ярашиб, унга қаттиқ муҳаббат қўйган, апоқ-чапоқ бўлиб кетган. Эри билан, айниқса, уни яхши кўриб қолган қайнанаси, судда уни оқлашга ҳарчанд уринишган бўлсалар-да, бунга қарамай у Сибирга, қаторга ишига ҳукм этилган эди. Хушфёъл, хушчақчақ кулимсак Федосья Маслованинг ёнида ётарди. У Масловани жонидек кўрар, унга ғамхўр бўлиб, хизматини бажо келтириб турарди. Сўри устида яна икки хотин бекор ўтирарди. Уларнинг бири, ёши қирқларга борган, рангсиз ориқ юзи бир вақтлар гўзал бўлган, ҳозир озиб-тўзиб кетган рангпар хотин эди. Узун, оқ кўкраги билан қўлидаги чақалоғини эмизиб ўтирарди. Бу аёлнинг гунохи шу эдики, уларнинг қишлоғидан, деҳқонларнинг фикрича, ноҳақ рекрутликка<sup>1</sup> олинган йигитни олиб кетишаётганда халойиқ становойни тўхта-тиб рекрутни олиб қолган. Бу хотин, ноҳақ олинган йигитнинг холаси, рекрут тушган аравага қўшилган отнинг жиловидан биринчи бўлиб тортган. Сўри устида яна юзини ажин босган, сочи оқарган, паст бўйли, содда дил, букри бир кампир бекор ўтирарди. Бу кампир сўрида, печка ёнида ўтириб, қикир-қикир қулиб ёнидан у ёқдан бу ёққа чопкиллаб ўтиб турган, сочи қалта қилиб олинган тўрт яшар дўмбоқ ўғил болани тутмоқчи бўлаётгандай ҳаракат қилиб қўярди. Кўйлақ кийган бола унинг ёнидан югургилаб ўтиб кетар ва ҳадеб: «Ҳа, тутолмадинг-ку!» дер эди. Бу кампир ўғли билан бирга ўт қўйишда айбланган эди. У қамокда кечаётган кунларини жуда бемалол ўтказар, фақат ўзи қатори қамокда ўтирган ўғлига ачинарди. Лекин у ташқарида қолган чолини кўп ўйлар, келини кетиб қолиб қирни ювадиган одам қолмагани учун битлаб кетади деб кўрқарди.

Мана шу етти аёлдан ташқари яна тўрттаси очик деразаларнинг бири ёнида туришар, темир панжарани ушлаганларича, боя Маслова дарвоза ёнида дуч келган, ҳовлидан

<sup>1</sup>Рекрут – чор Россиясида аскарликка олинган одам.

Ўтиб кетаётган маҳбуслар билан бақириб-чақириб, имо-ишоралар билан гаплашарди. Шуларнинг бири, ўғрилик қилгани учун жазосини ўтаётган, хомсемиз, юзи ва қўлларини оқимтир-сарғиш сепкил босган, ёқавайрон, бўйни йўғон хотин эди, у дераза ёнида туриб, хириллаган говуш билан беадаб сўзлар айтиб кичқиарди. Унинг ёнида бўйи ўн яшар кизниқидек келадиған қорача, танаси узун, оёғи калта, бесўнақай маҳбус хотин турарди. Унинг юзи қип-қизил, доғ босган, кўзлари бир-бирдан узокқа ўрнашган бўлиб, қалин, дўрдоқ лаблари сўйлоқ тишларини беркитолмас эди. У ҳовлида бўлаётган нарсаларга ўқтин-ўқтин кийқириб кулиб кўярди. Олифталиги учун Хорошавка деб аталган бу маҳбус жувон ўғирлик қилгани ва ўт қўйгани учун суд қилинган эди. Уларнинг орқасида жуда кир кулранг кўйлак кийган, аҳволи аянч, томирлари ўйнаб чиққан, орик, оғир оёк хотин турарди, у ўғирлик молни яширгани учун суд қилинган эди. Бу хотин, говуш чиқармай, ҳовлида бўлиб ўтаётган нарсаларни маъқуллагандек, ийиб табассум қиларди. Дераза ёнида турганларнинг тўртинчиси майфурушлик қилгани учун қамалган ўрта бўйли, кўзлари бодраган хушфёъл қишлоқи хотин эди. Бу хотин – уйда қолдириб келадиған одами бўлмагани учун ўзи билан қамокқа етти яшар кизи билан ўғлини олиб келган эди. Кампир билан ўйнашаётган бола шунинг боласи эди. Бу хотин ҳам бошқалар каби деразага қарар, лекин тўхтовсиз пайпок тўқир, ҳовлидан ўтиб кетаётган маҳбусларнинг сўзини эшитганда, жирканиб юзини буриштирар, кўзини юмарди. Маяла сочлари орқасига сочилиб тушган етти яшар қиз кичкинагина орик қўлчалари билан онасининг юбқасини чангаллаб олган, кўзини бир нуқтага тикканича хотинлар билан ташқаридаги маҳбуслар бир-бирига айтаётган ҳақоратли сўзларга диққат билан кулоқ солар ва бу сўзларни ёдлаб олаётгандек, ҳадеб шивирлаб кўярди. Ўн иккинчи маҳбус дьячокнинг қизи бўлиб, никоҳсиз туғган боласини қудуққа ташлагани учун қамалган эди. Бу баланд бўйли; қадди-қомати келишган қиз эди; унинг бир ўрим калтагина йўғон сариқ сочи ёйилиб, патак бўлиб кетган, бодраган кўзларини бир нуқтага тикиб турарди. У атро-

фида бўлаётган нарсаларга парво қилмай, яланг оёқ бўлиб, кулранг кир ич кўйлақда камеранинг бўш жойида у ёқдан-бу ёққа юриб турар, деворга бориб етганда кескин бурилиб орқасига қайтарди.

### XXXI

Кулф шақирлаб, Масловани камерага киргизганларида ҳамма унга ўтирилиб қаради. Ҳатто дьячокнинг қизи ҳам бир дақиқага тўхтаб, кошларини кериб, Масловага бир қараб кўйди-да, ҳеч нарса демасдан яна аввалгидек катта-катта қадам ташлаб юра бошлади. Кўзойнак таққан Кораблева игнасини қалин бўзга санчиди-да, Масловага савол назари билан қаради.

– Ана холос! Қайтиб келибсан-да. Мен эса оқлаб юборишгандир деб ўйлаб эдим, – деди у эркакларча, хириллаган бўғиқ товуш билан. – Кесиб юборишган кўринади.

У кўзойнагини олди, тикаётган ишини сўри устига, ёнгинасига кўйди.

– Кампир икковимиз бўлсак, сени чиқариб юборишгандир, деб ўйловдик, чироғим. Баъзи вақтда бўшатиб ҳам юборишади. Устига пул ҳам беришади, қамалган кунингдан бошлаб, – деб гапира бошлади қоровул хотин хуш овоз билан. – Тусмолимиз тўғри чиқмади-я. Худонинг хоҳиши бўлар экан-да, – дерди у мулойимгина.

Федосья болаларникига ўхшаш меҳрибон мовий кўзларини Масловага тикиб:

– Наҳотки кесиб юборишган бўлса? – деб сўради раҳмдиллик билан. Унинг чехраси ўзгариб, йиғлаб юборгудек бўлди.

Маслова жавоб қайтармай ўз ўрнига, чеккадан ҳисоблаганда иккинчи ўринга, Кораблеванинг ёнига ўтиб, сўри тахтанинг бир чеккасига ўтирди.

– Туз ҳам тотмагандирсан, – деди Федосья ўрнидан туриб Масловага яқинлашаркан.

Маслова жавоб қайтармай кўлидаги кулчаларни



Ўриннинг бош томонига қўйди. Эгнидан чанг босган ҳалатини ечди, жингалак қора сочларидан дуррасини олди-да, ўтирди.

Сўрининг нариги бошида бола билан ўйнашаётган букри кампир ҳам яқин келиб, Маслованинг рўпарасида тўхтади.

– Тц, тц, тц! – деб тилини тақиллатди у ва ачиниб бош чайқаб қўйди.

Кампирнинг кетидан бола ҳам етиб келди ва кўзларини катта очиб, юқори лабини чўзиб, Маслова олиб келган кулчага тикилиб қолди. Бошидан шунча воқеаларни кечирган Маслова рўпарасида унга раҳм қилиб тикилиб турганларни кўриб йиғлаб юбора ёзди, лаблари пир-пир уча бошлади. Лекин у ўзини тутишга уринди ва то кампир билан бола яқинлашгунча ўзини тутиб турди. Кампирнинг ачиниб, тилини тақиллатиб қўйганини эшитгандан кейин, айниқса, жиддий кўзларини нондан узиб унга тиккан боланинг боқишларига кўзи тушгач, ўзини тутиб тура олмади. Юзи титраб кетди-ю, хўнграб йиғлаб юборди.

– Айтдим-ку сенга, яхши адвокат топгин деб, – деди Кораблева. – Нима бўлди, сургун қилишдимми? – сўради у.

Маслова жавоб қилмоқчи бўлди-ю, лекин жавоб қайтара олмади, хўнграб йиғлаганича кулча орасидан папирос қутини олди-да, Кораблевага узатди. Қути устига сочини баланд қилиб турмаклаб қўйган, кўкраги уч бурчак шаклида очиқ турган, икки юзи кип-қизил хотин сурати туширилган эди. Кораблева суратга қараб, Маслова пулни бўлмағур нарсага сарф қилганига ачиниб бошини чайқаб қўйди, битта папирос олиб, чирокга тутиб ёндириб олди-да, Масловага узатди. Маслова ҳамон йиғидан тинмай, уст-устига тамаки тутунини ичига тортиб, пуфлаб чиқара бошлади.

– Каторга, – деди у пиқ-пиқ йиғларкан.

– Худодан кўрқишмайдиам, одамхўрлар, лаънати қонхўрлар, – деди Кораблева. – Бечора қизни бекордан бекор кесиб юборишибди-я.

Дераза ёнида турган аёллар шу маҳал қаҳқаҳлаб ку-

либ юборишди. Қизча ҳам кулиб юборди. Унинг қўнғироқдай жарангдор кулгиси уч хотиннинг хириллаган, қийқириб кулган товушига қўшилиб кетди. Ҳовлидаги маҳбуснинг аллақандай қилиғи деразадан қараб турувчиларга шундай таъсир қилган эди.

– Эҳ, ярамас кўшпак! Қилиғинг курсин, – деди малла хотин; унинг хўппа семиз гавдаси билтанглаб кетди, у юзини панжарага тираб беҳаё сўзлар айтиб қичқира бошлади.

– Бақалоқ ўлгур! Мунча вағиллайди! – деди Кораблева малла хотинга қараб бошини чайқаб, кейин яна Масловага юзланди: – Неча йил беришди?

– Тўрт йил, – деди Маслова, унинг кўз ёшлари шу қадар дувуллаб оқа бошладикки, бир томчиси папиросига тушди.

Маслова жаҳл билан папиросини мижиғлаб ташлади-да, бошқасини олди.

Қоровул хотин, ўзи чекмаса-да, чекиб ташланган папиросни шу заҳоти ердан олди, вайсашдан тинмасдан, қўли билан папиросни текислай бошлади.

– Бундан чиқди, – деди у, – ҳақиқат йўқ деганлари рост экан-да, чироғим. Қўнғилларига келганини қилишади. Матвеевна: чиқариб юборишади, дейди. Мен эса: – Йўқ, чироғим, у бечорани етти ямлаб бир ютишади, дилим сезиб турибди, – дедим. Айтганим келди, – дерди у ўз овозини мамнуният билан тинглаб.

Бу орада эркак маҳбуслар ҳовлидан ўтиб кетишган, улар билан гап отишаётган хотинлар дераза олдидан Маслова ёнига келишган эди. Энг аввал, кўзи бодраган майфуруш хотин қизи билан унинг олдига келди.

– Шунча жабр қилиб бўладими-а? – деди у Маслованинг ёнига ўтираётиб, тез-тез пайпоқ тўқир экан.

– Пули йўқ-да, шунинг учун ҳам қаттиқ жазолашади. Пули бўлганда, битта мулкдорни ёлларди-ю, оқланиб ҳам кетарди, – деди Кораблева. – Анови, ҳақ оти нимаиди-я, бурни катта, пахмок бор-ку, ўша, ўшани ёллаганда эди, сувдан қуруқ олиб чиқарди.

– Ёллаш осон бўлибди-да, – тишини иржайтириб деди

уларнинг ёнига келиб ўтирган Хорошавка, – у минг сўмни пул демайди.

– Пешонанг шўр экан-да, – деди ўт кўйишда айбланиб камалган кампир. – Зулм эмасми, ахир, бировнинг хотинини йўлдан оздириб, яна эрини битга ем бўлсин деб қаматиб кўйибди-я! Қариган чоғимда мени ҳам унинг ёнига тикдирди, – деб у қоз марталаб гапириб берган кечмишини яна сўзлай бошлади. Пешонамизга ё тўрвахалта, ёки турма битилган экан-да. Тўрвахалтадан кутулдим, турмага тугилдим.

– Улар – бошимизга битган бало, – деди майфуруш аёл қизининг бошига тикилиб қараб, кейин пайпоқни ёнига кўйди-да, қизчани икки оёғи орасига тортиб, битини боқа бошлади. – «Нега май сотасан?» – эмиш. Йўқса болаларимни қандай боқаман? – деди у қўли ўрганиб кетган ишини давом эттириб.

Майфурушнинг бу сўзлари Масловага винони эслатди.

У кўйлагининг энги билан кўз ёшларини артар экан, ўқтин-ўқтин хўрсиниб туриб:

– Қани энди, вино бўлсайди, – деди Кораблева.

– Гармдори солинганими? Майли, унда, – деди Кораблева.

## XXXII

Маслова нон орасидан бояги пулларни олди-да, купон ажратиб Кораблевага узатди. Кораблева купонни олди, саводи бўлмаса-да, бир қараб кўйди, кўпни билгучи Хорошавкага кўрсатиб, бу қоғоз икки сўм эллик тийинлик пул эканини билди-да, вино солиб яшириб кўйилган шишани олиш учун туйнук томонга кетди. Буни кўрган аёллар жой-жойларига тарқалишди. Бу орада Маслова дурраси ва халатининг чангини қокди, сўрига чиқиб нон ея бошлади.

– Сенга чой асраб кўйиб эдим, совуб қолгандир, – деди Федосья жавондан пайтавага ўралган тунука чойнак билан кружкани олаётди.

Аллақачон совуб қолган сувдан, чоймас, кўпроқ темир иси келиб турарди. Лекин шунга қарамай, Маслова кружкага куйиб, ноннинг устидан чой ича бошлади.

– Финашка, ма, – деди у ва кулчадан бир бурда ушатиб, оғзига термилиб турган болага узатди.

Бу орада Кораблиха вино солинган шиша билан кружка узатди. Маслова Кораблева билан Хорошавкага манзират қилди. Бу уч маҳбус аёлнинг ёнларида пуллари бор бўлиб, бор-йўқларини ўртада баҳам кўрар, шунинг учун камеранинг аристократияси<sup>1</sup> ҳисобланишарди.

Орадан бир неча дақиқа ўтгач, Масловага жон кириб, суд тўғрисида гапириб бера бошлади, прокурорни мазах қилиб, судда ўзини хайратга солган бошқа нарсалар ҳақида кизишиб ҳикоя қила кетди. Судда ҳамма унга суқланиб қараб-қараб қўйганини, уни кўриш учун атайлаб маҳбуслар хонасига кириб туришганини сўзларди.

– Ҳатто конвой ҳам: «Сени кўргани киришяпти», – деди. Битта-яримтаси фалон қоғоз шу ердами деб, ё бошқа нарсани баҳона қилиб киради-ю, кўзи билан еб қўйгудек бўлиб менга тикилади. Мен эса унга ҳеч қандай қоғоз керак-маслигини жуда яхши сезиб ўтирибман, – дерди у жилмайиб, таажжублангандай бош чайкаб қўйиб. – Билмаганликка олишади.

– Бўлган-турганлари шу, – дейди Катюшанинг гапига қўшилиб қоровул хотин, кейин қўнғирокдай жингиллаб гапира бошлайди. – Шакарга ёпишган пашпадек хира бўлишади. Бирон бошқа нарсага имконлари бўлмаса ҳам, бунга ақллари етади. Уларнинг кўзига ҳеч нарса кўринмай қолади...

– Бу ерда-чи, – унинг гапини бўлди Маслова. – Бу ерда ҳам қўлга тушдим. Мени энди олиб келишган ҳам эдики, шу маҳал вокзалдан бир тўда маҳбусларни олиб келиб қолишди-

<sup>1</sup> Аристократия (юнонча: aristokratia – яхшилар ҳукмронлиги) – 1) иқтисодий ҳукмрон синф, зодагонларнинг сиёсий ҳокимияти, ҳукмронлиги. Аристократия биринчи марта антик даврнинг машҳур мутафаккирлари – Аристотель, Платон томонидан кулдорлик давлат тузумини идора этиш воситаси сифатида ишлаб чиқилган; 2) кулдорлик ва ундан кейинги илк давлатларда энг ниятсиз табақа.

ку. Нақ ҳол-жонимга қўйишмади, қандай қочиб, қутулишни билолмай қолдим. Яхшиямки, ноиб ҳайдаб юборди. Биттаси елимдай ёпишиб олувди, қўлидан зўрға чиқиб қутулдим.

– Афт-боши қанақа? – сўради Хорошавка.

– Қорачадан келган, мўйловдор.

– Худди ўша.

– Ким?

– Шчеглов-да. Ҳозир ўтиб кетди.

– Қанақа Шчеглов?

– Шчегловни билмайди-я! Шчеглов икки бор қаторгадан қочган. Энди яна тутиб олишибди, у, барибир, яна қочиб кетади. Ундан ҳатто назоратчилар ҳам қўрқишади, – дерди маҳбусларга хатлар олиб бериб, турмада бўладиган воқеалардан бохабар бўлиб турадиган Хорошавка. – Барибир, қочиб кетади.

– Қочганидан нима фойда, барибир, бизни олиб кетмайди, – деди Кораблева. – Ундан кўра, менга айт-чи, – деди у Масловага юзланиб, – адвокат шикоят ёзиш ҳақида нима деди, энди шикоятнома бериш керакдир?

Маслова ҳеч нима билмаслигини айтди.

Шу чоғ малла хотин сепкил босган иккала қўлини пахмоқ қўнғир сочлари орасига тиқиб, тирноқлари билан бошини қаший-қаший вино ичаётган аристократлар ёнига келди.

– Катерина, мен сенга айтсам, – деб сўз бошлади у. – Энг аввал сен: суддан норозилигингни ёзишинг керак, кейин прокурорга ариза берасан.

– Ҳа, сенга нима? – деб ўшқирди унга Кораблева дўриллаб. – Винони ҳиди келиб қолди-да, а? Овора бўласан. Нима қилиш кераклигини сендан яхши биламиз, сенга зор эмасмиз.

– Сен билан гаплашаётганим йўқ-ку, мунча ўдағайлайсан.

– Вино ичгинг келиб қолдими? Аврашга тушдингми?

Ўзининг бор-йўғини ҳамма билан баҳам кўрадиган

Маслова:

– Қўйсанг-чи энди, бера қол унгаям, – деди.

- Мен адабини бериб кўяман...
- Қани, бериб кўр-чи! – деди малла Кораблева тепасига бостириб келиб. – Сендан кўркмайман.
- Авахта<sup>1</sup> каламуши!
- Ўзинг каламуш!
- Пишмаган хомкалла!
- Мен хомкалламанми? Каторгачи, қотил! – деб қичкирди малла хотин.
- Нарн тур деяшман, – деб гўлдиради Кораблева хўмрайиб.

Аммо малла ҳамон бостириб келарди. Ахири, Кораблева унинг очик, семиз кўкрагидан итариб юборди. Малла худди шуни кутиб тургандек, тўсатдан бир қўли билан Кораблеванинг сочидан юмдалаб, иккинчи қўли билан юзига туширмоқчи бўлди-ю, лекин Кораблева унинг бу қўлини ушлаб қолди. Маслова билан Хорошавка малланинг қўлини ажратиш учун унга маҳкам ёпишишди, лекин сочни маҳкам чангаллаган қўлини ёзиб бўлмаган эди. Малла, қўлини бир дақиқа бўшатди, лекин у Кораблеванинг сочини муштига ўраб олиш учун шундай қилган эди. Боши қийшайиб кетган Кораблева бир қўли билан маллани дўппослар, қўлини тишлашга уринарди. Хотинлар муштлашаётганларнинг тепасида тўдалашиб турар, уларни ажратишга уринар ва қичкиришарди. Ҳатто сил хотин ҳам улар тепасига келди ва йўтала-йўтала муштлашаётганларни томоша қила бошлади. Болалар бир-бирларига қисилишиб йиғлашарди. Бу шовқинсуронин эшитиб назоратчи хотин билан назоратчи кирди. Муштлашаётганларни ажратишди. Сочлари пахмайиб чувалиб кетган Кораблева, юлиб олинган сочларини ажрата-ажрата, малла эса йиртилиб парча-парча бўлиб кетган кўйлаги билан кўкрагини беркитишга урина-урин, бақириб шикаят қилишар, ўз гапларини маъқуллаштишга уринишарди.

– Биламан, ҳамма жанжалларинг винодан келиб чиққан, эртага бош назоратчига айтиб берай, бир адабларингни бериб кўйсин. Сезиб турибман – вино иси келяпти, – дерди

<sup>1</sup> Авахта (немисча: Hauptwache – бош, асосий қорувул) – камоққа ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар сақланадиган жой; камоқхона.

назоратчи хотин. – Ном-нишонаси қолмасин, йўқса ўзларингга ёмон бўлади, қайси биринг айбдорлигингни суриштиришга ҳозир вақт йўқ. Жой-жойларингга бориб, ўтиринглар.

Аммо камерада говур-гувур анчагача чўзилди. Хотинлар яна анчагача сўкишиб, жанжал қандай бошланганини ва айб кимдалигини гапириб вайсашди. Ниҳоят, назоратчи билан назоратчи хотин чиқиб кетди. Хотинлар бироз тинчишиб, ётиш учун ўрин сола бошлашди. Кампир икона ёнига келиб чўқина бошлади.

Тўсатдан сўрининг нариги бошидан малла хотиннинг хириллаган овози келди, у ҳар бир сўз орасига болохонадор сўкишлар қўшиб:

– Иккита каторгачи бир бўлиб олибди, – дерди.

– Қараб тур ҳали, яна шўрингга шўрва тўкиб қўймай тагин, – деб жавоб қайтарди дарҳол Кораблева, худди ўшандай болохонадор сўкишлар билан. Иккови жим бўлиб қолди.

– Халакит беришмаганда кўзингни ўйиб, қўлингга олиб берардим-а... – деди яна малла; дарҳол Кораблеванинг худди боягидек жавоби эшитилди.

Ўртага тушган жимлик анча узоққа чўзилди, кейин сўкишлар эшитилди. Сукунат борган сайин чўзиларди, ниҳоят бутунлай жимлик чўқди.

Ҳамма жой-жойида ётарди, баъзилар хуррак ота бошлади. Ҳамма вақт узоқ чўқинадиган кампиргина ҳамон иконага сажда қиларди. Дьячокнинг кизи эса назоратчи хотин чиқиб кетиши билан ўрнидан турди-да, камерада яна у ёқдан бу ёққа юра бошлади.

Маслова уйғоқ ётар, ҳамон ўзининг каторгачи эканлиги ҳақида ўйлар, шу бутун уни икки марта шундай деб аташди: бир марта Бочкова, иккинчи бор малла хотин шундай деди, – ўзининг каторгага ҳукм қилинганига у сира кўника олмасди. Масловага орқасини ўгириб ётган Кораблева унга ўтирилди.

– Шундай бўлар деб сира ўйламаган эдим, – деди Маслова секин. – Бошқалар не-не ишлар қилишади – уларга



бало ҳам бўлмайди, мен эса бегуноҳдан бегуноҳ азоб чекишим керак.

– Кўп хафа бўлаверма, қизим. Сибирда ҳам одамлар яшайди. Сен ўша ерда ҳам хор бўлмайсан, – деб овутарди уни Кораблева.

– Хор бўлмаслигимни биламан-ку-я, лекин шундай бўлса ҳам, алам қилар экан. Яхши яшаб ўрганганман, тақдирим бутунлай бошқача бўлиши керак эди-да.

– Худонинг хоҳиши бўлади, – деди Кораблева хўрсиниб, – Худонинг хоҳишига қарши туриб бўладими.

– Биламан, хола, барибир, қийин-да.

Иккови жимиб қолди.

– Эшитяпсанми? Анови манжалақини, – деди Кораблева сўрининг нариги бошидан келаётган ғалати товушларга Маслованинг диққатини тортиб.

Бу – пиқ-пиқ йиғлаётган малла хотиннинг-товуши эди. Малла хотин ҳозир ўзини сўкиб ҳақоратлаганлари, калтаклаганлари, вино бермаганлари учун алам қилиб йиғларди. Ахир, шу қадар вино ичкиси келган эдики... у яна, умри бино бўлиб ҳали ёруғ кун кўрмаганига, сўкиш ва қарғишлар, пичинг ва ҳақоратдан бошқа сўз эшитмаганига, калтакдан боши чикмаганига йиғларди. Умрида биринчи марта мастеровой Федька Молодёнковга кўнгил қўйганини эслаб бироз юпанмоқчи бўлган эди, лекин бу муҳаббатнинг оқибати ҳам ёдига тушди. Бир куни ана шу Молодёнков маст бўлиб келиб, ҳазил учун унинг энг нозик ерига тўтиё сурди ва оғриқдан унинг афт-башараси бужмайиб, типирчилаганини кўриб, ўртоқлари билан қотиб-қотиб қулди. Бу муҳаббат ана шу йўсин хотима топди. Малла хотин шуларни эслади ва ўзига ўзининг раҳми келиб, овозимни ҳеч ким эшитмаяпти, деб ўйлаб, йиглаб юборди. У ёш болалардек бурнини торта-торта шўртак кўз ёшларини юта-юта йиғларди.

– Бечорага раҳмим келяпти, – деди Маслова.

– Албатта, кишининг раҳми келади, лекин ўзи ёпишмасин-да.

Эртасига эрталаб Нехлодов кўзини очар-очмас ўзига бир нарса бўлганини ҳис этди. Нима бўлгани эсига келмаган бўлса-да, бир муҳим ва яхши нарса рўй берганини билган эди. «Катюша, суд». Ҳа, ёлғон гапиришни бас қилиш, бор ҳақиқатни очиқ айтиш керак. Бунинг устига, худди шу куни эрталаб, ниҳоят уезд бошлиғининг хотини Марья Васильевнадан хат келди, бу мактубни кўпдан буён у кутарди, бу ҳозир жуда зарур эди. Марья Васильевна хатда унга ўз эркингиз ўзингизда, уйлансангиз бахт тилайман, деб ёзганди.

– Уйланиш! – деб гўлдиради у истехзо билан. – Уйланишни энди хаёлимга ҳам келтиргим келмайди!

Нехлодов кеча Марья Васильевнанинг эрига ҳамма гапни айтиб бермоқчи, тавба-газарру қилиб, қандай жазо берадиган бўлса, рози эканини изҳор қилмоқчи бўлганини эслади. Лекин бугун эрталаб, кеча осонгина бўлиб кўринган нарса ҳазилакам иш эмаслигини англади. «Эри-ку, билмас экан, уни бекорга бахтсиз қилишнинг нима кераги бор? Агар ўзи сўраб қолса, ростини айтаман. Атайлаб бориб айтишнинг ҳожати борми? Йўқ, ҳожати йўқ».

Миссига бугун ҳақиқатни айтиш ҳам бугун эрталаб ўлимдан қаттиқ кўринди. Гап бошлаш ҳам жуда оғир эди, ҳақоратдек бориб тегиши турган гап. Маълум нарсалар, турмушда бўладиган кўп нарсалар қатори, шу ҳолича қолиб кетмоғи керак эди. Шу куни эрталаб у: Миссиларникига энди сира бормасликка, агар сўраб қолишса, гапнинг пўскалласини айтишга жазм қилди.

Лекин Катюша икковининг муносабати очиқ ва равшан бўлиши лозим.

«Турмага бораман, унга айтаман, мени афв этишини сўрайман. Агар лозим бўлса, ҳа, агар лозим бўлиб қолса, унга уйланаман», – деб ўйларди у.

Бу фикр, маънавий қаноат ҳосил қилиш мақсадида ҳамма нарсадан воз кечиб Масловага уйланиш керак деган фикр, шу бугун эрталаб унинг кўнглини юмшатарди.

Кўпдан буён Нехлюдов тонгни бундай ғайрат, пи-жоат билан кутиб олмаганди. Ёнига кириб келган Аграфена Петровнага, дарҳол, бундан буён бу квартирада туришга ва сизнинг хизматингизга эҳтиёжим қолмади, деб айтди. У шу қадар кескинликни ўзидан ҳеч қачон кутмаган эди. Нехлюдов бу ҳақда ҳеч нарса демаган бўлса-да, бу катта ва қиммат квартирани шу ерда уйланиш учун ижарага олгани маълум эди. Шунинг учун ҳам квартирани топшириш жуда зарур эди. Аграфена Петровна унга ҳайрон бўлиб қаради.

– Менга қилган ғамхўрлигингиз учун катта раҳмат, Аграфена Петровна, лекин энди менга катта уй ҳам, хизматкорлар ҳам керак эмас. Агар менга ёрдам беришни истасангиз, марҳамат қилиб, буюмларни, ҳозирча, ойим ҳаёт пайтидагидек қилиб йиғиштириб қўйсангиз. Наташа келгандан кейин уйни ўзи бошқараверади. (Наташа Нехлюдовнинг опаси эди).

Аграфена Петровна бошини чайқаб қўйди.

– Нега йиғиштираман? Керак бўлиб қолади-ку, ахир, – деди у.

Унинг, қай маънода бош чайқганини сезган Нехлюдов.

– Йўқ, керак бўлмайди, Аграфена Петровна, керак бўлмаса керак, – деди унга жавобан. – Марҳамат қилиб Корнейга ҳам айтсангиз, энди унинг ҳам кераги бўлмайди, мояна<sup>1</sup> ойини икки ой олдин беришим мумкин.

– Бекор қилиясиз-да, Дмитрий Иванович, – деди Аграфена Петровна. – Чет элга кетсангиз ҳам, барибир, уй керак бўлади-ку.

– Йўқ, Аграфена Петровна, чет элга кетмайман; кетадиган бўлсам ҳам, бутунлай бошқа жойга бораман.

У тўсатдан қип-қизариб кетди.

«Унга очигини айтиш керак, – деб ўйлади Нехлюдов, – яширишнинг кераги йўқ, ҳаммага гапнинг очигини айтиш керак».

– Кеча жуда ғалати ва муҳим бир ҳодиса бўлиб ўтди.

<sup>1</sup> *Мояна (форса)* – дар ойдаги; дар ойлик, иш ҳақи, нафақа маош.

Аммам Марья Ивановнаникидаги Катюша эсингиздами?

– Албатта, унга ўзим кийим тикишни ўргатган эдим.

– Кеча судда худди ўша Катюшани суд қилишди, мен судда маслаҳатчи эдим.

– Вой шўрлик-эй! – деди Аграфена Петровна. – Нима гуноҳ қила қолибди?

– Қотилиқда айблашди, лекин ҳаммасига мен айбдор, мен.

– Нега сиз айбдор бўлар экансиз? Қизиқ гапларни гапирасиз-а, – деди Аграфена Петровна, унинг кекса кўзлариди кинояли кулги чакнаб кетди. У Катюша воқеасини биларди.

– Ҳа, ҳаммасига мен айбдорман. Шунинг учун ҳам режаларим тамомила ўзгарди.

– Бунинг сизга нима тааллуқи бор, нега сизнинг ҳаётингизда ўзгариш бўлиши керак? – деди Аграфена Петровна табассумини тийиб.

– Унинг шу йўлдан кетишига мен сабаб бўлганманда. Шунинг учун ҳам қўлимдан келганича ёрдам беришим керак унга.

– Майлингиз-у, лекин сизда айб йўқ деса бўлади. Ҳаммининг ҳам бошидан ўтади. Ақлли-хушли одамлар бунақа нарсаларни унутиб ҳам юборади, – деди Аграфена Петровна қатъий ва жиддий, – буни кўнглингизга олмасангиз ҳам бўлади. Унинг оёғи эгрилигини илгари ҳам бир эшитган эдим, бунга ким айбдор?

– Мен айбдорман. Шунинг учун ҳам тўғри йўлга солмоқчиман.

– Э, энди тўғри йўлга солиш қийин.

– Бу менинг ишим. Аммо агар сиз ўзингизни ўйлаётган бўлсангиз, ойимнинг кўнгилларидагини...

– Ўзимни ўйлаётганим йўқ. Мархума онангиз менга кўп яхшилик қилганлар, у кишидан жуда миннатдорман, менга ортиқ ҳеч нарса керак эмас. Мени Лизанька чақиряпти (бу Аграфена Петровнанинг турмушга чиққан жияни эди), сизга керак бўлмай қолганимдан кейин ўшанинг олдига кетаман. Лекин сиз бу нарсаларни ҳадеб кўнглингизга

олаверманг, бунақа нарсалар хамманинг ҳам бошидан ўтади.

– Бу тўғрида мен бошқача фикрдаман. Лекин, ҳар ҳолда, квартирани тошпириб, буюмларни йиғиштиришга ёрдам беринг, илтимос қиламан сиздан. Мендан хафа бўлманг. Хизматларингиз учун сиздан жуда миннатдорман.

Шуниси қизиқки: Нехлюдов ўзини номуссиз деб билиб, ўзидан ихлоси қайтгандан кейин бошқалар унинг кўзига ёмон кўринмайдиган бўлди: қайтага, Аграфена Петровнага ҳам, Корнейга ҳам ҳурмати ошди; уларни иззат қила бошлади. Нехлюдов Корней олдида ҳам қилган гуноҳларига икром бўлмоқчи эди-ю, лекин Корней тавозе қилиб, ўзини шу қадар жиддий тутардики, бунга Нехлюдовнинг юраги дов бермади.

Худди ўша кўчаларда, худди ўша извошда судга борар экан, йўл-йўлакай Нехлюдов бугун ўзини бутунлай бошқа одамдек ҳис этар, ўзига-ўзи ҳайрон қоларди.

Кечагина Миссига ўйланиш яқин орада бўладиган нарсага ўхшар, бугун эса бутунлай мумкин бўлмаган нарсадек туюларди. Кечагина у, Мисси менга жон деб тегади, бунга шубҳам йўқ, деб ўйларди, бугун эса у Миссига ўйланиш у ёқда турсин, унга ҳатто яқин йўлашга ҳам ўзини нолайиқ деб ҳис этарди. «Агар менинг қанақа одамлигимни билса, ўла қолса ҳам уйига яқин йўлатмас эди. Тагин мен, анови жанобга ноз-у карашма қилдинг, деб ундан хафа ҳам бўлиб юрибман. Йўқ, йўқ, эндиликда, агар у менга теккан тақдирда ҳам, мен мана бунинг шу ерда, турмадалигини, эрта ё индин боскичма-боскич ўтиб каторгага жўнашини била туриб, бахтиёр бўлиш у ёқда турсин, тинч тура олармикинман. Ўзим хароб қилган анови аёл каторгага кетса-ю, мен бу ерда табриклар эшитиб, ёш хотиним билан мехмонма-мехмон юрсам. Ё анови, хотини икковимиз шармандаларча алдаб юрганимиз уезд бошлиғи билан мажлисларда мактаблар инспекцияси<sup>1</sup> қарорларига берилган овозларни санаши ва шунга ўхшаш ишлар билан шугуллансам, кейин

<sup>1</sup> Инспекция (лотинча: inspectio – кузатиш, назорат) – муайян соҳа қара-моғидаги органлар ва шахслар фаолиятининг тўғрилигини назорат қилувчи ва текширувчи тизим.

хотини билан бирон хилватда учрашсам (накадар кабиҳлик!), ёки сурат чизишни давом эттирсам, бу сурат ўлгур ҳам битадиган балого ўхшамайди, нимага деганда, бундай бўлмагур нарсалар билан шуғулланишимнинг кераги йўқ, – барибир, энди ҳеч қайси бирига қўлим бормаиди», – деб ўйларди у кўнглида рўй берган, ҳозир ўзи ҳис этаётган бу ўзгаришдан қувониб.

«Энг аввал, – деб ўйларди у, – адвокатга учрашиш, унинг фикрини билиш керак, кейин... кейин турмага бориб уни, кечаги маҳбус хотинни кўриш, ҳаммасини ўзига айтиш керак».

У Катюша билан учрашувини, ҳамма гапни очик айтишини, унга қилган гуноҳига иқрор бўлишини, қилган айбини ювиш учун қўлидан келгунча ёрдамини аямаслигини, унга уйланишини айтишини тасаввур этганда завқшавққа тўлиб, кўзларига ёш келарди.

#### XXXIV

Нехлюдов судга келиши биланоқ, йўлакда кечаги суд приставини учратди-да, суд бўлиб, кесилган маҳбуслар қаерда эканини, улар билан учрашув учун кимдан руҳсат олиш мумкинлигини сўради. Суд пристави маҳбуслар бошқа-бошқа ерда туришлигини, катъий ҳукм эълон қилингунча улар билан учрашув прокурорга боғлиқ эканлигини гапириб берди.

– Ўзим айтаман сизга, суд мажлисидан кейин ўзим олиб бориб қўяман. Прокурор ҳали келганича йўқ. Ҳозирча марҳамат қилиб судга кининг. Бошланиб қолади.

Нехлюдов, бугун кўзига жуда аянч бўлиб кўринган приставга, қилган илтифоти учун миннатдорчилик билдириб, маслаҳатчилар хонаси томон юрди.

Нехлюдов эшикка етай деганда, ичкаридан маслаҳатчилар чиқиб қолишди. Улар мажлислар залига кирмоқчи эдилар. Савдогар худди кечагидек қувноқ, худди кечагидек ширакайф эди. У Нехлюдовни худди кадрдон дўстдек кутиб

олди. Петр Герасимовичнинг бетакаллуфлиги ва қаҳ-қахлаб кулиши ҳам бугун Нехлюдовнинг ғашига тегмас эди.

Нехлюдов кечаги судланувчи хотинга бўлган муносабатини маслаҳатчиларнинг ҳаммасига айтишни хоҳларди. «Аслида, – деб ўйларди у, – кеча суд вақтида ўрнимдан туриб бутун гуноҳимни очик айтишим керак эди». Лекин маслаҳатчилар билан бошлашиб мажлислар залига киргач, худди кечагидек яна «суд келяпти» дейилгандан кейин ёқа тутган уч киши баланд жойга чиқди, яна жимлик чўқди, маслаҳатчилар суянчиғи баланд стулга ўтиришди, жандармлар, портрет, поп – хуллас, кечаги расм-маросим бошлангач, у кўнглига келган нарсани амалга ошириш керак бўлса-да, кеча бу тантанали маросимни буза олмаслигини ҳис этди.

Судга ҳозирлик кўриш (маслаҳатчиларни қасамёд эттириш ва раиснинг уларга мурожаат қилиб гапирган нутқидан ташқари) худди кечаги тарзда ўтди.

Бугун кўриладиган иш: қулфни бузиб кириб ўғирлик қилиш тўғрисида эди. Қилич яланғочлаган икки жандарм кўриқлаган судланувчи кулранг халат кийган, ранги бўздек оқариб кетган, ориқ, йигирма яшар кифти тор йигит эди. У қора курсида ёлғиз ўтирар, кириб келаётганларни ер тагидан кузатарди. Йигит ўртоғи билан омбор қулфини бузиб кириб, уч сўм олтмиш етти тийинлик эски гиламни ўғирлашда айбланар эди. Айбномада кўрсатилишича, йигит гиламни елкасига ташлаб олган шериги билан кетаётганда миршаб тўхтатган йигит ҳам, шериги ҳам дарҳол айбини бўйнига олган ва иккови ҳам қамокқа олинган. Йигитнинг шериги, чилангар йигит қамокда ўлган. Шундай қилиб йигит, ёлғиз суд қилинмоқда эди. Эски гилам далиллар столида ётарди.

Иш худди кечаги тартибда ўтди, бир дунё далиллар рўқач қилинди, гувоҳлар чақирилди, уларни қасамёд эттирилди, сўрок, эксперт ва чапростиға сўроққа тутиш бошланди. Гувоҳ миршаб раиснинг, қораловчи ва окловчининг саволларига бир хилда: «худди шундай», «билолмадим» ва яна «худди шундай», деб суст жавоб қайтарарди. Лекин унинг ўтакетган овсарлиги ва ихтиёрсиз бўлиб қолганига қарамай, йигитга ачинаётгани, ўйи қўлга туширгани



ҳақида ўлганининг кунидан сўзлаётгани сезилиб турарди.

Иккинчи гувоҳ, уй хўжаси, ўша гиламнинг эгаси, серзардагина чолдан, шу гилам сизникими деб сўрашганда, истар-истамас тан олди; прокурор ундан бу гиламни нима қилмоқчи эканлигини, унга жуда зарур-зарур эмаслигини сўрай бошлаганда, унинг зардаси қайнаб:

– Гилам бўлмади номи ўчсин, тариқча ҳам кераги йўқ менга, – деб жавоб берди. – Бу зормандани деб бошимни шунча қотиришларини билганимда, кидириш у ёқда турсин, сўроққа судраб юришмасин деб бир сўлкавойни, бир эмас, икки сўлкавойни ёнимдан тўлаган бўлардим. Извошнинг ўзига беш сўмча пул кетди. Кошки, ўзим соғ бўлсам, чуррам<sup>1</sup> тушган, бунинг устига бодим<sup>2</sup> бор.

Гувоҳларнинг ҳам гапи шу эди. Айбланувчи эса ҳамма айбини бўйнига олар, қўлга тушган ёввойи ҳайвон боласидек тўрт тарафга олазarak бўлар, тутила-тутила бўлган воқеани оқизмай-томизмай ҳикоя қиларди.

Воқеа равшан эди, аммо прокурор ёрдамчиси, худди кечагидек, елкасини кўтариб ҳийлакор жиноятчини илинтирадиган нозик саволлар берарди.

У ўз сўзида кулфни синдириб, бировнинг уйига кириб ўғирлик қилинганлигини, бола энг оғир жазога сазоворлигини исбот қиларди.

Суд томонидан белгиланган оқловчи эса ўғирлик турар-жойда содир бўлмаганлигини ва шу сабабли, жиноятни инкор қилиб бўлмаса-да, ҳар ҳолда, бу жиноят жамият учун, прокурор таъкидлаб ўтган даражада, хавфли эмаслигини исбот қиларди.

Раис худди кечагидек ўзини холис ва одил қилиб кўрсатиб, маслаҳатчилар жуда яхши билган, билмаслиги

<sup>1</sup> Чурра – ички аъзолардан бирининг ёки улар бир қисмининг, ичакнинг осилиб, бирор бўшлиққа ички қорин пардаси билан туртиб чиқиб қолишидан иборат касаллик; дабба. Чурра умуртқалараро дискдан чиқадиган бўлса, бел ва оёқларга оғрик беради, ҳаракат секинлашади. Чурраси тушмоқ – чурра касаллигига йўлиқмоқ.

<sup>2</sup> Бод (форсча; шиш) – бўғим оғриги (артральгия), мускул оғриги (миальгия), куймич нерви касаллиги (ишиас), плексит, подагра, радикулит, ревматизм каби касалликларнинг халқ орасида тарқалган номи.

мумкин бўлмаган нарсаларни батафсил тушунтира бошлади. Худди кечаги сингари танаффус бўлиб турар, чекишар, суд пристави худди кечагидек ирғиб туриб: «Суд келяпти» деб кичқиар, икки жандарм яланғочланган қиличи билан жинояткорга даҳшат солиб, ухлашдан ўзларини тийиб ўтиришарди.

Иш жараёнида маълум бўлишича, бу йигитнинг отаси болалик чоғидаёқ уни тамаки фабрикасига югурдакликка берган, бола у ерда беш йил яшаган. Бу йил хўжайини билан ишчилар орасида бўлиб ўтган кўнгилсиз воқеадан кейин хўжайин уни бўшатиб юборган ва ишсиз қолган йигит бор-йўғини сотиб-совуриб ичкиликбозлик қилиб шаҳарда ишсиз юрган. Қовоқхонадан худди ўзига ўхшаш, ўзидан ҳам аввал ишсиз қолган кўп ичадиган чилангар билан топишган, ғирт маст ҳолда иккови кечаси қулфни бузиб омборга киришган ва биринчи дуч келган нарсани олиб чиқишган. Уларни тутиб олишган. Иккови айбига иқрор бўлган. Уларни қамоққа солишган. Чилангар йигит суд бўлмасдан ўлиб қолган. Эндиликда йигитни хавfli шахс сифатида, ундан жамиятни халос қилиш мақсадида суд қилишарди.

«Бу ҳам худди кечаги жиноятчи жувон ўхшаган хавfli шахс-да, – деб ўйларди Нехлюдов кўз ўнгида бўлаётган гапларга қулоқ соларкан. – Улар хавfli-ю, биз хавfli эмасмизми?.. Мен – бузуқман, фохиш, алдоқчиман. Менинг шунақалигимни кўра-била туриб мендан нафратланиш у ёқда турсин, қайтага ҳурмат қилишади, ҳаммамиз шунақа эмасми? Аммо бу бола, жамият учун, шу залда ўтирган одамларнинг ҳаммасидан ҳам хавfli бўлса, қўлга тушган тақдирда, нафсиламр уни нима қилиш керак эди?

Бу бола қандайдир бир бошқача ёвуз эмасдир, ахир, унинг оддийгина одам эканлигини ҳамма ҳам кўриб турибди-ку. У худди ана шундай одамларни етиштирадиган муҳитда яшагани учунгина жинояткор бўлган, ахир. Мана шундай болалар бўлмаслиги учун эса бундай бахтсиз зотларнинг пайдо бўлишига сабабчи бўладиган шароитларни йўқ этишга ҳаракат қилиш лозимлиги аниқ-равшан кўриниб турибди-ку.

Биз эса нима қияшмиз? Биз бунақа йигитларнинг мингларчаси қўлга тушмай четда қолиб кетаётганини била туриб, ана шундай кўққисдан қўлга тушиб қолган биттасига маҳкам ёпишиб олиб, турмада унинг умрини бекорга ёки бемаъни меҳнат билан ўтказамиз, худди ўзи сингари адашиб, ҳолдан тойган одамлар билан бирга қамаймиз, кейин давлат ҳисобига энг ярамас одамлар қатори Москвадан Иркутск<sup>1</sup> губерниясига сургун қиламиз.

Шундай одамларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган шароитни йўқотиш учун ҳаракат қилиш ўрнига бундайларни етиштирадиган корхоналарни қўллаб-қувватлаймиз ҳам. Булар: фабрика ва заводлар, устахоналар, қовоқхоналар, фоҳишахоналардир. Биз бундай жойларни йўқ қилиш у ёқда турсин, уларни зарур деб ҳисоблаб қўллаб-қувватлаймиз, тартибга соламиз».

Нехлюдов полковник ёнидаги курсисада ўтириб, окловчи, прокурор ва раиснинг турли оҳангда гапирётган гапини тинглар, виқор билан қўлларини паҳса қилиб маъқуллаштишларини кузатар экан, биттани эмас, миллионлаб одамларни шу тахлитда тарбиялаймиз-да, биттасини тутиб олиб, ўзимизча, бир иш қилдик, уни Москвадан Иркутск губерниясига жўнатиб юбориб ўзимизни хавф-хатардан халос қилдик, энди биздан ҳеч нарса талаб қилмаса ҳам бўлади, деб ўйлаб юрамиз, – деб ўйларди бениҳоя зийраклик билан. Нехлюдов бу баҳайбат зални, бу портретларни, қандилларни, курсиларни, мундирларни, бу қалин деворларни, деразаларни бир-бир кўздан кечирар экан, бу бинонинг нақадар катталигини, бу маҳкаманинг эса ундан ҳам салмоқдорлигини, фақат бу ердагина эмас, балки бутун Россияда ҳеч кимга кераги бўлмаган кулгили нарсалар учун мояна оладиган амалдорлар, мирзолар, қоровуллар, чопарлар қўшиннинг нақадар кўплигини эслаб: – Мана шу мунофиқликка озмунча куч, озмунча маблағ сарф бўладими, ахир, – деб ўйлади. – Шунга кетаётган кучимизнинг юздан бир ҳиссасини биз ўз кайф-сафоли ҳаётимизни таъмин

<sup>1</sup> Иркутск вилояти – Россия Федерацияси таркибидаги вилоят. 1937-йил. 26-сентябрда ташкил этилган.

этадиган мана шу хўрланган бечораларга ёрдам учун сарф қилганимизда, нималар бўлмас эди. Ахир, – деб ўйларди Нехлюдов така-пука бўлган боланинг заъфарон юзига қараб, – йўқчиликдан уни қишлоқдан шаҳарга юбораётган пайтда биронта раҳмдил одам топилганда эди ёки у шаҳарга келгандан кейин ҳам, фабрикада ўн икки соатлаб ишлаб чиққач, ўзидан катта кишилар орқасидан қовоқхонага эргашиб бораётганида: «Борма, Ваня, яхши эмас», – дейдиган одам топилганда, бўла бормас ва ножўя иш қилмас эди.

Бола бечора шаҳарда ёввойи ҳайвон боласидек довдираб яшаган, битлаб кетмаслик учун сочини кирдириб, усталарининг бозорини қилиб бериб юрган, шунча йил давомида унга раҳм-шафқат қиладиган биронта одам топилмаган, аксинча, шаҳарга келганидан бери усталаридан, ўртоқларидан, кимки алдаб кетса, ичса, бировни сўкса, кимки бировни қалтақласа, фоҳишлик қилса, шу мард одам деган гапдан бошқани эшитмаган.

\*\*\*

У бемор бўлиб қолгач, оғир меҳнат, пиянисталик, фоҳишлик туфайли ишдан чиқиб қолгач, эси оғиб беҳудадан беҳуда шаҳарда санғиб, аҳмоқлик қилиб, қандайдир бир омонга кириб, ҳеч кимга кераги йўқ гиламни ўғирлаб чиққанидан кейин эса биз, давлатманд, ўқимишли кишилар, болани мана шу аҳволга туширган сабабларни йўқотиш ўрнига, болани ҳалок қилиш йўли билан ишни тўғриламакчи бўламиз.

Нақадар даҳшат! Бу қаттиққўлликми ё бемаъниликми, билмайсан киши. Иккови ҳам ҳаддан ташқари ошиб кетган кўринади.

Нехлюдов энди, кўз ўнгида бўлиб ўтаётган нарсаларга ортиқ кулоқ солмай, ана шуларни ўйларди. Борган сайин очилаётган бу ҳақиқат уни даҳшатга соларди. У шуларни олдин нега пайқамаганига, бошқалар нега кўра олмасликларига ҳайрон бўларди.

Биринчи танаффус бошланиши биланоқ Нехлюдов ўрнидан турди-да, судга қайтиб кирмасликка қасд қилиб, йўлакка чикди. Уни нима қилишса қилишсинки, лекин бу қадар ярамас ва номаъкулчиликка ортиқ иштирок эта олмайди.

Нехлюдов прокурорнинг кабинети қайсилегини билиб олиб ўша ёққа борди. Курьер<sup>1</sup> прокурорнинг ҳозир банд эканлигини айтиб, Нехлюдовни киргизишни истамади. Аммо Нехлюдов, унинг гапига итоат қилиб ўтирмай, эшик томон юрди ва рўпарасидан чиққан чиновникка ўзининг маслаҳатчи эканлигини, прокурорга жуда зарур иши борлигини айтиб, кириб хабар беришни илтимос қилди. Князлик унвони ва кийимининг яхшилиги Нехлюдовга қўл келди. Чиновник прокурорга хабар қилди, шундай қилиб, Нехлюдовни киргизиб юборишди. Прокурор Нехлюдовнинг ўзи билан учрашувини қаттиқ туриб талаб қилганидан норизо бўлган чиқар, уни тик турган ҳолда қабул қилди.

– Хўш, хизмат? – деди прокурор жиддий.

Нехлюдов, ҳозирги хатти-ҳаракати ўзининг бутун ҳаёт-мамотини ҳал этишга қодир эканини ҳис этиб, кизаракизара:

– Мен маслаҳатчиман, фамилиям Нехлюдов, судланувчи Масловани кўришим зарур эди, – деди шошиб-пишиб шартта.

Прокурор калта қилиб қирқилган сочларига оқ оралай бошлаган, йилтиллаб турган ўйноқи кўзли, куюқ соқолли, қуйи жағи катта, ўрта бўйли, қорачадан келган киши эди.

– Маслова дейсизми? Ҳа, танийман, танийман. Заҳарлашда айбланган, – деди прокурор хотиржам. – Нега уни кўрмоқчисиз? – Кейин саволини бирмунча юмшатмоқчи бўлди, шекилли: – Сабабини билмасдан туриб сизга ижозат

<sup>1</sup> Курьер (французча: *courrier*; лотинча: *currere* – югурмоқ, шошилмоқ) – 1) шошилч топшириқларни тарқатувчи, дипломатик хат-хабар ва жўнатмаларни етказиб берувчи мансабдор шахс; 2) муассасанинг расмий иш қозғаларини тегилши жойга тарқатувчи, олиб бориб берувчи ходим.

бера олмайман, – деб қўшиб қўйди.

– Мен учун жуда муҳим бир иш юзасидан учрашишим зарур, – деб жавоб қайтарди Нехлюдов кип-қизариб.

– Ҳм, – деди прокурор бошини кўтариб Нехлюдовни синчиклаб кўздан кечириб. – Иши кўрилганми ё ҳали кўрилгани йўқми?

– Кеча суди бўлди, ноҳақдан ноҳақ тўрт йил каторгага ҳукм қилинди. Заррача гуноҳи йўқ.

– Ҳм. Агар кечагина суд бўлган бўлса, – деди прокурор Нехлюдовнинг, Маслованинг бегуноҳлиги ҳақидаги сўзига парво қилмай, – ҳукм узил-кесил эълон этилгунча дастлабки қамоқ уйида сақланиши лозим. У ерда фақат маълум кунларда кўришиш мумкин. Ўша ердагиларга му-рожаат қилишингиз маслаҳат.

Нехлюдов қатъий дақиқаларнинг яқинлашиб қолганини ҳис этиб:

– Ахир, мен уни мумкин қадар тезроқ кўришим керак, – деди. Унинг қуйи жағи титраб кетди.

– Нега энди, албатта, учрашмоқчисиз? – деб сўради прокурор безовталаниб, қошини кериб қўйиб.

– Негаки, у бегуноҳдан бегуноҳ каторгага ҳукм этилиб кетди. Асли ҳаммасига мен гуноҳкор, – деди Нехлюдов овози қалтираб, шу билан бир каторда у айтиш лозим бўлмаган нарсани айтиб қўйганини ҳис этиб.

– Қандай қилиб? – деб сўради прокурор.

– Чунки мен уни йўлдан оздирдим, унинг шу аҳволга тушишига сабаб бўлдим. Агар мен уни шу кўйларга солмаганимда эди, унинг бўйнига бунақа айблар қўйилмаган бўлар эди.

– Лекин, барибир, унинг учрашувга нима дахли борлигини тушунмаяпман.

– Дахли шундаки, мен у билан изма-из кетмоқчиман, кейин... унга уйланмоқчиман, – деди Нехлюдов шу ҳақда гап очиб биланок ҳар вақтдагидек кўзи жиқ ёшга тўлди.

– А? Шундай денг! – деди прокурор. – Бу ҳақиқатан ҳам, фавқулодда ҳодиса. Янглишмасам, сиз Краснояр земствосининг аъзосисиз-а? – деб сўради прокурор ҳозир

ана шунақа ғалати бир нарсани ихтиёр қилган бу Нехлюдов ҳақида илгарилари ҳам эшитганини эслагандай бўлиб.

– Кечирасиз, менингча, бу нарсанинг илтимосимга алоқаси бўлмаса керак, – деди қип-қизариб кетган Нехлюдов аччиқ билан.

Прокурор ҳеч гап тортмай:

– А-албатта, албатта, – деди сал жилмайиб, – фақат сиз шундай ғайриоддий нарсага ихтиёр билдирыпсизки, истагингиз урф-одатдан шу қадар йироқки...

– Айтинг-чи, менга ижозат бериладими?

– Ижозат? Ҳа, мен ҳозир рухсатнома ёзиб бераман.

Бироз ўтира туринг.

Прокурор стол ёнига борди-ю, ўтириб ёза бошлади.

– Марҳамат, ўтира туринг.

Нехлюдов ҳамон тик турарди.

Прокурор рухсатномани ёзиб бўлгач, Нехлюдовни мароқ билан кузатар экан, унга қоғозни узатди.

– Яна шуни ҳам айтиб қўйишим лозимки, – деди Нехлюдов, – мен ортиқ сессияда иштирок эта олмайман.

– Ўзингизга маълумки, бунинг учун судга узрли сабаблар кўрсатиш керак.

– Сабаби шуки, мен ҳар қанақа судни фақат бефойдагина эмас, балки ғайрияхлоқий нарса деб биламан.

– Ҳм, – деди прокурор ҳамон боягидай сезилар-сезилмас жилмайиб. Бу табассум билан у, бундай гаплар менга маълум, кулгили нарса демоқчи эди. – Ҳм, аммо мен суд прокурори бўлганим учун сизнинг гапингизга қўшила олмаслигимни тушунсангиз керак. Шу сабабли бу ҳақда судга маълум қилишингизни маслаҳат кўраман. Суд арзингизни узрли ёки узрсиз деб топади, мабодо, узрсиз деб ҳисоблагудек бўлса, чорангизни кўради. Судга мурожаат қилинг.

– Мен арзимни айтдим, ортиқ ҳеч қаерга бормайман, – деди Нехлюдов жahl билан.

Бу ғалати одамдан тезроқ қутулмоқчи бўлди, шекилли:

– Майли, – деди прокурор бошини энгаштириб.

– Бу ким эди ўзи? – деб сўради суд аъзоси Нехлюдов



чкиб кетиши билан прокурор кабинетига кираётиб.

– Нехлюдов, танийсиз, Краснопер. уездида, земствода у бир неча бор ғалати масалалар қўйган эди. – Буни қаранг, у маслаҳатчи, судланувчилар орасида каторгага ҳукм этилган қизми, хотинми бор экан. Айтишича, бир вақтлар уни алдаб ташлаб кетган экан, энди келиб-келиб ўшанга уйланмоқчи.

– Йўғ-е?

– Менга ўзи айтди... ўзиям ҳовлиққан, ҳаяжонланган.

– Ҳозирги ёш-яланглар шунақа тентакнамо ўзи.

– Ўзи у қадар ёш ҳам эмас.

– Анови машҳур Ивашенковингиз ҳам жонимга тегиб кетди. Гапира-гапира тинка-мадоримни куритиб юборди.

– Бунақаларни тўғридан тўғри тўхтатиш керак, қип-қизил ишбузармонлар шулар-да...

### XXXVI

Прокурорнинг ёнидан чиқиб, Нехлюдов тўғри дастлабки қамоқ уйига жўнади. Лекин у ерда ҳеч қанақа Маслова йўқ экан, мутасадди Нехлюдовга, у, балки, эски жўнатиш турмасида бўлса керак деб тушунтирди. Нехлюдов ўша ёққа йўл олди.

Ҳақиқатан ҳам, Екатерина Маслова ўша ерда эди. Бундан олти ой муқаддам жандармлар томонидан, бир сиёсий иш кўтарилиб, ҳаддан ташқари бўрттириб юборилган, дастлабки қамоқ уйларидаги барча ўринлар талабалар, шифокорлар, ишчилар, курсисткалар, ва фельдшер<sup>1</sup> аёллар билан тўлиб кетганини прокурор унутган эди.

Дастлабки қамоқ уйдан жўнатиш турмасининг ораси анча узоқ бўлиб, Нехлюдов у ерга кечқурунга яқин етиб борди. Нехлюдов баҳайбат мудҳиш бинонинг эшиги томон юрган эди, лекин соқчи уни яқинлаштирмади, қўнғироқ чалиб қўя қолди. Қўнғироқ товушини эшитиб назоратчи

<sup>1</sup> Фельдшер (немисча: Feldsheret – жарроҳ, ҳарбий қисм саргароши) – ўрта тиббий маълумотга эга бўлган тиббиёт ходими, шифокор ёрдамчиси.

чикди. Нехлюдов кўлидаги рухсатномасини кўрсатди. Аммо назоратчи то мутасаддининг ижозати бўлмагунча кирита олмаслигини айтди. Нехлюдов мутасаддини кидириб кетди. Нехлюдов зинапоядан чиқаётган вақтидаёқ эшикдан фортепиано<sup>1</sup> чалинаётган аллақандай мураккаб, шўх куйни эшитди. Кўзи боғлоқлик, серзарда оқсоч хотин эшикни очган пайтида эса бу мусиқа товуши хонадан отилиб чиққандек бўлиб уни карахт қилиб қўйди. Бу – Лист<sup>2</sup> деган композиторнинг чалинавериш жонга тегиб кетган рапсодияси<sup>3</sup> эди. Шу топда бу рапсодияни фақат маълум бир ергача моҳирлик билан ижро этмоқда эдилар. Шу жойига етганда яна бошидан такрорланарди. Нехлюдов кўзи боғлоқлик оқсоч хотиндан мутасадди уйдаими-йўқми деб сўради.

Оқсоч хотин, йўқ деб жавоб берди.

– Келиб қолармикан?

Рапсодия яна тўхтади ва бояги сеҳрли жойга етгунча яна моҳирлик билан ижро этилди.

– Бориб сўраб келай-чи.

Оқсоч чиқиб кетди.

Рапсодия энди авжга чиқа бошлаган ҳам эдики, тўсатдан, сеҳрли жойга етмай тинди, аллакимнинг овози эшитилди.

Ичкаридан аёл кишининг: – йўқ экан, бугун келмас экан, деб бориб айт. Меҳмонга кетган, мунча хира бўлишмаса, – деган овози эшитилди, яна рапсодия чалина бошланди, яна тинди ва стулнинг суриб қўйилаётгани эшитилди. Аччиқланган пияноночи<sup>4</sup> бемаҳалда келиб, жонга тегаётган одамга ўзи танбех бериб қўймоқчи бўлди, шекилли.

Ғамгин кўзларининг таги кўкариб турган, сочлари пахмайган, аянч аҳволдаги рангпаргина қиз чиқиб келаётиб:

– Дадам йўқлар, – деди жаҳл билан. Кейин яхши пальто кийган йигитни кўриб бироз юмшади. – Марҳамат,

<sup>1</sup> **Фортепиано** (италиянча: forte – кучли ва piano – кучсиз, секин) – рояль ва пианинодошларнинг умумий номи.

<sup>2</sup> **Ференц Лист** (1811-1886) – венгер миллатига мансуб композитор.

<sup>3</sup> **Рапсодия** – халқ куйлари асосида ишланган мусиқа асари.

<sup>4</sup> **Пияноно** – (италиянча: pianino – кичик фортепиано) – торли урма-клавишли мусиқа асбоби, (фортепианонинг бир тури).

ичкари киринг... Хўш, нима хизматлари бор?

– Қамоқдаги бир маҳбус хотинни кўришим керак.

– Сиёсий маҳбус бўлса керак?

– Йўқ, сиёсий эмас. Прокурордан ижозатнома ҳам олганман.

– Мен ҳеч нарса дея олмайман. Дадамлар йўқлар. Марҳамат, киринг ичкарига, – деб таклиф қилди у кичиккина даҳлиздан туриб, – Ё ёрдамчиларига мурожаат қилиб кўринг. У ҳозир идорасида, ўша билан гаплаша қолинг. Фамилиянгиз нима сизнинг?

– Кўп раҳмат, – деди Нехлюдов саволга жавоб қайтармай, сўнгра чиқиб кетди.

Нехлюдовнинг орқасидан эшик ёпилар-ёпилмас, яна бояги, ноўрин чалинаётган ва зўр бериб ўрганилаётган мусиқа, аянч кизнинг ўзига муносиб бўлмаган, шўх, хушчақчақ садолар эшитила бошлади. Нехлюдов ҳовлида мўйлови бўялган ёш офицерни учратди ва ундан мутасаддининг ноибини сўради. Бунинг худди ўзгинаси ноиб эди. У Нехлюдовнинг кўлидан рухсатномани олиб қаради-да, дастлабки қамок уйига берилган рухсатнома билан кирита ол-маслигини айтди. Бунинг устига яна кеч бўлди деб баҳона қилди...

– Эртага келинг. Соат ўнда кўришиш ҳаммага рухсат этилади. Келсангиз, мутасаддининг ўзи ҳам уйда бўлади. Унда умумий хонада кўришишингиз мумкин, мутасадди ижозат берса, идорада ҳам кўриша оласиз.

Нехлюдов шу куни кўришувнинг иложини топа олмай, охири уйига қайтиб кетди. Масловани кўриш ҳақидаги фикридан ҳаяжонга келган Нехлюдов энди судни эмас, прокурор ва мутасадди билан гаплашганини эслаб кўчамакўча борарди. Маслова билан учрашувга урингани, мақсадини прокурорга айтгани ва Катюшани кўриш учун иккита турмага боргани уни шундай ҳаяжонлантириб юборган эдики, у анчагача ўзига кела олмади. Уйига келиши биланок, аллақачондан бери қўл тегизилмай ётган кундалик дафтари олиб баъзи жойларини ўқиб чиқди-да, қуйидагиларни ёзиб қўйди: «Икки йилдан бери кундалик дафтарга қўл тегизмаган, энди ҳеч қачон бундай бачкана иш билан шуғул-

ланмайман деб ўйлаган эдим. Аммо бу бачкана иш эмас эди. Бу ўз-ўзинг билан, ҳақиқий, ҳар бир инсонда яшовчи илоҳий бир куч билан суҳбатлашиш эди. Шу маҳалгача ана шу куч ухлаб ётарди, ким билан суҳбатлашишимни билмас эдим. Уни 28-апрель куни, мен маслаҳатчилик қилган судда бўлиб ўтган воқеа уйғотди. Мен уни, ўзим томонимдан алданган Катюшани, маҳбуслар ҳалатида кўрдим. Ғалати бир англашилмовчилик ва менинг хатойим туфайли уни каторгага ҳукм қилдилар. Мен бугун прокурор ҳузурда турмада бўлдим. Мени унинг олдига киритмадилар, лекин мен уни кўриб, унинг олдига айбимга иқрор бўлиш ва унга уйланиш йўли билан бўлса-да, айбимни юмшатишга қарор қилдим. Ё парвардигор, ўзинг қўлла! Кўнглим шод, руҳим энгил».

### XXXVII

Шу кеча. Маслова анчагача ухлай олмади, кўзини очиб, гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа бориб келиб турган дьячиха<sup>1</sup> тўсиб турган эшикка қараб ва малла хотиннинг пишиллашини тинглаб, хаёл суриб ётди.

У Сахалинда, ҳеч қачон, каторгачига эрга тегмаслик ҳақида, бир илож қилиб бошқача ҳаёт қуриш, бошлиқлардан биронтаси билан ёки мирзо, ё назоратчи билан, ҳеч бўлмаса, унинг ёрдамчиси билан бирга бўлиш ҳақида ўйларди. Уларнинг ҳаммаси бунақага учди. «Ишқилиб, озиб кетмай-да. Йўкса иш пачава». Маслова оқловчининг унга қандай қараганини, раиснинг боқишларини, дуч келиб қолганлар ва судда атайлаб ёнидан ўтиб турган кишилар қандай кўз тикиб қараганини эслади. У авахтада ётганида кўргани келган Берта, Китаеваникида яшаган пайтингда сени севиб юрган талаба йигит келиб кетди, сени сўраб-суриштирди ва жуда ачинди деб айтиб берганини эслади. Малла хотин билан бўлиб ўтган муштлашиш эсига тушди ва унга раҳми келди; ортиқча нон бериб юборган нонфурушни эслади. Маслова

<sup>1</sup> Дьячиха – дьячокнинг хотини.

кўпларни эслаб ўтар, Нехлюдов эса хаёлининг кўчасига ҳам келмас эди. Болалик чоғларини ва ёшлигини, айниқса, Нехлюдовга бўлган муҳаббатини ҳеч қачон эсига олмас эди. Уни эслаганда жони сиқилар эди. Бу хотиралар кўнглининг бир бурчида ўрнадан кўзгатилмаган ҳолда ётарди. У ҳатто тушида ҳам ҳеч қачон Нехлюдовни кўрмаган эди. Бугун судда Нехлюдовни танимаганлигининг сабаби уни сўнги бор кўрганда эғнида ҳарбий кийим, ўзи соқолсиз, кўнғиз-нуса мўйловли, қисқагина бўлса-да, лекин қалин, кўнғирок сочли бўлиб, энди қаринамо, соқолли эканлигида эмас. Бунинг сабаби шундаки, Маслова у тўғрида ҳеч ўйламаган эди. Маслова у билан бирга ўтказган барча хотираларни, Нехлюдов ҳарбий хизматдан кела туриб, аммалариникига тушиб ўтмаган ўша дахшатли қоронғи кечада кўмиб ташлаган эди.

Шу кечагача, Нехлюдов кириб ўтар деб умид қилиб юрган кезлари юраги остида сақлаб келаётган гўдак унга оғирлик қилмас эди. Балки, кўпинча гўдакнинг юмшоққина, баъзан тез-тез қимирлаб кўйиши уни ийдириб юборарди. Аммо шу кечадан бошлаб ҳамма нарса бошқача тус олди. Дунёга келажак гўдак ҳам унга бир тўсик бўлиб қолди.

Аммалари Нехлюдовнинг келишини кутар эдилар, шунинг учун ундан кириб ўтишни илтимос қилдилар. Аммо у Петербургда ўз вақтида етиб бориши керак бўлгани учун кириб ўта олмаслигини телеграф орқали билдирди. Бундан хабар топган Катюша уни кўриш учун станцияга<sup>1</sup> боришга қарор қилди. Поезд кечаси соат иккида ўтарди. Катюша бекаларини ухлатди, ошпаз хотиннинг қизи Машкани бирга боришга кўндириб, оёғига эски ботинка кийди, рўмол ўради-да, писиб-биқиниб чиқиб кетиб, станция томон югурди.

Ёмғир ёғиб турган, шамол эсиб турган зим-зиё куз кечаларидан бири эди. Ёмғир гоҳ илиқ йирик томчилар билан савалай бошлар, гоҳ тинарди. Далада оёқ остидаги йўлни

<sup>1</sup> Станция (лотинча: *statio* – тўхташ жойи; бекат) – 1) темир йўл поездлари ёки қуруқликдаги бошқа транспорт воситалари тўхтайдиган жой; шу жойга тегишли иншоот ва хизматлар мажмуи; 2) махсус вазифа бажарувчи айрим муассасалар, корхоналар ёки илмий-текшириш иши олиб боровчи муассасалар номи; 3) бортида илмий асбоб-ускуналари бўлган космик аппарат.

кўриб бўлмас эди. Ўрмон қозоннинг қорақуясидек қоп-қора, шу сабабдан, Катюша йўлни яхши билишига қарамай, ўрмонда адашиб қолди ва поезд уч дақиқа тўхтаб ўтадиган кичик станцияга ўзи ўйлагандек барвақтроқ эмас, балки иккинчи қўнғироқдан кейин етиб борди. Катюша платформага<sup>1</sup> югуриб кирган заҳоти биринчи класс вағони деразасида Нехлюдовни кўриб қолди. Бу вагон бошқалардан кўра жуда ёруғроқ эди. Сюртуксиз икки офицер духоба креслода рўпарама-рўпара ўтириб карта ўйнарди. Дераза ёнидаги кичик столда эриб тушаётган йўғон шам ёнарди. Ана у – баданини сириб турган рейтуз<sup>2</sup> ва оқ кўйлак кийиб креслонинг суянчигига қўл ташлаб, ёнбошида ўтирар ва нимагадир куларди. Уни таниган заҳоти Катя совқотган қўллари билан деразани тақиллатди. Аммо шу маҳал учинчи қўнғироқ чалинди-да, поезд ҳаракатга келди, аввал орқага, кейин вагонлар бир-бир силтаниб олиб олдинга силжий бошлади. Ўйнаётганларнинг бири қўлидаги картаси билан ўрнидан туриб деразадан қарай бошлади. Катюша деразани яна тақиллатди-да, юзини ойнага тутди. Шу маҳал бу вагон ҳам бир силтанди ва ҳаракатга келди. Катюша деразадан кўзини узмай вагон билан ёнма-ён кетаверди. Офицер деразани туширмоқчи бўлар, лекин сира уддасидан чиқа олмасди. Нехлюдов ўрнидан турди-да, бояги офицерни четлатиб, деразани тушира бошлади. Поезд юришини тезлатди. Катюша поезддан қолишмай, тез-тез юриб борарди. Аммо поезд борган сайин юришини тезлатарди, ниҳоят, дераза туширилган чоғда эса кондуктор<sup>3</sup> уни итариб юбориб, ирғиб

<sup>1</sup> **Платформа** (*французча*: plate-forme – текис, ясси шакл; майдонча) – 1) темир йўл станцияларида пассажирларнинг поездга чиқиш ёки тушиши, юк тушириш ёки ортиш учун темир йўлга нисбатан баландроқ қилиб ишланган узун саҳн, майдонча; 2) идиш-қопсиз юклар, контейнерлар ташиладиган, ён деворлари унча балайд бўлмаган, усти очик юк вағони; 3) бирор сиёсий партия, ижтимоий ташкилот ёки арбобнинг дунёқараши, маслағи, тутган йўли, иш, ҳаракат дастури; 4) унча катта бўлмаган станция.

<sup>2</sup> **Рейтуз** – тор шим (тарж.).

<sup>3</sup> **Кондуктор** (*лотинча*: conductor – қузатиб боровчи) – 1) поездни қузатиб боровчи, ундаги йўловчилар хавфсизлиги ҳамда юкларнинг сақланиши устидан назорат қилиб боровчи темир йўл ходяи (*бу ерда шу маънода*); 2) трамвай, троллейбус, автобусларда йўловчиларга билет сотувчи, уларнинг чиқиш-тушишини қузатиб

вагонга чиқиб олди. Катюша орқароқда қолди, аммо ҳамон платформанинг ҳўл тахталарида югуриб борарди; кейин платформа тугади, у зинапоядан чошиб тушар экан, ўзини йиқилиб тушишдан зўрға тутиб қолди. У ҳамон югурар, аммо биринчи класс вагон аллақачон илгарилаб кетган эди. Ҳозир унинг ёнида иккинчи класс вагонлари ўтиб борарди, кейин учинчи класс вагонлари аввалгиларидан ҳам тез ғилдираб ўта бошлади, аммо Катюша ҳамон югуриб борарди. Орқасига қўлчиноқ кўндирилган сўнгги вагон ўтиб кетганда у водокачканинг<sup>1</sup> нариги ёғида, ялангликка чиқиб қолган эди. Шамол келиб урилди-да, бошидан рўмолини елкасига туширди, кўйлагининг этагини оёғига ёпиштириб қўйди. Шамол рўмолини учириб кетди, лекин у ҳамон югурарди.

– Холажоним, Михайловна! – деб қичкирарди қизча унинг кетидан зўрға етиб олиб. – Рўмолингиз тушиб қолди!

«У ёп-ёруғ вагонда, духоба креслода ҳазил-мазаҳ қилиб, ичишиб ўтирса-ю, мен бу ерда, лойда, қоронғида, ёмғирда ивиб, шамолда йиғлаб турсам», – деб ўйлади Катюша, сўнгра тўхтаб, юзни юқорига қаратиб бошини маҳкам чангаллаганича хўнграб йиғлаб юборди.

– Кетиб қолди! – деб қичкириб юборди у.

Қизча кўрқиб кетди-да, Катюшанинг ҳўл кўйлагидан кучоқлаб олди.

– Холажоним, уйга кетайлик.

Бу орада Катюша:

«Поезд ўтса, тагига ўзимни ташлайман, қутуламан-қўяман», – деб ўйларди қизчага жавоб қайтармай.

У шундай қилишга аҳд қилди. Аммо шу топдаёқ, ҳаяжон босилгандан кейин илк дақиқаларда бўладиган ҳодиса рўй берди, ўшанинг боласи, шунча вақтдан буён кўтариб келаётган бола бирдан қимирлади, тепинди, оҳистагина чўзилиб яна қандайдир нозик, мулоғим ва ўтқир нарчаси билан турта бошлади Тўсатдан ҳозиргина уни шунчалар қийнаган, дунёни кўзига қоронғи қилиб кўрсатган азоб, Нехлюдовга нисбатан уйғонган қаҳр-ғазаб ва ўз ўлими билан ундан ўч

борувчи ходим.

<sup>1</sup> Водокачка – сувни юқорига чиқарадиган насос (тарж.).



олиш истаги йўқ бўлди-қўйди. У тинчиб, у ёқ-бу ёғини тузатди, рўмолига ўралиб олди-да, тез-тез юриб уйга кетди.

У ҳориб-чарчаган, ивиган, лойга беланган ҳолда уйга қайтиб келди. Шу кундан бошлаб унда кескин руҳий ўзгариш юз берди, натижада у мана шу ҳозирги аҳволига тушиб қолди. Ана шу даҳшатли тундан бошлаб у яхшиликка ишонмайдиган бўлиб қолди. У илгари яхшиликка ишонар эди ва одамлар ҳам шунга ишонади деб ўйларди. Лекин шу кечадан бошлаб ҳеч ким бунга ишонмаслигига ва Худо ҳақида, яхшилик ҳақида гапирувчилар фақат одамларни алдаш учунгина шундай қилишларига қаноат ҳосил қилди. Катя уни севган, у Катяни севган эди (буни Катя биларди), ўша одам Катя билан айшини суриб ва унинг ҳиссиётларини таҳқирлаб, ташлади-кетди. Яна у, Катя билган одамларнинг энг яхшиси эди-я. Ҳали ҳам бошқалар ундан ёмонроқ. Маслованинг бошидан кечган воқеалар буни ҳар қадамда тасдиқлаб турарди. Нехлюдовнинг аммалари, художўй кампирлар, эндиликда аввалгидай хизмат қила олмаганидан кейин, уни ҳайдаб юборишди. У тўқнаш келган одамларнинг ҳаммаси, – хотинлар у орқали пул топишга уринар, эркаклар эса кекса становойдан тортиб турма назоратчиларигача, – унга кайф-сафо бағишловчи нарса деб қарардилар. Ҳамма, оламда худди мана шу лаззат учунгина юргандек эди. Иккинчи йил эркинликда юрган кезлари бир кекса ёзувчи билан топишганда бу фикрга қаттиқроқ ишонч ҳосил қилди. Ўша ёзувчи тўғридан тўғри унга, бутун бахт-саодат мана шу ҳузур-ҳаловатда деяр ва шу нарсани шеърият ва эстетика деб атади.

Ҳамма фақат ўзи учун, ўз ҳузур-ҳаловати учун яшар ва Худо ҳақидаги, эзгулик ҳақидаги сўзларнинг ҳаммаси алдоқчиликдан иборат эди. Агарда, олам нега бу қадар бемаъни яратилган, нега ҳамма бир-бирига ёмонлик қилгани қилган, нега ҳамма алам чекади деган савол туғиладиган бўлса, бу ҳақда ўйламай қўя қолиш керак.

Зериқадиган бўлсанг, чекасан ёки ичасан, ё, энг яхшиси, бирон эркакка ёқиб қолсанг бўлди – ҳаммаси унут бўлиб кетади.

Эртасига, якшанба куни, эрталаб соат бешда, турма-нинг аёллар йўлагига одатдагидек хуштак чалинганда, уйғок ётган Кораблева Масловани уйғотди.

Маслова кўзларини ишқалаб, эрталабга якин жуда сасиб кетадиган бадбўй хаводан нафас олар экан, «каторгачи», деб ўйлади даҳшатга тушиб ва беҳушлик оламига кетиш ниятида яна ухламоқчи эди-ю, лекин кўркув хисси уйқудан зўр чикиб, бошини кўтарди, оёғини кучоқлаб, алангланиб ўтирди. Аёлларнинг ҳаммаси турган, факат болаларгина ҳамон ухлашар эди. Кўзи бодрлаган майхоначи аёл, болаларни уйғотиб юбормаслик учун, халатини оҳистагина уларнинг тагидан тортиб ола бошлади. Исёнчи хотин боласининг йўрғақларини – латта-путталарни печка ёнида ёйиш билан овора эди, боласи эса мовий кўз Федосьянинг кўлида биг-биг йиғлар, Федосья уни кўлида тебратиб майин овоз билан аллаларди. Ёноқлари кизариб турган сил хотин кўкрагини чангаллаганича йўталар, ора-чора чуқур нафас олиб, инграб юборар эди. Малла хотин уйғониб, семиз оёқларини букиб осмонга караб ётар, хурсанд бўлиб, кўрган тушини қаттиқ-қаттиқ ҳикоя қиларди. Ўт қўйган кампир ҳозир ҳам икона ёнида турар, ўша-ўша сўзларни шивирлаб чўкинар ва сажда қиларди. Дьячиха сўрида хали уйқуси ўчмаган кўзларини бир нуқтага тикканича кимираб этмай ўтирарди. Хорошавка мой босган тикандек қора сочларини бармоғига ўраб жингалак қиларди.

Йўлакда шипиллаган оёқ товушлари эшитилди, кулф шикирлаб очилди, эгнига куртка, почалари тўпигидан баланд калта кулранг шим кийган, жиддий, серзарда икки парашачи<sup>1</sup> маҳбус кирди-да, сассиқ ёғоч пакирни кўтариб чикиб кетди. Хотинлар ювиниш учун йўлакка, кран ёнига чиқишди. Малла хотин кран ёнида бошқа камерадан чиққан хотин билан жанжаллашиб қолди. Яна ҳақорат, яна оҳ-фарёд, шикоят...

<sup>1</sup> Параша – ахлат ва ювинди идиши.

– Карцерга<sup>1</sup> тушгиларинг келиб қолдимиз! – деб бақирди назоратчи ва малла хотиннинг кир босган яланғоч кифтига шапатилаб шундай туширдик, бутун йўлакка эшитилди. – Овозингни ўчир, иккинчи эшитмай.

– Ҳазиллашгинг келмай қолсин, чол, – деди малла хотин унинг бу қилиғини эркалаш деб тушуниб.

– Қани, тез бўлинглар! Ибодатга жўнанглар.

Маслова сочини тараб улгурмасдан мугасадди мулозимлари билан кириб қолди.

– Йўқламага чиқларинг! – деб қичқирди назоратчи. Бошқа камерадан ўзга маҳбус аёллар чиқишди ва ҳаммалари йўлакда икки қатор бўлиб саф, тортишди. Бунда орқа қаторда турган аёллар, олдинги қатордаги аёлларнинг елкасига қўлини қўйиб туриши керак эди. Ҳамма санаб чиқилди йўқламадан кейин назоратчи аёл келди ва барча маҳбус аёлларни черковга бошлаб кетди. Маслова билан Федосья барча камералардан чиққан юздан ортиқ аёлдан иборат бўлган сафнинг ўрта бир ерида эди. Аёлларнинг ҳаммаси оқ кофта, оқ юбка ва оқ дуррада эди. Фақат ахён-ахёндагина ўзининг гулдор кийимида юрган хотинлар учраб қоларди. Булар эрларининг кетидан кетаётган болали хотинлар эди. Мана шу хотинлар сафи зинани тўлдирган эди. Ёғоч кавуш кийган оёқларнинг дупури, ғовур-ғувур гап, баъзан кулгилар эшитиларди. Муқолишга етганда Маслова олдинда кетаётган рақиб Бочкованинг сержаҳл юзини кўриб қолди-да, уни Федосьяга кўрсатди. Пастга тушгач, хотинлар жим бўлиб қолдилар, чўқиниб таъзим қилганларича ҳали бўм-бўш турган, зарҳал безаклардан ялтираётган черковнинг очик эшигидан ичкарига кира бошладилар. Уларнинг жойи ўнг томонда эди, маҳбус аёллар қисилишиб, туртинишиб жой ишғол қилдилар: аёлларнинг кетидан бошқа ерларга жўнатилаётган, ўз муддатларини ўтаётган кулранг халатли маҳбуслар, сургунга кетаётганлар киришди, қаттиқ-қаттиқ йўталишиб, черковнинг чап томони ва ўртасига келиб туришди. Тепада, болохонада эса, илгарироқ келтириб қўйилган маҳ-

<sup>1</sup> Карцер – камоқхонанинг бир кишилиқ хонаси.

буслар бир томонда, сочининг ярми олинган каторгачилар (шу ердаликларини улар кишанларининг жингиллаши билан билдириб турардилар), иккинчи томонда – сочи олинмаган, кишанланмаган тергов қилинаётганлар туришарди.

Қамоқхона черковини бир бадавлат савдогар ўн минглаб пул сарф қилиб қайтадан қурган, безатган эди, черков зарҳал ва ранг-баранг бўёқлар билан товланиб турарди.

Черковда бир қанча вақтгача жимлик ҳукм сурди, фақат одамларнинг бурун тортиб қўйган, йўталгани, гўдакларнинг кийкириғи, аҳён-аҳёнда кишанларнинг шикирлагани эшитилиб турарди. Мана, ниҳоят, ўртада турган маҳбуслар четланиб, ўртадан йўл очиб бир-бирларига қисилиб турдилар. Мутасадди бу йўлдан юриб, ҳаммадан олдинга ўтиб, черковнинг ўрта еридан жой олди.

### XXXIX

Ибодат бошланди.

Ибодат қилиш шундан иборат эдики, ғалати ва бесўнақай қимхоб кийим кийиб олган поп нонни бурда-бурда қилиб кесиб ликобчага солар, кейин ҳар хил исмларни тилга олиб, дуо ўқиб туриб, уларни виноли идишга сола бошларди. Дьячок эса бу орада жуда тез ўқилгани ва қўшиқ қилиб айтилгани учун тушуниш қийин бўлган ҳар хил славян дуоларини тинмасдан ўқир, кейин маҳбуслар билан галма-гал хониш қиларди. Дуоларнинг мазмуни, аксарият, император ҳазратлари ва уларнинг оилаларига соғ-саломатлик тилашдан иборат эди. Бу ҳақда бошқа ибодатлар ичида ҳам, алоҳида тиз чўқиб туриб ҳам жуда қўп дуо ўқилди. Бундан ташқари дьячок апостоллар<sup>1</sup> ҳақида баҳс этган

<sup>1</sup> Апостоллар (юнонча: apostolos – элчи; исломда ҳаворий – шогирд, издош маъносига) – ilk христианликнинг шаклланиш даврида дарбадар диний тарғиботчилар. Апостоллар ҳали руҳонийлар пайдо бўлмаган даврларда жамоадан жамоага кўчиб тарғибот юритиб, христиан динининг ёйилишида асосий роль ўйнаганлар. Кейинчалик епископлар пайдо бўлган, Апостоллар йўқолган. Апостоллар номи фақат Исо Масихнинг шогирдлари ҳисобланган 12 кишидагина (Иоанн, Матфей, Пётр, Павел,

китобдан бир неча оятни аллақанақанги ғалати овоз билан шу қадар кучаниб ўқидики, ҳеч нарсага тушуниб бўлмади. Сўнгра поп Марк Инжилидан Исонинг тирилгандан кейин, осмонга учиб кетмасидан ва бориб отасининг ўнг томониغا ўтирмасдан илгари Мария Магдалинанинг ёнига боргани, ундаги етти шайтонни қувиб чиқарган жойини дона-дона қилиб ўқиб берди. Исо ўн битта шогирдини чақириб барча инс-у жинсга Инжилни тарғиб қилишни буюрибди ва кимда-ким бунга имон келтирмаса, ҳалок бўлишини; кимки иймон келтирса, чўқинса, халос бўлишини, бундан ташқари, иблисни қувиб чиқаришини, одамларнинг дардига шифо бера олишини, янги-янги тилларда гапириб, илонни бемалол ушлайдиган, заҳар ичса ҳам ўлмай, соғ-саломат қоладиган бўлишини айтибди.

Ибодатнинг маъноси шундан иборат эдики, поп бурда-бурда қилиб кесган ва маълум бир мураккаб қўл ҳаракатлари ва дуолар билан винога ботирилган нон Худонинг тани ва қонига айланади, деб фараз этиларди. Бу мураккаб қўл ҳаракатлари эса қуйидагилардан иборат эди: поп эгнига кийиб олган кимхоб қопнинг халақит беришига қарамай, иккала қўлини баланд кўтариб турар, кейин тиз чўқар, столни ва столда турган нарсаларни ўпарди. Бу ҳаракатларнинг энг муҳими шу эдики, поп сочиқни икки қўллаб ушлаб ликобча ва олгин коса устида бир меъёрда силкитарди. Фараз этилишича, нон билан винодан худди шу маҳал тана ва қон вужудга келар эди. Шу сабабли ҳам тоат-ибодат қилиш жуда тантанали ўтказиларди.

Шундан кейин поп тўсиқнинг нариги томонидан туриб: «Ё азизларнинг азизи, пок парвардигаро», – деб қаттиқ кичкирарди ва хор тантанали суратда жўр бўларди, Мария киз бўла туриб Исони туғгани учун мақтаб кўкларга кўта-

---

Марк, Иаков, Иуда ва бошқалар) сақланиб қолган. Уларнинг динни тарғиб қилиш мақсадида бошқа халқлар номига ёзган хатлари (послания), шунингдек уларнинг фаолияти баён этилган «Апостолларнинг қилмишлари» каби асарлар Библия расмий қанонининг «Янги аҳд» қисмига киритилган. Христианлик тарихи соҳасида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида 12 апостолнинг кўпи тарихий шахслар эмаслиги аниқланган.

риш жуда савоб иш эканлиги, шу сабабли қандайдир оддий бир фаришта, қаёқдаги бир малоякадан<sup>1</sup> кўра зўр шон-шухратга эга эканлиги ҳақида куйлай бошларди. Шундан кейин нон билан май тана ва қонга айланди деб ҳисобланарди; поп тақсимча устидаги сочикни олиб, ўртада турган нон бурдасини тўртга бўлиб, уни аввал винога, кейин оғзига соларди. У Худо танасининг бир парчасини еган ва бир културм қонини ичган деб ҳисобланарди. Шундан кейин поп пардани тортди, ўрта эшикни очди-да, тилла суви югуртирилган косани қўлига олиб ўрта эшикдан чиқди, истаганларга косадаги Худонинг танасидан еб, қонидан ичишни таклиф қилди.

Бир неча болагина буни истаганини билдирди.

Поп аввал болалардан исмларини сўраб олган бўлди-да, қошиқчада косадаги нон билан винодан олиб, биринкетин болаларнинг оғзига сола бошлади, дьячок эса шу заҳоти болаларнинг оғзини артди ва болалар. Худонинг танасини еб, қонини ичаётганлари ҳақида куйлади. Шундан кейин поп косани парданинг орқасига олиб кириб кетди-да, косадаги қолган қоннинг ҳаммасини ичиб, Худо танасининг бор-йўғини еб олди, яхшилаб мўйловини ялаб, оғзини ва косани артди-да, чехраси очилиб, этигининг юпка тагчармини ғарчиллатиб, парда орқасидан дадил қадам ташлаб чиқиб келди.

Христианликнинг асосий ибодати шу йўсин тугади. Аммо поп бечора маҳбусларга тасалли бериш учун одатдаги ибодатга яна алоҳида бир ибодат қўшди. Бу алоҳида ибодат шундан иборат эдики, поп ҳозир ўзи еб олган Худонинг ўнлаб шамлар билан ёритилган тахминий заррин тасвири (юзи ва қўллари қоп-қора тасвир) олдига бориб, ғалати, ясама товуш билан қуйидагиларни хониш қилиб ўқий бошлади: «Меҳрибонларнинг меҳрибонлиси Исо, ҳаворийларни қўллаган, уммати учун жабр кўрган, бандаларнинг паноҳи, сендан мадад сўраганларни шафоат эт, қўлла, ибодатларимизни қабул эт, ё пайғамбарлар сарвари, бизларга

<sup>1</sup> Малюкка (арабча; «малак») – малаклар, фаришталар.

жаннатдан жой ато эт, эй бандаларига меҳрибон Исо!»

Шу ерга етганда поп тўхтади, нафасини ростлаб, чўқиниб олди, сажда қилди, бошқалар ҳам шундай қилишди. Мутасадди ҳам, назоратчилар ҳам, маҳбуслар ҳам сажда қилди, юкоридан кишанларнинг жаранглаган овози қаттиқроқ эшитилди.

«Фаришталарни яратган парвардигор, – деб давом этди у. – Кароматбахш Исо, малоикаларни ҳайратда қолдирган, аждодларимизни қутқарган қудратли, ширинсўз Исо, раҳнамоларга қувват берган, подшоларга шавкат бағишлаган, пайгамбарларнинг сарвари бўлган Исо, дин йўлида жабр кўриб, азоб чекувчиларни қутқарган, зоҳидларнинг кўнглини равшан қилган, рўза тутувчиларга қаноат берган, авлиёларга шодлик бағишлаган, марҳаматлиларнинг марҳаматлиси, гуноҳкорларнинг паноҳи, мангу умр кўрувчи, зурриёти Худо, умматингга шафқат қил, Исо», – деди у, ниҳоят, нуқтага етиб. «Исо» сўзини айтганда овози хуштак чалгандек чиқар эди. Шойи астарли жуббасини ушлаб туриб, бир тиззасини ерга қўйиб, таъзим қилди, хор эса охирги мисраларни куйлай кетди.

«Зурриёти Худо, умматингга шафқат қил, Исо».

Маҳбуслар сажда қилиб, бошларининг ярмида қолган сочларини силкитиб, ориқ оёқларини шилаётган кишанларини жангиллатиб қадларини ростлар эдилар.

Ибодат шу зайлда анчагача давом этди. Аввалига «Умматингга шафқат қил» сўзи билан тамомланувчи ҳамд-у санолар ўқилиб турди, кейинчалик эса «аллилуйя»<sup>1</sup> сўзи билан туговчи янги ҳамдлар бошланди. Маҳбуслар эса чўқинишар, эгилишар, сажда қилишарди. Бошда маҳбуслар ҳар тўхталишда таъзим қилиб туришди, бора-бора бир танаффус, кейинчалик эса икки танаффусдан кейин бош эгадиган бўлдилар. Хуллас, барча ҳамд-у санолар тугаб поп енгил нафас олиб, китобини ёпиб тўсиқнинг нариги томонига ўтиб кетганида, ҳамма жуда севиниб кетди. Энди битта,

<sup>1</sup> Аллилуйя – христиан динида Оллоҳга ҳамд-у санолар ўқиш, кўқларга кўтариб макташ, мадҳ этишни билдирувчи атама.



сўнги маросим қолган эди. У ҳам эса шундан иборат эди: поп каттакон стол устида ётган, учига сирланган медальон<sup>1</sup> осилган зарҳал хочни олиб черковнинг ўртасига чиқди. Энг аввал, поп ёнига мутасадди борди ва хочни ўпди, кейин унинг ноиби, сўнгра назоратчилар ва ниҳоят, энг кейин, бир-бирларини турта-сурта, шивирлашиб сўкина-сўкина маҳбуслар кела бошлашди. Поп мутасадди билан гаплашиб қолиб хоч билан қўлини ўз ёнига келган маҳбусларнинг баъзан оғзига, баъзан бурнига туртарди, маҳбуслар эса ҳам хочни, ҳам попнинг қўлини ўпишга ҳаракат қилишарди. Адашган бандаларни юпатиш ва уларга насихат қилиш учун бажо келтирилаётган христианлик ибодати ана шу йўсинда тамом бўлди.

## XL

Поп боядан бери номи жуда кўп марта тилга олинган, ҳар хил ғалати сўзлар билан мақталган Исо шу ерда бўлиб ўтган ушбу нарсаларнинг ҳаммасини ман қилганлиги черковда ҳозир бўлганлардан ҳеч қайси бирининг, попдан тортиб мутасадди-ю, Масловагача ҳеч қайси бирининг эсига келмас эди. Исо, попларнинг валдираб, динни масхара қилиб, нон ва вино билан мана шунақа бемаъни жодугарлик қилишларини ман қилибгина қолмай, одамларнинг бири бошқа бирини устоз деб аташини, ибодатхонада тоат-ибодат қилишни ҳам тақиқлаган, уларни вайрон қилишга келганини айтиб, ҳаммага – ёлғиз, лекин чин юракдан ибодат қилишни буюрган эди, муҳими шундаки, бу ерда бўлаётгани каби одамларни суд қилиб, қамоққа ташлаш, азоблаш, шармисор этиш, қатл қилишни тақиқ қилибгина қолмай, асирларни озод қилгани келганини айтган, одамларга ўтказиладиган ҳар қандай зўравонликни ман қилган эди.

Бу ерда Исо номидан ўтказилган маросим Исонинг

<sup>1</sup> Медальон (французча: medaillon – металл танга) – ичига расм ёки бошқа нарса солинадиган, одатда доира ёки эллипс шаклидаги, бўйинга тақиладиган безак буюми.

Ўзини таҳқирлаш, мазах қилиш деган нарса эканлиги ҳеч кимнинг хаёлига келмас эди. Поп олиб чиқиб ўпиш учун одамларга тутган, учига эмалли медальон қадалган зарҳал хоч Исо осилган дорнинг сурати эди. Исо унинг номини пеш қилиб ўтказиладиган мана шу маросимни ман қилгани учун ўлдирилгани ҳеч кимнинг хаёлига келмас эди. Нон ва сув шаклида, Исонинг тани ва қонини еб-ичяпмиз деб фараз қилаётган поплар, ҳақиқатан ҳам, Исонинг тани ва қонини еб-ичяптилар, деган ўй ҳеч кимнинг ақлига ҳам келмас эди. Лекин булар Исонинг тани ва қонини бир бурда нон ва вино шаклида эмас, балки Исо ўзи билан тенг деб ҳисоблаган шу «осий бандаларни» йўлдан оздириш, у олиб келган эзгуликдан одамларни маҳрум этиш, роҳат-фароғатдан маҳрум қилиб оғир азоб-уқубатларга солиш йўли билан унинг танасини еб, қонини ичар эдилар.

Поп мана шу ишларини виждонан бажарарди. Чунки унга ёшлигиданок ҳақиқий имон – бурунги азиз-авлиёлар топинган, ҳозирги руҳонийлар ва жамият бошлиқлари ишонган имон шу деб ўргатилган. У нондан тана пайдо бўлганига, кўп гапириш киши руҳи учун фойдали эканлигига ёки, ҳақиқатан ҳам, Худонинг бир парча танини еганига ишонмас эди, йўқ, – бунга ишониш мумкин эмас, у шу динга имон келтириш лозим бўлгани учунгина ишонар эди. Уни шу динга эътиқоди ошиб боришига сабаб бўлган асосий нарса шунда эдики, бу эътиқодни тарғиб қилгани учун ўн саккиз йилдан бери даромад олиб, бутун бир оиласини боқар, ўғлини гимназияда, кизини диний мактабда ўқитиб келарди. Дьячок эса бунга попдан кўра кўпроқ ишонар эди, чунки у, ушбу дин ақидаларининг моҳияти нимадан иборат эканлигини аллақачон бутунлай унутиб юборган бўлиб, хайрихоҳлик кўрсатгани, дуойи-фотиҳа ўқигани, такбир<sup>1</sup> туширгани, қасида ўқигани учун маълум бир нарх белгиланган бўлиб, ҳақиқий христианлар бу ҳақни бажонидил тўлаб туришларини билар, шунинг учун ҳам ўтин, ун, картошка

<sup>1</sup> Такбир (арабча: кенгайтириш, кучайтириш; улуглаш, макташ; худони улуглаб, «Аллоҳу акбар» иборасини айтиш. Аллоҳни улуглаш билан боғлиқ ибора («Аллоҳу акбар» – Аллоҳ буюқдир)ни талаффуз этиш, тилга олиш.

сотаётган одамдек ишонч билан «ўзинг маърифат қил» деб хониш қилар, тиловат қилиниши керак бўлган нарсаларини қироат билан ўқир эди. Турма бошлиғи ва назоратчилар бу дин ақидаларининг моҳияти нимадан иборат эканлигини ҳеч билмасалар-да, черковда ўтказилаётган бу маросимнинг маъноси нималигини тушунмасалар-да, бу динга ҳеч сўзсиз эътиқод қилиш кераклигини билар эдилар, чунки барча бошлиқлар ва ҳатто подшонинг ўзи ҳам шу динга эътиқод қилади. Бундан ташқари, сал-пал бўлса-да, бу дин ўзларининг шафқатсиз хизматларини оқлашини билар эдилар (қай тариқадалигини ўзлари тушунтириб бера олмасдилар). Шу дин бўлмаганда эди, ҳозир хотиржамгина бажариб турган ишга, одамларни азоблашга бор кучларини сарф қилишга виждонлари йўл қўймаган бўлур эди. Мутасадди шу қадар кўнгилчан киши эдики, агарда ушбу диндан тасалли топмаганда бу аҳволда сира-сира яшай олмасди. Шунинг учун ҳам у қимир этмай типпа-тик турар, зўр бериб таъзим қилар, чўқинар, «Хурларнинг ҳури»ни хониш қилиб айтишаётганда кўнглини юмшатишга уринарди. Болаларга черков виносидан ичирилаётганда эса олдинга чиқиб, вино ичирилаётган болани ўз қўли билан кўтариб турарди.

Маҳбусларнинг кўпчилиги эса бу диндаги одамларни лақиллатишганларини яхши тушуниб, ичларида кулиб турган бир нечасини ҳисобга олмаганда, кўпчилик мана шу зарҳал иконалар, шамлар, қадахлар, кимҳоб чопонлар, хочларда ҳамда «Марҳаматлиларнинг марҳаматлиси» ва «шафоат қил» каби англаб бўлмайдиган сўзларда бу дунё ва у дунёда роҳат бағишловчи сирли бир куч борлигига ишонарди. Уларнинг кўпчилиги сиғиниш, ибодат қилиш, шам ёқиш йўли билан бу дунё роҳатига эришиш учун бир неча бор ҳаракат қилиб, бир нарса чиқара олмаган бўлсалар-да, қилган ибодати инобатга ўтмаган бўлса-да, уларнинг ҳар бири бу муваффақиятсизликни тасодифий деб билар ва уламолар, митрополитларга<sup>1</sup> манзур бўлган бу маросимлар, бу дунё учун бўлмаса-да, у дунё учун зарур ва муҳим деб

<sup>1</sup> Митрополит – олий руҳонийлик даражаси.

ишонардилар.

Маслова ҳам худди шундай ишонарди. Уни ҳам, бошқалар каби, ибодат пайтида зўр эҳтиром ва зерикш ҳислари қамраб олган эди. У аввал тўсиқнинг бериги томонида, оломон ўртасида турган эди. Шунинг учун ҳам ўртоқларидан бошқа ҳеч кимни кўрмас эди; черков виносидан ичмоқчи бўлган аёллар олдинга чиққанда Федосья иккаласи олдинга сурилишди, шунда мутасадди билан назоратчининг ўртасида турган малла соқол, сарик соч деҳқонка – Федосьянинг эрига кўзи тушди. У хотинига тикилганича қараб турарди. Қасида ўқиладиганда Маслова уни кузатиб, Федосья билан шивирлашиб турди, бошқалар чўқиниб, таъзим қилгандагина у ҳам чўқиниб таъзим қилди.

## XLI

Нехлюдов уйдан эрта чиқиб кетди. Кўчада қишлоқи деҳқон арава ҳайдаб борар ва ғалати овоз билан:

– Қаймоқли сут, келиб қолинг! – деб қичқирарди.

Кеча илиқкина илк баҳор ёмғири ёғиб ўтган эди. Тош ётқизилмаган ҳамма ерларда бирдан гиёҳлар кўкарди, боғлардаги қайинлар яшил кучала<sup>1</sup> билан қопланди, шумурт дарахтлари ва тераклар узун хушбўй барг ёза бошладилар, уйларда ва магазинларда дераза ромларини кўчириб, арта бошладилар. Чайқов бозорида (Нехлюдовга шу бозор ёнидан ўтиб кетишга тўғри келди), қатор-қатор дўконлар ёнида оломон уймаланар, қўлтиғига этик қистирган, дазмолланган шим ва нимчани елкасига ташлаб олган жулдур кийимли кишилар у ёқ-бу ёққа ўтиб туришарди.

Майхоналар ёнида фабрикадан ишдан чиққан, озодагина белбурма камзул, ялтираб турган этик кийган эркаклар, бошларига ялтироқ шоҳи рўмол ўраб, шиша мунчок қадалган пальтоли хотин-халаж тикилишарди. Тўппончаларининг

<sup>1</sup> Кучала – 1) гули сарик, кўк, сафсар ўтсиммон ўсимлик ҳамда унинг тиббиётда ишлатиладиган захарли, тугмасиммон меваси; 2) терак, тол каби дарахтларнинг тўп гули.

сарик боғичи осилиб турган миршаблар тартибсизлик рўй бериб қолмасмикан деб, назорат қилиб ўз жойларида туришарди. Тартибсизлик уларни бу оғир зериккиш азобидан қутқарган бўларди. Хиёбонлар ўртасидан ўтган йўлларда, кўм-кўм бўлиб яшнаб турган майсазорда болалар ва итлар югуриб ўйнаб юришар, хушчақчақ энагалар скамейкаларда бир-бирлари билан гаплашиб ўтиришарди.

Чап томони соя-салқин, ўртаси қуриган тош кўчада оғир киракаш аравалар гумбурлаб, енгил аравалар шалдираб, конкалар жингиллаб тўхтовсиз ўтиб турарди. Ҳаво, ҳозиргина турмада бўлаётганидек, ибодатга чорловчи қўнғироқ товушларидан ларзага келган эди. Ясанган-тусанган халойиқ ўз қавми билан черковга қараб йўл оларди.

Извошчи Нехлюдовни турма ёнигача олиб бормай, турма томонга буриладиган муюлишда тушириб қолдирди.

Турмадан юз кадамча беридаги бу муюлишда кўпчилиги тугун кўтарган эркак ва аёллар туришарди. Ўнг томонда пастаккина ёғоч бинолар, чап томонда устига лавҳа қоқилган икки қаватли бино турарди. Тошдан ясалган баҳайбат турма биноси рўпарада бўлиб, ҳеч кимни унга яқин йўлатишмас эди. Милтиқ кўтарган соқчи аскар у ёқдан-бу ёққа юриб, сўроқсиз ўтиб кетмоқчи бўлаётганларни бақириб қайтариб турарди.

Ёғоч уйнинг эшиги ёвида, ўнг томонда, соқчининг рўпарасидаги сўри устида уқа тутилган мундир кийган назоратчи ёзув дафтарчаси ушлаб ўтирарди. Одамлар, унинг ёнига бориб, кўрмоқчи бўлган кишиларининг номини айтар, назоратчи ёзиб оларди. Нехлюдов ҳам унинг ёнига борди ва Катерина Маслованинг номини айтди. Уқали мундир кийган назоратчи ёзиб олди.

– Нега шу маҳалгача киритишмайди? – деб сўради Нехлюдов.

– Ибодат қилишяпти. Ибодат тугасин, киритишади.

Нехлюдов кутиб турувчилар тўдаси ёнига қайтди. Шу маҳал оломон орасидан жулдур кийимли, шляпасиғижимланган, яланг оёғига дабдаласи чиққан пойабзал кийган, юзи кип-қизил чандиқ киши чиқиб тўппа-тўғри турма томон

кетаверди.

– Қаёққа сукиляпсан? – деб кичқирди унга милтиқли аскар. Жулдур кийимли киши соқчининг бақирганидан чўчимай:

– Ўзинг нега бўкирасан? – деб жавоб қайтарди-да, орқасига қайтди. – Киргизмасанг, киргизма – кутиб тураман. Генералга ўхшаб бақирмасанг, кимнинг кўнгли қолибди.

Оломон орасидан маъкуллаб кулган овозлар эшитилди. Бу ердагиларнинг кийимлари юпун, ҳатто жулдур кийинган одамлар эди. Аммо, тапқя қиёфасига қараганда, одамшаванда эркак ва аёллар ҳам бор эди. Нехлюдовнинг ёнида яхши кийинган, соч-соқоли олдирилган, тугунча кўтарган, икки бети қия-қизил семиз бир киши турарди. Тугунчасидаги нарса кийим-бош бўлса керак. Нехлюдов ундан, бу ерларга биринчи келишингизми, деб сўради. Тугун кўтарган киши ҳар яқшанба келишини айтди, шундай қилиб, улар гаплашиб қолишди. Бу киши банк швейцари эди, у қалбаки ҳужжат ясашда айбланган укасини кўриш учун келган эди. Бу соддадил киши бошидан ўтган бутун воқеани Нехлюдовга гапириб берди ва ундан суришгирмоқчи бўлиб турган ҳам эдики, зотли қора от қўшилган резинка ғилдиракли аравада келиб қолган талаба билан юзига тўр тутган аёл уларнинг диққатини ўзига тортди. Талабанинг қўлида каттагина тугун бор эди. У Нехлюдовнинг ёнига келди ва ундан, хайр-садақага олиб келган нонини маҳбусларга киритиш мумкинми, бунинг иложи борми, деб сўради.

– Қайлиғимнинг ихтиёри билан шундай қиляпман. Бу киши менинг қайлиғим. Унинг ота-онаси шу нарсаларни маҳбусларга элтиб беришни маслаҳат кўришди.

– Менинг ҳам биринчи келишим, билмадим энди, – деди Нехлюдов ва мундирига уха тугилган, ўнг томонда дафтар ушлаб ўтирган назоратчини кўрсатди. – Шу одамдан сўраб кўринг, айтиб берса керак.

Нехлюдов талаба билан гаплашиб турганда турманинг ўртасида туйнуғи бўлган катта темир дарвозаси очилди-да, бошқа бир назоратчи билан мундир кийган офицер чикди, дафтар ушлаган назоратчи эса одамларни киритиш

бошланишини эълон қилди. Соқчи ўзини четга олди, кўчада пойлаб турганларнинг ҳаммаси, кечикиб қолишдан кўрққандек, баъзилари тез-тез юриб, баъзилари чопқиллаб турма эшигидан кира бошладилар. Эшик ёнида бир назоратчи турар ва одамлар ёнидан ўтган сайин баланд овоз билан: «Ўн олти, ўн етти» ва ҳоказо деб санарди. Бино ичкарасидаги иккинчи назоратчи нариги эшиқдан кираётганларга қўлини тегизиб, уларни яна қайтадан санарди, у турмада биронга ҳам чет киши қолиб кетмаслиги, ёки бирон маҳбусни чиқариб юбормаслик учун қайтиб чиқаётганларида қайтадан санаб, ҳисобга тўғри келтириш учун шундай қилаётган эди. Ўтаётган одамларнинг башарасига қарамай санаётган бу назоратчи Нехлюдовнинг елкасига қоқиб қўйди. Унинг қўли келиб тегishi, бошда Нехлюдовга таҳқиромуз туюлди, аммо бу ерга нима учун келгани эсига тушиб, ранжигани ва норизо бўлганига хижолат тортди.

Эшиқдан кираверишдаги биринчи хона гумбаз тахлит қилиб ишланган бўлиб, кичкинагина деразасига папжара ўрнатилган эди. Тўпланиш хонаси деб аталган бу хонанинг тоқчасида Нехлюдов кутилмаганда, бутга парчинланган Исонинг каттакон суратини кўриб қолди.

Исонинг тасвирини маҳбуслар билан эмас, озод этилганлар билан бақамти деб тасвир этган Нехлюдов ўзича: «Бунга на ҳожат?» – деб ўйлади.

Бу ерга камалган ёвузлардан кўрқиб, кечаги бола билан Катюша каби бегуноҳларга ачиниш ҳислари билан тўлиб-тошган, ҳозир юз берадиган учрашувни ўйлаб кўнгли юмшаган, хижил бўлган Нехлюдов шошиляётганларни олдинга ўтказиб юбориб, секин қадам ташлаб кира бошлади. Биринчи хонадан чиқилаётганда, хонанинг нариги томонида турган назоратчи алланима деди. Аммо хаёлга чўмган Нехлюдов бунга эътибор қилмади, кўпчилик орқасидан эргашиб кетаверди, аёллар бўлимига эмас, эрлар бўлимига қараб йўл олди.

У шошиляётганларни олдинга ўтказиб юбориб, ўчрашув хонасига энг кейин кирди. Эшикни очиб бу хонага кирганда, юзлаб оғиздан чиққан овозлар қўшилиб ҳосил қилган



олаговур уни хайратга солди. Шакарга ёпишган пашша сингари, хонани иккига бўлиб турган сим тўрга ёпишган одамларга яқин келганидан кейингина Нехлюдов нима гап эканлигини тушунди. Деразалари орқа томонда бўлган бу хона шипдан ергача тортилган бир эмас, икки қатор сим тўр билан иккига ажратилган эди. Тўрлар орасида назоратчилар юрарди. Тўрнинг нариги томонида – махбуслар, бу томонида – уларни кўргани келганлар туришарди. Ҳар иккала томонни бир-биридан икки қатор тўр ва уч газ масофа ажратиб турарди. Бирон нарса бериш у ёқда турсин, ҳатто бир-бирининг юзини кўриш, айниқса, кўзи хирарок бўлган одам учун, амри маҳол эди. Гапириш ҳам қийин эди, гапимни эшитсин деган одам қичқириб гапиришга мажбур бўлар эди. Иккала томондагилар ҳам, хотинлар, эрлар, оталар, оналар, болалар, бир-бирларини кўриб айтадиган гапларни айтиб олишга уриниб, тўрга юзларини маҳкам тираб олган эдилар. Аммо ҳар бир киши айтган гапини ҳамсуҳбати эшитадиган қилиб гапиришга уринарди. Унинг ёнидагилар ҳам худди шундай қилар, натижада улар бир-бирига халақит берар ва ҳар ким бир-биридан каттиқроқ гапиришга ҳаракат қиларди. Шунинг учун ҳам бу хонада, Нехлюдов кирган замон уни танг қолдирган ғовур-ғувур ҳукм суради. Кимнинг нима деяётганини уқиб олиш маҳол эди. Нима тўғрида гаплашаётганларини, сўзлашаётганларнинг бир-бирига муносабатини уларнинг афтларидангина пайқаб олиш мумкин эди.

Нехлюдовнинг ёнида бошига рўмол ўраган бир кампир турарди. У сим тўрга ёпишиб олиб, сочининг ярми қиррилган рангсизгина йигитга алланималар деб қичқирар, ияги титрар эди. Махбус қошларини кериб, пешонасини тириштириб зўр эътибор билан унинг сўзларини тингларди. Кампирнинг ёнида белбурма камзул кийган йигит турарди. У қўлини қулоғига қўйиб, бошини чайқаб, ранги рўйи бир ҳолатда, соқолига оқ-туша бошлаган, худди ўзига ўхшаган махбуснинг гапларига қулоқ соларди. Унинг нариги ёғида жулдур кийимли кимса турар, қўлини силкитиб алланима

деб қичкирар ва куларди. Унинг ёнида, яхши тивит<sup>1</sup> рўмол ўраган, бола кўтарган хотин, тўрнинг нариги томонидаги сочи олинган, кишан солинган маҳбуслар камзули кийган, опшоқ сочли кишини биринчи бор кўриши бўлса керак, ерда ўтириб йиғлар эди. Нехлюдов билан гаплашган швейцар шу аёлнинг тепасида туриб, нариги томондаги боши ярғок, кўзлари чакнаб турган маҳбусга бор кучи билан бақириб гапирарди.

Ана шундай шароитда гапиришга мажбур эканлигини англагач, Нехлюдовнинг ушбу қондани чиқарган ва уни амалга ошираётганларга қарши ғазаби келди. Бу ваҳшиёна аҳвол, инсоний ҳисларнинг бу қадар таҳқирланиши ҳеч кимга қаттиқ ботмаётганлигига у жуда ҳайрон қолди. Аскарлар ҳам, мугасадди ҳам, кўргани келганлар ва маҳбуслар ҳам гўё шундай бўлиши лозимдек, бу тартибга риоя қилардилар.

Нехлюдов бу хонада экан, ўзининг бирор чора кўришга ожизлигидан юраги қисилиб дунёдан безиб кетганини ҳис қилди: кема чайқалганда кўнгли беҳузур бўлгандек, маънавий изтироб ҳис қилди.

## XLII

«Ҳарна бўлса ҳам, ўйлаган ишимни битирай, – деди у ўзига-ўзи далда бериб. – Нима қилсам экан?»

У бошлиқлардан бири кўриниб қолмасмикан, деб кўзи билан қидира бошлади, одамларнинг орқасида у ёқдан бу ёққа юриб турган, офицерлик поғони таққан, пастаккина, мўйловдор кишига кўзи тушиб, унга мурожаат қилди:

– Муҳтарам жаноблари, – деди у зўрма-зўраки хушмуомалалик билан, – аёллар қаерда бўлишини, улар билан қаерда кўришиш мумкинлигини айтиб бера олмайсизми?

– Аёллар бўлимига бормоқчи эдингизми?

– Ҳа, бир маҳбус хотинни кўришим керак эди, – деб жавоб қайтарди Нехлюдов ҳалигидек назокат билан.

<sup>1</sup> Тивит – 1) ҳайвонларнинг позик ва майин жули; 2) шу жуядан тўқилган, ишланган мато; 3) шу матодан ишланган, тикилган нарса.

– Боя тўпланиш хонасида эканлигингизда шундай десангиз бўлмасмиди. Кимни кўрмоқчи эдингиз?

– Екатерина Масловани кўришим керак.

– Сиёсий маҳбусми? – деб сўради турма мутасаддисининг ноиб.

– Йўқ, у шунчаки...

– Нима, ҳукм қилинганми ўзи?

Нехлюдов қайғусига ҳамдардлашгандек кўринган мутасаддининг кайфини бир нима қилиб бузиб қўймаслик учун:

– Ҳа, ўтган куни ҳукм қилинган эди, – деб жавоб берди итоаткорона.

Мутасадди Нехлюдовнинг кийим-бошига қараб, эътибор қилса, арзийдиган одам экан, деган хулосага келди, шекилли:

– Аёл кишини кўрадиган бўлсангиз, марҳамат қилиб бу ёққа юринг, – деди. – Сидоров, – деб мурожаат қилди у, медаль таққан мўйловдор унтер-офицерга, – мана буларга аёллар хонасини кўрсатиб қўй.

– Хўп бўлади.

Шу маҳал тўр тutilган томондан аллакимнинг юракни ўртаб юборувчи фарёди эшитилди.

Нехлюдовга ҳамма нарса жуда ғалати туюларди. Яна шуниси ҳам борки, бу уйда қўлланилаётган ёвузликларни амалга ошираётган кишиларга – мутасадди ва бош назоратчига ташаккур билдиришга, улардан миннатдор бўлишга тўғри келарди.

Назоратчи Нехлюдовни эркаклар хонасидан йўлакка бошлаб чиқди ва рўпарадаги эшикни очиб, аёллар билан учрашув хонасига олиб кирди. Бу хона ҳам эркакларники сингари икки қатор тўр билан учга ажратилган бўлиб, кичикроқ эди. Бу ерда кўргани келганлар ҳам, маҳбуслар ҳам бироз кам бўлишига қарамай, шовқин-сурон эркаклар хонасидан қилинган қилинган эди. Бу ерда ҳам тўрлар орасида бошликлар у ёқдан бу ёққа юриб турарди. Енгига уқа тutilган, кўк хошиялик мундир кийган, эркак назоратчилар каби камар боғлаган назоратчи хотинлар бу ерда бошлик ўрнида

эди. Бу ерда ҳам худди эркаклар хонасидагидек тўрнинг икки томонига одамлар ёпишиб олган эди: бу томонида – ҳар хил кийимдаги шаҳар аҳолиси, нариги томонида – баъзилари оқ кийинган, баъзилари ўз кийимида қолган маҳбус аёллар. Тўрни у бошидан бу бошигача одам қоплаб олган. Баъзи бировлар овозим яхшироқ эшитилсин деб оёқ учида туриб, бошқаларнинг тепасидан бошларини чўзиб, бошқалари эса ерга ўтириб олиб гаплашишар эди.

Маҳбус аёллар ичида бошқалардан кўра каттиқроқ бақирган лўли хотин кийим-боши билан ажралиб турарди. Жингалак сочларидан дурраси сирғалиб тушиб осилиб қолган бу пахмоқ соч хотин тўрнинг нариги томонида, хонанинг ўртасидаги устун ёнида туриб, кўк сюртук кийган, белини пастдан қисиб боғлаган лўлига қўлларини тез-тез қимирлатиб, алланималар деб бақирарди. Лўлининг ёнида бир аскар ерга ўтириб олиб маҳбус аёл билан гаплашарди, нарироқда эса бети қип-қизариб кетган, оёғига чипта кавуш кийган малла соқолли ёшгина дехқон тўрга маҳкам ёпишиб, йиғлаб юборай деб турарди. У билан оқ-сарикдан келган хушрўйгина маҳбус жувон гаплашарди. Жувон мовий кўзларини суҳбатдошидан узолмай тикилиб қараб турарди. Бу Федосья билан эри эди. Уларнинг ёнида жулдур кийимли бир киши сочлари пахмоқ, юзи елпич товоқдай хотин билан сўзлашарди, нарироқда иккита хотин, бир эркак, яна бир хотин, уларнинг ҳар бирининг рўпарасида биттадан маҳбус аёл турарди. Улар орасида Маслова йўқ эди. Аммо маҳбус аёлларнинг орқасида, нариги томонда, яна бир аёл турарди. Бу аёл худди ўша эканлигини Нехлюдов шу заҳоти фаҳмлади, фаҳмлади-ю, шу заҳоти юраги дук-дук ура бошлаганини, нафаси тикилиб қолганини ҳис этди. Масала бир ёғли бўладиган пайт яқинлашарди. Нехлюдов сим тўрга яқинроқ борди ва уни таниди. Маслова мовий кўз Федосьянинг орқасида турар ва унинг гапини жилмайиб тингларди. Маслова ўтган кундаги халатда эмас, оқ кофта кийиб олган – бели камар билан қисиб қўйилган, кўкраги дўппайган эди. Жингалак қора сочлари дурраси тагидан худди суд вақтидаги сингари чиқиб турарди.

«Ҳозир бир ёғли бўлади, – деб ўйларди Нехлюдов. – Нима деб чақирсам экан? Ё ўзи яқинроқ келармикан?»

Лекин Маслова яқин келавермади. У Кларани кутар, мана шу турган эркак ўзини сўраб келганини хаёлига ҳам келтирмас эди.

– Сизга ким керак? – деб сўради тўр орасида у ёқдан бу ёққа юриб турган назоратчи хотин Нехлюдовнинг ёнига келиб.

– Екатерина Маслова, – дея олди Нехлюдов зўрға.

– Маслова, сени йўқлаб келишибди, – деб қичқирди назоратчи хотин.

### XLIII

Маслова ўтирилиб қаради, кейин бошини кўтарди, кўкрагини олдига чиқариб, Нехлюдовга таниш итоаткорлик ифодаси билан панжара ёнига келди, иккита маҳбус аёл орасига сукулиб кирди-да, Нехлюдовни таний олмай, унга ажабланиб қараб қолди.

Лекин эғни-бошидан бу кишининг бой одам эканлигини билиб, жилмайди.

Кулиб турган ғилай кўзли Маслова юзини панжарага яқинлаштириб:

– Мени сўраб келдингизми? – деб сўради.

– Кўргани келган эдим... – Нехлюдов «сизсираш»ни ҳам, «сенсираш»ни ҳам билмай тутилиб қолди, кейин «сиз» деб гапира бошлади. Лекин овози одатдагидан баланд эмас эди. – Кўргани келган эдим сизни... мен...

Унинг ёнидаги жулдур кийимли киши:

– Мени лақиллатмай тўғриси гапиравер. Олганмисан ё олмаганмисан? – деб бақирарди.

– Ўлар ҳолатда ётибди деяпман-у, яна нима керак сенга! – деб қичқирарди аллаким бошқа томондан.

Нехлюдовнинг гапи Маслованинг қулоғига кирмасди, аммо гапираётганда юзининг ифодасига қараб туриб тўсатдан уни эслади. Лекин Маслова ўзига ишонмади. Шундай

бўлса-да, юзидаги табассуми сўнди, рухий азоб чекаётгандек пешонаси тиришиб кетди.

Маслова кўзини қисиб қарар экан:

– Гапингизни эшитмаяпман, – деб кичқирди пешонасини баттар буриштириб.

– Мен келган эдим...

«Ҳа, мен бурчимни адо этипман, тавба қиляпман», деб ўйлади Нехлюдов. Шундай деб ўйлаб ҳам эдики, кўзи жик ёшга тўлди, томоғига алланарса келиб тикилди, у панжарани маҳкам чангаллаганича, ҳўнграб йиғлаб юбормасликка уриниб жим бўлиб қолди.

– Бўлмаган ишга тумшуғингни тикиб нима қиласан, деяпман сенга... – деб кичқиришарди бир томондан.

– Худо ҳақи, билмайман дедимми, билмайман, – деб кичқирибди маҳбус аёл бошқа томондан.

Нехлюдовнинг хаяжонланаётганини кўриб, Маслова уни таниди.

– Танисам ҳам кўзларимга ишонмаяпман, – деб кичқирди Маслова. Унинг қип-қизариб кетган юзи аввалгидан баттар тумтайиб кетди. Нехлюдов баланд товуш билан худди ёдланган дарсни сўзлаётган кишидек бир оҳангда:

– Мен сендан кечирим сўраш учун келган эдим, – деб кичқирди.

Шу сўзларни бақириб айтганидан у уялиб кетди-да, атрофга аланглаб қаради. Лекин шу заҳоти, «Модомики, уялаётган эканман, бу қайтанга яхши, нимага деганда уяладиган иш қилиб қўйган эдим-да», – деган фикр келди. Шундай қилиб у, боягидек, баланд товуш билан гапира бошлади:

– Мени кечир, сенинг олдингда гуноҳкорман... – деб кичқирди у яна.

Маслова кимир этмай турар, ғилай кўзларини ундан узмасди.

Нехлюдов ортиқ гапини давом эттиролмади, кўкрагини қисиб келаётган йиғини тўхтатиб қолиш учун тўрдан йироқлашди.

Аёллар бўлимига йўл кўрсатган бояги мутасадди Нехлюдовга қизиқиб қолган бўлса керак, шу бўлимига яна қайтиб

келди-да, унинг тўрдан четда турганини кўриб, нима сабабдан тегишли одами билан гаплашмаётганини суриштирди. Нехлюдов бурнини қоқди, бир силкиниб олди-да, ўзини хотиржам тутишга ҳаракат қилиб:

– Панжара орқали гаплаша олмайман, ҳеч нарса эшитиб бўлмайди, – деб жавоб берди.

Мутасадди ўйланиб қолди.

– Ундай бўлса, бирпасга шу ёққа чиқарсак бўлади.

– Марья Карловна! – деди у назоратчи аёлга. – Масловани ташқарига олиб чиқинг.

Бирор дақиқадан кейин ён томондаги эшикдан Маслова чиқиб келди. У шипиллаб юриб, Нехлюдовнинг олдига келди-да, тўхтаб, унга хўмрайиб қаради. Қоп-қора сочлари худди ўтган кундагидек кўнғироқ-кўнғироқ бўлиб дурраси тагидан чиқиб турарди, лўппигина оқарган носоғ юзи жозибали ва хотиржам эди, фақат тим қора ғилай кўзларигина шипинқираган қовоқлари тагида чақнаб турарди.

– Шу ерда гаплашсангиз бўлади, – деди назоратчи, сўнгра нарироққа бориб турди.

Нехлюдов девор тагида турган скамейка томон қадам ташлади.

Маслова мутасадди ноибига савол назари билан қаради, кейин ҳайрон бўлгандек елкасини қисиб кўйди-да, Нехлюдов кетидан скамейкага бориб юбкасини тўтирлаб кўйиб, унинг ёнига ўтирди.

– Мени афв этишингиз жуда оғир, биламан, – деб Нехлюдов гап бошлади-ю, лекин йиғи халақит бераётганини ҳис қилиб яна жим бўлиб қолди, – ўтган хатони тузатиб бўлмас экан, эндиликда кўлимдан қандай ёрдам келса, ҳаммасини қиламан. Айтинг...

Маслова унинг саволига жавоб қайтармай:

– Мени қандай қилиб топдингиз? – деб сўради ғилай кўзлари билан Нехлюдовга ҳам қараб, ҳам қарамай.

Нехлюдов Катюшанинг ҳозир шундай ўзгарган, хунуклашган юзига қарар экан: «Ё раббий! Мадад бер менга. Нима қилиш кераклигини ўргат!» – дер эди ўзига-ўзи.

– Ўтган куни судда, сизни суд қилишганда, суд мас-



лаҳатчиси бўлган эдим, – деди Нехлюдов. – Мени танимадингизми?

– Йўқ, танимадим. Танийдиган аҳволда эмасдим. Қараганим ҳам йўқ, – деди Маслова.

– Ўшанда бола бўлган эди-а? – деб сўради Нехлюдов, ўзининг икки бети кип-қизариб кетганини ҳис этиб.

Маслова юзини тескари ўгириб алам билан:

– Худога шукур, ўша вақтлардаёқ ўлиб кетди, – деб қисқагина жавоб қилди.

– Нега, қандай қилиб?

– Ўзим касал эдим, ўлар ҳолатда эдим, – деди у кўзини ердан узмасдан.

– Аммаларим сизни қандай қилиб чиқариб юборишди?

– Болалик оқсочнинг кимга кераги бор? Сезишлари биланоқ ҳайдаб юборишди. Гапириб ҳам нима қилдим, – ҳеч нарса эсимда йўқ, ҳаммасини унутганман. Бўлар иш бўлди, тамом, – вассалом.

– Йўқ, ундай эмас. Мен буни шундай қолдириб кета олмайман. Ҳеч бўлмаганда, эндиликда, гуноҳимни ювмоқчиман.

– Ювадиган нимаси қолди; бўлар иш бўлди, ўтди кетди, – деди Маслова, кейин тўсатдан Нехлюдовга қандайдир ёқимсиз, шу билан бир пайтда, жозибадор қараш қилиб қўйди, маъюсгина жилмайди. Нехлюдов буни сира кутмаган эди.

Маслова уни кўрарман деб, айниқса, ҳозирги пайтда ва бу ерда кўрарман деб, сира хаёлига келтирмаган эди. Шу сабабли Нехлюдовнинг пайдо бўлиб қолиши, даставвал уни жуда ҳайрон қилиб қўйди, то шу кунгача ҳеч қачон эсга олмаган нарсаларни хотирлашга мажбур қилди. Маслова дастлабки дақиқаларда шу нарсаларни ғира-шира эслади: бир вақтлар уни севган ва севилган бу кўркем йигит унга янги мўъжизакор ҳис ва фикрлар дунёсини очиб берган эди, кейин йигит негадир шафқатсизлик қилиб уни ташлаб кетди, сеҳрли бахтнинг оқибати шу бўлдики, Маслова қатор-қатор хўрлик ва таҳқирларга дучор бўлди. Маслованинг кўнгли

вайрон бўлиб кетди. Аммо буни тўғри тушуниб ололмай, бошқа вақтларда қандай қилган бўлса, ҳозир ҳам шундай қилди: бу хотираларни ўзидан нари ҳайдади ва уларни фоҳиш ҳаётнинг ўзига хос пардаси билан хаспўшлашга ҳаракат қилди. Дастлаб у ҳозир ёнида ўтирган киши билан бир вақтлар жонидек кўрган йигит иккиси бир одам деб тасаввур қилди, лекин унинг кўнгли бузилди. Шундан кейин Маслова бу киши билан у йигит иккиси бир одам деб ўйламади. Маслованинг назарида, энди бу озода кийинган, соч-соқолига атир сепилган олифта киши бир вақтлар севган Нехлюдов эмас эди. Маслова учун энди бу киши хоҳлаган пайтида Маслова сингари аёллардан фойдаланиб юрган одамлардан бири эди. Маслова сингари аёллар эса бундай кишилардан, иложи борича, фойда кўриб қолишга ҳаракат қиларди. Шунинг учун ҳам Маслова унга жозибатор табассум қилди. У Нехлюдовдан қандай қилиб фойдаланиб қолишни ўйлаб жим бўлиб қолди.

– Бўлар иш бўлди, – деди Маслова, – мана, каторгага ҳукм қилиб ҳам юборишди.

Шу даҳшатли сўзларни айтганида унинг лаблари титраб кетди.

– Сизнинг бегуноҳ эканлигингизни билардим, – ишончим комил эди, – деди Нехлюдов.

– Бегуноҳман, албатта. Наҳотки мен ўғирлик қилсам ё товламачи бўлсам. Биздагиларнинг айтишича, ҳаммаси адвокатга боғлиқ эмиш, – деб давом этди у. – Ариза бериш керак дейишади. Фақат, айтишларига қараганда, жуда қимматга тушар эмиш...

– Албатта, ариза бериш керак, – деди Нехлюдов. – Мен оқловчи билан гаплашдим.

– Пулни аямаслик керак, яхшисини олиш керак, – деди у.

– Нимаики қилиш мумкин бўлса, ҳаммасини қиламан. Орага сукунат чўқди.

Маслова яна боягидек табассум қилиб қўйди.

– Мен сиздан... агар иложи бўлса, пул сўрамоқчи эдим. Кўп эмас... ўн сўм, ортиқ керак эмас, – деди у тўсатдан.

– Албатга, албатга, – деди Нехлюдов хижолат чекиб, сўнгра ҳамёнига қўл узатди.

Маслова камерада у ёқдан бу ёққа юриб турган назоратчига ялт этиб қараб қўйди.

– Унинг олдида берманг, нарироқ кетганда беринг, йўқса олиб қўйишади.

Нехлюдов мутасадди нари ёққа қараши билан ҳамёнини чиқарди, аммо ўн сўмлик қоғоз пулни узатишга улгурмасидан мутасадди яна улар томонга ўтирилди. У пулни маҳкам ғижимлаб олди.

У, бир вақтлар шу қадар диловар, эндиликда мурдор<sup>1</sup> бўлган лўппи юзга, назоратчини ва унинг пул ғижимлаган қўлини кузатиб турган, қандайдир хунук ялтираётган қора ғилай кўзга қарар экан:

«Ахир, одамгарчиликдан чиққан хотин бу», – деб ўйлади ва бир лаҳза иккиланиб қолди.

Ҳар вақтдагидек, нима қилмоқ керак, деган саволдан уни чалғитиб, шу қилган ишининг оқибати нима бўлади ва қайси бири фойдали деган саволни берувчи, кеча кечаси уни васвасага солган куч Нехлюдовнинг кўнглида тилга кирди.

«Бу хотинни ҳеч нима қила олмайсан, – дерди ўша овоз, – фақат ўз бўйнини бир оғир тош бойлаб оласан. Шу тош сени чўктириб юборади, бошқаларга фойда келтиришини халақит беради. Қўлига ёнинидаги бор-йўқ пулнинг ҳаммасини бергин, хайрлаш, шу билан ишни бир ёқли қилиб қўя қолсанг-чи?»

Аммо шу заҳотиёқ, худди шу топда, шу лаҳзада кўнглида қандайдир муҳим бир нарса содир бўлаётганини, ўзининг ички дунёси шу топда тарозининг палласидай лопиллаб турганини, сал тегиб кетилса ё у, ёки бу томонга босиб кетишини ҳис этди. Шундай қилиб у, кеча кўнглида ҳис этган раҳмонни чорлаган эди, у шу заҳоти акси садо берди. Нехлюдов шу топдаёқ дилидагининг ҳаммасини айтиб солишга қарор қилди.

– Катюша! Сенинг ёнинида афв сўраб келдим, сен эса

<sup>1</sup> Мурдор (арабча) – воқоқ, ҳаром.

афв этдингми, вақти келганда афв этасанми, шуни айтмадинг, – деди у тўсатдан сенсираб.

Унинг гапи Маслованинг қулоғига кирмасди. У гоҳ Нехлюдовнинг қўлига, гоҳ назоратчига қарарди. Назоратчи орқасини ўтириши билан Маслова дарҳол унга қўлини узатди, пулни ола солиб камарининг тагига қистирди.

– Қизик гапларни гапирасиз-а, – деди у жилмайиб, Нехлюдовнинг назарида, у нафрат билан жилмайгандек туюлди.

Нехлюдов Масловада, мана шу ҳозирги ҳолатдаги Масловани ҳимоя этувчи, унинг қалбига таъсир этишга ҳалақит берувчи, ўзига душман бир нарса борлигини ҳис этди.

Аммо қизиги шундаки, бу уни Маслонадан нафратлантирмас, балки аввалгидан ортиқ ўзига тортарди. У Масловани руҳан уйғотиши кераклигини, буни амалга ошириш жуда қийин эканлигини тушунарди; бу ишдаги ана шу қийинчилик уни қизиқтирарди. Нехлюдовнинг Масловага нисбатан бўлган ҳозирги ҳисси шундай эдики, Нехлюдов ҳеч қачон на Масловага нисбатан ва на бошқа одамга нисбатан шундай нарсани ҳис этмаган эди. Унинг ҳиссиётида тарикча бўлсин, шахсий ғараз йўқ эди. Нехлюдов Маслонадан бирон манфаат кўришни хаёлига ҳам келтирмасди. Ҳозир у фақат бир нарсани истарди: Маслова ҳозирги аҳволдан қутулса, уйқудан кўзи очилса, аввал қандай бўлса, шундай бўлиб қолса.

– Катюша, нега бундай дейсан? Ахир, мен сени яхши биламан-ку. Ҳалиям ёдимда, ўшанда, Пановода...

– Ўтганни эслашнинг нима кераги бор, – деди Катюша куруккина.

– Мен қилган гуноҳимни юмшатиш, ювиш учун эслаяпман, Катюша, – деб гап бошлади Нехлюдов, кейин унга уйланмоқчи эканлигини айтмоқчи эди ҳамки, Маслованинг кўзига кўзи тушди ва унинг боқишларида қандайдир даҳшатли, хунук ва жиркантирувчи бир ифодани кўрди-да, гапи оғзида қолди.

Шу маҳал кўргани келганлар чиқиб кета бошлади.

Мутасадди Нехлюдовнинг ёнига келди-да, учрашув муддати тугаганини айтди. Маслова ўрнидан турди, қачон киритиб юборишларини итоткорлик билан кута бошлади.

– Хайр, сизга жуда кўп айтадиган гапларим бор эди, лекин кўриб турибсизки, ҳозир иложи йўқ, – деди Нехлюдов кўлини узатаркан. – Мен яна келаман.

– Ҳаммасини айтдингиз чоғи...

Маслова кўлини узатди-ю, лекин уни қисмади.

– Йўқ, сиз билан гаплашиб олиш мумкин бўлган жойда яна учрашишга ҳаракат қиламан. Сизга айтмоқчи бўлган энг муҳим гапимни ўшанда айтаман, – деди Нехлюдов.

Маслова эркакларга ёқишни истаган пайтида қандай табассум қилса, шундай жилмайиб:

– Нима ҳам дердим, келаверинг, – деди.

– Сиз мен учун сингилдан ҳам яқин одамсиз, – деди Нехлюдов.

– Қизик-а, – деб такрорлади Маслова, кейин бошини сарак-сарак қилиб панжара ортига ўтиб кетди.

## XLIV

Нехлюдов биринчи учрашув пайтида, Маслова мени кўриб, ўзига хизмат қилмоқчи эканлигини билгач ва афсусланаётганимдан хабардор бўлгач, севиниб, ийиб кетади ва яна аввалги Катюша бўлади-қолади, деб ўйлаган эди. Кейин қарасаки, Катюшадан асар йўқ, фақат Маслова қолибди. Бу қол уни жуда ҳайрон қилиб қўйди, ваҳмини келтирди.

Нехлюдовнинг жуда ҳайратга солган нарса шу эдики, Маслова ўзининг шу кўйга тушиб қолганидан сира уялмас эди. Йўқ, маҳбусликдан эмас (маҳбус эканлигидан уяларди), фоҳиша эканлигидан сира-сира уялмас эди, қайтага шундай эканлигидан мамнундек, ҳатто фахрланаётгандек кўринарди. Зотан бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Ҳар қанақа одамнинг бир иш қилиш учун, аввало, шу ишини жуда муҳим ва яхши деб ҳисобламоғи лозим. Шу сабабли

одам қай алпозда бўлмасин, у турмуш ҳақида шундай бир хулосага келиб қўядики, назарида, ўзининг фаолиятини муҳим ва яхши деб билади.

Одатда, ўғри, қотил, жосус, фоҳиша ва ҳоказолар ўз касбларини ёмон деб ҳисоблаб ор қилишлари керак, деб ўйлайдилар. Аслида, шунинг тамомила акси бўлади. Тақдир ва гуноҳлари – хатолари туфайли бир алпозга тушиб қолган кишилар, тутаётган ишлари қанчалик нотўғри бўлмасин, турмуш ҳақида шундай бир хулосага келиб қўйган бўладиларки, назарларида, ҳозирги тутган ўринлари ва қилаётган ишлари яхши ва эътиборли бўлиб кўринади. Шу фикрлари йўққа чиқмаслиги учун одамлар, беихтиёр, турмуш ҳақидаги фикрларини тан оладиган ва ўзларининг унда тутган ўринлари яхши эканлигини инкор этмайдиган кишилар доирасидан чиқмасликка ҳаракат қиладилар. Ўғрилар эпчилликлари, фоҳишалар бузукликлари, қотиллар бағритошликлари билан мақтанишса, биз танг қоламиз. Биз бу аҳволга шунинг учун ҳам танг қоламизки, бу одамлар яшаган доира, муҳит жуда чекланган, биз эсак шу муҳитдан четдамиз. Лекин шуниси ҳам борки, бойларнинг ўз бойлиги, яъни таловчилиги билан мақтангани, лашкарбошиларнинг ўз ғалабалари, яъни қонхўрликлари билан мақтангани, ҳокимларнинг ўз қудратлари, яъни зўравонликлари билан мақтангани шу ҳодисанинг худди ўзгинаси эмасми? Бу одамларнинг ҳаётида ўз мавқеларини оқлаш учун ҳаёт ҳақидаги, эзгулик ва ёвузлик ҳақидаги тушунчани бузаётганликларини кўрмаслигимизнинг сабаби шундаки, шу тариқа тушунчаси бузуқ кишилар доираси катта, бунинг устига ўзимиз ҳам худди шу тоифа одамларданмиз.

Маслова ҳам ҳаётга ва ўзининг дунёда ишғол этган мавқеига нисбатан худди шундай тушунча ҳосил қилган эди. У каторгага ҳукм этилган фоҳиша эди. Аммо шунга қарамай, шундай фикрга келиб қўйган эдики, бу билан у ўз ишини маъқуллай олар, ҳатто ўзининг мавқеи билан одамлар олдида мағрурлана олар эди.

Унинг дунёқараши куйидагилардан иборат эди: барча эркаклар, ҳеч бир мустасносиз, кексалар, ёшлар, гимназист-

лар, генераллар, ўқимишлилар, саводсизларнинг – ҳамма-хаммасининг бахт-саодат деб билган нарсаси кўҳликкина хотинлар билан жинсий алоқада бўлишдан иборат бўлиб, ҳамма эркаклар ўзларини бошқа иш билан машғул қилиб кўрсатсалар-да, аслида, фақат битта нарсани, шунигина истайдилар. У – кўҳлик хотин, хоҳласа уларнинг шу истакларини қондиради, хоҳламаса йўқ, бундан чиқди у ҳам эътиборли, ҳам зарур одам. Маслованинг аввалги ва ҳозирги ҳаёти бу тасаввурнинг ҳақчилигини тўла-тўқис тасдиқларди.

Ўн йил давомида у қаерда бўлмасин, ҳамма ерда, Нехлюдовдан тортиб становой чол-у турма назоратчисигача, ҳамма эркакларнинг унга зорлигини кўрарди. Катюша ўзига эҳтиёжи бўлмаган кишиларни кўрмасди ҳам, назар-писанд қилмасди ҳам. Шунинг учун ҳам, унинг назарида, бутун дунё ўлиб-кутулиб ўз ҳирсини қондиришга уринаётган одамлардан, қўлидан келган йўл билан: алдаш, зўрлик қилиш, сотиб олиш, ҳийлакорлик йўли билан уни қўлга туширишга ҳаракат қилувчи одамлардан иборат эди.

Маслова ҳаётни ана шундай тушунар ва ҳаётни бундай тушуниш натижасида у ўзини кераксиз одам эмас, балки зарур одам деб ҳисобларди. Шундай қилиб Маслова, ҳаётни шу тарика тушунишни ҳамма нарсадан афзал кўрарди. Шу тарика тушунчани қадрламай ҳам иложи йўқ эди. Чунки ҳаётни шу тарика тушунишдан воз кечса, бу тушунча туфайли одамлар ичида ўзини қадрли деб ҳисоблаб юрган Маслова ўша кадрини йўқотиб қўйган бўларди. Ўзининг ҳаётидаги кадрини йўқотиб қўймаслик учун ҳам у беихтиёр, ҳаётга худди ўзи сингари қарайдиган одамлар доирасидан четга чиқмас эди. Нехлюдов уни тамомила бошқа бир оламга олиб чиқмоқчи бўлаётганини ҳис қилгач эса унга қаршилиқ кўрсата бошлади, чунки Нехлюдов бошлаб бормоқчи бўлган ўша бошқа оламда ўз ўрнини йўқотиб қўйиши мумкинлигини сезарди, бу ҳаёти ўзига ишонч ва ҳурмат бахш этарди. Ёшлиқ чоғидаги хотираларни ва Нехлюдов икковининг ўртасида илк муносабатларни эсламасликка ҳаракат қилишнинг сабаби ҳам шунда эди. У хотиротлар Маслованинг ҳозирги дунёқарашига тамомила зид бўлгани учун ҳам



бутунлай ёдидан кўтарилиб кетган, тўғрироғи, хотирасининг бир чеккасида сақланар эди-ю, лекин асаларилар бутун қилган меҳнатларини қуртлари зое кетказиб қўймаслиги учун, уларнинг йўлини беркитиб, қуртларининг устидан суваб ташлагандек, суваб қўйилган эди. Шу сабабдан ҳам ҳозирги Нехлюдов Катюша учун бир вақтлар соф муҳаббат билан севган киши эмас, фойдаланиб қолиши мумкин бўлган бир бадавлат жаноб эди, холос, барча эркаклар билан қандай муносабатда бўлса, бу билан ҳам муносабати худди шундай эди.

«Йўқ, энг муҳим гапни айта олмадим, унга уйланмоқчи эканлигимни айтмадим. Айтмаган бўлсам ҳам, шу аҳдимнинг устидан чиқаман», – деб ўйларди Нехлюдов ҳамма билан бирга чиқиб кетаётди.

Назоратчилар эшикнинг икки томонида туриб, бирон киши ортиқ чиқиб кетмасин ё ортиқча бирон одам турмада қолиб кетмасин деб, чиқиб кетаётганларни икки кишилашиб санашарди. Санаб туриб орқасига шапиллатиб уриб қўйишгани бу гал Нехлюдовни таҳқирламади, у ҳатто буни пайқамасди ҳам.

## XLV

Нехлюдов катта уйини ижарага қўйиб, хизматчиларни бўшатиб юбормоқчи, ўзи меҳмонхонага кўчиб ўтмоқчи, шу тариқа ҳаёт тарзини ўзгартирмоқчи бўлди. Аммо Аграфена Петровна то қишгача турмушини ўзгартиришга ҳеч қандай асос йўқлигини исбот этди, аввало, ёзда ижарага ўтирадиганлар топилмайди, бундан ташқари, мебель ва буюмларни сақлаш учун, яшаш учун ҳам жой керак. Шундай қилиб, Нехлюдовнинг ҳаёт тарзини ўзгартириш учун қилган барча уринишларидан (у талабалар сингари оддийгина кун кечирмоқчи эди) ҳеч нарса чиқмади. Аҳвол аввалгидай қолгани бир сари, бунинг устига уйда иш қизиби кетди; жун

ва мўйна<sup>1</sup> буюмларини ёйиш, шамоллатиш, қоқиш бошланди. Бу ишда қоровул ва унинг ёрдамчиси, ошпаз ва шахсан Корнейнинг ўзи иштирок этди. Дастлаб, ҳеч қачон ва ҳеч ким киймаган аллақандай мундирлар ва ғалати мўйна буюмларни олиб чиқиб арқонга оса бошладилар, кейин гиламлар ва мебелларни олиб чиқишди. Қоровул билан ёрдамчиси шу буюмларни энгларини шимаришиб мушакдор қўллари билан бир мақомда қоқа бошладилар, ҳамма хоналарни нафталин<sup>2</sup> иси босиб кетди. Нехлюдов ховлидан ўтиб кета туриб, баъзан эса деразадан қараб бисотидаги буюмларнинг кўплигига ҳайрон қоларди. Бунинг устига биронтасининг ҳам кераги йўқ эди. «Мана шу нарсалар, – деб ўйларди Нехлюдов, – Аграфена Петровна, Корней, швейцар, унинг ёрдамчиси ва ошпаз хотиннинг машқ қилиб туриши учунгина ярайди».

«Маслованинг иши бир ёқли бўлмайд туриб, турмушимни ўзгартиришнинг кераги йўқ, – деб ўйларди Нехлюдов. – Бу – осон гап эмас. Масловани чиқариб юборишса ёки сургун қилишса, ҳаммаси ўз-ўзидан ўзгаради. Мен унинг кетидан жўнайман».

Нехлюдов адвокат Фанарин белгилаган куни уйига борди. Нехлюдов адвокатнинг уйига борганда унинг қабулхонасида, худди докторларникидаги сингари, навбат кутиб ўтирган арзгўйларни кўрди. Адвокатнинг ажойиб ўсимликлар ўсган, деразаларига антиқа дарпардалар осилган ҳашаматли уйдаги қимматбаҳо буюмлар уй эгасининг бебилиска<sup>3</sup> пул топиб, тўсатдан бойиб кетганини кўрсатарди. Арзгўйлар эрмак учун столдаги сурадли журналларни варақлаб ўтиришарди. Баланд стол ёнида ўтирган адвокат ёрдамчиси Нехлюдовни таниб олдига келди, у билан кўришди-да, ҳозир кириб бошлиғига хабар беришини билдирди. Аммо ёрдамчи кабинет эшигига етмасданок, эшик

<sup>1</sup> Мўйна (форсча) – тукка, жунга алоқадор; жундан, жумли теридан қилинган.

<sup>2</sup> Нафталин (юнонча: parhtha – нефть) – ароматик углеводород. Рангсиз, ўзига хос ҳидли пластинкасимон кристалл.

<sup>3</sup> Бебилиска – 1) осонлик билан меҳнат-машаққатсиз топилган; 2) текин ва ҳисобсиз; 3) пала-партиш, бетартиб; режасиз (бу ерда шу маънода).

очилиб кетди, яп-янги кўйлак кийган, мўйловдор, юзи қипқизил, миқтидан келган, ўрта яшар кишининг Фанарин билан куйиб-пишиб гапиришаётгани эшитилди. Иккови ҳам фойдали, лекин хунук бир ишни битирган кишилар қиёфасида эди.

– Айб ўзингизда, тақсир, – дерди Фанарин жилмайиб.

– Гулни орзу қиламан-у, лекин тикани бор-да.

– Кўйинг-э, билмайди дейсизми.

Иккови ҳам зўрма-зўраки кулиб қўйишди.

– Э, князь, келинг-келинг, – деди Фанарин Нехлюдовни кўриб қолиб, кейин чиқиб кетаётган савдогарга яна бир бор бош ирғаб қўйди-да, Нехлюдовни ишбилармон кишининг кабинети сингари жиҳозланган бўлмасига бошлаб кирди. – Марҳамат, чекинг, – деди адвокат Нехлюдовнинг рўпарасига ўтираётди. У олдинги иш муваффақиятли битта-нидан таноби қочган оғзини йиғиштириб ола олмасди.

– Раҳмат, Маслованинг иши юзасидан келган эдим.

– Ҳа, эсимда, ҳозир. Жуда муттаҳам-да бу пулдор одамлар! – деди у. – Ҳалиги шоввозни кўрдингизми? Ўн икки миллионча пули бор. Яна: лекин дейди. Агарда йигирма беш сўмлигингизни олишга кўзи етса, тиши билан суғуриб олади.

Нехлюдов, гапининг оҳанги билан икковимиз бир тоифадан, келаётган арзгўйлар ва бошқалар, бошқа бир тоифадаги одамлар, деб гап маъқуллаштишга уринган бу бетакаллуф кишидан нафратланиб: «У лекин», – дейди, сен эса: «Йигирма беш сўмлик», – дейсан, деб ўйларди.

– Мени жуда қийнаб юборди, учига чиққан муттаҳам экан. Сиз билан бир отамлашай деган эдим-да, – деди адвокат асосий масаладан четга чиқиб кетганини оқлаш учун. – Хў-ўш, энди сизнинг ишингизга келсак... Мен уни диққат билан ўқиб чиқдим. Тургенев айтганидек, «ушбунинг мазмунини маъқул кўрмадим». Яъни адвокат жуда бўш экан, шикоятга сабаб бўлувчи бахоналарни қўлдан чиқариб юборибди.

– Хўш, энди нима қилмоқчисиз?

– Ҳозир. Унга айтингки, – деди у кириб келган

ёрдамчисига, – мен нима деган бўлсам, шундай бўлади, хоҳласа, хўп; хоҳламаса, ўзи билади.

– Рози бўлмаяпти.

– Рози бўлмаса, ундан нари, – деди адвокат. Унинг хушчақчақ ва очик чехраси ўзгариб, ковоғи осилиб кетди.

– Адвокатлар текин пул топадилар дейишади, – деди у боягидек хушчақчақ кўринишга тиришиб. – Бир камбағал бечора қарздорни ноҳақ айбланишдан қутқариб қолган эдим, энди ҳаммаси менга югуради. Ҳар битта ишни битиришга озмунча куч керакми! Ахир, биз ҳам, бир ёзувчи айтганидек, юрагимизнинг қони билан ёзамиз. Шундай қилиб, сизнинг ишингиз, тўғрироғи сизни қизиқтирган иш, – деб давом этди у, – жуда ёмон олиб борилган, шикоят ёзиш учун баҳона қолма-уриниб кўриш мумкин. Мана, ёзганимни эшитинг.

У тўлдириб ёзилган бир варақ қоғоз олди-да, баъзи расмий сўзларни ямлаб, бошқаларини виқор билан ўқий бошлади.

– «Жиноий ишлар шикоят департаментига<sup>1</sup> фалон-писмадончидан ариза. Фалон-писмадон суднинг ҳукмига асосан, Маслова савдогар Смелковни заҳарлаб ўлдиришда айбдор ҳисобланиб, қонунлар тўпламининг 1454-моддасига асосан фалонча йилга қаторга ишига ҳукм этилган ва ҳоказо, ва ҳоказо».

У жим бўлиб қолди; бунга жуда одатланиб қолган-лигидан қатъи назар, у ўзи ёзган аризани ўзи ҳузур қилиб тинглар эди.

«Бу ҳукм жуда муҳим процессуал хато ва бузишлар натижасидир, шу сабабли, – деб давом этди у дабдабали қилиб, – бекор этилиши лозим. Биринчидан, суд тергови давомида Смелковнинг ички аъзоларини текширув далолатномаи ўқила бошлаган заҳоти раис ўқишни тўхтатиб

<sup>1</sup> Департамент (французча: департемент – бошқарма, идора) – 1) Францияда ва бошқа айрим мамлакатларда энг йирик маъмурий-худудий бирлик; 2) баъзи мамлакатларда, жумладан Ўзбекистонда, маҳкама, идора ва вазирликлар ёки улар таркибидagi бўлинмаларнинг номи (бу ерда шу маънода); 3) баъзи халқаро ташкилотларнинг бўлими ва шохобчалари.

қўйган, бу – бир».

– Айбловчи ўқиб эшиттиришни талаб этган эди-ю, – деди Нехлюдов хайрон бўлиб.

– Барибир, адвокат ҳам шуни талаб этишга ҳақи бор эди.

– Лекин бунинг ҳеч кераги йўқ эди.

– Ҳар нима бўлса ҳам баҳона-да. У ёғини эшитинг: «Иккинчидан, Маслованинг адвокати, – деб ўқишда давом эди у, – Маслованинг шахсини тавсифлаш пайтида, унинг бундай тубан тушувининг ички сабаблари ҳақида гапира бошлаганда суд раиси, бу гапларнинг ишга дахли йўқ, – деган баҳона билан тўхтатган. Ваҳоланки, сенатнинг дастуриламалларида, жинойи ишларини кўришда судланувчининг феъл-атвори ва маънавий киёфаси унинг жавобгарлигини аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга, деб кўрсатиб ўтилади, бу – икки», – деди у Нехлюдовга бир қараб.

– Адвокат жуда ёмон гапирган эди-да, гапини ҳатто тушуниб ҳам бўлмаган эди, – деди Нехлюдов боягидан баттар хайрон бўлиб.

– Ўзи кўп бефаросат одам, ундан ақллироқ гап чикмайди, – деди Фанарин кулиб, – ҳар нима бўлса ҳам баҳона-ку. Хўш, ундан кейин. «Учинчидан, раис ўзининг охирги сўзида жинойи ишларни кўриш уставининг 801-модда 1-бандида қатъий талаб этилишига қарамай, суд маслаҳатчиларига айбдорлик қандайин юридик элементлар йиғиндисидан иборат бўлишлигини тушунтирмаган, ҳамда Маслованинг Смельковга захар берганлигини исбот қилинган деб ҳисоблаган тақдирда ҳам, Маслова одам ўлдиришга қасд қилмаганлигини назарда тутиш кераклигини, уни жинояткорликда айбламаслик, эҳтиётсизлик қилганлиги туфайли савдогарнинг ўлимига беихтиёр сабаб бўлиб қолганлигини таъкидлаб ўтиш лозимлигини айтмаган». Энг муҳими – ана шу.

– Буни ўзимиз ҳам тушунишимиз мумкин эди. Бу бизнинг хато.

– «Ниҳоят, тўртинчидан, – деб давом этди адвокат, – судьянинг Маслова гуноҳқорми, бегуноҳми деган саволига

суд маслаҳатчилари бир-бирига зид бўлган жавоблар берган. Маслова Смельковни ғараз билан қасддан заҳарлаб ўлдиришда айбланган, суд маслаҳатчилари эса берган жавобларида Маслованинг ёмон ниятда эканлигини, савдогарнинг нарсаларини ўтиришда иштирок этганини инкор этганлар. Бундан, суд маслаҳатчилари судланувчининг қотиллигини ҳам инкор этмоқчи бўлганлар, деган хулосага келиш мумкин. Раиснинг охириги сўзи тўлиқ бўлмаганлиги учун маслаҳатчилар бу фикрларини тўла-тўқис баён этмаганлар, шу сабабдан уларнинг бу жавоби жиноий ишларни кўриш Уставининг 816-ва 808-моддасини қўлланишни талаб этарди, яъни раис суд маслаҳатчиларига ўз хатоларини тушунтириши, қайтадан мажлис куриб судланувчининг гуноҳкор, бегуноҳлиги ҳақидаги саволга қайтадан жавоб беришни улардан талаб этиши керак эди», – деб ўқиди Фанарин.

– Раис нега шундай қилмаган бўлмаса?

– Негалигини мен ҳам билишни истар эдим! – деди Фанарин кулиб.

– Бинобарин, сенат бу хатони тузатар экан-да?

– Бу иш кўрилатганда қандай худойихўрлар иштирок этишига боғлиқ.

– Қанақа худойихўрлар?

– Шу маҳқамадаги худойихўрлар. Хўш, энди бу ёғини эшитинг: «Ана шу сабабларга биноан, – деб тез-тез ўқий бошлади у, – Масловани жиноий жавобгарликка тортиш учун судда асос йўқ эди. Жиноий ишларни кўриш Уставининг 771-модда 3-бандининг Масловага нисбатан қўлланилиши ҳозирги жиноий ишларни кўриш жараёнларимизнинг асосий қондасини қўпол равишда бузади. Юқорида санаб ўтилган асосларга кўра ва ҳоказо, ва ҳоказо, жиноий ишларни кўриш Уставининг 909, 910-моддалари, 912-модданинг 2-банди ва 928-моддага асосан ва ҳоказо, ва ҳоказо, ушбу ишни қайта кўриб чиқиш учун ўша суднинг бошқа бир бўлимига юборишларингизни сўрайман». Шундай, қўлимдан келганининг ҳаммасини қилдим. Лекин очигини айтман, ютиб чиқишимиз эҳтимолдан узок. Шундай бўлса ҳам, масала сенат департаментининг таркибига боғлиқ. Агар

танишингиз бўлса, ҳаракат қилиб кўринг.

– Бир-иккита танишим бор.

– Ҳаракатингизни тезроқ қилинг, йўқса ҳаммалари бавосирини<sup>1</sup> даволагани кетиб қолишади, унда яна уч ой кутиб қолишга тўғри келади... Агар иш ўнғидан келмай қолса, олий ҳазратларига ариза ёзиш керак бўлади. Бу ҳам махфий суратда ёрдам берувчиларнинг топилишига боғлиқ. Бу ҳолда ҳам хизмат қилишга, яъни махфий суратда эмас, балки ариза ёзиб беришга тайёрман.

– Кўп раҳмат, гонорарингиз<sup>2</sup> қанча...

– Ёрдамчим аризани оққа кўчириб беради, ўшанда айтади.

– Яна бир нарсани сўрамоқчи эдим: прокурор турмада ўша одам билан кўришишга рухсатнома берди, турмадагилар эса белгиланган кун ва жойдан ташқари кунларда учрашиш учун губернаторнинг<sup>3</sup> рухсати бўлиши керак дейишади. Шу керакми?

– Ҳа, керак бўлади. Аммо ҳозир губернатор йўқ, ўринбосари ишляпти. Шундай кип-қизил аҳмоқки, у билан бир иш чиқаришингиз қийин.

– Масленниковни айтяпсизми?

– Ҳа.

– Мен уни танийман, – деди Нехлюдов. Кейин чиқиб кетмоқчи бўлиб ўрнидан турди.

Шу маҳал хонага пучуқ, орик, ўлгудек хунук, ранги сап-сарик кичкинагина хотин – адвокатнинг хотини тез-тез юриб кирди. У ўзининг бедаволигидан тарикча хафа бўлмаса

<sup>1</sup> **Бавосир** (*арабча*) – тўғри ичакнинг ва орқа чиқарув йўли веналарининг кенгайиши ҳамда тугунчалар ҳосил бўлиши натижасида пайдо бўладиган касаллик.

<sup>2</sup> **Гонорар** (*юнонча*: honorarium – хизмат хақи, мукофот) – ёзувчилар, рассомлар, олимлар ва шу қабиларга шартнома бўйича бажарилган иши учун тўланадиган пул; қалам хақи.

<sup>3</sup> **Губернатор** (*лотинча*: gubernator – ҳукмдор, бошлик) – 1) Россияда 1917-йилга қадар губернада олий ҳукумат амалдорининг – губерна бошлиғи; 2) ҳозирги бир қатор федератив давлатларда (Россия Федерацияси, АҚШ, Буюк Британия, Дания ва бошқа) сайлаб қўйиладиган олий маъмурий шахснинг; вилоят, штат, графлик маъмуриягининг бошлиғининг; 3) йирик ҳудудий бирликлар ёки колонияларда марказий ҳокимият томонидан тайинланадиган маъмурий бошлиғининг.



хам керак. Адвокатнинг хотини жуда ғалати кийинган эди, унинг устига ҳам баркут, ҳам шоҳи, ҳам сарик, ҳам кўк матолар-ташланган эди, сийрак сочлари ҳам жингалак килинган бўлиб, шоҳи ёқалик сюртук кийган, оқ галстук таққан, жилмайиб турган юзи заъфарон новча киши билан бошлашиб кирди. Бу киши ёзувчи эди, Нехлюдов уни узоқдан таниди, – Анатолий, – деди хотин эшикни очаётиб, – юр менинг хонамга. Семен Иванович шеърини ўқиб бермоқчи, ундан ташқари, ўзинг ҳам, албатта, Гаршин<sup>1</sup> ҳақида ўқиб беришинг керак.

Нехлюдов чиқиб кетмоқчи бўлган эди, лекин адвокатнинг хотини эри билан пичирлашиб олди-да, шу заҳоти унга гап қотди:

– Марҳамат, князь, мен сизни танийман, шунинг учун ҳам бир-биримиз билан таништиришларини ортикча деб биламан, бизнинг адабий эрталигимизга иштирок этинг. Жуда мароқли. Анатолий ўқишга жуда уста.

Анатолий қўлларини кериб жилмаяр экан, шундай гўзал хонимнинг илтимосини қайтариб бўладими дегандек хотинини кўрсатиб:

– Мана шу сингари ҳар хил ишлар бошимдан ошибтошиб ётибди, – деди.

Нехлюдов маъюс ва жиддий қиёфада, тавозе билан адвокатнинг хотинига ташаккур билдирди, иложи йўқлигини айтиб уэр сўради-да, қабулхонага чиқди.

Нехлюдов чиқиб кетгандан кейин адвокатнинг хотини:

– Мунча олифтагарчилик, килади! – деди у тўғрида.

Қабулхонада адвокатнинг ёрдамчиси Нехлюдовга тайёр аризани олиб чиқиб берди-да, Нехлюдовнинг гонорар тўғрисидаги саволига Анатолий Петрович минг сўм белгилаганини айтиб, аслида, Анатолий Петрович бундай ишларни олмаслигини, фақат унинг учун қилаётганини таъкидлаб ўтди.

– Арзномага ким қўл қўяди энди? – деб сўради

---

<sup>1</sup> Всеволод Михайлович Гаршин (1855-1888) – рус ёзувчиси ва шоири.

Нехлюдов.

– Судланувчининг ўзи қўл қўйиши керак. Агар бунинг иложи бўлмаса, ундан ишонч қоғози олиб, Анатолий Петрович ўзлари қўл қўйсалар ҳам бўлади.

Нехлюдов Масловани белгиланган кундан олдин кўришга баҳона топилганидан севиниб:

– Йўқ, ўзим бориб қўл қўйдириб келаман, – деди.

## XLVI

Одатдагидек, қамоқхона йўлакларида назоратчиларнинг ҳуштаги чуруллади; йўлак ва камераларнинг эшиги шарақ-шуруқ қилиб очилди, яланг оёқларнинг шипиллагани, ёғоч кавушларнинг пошнаси дўқиллагани эшитилди, кейин йўлакни саситиб парашачилар ўтиб кетишди: маҳбуслар ва маҳбус аёллар кийинишиб, йўқламадан ўтиш учун йўлакка чиқдилар, йўқламадан кейин эса чой дамлаш учун қайноқ сув олиб келгани тарқалдилар.

Шу бугун чой маҳалида, авахтанинг ҳамма камераларида, бугун икки маҳбуснинг калтакланиши ҳақида ҳовлиқиб гапиришарди. Ўша маҳбуслардан бири, хат-саводи чиққан йигит, рашк устида ўйнашини ўлдириб қўйган приказчик Васильев эди. Хушчақчақлиги, очикқўллиги, бошлиқларга нисбатан қаттиқ туриши туфайли камерадаги ўртоқлари уни яхши кўришарди. Васильев қонун билар ва уни тўғри ижро этишни талаб қиларди. Шу сабабдан бошлиқлар уни кўрарга кўзлари йўқ эди. Бундан уч ҳафта муқаддам назоратчи янги мундирига карам шўрва тўкиб юборгани учун парашачини урган. Васильев маҳбусни уриш қонунда йўқ, деб парашачининг ёнини олган. Назоратчи: «Мен сенга қонунни кўрсатиб қўяман», – деб кичкирган, Васильевни сўккан. Васильев ҳам индамай турмаган, у ҳам сўккан. Шунда назоратчи уни урмоқчи бўлган, аммо Васильев унинг қўлини маҳкам чангаллаб олган ва уч дақиқача шундай ушлаб турган, қайириб туриб итариб эшиқдан чиқариб юборган. Назоратчи шикоят қилган, шундан кейин мутасад-

ди Васильевни карцерга қамашни буюрган.

Карцер, устидан тамбалаб қўйиладиган бир қатор коронғи хужра эди. Қоп-коронғи, совуқ карцерда на каравот, на стол ва на стул бор эди, бу ерга қамалган киши ифлос ерда ўтирар ёки ётарди. Карцерда каламуш шу қадар кўп, улар шу қадар дадил эдиларки, бу ерга қамалган кишининг устидан сакраб ўтар, ўрмалаб юрар эдилар. Қоронғида нонни улардан асрашнинг иложи йўқ эди. Каламушлар маҳбуснинг ёнгинасида турган нонни еб қўяр, мабодо қимирламай ётгудек бўлса, ҳатто ўзига ҳам ташланар эдилар. Васильев бегуноҳ бўлгани учун карцерга бормаслигини айтган. Уни зўрлаб судрай бошлаганлар. У қаршилик кўрсата бошлаган, икки маҳбус унга назоратчилардан қутулиб қолишга ёрдам берган.

Назоратчилар йиғилишган, улар ичида зўрлиги билан машҳур бўлган Петров ҳам келган. Маҳбусларни карцерга итариб киритишган. Шу заҳоти губернаторга, исёнга ўхшаш бир воқеа содир бўлди, деб хабар беришган. Кейин юқоридан икки асосий айбдорга – Васильев билан саёқ Непомняшчийга ўттиз таёқдан урилсин, деган буйруқ келган.

Жазолаш аёлларнинг учрашув хонасида ўтказилиши лозим эди.

Бу нарса авахтадагиларнинг ҳаммасига кеча кечкурундан бери маълум бўлиб, камераларда дув-дув гап юрар эди.

Кораблева, Хорошавка, Федосья ва Маслова аллақачон ароқ ичиб олиб, ўз бурчакларида кип-кизаришиб, қизишиб ўтиришарди. Энди Масловада ароқнинг кети узилмас, у дугоналаридан ароқни сира аямасди. Ҳозир улар чой ичишиб ўтираркан, шу тўғрида гаплашишарди.

Кораблева маҳкам тишлари билан қанддан китдай-китдай тишлаб олиб:

– Ахир, у жанжал чиқаргани йўқ-ку, – деярдди. – Ниҳоят, ўртоғининг ёнини олди. Ҳозир ҳеч ерда маҳбусни урсин дейилмаган.

Чойнак турган сўрининг каршисида палён<sup>1</sup> устида ўтирган узун сочли Федосья:

– Ўзини жуда яхши йигит дейишади, – деб қўшиб қўйди.

– Қани энди, унга айтсак, Михайловна, – деди қоровул хотин Маслолага юзланиб. «Унга» деганда Нехлюдовни назарда тутган эди.

Маслова бошини силкитиб:

– Айтаман. Оғзимдан чиққанини тиллодан битади, – деди жилмайиб.

– Қачон келади энди, улар эса йигитни олиб келгани кетишганмиш, – деди Федосья, – шўри курсин, – деб қўшиб қўйди у хўрсиниб.

Қоровул хотин узундан узун бир воқеани ҳикоя қила бошлади.

– Менам бир маҳал волостда бир дехқонни калтаклашганини кўргандим. Қайнотама старшинага бориб кел деб юборган эди. Борганимни биламан, бундай қарасам...

Юқори йўлақдан келган овозлар ва оёқ товушлари қоровул хотиннинг ҳикоясини бўлди.

Аёллар жим бўлиб, диққат билан кулоқ сола бошлашди.

– Судраб кетишди аблаҳлар, – деди Хорошавка. – Энди ўлгудай калтаклашади. Назоратчиларга кун бермас эди, энди ундан тоза ўч олишади-да.

Юқори йўлак сув куйгандек жимжит бўлиб қолди. Қоровул хотин волостда бир омборда дехқонни савалашганда қўрқиб кетгани, юраги кинидан чиқиб кетай деганини гапириб ҳикоясини тамомлади. Хорошавка эса Шчегловни қамчин билан савалашганда ҳам миқ этмаганини сўзлаб берди. Кейин Федосья дастурхонни йиғиштирди, Қораблева билан қоровул хотин тикишга тушди. Маслова эса нима қилишини билмай, сўрида тиззасини кучоқлаганича, зерикиб ўтирди. У энди ётиб ухламоқчи бўлиб турган ҳам эдики, назоратчи хотин уни чақириб, бир одам келиб идорада кутиб

<sup>1</sup> Палён (русча: полено – «ёрилган гўла, тараша») нинг бузилган шакли) – гўланинг ёриб ажратилган бир бўлаги.

турганини айтди.

Маслова ярмидан ортиқ сири кўчиб кетган ойна олди-да дуррасини тузатар экан:

– Биз тўғримизда ҳам гапириб қўй, – деди унга Меньшова деган кампир, – биз ўт кўйганимиз йўқ. Ўша аблаҳ ўлгурнинг ўзи ўт кўйган, хизматкори ҳам кўрган; менинг болам бундай ишни қилиб диёнатини ютмайди. Унга айтгин, Митрийни чақирсин. Митрий ипидан-игнасигача гапириб беради; бизни қамаб қўйишган, биз бундан бутун беҳабар, у эса бировнинг хотини билан айшини суриб ётибди, қовоқхонама-қовоқхона кезади.

– Ноҳақлик бу! – деб маъқуллади Кораблева.

– Айтаман, албатта, айтаман, – деб жавоб қайтарди Маслова. – Дадилроқ бўлиш учун озгина ичиб олсаммикан, – деб кўшиб қўйди у кўзини қисиб.

Кораблева ярим стакан қуйиб берди. Маслова ичиб олди, лабини артди-да, кайфи чоғ бўлиб «дадилроқ бўлиш учун» деган сўзларини такрорлай-такрорлай, бошини чайқаб қўйди-да, жилмайиб назоратчи хотин кетидан эргашиб йўлак бўйлаб кетди.

## XLVII

Нехлюдов даҳлизда анчадан бери кутиб турарди. У қамоқхонага етиб келганидан кейин, кўча эпигининг қўнғирогини шинғирлатди, сўнгра, навбатчи назоратчига прокурорнинг ижозатномасини узатди.

– Сизга ким керак?

– Маслова деган маҳбусни кўрмоқчиман.

– Ҳозир мумкин эмас: мутасадди банд.

– Идорасидами? – деб сўради Нехлюдов.

– Йўқ, шу ерда, учрашув хонасида, – деб жавоб берди назоратчи. Нехлюдовнинг назарида, у хижолат тортаётгандек кўринди.

– Бутун қабул кунлари эмас, шекилли?

– Йўқ, бошқа иш чиқиб қолди, – деди у.

– Уни қандай қилиб кўrsa бўлади?

– Ҳозир чиқадилар, шунда айтасиз. Шошмай туринг.

Шу пайт ён томондаги эшик очилиб уқаси ярқираган, ёришган юзи кулиб турган, мўйлови тамаки тутунидан сарғайиб кетган фельдфебель<sup>1</sup> чиқиб келди-да, назоратчига қараб, қатъий гапира кетди:

– Нега бу ерга киритдингиз?... Идорага...

Фельдфебелнинг ҳам негадир ташвишланаётганини сезиб хайрон бўлган Нехлюдов:

– Менга мутасадди шу ерда деб айтишган эди, – деди.

Шу маҳал ичкари эшик очилди-да, терлаб-пишиб кетган Петров чиқиб келди.

– Эсидан чиқмайдиган бўлди, – деди у фельдфебелга қараб.

Фельдфебель кўзи билан Нехлюдовга имо қилган эди, Петровнинг дами ичига тушиб, ковоғи солинган ҳолда, орқа эшикдан чиқиб кетди.

«Кимнинг эсидан чиқмайдиган бўлди? Нега ҳаммалари бу қадар хижолат? Фельдфебель нега унга имо қилиб қўйди?» деб ўйларди Нехлюдов.

– Бу ерда кутиш мумкин эмас, идорага киринг, – деди фельдфебель Нехлюдовга. Нехлюдов энди чиқиб кетмоқчи бўлиб турган ҳам эдики, орқа эшикдан мутасадди чиқиб келди. У ёрдамчиларидан ҳам кўпроқ хижолат эди. У хўрсиниб-хўрсиниб кўярди. Нехлюдовга кўзи тушиши биланок назоратчига қараб:

– Федотов, бешинчи аёллар камерасидаги Масловани идорага чақир, – деди.

– Марҳамат қилсинлар, – деди у Нехлюдовга юзланиб. Улар тик зинадан чиқиб, битта деразали кичкина хонага киришди. Хонада битта ёзув столи ва бир неча стул бор эди. Мутасадди ўтирди.

– Вазифамиз оғир, жуда оғир, – деди Нехлюдовга ёнидан йўғон папиросини чиқарар экан.

<sup>1</sup> Фельдфебель (немисча) – дарбний унвон ва дивозим. Россияда (1917-йилгача) ва баъзи Европа давлатларида мавжуд бўлган. Ҳозирги вақтда нисбатан катта сержант унвонига тўғри келади.

– Чарчаган кўринасиз, – деди Нехлюдов.

– Хизматдан чарчадим, вазифамиз жуда оғир. Қисматларини енгиллаштирмоқчи бўлсанг, тескариси келиб чиқадди; қандай қилиб бўшаб кетишни ўйлайдиган бўлиб қолдим; вазифамиз оғир, жуда оғир.

Нехлюдов мутасадди учун хизматининг оғирлиги нимадан иборат эканлигини билмасди, аммо бугун кайфи қандайдир бошқача эканини, ғамгин ва умидсиз эканини кўриб турарди.

– Ҳа, мен ҳам шундай деб ўйлайман, оғир бўлса керак, – деди у. – Шу ишнинг бахридан кечсангиз бўлмайдимиз?

– Маблағим йўқ, қандай кун кўраман. Жўжабирдек жонман.

– Сизга оғирлик қилса...

– Лекин сизга шунисини ҳам айтайки, ишқилиб, кўлимдан келганча ёрдам бериб тураман. Менинг ўрнимда бошқа одам бўлганда эди аҳвол бутунлай бошқача бўларди. Икки мингдан ортиқ жон билан муомала қилиш ҳазил гапми, яна қанақа одамлар денг. Ким билан қандай муомала қилишни билиш керак. Улар ҳам одам, раҳминг келади, лекин эрк бериб ҳам бўлмайди.

Мутасадди яқинда маҳбуслар орасида муштлаш бўлганини, унинг ўлим билан тугаганини сўзлаб берди. Назоратчи билан Маслованинг кириб келиши унинг ҳикоясини бўлиб қўйди.

Нехлюдов Катюшани эшикка етиб келиши биланок кўрган эди, Маслованинг ҳали мутасаддига кўзи тушгунича йўқ, бети кип-қизил эди. Маслова назоратчининг кетидан дадил юриб келар, ҳадеб бошини чайқар, юзидан табассум аримас эди. Мутасаддига кўзи тушгач, Маслова така-пука бўлиб, унга тикилиб қолди-ю, лекин шу захоти ўзини тутиб олиб Нехлюдовга дадил ва хушчақчақлик билан гапира бошлади.

Жилмайиб туриб:

– Салом, – деди чўзиб, сўнгра Нехлюдовнинг кўлини қаттиқ силкитиб кўришди, ўтган сафар бундай қилмаган эди.

Нехлюдов Маслованинг бу гал дадил кутиб олаётга-



нига хайрон бўлиб:

– Сизга қўл қўйдиргани манови аризани олиб келган эдим, – деди. – Адвокат аризани ёзиб берди, унга имзо чекиш керак. Кейин Петербургга юборамиз.

– Ҳай, майли, қўл қўйвораверамиз. Ҳаммаси мумкин, – деди у бир кўзини қисиб, жилмайиб.

Нехлюдов чўнтагидан тахланган қоғозни олди-да, стол ёнига келди.

– Шу ерда қўл қўйиш мумкинми? – деб сўради Нехлюдов мутасаддидан.

– Бу ёққа кел, ўтир, – деди мутасадди, – мана сенга ручка. Қўл қўйишни биласанми?

– Бир вақтлар билардим, – деди Маслова ва жилмайиб туриб, юбкасини, кофтасининг енгини тузатди, стол ёнига ўтирди-да, серҳаракат кичкинагина қўли билан ручкани бесўнақай ушлади, кейин кулиб юбориб, Нехлюдовга ўтирилиб қараб қўйди.

Нехлюдов қаерга нима деб ёзиш кераклигини кўрсатди.

Маслова ручкасини аввал сиёҳга ботириб, кейин силкитиб, ўз исмини ёзди.

У гоҳ Нехлюдовга, гоҳ мутасаддига қараб, ручкани гоҳ сиёҳдонга, гоҳ қоғоз устига қўятуриб:

– Бошқа ҳеч нарса керак эмасми? – деб сўради.

– Сизга айтадиган гапларим бор эди, – деди Нехлюдов унинг қўлидан ручкани олар экан.

– Майли, гапира қолинг, – деди у. Тўсатдан, алланарсани ўйлагандек ёки уйқуси келиб қолгандек, жиддий бўлиб олди.

Мутасадди ўрнидан туриб чиқиб кетди. Нехлюдов Маслова билан юзма-юз ёлғиз қолди.

Масловани бошлаб келган назоратчи столдан нари-  
роқдаги дераза тоқчасига ўтирди. Нехлюдов учун ҳал қилув-  
чи пайт келган эди. У, ўша биринчи учрашувда, Масловага  
энг муҳим гапни – унга уйланмоқчи эканини айтмагани  
учун, зўр бериб ўзини ўзи койир эди. У ҳозир ўша гапларни  
айтишга қатъий қарор қилди. Маслова столнинг нариги  
томонида ўтирарди. Нехлюдов унинг рўпарасига келиб  
ўтирди. Хона ёруғ эди. Нехлюдов шундай яқиндан туриб  
унинг юзини, кўзи атрофидаги ажинларини, ковокларининг  
шишинкираганини биринчи марта кўрди, Масловага аввал-  
гидан баттар раҳми, келиб кетди.

Нехлюдов дераза ёнида ўтирган, соқолига оқ орала-  
ган, яҳудийбашара назоратчи гапимни эшитмасин деб кўли-  
ни столга тираб, фақат Маслова эшитадиган қилиб гапира  
бошлади:

– Агар бу аризамизнинг натижаси яхши чиқмаса, олий  
ҳазратларига ариза берамиз. Иложи борича, ҳаракат қила-  
миз.

– Бошида адвокат дуруст бўлганида эди... – деди  
унинг гапини бўлиб Маслова. – Қаёқдаги бир тентак ҳимоя-  
чига рўпара бўлиб қолдим. Менга гап отишдан бошқани  
билмайди, – деди-да, кулиб юборди. – Сизга таниш экан-  
лигимни ўшанда билишганда ҳам бошқачароқ бўларди. Йўқ-  
са мени ўғри деб ўйлашади.

«Бугун жуда ғалати-я», – деб ўйлади Нехлюдов. Энди  
гапирмоқчи бўлиб турган ҳам эдики, Маслова яна гапира  
бошлади.

– Бир гапим бор эди. Бизда битта кампир бор, била-  
сизми, ҳамма ҳайрон. Шундай яхши кампирки, бегуноҳдан  
бегуноҳ ўтирибди – ўзиям, ўғлиям; бегуноҳлигини ҳамма  
билади, уларни эса ўт кўйишда айблашиб, қамаб қўйишиб-  
ди. Ўша кампир менинг сиз билан танишлигимни эшитиб  
қолибди, – деди Маслова бошини қимирлатиб, унга қараб  
қўйиб, – энди десангиз: «Унга айт, ўғлимни чакиртиришсин,  
ҳаммасини гапириб беради», – деяпти. Уларнинг фамилияси

Меньшов. Нима, ёрдам қиласизми? Шундай ажойиб кампирки, кўяверасиз; бекордан бекорга ўтиргани кўриниб турибди. Айланай, бир ҳаракат қилиб кўринг, – деди Маслова унга бир қараб олиб, кўзини ерга тикиб жилмаяр экан.

Нехлюдов Маслованинг бетакаллуф гаплашаётганига хайрати ортиб:

– Хўп, суриштириб биламан, ҳаракат қиламан, – деди.

– Аммо ҳозир сиз билан ўз ишим ҳақида гаплашмоқчи эдим. Ўтган гал гапирган гапларим эсингиздами? – деди у.

– Жуда кўп гапирдингиз. Айтгандек, ўтган гал нима девдингиз? – деди у ҳамон жилмаяр экан бошини гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа ўгириб.

– Сиздан афв сўраб келдим, деган эдим, – деди Нехлюдов.

– Нукул афв эт, афв эт дейсиз, нима кераги бор шу гапларнинг... ундан кўра...

– Гуноҳимни юваман деган эдим, – деб давом этди Нехлюдов. – Сўз билан эмас, иш билан кўрсатмоқчиман буни. Сизга уйланмоқчиман.

Маслованинг юзида кўрқув аломати пайдо бўлди. Филай кўзлари бир нуқтага тикилиб қолди, унга қараётганини ҳам, қарамаётганини ҳам пайқаб бўлмасди.

– Бунинг нима кераги бор яна? – деди у жаҳл билан қовоғини солиб.

– Худо олдида шундай қилишим кераклигини ҳис этиб қолдим.

– Яна қанақа Худо топиб олдингиз? Нукул аллақаяёқдаги гапларни гапирасиз-а. Худо дейсизми? Қанақа Худо? Ундан кўра ўшанда Худони ёд қилсангиз бўлмасмиди, – деди-да, у оғзини очганича тўхтаб қолди.

Фақат шундагина Нехлюдов унинг оғзидан вино ҳиди келаётганини ҳис қилди ва Катюшанинг ҳаяжонланаётганининг сабабини тушунди.

– Бироз тинчланинг, – деди Нехлюдов.

Маслова тўсатдан бидирлаб гапира бошлади:

– Тинчлан эмиш. Мени маст деб ўйлаясанми? Ҳа, мастман, лекин оғзимдан чиққан гапни билиб турибман, –

деди у қип-қизариб кетиб: – мен каторгачиман, мен ж..., сиз эса бексиз, князь, мени хотин қилиб ўзингни булгаб нима қиласан? Бор, ўша княжналаринг олдига, менинг нархим – бир червон.

– Ҳар қандай қаттиқ гапирсанг ҳам, мен ҳис этган нарсаларни айта олмайсан, – деди аста Нехлюдов титраб кетиб, – сенинг олдингда гуноҳкор эканлигимни қай даража ҳис этаётганимни хаёлингга ҳам келтира олмайсан!..

– Гуноҳкорлигимни ҳис этаман эмиш, – деди Маслова жаҳл аралаш мазах қилиб. – Ўшанда юз сўмни кистирганингда ҳис этмаган эдинг-ку, ма, ол, сенинг нархинг шу деб...

– Биладан, биладан, энди нима қилай? – деди Нехлюдов. – Энди сени ташлаб кетмасликка қарор қилдим, – деб такрорлади у, – айтганимнинг устидая чиқаман.

– Устидан чиқолмайсан, – деди-да, у қаттиқ кулиб юборди.

– Катюша! – деди Нехлюдов унинг қўлига тегиб.

– Қоч, тегма. Мен каторгачиман, сен князсан, бу ерда сента нима бор, – деб қичқирди у қўлини тортиб олиб. Жаҳли чиққан Маслова тамом ўзгариб кетган эди. – Сен мени орқа қилиб кутулиб қолмоқчисан-да, – деб давом этди у, кўнглига келган гапларни айтиб солиш учун шошиб. – Бу дунёда мендан лаззатланган эдинг, энди нариги дунёда ҳам мен орқали роҳат кўрмоқчимисан! Ўзингни ҳам, кўзойнагингни ҳам, семиз наҳс башарангни ҳам кўрарга кўзим йўқ. Йўқол, йўқол кўзимдан! – деб қичқирди Катюша ирғиб туриб.

Назоратчи улар ёнига келди.

– Нега жанжал қиляпсан! Бу нима қилиқ...

– Қўйинг, аралашманг, – деди Нехлюдов.

– Ўзини тутсин-да, – деди назоратчи.

– Хўп, хўп, ҳозир, – деди Нехлюдов. Назоратчи яна дераза томон кетди.

Маслова жойига ўтириб, кўзини ерга тикди, бармоқларини чалшптириб кичкинагина қўлларини қовуштириб олди.

Нехлюдов нима қиларини билмай унинг тепасида турарди.

– Менга ишонмаяпсан, – деди у.

– Уйланаман дейсиз, лекин икки дунёда бу ниятингизга етолмайсиз. Сизга теккандан кўра, ўзимни осиб ўлдираман! Вассалом.

– Барибир, хизматингда бўламан.

– Билганингизни қилинг. Фақат менга ҳеч нарсангиз керак эмас. Гапнинг очиги шу, – деди у. – Нега ўша маҳалда ўлиб кетмаган эканман-а? – деб қўшиб қўйди у ва ўқсиб йиғлаб юборди.

Нехлюдовнинг тили гапга келмай қолди. У Маслованинг кўз ёшларини кўриб қаттиқ таъсирланиб кетган эди.

Маслова бошини кўтариб унга қаради-да, хайрон бўлгандек, юзидан оқиб тушаётган кўз ёшларини дурраси билан арта бошлади.

Назоратчи яна уларнинг олдига келди, вақт тугаганини эслатди. Маслова ўрнидан турди.

– Ҳозир асабийлашиб турибсиз. Агар хўп десангиз, эртага келаман. Унгача сиз бир ўйлаб кўрарсиз, – деди Нехлюдов.

Маслова жавоб қайтармади, унга қарамасдан назоратчи кетидан чиқиб кетди.

Маслова камерага қайтиб киргач:

– Ишларинг энди беш, – деди Кораблева. – Сенга ошиқи-бекарор бўлиб қолганга ўхшайди; вақти ғаниматда фойдаланиб қол. Ишингни тўғрилаб беради. Бойларнинг қўлидан ҳар иш келади.

– Гапнинг очигиям шу, – деди қоровул кампир жангдор овоз билан. – Камбағалнинг қўли қиска, бадавлат одамнинг оғзидан чиққани тиллодан битилади, – бизда худди шунақа бир мўътабар одам шундай бир иш қилдики, жонгинам...

– Хўш, менинг ишим тўғрисида гаплашдингми? – деб сўради кампир.

Аммо Маслова дугоналарига жавоб қилмади. У ғилай кўзларини бир бурчакка тикканича кечгача ётди. Унинг

кўнглида оғир кураш борарди. Нехлюдов айтган гаплар у азоб чеккан ва кейин тушунмасдан, нафратланиб ташлаб чиқиб кетган одамни яна хотирига туширган эди. Маслова илгари ҳаммасини унутиб юборган бўлса, ҳозир ўша ҳолатидан уйғонган эди. Ўша бўлиб ўтган нарсалар эсида равшан сақланиб қолар экан, яшаш жуда оғир эди. Кечқурун у яна вино сотиб олди ва дугоналари билан бирга роса ичди.

## XLIX

Нехлюдов қамоқхона дарвозасидан чиқар экан, бутун қилган қилмиши нақадар зўр гуноҳ эканлигини фақат шу топдагина чуқур англаб: «Э, ҳали шунақа экан-да... Шунақа экан-да...» – деб ўйларди. Агар у қилган гуноҳини ювмоқчи бўлмаганда эди, ўша ўз қилмишлари нақадар зўр жиноят эканлигини англамаган бўларди; у ҳам майли-я, Маслова ҳам ўзига ўтказилган жабрни ҳис этмаган бўларди. Мана энди ҳаммаси юзага чиқиб, бутун даҳшати билан намоён бўлди. Бу хотиннинг кўнглини вайрон қилганини Нехлюдов энди пайқади, Маслованинг ҳам энди кўзи очилди, эндигина тушунди. Илгари Нехлюдов ўзининг тавба қилаётганидан завқланаётган бўлса, энди бу ҳол уни даҳшатга соларди. Масловани энди ташлаб кета олмас, буни у ҳис этарди, аммо ш.у билан бирга, Масловага бўлган муносабатидан нима келиб чиқишини тасаввур эта олмас эди.

Эшиқдан чиқиб кетаётганида Нехлюдовнинг ёнига хоч ва медаллар таккан, ёқимсиз, кўринишидан муғамбир назоратчи келди-да, яшириқча хат берди.

– Бир аёлдан, сиз жаноб олийларига... – деди у Нехлюдовга узата туриб.

– Қанақа аёл?

– Ўқисангиз биласиз. Сиёсий маҳбус. Мен ўшаларга қараб тураман. Шу хатни мендан илтимос қилган эди. Бунга ижозат берилмаса-да, одамгарчилик юзасидан... – деди ясама овоз билан назоратчи.

Нехлюдов сиёсий маҳбусларни кузатиб туриш учун

қўйилган назоратчининг қамоқxonанинг ўзгинасида, ҳамма-нинг кўз олдида хат бераётганига жуда ҳайрон қолган эди; у маҳалларда Нехлюдов бу кишининг ҳам назоратчи, ҳам ай-ғоқчи эканлигини билмас эди. Шундай қилиб, у хатни олди ва турмадан чиққач ўқиди. Эпчилик билан, қаттиқлик бел-гиси қўйилмай ёзилган ушбу хатда куйидагиларни ўқиди:

«Сизнинг, бир жиний маҳбус аёлнинг тақдири билан қизиқиб, қамоққа келиб турганингизни эшитиб, сиз билан учрашгим келиб қолди. Мен билан учрашувни илтимос қи-линг. Сизга рухсат беришади, мен ҳимоянгиз остидаги одам учун ҳам, бизнинг гуруҳимиз учун ҳам муҳим нарсаларни айтаман. Сиздан мингдан минг миннатдор Вера Богодуховская».

Вера Богодуховская бир вақтлар Нехлюдов ўртоқлари билан айиқ овига бориб қолган узок Новгород губерниясида муаллималик қиларди. Шу ўқитувчи қиз, курсга ўқишга жўнаб кетиш учун пул беришини сўраб Нехлюдовга муро-жаат қилган эди, Нехлюдов унга керакли пулни берган, кейин уни унутиб юборган эди. Энди билса, ўша хоним сиёсий жинояткор бўлиб чиқибди, қамалибди. Мана энди у шу ерда Нехлюдов воқеасини эшитиб, унга ўз хизматини тавсия этаётган эди. Ў вақтларда ҳамма нарса нақадар енгил ва осонликча битар эди. Эндиликда, ҳаммаси оғир ва мурак-каб. Нехлюдов қувонч билан ўша вақтларни ва Богодуховс-кая билан танишганини эслади. Бу воқеа темир йўлдан олтмиш чақиримча ичкариликда, масленица<sup>1</sup> арафасида бў-либ ўтган эди. Ов жуда яхши ўтиб, иккита айиқни ўлди-ришган эди. Энди овқатланиб бўлиб, жўнаб кетамиз деб туришганда, улар тушган уй эгаси кириб келди-да, дьякон-нинг қизи келганини ва князь Нехлюдов билан кўришмоқчи эканини айтди.

– Ўзи яхшигинами? – деб сўради аллаким.

– Қўйинглар-э! – деди Нехлюдов, юзига жиддий тус берди-да, оғзини артиб ўрнидан турди. Кейин дьяконнинг

<sup>1</sup> Масленица – шарқий славянларнинг кишининг туталлиши ва баҳорнинг бошланиши туфайли ўтказиладиган байрам.



қизига нега керак бўлиб қолганига хайрон бўла-бўла, мезбоннинг уйига қараб кетди.

Хонада наMAT<sup>1</sup> шляпа, пўстин кийган, қотмадан келган, хунуккина қиз турарди. Унинг керилган қошлари остидаги кўзларигина чиройли эди.

– Мана, Вера Ефремовна, гаплаш энди булар билан, – деди уй эгасининг кампири, – князь шу киши бўладилар, мен чиқиб кета қолай.

– Хизмат? – деди Нехлюдов.

– Мен... мен... Сиз жуда бойсиз, бўлмагур нарсаларга, овга пул харжлайсиз, биламан, – деб гап бошлади қиз хижолат тортиб, – менга эса фақат бир нарса керак – одамларга фойда келтиришни хоҳлайман-у, лекин ҳеч нарса чиқара олмайман. Нимага деганда, ҳеч нарса билмайман.

Қизнинг кўзлари ростгўй, мулойим эди. Унинг бутун қиёфаси, ҳам қатъийлиги, ҳам тортинчоқлиги шу қадар таъсир этдики, Нехлюдов (унда шундай аҳвол юз бериб турарди), бирдан қизнинг аҳволига ўзини қўйиб кўрди-да, илтимосига тушунди, раҳми келди.

– Мендан нима истайсиз?

– Мен муаллимаман, курсга киргим келади-ю, лекин мени юборишмаяпти. Йўқ, улар-ку юборишга юборишяпти-ю, лекин пул керак. Менга пул бериб туринг, курсни тугатганимдан кейин тўлайман. Бадавлат кишилар айиқ ўлдиришади, деҳқонларни ичириб маст қилишади – назаримда, бўлмагур иш булар. Бир яхшилик қилишса, нима бўлибди? Менга фақат саксон сўм керак. Бермасангиз, бермай қўя қолинг, менга барибир, – деди у жаҳл билан.

– Нега энди, иона қилишга қулай фурсат топилгани учун сиздан миннатдорман, қайтага... Ҳозир олиб келаман, – деди Нехлюдов.

У даҳлизга чиқди, бу ерда уларнинг гапларига қулоқ солиб турган ўртоғини кўриб қолди. У ўртоқларининг ҳазилига қулоқ солмай, сумкасидан пул олди-да, қизга олиб бориб берди.

<sup>1</sup> Намат (форса) – юнган босиб ишланган; кигиз.

– Марҳамат, миннатдорчиликнинг сира-сира кераги йўқ. Мен сизга миннатдорчилик билдиришим керак.

Ана шуларни эслар экан, Нехлюдовнинг кўнгли очилар эди; бир офицер ўртоғи бу воқеани хунук бир ҳазилга айлантирмоқчи бўлганида, у билан уришиб қолай деганини, бир ўртоғи унинг тарафини олганини, шу баҳона билан бу ўртоғига жуда яқинлашиб қолганини, овнинг яхши ўтганини, кечаси темир йўл станциясига қайтаётганида вақти чоғ бўлганини эслаш напъали эди. Чаналар жуфт-жуфт бўлишиб, тор йўлдан турнақатор бўлиб, баъзан баланд дарахтлар, баъзан буталар, қор босган арчалар оралаб борарди. Овчиларнинг биронтаси хушбўй папиросини тутатар, коронгида чўғи йилтираб кўринарди. Айиқ овлашда ёрдамлашган Осип тиззасигача қорга ботиб у чанадан бу чанага ўтиб юрар, қор кечиб, тоғтеракларнинг пўстлоғини ғажиб юрган буғулар, чуқур уяларига кириб олиб, пиш-пиш ухлаб ётган айиқлар ҳақида ҳикоя қиларди.

Нехлюдов ана шуларнинг ҳаммасини, айниқса, соғломлиги, куч-қувватга тўлганлиги, беғамлигини, ўзини бахтли сезганини эслади. Ўпкалар совуқ ҳаво билан нафас олар, пўстинлар таранг бўлиб турар, дўға тегиб кетган шохлардан юзларга қор тўкилади. Бадани иссиққина, бетлари муздакқина, кўнглида на ғам, на ташвиш, на кўрқув ва на истак бор. Қандай яхши эди-я! Энди-чи? Э парвардигор, буларнинг ҳаммаси нақадар оғир, нақадар машаққатли!..

Вера Ефремовна инқилобчи бўлса керак. Энди ўша инқилобий ишлари туфайли қамоққа олинган. У билан учрашиш керак. У Маслованинг аҳволини қандай қилиб яхшилаш кераклиги тўғрисида маслаҳат бермоқчи эди.

## L

Эртасига эрталаб уйғониб, Нехлюдов кеча бўлган воқеани эслади-да, кўркиб кетди.

Аммо бу даҳшатга қарамай, у бошлаган ишини давом эттиришга ҳар қачонгидан ҳам қаттиқроқ бел боғлади!

Нехлюдов бўйнидаги шу бурчини ҳис этиб, уйдан чиқди ва қамоқхонада Масловадан ташқари яна Меньшова деган кампир билан ўғлини ҳам кўришга ижозат беришини сўраш учун Масленниковникига жўнади. Бундан ташқари, у Богодуховская билан учрашишга ҳам руҳсат сўрамоқчи эди. Богодуховскаянинг Масловага фойдаси тегиб қолиши мумкин-ку, ахир.

Нехлюдов Масленниковни кўпдан бери, полкда хизмат этган чоғидан, буён биларди. Масленников у маҳалда полк газначиси бўлиб ишларди. У хушфеъл, ишчан, дунёда полк ва подполик хонадонидан бошқа ҳеч нарсани тан олмайдиган офицер эди. Энди Нехлюдов Масленниковни учратган маҳалда у полкни ташлаб, губерния ва губернияни бошқариш билан банд бўлган маъмур эди. У бадавлат ва шаддод бир хотинга уйланган эди. Уни ҳарбий хизматдан фуқаро хизматига кўчишга мажбур қилган ҳам шу хотин эди.

У зрини ром қилинган ҳайвонидек эркалар, эрмак қиларди. Нехлюдов ўтган йили қишда уларникида бир марта бўлган эди. Лекин бу эр-хотин унга ёқмади, шундан кейин уларникига оёқ босмади.

Масленников Нехлюдовни кўриб, оғзи қулоғига етди. Унинг юзи ҳамон аввалгидек гўштдор ва кип-қизил, гавдаси басавлат, худди ҳарбий хизматдагидек башанг кийинган эди. Ҳарбий хизматда у ҳамма вақт озода, сўнгги модада тикилган мундир ёки тужурка<sup>1</sup> кияр эди; энди у сўнгги модада тикилган фуқаролик кийими кийган, кўкрагини кўтариб юрувчи савлатдор киши эди. Ҳозир унинг эғнида вицмундир. Иккаласининг ёши бир-бириникидан анча фарқ қилсада, (Масленников қирқларга бориб қолган эди) улар сенсирашиб гаплашишарди.

– Келиб яхши қилибсан, юр, хотинимнинг олдига қирайлик. Мажлис олдидан ўн дақика бўш вақтим бор. Бошлиғим кетиб қолган. Ҳозир губернияга ўзим бошлиқман, – деди у хурсандлигини яширолмай.

<sup>1</sup> Тужурка – одатда икки бортли эркакча устжи қалта кийим.

– Сенга бир иш билан келдим.

Масленников тўсатдан сергакланиб, чўчигандек:

– Нима гап? – деди катъий қилиб.

– Қамоқда мени қизиқтирган бир одам бор (қамоқ сўзини эшитиб Масленниковнинг юзи яна жиддийлашди), мен у билан умумий хонада эмас, идорада, белгиланган кунлардан ташқари кунларда ҳам учрашиб туришни истар эдим. Ҳаммаси сенинг қўлингда экан, деб эшитдим.

– Албатта, *mon cher*<sup>1</sup>, сен учун ҳар нима қилишга тайёрман, – деди Масленников иккала қўли билан Нехлюдовнинг тиззасига аста туртиб. Бу билан у ўзини камтарин қилиб кўрсатмоқчи эди, – тўғрилаш мумкин, лекин мен ҳам бир соатли халифаман.

– У билан учрашиб туриш учун қоғоз ёзиб бера оласанми, йўқми?

– Хотин кишими?

– Ҳа.

– Нега қамалган?

– Заҳарлашда айбланади. Лекин ноҳақ судланган.

– Ана сенга одил суд, *ils n'en font point d'autres*<sup>2</sup>, – деди у негадир французча. Биламан, менинг фикримга сен қўшилмайсан, лекин нима қилай, *c'est mon opinion bien arretee*<sup>3</sup> – деб қўшиб қўйди у, бир йилдан бери тескаричи, консерватив<sup>4</sup> газетада ўқиб билган фикрларини баён этиб. – Сенинг либераллигингни биламан.

Бирон кишини суд қилар эканмииз, аввало, унинг сўзини тинглаш керак, суд олдида барча баравар, одамларни умуман қийнамаслик ва урмаслик керак. Айниқса, судланмаган кишиларга сира азоб бермаслик керак деб юргани учун, уни либерал ва қандайдир бир партиёга тааллуқли деб билганларига ҳамма вақт хайрон бўлиб юрадиган Нехлюдов:

– Либералманми ё бошқаманми, билмадим, – деди

<sup>1</sup> *Mon cher* (французча) – азизим.

<sup>2</sup> *ils n'en font point d'autres* (французча) – шундан бошқага ярамайди булар.

<sup>3</sup> *C'est mon opinion bien arretee* (французча) – шунга катъий ишонаман.

<sup>4</sup> Консерватив (лотинча: conservator – сақловчи, химоя қилувчи) – консерватизмга тарафдорлик, эски, қолиб кетган тартибларни сақлашга интилиш.

жилмайиб. – Либералманми ё йўқми билмадим-у, лекин шунга аминманки, ҳозирги судлар қанчалик расво бўлмасин, бурунгидан кўра, ҳар ҳолда, анча дуруст.

– Оқловчиликка кимни олдинг?

– Фанаринни.

Ўтган йили судда шу Фанарин Масленниковни гувоҳ сифатида сўроқ қилиб ўтакетган назокат билан ярим соат мобайнида роса калака қилган эди. Масленников буни эслаб:

– Ҳе, Фанарин дегин! – деди юзини буриштириб. – Менга қолса, шу билан алоқа қилмаганинг маъқул, Фанарин – est un homme tare!<sup>1</sup>

– Яна бир илтимос, – деди Нехлюдов унга жавоб қайтармай. – Кўпдан буён бир муаллимани билардим. Жуда аяқчли аҳволда эди, ҳозир турмада экан, мен билан учрашувни истайди. Ёнига кириб чиқишга ижозатнома берасанми?

Масленников бошини бир томонга эгди-да, ўйланиб қолди.

– Сиёсий-маҳбусми?

– Ҳа, шунақа дейишган эди.

– Билиб қўй, сиёсий маҳбусларга фақат қариндош-уруғлари билан учрашувга рухсат берилади, лекин сенга умумий рухсатнома бераман. Je sais que vous n'abuserez pas<sup>2</sup> protegee-нинг исми нима?.. Богодуховская дедингми? Elle est jolie<sup>3</sup>.

– Hideuse<sup>4</sup>.

Масленников маъқулламагандек бош чайқаб қўйди-да, стол ёнига келиб, босма ҳарфлар билан сарлавҳа туширилган қоғозга тез-тез ёза бошлади: «Ушбуни кўрсаттувчи князь Дмитрий Иванович Нехлюдовга қамоқдаги мешчанка Маслова ва, шунингдек, фельдшер Богодуховская билан турма идорасида учрашиб туришга рухсат бераман». У ёзиб

<sup>1</sup> Est un homme tare (французча) – обрўси кетган одам.

<sup>2</sup> Je sais que vous n'abuserez pas (французча) – сенинг бундан суғиستهъмом қилмаслигингни биламан.

<sup>3</sup> Elle est jolie (французча) – чиройлими?

<sup>4</sup> Hideuse (французча) – бедаво.

бўлди-да, катта қилиб имзо чекди.

– Тартиб қанақалигини кўрасан. У ерда тартиб ўрна-тиш осон эмас. Нимага деганинда, тикилиб ётибди, айник-са, жўнатиладиганлар кўпайиб кетган, аммо мен жуда қаттиқ назорат қиламан, ўзим шу ишни яхши кўраман ҳам. Кўрасан, у ерда улар учун шароит яхши, ўзлариям жуда миннатдор. Фақат улар билан муомала қила билиш керак. Мана, яқинда итоатдан бош тортиш каби кўнгилсиз бир воқеа рўй берди, менинг ўрнимда бошқа одам бўлганда эди, буни исён деб ҳисоблар, кўпларни бахти қаро қилган бўларди. Биз эса ишни жуда силлиқ ўтказиб юбордик. Бир томондан ғамхўр, иккинчи томондан қаттиққўл бўлиш керак, – деди у олтин запонка тақилган оппоқ енг учидан чиқиб турган, фируза кўзли узук таққан семиз кўлини мушт қилиб, – ҳам ғамхўр, ҳам қаттиққўл бўлиш керак.

– Бунисини билмадим, – деди Нехлюдов, – мен у ерда икки марта бўлдим, менга жуда ёмон таъсир қилди.

– Биласанми нима? Графиня Пассек билан учраши-нинг керак, – деб давом этди гапга тушиб кетган Маслен-ников, – у шу ишга берилган. Elle fait beaucoup de bien<sup>1</sup> у туфайли сохта камтаринликни йиғиштириб қўйиб айтадиган бўлсам, мен сабабли кўп нарса ўзгариб кетди. Шундай ўзгаришлар киритилдики, ҳозир у ерда илгариги даҳшат-лардан асар ҳам қолмаган, маҳбуслар роҳат қилиб ётишиб-ди. Мана, ҳали кўрарсан. Фанарин эса уни шахсан танимай-ман, бундан ташқари жамиятдаги мавқеимиз ҳам тамомила бошқа-бошқа, лекин ўзи жуда бемаъни одам. Бунинг устига судда шундай валдирайдики, шундай валдирайдики...

Нехлюдов қоғозни олиб:

– Кўп раҳмат, – деди-да, унинг гапини охиригача тингламасдан собиқ ўртоғи билан хайрлашди.

– Хотинимнинг олдига кирмайсанми?

– Йўқ, кечирасан энди, ҳозир вақтим йўқ.

Масленников собиқ ўртоғини зинанинг биринчи май-дончасига кузатиб қўяр экан:

<sup>1</sup> Elle fait beaucoup de bien (французча) – кўп эзгу ишлар қилляпти.

– Мени сира кечирмайди-да, бу қилигинг учун, – деди... у иккинчи даражали деб ҳисоблаган одамларини ўша ергача кузатарди, Нехлюдовни ҳам шулар қаторида кўрарди.

– Кирсанг-чи, бир кириб чиқсанг-чи.

Аммо Нехлюдов сўзида қаттиқ туриб олди. Лакей билан швейцар югуриб ёнига келиб, бири пальтосини кийгазди, иккинчиси нариги томонида миршаб турган эшикни очди, Нехлюдов ҳозир сира иложи йўқлигини айтди.

– Унда пайшанба куни кел. Хотинимнинг қабул куни. Мен унга айтиб қўйман! – деб қичқирди Масленников зинадан туриб.

## LI

Нехлюдов ўша кунини Масленниковникидан чиқиб тўғри камоқхонага келди-да, мутасаддининг ўша таниш уйи томон йўл олди. Бу гал ҳам яна, ўтган галдагидек, бузук фортепиано товуши эшитилди. Лекин энди рапсодияни эмас, Клементи этюдларини, худди ўтган галдагидек қаттиқ-қаттиқ ва шиддат билан чалишарди. Кўзини боғлаб олган оқсоч эшикни очди-да, капитан уйдалигини айтиб, Нехлюдовни кичкинагина меҳмонхонага бошлаб кирди. Бу хонада диван, стол турар, жундан тўқилган сочиқ устига бир чеккаси куйган қоғоз қалпоқли каттакон чироқ қўйилган эди. Бош мутасадди чиқди. Унинг қиёфаси ҳорғин ва маъюс эди.

– Марҳамат, нима хизмат билан? – деди у мундирининг ўртадаги тугмасини қадай туриб.

– Вице-губернатор ёнида бўлган эдим, мана ижозатнома, – деди Нехлюдов қоғозни узата туриб. – Мен Масловани кўришни истайман.

– Марковани? – деб сўради мутасадди мусиқа товушидан унинг сўзини яхши эшитолмай.

– Масловани.

– Ҳа, шундай денг!

Мутасадди ўрнидан турди-да, Клементи мусиқаси эшитилаётган эшик ёнига борди.



– Маруся, бироз чалмай тур, – деди у, мусиқа жонидан тўйдириб юборгани товушидан билиниб турарди, – ҳеч нарса эшитиб бўлмаяпти.

Фортепиано жимиб қолди, нохуш оёқ товушлари эшитилди, аллақим эшикдан бошини чиқариб қаради.

Мутасадди ўртага тушган бу танаффусдан енгил тортгандек бўлди, тамакиси кучсиз йўғон папирос чека бошлади. Нехлюдовга ҳам папирос тутган эди, у рад қилди.

– Мен Масловани кўрмоқчи эдим.

– Масловани, бугун кўриб бўлмайди, – деди мутасадди.

– Нега?

– Ўзингиз айбдорсиз, – деди мутасадди кулимсираб. – Князь кўлига сира пул берманг. Агар бермоқчи бўлсангиз, менга беринг. Ҳаммаси ўзига тегади. Кеча пул берибсиз, шекилли, вино сотиб олибди, шу нарсани сира йўқ қилиб бўлмади-да. Бугун ғирт маст бўлиб, жуда тўполон қилди.

– Наҳотки?

– Худди шундай, ҳатто чора кўришга ҳам мажбур бўлдим – бошка камерага ўтказдим. Ўзи-ку мўмин-қобил хотинку-я, лекин илтимос қиламан, унга пул берманг. Булар шундай халқки...

Нехлюдов кечаги воқеани эслаб, уни яна даҳшат босди.

Нехлюдов бироз жим турди-да, кейин:

– Йўкса сиёсий маҳбус Богодуховскаяни кўрсам бўладими? – деб сўради.

– Майли, кўрса бўлади, – деди мутасадди. – Ҳа, нима қилиб юрибсан, – деди у хонага кириб келган беш-олти ёшлар чамасидаги қизчага. Қизча Нехлюдовдан кўзини узмай дадаси томон юриб келарди. – Ҳозир йикилиб тушасан, – деди мутасадди қизчанинг Нехлюдовга анқайиб, гиламчага қоқилиб кетиб дадасининг ёнига чопқиллаб келганига жилмайиб.

– Агар мумкин бўлса, бора қолай.

Мутасадди ҳамон Нехлюдовдан кўзини узмай, тикилаётган қизчани кучоқлаб туриб:

– Ҳа, мумкин, – деди-да, ўрнидан турди, кейин кизчасини мулойимлик билан секин четлатди-да, даҳлизга чиқди.

Мутасадди кўзи боғлиқ киз узатиб турган пальтосини кийиб эшикдан чикмасданок яна Клементи<sup>1</sup> мусикаси янграй бошлади.

– Консерваторияда ўқиётган эди, ҳозир у ерда тартибсизлик. Истеъдоди зўр, – деди мутасадди зинадан тушаётиб.

– Концертларда чиқиб чалмоқчи.

Мутасадди билан Нехлюдов камоқхонага яқинлашишди. Мутасадди яқин келиши биланок, эшик ўз-ўзидан очилиб кетди. Назоратчилар унга ҳақ беришиб, кўзлари билан кузатиб қолишарди. Сочининг ярми олинган, ёғоч пақирда алланима кўтариб келаётган тўрт киши йўлакда уларга дуч келиб қолди, мутасаддига кўзлари тушиши биланок ғужанак бўлиб кетишди. Уларнинг биттаси букчайиб олди, ковоғи солиниб, қора кўзлари ялтираб кетди.

– Истеъдодни, албатта, такомиллаштириш керак, беҳудага нобуд қилиш ярамайди, лекин шуниси борки, кичкинагина уйда жуда қийин, – деб гапиради давом этди мутасадди маҳбусларга парво қилмай. У ҳорғин кадам ташлаб, Нехлюдовга ҳамроҳ бўлиб умумий хонага кирди.

– Сиз кимни кўрмоқчи эдингиз? – сўради назоратчи.

– Богодуховскаяни.

– Юқори қаватда туришади. Бироз кутиб қолишга тўғри келади, – деди у Нехлюдовга.

– Унгача маҳбус Меньшовлар билан, ўт қўйишда айбланган она-бола билан учрашиш мумкин эмасмикан.

– Улар йигирма биринчи камерада туришади. Майли, чақиртириш мумкин.

– Меньшовни Камерасига кириб кўрсам бўладими?

– Умумий хонада гаплашганингиз яхшироқ.

– Йўқ, мен жуда қизиқаман-да.

– Нимасига қизиқасиз?

Шу маҳал ён томондаги эшикдан олифта ноиб офицер чиқди.

<sup>1</sup> Муцио Клементи (1752-1832) – итальян композитори.

– Князни Меньшовнинг камерасига олиб боринг. Йигирма биринчи камера, – деди мутасадди ноибга, – кейин идорага бошлаб келинг. Унгача мен чақиртираман. Исми нима эди унинг?

– Вера Богодуховская, – деди Нехлюдов.

Мутасаддининг ноиби оқ-сарикдан келган, мўйлови қоп-қора қилиб бўялган офицер эди. Ундан атир хиди анқиб турарди.

– Марҳамат, деди у Нехлюдовга мулойим жилмайиб.  
– Бизнинг маҳкама билан қизиқаркансиз-да?

– Ҳа, бундан ташқари, одамларнинг айтишича, бегуноҳдан бегуноҳ қамалган ўша одам билан ҳам қизиқаман.

Ноиб елкасини қисди.

У меҳмонни назокат билан олдинга, кенг, бадбўй йўлакка ўтқазиб юбориб:

– Ҳа, шунақаси ҳам бўлиб туради, – деди бепарвогина. – Ёлгонни қотирадиганлари ҳам бўлади. Марҳамат.

Камераларнинг эшиги очик эди. Бир неча маҳбус йўлакда турарди. Ноиб назоратчиларга сезилар-сезилмас бош иргатиб, деворга қисилиб ўз камераларига ўтиб кетаётган ёки қўлларини ёнларига қилиб, бошлиқларни кўзлари билан аскарчасига кузатиб қолаётган маҳбусларга кўз қири-ни ташлаб, Нехлюдовни бир йўлакдан олиб кетди, чап томондаги темир эшиги ёпиқ бошқа йўлакка олиб чиқди.

Бу йўлак биринчидан кўра қоронғироқ ва бадбўйроқ эди. Йўлакнинг икки томонида кичкинагина қулфлоглиқ эшиклар бор эди. Йўлакда маъюс, афти бужмайган, кекса назоратчидан бўлак ҳеч ким йўқ эди.

– Меньшов қайси бирида? – деб сўради ноиб.

– Чап томондан саккизинчиси.

## LII

– Қарасам майлими? – деб сўради Нехлюдов.

– Марҳамат, – деди ноиб мулойим жилмайиб, кейин назоратчидан алланямани сўрай бошлади. Нехлюдов бир туйнукдан мўраллади: камерада новча, бир тугам соқолли,

коп-қора бир йигит ич кийимда у ёқдан бу ёққа юриб турарди; эшик томондан шитир-шитир овоз эшитиб, шу ёққа бир қараб қўйди, қовоғини солди-да, яна бояғидек у ёқдан бу ёққа юра бошлади.

Нехлюдов бошқа туйнукка қаради: унинг кўзи ичкаридан қараб турган, қўркув тўла каттакон кўзга тушди; Нехлюдов дарров ўзини четга олди. Учинчи туйнукдан қараган эди, қаравотда халатига бурканиб, ғужанак бўлиб ухлаб ётган кичкина одамни кўрди. Тўртинчи камерада юзи ялшоқ, рангсиз киши бошини эгиб, тирсагини тиззасига тираб ўтирарди. Оёқ товушини эшитиб, у бошини кўтариб қараб қўйди. Унинг юзи, айниқса, катта-катта кўзларига қайғу хасрат чўккан эди. Камерасига қараётган киши ким экани уни заррача қизиқтирмасди. Ким қараса ҳам, у ҳеч кимдан ҳеч қанақа яхшилик кутмасди. Нехлюдовни даҳшат босди; у туйнукдан мўралашни бас қилди-да, Меньшов турган йигирма биринчи камера ёнига борди. Назоратчи қулфни бураб, эшикни очди. Бўйни узун, мулойим, қуралай кўз, соқоли бир тутам, мушакдор йигит қойкаси ёнида турар, тақа-пука бўлиб, шоша-пиша халатини кияр экан, кириб келаётганларга тикиларди.

Савол назари билан гоҳ Нехлюдовга, гоҳ назоратчи, кейин ноибга қараб жавдираган бу йигитнинг мулойим, думалоқ кўзлари Нехлюдовни жуда ҳайрон қолдирди.

– Бу жаноб сендан ишинг тўғрисида суриштирмоқчилар.

– Ғоят миннатдорман.

Нехлюдов камера ичкарасига кириб, панжарасимон ифлос дераза ёнида тўхтади-да:

– Менга сизнинг ишингиз ҳақида сўзлаб беришди, – деди. – Энди ўз оғзингиздан ҳам бир эшитмоқчи эдим.

Меньшов ҳам дераза ёнига келди-да, аввал журъатсизлик билан назоратчига қарай-қарай, кейин эса борган сайин дадил гапира бошлади; мутасадди камерадан йўлакка чиқиб кетиб, аллақандай буйруқлар бера бошлаганда, у ўзини анча тутиб олди. Унинг ҳикояси тили жиҳатидан ҳам, услуби жиҳатидан ҳам энг оддий, яхши дехқон йигитнинг

ҳикоясига ўхшарди, кишини шармисор қиладиган кийимдаги, турмада ўтирган маҳбус оғзидан бу ҳикояни эшитиш Нехлодовга эриш туюлди. Нехлодов унинг ҳикоясини тинглар экан, айти вақтда, ичига хашак тикилган тўшакли пастак койкани, йўғон темир панжарали деразани, зах босган, сувалган ифлос деворни ва халат кийган, расвойи жаҳон бўлган бечора деҳқоннинг аянчли юзи ва қаддини кўздан кечирар, юраги борган сайин қисиларди: шу мулоим кишининг ҳикояси рост эканлигига ишонгиси келмасди, зероки кишига ҳам озор бериб, ҳам шу озор етказганлари учун унга маҳбуслик кийими кийгизиб, мана шу расво жойга келтириб ташлаганлар деб ўйлаш, жуда-жуда оғир эди. Яна шуниси ҳам борки, мана шу мулоим кишининг ҳаққоний ҳикоясини ёлғон, уйдирма деб ўйлаш ундан баттар даҳшатли эди. Унинг бошидан кечирганлари қуйидагилардан иборат эди: уйланганидан кейин кўп вақт ўтмай, қовоқхона эгаси унинг хотинини тортиб олиб қўйибди. Йигитнинг қонун қидириб бормаган жойи қолмабди. Қовоқхона эгаси ҳамма ерда бошлиқларни сотиб олаверибди, уни оқлаб юборишаверибди. Бир куни хотинини зўрлаб уйига олиб кетган экан, лекин хотини эртасигаёқ қочиб кетибди. Шундан кейин у, қовоқхоначиникига хотинимни бер деб, борибди. Қовоқхоначи, хотининг йўқ дебди (у кириб кетаётганда хотинини кўрган экан), ҳайдаб солибди. Лекин у кетмабди. Қовоқхоначи хизматкори билан биргалашиб ўласи қилиб урибди, эртасига қовоқхона эгасининг ҳовлисига ўт тушибди. Айбни йигит билан унинг онасига тўнкашибди. Аслида, йигит ўт қўймаган, отахониникига кетган экан.

– Ростдан ўт қўймаганмисан?

– Хаёлимга ҳам келган эмас, бегим. У ярамас ўзи ўт қўйган бўлса керак. Уйини суғурта қилдирган дейишади. У эса ойим икковимизга тўнкади, биз унга пўписи қилган эмишмиз. Ўша гал сўкканим рост, чидай олмадим-да. Лекин ўт қўйган эмасман. Ўт тушган пайтда у ерда бўлган ҳам эмасман. У эса атайлаб ойим икковимиз борган кунни мўлжаллаган. Суғурта қилдиргани учун ўзи ўт қўйган-у, бизга туҳмат қилган.

– Наҳотки шундай қилса?

– Худо ҳақи, шундай қилган, бегим. Бир оталик қилинг! – У ергача энгашиб таъзим қилмоқчи эди, Нехлюдов зўрға тўхтатиб қолди. – Ёрдам беринг, бегим, бегуноҳдан бегуноҳ азоб чекиб ётибман, – деб давом этди у.

Тўсатдан унинг юзи пир-пир учиб, йиғлаб юборди ва халатининг энгини шимариб, ифлос кўйлагининг энги билан кўз ёшларини арта бошлади.

– Бўлдингларми? – деб сўради мутасадди.

– Ҳа. Хафа бўлманг, қўлимиздан келганча ҳаракат қиламиз, – деди Нехлюдов, сўнгра чиқиб кетди. Меньшов бўсағада турган эди, назоратчи эшикни ёпа туриб уни эшик билан итариб юборди. Назоратчи эшикни қулфлаб бўлгунча Меньшов эшикнинг туйнугидан мўралаб турди.

### III

Кенг йўлакда оч-сарик кенг, калта шим ва ёғоч кавуш кийган, ўзига қизиқиб қараётган одамлар орасидан ўтиб, орқага қайтар экан (овқатланиш пайти бўлгани учун камера-ларнинг эшиги очиқ эди), Нехлюдов ўзини жуда ғалати ҳис этди. Бир томондан, шу ерда ўтирган одамларга раҳми келган бўлса, иккинчи томондан, уларни шу ерга қамаб қўйганлардан ғазабланар, хайрон бўлар эди, ундан ташқари, шу одамларни хотиржамгина томоша қилаётганидан уяларди. Йўлақларнинг бирида аллаким ёғоч кавушини тўқиллатиб, камера эшигидан югуриб кириб кетган эди, у ердан одамлар чиқиб, Нехлюдовнинг йўлини тўсишди, унга таъзим қила бошлашди.

– Буюринг, жаноб олийлари, кечирасиз, номингизни билмайман, бизнинг ишимизни бир ёқли қилишсин.

– Мен бошлиқ эмасман, ҳеч нарса билмайман.

– Барибир, тегишли одамга, бошлиқларга айтинг, – деди кимдир норизо оҳангда. – Тарикча гуноҳимиз йўқ, икки ойдан бери бегуноҳдан бегуноҳ азоб чекиб ётибди.

– Қанақасига? Нега? – деб сўради Нехлюдов.

– Бекордан бекорга қамаб қўйишди. Икки ойдан бери қамоқдамиз, гуноҳимиз нималигини билмаймиз.

– Тўғри, шундай бўлган, – деди мутасадди ноиби, – бу одамлар паспортсиз юргани учун қамалган. Уларни ўз губернияларига юбориш керак эди-ю, лекин у ернинг қамоқхонасига ўт тушиб кетибди. Губерниядагилар у ёққа юбормаслигимизни сўраб хат юборишди. Шундай қилиб, бошқа губернияликларни жўнатиб юбордиг-у, буларни шу ерда олиб қолдик.

– Ие, хали фақат шунга тутиб турибсизларми? – деб сўради Нехлюдов эшик ёнида тўхтаб.

Маҳбуслар халати кийган қирқтача одам Нехлюдов билан ноибни қуршаб олди. Бир неча одам бараварига гап-ра бошлади. Ёрдамчи тўхтатди.

– Биттанг гапир!

Одамлар орасидан элликка бориб қолган, истараси иссиқ, новча бир деҳқон ажралиб чикди. У, ҳаммалари паспортсиз бўлганлари сабабли турмага қамалиб, сургун қилинганликларини Нехлюдовга гапириб берди. Аслида, паспортлари бор экан-у, фақат икки ҳафтача муҳлати ўтиб кетган экан. Ҳар йили ҳам паспортининг муҳлати ўтиб кетар экан, лекин ҳеч ким ҳеч нарса қилмас экан, бу йил эса икки ойдан бери бир жинояткордек қамаб қўйишибди.

– Ҳаммамиз тош ётқизамиз, ҳамкасабамиз. Губерния-миздаги қамоқхонага ўт тушиб кетган дейишади. Бизда нима гуноҳ. Худо хайрингизни берсин, ёрдам қилиб юборинг.

Нехлюдовнинг қулоғига гап қирар эди-ю, лекин истараси иссиқ кишининг нима деяётганига тушунмас эди. Нимага деганда унинг фикри-зикри истараси иссиқтош ётқизувчи чолнинг юзида, соқоли орасидан ўрмалаб кетаётган тўқ кулранг тусдаги, кўп оёқли каттакон битда эди.

– Наҳотки шундай бўлса? Наҳотки фақат шунинг учун қамаб қўйишган бўлса? – деб сўради Нехлюдов мутасаддидан.

– Ҳа, бошлиқлар хатога йўл қўйишган. Уларни жўнатиб, ҳаммасини уй-уйига қайтариб юбориш керак эди, – деди у.



Мутасадди гапини тамом қилиши билан оломон орасидан маҳбуслик ҳалати қийган паканагина киши чиқди-да, оғзини ғалати қилиб қийшайтириб, бу ерда бекордан бекор азоб бераётганлари ҳақида гапира кетди.

– Итдан баттар қийнашади... – деб бошлади у.

– Бўлди, бўлди, тилингни тий, биласанми...

– Нимани биламан, – алам билан гапира бошлади пакана киши. – Бизнинг гуноҳимиз нима?

– Овозингни ўчир! – деб бошлиқ кичкирган эди, пакана киши жим бўлиб қолди.

Нехлюдов камерадан чиқар экан, эшиклардан мўра-лаётган, йўлакда кўзларини тиккан маҳбусларни кўриб, саф орасидан ўтаётган жиноятчидек бўлди.

«Бу нима деган гап ўзи?» – дерди ўзига-ўзи.

– Наҳотки беғуноҳ кишиларни қамаб қўйганлари рост бўлса? – деди Нехлюдов йўлакдан чиққанларидан кейин.

– Нима ҳам қилардик? Лекин ёлгонни қотирадиган-лари ҳам бор. Уларнинг гапини эшитадиган бўлсангиз, ҳаммаси беғуноҳ, – дерди ноиб.

– Ахир, буларнинг тариқча гуноҳи йўқлиги очик-ойдин-ку.

– Бунга гумоним бор. Лекин жуда расво одамлар. Қаттиқ тутмаса бўлмайди. Буларнинг ичида шундай шад-додлари борки, бўш келсанг, бошингга чикиб олишади. Кеча иккитасини жазолашга мажбур бўлдик.

– Жазоладик дейсизми? – сўради Нехлюдов.

– Юкоридан буюрилганича таёқ урилди...

– Ахир, таёқ билан жазолаш йўқ қилинган-ку.

– Ҳуқуқдан маҳрум қилинганлар бундан мустасно.

Буларни жазолаш мумкин.

Нехлюдов кеча даҳлизда кутиб турганда кўрганларини эслади, жазолаш худди ўша пайтда, у даҳлизда кутиб ўтирган вақтида бўлиб ўтганини тушунди. Унинг кўнглини қизиқиш, алам, ҳайрат туйғулари чулғаб олди.

Унинг кайфи бузилиб, кўнгли беҳузур бўлди. Нехлюдов ҳеч қачон ўзини шундай ҳис этмаган эди.

Нехлюдов мутасадди ноибининг гапига қулоқ сол-

май, ҳеч қасқа қарамай шошиб-пишиб йўлакдан чиқди-да, идора томон кетди. Мутасадди йўлакда турган эди. У бошқа иш билан овора бўлиб, Богодуховскаяни чақиритишни унутган эди. Нехлюдов идорага кириб келганидагина у Богодуховскаяни чақиртирмоқчи бўлганини эслади.

– Ҳозир чақиртираман, бирпас ўтира тулинг, – деди мутасадди.

## LIV

Идора икки хонадан иборат эди. Сувоқлари кўчиб тушган, печка туртиб чиққан, иккита кир деразали биринчи хонанинг бир бурчагида маҳбусларнинг бўйини ўлчайдиган қора ўлчагич турарди. Иккинчи бурчагида эса барча уқубат-хоналарнинг доимий беағи – Исонинг каттакон расми осилган эди. Бу расмнинг келиб-келиб шу ғурбатхонага кўйилгани Исо таълимотини мазах қилгандек туюларди. Мана шу биринчи хонада бир неча назоратчи турарди. Иккинчи хонада, девор тагида йигирма чоғлик эркак-хотин тўда-тўда бўлишиб, ёки иккита-иккита бўлишиб, секин-секин гаплашиб ўтиришарди. Дераза ёнида ёзув столи турарди. Мутасадди ёзув столи ёнига ўтирди-да, Нехлюдовга шу ерда турган стулга ўтиришни таклиф этди. Нехлюдов ўтириб хонадаги одамларни кўздан кечира бошлади.

Ўрта яшар, қора қош бир аёлга алланимани қўлларини силкита-силкита қизғин уқдираётган, калтагина нимча кийган истараси иссиқ йигит Нехлюдовнинг диққатини ўзига тортди. Унинг ёнида қўқ қўзойнак таққан кекса киши маҳбус кийими кийган жувоннинг қўлидан ушлаб, қимир этмай гапни тинглаб ўтирарди. Реаль мактаб ўқувчиси, қўрқа-писа кўзларини чолдан узмасди. Улардан нарироқда, бурчакда бир-бирига ошиқ-маъшук бўлган ёшлар ўтиришарди: бири оқ-сарикдан келган, сочи калта қилиб қирқилган, хушрўйгина киз. Чиройли қўйлак кийган бу қизнинг юзидан унинг серғайрат экани билиниб турарди. Юзи хушбичим, сочлари

қўнғироқ, чиройли йигит эғнига гуттаперча<sup>1</sup> камзул кийган эди. Ошиқ-маъшуклар бурчақда шивирлашиб, бир-бирларига маҳлиё бўлиб ўтиришарди. Сочига оқ тушган, хора кўйлак кийган бир хотин столга ҳаммадан яқинроқ ўтирган эди. У боласини кўргани келган она бўлса керак. Аёл худди шунақа кийим кийган силвамо йигитдан кўзини узмас, алланималар дейишга шайланарди-ю, кўз ёшлари халакит бергани учун ҳеч нима дея олмас эди: гап бошларди-ю, яна тўхтаб қоларди. Йигит қоғоз ушдаб турар, нима қилишини билмаганидан бўлса керак, қовоғини солиб, қоғозини ғижимларди. Уларнинг ёнида кулранг кўйлак билан пелерина<sup>2</sup> кийган икки бети кип-қизил, кўйкўз, чиройли, тўладан келган қиз ўтирарди. Қиз йиғлаётган онасининг елкасини мулойимгина силарди. У қизнинг оппоқ, катта кўллари ҳам, қирқилган қўнғироқ сочлари ҳам, бурни ҳам, лаби ҳам – ҳаммаси чиройли эди, лекин қизнинг мулойим кўйкўзлари ҳуснига ҳусн қўшар эди.

Нехлюдов кириб келганда қиз чиройли кўзларини онасидан олиб, унга қаради, уларнинг кўзлари учрашди. Лекин у шу заҳоти кўзини ундан узди, онасига алланима гапира бошлади. Ошиқ-маъшуклардан нарироқда қош-қовоғи осилган, қоп-қора пахмоқ киши ўтирар, бичилган одамга ўхшаш кўса кишига жаҳл билан алланима дерди. Нехлюдов мутасадди билан ёнма-ён ўтирди-да, қизикиб атрофига қарай бошлади. Сочи тақир қилиб олинган ўғил бола унинг ёнига келиб, ингичка товуш билан:

– Сиз кимни кутяпсиз? – деб сўради.

Бу саволни эшитиб Нехлюдов ҳайрон қолди. Лекин боланинг жиддий юзига, ёниб турган кўзларига кўзи тушиб, унга сиполик билан жавоб берди, бир таниш хотинни кутаётганини айтди.

– Кимингиз у, синглингизми? – деб сўради бола.

– Йўқ, синглим эмас, – деб жавоб қилди Нехлюдов ҳайрон бўлиб. – Сен бу ерда ким билан турасан? – деб сўради у боладан.

<sup>1</sup> Гуттаперча – каучуққа ўхшаган кулранг эластик модда (тарж.).

<sup>2</sup> Пелерина – елкага ташлаб юрадиган ситсиз калта кийим (тарж.).

– Ойим билан. У сиёсий маҳбус, – деб гурур билан жавоб берди бола.

Мутасадди Нехлюдовнинг бола билан гаплашаётганини қонунга хилоф деб топди, шекилли:

– Марья Павловна, Коляни олинг, – деди.

Марья Павловна, бояги Нехлюдовнинг диққатини ўзига тортган чйройли, қўйкўз киз, гавдасини ростлаб ўрнидан турди-да, эркакчасига катта-катта кадам ташлаб, Нехлюдов билан боланинг ёнига келди.

У Нехлюдовга мулойимгина боқиб:

– Кимлигингизни сўраяптими? – деб сўради жилмайиб. У шундай мулойим, шундай очик юз билан боқар эдики, унинг ҳамма билан шундай оддий, шундай дилкаш, дўстона муомалада бўлиб келаётганига ва бундан кейин ҳам шундай бўлишига шубҳа бўлиши мумкин эмасга ўхшарди. – Ҳамма нарсани билгиси келади, – деди у ва болага шундай мулойим, шундай чиройли табассум қилдики, бола ҳам, Нехлюдов ҳам беихтиёр жилмайишди.

– Ҳа, кимни кўргани келганимни сўраяпти.

– Марья Павловни, чет киши билан гаплашиш мумкин эмас. Биласиз-ку, ўзингиз, – деди мутасадди.

– Хўп, хўп, – деди Марья Павловна. У катта оппоқ қўли билан ундан кўзини узмаётган Коляни етаклаб сил йигитнинг онаси ёнига борди.

– Бу кимнинг ўғли? – деб сўради Нехлюдов мутасаддидан.

– Бир сиёсий маҳбус аёлниг ўғли, турмада туғилган, – деди у ўз маҳкамасининг шунақа антиқа жой эканлигини кўрсатмоқчи бўлгандек, мамнунлик билан.

– Ростданми?

– Ҳа, энди онаси билан Сибирга кетяпти.

– Бу қиз ким?

– Жавоб бера олмайман, – деди мутасадди елкасини қисиб. – Мана, Богодуховская ҳам келиб қолди.

Орқа томондаги эшикдан сочи калта, орик, мулойим кўзлари катта-катта, оқ-сарик Вера Ефремовна ликиллаб чикиб келди.

– Келганингизга раҳмат, – деди у Нехлюдовнинг кўлини қиса туриб. – Мени эслайсизми? Келинг, ўтирамиз.

– Сизни шу аҳволда кўрарман деб ўйламаган эдим.

Вера Ефремовна катта-катта юмалоқ кўзлари билан ҳар вақтдагидек, кўрқув аралаш Нехлюдовга қаради ва коф-тасининг ғижимланган ифлос ёқасидан чикиб турган сарик, ингичка, пайдор бўйнини буриб:

– Э, менинг аҳволим жуда соз! Шундай яхшики, шундай яхшики, бундан ортиқ бўлишини истамайман, – деди.

Нехлюдов ундан қандай қилиб бу аҳволга тушиб қолганини сўрай бошлади. Вера Ефремовна унинг саволига жавоб берар экан, ўз иши ҳақида жонланиб гапира бошлади. У пропаганда<sup>1</sup> қилиш, тартибни бузиш, гуруҳлар, секциялар<sup>2</sup> ва шу секциялар ҳақида чет тилдаги сўзларни кўшиб гапирар эди. Вера Ефремовна бу сўзларни ҳамма билади деб ўйлар эди. Аммо Нехлюдов буларни эшитмаган эди.

Вера Ефремовна народовольство<sup>3</sup> сирлари Нехлюдовни жуда қизиқтиради, ёқади деб ишонган бўлса керак, жонланиб ҳикоя қиларди. Нехлюдов эса унинг ингичка бўйнига, сийрак, чигал сочларига қарар ва Вера Ефремовнанинг нега шундай ишлар билан шуғулланганига, нега ҳикоя қилиб бераётганига ҳайрон бўларди. Нехлюдов унга ачинарди. Лекин бу ачиниш бутунлай бошқача эди. Нехлюдов унга шу сассиқ турмада бегуноҳдан бегуноҳ қамалиб ётган дехқон Меньшовга ачингандек ачинмас эди. Вера Ефремовна бошини говлатган чалкаш фикрлар орқасида шундай ачинарли

<sup>1</sup> Пропаганда (лотинча: propaganda < propagare – ёймоқ, тарқатмоқ) – муайян гоялар, назария ва таълимотлар, қарашларни оммага ёйиш, тарқатиш, тушунтириш оммага гоявий таъсир ўтказиш; тарғибот.

<sup>2</sup> Секция (лотинча: sectio – кесиш, хирқиш) – баъзи идора, ташкилот, жамият ва шу кабиларнинг алоҳида бўлими.

<sup>3</sup> Народовольство – «Народная воля» деган яширин ташкилот.

қолга тушган эди. Вера Ефремовна ўзини, ўз ишининг ғалаба қозониши учун жонини фидо қилишга тайёр қахрамон деб ўйласа керак. Лекин шуниси аниқ эдики, шу иш нимадан иборат эканлигини, унинг ғалабаси нимага олиб келишини ўзи ҳам тушуниб ета олмас эди.

Вера Ефремовнанинг Нехлюдов билан гаплашмоқчи бўлган иши қуйидагидан иборат эди: унинг Шустова деган бир дугонаси, Вера Ефремовнанинг сўзига қараганда, уларнинг гуруҳига кирмаслигидан қатъи назар, бундан беш ой муқаддам у билан бирга Петропавловск қалъасига қамалибди. Шустованинг уйдан эҳтиёт қилиб сақлаш учун берилган китоб ва қоғозлар чиққан экан.

Вера Ефремовна Шустованинг қамалишида ўзини қисман айбдор деб санаб, таниш-билишлари кўп бўлган Нехлюдовдан Шустовани озод этиш учун қўлидан Келганича ҳаракат қилиб кўришни илтимос қиларди. Богодуховскаянинг иккинчи илтимоси Петропавловск қалъасида қамалиб ётган Гурьевичга қариндош-уруғлари билан учрашиб туришга ва илмий ишлари учун зарур бўлган илмий китобларни олиб туришга ижозат олиб беришдан иборат эди.

Нехлюдов Петербургда борди дегунча, қўлидан келганича, ҳаракат қилишга ваъда берди.

Вера Ефремовна бошидан кечирганларини ҳам ҳикоя қилиб берди. Акушеркалик<sup>1</sup> курсини тугатгач, родооволецлар билан топишибди-да, улар билан бирга иш олиб борибди. Бошда ишлари яхши экан: прокламациялар<sup>2</sup> ёзишар, фабрикаларда ташвиқот юргизишар экан. Лекин бир куни бир машҳур одам қамалиб қолибди, қоғозлари қўлга тушибди. Шундай қилиб, аста-секин бошқаларни ҳам тутиб қамашаверибди.

– Мени ҳам қамашди, мана энди сургун қилишяпти...

<sup>1</sup> Акушерка (французча: accoucheur – туғруққа ёрдам бермоқ) – ҳомилдорларни мунтазам кузатиш, диспансер кузатув рўйхатиغا оляш, уларнинг касаллигини аниқлаш, туғруқ вақтида ва туғруқдан кейинги (чилла) вақтида тиббий ёрдам кўрсатиш билан шугулланувчи, махсус ўрта маълумотли тиббиёт ходими.

<sup>2</sup> Прокламация – 1) тантанали равишда эълон қилиш, ҳаммага маълум қилиш; 2) ташвиқот мақсадида тарқатиладиган сиёсий мазмундаги варақа.

– деб тугатди у бошидан кечирганларини. – Ҳечқиси йўқ. Ўзимни яхши ҳис қиламан, кайфим жойида, – деди у, лекин ғамгин жилмайди.

Нехлюдов қўйқўз қизнинг кимлигини сўради. Вера Евремовна унинг генералнинг қизилигини, кўздан буён инқилобий партияга мансублигини, жандармга ўқни мен отдим деб бўйнига олгани учун қамалганлигини айтиб берди. У босмаҳона станокни ўрнатилган конспиратив<sup>1</sup> уйда яшаган. Кечаси тинтувга келишган пайтда уйдагилар ўзларини ҳимоя қилмоқчи бўлган, чирокни ўчириб далилларни йўқота бошлаганлар. Полициялар бостириб кирган. Шунда фитнесчиларнинг бири ўқ узиб жандармни оғир ярадор қилган. Ким отди деб сўроқ қилишганларида, умри бино бўлиб тўшпонча ушламаган, чумолига озор бермаган қиз, мен отдим деб бўйнига олган. Шу-шу айбдор бўлиб қолган. Мана энди каторгага жўнаб кетяпти.

– Ўз манфаатидан воз кечадиган, меҳрибон одам... – деди Вера Евремовна уни мақтаб.

Вера Евремовна гаплашмоқчи бўлган учинчи масала Масловага тааллуқли эди. У, қамоқхонадагилар сингари Маслованинг бошидан кечирган воқеаларидан, Нехлюдовнинг унга муносабатидан хабардор бўлган эди. Энди у, Масловани сиёсий маҳбуслар орасига ёки, ҳеч бўлмаса, касалхонага касал боқувчиликка ўтказишга ҳаракат қилишни маслаҳат берди. Ҳозир касалхонада беморларнинг кўплигини, уларга қараб турадиган одам кераклигини айтди. Нехлюдов берган маслаҳати учун унга миннатдорлик билдирди ва шу маслаҳатидан фойдаланишга ҳаракат қилишини айтди.

## LVI

Мутасадди ўрнидан турди-да, учрашув соати тугаганлигини, тарқалиш кераклигини эълон этиб уларнинг гапини бўлди. Нехлюдов ўрнидан турди, Вера Евремовна билан

<sup>1</sup> Конспиратив – яширин, махфий.



хайрлашиб, эшик ёнига бориб турди-да, кўз олдида бўлиб ўтаётган манзарани кузата бошлади.

– Жаноблар, вақт тугади, бўлди, – дерди мутасадди гоҳ ўрнидан туриб, гоҳ ўтириб.

Мутасаддининг талаби хонадагиларни, маҳбуслар ва кўргани келганларни жонлантирди, лекин ҳеч ким тарқалишни хаёлига ҳам келтирмас эди. Баъзилар ўринларидан туриб, тикка турганларича гаплашишарди. Баъзилар эса ҳамон гаплашиб ўтирардилар. Баъзилар хайрлашиб йиғлай бошлашди. Айниқса, сил йигит билан онасининг аҳволи таъсирли эди. Йигит онасига қўшилиб йиғлаб юборишдан ўзини сақлаб қолиш учун зўр бериб қўлидаги қоғозни эзгилар, борган сайин тажанг бўларди. Онаси эса хайрлашиш кераклигини эшитиб, ўғлининг елкасига осилиб олди-да, бурнини торта-торта йиғлай бошлади. Қўйкўз қиз (Нехлюдов беихтиёр уни кузатиб турарди) хўнграб йиғлаётган онасини алланималар деб юпатарди. Кўк кўзойнак таққан чол қизининг қўлини ушлаб тик турар, унинг гапини маъқуллаб бошини силкитарди. Ошиқ-маъшуклар ўринларидан туришди, қўл ушлашиб, бир-бирларининг кўзларига тикилишиб қолишди.

Нехлюдовнинг ёнида, худди у сингари, хайрлашаётганларни кузатиб турган, калта нимча кийган йигит:

– Фақат шуларгина хурсанд, – деди ошиқ-маъшукларни кўрсатиб.

Ошиқ-маъшуклар – гуттаперча камзул кийган йигит билан оқ-сарикдан келган истараси иссиқ қиз – Нехлюдов билан йигитнинг ўзларига қараб турганларини сезиб, ушлашиб турган қўлларини чўзиб, ўзларини орқага ташладилар ва кула-кула айлана бошладилар.

– Бугун кечкурун камоқхонада тўйлари бўлади, кейин қиз йигит билан Сибирга жўнайди, – деди йигит.

– Йигит ким?

– Каторгачи. Шуларнинг шўхлик қилгани ҳам яхши, қон бўлиб кетади киши, – деди нимча кийган йигит сил йигитнинг онаси хўнграшига қуЛоқ соларкан.

– Жаноблар! Бўлди, бўлди энди! Жиддий чора кўриш-

га мажбур қилманг мени, – дерди мутасадди бир гапни ҳадеб такрорлаб. – Бўлди энди, бўлди деяпман! – дерди у оҳиста ва бўшгина, – Бу нима қилганингиз? Вақт аллақачон ўтиб кетди. Бу ишингиз ярамайди. Сўнгги марта айтаман, – деб такрорларди у маъюслик билан папиросини гоҳ ёқиб, гоҳ ўчириб.

Ҳеч қандай жавобгарликни ҳис этмай бировга ёмонлик қилишга имкон берадиган далиллар қанчалик зўр, қанчалик одат тусига кириб қолган бўлмасин, мутасадди ўзини бу хонада юзага чиқаётган ғам-аламнинг сабабчиларидан бири деб ҳисобламасдан иложи йўқ эди, ўзини ёмон ҳис этишининг сабаби ҳам шу бўлса ажаб эмас.

Ниҳоят маҳбуслар ҳам, кўргани келганлар ҳам тарқалишди, бирлари ичкари эшикка кириб, бошқалари ташқи эшиқдан чиқиб кетишди. Эркаклар – гуттаперча камзул кийган йигит, сил йигит ва қора, паҳмоқ киши ўтиб кетишди. Марья Павловна камоқхонада туғилган болани етаклаб олиб кетди.

Кўргани келганлар ҳам чиқиб кета бошлашди. Кўк кўзойнак таққан киши, гурс-гурс қадам ташлаб чиқиб кетди. Нехлюдов унинг кетидан эргашди.

Гапдон йигит Нехлюдов билан бирга зинадан тушар экан:

– Шу ҳам тартиб бўлди-ю, – деди узилиб қолган суҳбатни давом эттираётгандек. – Яхшиямки капитан кўнгилчан одам, қондаларга риоя қилмайди. Ҳар ҳолда, гаплашиб, хумордан чиқишади-ю.

– Бошқа турмаларда бунақа учрашув йўқми ҳали?

– Э-э, қаёқда? Кўргазса ҳам ўртада панжара ажратиб туради.

Нехлюдов Мединцем билан (йигит ўзини шундай деб таништирди) гаплашиб, даҳлизга тушганида мутасадди ҳорфин киёфада уларнинг ёнига келди.

У Нехлюдовнинг кўнглини олиш учун:

– Масловани кўрмоқчи бўлсангиз марҳамат, эртага келинг, – деди.

– Жуда соз, – деди Нехлюдов, сўнгра шошиб-пишиб

чиқиб кетди.

Меньшовнинг бегуноҳдан бегуноҳ азоб чекиши, ёлғиз у жисмоний азоб эмас, бекордан бекор ўзини қийноққа солаётган одамларнинг тош кўнгиллигини кўриб эзгулик ва Худодан ноумид бўлиши жуда даҳшатли эди; қоғозда бошқача ёзилиб кетганлиги туфайли, шунча бегуноҳ одамни бу қадар шармандаликка, азоб-укубатга маҳкум этиш – мудҳиш ходиса эди: Ўз оғайниларини азоблаш билан шугулланиб, яна яхши ва муҳим ишни бажарятмиз деб ишонган, мияси айниган назоратчилар даҳшатли эди. Нехлюдовга ҳаммадан ҳам даҳшатли кўринган нарса худди ўзига ва болаларига ўхшаш одамларни бир-биридан – онани боладан, отани қизидан жудо қилишга мажбур бўлган кекса, бедармон ва кўнгилчан мутасадди эди.

Нехлюдов ҳамма вақт турмага келганида ҳис этганидек кўнгли бузилиб ўзини беҳузур ҳис этди.

«Нега шундай?» – деб сўрар ва бунга жавоб тополмасди.

## LVII

Нехлюдов эртасига адвокатникига борди. Меньшовларнинг иши ҳақида сўзлаб, уларни ҳимоя қилишни сўради. Адвокат гапга қулоқ солиб турди-да, ишни кўриб чиқаман, агар воқеа сиз айтгандай бўлса, эҳтимол, шундайдир, уларни ҳеч қандай ҳақ олмасдан ҳимоя қиламан деб айтди. Нехлюдов яна янглиш қамаб қўйилган бир юз ўттиз киши ҳақида гапириб берди-да, бу иш кимнинг қўлида эканлигини, ким айбдорлигини сўради. Адвокат тўғри жавоб қайтариш учун бўлса керак, бироз ўйлаб қолди.

– Ким айбдор дейсизми? Ҳеч ким, – деди у дадил. – Прокурорга айтсангиз, губернатор айбдорлигини айтади; губернаторга айтсангиз, прокурор айбдорлигини айтади. Айбни ҳеч ким бўйнига олмайди.

– Ҳозир Масленниковникига кетяпман, ҳаммасини унга айтаман.

– Хе-е, фойдаси йўк, – деб эътироз билдирди адвокат.  
– У шундай, мабодо қариндошингиз ё дўстингиз эмасми? У шундай қовоқ бошки, айбга буюрмайсиз бунинг устига, ўтакетган туллак.

Нехлюдов Масленниковнинг адвокат ҳақидаги гапларини эслади, унинг гапига жавоб қайтармай хайрлашди-да, Масленниковникига жўнаб кетди.

Нехлюдов Масленниковдан икки нарсани: Масловани касалхонага ўтказиш ва бегуноҳдан бегуноҳ камалган бир юз ўттизта паспортсиз кишилар ҳақида илтимос қилиши керак эди. Ўзи ҳурмат қилмайдиган одамдан бир нарсани илтимос қилиш унга малол келса-да, мақсадга эришиш учун бирдан бир чора шу бўлгани сабабли унга мурожаат қилишга мажбур эди.

Масленниковнинг уйига яқинлашиб қолганда Нехлюдов пиллапоя ёнида бир неча фойтун<sup>1</sup>, енгил арава ва кареталар<sup>2</sup> турганини кўрди-да, бугун Масленников хотинининг қабул куни эканини эслади. У Нехлюдовнинг худди шу куни келишини илтимос қилган эди. Нехлюдов уларнинг уйига яқинлашаётганида бир карета эшик ёнида турар, шляпасига кокарда таққан ва елкасига енгсиз калта кийим ташлаган лакей бир аёлнинг каретага чиқишига кўмаклашарди. Аёл шлейфини<sup>3</sup> кўтарган эди, туфли кийган оёғи, ингичка қора тўпиғи кўриниб кетди. Нехлюдов шу ерда турган фойтунлар орасида

Корчагинларнинг ёпиқ извошини таниди. Қип-кизил мўйсафид кучер<sup>4</sup> яхши таниш бекни учратган кишидек очик чехра ва эҳтиром билан шляпасини олди. Нехлюдов швейцардан Михаил Иванович (Масленников)нинг қаердалигини сўрашга улгурмай, гилам тўшалган зинада ўзи кўриниб қолди. У энг эътиборли меҳмонни, фақат зина майдончасигагина эмас, пастгача олиб тушиб қўйиладиган меҳмонни

<sup>1</sup> Фойтун – тўрт гилдиракли, очилиб-ёпиладиган соябоғли енгил арава.

<sup>2</sup> Карета (палкача) – усти ва ёнлари ёпиқ тўрт гилдиракли енгил арава.

<sup>3</sup> Шлейф – хотин-кизлар қўйлагининг узайтириб тикилган орқа этағи.

<sup>4</sup> Кучер (немисча: Kutscher – аравақаш) – извош хайдовчи.

кузатарди. Бу мўътабар ҳарбий меҳмон французчалаб шаҳарда етимхоналар фойдасига лотерея ўтказиш ҳақида гапирар, бу – хотинлар учун жуда боп машғулот эканлигини айтарди: «Ҳам хотинлар зерикмайди, ҳам пул йиғилади».

– Qu'elles s'amuse et que le bon Dieu les benisse! Э, Нехлюдов, салом! Кўпдан бери кўринмайсиз? – деб саломлашди у Нехлюдов билан. – Allez presenter vos de voirs a madame<sup>2</sup>. Корчагинлар ҳам шу ерда. Et Nadine Bukshveden. Toutes les jolies femmes de la ville<sup>3</sup>, – деди у ўзининг зарҳал уқалар тутган олифта лакейи узатиб турган шинелга елкасини тутиб. – Au revoir, mon cher<sup>4</sup>. – У Масленниковнинг кўлини қисди:

– Юр, юқорига чиқамиз, келганингга жуда хурсандман! – деб гап бошлади Масленников ҳовлиқиб. У Нехлюдовнинг кўлтиғига кирди-да, семизлигига қарамай, Нехлюдовни енгиллик билан юқорига бошлаб чиқиб кетди.

Масленников жуда хурсанд, ҳаяжонланган эди. Бунга бояги мўътабар кишининг унга қилган илтифоти сабаб эди. Подшога яқин турган гвардия полкида хизмат қилган Масленников подшо хонадонига яқин кишилар билан борди-келди қилиб туришга ўрганиб қолган бўлиши керак эди-ю, аммо разиллик такрорланган сайин кучайгани каби, мана шундай илтифот Масленниковни ҳамма вақт шундай ҳаяжонлантирардики, гўё эгаси силаб, кулоғининг орқасини қашилаб қўйган итдек севишиб кетарди. Ит думини ликиллатиб, гужанак бўлиб олади; жилпанглайди, кулоғини қисади, ўзини йўқотиб гир-гир айланиб югуради. Масленников ҳам худди шундай қилишга тайёр эди. У Нехлюдовнинг жиддийлигини сезмас, гапига кулоқ солмас, зўр бериб меҳмонхонага судрарди. Нехлюдов рад этишнинг иложини

<sup>1</sup> Qu'elles s'amuse et que le bon Dieu les benisse (французча) – Худо қувват берсин, майли, бир кўнглик ёзишсин...

<sup>2</sup> Allez presenter vos de voirs a madame (французча) – кириб уй бекаси билан кўришиб чиқинг.

<sup>3</sup> Et Nadine Bukshveden. Toutes les jolies femmes de la ville (французча) – Надин Букшведен ҳам, шаҳарнинг ҳамма гўзаллари ҳам.

<sup>4</sup> Au revoir, mon cher (французча) – айёр, عزیزим.

тополмай у билан бирга борарди.

– Ишни кўя тур, кейин нима десанг, ҳаммасини қиламан, – дерди Масленников Нехлюдов билан залдан ўтиб борар экан. – Генерал хонимга князь Нехлюдов келибди деб айтинг – деди у йўл-йўлакай лакейга. Лакей бедана юриш қилиб улардан ўтиб кетди. Vous n'avez qu'a ordonner<sup>1</sup>. Лекин хотинимга, албатта, учрашиб кет. Ўтган гал олиб кирмаганим учун озмунча гап эшитдимми.

Улар кирмасдан бурун лакей хабар бериб улгурган эди. Анна Игнатъевна, ўзининг айтишича, вице-губернаторнинг хотини, генерал хоним диванда ўзини қуршаб олган шляпалар, каллалар орасидан кулиб туриб, бошини эгиб қарши олди. Меҳмонхонанинг нариги бошидаги чой ичиладиган стол ёнида бек ойимлар ўтирар, ҳарбий ва фуқаро кийимидаги эркаклар туришарди. У ердан эркак ва аёлларнинг тинимсиз шақиллаб гаплашган овозлари эшитиларди.

– Enfin<sup>2</sup>. Нега биздан қочиб юрасиз? Сизни хафа қилиб қўйдикми?

Анна Игнатъевна хонага кириб келган Нехлюдовни, гўё икковининг ўртасида яқинлик бордек шу сўзлар билан кутиб олди. Аслида эса, улар ўртасида ҳеч қандай яқинлик йўқ эди.

– Сизлар танишмисизлар? Танишмисизлар? Мадам Белявская, Михаил Иванович Чернов. Яқинроқ ўтиринглар.

– Мисси, venez dons a notre table. Ou vous apportera votre the<sup>3</sup>. – Исмини унутиб қўйди, шекилли, Мисси билан гаплашаётган офицерга қараб: – Сиз ҳам... – деди у, – марҳамат, чой ичасизми, князь?

– Сира, сира қўшила олмайман: киз уни ҳеч яхши кўрмаган, – дерди аёл товуши.

– Сомсани яхши кўрган.

– Доим бўлмағур ҳазилларни қиласиз, – деди кулиб

<sup>1</sup> Vous n'avez qu'a ordonner (французча) – фақат айтсанг бўлди.

<sup>2</sup> Enfin (французча) – няхоят.

<sup>3</sup> Мисси, venez dons a notre table. Ou vous apportera votre the (французча) – бизнинг столимизга келинг. Чойни шу ерда ича қоласиз...

шоҳи кийими, олтин безаклари ва жавоҳирлари ярқираган баланд шляпали хотин.

– Бу вафлялар<sup>1</sup> – C'est excellent<sup>2</sup> ҳам енгилгина. Бу ёкка яна узатиб юборинг.

– Нима, яқинда жўнаб кетасизларми?

– Бугун охирги кунимиз. Шунинг учун ҳам келдик-да.

– Баҳор шу қадар чиройли, қишлоқ ҳозир жуда яхши.

Бошига шляпа, эгнига қорамтир йўл-йўл қўйлак кийган Мисси жуда чиройли эди. Қўйлаги белини қисиб турар, худди шу қўйлақда туғилгандек ўзига ярашарди. Нехлюдовни кўриб у қизариб кетди.

– Мен эса сизни кетиб қолгансиз деб юрибман, – деди у Нехлюдовга.

– Ҳа, кетиб қоладиган эдим, – деди Нехлюдов. – Баъзи ишлар битмай турибди. Бу ерга ҳам шу иш билан келдим.

– Ойимнинг олдига кириб туринг. Сизни кўришга мунтазирлар, – деди Мисси ва ёлғон гапираётганини, гапининг ёлғонлигини Нехлюдов фаҳмлаганини ҳис қилиб баттар қизариб кетди.

Нехлюдов Миссининг қизариб кетганини кўрмасликка солиб:

– Вақтим йўқ, – деб жавоб қайтарди ғамгин.

Мисси аччиғланиб қовоғини солиб, елкасини қисиб қўйди-да, олифта офицер билан гаплаша бошлади. Офицер унинг қўлидан бўш пиёлачани олди, қиличи билан креслоларга туртила-туртила пиёлачани бошқа столга олиб бориб қўйди.

– Сиз ҳам етимхона учун бир нима иона қилишингиз керак.

– Йўқ деяётганим йўқ-ку, фақат сахийлигимни лотереягача кўрсатмай турай демокчиман-да. Ўшанда ҳимматимни биратўла кўрсатаман.

– Қани, кўрайлик-чи! – деди зўрма-зўраки кулаётган овоз.

Қабул маросими жуда яхши ўтди. Шунинг учун ҳам

<sup>1</sup> Вафля – шакар, қаймоқ, тухум қўшиб пиширилган усти катак юпқа нон (тарж.).

<sup>2</sup> C'est excellent (французча) – жуда соз.



Анна Игнатъевна ўзида йўқ шод эди.

– Мика менга сизнинг турмалар билан кизиқиб юрганнингизни айтди. Тушунаман, яхши тушунаман, – деди у Нехлюдовга. – Миканинг (Мика дегани унинг хўша семиз эри – Масленников эди) бошқа нуқсонлари бўлиши мумкин, лекин у жуда кўнглилчан. Мана шу боёқиш маҳбуслар худди унинг фарзандидек. Мика уларни фарзандидек кўради... *Il est d'une bonte!*<sup>1</sup>...

Анна Игнатъевна, буйруқ бериб, одамларни калтаклаётган эрининг *bonte*-лигини ифода эта оладиган сўз тополмай жим бўлиб қолди ва шу заҳоти эшикдан кириб келаётган, бинафшаранг бант таққан, юзи буришган кампир билан жилмайиб гаплаша бошлади.

Нехлюдов тартиб ва қоидага мувофиқ, бироз гаплашди, одоб юзасидан мазмунсиз сафсата сотиб, ўрнидан турди, Масленниковнинг ёнига борди.

– Энди нима дейсан, гаплашишга вақтинг борми?

– Э-ҳа! Ҳа, нима гап? Қани, бу ёққа юр-чи.

Улар кичкинагина японча кабинетга кириб, дераза ёнига ўтирдилар.

## LVIII

– Мана, *je suis a vous*<sup>2</sup>. Чекасанми? Шошма, тагин бу ерни ивирситиб қўймайлик, – деди-да, у кулдон келтирди. – Хўш?

– Сенда иккита ишим бор.

– Шунақа дегин.

Масленниковнинг ковоқ-тумшуги осилиб кетди. Кулоғини эгаси қашиб қўйган итнинг севинишига ўхшаган ҳаяжонидан асар ҳам қолмади. Меҳмонхонада овозлар эшитилиб турарди. Бир аёл: «*Jamais, jamais je ne croirais*»<sup>3</sup>

<sup>1</sup> *Il est d'une bonte* (французча) – бирам кўнглилчаня...

<sup>2</sup> *Je suis a vous* (французча) – хизматингга тайёрман.

<sup>3</sup> *Jamais, jamais je ne croirais* (французча) – сира, сира ишонмайман.

деярди. Меҳмонхонанинг нариги бошидан эшитилаётган эркак товуши: «La comtesse Voronzoff va Victor Apraksine»<sup>1</sup> деган сўзларни такрорлаб алланимани хикоя қиларди. Учинчи томондан шов-шув ва кулги эшитиларди. Масленников меҳмонхонадаги гапларга кулоқ солар, шу билан баравар, Нехлюдовнинг гапини ҳам тингларди.

– Мен яна ўша хотин масаласида келдим, – деди Нехлюдов.

– Ҳа, ўша бегуноҳ кесилган хотин. Биладан, биладан.

– Ўшани касалхонага хизматкор қилиб ўтказишни сўрагани келдим. Шундай қилиш мумкин дейишиб эди менга.

Масленников лабини қимтиб ўйланиб қолди.

– Иложи бормикан, – деди у. – Ҳай, маслаҳатлашиб эртага сенга хабар бераман.

– Менга у ерда касаллар кўп, ёрдамчи аёллар керак дейишган эди.

– Ҳа, ҳа, шундай, суриштириб сенга хабар бераман.

– Шундай бўлса-я – деди Нехлюдов.

Меҳмонхонадан ҳамманинг баравар, ҳатто, чин кўнгилидан хахолаб кулгани эшитилди.

– Бу Викторнинг иши, – деди Масленников жилмайиб, – вақти хуш бўлганда, аскияни қийиб юборади.

– Ундан ташқари, – деди Нехлюдов, – ҳозир бир юз ўттиз киши паспортининг муҳлати ўтиб кетгани учунгина қамалиб ётибди. Бир ойдан бери шу ерда эканлар.

Нехлюдов уларнинг нима учун қамаб қўйилганини сўзлаб берди.

– Сен бунга қаяқдан билдинг? – деб сўради Масленников. Унинг юзида тўсатдан ташвиш ва норозилик аломати пайдо бўлди.

– Бир айбдорнинг олдига борган эдим. Йўлакда мени ўраб олишди-да, илтимос қилишди...

– Қанақа айбдорнинг олдига боргандинг?

– Бегуноҳдан бегуноҳ айбланган бир деҳқон йигит,

<sup>1</sup> La comtesse Voronzoff va Victor Apraksine (французча) – графиня Воронцова билан Виктор Апраксин.

унга адвокат ёлладим. Гап унинг устида эмас. Нахотки, мана шу гуноҳсиз одамлар паспортининг муддати ўтиб кетгани учунгина қамаб қўйилган бўлса...

– Бу прокурорнинг иши, – Масленников зардаси қайнаб унинг гапини бўлди. – Яна сен, адолатли, холис суд дейсан. Прокурор қамоқхонага бориб туриши, маҳбуслар қонунга мувофиқ сақланишга, йўқми, текшириб туриши керак. Бу – прокурорнинг вазифаси. Лекин улар тарихча иш қилишмайди: винт<sup>1</sup> ўйнашдан бошқани билишмайди.

Нехлюдов адвокатнинг губернатор айбни прокурорга тўнқайди деган гапини эслаб:

– Сен ҳеч нарса қилолмайсанми? – деб сўради маъюсланиб.

– Қиламан. Аввал бир суриштириб кўрай-чи.

Меҳмонхонадан бир аёл кишининг:

– Ўзига қийин. *C'est un souffre-douleur*<sup>2</sup>, дегани эшитиларди. Шу айтаётган гапига аёлнинг ўзи тамомила бепарво эканлиги сезилиб турарди.

Бошқа томондан бир эркакнинг шўхлик билан:

– Жуда соз, бунисини ҳам оламан, – деган овози ва унга алланимани бермаётган аёлнинг шўх кулгиси эшитилди.

– Йўқ, йўқ, бермайман, – дерди аёл овози.

Масленников фируза кўзли узук тақилган оппоқ қўли билан папиросини ўчира туриб:

– Майли, ёрдам қиламан, – деб такрорлади, – энди юр, хотинлар олдига кирайлик.

– Шошма, яна бир гапим бор эди, – деди Нехлюдов меҳмонхонага кирар экан, эшик ёнида тўхтаб. – Кеча турмада одамларни калтаклашибди деб эшитдим. Шу гап ростми?

Масленников қизариб кетди.

– Э, гап бу ёқда дегин? Йўқ, *mon cher*, сени у ёққа кирғизиш керак эмас экан, ҳамма нарсага аралашасан. Юр, юр, *Annette* чақиряпти бизни, – деди у Нехлюдовни қўлтиқ-

<sup>1</sup> Винт – карта ўйинининг бир хили (тарж.).

<sup>2</sup> *C'est un souffre-douleur* (французча) – жуда жифоқаш хотин.

лаб оларкан. У яна, бояги мўътабар кишининг илтифотидан кейингидек, ҳаяжонлана бошлади. Лекин бу гал қувонганидан эмас, хавотирланганидан ҳаяжонга тушган эди.

Нехлюдов қўлини унинг қўлидан тортиб олди, ҳеч кимга ҳеч нима демасдан, ҳеч ким билан хайрлашмасдан, қовоғини солганича меҳмонхонадан югуриб чиққан лакейларнинг олдидан ўтиб, аввал даҳлизга, кейин кўчага чиқиб кетди.

– Унга нима бўлди? Нима қилдинг унга? – деб сўради Annette эридан.

– Бу a la francaise<sup>1</sup>, – деди аллаким.

– Бу қанақасига a la francaise бўлсин, бу a la zoulou<sup>2</sup>.

– Унинг бўлган-тургани шу.

Аллаким ўрнидан турди, аллаким келди, шивир-шивир бошланиб кетди. Нехлюдов воқеаси бу ердагиларга оғизларини тўлдириб гапириш учун бир баҳона бўлди.

Масленниковни кига борган кунининг эртасига Нехлюдов ундан муҳр босилган, силлиқ қалин қоғозга ёзилган хат олди. Масленников ўз хатида, Маслова касалхонага ўтказилсин деган мазмунда хат ёзиб юборганлигини, ҳар ҳолда, илтимоси қондирилишини ёзган эди. Хатнинг тағига: «Ҳурмат билан ўртоғинг» деб ёзилган ва «Масленников» деган имзонинг тағига чиройли қилиб каттакон чизик тортиб қўйилган эди.

Нехлюдов «ўртоқ» деган сўзни ўқиб:

– Аҳмоқ! – деб юборишдан ўзини туюлмади қолди. Чунки бу «ўртоқ» сўзи билан Масленников унга илтифот қилаётгандек туюлди. Яъни, Масленников энг ифлос ва ярамас вазифани адо этишига қарамай, ўзини энг эътиборли одам деб санар ва тилёғламалик қилмай, уни ўртоқ деб аташ билан, шу қадар мансабдор киши бўлса-да, ўзини катта тутмаслигини кўрсатмоқчи бўларди.

<sup>1</sup> A la francaise (французча) – французча қилик.

<sup>2</sup> A la zoulou (французча) – зулусча.

Дунёда энг кўп тарқалган фикр: ҳар бир кишининг ўзига хос маълум бир хусусияти бўлади, хушфёъл, ақлли, аҳмоқ, ғайратли, ялқов одам бўлади ва ҳоказо деган фикр-дир. Лекин одамлар бунақа бўлмайди. Биз одам ҳақида у кўпинча баджаҳл эмас, хушфёъл бўлади, кўпинча, аҳмоқ эмас, ақлли, ялқов эмас, ғайратли ёки аксинча бўлади дейишимиз мумкин, лекин бир одамни агарда, у хушфёъл ёинки ақлли, десанг-у, бошқа бирини жаҳлдор ёки аҳмоқ десак нотўғри гапирган бўламиз. Биз эса доимо одамларни шундай ажратамиз. Буниси тўғри. Одамлар дарёдек гап: ҳаммасининг суви бир хил, ҳамма жойда ўша суви, лекин дарё гоҳ кенг бўлади, гоҳ тор, гоҳ тез оқади, гоҳ секин, суви гоҳ тиниқ бўлади, гоҳ лойқа, гоҳ совуқ, гоҳ илиқ бўлади. Одамлар ҳам шундай. Ҳар бир одамда ҳамма инсоний хусусиятларнинг куртаги бўлади. Одам шу хусусиятларнинг гоҳ бирини, гоҳ бошқасини намоён қилади, баъзан ўша одамнинг ўзи бутунлай ўзгариб кетади. Баъзи одамларда шу ўзгаришлар жуда кескин намоён бўлади. Нехлюдов ана шу тоифа кишилардан эди: ҳам жисмоний, ҳам маънавий сабабларга кўра, унда ўзгариш рўй берарди. Ҳозир ҳам унда худди шундай ўзгариш бўлган эди.

Суддан кейин, Катюша билан биринчи учрашувдан сўнг Нехлюдовнинг қалбида пайдо бўлган кўтаринкилик ва ўзгараётганидан қувониш ҳисси тамомила ўтиб кетди, сўнгги учрашувдан кейин у қўрқув ҳисси билан, ҳатто Катюшадан жирканиш ҳисси билан алмашинди. Нехлюдов Катюшани ташлаб кетмасликка, агар у рози бўлса, унга уйланаман деган қарорини ўзгартирмасликка аҳд қилди, лекин бунини амалга ошириш унинг учун жуда оғир эди.

Масленниковникига борган кунининг эртасига, Катюшани кўриш учун яна қамоқхонага борди.

Мутасадди учрашувга ижозат берди-ю, аммо идорада ва адвокатлар хонасида эмас, балки аёлларнинг кўришув хонасида учрашувга ижозат этди. Мутасадди хушфёълли-

гига қарамай, бу гал аввалгига қараганда ўзини анча сипо тутарди; Масленников билан гаплашгандан кейин, мутасаддига мана шу одам билан жуда эҳтиёт бўлинглар деб кўрсатма берилган бўлса керак.

– Учрашув мумкин, – деди у, – фақат пул масаласида, ҳалигидек... илгари айтган эдим сизга... Жаноб олийлари ёзиб юборганларидек, уни касалхонага ўтказиш масаласига келсак, бу – мумкин, шифокор ҳам рози. Лекин Маслова ўтишни истамаяпти. «Ўша ифлосларнинг кетидан тувак ташиб юриб зарил келибдими менга...» – дейди. Шунака халқ булар, князь, – деб қўшиб қўйди у.

Нехлюдов жавоб қайтармади, учрашишга ижозат сўради. Мутасадди Масловани олиб келишга назоратчини юборди, Нехлюдов аёлларнинг ҳувуллаб ётган учрашув хонасига кирди.

Маслова ўша ерда эди, у панжара орқасидан мўминқобил бўлиб чиқиб келди. Катюша Нехлюдовга яқинлашдида:

– Ўтган куни қаттиқ гапириб қўйдим, кечиринг, Дмитрий Иванович, – деди оҳиста. У Нехлюдовга тикка қарай олмас эди.

– Сиз афв сўрашингиз керак эмас... – деб гап бошлади Нехлюдов.

– Лекин, барибир, мени ўз холимга қўйинг, – деб қўшиб қўйди Катюша. Маслованинг Нехлюдовга боққан гилай кўзларида у, яна алам, ғазаб ифодасини уқди.

– Нега ўз холингизга қўярканман?

– Ўзим, шундай.

– Нега шундай?

Маслова унга яна худди ўшандай ғазабланиб қараётгандай туюлди.

– Гап шу, – деди у. – Гапнинг рости шу, қўйинг мени ўз холимга. Қўйинг дегандан кейин қўйинг, – деди у лаблари дир-дир титраб. Шуни деб жим бўлиб қолди. – Рост гапиряпман. Йўқса ўзимни ўзим осиб қўяман.

Нехлюдов унинг бу рад жавобида ўзига нисбатан ғазаб, кечирилмаган алам борлигини, ундан ташқари, яна

бошқа қандайдир яхши ва муҳим нарса борлигини ҳис этди. Маслованинг тамомила хотиржам ҳолатда аввалгидай рад жавобни бериб, ўз фикрида туриб олгани Нехлюдовнинг кўнглидан шак-шубҳаларни кўтарди, у аввалгидек жиддийлашиб, руҳи кўтарилди, кўнгли юмшади.

– Катюша, ўша гапим гап, – деди у жиддий билан. – Илтимос қиламан, менга тег. Агар тегилсин истамасанг, ҳозирча истамас экансан, ўша айтганимдек, сен қаерда бўлсанг, шу ерда бўламан, сени қаёққа олиб кетишса, шу ёққа бораман.

– Ўзингиз биласиз, гапим битта, – деди Маслова, унинг лаблари яна титраб кетди.

Нехлюдов ҳам гапиришга холи қолмай жим бўлиб қолди.

– Ҳозир қишлоққа жўнаб кетаман, кейин Петербургга бораман, – деди у ниҳоят ўзини тутиб олиб. – Ишпингизнинг, ишимизнинг кетига тушаман, Худо хоҳласа, ҳукми бекор қилишади.

– Бекор қилишмаса ҳам барибир. Бу ишда бегуноҳ бўлсам, бошқа гуноҳларим бор-ку... – деди у. Нехлюдов унинг йиғлаб юбормаслик учун ўзини зўрға тутиб қолганини кўриб турарди. – Ҳа айтгандай, Меньшовни кўрдингизми? – деб сўради у тўсатдан ҳаяжонини яшириш учун. – Бегуноҳлиги рост-а?

– Ҳа, менимча, ҳам гуноҳи йўқ.

– Шундай ажойиб кампирки, – деди Маслова.

Нехлюдов Меньшовдан эшитганларининг ҳаммасини гапириб берди ва ундан нима кераклигини сўради. Маслова ҳеч нарса керак эмаслигини айтди.

Улар яна жим бўлиб қолишди.

– Касалхона хусусига келсак, – деди у тўсатдан Нехлюдовга кийғоч боқиб, – сиз истасангиз, майли, бораман, винойам ичмайман.

Нехлюдов индамай унинг кўзларига боқди. Маслованинг кўзлари кулиб турарди.

– Жуда соз, – деди у, сўнгра хайрлашиб чиқиб кетди.

Нехлюдов аввалги шубҳалардан кейин тамомила



янги, ҳеч қачон ҳис этмаган муҳаббатнинг энгилмаслигига ишонч ҳосил этиб: «Ҳа, ҳа, у бутунлай бошқа одам», – деб қўйди.

Бу учрашувдан кейин бадбўй камерасига қайтиб келган Маслова халатини ечди-да, сўридаги ўрнига ўтиб, қўлини тиззасига қўйиб ўтирди. Камерада эмизикли боласи бўлган владимирлик сил хотин, Меньшова кампир ва икки болалик қоровул хотиндан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Дьякон қизини кеча руҳий касал деб топиб касалхонага жўнатишган эди. Қолган хотинларнинг ҳаммаси кир юварди. Кампир сўрида ухлаб ётарди; болалар йўлакда эди, йўлакка чиқиладиган эшик очик турарди. Бола кўтарган владимирлик хотин ва бармоқларини тез-тез қимирлатиб пайпоқ тўқиётган қоровул хотин Маслованинг ёнига келишди.

– Ҳа, учрашдингларми? – деб сўрашди улар.

Маслова уларга жавоб қайтармай, сўрида оёғини осилтириб ўтирарди.

– Мунча ковоқ-тумшуғингни осилтириб олдинг? – деди қоровул хотин. – Ўзингни тетик тут. Эх, Катюша! Хўш? – деди у бармоқларини тез-тез қимирлатиб.

Маслова жавоб бермасди.

– Бизникилар кир ювгани кетишди. Бугун хайр-эхсон катта бўлади дейишиб эди. Кўп нарса олиб келганлар дейишяпти, – деди владимирлик хотин.

– Финашка! – деб қичқирди қоровул хотин, эшик томонга қараб. – Қаёққа кетиб қолдинг, шайтон.

У пайпоқ тўқиётган симининг биттасини суғуриб олиб, калава билан пайпоққа санчди-да, йўлакка чикди.

Шу маҳал йўлак томондан оёқ товушлари ва аёлларнинг гўнғир-гўнғири эшитилди. Яланг оёғига ёғоч кавуш кийган хотинлар баъзиси биттадан, баъзиси иккитадан кулча кўтариб кириб келишди. Федосья кела заҳоти Маслованинг ёнига борди.

Федосья чақнаб турган мовий кўзлари билан Масло-вага меҳрибонана боқиб:

– Ҳа, нима гап, тинчликми? – деб сўради. – Мана, кулча олиб келдим, чой билан ичамиз, – у кулчаларни тоқчага

кўя бошлади.

– Ё уйланиш ниятидан қайтибдими? – деб сўради Кораблева.

– Йўқ, ҳалиям уйланаман дейди-ю, лекин мен рози бўлмайтман, – деди Маслова. – Ўзига шундай деб айтдим.

– Аҳмоқ экансан! – деди Кораблева дўриллаган овоз билан.

– Бирга турмаганидан кейин уйланишнинг нима кераги бор? – деди Федосья.

– Эринг бирга кетяпти-ку, – деди қоровул хотин.

– Унинг йўриғи бошқа. Биз қонуний никоҳдамиз, – деди Федосья. – Бирга турмагандан кейин никоҳнинг нима кераги бор унга?

– Вой аҳмоғ-э! Нима кераги бор эмиш? Уйлансин-чи, бошдан оёқ олтинга кўмиб юборади Катюшани.

– «Сени қаёққа юборишмасин, кетингдан кетаман», – деяпти, – деди Маслова. – Борса, борар; бормаса – ундан нари. Ялинмайман. Энди ҳаракат қилиб кўргани Петербурга кетяпти. У ердаги ҳамма вазирлар қариндош-уруғи, – деб давом этди у, – лекин, барибир, мен унга зор эмасман.

Кораблева қопчигини титкилар экан:

– Тўғри айтасан! – деб унинг гапига қўшилди тўсатдан. Афтидан, бутунлай бошқа нарсани ўйлаётган эди. – Хўш, винодан ичамизми?

– Мен ичмайман, – деб жавоб берди Маслова. – Ўзларинг ичинглар.

### **БИРИНЧИ ҚИСМ ТАМОМ**

## **ИККИНЧИ ҚИСМ**

### **I**

Икки ҳафтадан кейин иш сенатда кўрилиши мумкин эди; Нехлюдов шунгача Петербургга етиб бормоқчи, иш муваффақиятсиз чиқиб қолган тақдирда, шикоятнома ёзиб берган адвокатнинг маслаҳатига кўра, подшо номига ариза бормоқчи эди. Ариза оқибатсиз қолдирилган тақдирда (адвокатнинг фикрича, суд ҳукмини бекор қилиш учун келтирилган далиллар кучсиз бўлганлиги сабабли, аризанинг оқибатсиз қолишига ҳам тайёр бўлиш керак эди), бир гуруҳ каторгачилар, жумладан, Маслова ҳам, июннинг бошларида йўлга чиқиши керак эди. Нехлюдов Маслова кетидан Сибирга жўнаб кетишга жазм қилди. Шундай қилиб, Сибирга жўнаб кетиш учун тайёргарлик кўриш, ишни бир ёқли қилиб келиш учун ҳозирнинг ўзида кишлокларга бориб келиш лозим эди.

Нехлюдов энг аввал, ҳаммадан яқин, қора тупроқ Кузминское қишлоғига жўнади. Бу ердан у катта даромад олиб турарди. Нехлюдов болалик ва ўспиринлик чоғларида шу қишлоқда яшаган, балоғатга етгандан кейин икки марта борган эди. Кейин бир марта онасининг илтимосига кўра у ерга немис бошқарувчини олиб борган, у билан бирга хўжаликни текширган эди. Шундай қилиб у, ер-мулкнинг ҳай аҳволда эканини, деҳқонларнинг конторага, яъни ер эгасига муносабати қанақалигини кўпдан бери биларди. Деҳқонларнинг ер эгасига муносабати шундай эдики, юмшоқ қилиб айтганда, улар ер эгасига тамомила муте бўлиб қолган, соддагина

қилиб айтилса, конторанинг қули эдилар. Бу – 61-йилда бекор қилинган куллик эмас, маълум шахсларнинг хўжайинга тобелиги эмас, балки барча ерсиз ёки кам ерли деҳқонларнинг, умуман ва асосан катта ер эгаларига, баъзан эса қайси катта ер эгасининг мулкида яшаса, ўшанга муте қилиб қўядиган умумий қуллик эди. Нехлюдов буни биларди, билмай иложи йўқ эди. Нега деганда, бутун хўжалик ана шу кулликка асосланган бўлиб, Нехлюдов шу хўжаликни йўлга қўйишда иштирок этган эди. Нехлюдовнинг буни билгани ҳам майли-я, у, бунинг адолатсизлигини талабалик вақтида фаҳмлаган эди, ўшанда Генри Жоржнинг таълимоти йўқиб-ўрганиб, шуни тарғиб қилган, шу таълимотта асосан, отасининг ерини деҳқонларга бўлиб берганди; бундан эллик йил муқаддам крепостной тутиш қандай гуноҳ бўлса, бизнинг замонамизда ҳам ерга хусусий эгалик қилиш шундай гуноҳ деб ҳисобларди. Рост, ҳарбий хизматдан сўнг, ҳар йили йигирма минг сўмча пул харажат қилишга ўрганиб қолганидан кейин, мана шу билимларининг ҳаммаси унинг ҳаёти учун заруратини йўқотди, унутилди. Шундай қилиб, у ўзининг хусусий мулкчиликка муносабати ҳақида, онаси бериб турган пулларнинг қаердан келаётгани тўғрисида ўзига ўзи савол бериш у ёқда турсин, бу ҳақда ҳатто ўйламасликка ҳаракат қиларди. Лекин онасининг ўлими, мерос ва мулкнинг унинг ихтиёрига ўтиши яна ерга хусусий эгаликка қандай муносабатда бўлиш керак, деган масалани олдига кўндаланг қилиб қўйди. Бундан бир ой муқаддам Нехлюдов мавжуд бўлган тартибни ўзгартириш қўлимдан келмайди, ер-мулкни бошқараётган мен эмасман-ку, – деб ўзини овуғар, ер-мулкдан узоқда яшаб, тинчгина пул олиб ётарди. Энди у, Сибирга жўнаб кетиш ҳамда қамоқхоналар дунёси билан алоқада бўлиб туриш каби мураккаб ва оғир ишлар учун пул жуда зарур бўлишини била туриб, ишни аввалги аҳволда қолдира олмаслигини ҳис этди ва, ўзининг зиёнига бўлса ҳам, уни ўзгартиришга аҳд қилди. Бунинг учун эса ерни ўзи ишлатмасдан, арзон баҳо билан деҳқонларга ўтказиб, уларни ер эгаларига қарам бўлишдан кутқармоқчи бўлди. Нехлюдов кўпинча ер эгасининг тутган ўрни-

ни крепостной эгаларининг тутган ўрни билан таққослаб, ерни мардикор солиб ишлатиш ўрнига деҳқонларга бўлиб беришни, деҳқонларнинг баршчинадан<sup>1</sup> оброкка<sup>2</sup> ўтказилишига ўхшатарди. Бу билан масала хал этилмаса-да, лекин бу масаланинг хал этилиши учун ташланган бир қадам эди: бу зўравонликнинг жуда кўпол шаклидан, унчалик кўпол бўлмаган шаклига ўтиш эди. Нехлюдов шундай қилишга аҳд қилди.

Нехлюдов Кузминскоега тушга яқин етиб келди. Содда яшашга уриниб телеграмма ҳам бермади, станциядан кичкинагина соябон извош олиб йўлга тушди. Извошчи дағал ип газламадан тикилган белбурма камзул кийган ёшгина йигит эди. Камзулининг белидан пастида, бурмалари устидан белбоғ боғлаган бу йигит почта аравачилари сингари яккакифт бўлиб ўтириб олиб, бек билан хангамалашаркан, кўпдан бери секин юргиси келаётган, холдан тойган чўлоқ оқ от билан қорни ичига кириб кетган, силласи қуриган шатакчи от қадамларини секинлатиб, аста юра бошлади.

Хўжайинни олиб бораётганидан беҳабар бўлган извошчи Кузминскоедаги бошқарувчи хақида ҳикоя қиларди. Нехлюдов ҳам атайлаб ўзининг ким эканлигини билдирмади.

– Ғалати немис, – дерди шаҳарда яшаб, романлар ўқиган извошчи. У Нехлюдовга ўгирилиб, узун камчининг гоҳ учидан, гоҳ ўртасидан ушлаб, ўзини билимдон қилиб кўрсатишга уриниб, гапини давом этдирди, – учта саман от қўшилган извош сотиб олди, хотинини ёнига ўтқазиб йўлга чикса – оғзинг очилади-колади! Қишда, рождествода<sup>3</sup>, катта уйда арча байрами ўтказди, ўшандаям меҳмон ташиган эдим, арчасига электр чироклар осилган. Губернияда буна-

<sup>1</sup> Баршчина (*русча*: барщина – баринга текин ишлаб бериш) – ўрта асрларда Россияда крепостной деҳқонларнинг ўз меҳнат қуроллари билан помещчик фойдасига ҳақ олмай мажбурий суратда бажарадиган иши; феодализм давридаги ер рентасининг бир шакли.

<sup>2</sup> Оброк – ўрта асрларда Россияда помещчиклар томонидан деҳқонлардан пул ва озиқ-овқат кўринишида олянадиган йиллик йиғим.

<sup>3</sup> Рождество (*русча*: тугилиш) – Исонинг тугилиши байрами – христиан динининг асосий байрамларидан бири. Исо тугилган кун шарафига черков жорий этган.

қасини топа олмайсиз! Пулниям тўплаган экан. Ундан нима кетди. Ўзи хон – ўзи бек. Яхши ер-мулк сотиб олибди дейишяпти.

Нехлюдов немис бошқарувчи ер-мулкни қандай идора этаётгани, қанақа фойда кўраётгани билан ишим йўқ деб ўйларди. Лекин хипча бел извошчининг хикояси кўнглини ғаш қилди. Нехлюдов баъзан қуёшни тўсиб олаётган булутларни, дехқонлар сўқа<sup>1</sup> билан қайтадан ҳайдаётган лалмикор далаларни, тепасида тўрғайлар учиб юрган кўкаламзорларни, дарахтларнинг ҳаммаси куртак ёзган ўрмонларни (кеч кўкарадиган эманларгина барг ёзмаган эди), пода ва йилқилар ёйилиб юрган ўтлоқларни, қўшчиларни, далаларни завқ билан томоша қилар экан, қандайдир бир кўнглисиз нарса содир бўлгани эсига тушиб кетар ва ўзидан ўша нарса нима эди-я, – деб сўрарди. Ўша кўнглисиз нарса извошчининг Кузминскоеда немис қандай хўжайинлик қилаётгани ҳақидаги хикояси эди.

Кузминскоега етиб бориб, ишлар билан овора бўлиб кетгач, Нехлюдов бунини унутди.

Контора дафтарларини кўриб чиққач ва дехқонларнинг ери камлиги, уларнинг ерлари хўжайиннинг ерлари орасида бўлиши фойдали эканини соддадиллик билан уқтираётган бошқарувчининг сўзидан кейин Нехлюдов хўжалигини тарқатиб, ернинг ҳаммасини дехқонларга бўлиб бериш тўғрисидаги ниятини амалга оширишга аҳд қилди. Идора ҳисоб-китобидан ва бошқарувчининг гапидан Нехлюдов энг яхши экин майдонининг учдан икки қисми қароллар томонидан такомиллашган қуроллар билан экилаётганини, қолган учинчи қисмини ҳар ботмонига беш сўмдан бериб, дехқонларни ёллаб ишлатаётганини билди. Дехқон ана шу оладиган беш сўми эвазига уч марта ер ҳайдаб, уч марта молалаб экин экишга, кейин ўриб олиб боғлашга ёки ғарамлашга, яъни эркин ва арзон мардикор ёллаган пайтда камида ҳар ботмонига ўн сўмдан тўланадиган ишни бажаришга мажбур эди. Дехқонлар конторадан оладиган ҳар бир нарса

<sup>1</sup> Сўқа (русча: соха – тирговуч, тамба; омоч) – ер ҳайдаш учун ишлатиладиган чўян тишла содда асбоб; омоч.

учун ўз меҳнатлари билан жуда қиммат ҳақ тўлардилар. Ўлар ўтлоқлар учун ҳам, хас-хашак учун ҳам, картошка поялари учун ҳам ишлаб беришарди-ю, шунга карамай, деярли ҳаммалари конторадан қарздор эдилар. Шундай қилиб, ҳар ботмон ер беш фоиз фойда келтиради деб ҳисобланса, шу баҳодаги ер деҳқонларни ёллаб ишлатилган тақдирда тўрт марта ортиқ фойда келтирарди.

Мана шуларнинг ҳаммасини Нехлюдов илгари ҳам биларди-ю, лекин ҳозир у, буни гўё биринчи марта пайқангандек бўлди ҳамда шу маҳалгача ўзи ва ўзига ўхшаган одамлар бу аҳволнинг нотўғрилигини қандай кўрмай келганларига ҳайрон қолди. Бошқарувчининг ер деҳқонларга берилган тақдирда асбоб-ускуналар нест-нобуд бўлиб кетиши, уни ўз нархининг учдан бирига ҳам сотиб бўлмаслигини, деҳқонлар ернинг расвосини чиқариб ташлашларини, бу тарзда ерни бериб юборган тақдирда Нехлюдов кўп нарсани бой беришини айтиб, келтирган далиллари Нехлюдовнинг деҳқонларга ерни бериб, катта даромаддан воз кечиб, яхши иш қилаётганини тасдиқларди. Нехлюдов бу ишни ҳозирнинг ўзида, шу сафар бир ёқли қилишга қарор қилди. Экилган буғдойни йиғиштириб сотиш, асбоб-ускуналарни, кераксиз иморатларни сотиш каби ишларни у кетганидан кейин бошқарувчининг ўзи бажариши керак эди. Ҳозир у бошқарувчидан эртаси куни Кузминское атрофидаги уч кишлоқ деҳқонларини тўплашни илтимос қилди. Нехлюдов уларга мақсадини айтмоқчи ва бериладиган ернинг баҳосини гаплашиб олмоқчи эди.

Бошқарувчи келтирган далилларга қарши қаттиқ туриб олганидан, деҳқонлар учун ўз фойдасидан кечаётгани учун хурсанд бўлган Нехлюдов идорадан чиқди, қиладиган ишлари устида бош қотириб уй атрофини айланиб ўтди, бу йил қаровсиз қолган гулзорда (бошқарувчи турган уйнинг рўпарасидан гулзор очилган эди), талха босиб кетган lawn tennis, аргувон ўсган хиёбонда кезди. Нехлюдов илгарилари шу хиёбонга чиқиб папирос чекарди, бундан уч йил муқаддам онасиникида меҳмон бўлиб турган Киримова деган чиройли жувон шу ерда унга ноз-у ишва қилган эди. Нехлюдов



эртага деҳқонларга айтадиган гапини қисқагина ўйлаб чикди-да, бошқарувчининг олдига борди, у билан чой ичиб ўтириб, хўжаликни қандай қилиб тарқатиш ҳақида яна бир карра маслаҳатлашди, бу томондан кўнгли тинчигандан кейин, катта уйда ўзига тайёрлаб қўйилган хонага кирди, бу катта уй илгари меҳмонларни қабул қилиш учун ажратилган эди.

Венеция манзараларини тасвирловчи суратлар осилган, икки деразанинг ўртасига ойна ўрнатилган кичкинагина озода хонада пружиналик тоза каравот ҳамда сув солинган графин<sup>1</sup>, гугурт ва устига чирок қўйилган столча бор эди. Ойна олдидаги катта столда қопқоғи очик чамадон турар, унинг ичида безак қутиси ва ўзи билан олиб келган китоблари кўринарди. Китобларнинг бири рус тилидаги: «Жиноят қонунларини текшириш тажрибалари» бўлиб, худди шу мавзуда битта немисча ва битта инглизча китоб бор эди. Нехлюдов бу китобларни кишлоқларни кезиб юрган пайтида, бўш қолган дақиқаларда ўқимокчи бўлди-ю, лекин бугун ўқишга вақти йўқ эди. Эртага деҳқонлар билан гаплашишга барвақт туриб тайёрланиш учун, ётиб ухламокчи бўлди.

Хонанинг бир бурчагида қизил ёғочдан садаф ва суяк қадаб ишланган қадимий кресло турарди. Нехлюдов бу кресло онасининг ётоғида турганини эслади. Шу креслонинг кўриниши Нехлюдовнинг кўнглида бутунлай қутилмаган туйғуларни уйғотди. Нехлюдов тўсатдан, вайронага айланиб кетадиган уйига, қаровсиз қоладиган боғчага, кесилиб кетадиган ўрмонга, барча молхоналар, отхоналар, асбоб-ускуна омборлари, машиналар, отлар, сигирларга ачиниб кетди. Бу нарсалар унинг кучи билан бунёдга келмаган бўлса-да, лекин катта қийинчиликлар билан, (у буни яхши биларди) бунёдга келтирилиб сақланиб келаётган эди. Илгари у мана шуларнинг ҳаммасидан осонгина воз кечаман деб ўйларди, лекин ҳозир фақат шуларгагина эмас, ерга ҳам, эндиликда жуда зарур бўлган даромаднинг ярмига ҳам жуда ачинарди. Шу заҳоти янги хаёллар уни чулғаб олган эди. Бу муло-

<sup>1</sup> Графин (инглизча) – сув, вино ва шу қабилар солиб қўйиладиган, бўғзи тор идиш.

ҳазаларга қараганда, ерни дехқонларга бериш ва хўжаликни тарқатиб юбориш нотўғри ва нотайин иш эди.

«Ерга эга бўлмаслигим керак. Ерим бўлмаса, шу катта хўжаликни бошқара олмайман. Ундан ташқари, яқинда Сибирга жўнаб кетаман. Шундай бўлгандан кейин менга уй ҳам, ер-мулк ҳам керак эмас», – деярди бир товуш. «Шундайликка шундай-ку-я, – деярди иккинчи товуш, – лекин, биринчидан, сен бутун умрингни Сибирда ўтказмайсан-ку. Агар уйлангудек бўлсанг, бола кўришинг мумкин. Ер-мулкни қандай олган бўлсанг, болаларингта ҳам шу ҳолича топширишинг керак. Ерга нисбатан бўйнимизда бурчимиз бор. Ҳамма нарсани таркана<sup>1</sup> қилиш, нест-нобуд қилиш жуда осон, бир нарса ортдириш эса амри маҳол, энг муҳими – қандай ҳаёт кечиришингни бир ўйлаб чиқишинг, ўз тақдиринг хусусида бир қарорга келишинг керак. Шунга қараб мулкнингни нима қилиш ҳақида буйруқ берасан. Шу қарорингта қатъий турасанми? Шу қилаётган ишингни виждонан тўғри қиялпман деб ўйлайсанми ёки одамлар кўзини бўяш, улар олдида мақтаниш учун қиялпсанми?» – деб сўрарди Нехлюдов ўзидан. У одамларнинг ўзи тўғрида нима деб гапириши унинг қарорига таъсир этмаган дея олмас эди. У ўйлаган сари: турли саволлар туғилар, борган сари уларнинг ҳал этилиши оғирлашарди. Нехлюдов шу саволлардан қутулмоқчи, эр алаб, соф калла билан чувалган калаванинг учини топиш учун озодагина ўрнига ётиб ухламоқчи бўлди. Лекин анчагача ухлай олмади, очик деразадан соф ҳаво ва ой нурлари билан бирликда узокда, паркда чакчаклаб сайраган булбулларнинг товуши, қурбақаларнинг қуруллашлари ҳам кирарди. Битта булбул яқингинада – дераза тагидаги очилиб ётган настави шохиди сайрарди. Булбулларнинг ва қурбақаларнинг сайрашини тингларкан, Нехлюдов турма мутасаддисининг кизи чалган мусикани эслади мутасаддини эслагач, Мислова эсига тушди. «Мени ўз ҳолимга кўйинг», – деганида унинг лаблари қуруллаган қурбақаларнинг лабидек титрар эди. Кейин немис бошқарувчи қурбақалар қурул-

<sup>1</sup> Таркана – тақсимлашдан тегадиган улуш, ҳисса.

лаётган жарга туша бошлади. Уни тўхтатиб қолиш керак эди. Лекин у туштиши биланоқ Масловага айланди: «Мен каторгачиман, сиз эса князсиз» деб унга таъна қила бошлади. «Йўқ, бўш келмайман», – деб ўйлади Нехлюдов, уйғониб кетиб ўзидан сўрай бошлади: «Хўш, қилаётган ишим яхшими ёки ёмонми? Билмайман, менга барибир. Барибир. Ҳозир ухлаш керак, фақат». Шундай қилиб, унинг ўзи ҳам бошқарувчи билан Маслова тушиб кетган жойга туша бошлади, ҳаммаси ўша ерда тамом бўлди.

## II

Эртасига Нехлюдов эрталаб соат тўққизларда уйғонди. Бекнинг хизматини ўтаб турган контора хизматчиси бўлган йигит, унинг уйғонганини билиб, ҳеч қачон бу қадар ялтирамаган ботинкаси билан муздек тиниқ булоқ суви олиб келди ва деҳқонларнинг тўпланаётганини айтди. Нехлюдов хушёр тортиб ирғиб ўрнидан турди. Кеча кечаси, ерни улашиб хўжаликни вайрон қилаётганига ачиниш ҳиссидан заррача асар қолмаган эди. Ҳозир у кеча ўйлаган нарсаларини эслаб хайрон бўларди. Ҳозир у қилиши лозим бўлган ишдан севинар, беихтиёр фахрланарди. Ўтирган уйнинг деразасидан талға ўсган lawn tennis майдончаси кўриниб турарди. Бошқарувчининг гапи билан деҳқонлар шу ерда тўпланмоқда эдилар. Курбақаларнинг кечқурундан бошлаб қуруллаши бежиз эмасди. Ҳаво булут эди. Эрталабдан бошлаб илиққина ёмғир бир текис ёғиб турар, баргларда, новдаларда, кўкатларда ёмғир томчилари йилтирарди. Деразадан кўкатлар ҳидидан ташқари, ёмғирсираб ётган ер иси келарди. Нехлюдов кийина туриб бир неча бор деразадан қараб, деҳқонларнинг майдонга тўпланишаётганини кузатиб турди. Улар бирин-кетин келишар, бир-бирлари билан саломлашиб шапка ва қалпоқларини олишар, таёқларига таяниб давра қуриб туришарди. Кўк қотирма ёқалик, каттакон тугма қадалган калта пиджак кийган, миқтидан келган, мушакдор, бақувват бошқарувчи йигит келиб ҳамма тўпланганини бил-

дирди, лекин сиз аввал бориб қаҳва ёки чой ичиб олинг, қаҳва ҳам, чой ҳам тайёр, деҳқонлар кутиб туриши мумкин, деди.

– Йўқ, яхшиси олдин уларнинг олдига чиқа қолай, – деди Нехлюдов. У деҳқонлар билан гаплашиш керак деб ўйлаши билан кутилмаганда хижолат тортиб, юраги пўкиллаш бошлади.

У деҳқонларнинг рўёбга чиқишига ақли бовар қилмаган истакларини бажо келтириш, уларга арзон баҳога ерини бериш, яъни уларга яхшилик қилиш учун борарди-ю, лекин негадир уяларди. Нехлюдов тўпланган деҳқонлар ёнига борганда шапкалар олиниб, малла, кўнгирак, тепакал, сочлари оппоқ бошлар яланг бўлганда у шундай хижолат тортдики, анчагача ҳеч нарса дея олмади. Ёмғир ҳамон майдалаб ёғар, унинг томчилари деҳқонларнинг соч-соколларига, чакмонларининг тукларига ёпишарди. Деҳқонлар нима дер экан, деб бекка тикилганларича кутишар, у эса шундай хижолат тортган эдики, лом-мим дея олмас эди. Хижолатпазлик орқасида ўртага тушган жимликни ўзини рус деҳқонини яхши билувчи деб ҳисоблаган, рус тилини сувдек ичиб юборган, кеккайган немис-бошқарувчи бузди. Худди Нехлюдов сингари бақувват, семиз бу киши, ориқ юзлари бужмайган ва чакмонининг тагидан ориқ курак суяклари тортиб чиққан деҳқонларнинг тамомила акси эди.

– Мана, князь сизларга яхшилик қилмоқчилар – ер бермоқчилар, лекин сизлар бундай илтифотга муносиб эмас-сизлар, – деди бошқарувчи.

– Нега муносиб эмас эканмиз, Василий Карлич, сенинг хизматингни қилмаганмизми? Биз раҳматлик бека ойимдан мингдан минг миннатдормиз, жойлари жаннатда бўлсин, ёш князимизга ҳам кўп раҳмат, бизни ўз ҳолимизга ташлаб қўймаяптилар, – деб гап бошлади гапдон малла деҳқон.

– Мен сизларни, агар истасанглар, бутун еримни бераман деб чақиртирдим, – деди Нехлюдов.

Деҳқонлар унинг гапига тушунмагандек ёки ишонмагандек индамас эдилар.

– Нима мақсадда ер бермоқчисиз? – деди белбурма камзул кийган ўрта яшар деҳқон.

– Ижарага бермоқчиман, арзон баҳо билан олиб фойдаланинглар, демоқчиман.

– Жуда соз иш, – деди бир чол.

– Фақат баҳоси қурбимиз етадиган бўлса, – деди бошқаси.

– Ер бўлади-ю, олмаймизми!

– Бизнинг касб-коримиз маълум, тирикчилигимиз ер билан ўтади!

– Ўзингизга ҳам тинч, пулингизни санаб олаверасиз, йўқса жуда машмашаси кўпайиб кетди, – деган овозлар эшитилди.

– Ўзларинг гуноҳкор, – деди немис, – сизлар бўйин товламай ишлаб, тартибни бузмасаларинг...

– Ҳамма балога биз гирифтор эканмиз-да, Василий Карлич, – деди қиррабурун ориқ чол. – Нега отингни бугдойзорга қўйиб юбординг, дейсан. Ким қўйиб юборибди уни: мен эса эрта-ю кеч, уззукун бугдой ўриб ўлгудай чарчайман. Кўзимни уйқу элитди дегунча қарабсанки, у курғур сулига уриб кетибди. Сен эса менинг теримни шиласан.

– Йўқса тартиб сақланглар.

Қора сочли, ҳамма ёғини тук босган, ўрта яшар новча деҳқон эътироз билдирди:

– Тартиб, тартиб деб оғиз қўпиртириш осон, унга ҳам куч керакми?

– Тўсиб олинглар, демабмидим, ахир.

– Аввал ёғоч бер-да, – деб сўзга аралашди орқа томондан кичкинагина, хунуккина деҳқон. – Ёзда тўсиб олмоқчи бўлган эдим, ўзинг уч ой қамаб, битта ем қилиб қўйдинг-ку. Қандай қилиб тўсаман.

– У нима деяпти? – деб сўради Нехлюдов бошқарувчидан.

– Der erste Dieb im Dorfe<sup>1</sup>, – деди бошқарувчи немис тилида, – ҳар йили ўрмонда қўлга тушарди. Ундан кўра

<sup>1</sup> Der erste Dieb im Dorfe (немисча) – кичлоқдаги биринчи ўғри.

бировнинг мулкани кадрлашни ўрган, – деди бошқарувчи.

– Ҳа, сени кадрламаяпмизми? – деди чол, – сени кадрламай иложимиз йўқ, нимага деганингда, сенга муҳтожмиз, сен бизни ногорангга ўйнатасан.

– Э, оғайнилар, сизларни хафа қилиб бўладими, ишқилиб, ўзларинг хафа қилмасаларинг бас.

– Сен бўласан-у, хафа қилмайсанми! Ёзда оғзи-бурнимни қоп-қора қон қилдинг-ку. Бойлар билан тенг келиб бўлармиди.

– Сен ҳам қонунга қараб иш қил-да.

Даҳанаки жанг бошланиб кетди. Бунда иштирок этувчилар нимани ва нима учун гапираётганларини ўзлари ҳам яхши тушунишмасди. Фақат бир тарафнинг бутун ғазабини кўрқув хисси тутиб турар, иккинчи тараф эса ўзининг устунлиги, ҳукмронлигини сезарди. Буларни тинглаб туриш Нехлюдов учун оғир туюлди. Шунинг учун ҳам у ишга кўчишга, баҳо қўйиш ва тўлов муддатларини белгилашга ҳаракат қилди.

– Хўш, ер хусусида нима дейсизлар? Ер олишни хоҳлайсизларми? Агар ернинг ҳаммасини берадиган бўлсам, қандай баҳо қўясизлар?

– Мол сизники, баҳони ўзингиз қўйинг.

Нехлюдов нарҳини айтди. Нехлюдов қўйган баҳо теварак-атрофдагилар тўлаб юрган баҳодан анча паст бўлишига қарамай, деҳқонлар ҳар вақтдагидай, баҳони қиммат деб топиб кийиша бошладилар. Нехлюдов бу таклифни деҳқонлар жон деб қарши олишади, деб ўйлаган эди, лекин ҳеч кимнинг мамнун бўлгани сезилмади. Ерни бутун жамоа оладими ёки ширкат оладими деган масала кўтарилганда, вақтида пул тўлашга қодир бўлмаган камбағал деҳқонларни шерик қилиб олишни истамаган деҳқонлар билан шерикликдан чиқарилаётган деҳқонлар ўртасида қаттиқ тортишув бошланиб кетди. Нехлюдов қилган таклифи уларга фойдали эканини фақат шундагина билди. Ниҳоят, бошқарувчининг ёрдами билан баҳо белгиланди, тўлаш муддати аниқланди, деҳқонлар гўнғир-гўнғир гаплашиб тепалик ёнбағридаги қишлоқларига қайтишди, Нехлюдов эса бошқарувчи билан

биргаликда шартнома лойихасини тузиш учун идорага қараб кетди.

Ҳаммаси Нехлюдовнинг кўнглидагидай, кутганидай бўлиб чиқди: деҳқонлар теварак-атрофдагига қараганда ўттиз фоизга яқин арзон баҳо билан ер олдилар. Нехлюдовнинг ердан оладиган даромади ярим баравар камайди, аммо шунга қарамай, сотилган ўрмон ва сотиладиган асбоб-анжомлар пули қўшилгандан кейин Нехлюдовнинг даромади ўзига етиб-ортарди. Назарида, ҳамма иш жойида эди-ю, лекин негадир Нехлюдов доим хижолат тортарди. У деҳқонларнинг баъзилари унга миннатдорчилик билдиргани билан, асосан улар норизо эканликларини, бундан ҳам бошқача илтифот кутганларини сезиб турарди. Бундан чиқди, у кўп нарсдан воз кечди-ю, лекин деҳқонларни кутганларидек қаноатлантира олмади.

Эртасига хомаки шартлар имзоланди. Нехлюдовни қоллар кузатиб чиққан эдилар. У қандайдир иши чала қолгандек кўнгли ғаш бўлиб, станциядан келган извошчининг сўзи билан айтганда, бошқарувчининг уч от қўшилган ҳашаматли извошига ўтирди, ҳайрон бўлиб, норозилик билан бош чайқаб қолган деҳқонлар билан хайрлашиб, станцияга жўнаб кетди. Нехлюдов ўзидан норози эди. Нима учун норозилигини ўзи билмас, бироқ ҳамма вақт мавъюс, нимадандир уяларди.

### III

Кузминскоедан чиққандан кейин Нехлюдов аммаларидан мерос бўлиб қолган – Катюша билан танишган ермулкка йўл олди. Бу жойда ҳам у ерни худди Кузминскоедаги каби деҳқонларга бермоқчи эди; ундан ташқари, Катюша ҳақида ва Катюшадан кўрган бола ҳақида суриштириб, иложи борича, кўпроқ нарсани билиб олмақчи эди: Ўлгани ростми, қандай қилиб ўлган? Нехлюдов Пановога эртасаҳарлаб келди. Ҳовлига кириб келганида уни илк дафъа ҳайратга солган нарса бутун иморатлар, айниқса, уйнинг



футурдан кетиб қаровсиз қолгани эди. Бир вақтлар яшил тусда бўлган тунука том қўпдан буён бўялмай, занглаб қизариб кетган, бир неча тахта тунукаси, шамолдан бўлса керак, кўтарилиб қолган эди; уйнинг устидан қоқилган юпқа тахталарни одамлар кўчиши осон бўлган ерлардан занглаган миҳларини қайириб кўчириб олган эдилар. Зинапоянинг иккаласи – уйнинг пешидаги зинапоя ва, хусусан, унга таниш бўлган орқадаги зинапоя чириб, синиб тушган, фақат тўсинларигина қолган эди; деразаларнинг ойнаси ўрнига юпқа тахта қоқилган эди. Бошқарувчи яшаган уй ҳам, ошхона ҳам, отхоналар ҳам – ҳаммаси эскирган, зах босган эди. Фақат, боғ қариб-тўзиб кетиш у ёқда турсин, қайтага гуркираб яшнаб ўсган, ҳозир гулга кирган эди; гуллаб турган олчалар, олма ва олхўрилар девор орқасидан худди оптоқ булутларга ўхшаб кўринарди. Ихота<sup>1</sup> бўлиб ўсган настарин эса бундан ўн тўрт йил илгаригидек гуллаган, Нехлюдов шу настарин орқасида ўн саккиз яшар Катюша билан бекинмачок ўйнаб юриб йиқилган, кичитқон билан қўли тилинган эди. Софья Ивановна уй ёнига ўтқизганда қозик бўйидай келадиган тилоғоч<sup>2</sup> ҳозир тўсинга ярайдиган катта дарахт бўлиб, сариққа мойил яшил, нафис ва юмшоқ игнабарглр билан қопланган эди. Соф лиммо-лим бўлиб оқар, тегирмоннинг новидан шовуллаб тушиб турарди. Соининг нариги томонидаги ўтлоқда деҳқонларнинг олачипор подалари ўтлар эди. Бошқарувчи курсни тамомламаган семинарист<sup>3</sup>, Нехлюдовни ҳовлида илжайиб қарши олди, ҳамон боягидек илжайганича уни конторага таклиф этди. Кейин гўё аллақандай бошқача бир нарса ваъда қилаётгандек илжайиб, панжара орқасига ўтиб кетди. Панжара орқасида аллаким билан шивир-шивир гаплашишди ва жим бўлишди. Чойча-

<sup>1</sup> Ихота (арабча; ўраб олиш; девор; камраб олиш) – атрофни тўсиш, химоя учун ўраш, тўсиш ва шу мақсаддаги тўсиқ; химоянинг ўзи; қуршов.

<sup>2</sup> Тилоғоч – ёғочи жуда қаттиқ, узун, игнабаргли дарахт.

<sup>3</sup> Семинария – 1) баъзи мамлакатларда, масалан, XVIII аср – XX аср бошларида Россияда бошланғич мактаб ўқитувчилари тайёрлайдиган махсус ўқув юрти; 2) XVI асрнинг 2-ярмидан Ғарбий Европанинг айрим мамлакатларида ташкил этилган, айрим христан черковлари учун руҳонийлар тайёрлайдиган ўқув. Семинарист – семинариани битирган.

қасини олган извошчи кўнғироқларини жиринглатиб ҳовлидан чиқиб кетди. Ҳамма ёқ жимжит бўлиб қолди. Кўп ўтмай дераза тагидан кашта тикилган кўйлақ кийган, қулоғига патли исирға таққан яланг оёқ қиз югуриб ўтди. Қизнинг кетидан йўғон этигининг михини дўкиллашиб бир деҳқон топталган сўкмоқдан югуриб кетди.

Нехлюдов дераза тагига ўтириб боғни томоша қилди, кулоқ сола бошлади. Табақалари кичкинагина деразадан елиб кирган баҳор шамоли, унинг терлаб турган пешонасидаги сочини ва пичоқ билан кескилаб ташланган дераза токчаси устидаги қоғозларни оҳиста силкитар, янги ҳайдалган ер ҳидини олиб кирарди. Сойдан тапира-тупур овоз келар, хотинлар алланарсани шалоплатиб урар, бу овозлар димланган сойнинг қуёшда порлаб турган сатҳида янгар, сувнинг бир меъёрда тегирмон тарновига куйилиши эшитиларди. Мана, пашша қулоғи тагидан гинғиллаб учиб ўтди.

Тўсатдан Нехлюдов, бир вақтлар, ҳали ёш ва маъсум йигитлик чоғида худди ҳозиргидек, бу ердан туриб сойда қўл кирларни тапирлатиб урганларини, тегирмоннинг бир меъёрда шовуллашини эшитганини, ўшанда ҳам баҳор шамоли худди ҳозиргидек, ҳўл пешонасидаги сочларини ва пичоқ билан кескилаб ташланган дераза токчасидаги қоғозларни оҳиста силкитганини, худди ҳозиргидек ўшанда ҳам қулоғи тагидан бир пашша гинғиллаб учиб ўтганини эслади. Шундай қилиб у ўзининг ўн саккиз яшарлик даврини эслабгина қолмай, ўзини ўшандай тароватли, пок ва буюк имкониятларга эга деб ҳис этарди, ҳис этарди-ю, аммо тушдаги каби, бу туйғуларнинг мавжуд эмаслигини билар, билгани учун ҳам юраги эзиларди.

– Қачон овқат қиладилар? – деб сўради бошқарувчи илжайиб.

– Истаган вақтингизда, ҳозирча қорним тўк. Бориб қишлоқни бир айланиб келаман.

– Уй ичини бир айланиб чиқсалар бўлмайдими, ичкарида ҳамма нарса саранжом-саришта. Бир кўриб чиқинг, ташқари томонининг...

– Йўқ, кейин айланиб чиқаман, ҳозирча шуни айтинг:

бу ерда Матрёна Харина деган хотин турадимми?

Бу Катюшанинг холаси эди.

– Бор, бор, қишлоқда, уни сира йўлга сололмадим-сололмадим. Май қилиб сотади. Бидаман уни, қўлга туширдим, уришдим, далолатнома тузай десам – раҳмим келади: ўзи кекса, неваралари бор, – деди бошқарувчи амон боягидек хўжайинга ёқмоқчи бўлганини ва Нехлюдовнинг ҳам худди ўзи сингари ҳамма ишни тушунишига ишонганини ифодаловчи табассум билан.

– Қаерда туради? Бориб келмоқчи эдим.

– Қишлоқнинг четида, нариги бошидан учинчи уйда. Чап томонида ғиштин уй бор, ўша ғиштин уйдан кейинги кулба уники. Яхшиси ўзим олиб бора қоламан, – деди бошқарувчи хушвақт бўлиб илжайиб.

– Йўқ, раҳмат, ўзим топиб оламан. Сиз, яхшиси, деҳқонларга хабар қилинг, тўпланишсин: улар билан ер хусусида гаплашмоқчиман, – деди Нехлюдов. У иложини топса, бу ерда ҳам Кузьминскоедаги каби деҳқонлар билан бўладиган ишни шу бугун кечкуруноқ бир ёқлик қилмоқчи эди.

#### IV

Дарвозадан чиққач, Нехлюдов отқулоқ ва сассиқалаф босган ўтлоқдаги сўқмоқ йўлда тез-тез юриб келаётган олабайроқ кийимдаги, исирга таққан, болдири семиз деҳқон қизга дуч келди. Қиз қайтиб келаётиб, чап қўлини юришига монанд силкитар, ўнг қўли билан кизил хўрозни қорнига маҳкам босиб олган эди. Қизил тожи силкиниб турган хўроз бутунлай хотиржамдек туюларди. Фақат хўрознинг кўзлари олайиб-олайиб кетар, қора оёғини гоҳ чўзар, гоҳ кўтарар, тирноғи қизнинг кўйлагига илашарди. Бекка яқинлашиб қолгач, югуриб келаётган қиз юришини секинлатди, рўпарама-рўпара келгач эса тўхтади, бошини орқасига ташлаб энгашиб таъзим қилди. Нехлюдов ўтиб кетгандан кейингина хўрозини кўтарганича йўлида давом этди. Қудуқ томонга тушиб кетаётган Нехлюдов дағал матодан тикилган кир

кўйлакни, букчайган елкасида обкашда суви тўла, оғир челақларни кўтариб келаётган кампирни учратди. Кампир челақларини оҳиста ерга қўйди-да, худди бояги киздек, бошини орқасига ташлаб, кейин таъзим қилди.

Кудукнинг нариги томони қишлоқ эди. Ҳаво очик, кун иссиқ, соат ўнданоқ кун қизиб кетган эди. Кўкда пайдо бўлаётган булутлар аҳён-аҳёнда куёш юзини тўсиб қўярди. Қатнайвериб теп-текис бўлган йўлдан тепаликка қараб кетаётган аравалардан, гўнги кавлаб олинган ховлилардан гупуллаб уриб турган аччиқ, лекин унча қўланса бўлмаган ҳид бутун кўчани тутган эди. Нехлюдов қўраларнинг очик дарвозалари ёнидан ўтиб борарди. Аравалар кетидан тепаликка кўтарилаётган яланг оёқ, қўйлак ва чолворлари шалтоққа ботган деҳқонлар, шоҳи лентаси офтобда ялтираётган кулранг шляпа кийган, туткичи яркираган бўғим-бўғим ҳассасини ҳар икки қадамда бир марта ерга таяб, қишлоқнинг ичкарасига кириб кетаётган баланд бўйли, семиз князьга ўтирилиб, қараб-қараб қўярдилар. Бўш аравасининг пештахтасига ўтириб олиб, силкина-силкина от йўрттириб даладан қайтаётган деҳқонлар, шапкаларини бошларидан олиб, кўчаларидан ўтиб кетаётган ажойиб одамга ҳайрон бўлиб қараб қолишарди: хотин-халажлар дарвоза ёнига ва пиллапояга чиқиб, уни бир-бирларига имо қилиб кўрсатишар, кўзлари билан кузатиб қолишарди. Тўртинчи дарвоза ёнида, ўтиб кетаётганда, дарвозадан ғижирлаб чиқиб келаётган арава Нехлюдовни тўхтатди, баланд қилиб уйилган гўнг устига ўтириш учун чипта солинган эди. Маза қилиб аравада кезиш орзусида ёнган олти яшар бола арава кетидан эргашиб келарди. Чипта кавуш кийган ёш деҳқон, катта-катта қадам ташлаб, отни дарвозадан чиқарарди. Узун оёқ кўк тойчоқ дарвозадан сапчиб чиқди-ю, лекин Нехлюдовдан ҳуркиб аравага қисилди, оёқларини ғилдиракка уриб олиб, дарвозадан оғир аравани тортиб чиқаётган, хавотирланиб кишнаб қўйган онасининг олдига ўтиб кетди. Ундан кейинги отни яланг оёқ, йўл-йўл чолвор, узун кир қўйлак кийган, елкасининг суюклари чиқиб турган ориқ бардам бир чол етаклаб чиқди.

Отлар бўрсиган, кулранг тусга кирган гўнг тўкилиб қолган йўлга чиқиб олгач, чол дарвоза ёнига қайтди-да, Нехлюдовга таъзим қилди.

– Бизнинг бек оймларнинг жиянлари бўласизми?

– Ҳа, ўшаларнинг жияниман.

– Хуш келибсиз. Хўш, биздан ҳол-аҳвол сўрагани келдингизми? – деди сўзамол чол.

– Ҳа, шундай. Хўш, аҳволлар қалай? – деди Нехлюдов гап тополмай.

Сўзамол чол сўзларидан мамнун бўлаётгандек чўзиб гапирди:

– Аҳволимиз нима бўлар эди! Аҳволимиз жуда ёмон.

– Нега ёмон? – деди Нехлюдов дарвозахонага кира туриб.

Чол Нехлюдов кетидан, ери қириб тозаланган бостирмага кирар экан.

– Шу ҳам турмуш бўлди-ю? Турмушнинг энг ёмони шу, – деди.

Нехлюдов унинг кетидан бостирмага кирди.

Чол рўмоллари бошларидан сирғалиб тушган, лайлакларини липпаларига кистириб, яланғоч болдирларининг ярмигача шалтоққа ботган ҳолда, ҳали тозалаб олинмаган гўнг тепасида паншаха ушлаб турган, терлаб-пишган икки аёлни кўрсатиб:

– Қарамоғимда ўн икки жон бор, – деб сўзида давом этди. – Ҳар ой олти пуд кетади. Қаердан оламан уни?

– Ўзингизники етмайдими?

– Ўзингизники?! – деди чол истехзо билан кулиб – Уч жонлик ерим бор, бу йил бор-йўғи саккиз ғарам унум олдик, ҳатто рождествогача ҳам етмади.

– Энди қандоқ қиласизлар?

– Қандоқ қилардик, бирини ишга бердим, яна сиз жаноб олийларидан пул кўтардим. Рўзадан буруноқ бор-йўғимни олиб кетишди, солиқлар эса ҳали тўланмаган.

– Қанча солиқ бор?

Ховлимдан гўрт ойга ўн етти сўм тўлаш керак Бундок тирикчиликни Худо кўрсатмасин, қандай қилиб кун ўтқа-

заётганингга ўзинг ҳам хайронсан!

Нехлюдов ҳовлининг тозаланган еридан ҳали тозаланмаган, паншаха билан ағдарилган заъфарранг, бадбўй гўнг уюлиб ётган жойига ўта туриб:

– Уйингизга кирсам бўладими? – деб сўради.

– Нега бўлмас экан, кираверинг, – деди чол, сўнгра пилчиллаган шалтоқни яланг оёқларининг бармоқлари орасидан чиқариб, тез-тез юриб Нехлюдовнинг олдига ўтиб олди-да, уй эшигини очиб берди.

Аёллар бошларидаги рўмолларини тузатиб, кўйлакларини туширдилар, енгига заррин тугмалар таққан озода князъга марокли бир даҳшат билан қараб қолдилар.

Уйдан калта кўйлак кийган икки қиз югуриб чиқди. Нехлюдов энгашиб, бошидан шляпасини ечиб даҳлизга кирди. Кейин даҳлиздан икки дастгоҳ банд қилган ифлос ва тор уйга кирди. Бу ердан ачиган таом ҳиди келиб турарди. Уйда печь ёнида офтобда қорайган ориқ, сертомир қўлининг энги шимарилган бир кампир турарди.

– Мана, бегимиз бизга меҳмон бўлиб кирдилар, – деди чол.

Кампир енгини туширар экан:

– Ҳай, хуш кўрдик, – деди мулойимгина.

– Қандай тирикчилик ўтказяпсиз, бир кўрай девдим, – деди Нехлюдов.

– Турмушимизни ўзингиз кўриб турибсиз. Уй босиб қолай деяпти. Ҳализамон битта-яримгани босиб қолиши ҳеч гап эмас. Чол эса шунисига ҳам шукур дейди. Ана шундай кун кечираётимиз, – дерди дадил кампир асабий ҳолда бошини қалтиратиб, – ҳозир тушликни ҳозирладим. Ишлаётган одамларимнинг қорнини тўйдиришим керак.

– Тушлик овқатингиз нима?

– Нима бўларди? Овқатимиз яхши. Биринчисига нон билан квас<sup>1</sup>, иккинчисига – квас билан нон, – деди кампир кемтик тишларини кўрсатиб.

<sup>1</sup> Квас (*русча*; ачитки, томизги) – ундириб янчилган жавдар ёки арпага арпа ун ёки нони ҳамда шакар эритмаси қўшиб, ачитиб тайёрланадиган нордонроқ ичимлик.

– Йўк, хазилингизни кўйинг. Ҳозир ейдиган таомингизни кўрсатинг.

– Таомингиз? – деди чол кулиб. – Жўнгина овқатланамиз. Кўрсат, кампир, буларга.

Кампир бошини чайқаб кўйди.

– Биз деҳқонларнинг овқатини кўргингиз келиб қолибди-да. Мен сизга айтсам, жуда эпчил одам экансиз, бек. Ҳамма нарсани билгингиз келади. Овқатимиз нон билан квас, деди-да. Ундан ташқари, карам шўрва билан кеча хотинлар олиб келган майда балиқ бор, аввал карам шўрва, кейин – картошка.

– Ҳаммаси шуми?

– Яна нима бўларди, сут билан оқлаб юборишимиз мумкин, – деди кампир кулимсираб эшикка қараб-қараб кўйиб.

Эшик очик эди, даҳлиз одамга тўлган, ўғил болалар, кизалоқлар, гўдақларини кўтарган хотинлар эшик ёнида тикилишиб, деҳқонлар овқатини томоша қилаётган ғалати бекни кузатишарди. Кампир бек билан муомалани жойига қўяётганидан фахрланаётгандек кўринарди.

– Шундай, бегим, тирикчилигимиз жуда, жуда оғир, нимасини айтасиз, – деди чол, – нега мунча тикиласанлар? – деб кичкирди у эшик ёнида турганларга.

– Хўп, хайр унда, – деди Нехлюдов уялиб, ўнғайсизланиб. Бунинг сабаби нимадалигини унинг ўзи ҳам билмас эди.

– Йўқлаб келганингиз учун мингдан минг миннатдормиз, – деди чол.

Даҳлиздаги одамлар бир-бирларига сикилишиб, уни ўтказиб юборишди. Нехлюдов кўчага чиқди-да, юқорига қараб кетди. Унинг кетидан изма-из икки яланг оёқ бола даҳлиздан чиқди. уларнинг каттароғи бир маҳал оппок бўлса ҳам, хозир яғири чикиб кетган кўйлак, иккинчиси – ранги айнаб кетган эски пушти кўйлак кийган эди.

– Энди каёққа борасиз? – деди оқ кўйлак кийган бола.

– Матрёна Харинаникига, – деди Нехлюдов, – уйини биласизларми?



Пушти кўйлак кийган кичкина бола негадир кулиб юборди, каттаси эса:

– Қанақа Матрёна? Қарими? – деб сўради.

– Ҳа, қари.

– Ҳа-а, – деди у чўзиб, – Семениха, кишлокнинг нариги бошида туради. Сизни олиб бориб кўямиз. Юр, Федька, олиб бориб кўямиз.

– Отлар нима бўлади?

– Кўявер, ҳеч нима қилмайди.

Федька унинг гапига кўнди. Улар уч кишилашиб кишлок бўйлаб юқорига қараб кетишди.

## V

Нехлюдов катталардан кўра, болалар билан бирга бўлганда ўзини енгилроқ ҳис этар эди. У йўл-йўлакай болалар билан гаплашиб кетди. Пушти кўйлак кийган кичкина бола кулишини йиғиштириб, нариги катта бола сингари ақлли ва пишиқ-пишиқ гапирарди.

– Қишлоғингизда энг камбағали ким? – деб сўради Нехлюдов.

– Ким камбағал дейсизми? Михайло камбағал, Семён Макаров, Марфа эса ҳаммадан камбағал.

– Анисья-чи – энг камбағали шу. Анисьянинг сигири ҳам йўқ, тиланчилик қилишади, – деди кичкина Федька.

– Сигири бўлмасаям, улар бор-йўғи уч киши, Марфа эса ўзи билан беш киши, – деб эътироз билдирди каттаси.

– Ҳар нима бўлгандаям, у бева хотин, – деб гапида туриб олди пушти кўйлак кийган бола.

– Анисьяни бева дейсан, Марфа ҳам бевадек гап, – деб давом этди катта бола. – Барибир, эри йўқ.

– Эри қаерда? – деб сўради Нехлюдов.

– Қамокда, битларга ем бўлиб ётибди, – деди катта бола одатдаги иборани ишлатиб.

– Ёзда хўжайиннинг ўрмонидан иккита қайин кесиб олгани учун қамаб кўйишди уни, – деди шоша-пиша тунги

кўйлақдаги кичкина бола. – Қамалганига олти ой бўлди. Хотини тиланчилик қилиб юрибди. Учта боласи, яна битта мункиллаган кампири ҳам бор, – деб батафсил гапириб берди у.

– Қаерда туради? – деб сўради Нехлюдов.

– Мана шу ҳовли, – деди бола рўпарасида оқ бошли муштдек гўдак турган уйни кўрсатиб. Тиззаси букилган, оёғи эгри бола Нехлюдов келаётган сўқмоқда тебраниб, зўрға турарди.

Уйдан худди кулга белангандек кир, кулранг кўйлақ кийган хотин югуриб чиқиб:

– Васька, қаёққа кетиб қолдинг, шайтон? – деб қичқирди, юзида қўрқув ифодаси пайдо бўлди, югуриб бориб Нехлюдовдан олдинга ўтиб олди-да, гўё боласини Нехлюдов бир нима қилиб қўядигандек, уни кўтара солиб уйга кириб кетди.

Бу Нехлюдовнинг ўрмонидан иккита қайин кесгани учун қамалган кишининг хотини эди.

– Матрёна-чи, камбағалми? – деб сўради Нехлюдов Матрёнанинг уйига етишганида.

– Қанақасига камбағал бўлади: вино сотади-ю, – деди пушти кўйлақ кийган ориқ бола қатъий қилиб.

Матрёнанинг уйига етгач, Нехлюдов болаларга жавоб бериб юборди-да, дахлизга, кейин уйга кирди. Матрёна кампирнинг уйи олти газ келарди, шундай кичкина эдики, печнинг нари ёғидаги каравотда катта одам оёғини узатиб ёта олмас эди. «Худди шу каравотда, – деб ўйлади у, – Катюша тутган, кейин касал бўлиб ётган». Уйни бошдан оёқ бир дастгоҳ эгаллаган эди. Нехлюдов бошини пастак эшикнинг кесакисига уриб олиб кирган пайтда, кампир катта невараси билан дастгоҳнинг алланимасини тўғрилаётган эди. Кампирнинг яна иккита невараси Нехлюдовнинг кетидан уйга югургилаб кирди, унинг орқасида кесакини чангаллаган ларица эшик оғзида тўхтаб қолишди.

Дастгоҳни тузата олмагани учун кайфи бузилиб турган кампир:

– Ким керак? – деб сўради зарда билан. Ундан ташқа-

ри, яширин суратда вино сотиб юргани учун, у ҳар қанақа нотаниш одамдан чўчир эди.

– Мен помещчикман. Сиз билан гаплашмоқчи эдим.

Кампир унга тикилиб жим бўлиб қолди, кейин бирдан ўзгарди.

– Вой, жонингга тасаддук, мен тентакни қара, танимабман-а: қанақанги йўловчи экан дебман, – деди кампир ясама меҳрибонлик билан. – Вой, лочиним-э!..

Нехлюдов болалар турган очиқ эшикка қараб:

– Овлоқ жойда гаплашсам деган эдим, – деди.

Болаларнинг орқасида касалликдан ранги қочган, ҳамон боягидек тиржаяётган, курок кўйлак кийган ориқ боласини кўтарган хотин турарди.

– Томоша борми бу ерда, қани, менга таёқни бер-чи, бир кўрсатиб қўяй буларга! – деб қичқирди кампир эшик ёнида турганларга, – ёпсаларинг-чи эшикни!

Болалар нари кетдилар, бола кўтарган хотин эшикни ёпиб қўйди.

– Мен эса ким экан бу деб ўтирибман-а. Бўйгинангдан ўргулай, бегимнинг ўзгиналари келган эканлар-ку! Жонгинам қоқиндик бўлсин-а! – дерди кампир. –

Жирканмасдан кирганингизни қаранг-а. Вой ўзимнинг гавҳаргинам! Қани, бу ёққа ўтирсинлар, князь ҳазратлари, мана бу курсига ўтирсинлар, – дерди кампир курсини парда билан артаётиб. – Мен эса қандай балони Худо етказди деб ўтирибман, ваҳоланки, бегимнинг ўзгиналари, князь ҳазратлари, валинеъматимиз эканлар. Кечиринг мени, қариб, миям айниган, кўздан қолганман.

Нехлюдов ўтирди. Кампир унинг рўпарасида чап қўли билан ўнг қўлининг туртиб чиққан тирсагини ушлаб, ўнг қўлини юзига таяди-да, оҳангдор овоз билан гапира бошлади:

– Анчагина қариб қолибсиз-а, князь ҳазратлари, бурун суқсурдай<sup>1</sup> йигит эдингиз, энди эса эҳ-ҳе! Сизниям ўзингизга яраша ташвишингиз бор кўринади.

<sup>1</sup> Суқсур – ўрдаксимонлар оиласига мансуб, патлари узун ва янгичка қуш.

– Сиздан бир нарсани сўрагани келган эдим: Катюша Маслова эсингиздами?

– Катеринами? Нега эсимда бўлмасин – жияним-ку, ахир... Нега эсимдан чиқсин, озмунча йиғлатдим, у жувон ўлмагур. Ахир, ҳаммасидан бохабар эдим-ку. Худо таоло олдида бегуноҳ банда бормидики? Ёшлик эмасми, бирга ўтириб чой, қаҳва ичгансизлар, шунда шайтон йўлдан оздирган, ахир, у зўр-да. Нима қилайлик! Сиз уни ташлаб кетган бўлсангиз, бошқа гап эди, ахир, унга юз сўм бергансиз-а. Эсини йиғиб иш тутмади. Менинг гапимга кирганда-ку, бир кунини кўриб кетарди. Ўзимнинг жияним бўлсам, тўғриси айтман – ярамас қиз. Ахир, ўшандан кейин мен уни шундай яхши ерга жойлаштириб қўйдимки, йўқ, бўйин бермади, хўжайинни ҳақорат қилди. Ахир, хўжайинни сўкишни биздақаларга ким қўйибди? Шундай қилиб, у ердан ҳам ҳайдаб юборишди. Кейин ўрмон мудириникидаям туриб кетса бўларди, йўқ, истамади.

– Болани сўрамоқчи эдим. Сизникида туғганди, шекилли? Қани, боласи?

– Ўшандаёқ боланинг тадорикини кўрдим, айланай, кўзим. Туғишда жуда қийналди, мадордан кетди. Мен болани қондасини келтириб чўқинтирдим-да, тарбия уйига жўнатдим. Онаси ўлай деб ётгандан кейин фариштадек жонни қийнашнинг нима кераги бор. Баъзилар шундай қилишади, болани боқмасдан, оч қўйишади, ўлади қолади, мен эса кел, озгина заҳмат чексам чека қолай деб етимхонага жўнатдим. Пул эса бор эди, олиб бориб ташладим.

– Номери бормиди?

– Номери-ку бор эди-я лекин ўша заҳоти ўлиб қолди-да. Олиб борган замон ўлди деган эди.

– Ким?

– Ўша хотин-да, Скороднода турарди. Шу иш билан шуғулланарди. Исми Маланья эди, ҳозир ўлиб кетди, ўзи ақлли хотин эди, – биласизми нима қиларди! Унга бола олиб келиб ташлашса, уйда ўзи боқиб бир неча кун асрарди. Билсангиз, ўша хотин болалар бир тўда бўлгунча боқарди. Учта-тўртта бўлиб йиғилгандан кейин биратўла олиб бориб

топширарди. Шундай уста эдики, кўяверасир: икки ўринлик катта беланчаги бор эди. Бирини у ёққа, бирини бу ёққа ётқизарди. Беланчакнинг тутқичи ҳам бор эди. Бир-бирига тегиб кетмасин деб тўрттала боланинг бошини бошқа-бошқа, оёғини бир қилиб ётқизарди-да, бирийўла тўрттовини олиб кетарди. Болаларнинг оғзига сўрғич тикиб қўйса, шўрликлар миқ этмай ётишаверарди.

– Хўш, иннайкейин?

– Катеринанинг боласиниям олиб кетди. Икки ҳафтача уйда боққан бўлса керак. Бола шўрлик унинг уйдалигидаёқ бир ҳолатда бўлиб қолган эди.

– Яхши боламиди? – деб сўради Нехлюдов.

– Боламисан, бола эди-да. Худди ўзгинангиз, – деб қўшиб қўйди камшир хира кўзини қисиб.

– Нега бир ҳолатда бўлиб қолди? Ёмон боққандир-да?

– Боқиб қаёқда! Хўжа кўрсинга боққан-да. Ўз боласи бўлмагандан кейин... Тирик етказиб борганидаям бошқа гап эди. Москвага етиш билан жони узилди деган эди. Қоида-сини келтириб ўлганига гувоҳномаям олиб келган. Ақлли хотин эди.

Нехлюдовнинг боласи ҳақида билган гапи шу бўлди.

## VI

Нехлюдов уй ва даҳлиз эшигига яна бошини уриб олиб кўчага чиқди. Оқ-кўкимтир ва пушти қўйлакли болалар уни кутиб туришарди. Уларнинг ёнига яна бир неча бола қўшилган эди. Гўдагини кўтарган бир неча хотин ҳам кутиб турарди. Улар орасида ямоқ қўйлак кийган, рангсиз боласини ликиллатиб кўтарган бояги хотин ҳам бор эди. Унинг боласи қаримсиқ юзини буриштириб ҳаммага ғалати жилмаяр, каттакон кийшиқ бармоқларини ўйнар эди. Нехлюдов боланинг азоб-укубат чекаётганидан тиржаяётганини биларди. Нехлюдов бу хотиннинг кимлигини сўради.

– Боя сизга айтган Анисья шу, – деди каттароқ ёшдаги бола.

Нехлюдов Анисья билан гаплаша бошлади.

– Аҳвол қалай? – деб сўради у, – қандай тирикчилик қиляпсан?

– Қалай бўларди? Тиланиб юрибман, – деди-да, Анисья йиғлаб юборди.

Қаримсиқ бола эса чувалчангдек ингичка оёқларини майиштириб боягидан баттар тиржайди.

Нехлюдов ҳамёнини чиқариб аёлга ўн сўм олиб берди. Икки қадам юрмасидан бола кўтарган бошқа бир хотин, кейин кампир, улардан кейин яна бошқа аёллар кетидан етиб олишди. Ҳаммалари қашшоқликларини айтар, ундан ёрдам сўрардилар. Нехлюдов ҳамёнидаги олтмиш сўм майда пулни уларга улашди-да, юраги ғуссага тўлиб уйга, яъни бошқарувчининг катта иморат ёнига солинган уйига қайтди. Бошқарувчи Нехлюдовни жилмайиб қарши олди-да, деҳқонлар кечкурун йиғилишини айтди. Нехлюдов унга ташаккур билдирди, уйга кирмасдан тўғри боғга қараб кетди ва кўрган-кечирганларини ўйлаб, оппоқ олма гуллари тўкилган, ўт босган йўлкада кезиб юрди.

Дастлаб уй атрофи жимжит эди. Лекин кейинчалик Нехлюдов приказчикнинг уйида бир-бирларининг гапларини бўлиб аччиқланиб гапираётган аёлларнинг товушларини эшитди. Аҳён-аҳёнда, бу товушлар орасидан жилмайган бошқарувчининг хотиржам овози эшитиларди. Нехлюдов кулоқ сола бошлади.

– Қўлидан ҳеч нарса келмайди деб қаддингдан ошаверар экансан-да? – дерди аламли аёл товуши.

– Энди кирган эди, – дерди бошқа товуш, – қайтиб бер деяпман сенга. Нима қиласан молни ҳам кийнаб, болаларни ҳам сутсиз қолдириб.

– Ё тўла, ё ишлаб бер, – дерди бошқарувчи хотиржамгина.

Нехлюдов боғдан чиқиб, пиллапоя ёнига қайтди. У ерда сочлари хурпайган икки аёл турарди. Улардан бирининг ой-куни яқинлашиб колгани билиниб турар эди. Зина устида бошқарувчи қўлини пальтосининг чўнтагига тикиб турарди. Бекни кўриб аёллар жим бўлиб қолишди-да, бош-

ларидан сирғалиб тушиб кетган рўмолларини тўғрилай бошлашди, бошқарувчи эса кўлини чўнтагидан олиб яна илжайди.

Воқеа куйидагича эди: бошқарувчининг айтишига караганда, дехқонлар бузоқларини ҳатто сигирларини ҳам бекнинг ўтлоғига атайлаб қўйиб юборган эканлар. Шундай қилиб, мана шу аёлларнинг икки сигирини ўтлоқдан тутиб олиб ҳайдаб келтирибдилар. Бошқарувчи ҳар бир сигир учун ўттиз тийиндан пул беришни ё икки кун ишлаб беришни аёллардан талаб қиларди. Аёллар эса биринчидан, сигиримиз ўтлоққа энди кирган эди, деб гап маъқуллаштирар; иккинчидан, пуллари йўқлигини айтар; учинчидан эса ишлаб беришга ваъда қилиб, эрталабдан бери оч қолиб, офтобда маъраб ётган сигирларини тезлик билан қайтариб беришни талаб этишарди.

Бошқарувчи ишшайиб туриб, Нехлодовни гувоҳликка чақираётгандек унга ўтирилиб қараб қўйди-да:

– Тушда ҳайдаб келадиган бўлсаларинг, молларингга қараб турларинг деб неча марта яхшиликча айтдим, – деди.

– Боламга қараб келай деб кетсам, кириб кетиб қолибди.

– Боқадиган бўлганингдан кейин кетишни ким қўйибди сенга.

– Болани ким боқади унда? Сен бориб эмизиб қўймайсан-ку.

– Ўтлоқни пайҳон қилгани рост бўлгандаям алам. қилмас эди, энди кирган экан, – дерди иккинчи аёл.

– Ўтлоқни бутунлай босиб-янчиб ташлашди, – деди бошқарувчи Нехлодовга ўтирилиб. – Агар танбеҳлаб турмансанг, пичан ололмайсан ҳам.

– Худодан қўрқсанг-чи! – деб қичқирди ҳомиладор аёл. – Меники ҳеч кирган эмас.

– Қўлга туширдимми, ё ишлаб бер, ё тўла.

– Ишласам ишлаб беравераман, сигирни қўйиб юбор, очидан ўлдирма! – деб қичқирди ҳомиладор аёл жаҳл билан.

– Кечаси ҳам, кундузи ҳам тиним йўқ. Қайнанам касал ётибди. Эрим қамоқда. Ҳамма балога ёлғиз гирифторман, жо-



нимда жон қолмади. Ишлаб бер демай овозинг ўчсин.

Нехлюдов бошқарувчидан сигирни кўйиб юборишни илтимос қилди, ўзи эса ўйини ўйлаш учун яна боғга кириб кетди, аммо энди ўйлайдиган нарса қолмаган эди. Ҳозир ҳаммаси унга шу қадар равшан эдики, одамларнинг шу қадар очиқ-ойдин бир нарсани кўрмаганларига ўзи ҳам шу вақтгача кўрмай келганига ҳайрон эди.

«Халқ кириляпти, ўзи шунга ўрганиб кетган, ҳатто халқнинг ҳаёти таназзулга йўл олганини кўрсатувчи аломатлар вужудга келган, – болаларнинг ўлиши, хотинларнинг ҳаддан ташқари оғир меҳнати, озиқ-овқатнинг ҳаммага, айникса, қари-қартагларга етарли эмаслиги шуни кўрсатади. Халқ аста-секин шу қолга тушиб қолганки, аҳволининг бу қадар даҳшатли эканини ўзи кўрмайди ҳам, бундан нолимайди ҳам. Шунинг учун ҳам биз уларнинг бу аҳволини табиий ва шундай бўлиши керак деб ҳисоблаймиз». Энди халқнинг қашшоқлигининг асосий сабаби, халқни едириб-ичираётган ернинг ер эгалари томонидан тортиб олинганлигида экани Нехлюдов учун очиқ-ойдин эди, буни халқ тушуниб олган ва ҳамма вақт шуни пеш қилади. Ундан ташқари, болалар ва қарияларнинг сут йўқлигидан ўлиб кетаётгани равшан эди. Чунки халқ кўлида мол боқиш, буғдой экиб ундириш ва пичан ўриб олиш учун ер йўқ. Халқнинг бутун қашшоқлиги, ёки ҳеч бўлмаганда халқни қашшоқликка олиб келган асосий сабаб шундаки, халқни едириб-ичтирадиган ер халқ кўлида бўлмай, заминдорлик ҳуқуқидан фойдаланиб, шу халқнинг меҳнати билан кун кўраётган кишилар кўлида эди. Халққа энг зарур бўлган (шу қадар зарурки, одамлар шу ер йўқлигидан ўлиб кетаётган эдилар) ерни шу қашшоқ халқ ишлаб берарди, шу ердан ундириб олинган буғдойлар чет элга сотилиши, ер эгалари ўзларига шляпалар, ҳассалар, извошлар, ялтироқ нарсалар ва ҳоказо сотиб олиши учун ишлар эди. Бир кўрага камаб кўйинган, оёғи остидаги гиёҳларни еб битирган отлар то ўзларига бошқа ердан ўт топиб ейишларига имконият берилмагунча озиб-тўзиб кетиши ёки ҳаром қотиши равшан бўлгандай, бу нарсалар ҳам Нехлюдов учун кундай равшан эди... Бу

гоят мудҳиш, бундай бўлиши мумкин эмас, бунга йўл кўйилмаслиги керак. Бунинг олдини олиш учун чора топиш керак, ёки ҳеч бўлмаганда, шу ишда ўзи иштирок этмаслиги керак. «Албатта, чора топаман, – деб ўйларди у, энг яқин қайинзор хиебонда у ёқдан-бу ёққа юриб. – Илмий жамиятларда, ҳукумат идораларида ва газеталарда халқнинг қашшоқлиги сабаблари ҳамда уни кўтариш ҳақида вайсаймиз-у, аммо халқни, ҳақиқатан ҳам, кўтариши мумкин бўлган ва халқ учун зарур бўлган ерни унинг қўлидан тортиб олмасликдангина иборат бўлган бирдан бир восита ҳақида гиринг демаймиз. – Нехлюдов Генри.. Жоржнинг асосий қоидаларини, унинг муҳлиси бўлганини эслади, шуларни унутиб юборганига хайрон қолди, – Ер хусусий мулк бўлиши мумкин эмас, сув, ҳаво ва қуёш ёғдуси сингари ер ҳам олди-сотди бўлиши мумкин эмас. Ерга ва ернинг инсонларга бераётган имтиёзларига барчанинг баравар ҳақи бор». Нехлюдов Кузьминскоеда ўз ишларини тўғрилаб келганини эслаганда ўзидан-ўзи уялаётганининг сабабини энди англади. У ўзини-ўзи алдаб юрган экан. Инсоннинг ерни хусусий мулки қилиб олишга ҳақи йўқлигини била туриб, ўзини шу ҳуқуққа эга деб танибди ва қалбида ерга эгалик қилишга ҳақи йўқлигини тушуниб билиб туриб, ҳуқуқининг бир қисмини деҳқонларга ҳадя қилибди. Энди бундай қилмайди, Кузьминскоедагига қараганда бошқача иш қилади. Нехлюдов миясида шундай режа тузди. Бу режага кўра ерни деҳқонларга. Рента<sup>1</sup> қабилда ижарага бериши. рента эса шу деҳқонларнинг ўз хусусий мулки деб ҳисобланиши, ижара ҳақи солиқлар ва ижтимоий ишларга сарф этилиши керак эди. Бу Single-tax<sup>2</sup> эмас эди, лекин ҳозирги шароитда, шунга яқинлашмоқ демак эди. Энг муҳими шу эдики. Нехлюдов ермулкидан фойдаланиш ҳуқуқидан воз кечган бўлур эди.

<sup>1</sup> Рента (немисча: Rente; французча: rente; латинча: reddita – қайтариб берилган нарса) – мулк эгаларининг тадбиркорлик фаолияти билан шугулланмасдан ер ёки мол-мулкдан фонд шаклида мунтазам оладиган даромади. 2) айрим мамлакатларда давлат эёёлари облигациялари бўйича фонд ёки ютук шаклида тўланадиган даромад.

<sup>2</sup> Single-tax (инглизча) – ягона солиқ.

Нехлюдов уйга қайтгач, бошқарувчи ўзида йўк шод бўлгандек тиржайиб, овқатланишни таклиф этди, исирғали қиз ёрдамида хотини тайёрлаган овқат пишиб ўтиб кетмаса ёки ковурилиб кетмаса эди деб ташвишланганини билдирди.

Столга сурп дастурхон ёзилди, гул солиб тикилган сочик қўл артиш учун қўйилган эди. *Vieux-saxe*<sup>1</sup> терилган стол устидаги банди синган бир идишда боя гоҳ бир, гоҳ иккинчи қора оёғини олдинга чиқариб турган хўрознинг гўшти солинган картошка шўрва бор эди. Гўшт майда-майда қилиб солинганди. У чала тозаланган, кўп жойида пати кўринарди. Шўрвадан кейин яна ўша пати ковурилиб кетган хўроз билан сарёғ ва ширин пишлоқ берилди. Нехлюдов кишлоққа келган пайтида унинг ғамларини унуттирган, фикрлар билан шу қадар банд эдики, овқатнинг бемазалигини ҳам, нимани еяётганини ҳам пайқамас эди.

Така-пука бўлган исирғали қиз таом тортар экан, бошқарувчининг хотини ўқтин-ўқтин эшикдан қараб қўяр, хотинининг пазандалигидан фахрланган бошқарувчининг ўзи эса зўр бериб илжайрди.

Овқатдан кейин Нехлюдов бошқарувчини зўрлаб ўтказди-да, ўзини бир синовдан ўтказиш, шу билан бирга, ўзини шу қадар машғул қилган фикрни биронта одам билан ўртоқлашиш мақсадида унга ерни деҳқонларга тақдим қилиш тўғрисидаги режасини гапириб берди ва унинг фикрини сўради. Бошқарувчи ўзини гўё кўпдан буён худди шу нарсага ўйлаб юрган ва ундан бу гапни эшитиб қувонганини кўрсатмоқчи бўлгандай жилмаярди-ю, аммо, ҳақиқатда эса ҳеч нарса тушунмас эди. Йўқ, Нехлюдов тушунтириб гапира олмагани учун эмас, балки бу режага кўра Нехлюдов бошқаларнинг фойдасини кўзлаб ўз фойдасидан воз кечгани аниқ кўриниб тургани учун тушунмас эди. Ҳар қандай одам ўз фойдаси учун бошқанинг зарарини кўзлаши керак деган ҳақиқат бошқарувчининг онгида шу қадар ўрнашиб қолган эдики, Нехлюдов ердан тушадиган барча фойда деҳқонларнинг жамоат сармоясига қўшилишини айтганда, бошқарув-

<sup>1</sup> *Vieux-saxe* (французча) – Қадимий Саксония чинниси.

чи ўзича ниманидир тушунмаяпман деб ўйлаган эди.

– Тушундим. Бундан чиқди энди сиз шу сармождан фоиз олиб турар экансиз-да? – деди бошқарувчи ёришиб.

– Йўғ-э. Ахир, тушунсангиз-чи, ер алоҳида бир шахснинг хусусий мулки бўла олмайди.

– Тўғри айтасиз!

– Шунинг учун ердан тушадиган даромад ҳамманики бўлади.

– Бундан чиқди, сиз энди даромад олмас экансиз-да? – деб сўради бошқарувчи қулишдан тўхтаб.

– Ҳа, даромаддан воз кечаман.

Бошқарувчи оғир хўрсиниб қўйди, кейин яна жилмая бошлади. У энди тушунди. У Нехлюдовнинг мияси айнибди деб ўйлаб, Нехлюдовнинг ердан воз кечиш ҳақидаги режасидан ўзи учун фойда ахтара бошлади. У режани шундай англашга ҳаракат қилардики, натижада, деҳқонларга берилаётган ердан ҳам ўз манфаати учун фойдаланиб қолсин.

Бундай қилишнинг ҳам иложи йўқлигини англагач, Нехлюдовнинг режаси бошқарувчини қизиқтирмай қўйди, у бекка манзур бўлиш учунгина ҳамон илжаярди. Бошқарувчи кўнглидагини тушуниб етмаётганини кўриб Нехлюдов унга жавоб бериб юборди-да, сиёҳ тўкилган, кескилаб ташланган стол ёнига ўтириб режасини бир қоғозга ёза бошлади.

Куёш эндигина барг ёза бошлаган липа<sup>1</sup> дарахтлари орқасида бота бошлади, чивинлар гала-гала бўлиб уйга ёпирилиб кириб Нехлюдовни чақишга киришди. Нехлюдов ёзувини тутатди, худди шу вақтнинг ўзиде кишлоқ томонда подаларнинг маъраши, дарвозаларнинг гижирлаб очилиши ва тўпланган деҳқонларнинг гўнғир-гўнғир гаплашаётгани қулоғига кирди. Нехлюдов бошқарувчига, деҳқонларни конторага чақиришнинг кераги йўқ, кишлоққа, деҳқонлар тўпланаётган ховлига ўзим бораман, деди. Нехлюдов бошқарувчи таклиф этган бир стакан чойни шошиб ичди-да, кишлоққа қараб кетди.

<sup>1</sup> Липа – жўқодошлар оиласига мансуб дарахтлар туркуми.

Оқсоқолнинг кўрасига тўпланган одамларнинг говур-гувури эшитиларди. Аммо Нехлюдов яқинлашиши билан гаплар тинди, деҳқонлар эса худди Кузминскоедаги сингари бирин-кетин шапкаларини ечдилар. Бу ернинг деҳқонлари Кузминскоедаги деҳқонларга қараганда одмироқ кийинган эди: киз-жувонлари ёппасига қулоқларига пат исирга таққан бўлсалар, деҳқонларнинг деярли ҳаммаси чипта кавуш билан хонаки кўйлак ва камзулда эдилар. Баъзилар ишдан тўғри келганлари учун яланг оёқ ва кўйлакчан эдилар.

Нехлюдов ўзини тутиб олди-да, сўз бошлаб, ерини деҳқонларга бутунлай бериш ниятида эканлигини эълои қилди. Деҳқонлар миқ этишмади, уларнинг қиёфаларида ҳам ҳеч қандай ўзгариш юз бермади.

– Чунки мен шундай ўйлайман: ерга кучи сингмаган одам унга хўжайин бўла олмайди, – деб қизариб гапини давом эттирди Нехлюдов. – Ердан фойдаланишга ҳамма ҳақли.

Деҳқонларнинг:

– Албатта, албатта, шундай бўлиши керак, – деган овозлари эшитилди.

Нехлюдов, ердан олинадиган даромад ҳамманинг ўртасида барабар тақсим этилиши керак, шунинг учун ерни олиб, ўзингиз белгиланган баҳода ҳақ тўланг, бу ҳақ жамоат сармоясига қўйилади, жамоат сармоясидан ҳам яна фақат ўзларингиз фойдаланасиз деб уқтира бошлади. Маъқуллаган, розилик билдирган овозлар эшитиларди. Аммо деҳқонларнинг жиддий қиёфалари янада жиддийлашиб, боядан бери бекка тик қараётган кўзлар, гўё ҳийлангни аллақачон билиб олганмиз, бизни лақиллатолмайсан, деб уялтиришни истамагандек, ерга қарай бошлади.

Нехлюдов очиқ-ойдин гапирарди, деҳқонлар ҳам бефаҳм эмас эдилар, лекин боя бошқарувчи анчагача тушунолмаётган турган сабабга кўра, улар ҳам гапга тушуна олмас эдилар. Улар ҳар қандай одам ўз фойдасини кўзлаши кераклигига шак-шубҳа қилмасдилар. Помешчиклар эса ўз фойда-

ларини кўзлаб деҳқонлар зиёнига иш кўришларини бир неча авлод ўз бошидан кечириб келганини улар яхши билардилар. Шунинг учун ҳам, модомики, помешчик ўзи чақириб янги бир нарсани таклиф қилаётган экан, у деҳқонларни аввалгидан ҳам баттарроқ алдамоқчи.

– Хўш, нима дейсизлар, қанчага баҳолайсизлар? – деб сўради Нехлюдов.

– Баҳолаб нима қиламиз? Бизнинг қўлимиздан келмайди. Ер сизники бўлгандан кейин, хўжайин ҳам сиз, – дейишарди одамлар.

– Гап бундай-да, ўша пуллардан ўзларингиз жамоат эҳтиёжи учун фойдаланасиз.

– Йўқ, бу бизнинг қўлимиздан келмайди. Жамоат ўз йўлига, бу ҳам ўз йўлига.

Нехлюдовнинг кетидая келган бошқарувчи гап тушунтирмоқчи бўлиб:

– Тушунсаларинг-чи, ахир, – деди тиржайиб, – князь ерларини сизларга пулга сотмоқчилар, бу пуллар эса яна сизларнинг сармоянгиз бўлади, жамоатга берилади.

– Жуда яхши тушунамиз, – деди тишлари тушиб кетган чол кўзини ердан кўтармай. – Банка, шекилли, фақат вақтида тўлаб туришимиз керак. Йўқ, бизга бунақаси керак эмас, нега деганда. Ўзимиз жуда қийналганмиз. Энди хонавайрон бўлар эканмиз-да?

– Керак эмас. Қайтага бурунгидай қолаверсин, – деган норизо, ҳатто, дағал товушлар эшитилди.

Нехлюдов шартнома тузишини, унга ўзи, кейин бошқалар ҳам имзо чекишини эслатиб ўтганда, деҳқонлар жуда норизолик билдира бошлашди.

– Қўл қўйишнинг нима кераги бор? Аввал қандай ишлаган бўлсак, шундай ишлайверамиз. Бунга бало борми? Биз тўпори одамлар бўлсак.

– Бунақасини сира кўрмаганмиз, асти рози бўлмаймиз. Бурун қандай бўлса, шундай бўлаверсин. Фақат уруғлик бекор қилинса бўлди, – деган овозлар эшитилди.

Ҳозирги шароитда экиладиган уруғлик ҳам деҳқонлар ёнидан бўлар эди, улар энди уруғликни хўжайин берсин дер

эдилар. Уруғликни бекор қилиш дегани шундан иборат эди.

Нехлюдов кулиб турган, йиртиқ камзул кийган яланг оёқ ўрта яшар дехқонга қараб:

– Бундан чиқди, рад қиялпсиз, ер олишни истамай-сизлар? – деб сўради.

У киши чап қўлини букиб, йиртиқ шапкасини аскар сингари ушлаб турарди.

– Худди шундай, – деб ғўлдиради аскарлик вақтида ўрганиб қолган одатлардан қутулмаган дехқон.

– Бундан чиқди, ерларингиз етарли экан-да? – деди Нехлюдов.

– Ҳеч бир, таксир, – деб жавоб берди собик аскар ясама кулги билан.

У, кимга керак бўлса олсин, дегандек қилиб жулдур шапкасини олдинга чўзиб эҳтиёт билан ушлаб турарди.

– Ҳар ҳолда, мен айтган гапларни яна бир яхшилаб ўйлаб кўринглар, – деди хайрон қолган Нехлюдов. У ўз таклифини яна такрорлади.

– Ўйлаб нима қиламиз: сиз нима десангиз, шу бўлади-да, – деди жаҳл билан қовоғи солиқ тишсиз чол.

– Эртага кечгача шу ерда бўламан, агар бошқа фикрга келгудек бўлсанглар, менга хабар қилинглар.

Дехқонлар индашмади.

Шундай қилиб Нехлюдов бир иш чиқара олмай орқа-сига, идорага қайтди.

– Мен сизга айтсам, бу одамлар билан келишолмай-сиз, князь, – деди бошқарувчи уйга қайтиб келишгач. – Жуда ўжар халқ. Йиғинга келдимиз бўлди – оёғини тирайдилади. Қани, жойидан жилдириб кўр-чи. Нимага деганингизда, ҳамма нарсадан кўрқади. Аслида, бу дехқонлар анови мўйсафид ҳам, гапингизга кўнмай турган, қорачадан келган кишиям – ақлли дехқонлар. Конторага келганда, ўтқазиб чой билан зиёфат қилиб, у ёқ-бу ёқдан гаплашсанг, – дерди бошқарувчи илжайиб, – доно, нақ вазир бўладиган одам, ҳамма нарсага ақли ётади. Йиғинга келдимиз ўзгаради-қолади, бутунлай бошқа одам, айтган жойидан кесади...

– Ана шунақа гапга тушунадиган дехқонлардан бир



нечасини шу ерга чақиртирсак бўлмайдим, – деди Нехлодов, – ўзим уларга яхшилаб тушунтирдим.

– Бўлади, – деди жилмайган бошқарувчи.

– Марҳамат қилиб, эртага чақиртиринг.

– Хўп бўлади, эртага тўплаб келаман, – деди бошқарувчи ва аввалгидан баттар илжайди.

Қорни тўқ бияда чайқалиб бораётган, тароқ кирмайдиган пахмоқ соқол деҳқон:

– Ҳа уддабуронлигини қара-я! – деяр эди ёнида занжир тушовни жангиллатиб ўйнаб кетаётган жулдур камзулли орик, кекса деҳқонка.

Деҳқонлар кечаси отларини катта йўлда ва яширинча хўжайиннинг ўрмонида боқиб келиш учун кетишаётган эди.

– Ерни текинга бераман, фақат қўл қўйсанг бўлди, дейди-я. Теримизни шилишгани озлик қилди, шекилли. Йўқ, оғайни, бу найрангинг кетмайди, ҳозир биз ҳам тушунадиган бўлиб қолганмиз, – деб қўшиб қўйди-да, отини тўхтатди: ўгирилиб орқада қолиб кетган тойчани: – мах, мах, мах, – деб чақира бошлади. Аммо тойча орқада эмас, ён томонда – ўтлоққа кириб кетган эди.

– Оббо баччағар-э, хўжайиннинг ўтлоғига тушиб кетибди-ю, – деди пахмоқ соқолли қора деҳқон тойчоннинг қиров босган, ботқоқ ҳиди анқиб турган ўтлоқда кишнаб, отқулоқларни шатир-шутур босиб дингиллаб келаётганини эшитиб.

– Қара, ҳамма ёқни ўт босиб кетибди, бирон байрам куни хотинларни юбориб ўтини чоптириш керак, – деди жулдур камзулли орик деҳқон, – йўкса чалғини синдириб юборади.

Пахмоқ соқолли деҳқон ҳамон хўжайиннинг гапи ҳақидаги мулоҳазаларини давом эттириб:

– Қўл қўй эмиш-а. Қўл қўйсанг, нах тириклайин ютиб юборар, – деяр эди.

– Шу-да, – деди кекса деҳқон.

Улар индамай кетишди. Қаттиқ йўлда кетаётган от туёқларининг дупур-дупуригина эшитиларди, холос.

## VIII

Уйга қайтгач Нехлюдов идорада ўзига солиб қўйилган пар тўшакли қалин ўринни кўрди. Ўрин устига бир жуфт пар ёстик ва майда гуллар билан қавилган тўқ қизил, букилмас даражада қалин шоҳи кўрпа солинган эди – бу кўрпа, афтидан, бошқарувчи хотинининг сепи эканлиги кўриниб турарди. Бошқарувчи Нехлюдовга тушликдан қолган овқатни таклиф этди, лекин рад жавобини олгач, яхши меҳмон қила олмаганлиги, муносиб кутиб ололмаганлиги учун узр сўраб, Нехлюдовни ёлғиз қолдириб чиқиб кетди.

Дехқонларнинг ер олишдан бош тортганлари Нехлюдовни доводиратмади. Кузминскоеда таклифини сўзсиз қабул қилган, беҳад ташаккур билдирган эдилар. Бу ерда эса унга ишончсизлик, ҳатто душманлик кўрсатдилар. Лекин, шунга қарамай, Нехлюдов хушвақт, ўзини хотиржам ҳис этар эди. Контора дим ва ифлос эди. Нехлюдов ҳовлига чиқди. Кейин боғга ўтмоқчи ҳам бўлди-ю, лекин ўша кеча, қизлар хонасининг деразаси, орқа томондаги пиллапоя эсига тушди-да, жиноий хотиротлар билан булғанган ерларда кезиш кўнглига ёқмади. Нехлюдов яна пиллапояга ўтирди-да, ёш қайин баргларининг илиқ ҳавони тўлдирган қуюқ бўйини ҳидлаб, қорайиб кўринаётган боғга узоқ тикилди, тегирмоннинг шовуллашини, булбулларнинг наъмаларини, пиллапоянинг ёнгинасидаги бутада бир оҳангда сайраётган аллақандай бир қушнинг овозини тинглади. Бошқарувчининг деразасидан кўриниб турган чирок ўчди, шарқда, омборхонанинг орқа томонида кўтарилиб келаётган ой чироғини ёқди. Ой нури ўт босиб кетган, гуллаган боғни ва хароба ҳолига келган уйни борган сайин яхшироқ ёрита бошлади. Узоқда момақалди рок гулдуради, осмоннинг учдан бирини қора булутлар қоплади. Булбуллар ва қушлар овози тинди. Тегирмонда шовуллаётган сув шовкини орасида ғозларнинг гағалагани эшитилди, кейин кишлокда ва бошқарувчининг ҳовлисидаги хўрозлар бирин-кетин кичкира бошлади. Одатда, иссиқ ва момақалди рокли тунларда хўрозлар шунақа эрта кичкирардилар. «Хўрозлар эрта кичкирса кечаларинг гаштли бўла-

ди», – деган нақл бор. Нехлюдов учун бу тун жуда гаштли эди. Бу уни кувонтирган, бахтиёр тун эди. Тасаввури унинг кўз ўнгида ўша маъсум йигитлик чоғида ўтказган бахтиёр ёз кунлари таассуротларини жонлантирди ва у ҳозир ўзини ўша вақтдагидек ҳис этди, ҳаётининг энг яхши дақиқаларида қандай бўлган бўлса, ҳозир ҳам ўзини шундай сизди. У фақат эсладигина эмас, балки, ўзини ўша ўн тўрт яшар ўспирилик вақтидагидек ҳис этди, у чоғда Худодан ҳақиқат юзини очиб бер деб сўраб дуо қилган, болалигида онасининг тиззасида йиғлаган, онаси билан хайрлашар экан, ҳамма вақт меҳрибон бўлишга, иккинчи хафа қилмасликка сўз берган эди, у чоғда Нехлюдов Николенька Иртенев билан бирга бутун умр бир-бирларини қўллаб-қувватлашга, ҳамма одамларни бахтиёр қилишга тиришишга сўз берган эди, энди ўзини ўша вақтдагидек ҳис этди.

Нехлюдов Кузминскоеда уй ва ўрмонга, хўжалик ва ерга ачиниб кўнгли зил кетганини эслади. Кейин ўзидан «Ачиняпманми?» – деб сўради. Ўша вақтда ачингани ўзига жуда ғалати туюлди. Шу бугун кўрганларини: ўзининг (Нехлюдовнинг) ўрмонидаги дарахтни кесгани учун эри қамалиб, болалари билан ёлғиз қолган аёлни ҳамда ўзи каби аҳволда бўлган хотинлар бекларга ўйнаш бўлиши керак деб ҳисобловчи, ёхуд шундай деб гапирувчи мудҳиш Матрёна бирин-кетин ёдига туша бошлади. Матрёнанинг болаларга муносабатини, уларни етимхонага олиб бориб топшириш усулини ва очликдан ўлар ҳолатга етган, эски кийимдаги ориқ, иржайган болани эслади: меҳнат билан ҳориб-чарчаб, оч сигирга кўз-қулоқ бўла олмаганлиги учун Нехлюдовга текинга ишлаб беришга мажбур этилаётган хомиладор заиф хотин эсига тушди. Айни шу маҳал қамоқxonани, сочи қириб олинган бошларни, қўланса ҳидни, кишанларни ва ана шулар билан бир қаторда, барча шаҳар ва пойтахтдаги ҳаётни, ўзининг ақлига сиғмас даражадаги ҳашаматли ҳаётини эслади. Ҳаммаси очик-равшан, тушунарли эди.

Сарой ортидан тўлиша бошлаган порлоқ ой чикди, ҳовлида узун-узун соялар пайдо бўлди, вайрон бўлаётган уй томидаги тунука ярқираб кетди.

Жим бўлиб қолган булбул, шу ойдин тунни бекор ўтказиб юборишни лозим кўрмагандек, чахчахлаб сайрай бошлади.

Нехлюдов Кузминскоедалик чоғида бундан кейинги ҳаёти ҳақида бош қотирганини, нима қилмоқ ва нимадан бошламоқ тўғрисида ўйлаб, шу масалаларни ҳал қилолмай фикрининг учини йўқотиб қўйганини эслади. Ахир, ҳар бир масала устида озмунча мулоҳазалари бор эдими! У ҳозир ўзияга ўша саволларни берди ва ҳаммасининг бу қадар осонлигига ҳайрон қолди. Ҳозир шунинг учун ҳам осон эдики, бу гал у, кейин ҳолим нима кечади, деб ўйламасди. Бу масала ҳатто уни кизиқтирмас ҳам эди. Нехлюдов фақат нима қилиш кераклиги тўғрисидагина ўйлар эди. Шуниси кизиқ эдики, ўзи учун нима қилиш кераклигини билмас, бошқалар учун нима қилиш лозимлигини аниқ биларди. Энди у, ерни деҳқонларга бериш зарурлигини биларди, чунки ерни ўз қўлида ушлаб туриш яхши эмас эди. Катюшани ташлаб кетмаслик кераклигини, унга ёрдам бериб, ўз гуноҳини ювиш учун ҳар қандай нарсага тайёр бўлиш кераклигини шубҳасиз биларди. Суд ва жазолаш ишларида бошқалар кўрмаган нарсани кўра олганини ҳис этганлиги туфайли ана шу суд ва жазо ишларини ўрганиши, текшириши, аниқлаб олиши кераклигини аниқ биларди.

Мана шуларнинг оқибати нима бўлишини у билмас эди. Лекин шуларнинг ҳаммасини бажариш шарт эканлигини тушунарди. Мана шу қатъий ишонч унга қувонч бахш этарди.

Қора булутлар осмонни бутунлай ўраб олди. Шафак ортиқ кўринмай қолди, энди чакмоқ чакқандагина ҳовли ва пиллапояси бузилган, вайрон бўлаётган бино ёришиб кетар эди. Нақ тепада момақалдиروق гулдураб кетди. Барча қушлар тиниб қолди, аммо энди барглар шитирлай бошлади, шамол Нехлюдов ўтирган пиллапояга етиб келиб, унинг сочларини тўзитди. Бир-икки томчи томчилади, кейин қарикиз устига ва тунука томга шатир-шутур ёға бошлади. Ҳаво ёришиб кетди. Нехлюдов учгача санаб улгурмасдан, нақ калласи устида алланарса қарсиллаб, кўк юзида

тарқалиб кетди.

Нехлюдов уйга кирди.

«Ҳа, ха, – деб ўйларди у, – ҳаётимиз давомида қилинаётган ишларнинг, бутун ишларнинг маъносига тушунолмаман ва тушунишим ҳам мумкин эмас: нега аммаларим яшашди, Николенька Иртенев нега ўлиб кетди-ю, мен ҳаётман? Нега Катюша яшаган? Менинг жиннилигим нечун? Нима учун уруш бўлди? Урушдан кейинги маъносиз бебош ҳаётим-чи? Ана шуларнинг ҳаммасини тушуниш, англаш эгамнинг иши – буни англаш менинг қўлимдан келмайди. Лекин унинг виждонимга ёзилган иродасини жойига етказмоқ менинг қўлимда, мен буни, шубҳасиз, биламан. Шу ишга киришсам, ўзимни хотиржам ҳис этаман».

Шаррос қуяётган ёмғир томдан шовуллаб ёғоч пақирга оқиб тушарди, чақмоқ ҳовли ва уйни борган сайин камрок ёрита бошлади. Нехлюдов уйга қайтди, ечиниб, қандала<sup>1</sup> чақишидан хавотирланиб ўринга ётди. Девордаги ифлос коғозларнинг йиртиқлиги қандала борлигини кўрсатарди.

«Ҳа, ўзингни эга эмас, хизматкор деб ҳис қилиш керак», – деб ўйларди у ва шу фикрига севинарди.

Унинг хавотирланганича бор экан. У шамни ўчириши билан ҳашаротлар аъзойи баданига «пишиб чиқа бошладилар.

– «Ерни топшириб Сибирга жўнаш керак, – бурга, қандала, ифлослик... начора, чидамоқ керак экан – ҳаммасига чидайман». Лекин у лафзида туролмади, чидаш беролмади, дераза ёнига ўтириб осмонда югуришаётган булутларни ва яна мўралай бошлаган ойни томоша қила бошлади.

## IX

Нехлюдов эрталабга бориб аранг ухлади. Шунинг учун ҳам эртасига кеч уйғонди.

Туш маҳалида бошқарувчи танлаб чақирган етти дехкон олмазорга келди. Бу ерда, олма тагида, ерга қозик қоқиб

<sup>1</sup> Қандаля – кон сўрувчи ҳашаротлар туркумига кирувчи зараркунанда ҳашарот.

ясалган стол билан скамейка бор эди. Шапкаларини ечмай, скамейкага ўтиришган деҳқонларни кўндириш анча қийин бўлди. Бугун тоза пайтава ўраб, чипта кавуш кийиб олган собиқ аскар йиртиқ шапкасини «кўмиш маросими» вақтидагидек тўғри тутиб турарди.

Деҳқонларнинг бири – Микеланджелонинг<sup>1</sup> «Моисей»и сингари мошкичири соқолли, офтобда қорайган, бугдойранг кенг пешонасини қуюқ жингалак сочлар беаган, барваста бир чол каттакон шапкасини кийиб, хонаки янги камзулининг олдини ёпиб, курсига ўтирган ҳам эди, бошқалар ҳам ўтиришди.

Ҳамма жойлашиб олгач, Нехлюдов уларнинг рўпарасига ўтирди ва лойиҳасининг қисқача мазмуни ёзилган қоғозга тирсагини қўйиб, тушунтира бошлади.

Деҳқонлар оз бўлганигами, ёки ўзи тўғрисида ўйламай иш билан овора бўлганиданми, Нехлюдов бу гал сира хижолат чекмади. У ҳар гал жингалак оқ соқолли, барваста чолга беихтиёр мурожаат қилар, унинг маъқуллашини ёки эътироз билдиришини кутарди. Лекин Нехлюдовнинг чол тўғрисидаги тасавури хато эди. Хушқомат чол маъқуллагандек бошини қимирлатиб қўйса-да ёки бошқалар эътироз билдирганда қоғоғини солиб бош чайқаса-да, Нехлюдовнинг гапини яхши тушунмаётгани билиниб турарди. Худди шу гапларни бошқа деҳқонлар ўз тилларида такрорлагандан кейингина тушуниб етарди. Хушқомат чолнинг ёнида ўтирган кичкинагина, бир кўзи кўр, эгнига бели бурма кано<sup>2</sup> камзул кийган, эски этиги қийшайиб кетган кўса чол Нехлюдовнинг гапига яхшироқ тушунарди. Нехлюдов кейин билса бу чол печкачи экан. Бу одам гапни англаб олиш учун қошини кериб-кериб қўяр, Нехлюдов айтган гапларни

<sup>1</sup> Буонарроти Микеланжело (1475-1564) – италян ҳайкалтароши, rassomа, меймори ва шоир; Уйғониш даврининг буюк арбобларидан. Ижодида «Зинапола олдида турган Мадонна», «Кентаврлар», «Вакс», «Исога мотам», «Давид», «Мадонна», «Моисей», «Исёнкор кул» ва «Улаётган кул» «Даҳшатли суд» ҳайкаллар ва расмлар бор.

<sup>2</sup> Кано<sup>п</sup> (русча), кешаф (лотинча) – поясида тола олинмаган, бир йиллик балад ўтсимоғи ўсимлик; унинг толаси.

дархол ўз тили билан бошқаларга тушунтирарди. Ўрта бўй-ли, чорпахилдан келган<sup>1</sup>, оппоқ соқолли чол ҳам ана шундай тез тушуниб оларди. Маъноли кўзлари ялтираб турган бу чол Нехлюдовнинг ҳар бир гапига ҳазиломуз кинояли сўз қистириб кетишга уринар, бу қилиғи билан ўзини кўрсатмоқчи бўларди. Аскарликда мияси захарланмаганда, маъносиз аскарча сўзларни такрорлашга ўрганиб қолмаганда эди, собиқ аскар ҳам бу гапларга тушуниб етган бўларди. Озода, хонаки кўйлак билан янги чипта кавуш кийган, дўриллаган йўғон овоз билан гапирётган узун бурун калта соқол, новча кишигина ишга ҳаммадан жиддий қарарди. Бу одам ҳамма нарсага тушунар, фақат зарур бўлгандагина гапирарди. Қолган икки чол – кеча йиғинда Нехлюдовнинг ҳамма гапига зўр бериб қарши чиқаётган тишсиз чол билан, оппоқдан келган, қоқшол оёғига оқ пайтавани сиқиб ўраб, узун кўнжли этик кийган хушфёъл, новча, оқсоқ чол Нехлюдовнинг гапини диққат билан тинглаётган бўлсалар-да, мик этмай ўтиришарди.

Нехлюдов дастлаб ўзининг ер-мулкка бўлган фикрини баён этди.

– Менимча, ерни, – деди у, – сотиш ҳам мумкин эмас, олиш ҳам мумкин эмас. Нега деганда, агар сотиш мумкин бўлса, пули борлар ернинг ҳаммасини сотиб олиб қўядилар-да, ердан фойдаланганлари учун ерсизлардан истаганларича ҳақ оладилар. Ҳатто ерда юрганлари учун ҳам пул оладилар, – деб қўшиб қўйди у Спенсер далилларидан бирини келтириб.

– Бир йўл қолади, у ҳам қанот бойлаб учиш, – деди кўзлари кулиб турган оқ соқол чол.

– Рост айтади, – деди узун бурун деҳқон дўриллаган овоз билан.

– Худди шундай, – деди собиқ аскар.

– Бир аёл сигирига озгина ўт юлган экан, тутиб олиб камаб қўйишди, – деди хушфёъл оқсоқ чол.

– Ерларимиз беш чақирим узоқда, яқинроқдан ижара-

<sup>1</sup> Чорпахил (форсча: тўртта томон(ли); семиз, тўла) – тўладан келган, яғрини кенг.



га олайлик десак, баҳоси шундай баландки, курбимиз етмайди, бир амаллаб олганимиздаям ўрнини қоплай олмаймиз – бизни баршчина вақтидагидан ҳам баттар кийнашяпти, арқон қилиб эшишяпти.

– Менинг фикрим ҳам худди шундай, – деди Нехлюдов, – ерга эга бўлишликни гуноҳ деб биламан. Шунинг учун ҳам ерларимни сизларга бермоқчиман.

Соқоли Моисейникидақа жингала бўлган чол, ерни Нехлюдов ижарага бермоқчи, шекилли, деб ўйлаб:

– Дуруст, кори хайр, – деб қўйди.

– Мен шунинг учун ҳам келдим: ортиқ ер эгаси бўлишни истамайман; энди ерни қандай қилиб топшириш тўғрисида ўйлаб кўриш керак.

– Дехқонларга бер-қўй, – деди тиши тушган жahlдор чол.

Нехлюдов бошда бу сўзларни эшитиб, дехқонлар таклифимнинг самимийлигига шубҳаланяпти, деб хижолат ҳам бўлди. Лекин шу заҳоти ўзини тутиб олиб, айтмоқчи бўлган гапларини айтиш учун шу мулоҳазадан фойдаланди.

– Жоним билан берар эдим-ку-я, – деди у, – лекин кимга бериш, қандай қилиб бериш керак? Қайси дехқонларга? Нега сизларнинг жамоангизга бериш кераг-у, Деминскдагиларга бермаслик лозим? (Деминск қишлоғидаги дехқонларнинг ери оз эди).

Ҳеч ким индамади. Фақат собиқ аскар:

– Худди шундай, – деб қўйди.

– Хўш, қани, менга айтинглар-чи, – деди Нехлюдов, – агар подшо помешчикларнинг ерини тортиб олиб, дехқонларга бўлиб берилсин деса...

– Шунақа овоза борми? – деб сўради ўша чол.

– Йўқ, подшодан ҳеч қандай топширик йўқ. Мен, шунчаки, ўзим айтяпман: агар подшо помешчикларнинг ери тортиб олиниб, дехқонларга берилсин деса, нима қилган бўлардингиз?

– Нима қилар эдикми? Ҳар оилада неча жон бўлса (хоҳ дехқон бўлсин, хоҳ бек), баравар таксимлардик, – деди печкачи қошини гоҳ кериб, гоҳ чимириб.

– Албатга! Жон бошига қараб бўлинади-да, – деб тасдиқлади оқ пайтава ўраган, хушфеъл оқсоқ чол.

Бу қарорни қаноатланарли топиб ҳамма бир оғиздан тасдиқлади.

– Қанақасига жон бошига? – деб сўради Нехлюдов. – Бек хизматкорларига ҳам бериладими?

– Йўқ, тақсир, – деди собиқ аскар ўзини хушчақчақ ва бардам қилиб кўрсатишга уриниб.

Аммо бамаъни новча дехқон унга эътироз билдирди.

У бироз ўйлангандан кейин:

– Бўлинадиган бўлса, ҳаммага баравар бўлинсин, – деди дўриллаб.

– Мумкин эмас, – деди Нехлюдов олдиндан тайёрлаб қўйган эътирозини билдириб. – Агар ҳаммага баравар тақсимланса, ўзи ҳайдаб, ўзи экмайдиганларнинг ҳаммаси – хўжайинлар, қароллар, ошпазлар, амалдорлар, котиблар, барча шахарликлар ўз ҳиссаларини олиб бойларга сотишади. Яна бойларнинг ери кўпаяди. Ўз ерида ишлаганларнинг бола-чақаси кўпаяди. Ер эса улашиб бўлинган. Бойлар ерга мухтожларни яна ўзига қарам қилиб олади.

– Худди шундай, – шошиб тасдиқлади аскар.

Печкачи аскарнинг гапини жажл билан бўлди:

– Ер сотишни тақиқлаш керак, ҳамма ўзи ҳайдаб, ўзи эксин, – деди.

Нехлюдов, одамлар ўзиникини ҳайдаяптими ёки бироникини ҳайдаяптими, билиб бўлмайди, деб эътироз билдирди.

Шунда новча, бамаъни дехқон артель бўлиб ер ҳайдашни таклиф этди.

– Кимки ер ҳайдаса, экса, шунга берилса-ю, кимки ҳайдамаса, берилмаса, – деди у кескин йўғон товуш билан.

Нехлюдовда бундай коммунистик лойиҳага қарши ҳам далиллар тайёр эди. Нехлюдов артель бўлиб ер ҳайдаш учун ҳамманинг омочи, отлари бир хилда бўлиши кераклигини, бири-биридан кам бўлмаслигини ёки ҳамма нарса – отлар ҳам, сўқалар ҳам, моллар ҳам, бутун хўжалик умумий бўлиши кераклигини айтиб эътироз билдирди, буларни бир

жойга тўплаб жам қилиш учун эса одамларнинг ҳаммаси рози бўлиши лозимлигини уқдирди.

– Бизнинг одамларнинг икки дунёда ҳам бошини бир ерга қовуштириб бўлмайди, – деди жаҳлдор чол.

Кўзи кулиб турган оқсоқол чол:

– Қирпичоқ бўлишади, – деди, – хотин-халажлар бир-бирининг кўзини ўйиб олади.

– Ундан ташқари, ерни сифатига қараб қандай тақсим қиламиз – деди Нехлюдов – Бировга қора тупрок, бошқа бировга қумлоқ ер тўғри келиб қолиши мумкин.

– Ҳаммага улуш-улуш қилиб барабар ер бериш-қўйиш-да, – деди печкачи.

Нехлюдов бунга, гап бир жамоада эмас, умуман турли губернияларда ер тақсим қилиш устида кетаётганини айтиб, зътироз билдирди. Ер деҳқонларга текинга бериладиган бўлса, нега энди бирига яхши ер тегиб, бошқасига ёмон ер тегиши керак? Ҳамманинг ҳам яхши ердан олгиси келади.

– Худди шундай, – деди аскар.

Бошқалар чурк этмас эди.

– Бу масала, биз ўйлагандек осон эмас, – деди Нехлюдов – Бу ҳақда фақат бизларгина эмас, кўп одам бош қотиради. Жорж деган бир америкалик бор, ўша мана шундай бир нарсани ўйлаб чиқарибди. Мен ҳам унинг фикрига қўшиламан.

– Ер сеники бўлгандан кейин билганингни қил. Нима қилмоқчисан? Ихтиёр ўзингда, – деди жаҳлдор чол.

Сўзининг бўлиниши Нехлюдовнинг кўнглини хижил қилди, лекин сўзининг кесилишидан бошқалар ҳам норизо бўлганини сезиб мамнун бўлди.

– Шошмай туринг, Семён амаки, аввал гапириб бўлсин, – деди бамаъни чол йўгон овоз билан.

– Бу сўзлар Нехлюдовга далда берди. У деҳқонларга Генри Жоржнинг ягона солиқ ҳақидаги лойиҳасини тушунтира бошлади.

– Ер ҳеч кимники эмас. Худоники, – деб гап бошлади у.

– Рост. Худди шундай, – деган бир неча овоз

эшитилди.

– Бутун ер – умумий. Ерга ҳамманинг ҳуқуқи баравар. Лекин яхши ер бор, ёмон ер бор. Ҳаммаям яхши ер олгиси келади. Ҳаммани баравар қилиш учун нима қилиш керак? Бунинг учун яхши ерга эга бўлганлар, ери йўқларга ўша ерининг баҳосини тўлаши керак, – деб ўз сўзига ўзи жавоб берди Нехлюдов. – Ким кимга ҳақ тўлаши кераклигини белгилаш қийин бўлгани ҳамда жамоат эҳтиёжи учун пул тўплаш керак бўлгани учун шундай қилиш керакки, ер олганлар жамоанинг ҳар хил эҳтиёжи учун ернинг баҳосини тўлаб турсин. Шунда ҳаммага тенг бўлади. Ер олмоқчи бўлсанг, яхши ерга кўп ҳақ тўлайсан, ёмон ерга оз тўлайсан. Ер олишни истамасанг, ҳеч нарса тўламайсан, жамоа эҳтиёжи учун сенинг ўрнингга ер олганлар пул тўлайди.

– Жуда тўғри, – деди печкачи қошини кериб, – кимнинг ери яхши бўлса, шу кўп пул тўлайди.

– Жоржа деганинг хўпам мияли эканми, – деди жингала соч, хушқомат чол.

Новча чол гап нимага бориб тақалаётганини хис қилди, шекилли:

– Ишқилиб, баҳолари қурбимиз етадиган бўлсинда, – деди йўғон товуш билан.

– Баҳо қиммат ҳам бўлмаслиги керак, арзон ҳам бўлмаслиги керак... Агар қиммат бўлса, тўлаша олмайди, зарар кўришади. Агар арзон бўлса, ҳамма бир-бирининг ерини сотиб олади, ер олди-сотди бўлиб қолади. Мен худди ана шундай қилмоқчи эдим.

– Тўғри, жуда тўғри. Чакки эмас, – дейишарди дехқонлар.

– Хўп мияли экан-да, – деб такрорлади жингала соч, барваста чол. – Оббо Жоржа-эй! Топганини қаранг-а.

Агар мен ҳам ер олмоқчи бўлсам-чи? – деди бошқарувчи илжайиб.

– Агар бўш ер бўлса, олинг, ишланг. – деди Нехлюдов.

– Ерни нима қиласан? Ер бўлмасаям тўксан-ку, – деди кўзи кулиб турган чол.

Шу билан кенгаш тугади.

Нехлюдов таклифини яна такрорлади-ю, лекин ҳозирнинг ўзида жавоб беришларини талаб қилмади. Аввал жамоат билан маслаҳатлашиб, кейин келиб хабарини беришларини сўради.

Дехқонлар жамоат билан маслаҳатлашиб жавоб беражакларини айтишди-да, хаяжонга келиб хайрлашишди. Йўлда анча маҳалгача уларнинг тобора узоклашаётган баланд товушлари эшитилиб турди. То қоронғи кечгача қишлоқ томондан, сой бўйидан уларнинг гўнғир-гўнғир овозлари эшитилиб турди.

Эртасига деҳқонлар ишлашмади, князнинг таклифларини муҳокама қилиш билан овора бўлишди. Жамоат икки гуруҳга бўлинди: бир томон князнинг таклифини фойдали ва хавфсиз ҳисоблар эди, иккинчи томон эса бунда ҳийла бор деб ҳисоблар, бу ҳийла нимадан иборатлигини тушуниб ета олмагани учун ҳам, ундан жуда кўрқар эди. Аммо шунга қарамай, индинига таклиф этилган шартларга ҳамма рози бўлди, жамоанинг қарорини билдириш учун Нехлюдовнинг олдига келишди. Уларнинг бундай розилик беришларига бир кампирнинг айтган гаплари сабаб бўлган эди. Кампирнинг айтишича, бек энди нариги дунёни ўйлай бошлаган, шунинг учун ҳам унинг бу ишида ҳийла бор деб хавфсирамаса ҳам бўлади. Чоллар унинг фикрига қўшилишди. Нехлюдовнинг Паново қишлоғидалиқ пайтида катта-катта пул садақа қилгани ҳам кампирнинг бу гапини тасдиқларди. Нехлюдов деҳқонларнинг нақадар оғир ҳаёт кечираётганлари, қашшоқликка тушиб қолганини мана шу ерда биринчи бор очик-ойдин кўргани учун ҳам хайр-садақа бера бошлаган эди. Бу қашшоқликни кўриб ларзага келган Нехлюдов гарчи, садақа қилишнинг фойдаси йўқлигини билса-да, эндиликда жуда кўпайиб қолган пулларини улашмасдан тура олмас эди. Ўтган йили Кузминскоеда сотилган ўрмон билан сотилган асбоб-анжомлар устидан олган пули йиғилиб қолган эди.

Князнинг хайр сўраганларга пул бераётганини эшитиб, одамлар, айниқса, хотин-халажлар теварак-атрофдаги қишлоқлардан ёрдам сўрамоққа гала-гала бўлиб кела

бошладилар. Нехлюдов уларни нима қилишини, кимга қанча бериш масаласини қандай ҳал этишни билмас эди. У қўлида пули кўп бўла туриб, сўраган камбағал-бечораларга пул бермаслик мумкин эмаслигини ҳис қиларди. Хайр сўраб келувчи тасодифий кишиларга бераверишнинг маъноси йўқ эди. Бу аҳволдан қутулишнинг бирдан бир йўли – жўнаб кетиш эди. Нехлюдов дарҳол жўнаб кетишга жазм қилди.

Пановодан кетадиган куни Нехлюдов уйга кирди-да, қолган буюмларни йиғиштира бошлади, Нарсаларни йиғиштираётиб аммасининг қимматбаҳо ёғочдан ясалган, қуббали, шер каллаларига зарҳал ҳалқа ўтқазилган эски кийим жавонининг пастки ғаладонидан жуда кўп хатлар ва улар орасидан бир сурат топиб олди. Софья Ивановна, Марья Ивановна, талабалик чоғидаги ўзи ва соф, навқирон, гўзал, хушчакчак Катюша бирга суратга тушишган эди. Уйдаги нарсалар ичидан Нехлюдов фақат хатларни ва шу суратни олди. Қолган нарсаларнинг ҳаммасини – уйни ва мебелларни бошқарувчининг воситасида бир тегирмончи ўндан бир баҳосига сотиб олган эди, буларнинг ҳаммасини тегирмончига қолдириб кетди.

Энди Нехлюдов Кузминскоедалик чоғида ер-мулқдан айрилаётганига ачинганини эслаб, ўшанда бу қадар ачинганига хайрон қоларди; ҳозир у озодликка чикқандек суонар, янги ерларни кашф этган сайёҳ сингари янгиликни сезиш ҳиссига берилар эди.

## Х

Бу дафъа келишда шаҳар Нехлюдовга ғалати ва бошқача таассурот қолдирди. У кечқурун фонарлар ёқилган пайтда вокзалдан уйига келди. Ҳамма хоналарда нафталин хиди анқирди, Аграфена Петровна билан Корней ўзларининг ҳориганларини сезган, тутакишган эдилар. Ёйиш, қуриштиш ва яна беркитиб. қўйишдан бошқага ярамаган нарсаларни йиғиштириш вақтида уришиб ҳам қолишган эди. Нехлюдовнинг хонаси бўш эди-ю, лекин йиғиштирилмаган эди.

Хонага кириладиган жойни сандиқлар тўсиб қолгани учун ҳам кириш қийин эди. Хуллас, Нехлюдовнинг келиши, афтидан, қандайдир эски бир одат бўйича қилинаётган ишларга халақит берган эди. Бир вақтлар ўзи ҳам иштирок этган мана шу ишлар, қишлоқдаги қашшоқликни кўриб қайтган Нехлюдовга шундай бемаъни бўлиб кўриндики, у опаси келгунча молларни истаганича йиғиштиришни Аграфена Петровнага қолдириб, эртасигаёқ меҳмонхонага кўчиб ўтишга қарор қилди. Опаси келиб, уйдаги нарсаларни нима қилишни ўзи ҳал этиши лозим эди.

Нехлюдов уйдан эрталаб чиқди, қамоқхонага яқин ердан, биринчи дуч келган, соддагина ва ифлосгина меҳмонхонадан икки хонани ижарага олди-да, уйда ажратиб қўйган нарсаларини шу ерга келтириб қўйишни буюриб, адвокат-никига қараб кетди.

Ҳаво совуқ эди. Чақмоқ ва ёмғирдан кейин одатда баҳорда бўладиган совуқ тушди. Ҳаво шу қадар совуқ, изғирин шу қадар кучли эдики, Нехлюдов энгил пальтода совқотиб қолди ва исиниш учун илдам қадам ташлаб кетди.

Қишлоқдаги одамлар: аёллар, болалар, чоллар, қашшоқлик ва абгорлик (буларни у гўё биринчи бор кўргандек эди), айникса, чиллақдек ингичка оёқларини узатиб ижирганган, чолга ўхшаган гўдак ҳамон хаёлидан кетмас эди. Нехлюдов ўшаларни беихтиёр равишда шаҳардагилар билан таққослай бошлади. Нехлюдов қассоблик расталари, балиқфурушлар ва тайёр кийим дўконлари ёнидан ўтиб борар экан, – гўё биринчи бор кўраётгандай, – озода ва бикқасемиз дўкондорларнинг кўпчилигига ҳайрон қолди. Қишлоқда биронта ҳам бунақа тўқ ё семиз одам топилмас эди. Бу одамлар, молларининг фарқига етмаган одамларни алдаш учун қилган ҳийла-найранглари қуруқ эрмак деб эмас, балки, жуда фойдали машғулот деб ҳисобласалар керак. Худди шулар сингари тўқ, тугмалари орқадан солинадиган корсондай семиз кучерлар худди ўшаларга ўхшаган, бошларига фуражка<sup>1</sup> кийган, кийимларига уқа тутилган швей-

<sup>1</sup> Фуражка (французча: *fourrage* – см-лашак тайёрловчининг бош кийими; *fourte* – сомон) – эркаларнинг гардишли ва қисқа соябонли бош кийими.



царлар, фартук кийган ва сочларини жингалак қилган, худди ўшанака оқ соч қизлар ва, айниқса, извошларида ялпайиб ўтириб олиб, ўткинчиларни назар-писанд қилмай, фосоқона кузатаётган, сочининг орқа томони текис қирилган извошчилар... – Нехлюдов беихтиёр мана шу одамларнинг ҳаммаси, ерсиз қолган ва шу ерсизлик натижасида иш қидириб шаҳарга келиб қолган худди ўша қишлоқилар эканини кўриб турарди. Шу одамларнинг баъзилари шаҳарнинг шарт-шароитларидан фойдалана олгандир ва натижада, беклар каби яшар, ўз аҳволларидан мамнун эдилар, бошқалари эса шаҳарга келиб қишлоқдагидан баттар шароитга тўғри келиб қолган ва аввалгидан кўра аянчли аҳволга тушган эдилар. Нехлюдов бир ертўланинг деразасидан ишлаб ўтирган косибларни кўриб қолди. Бу косиблар Нехлюдовга ана шундай аянчли кўринди; совунли буғ бурқираб чиқаётган очиқ дераза ёнида енги шимарилган, қоқшол кўллари билан дазмол босаётган рангпар, сочлари пахмоқ кир ювувчи хотинлар ана шундай аянчли эди. Эгнига фартук ва яланг оёғига дабдаласи чиқиб кетган пойабзал кийган, бошидан оёғигача бўёк теккан бўёкчилар ҳам ана шундай эди (Нехлюдов уларга дуч келиб қолган эди). Бўёкчилар енгларини билакдан юқори шимариб, офтобда қорайган, томирлари ўйнаган заиф кўлларида бир челак бўёк кўтариб, зўр бериб сўқинишиб боришарди. Қиёфалари хорғин ва зардали эди. Араваларининг тепасида силкиниб бораётган, қора юзларини чанг босган киракаш извошчиларнинг қиёфаси ҳам худди шундай эди. Кўчаларнинг муюлишида болаларини олдиларига солиб тиланиб турган, жулдур кийимли, шишган эркак ва аёлларнинг қиёфаси ҳам шунақа эди. Нехлюдов майхоналар ёнидан ўтар экан очиқ деразалардан ҳам худди шундай башаралар кўринарди. Устига шиша ва чойнак-стаканлар қўйилган, ораларидан оқ кийинган ходимлар югуриб-елиб ўтиб турган ифлос столчалар атрофида бақириб-хайқириб терлаган, қипқизариб кетган кайфи тароқ кишилар ўтиришарди. Бир киши гўё алланарсани эслашга уринаётгандай қошини чимириб, лабини чўччайтириб дераза тагида ўтирарди.

«Нима қилиб тўпланишиб ўтиришибди?» – деб ўйлар-

ди Нехлюдов совуқ шамол ҳайдаб келаётган чангни ютиб, янги бўёкнинг тахир ҳидини ҳидлаб.

Кўчаларнинг бирида тунука ортган киракаш арава Нехлюдовга етиб олди, ғадир-будур тош йўлда у шундай гулдурар эдики, унинг қулоғи битиб, бошига оғриқ тургандай бўлди. Нехлюдов аравадан ўтиб кетмоқчи бўлиб қаддини илдамлатган ҳам эдики, шарақ-шуруқ шовқин ичида аллаким исмини айтиб чақираётганини эшитди. У тўхтади ва рўпарасидаги извошда ўтириб, унга қўл силкитаётган, мўйловларининг учи буралган, юзи йилтиллаб турган офицерни кўрди. Офицер кулимсираганда ҳаддан зиёда оппоқ тишлари кўриниб кетди.

– Нехлюдов! Сенмисан?

Нехлюдов даставвал суюнди.

– А! Шенбок, – деди Нехлюдов, лекин шу заҳоти севинчга ўрин йўқлигини англади.

Бу бир вақтлар аммалариникига тушиб ўтган ўша Шенбок эди. Нехлюдов уни кўпдан буён кўздан кочириб юрар эди-ю, лекин унинг қарзи кўп бўлишига қарамай, полкдан чиқиб, кавалерияда<sup>1</sup> колгандан кейин ҳам, бир амаллаб хануз давлатманд одамлар билан кам улфат эканини эшитган эди. Унинг мамнун ва хушчақчақ башараси буни тасдиқларди.

– Сенга дуч келганим яхши бўлди-да! Йўқса шаҳарда ҳеч ким йўқ. Аммо-лекин қариб қолибсан, биродар, – дерди у извошдан тушиб, елкаларини кериб қўйиб, – юришингдан таниб олдим. Қани, хўш, бирга овқатланамизми? Шаҳрингизнинг қаерида дурустрок овқатланиш мумкин?

– Билмадим, улгурарманканман, – деб жавоб қайтарди Нехлюдов қандай қилиб ўртоғини хафа қилмай хайрлашиб кетишни ўйлаб. – Бу ерда нима қилиб юрибсан? – деб сўради у.

– Шундай, иш билан, оғайни. Васийлик иши билан. Мен, ахир, васийман-ку. Самановнинг ишларини бошқараман. Саманов деган бойни биларсан. Ўзи телба одам.

---

<sup>1</sup> Кавалерия – отлик кўшин.

Аммо эллик тўрт минг ботмон ери бор, – деди Шенбок шу ботмон–ботмон ерларни ўзи бунёдга келтиргандек фахрланиб, – иши жуда хароб эди. Ер тамоман деҳқонлар қўлида экан. Улар ҳеч нарса тўлашмас экан, боқимандалари саксон мингдан ошган экан. Бир йил ичида ишни тамомила бошқача қилиб юбордим, меросхўрларга етмиш фоиз ортиқ фойда бердим. Хўш? – деб сўради ғурур билан.

Нехлюдов шу Шенбок бор-йўғини созуриб қарзга ботиб қолганидан кейин, аллакимнинг ёрдами билан, бутун мол-мулкни сокураётган кекса бойга васий қилиб тайинлангани қулоғига чалинганини эслади. Шенбок ҳозир ҳам шу васийлик орқасида кун кўриб юрган бўлса керак.

Нехлюдов ўртоғининг чертса қон томадиган семиз ва бахтиёр юзига, қоп-қора қилиб бўялган мўйловига қараб, унинг қаерда яхши овқат борлиги ҳамда васийлик ишини йўлга қўйиб юборганлиги ҳақида мақтаниб, валдирашларини тинглар экан: «қандай қилиб, буни хафа қилмай хайрлашсам экан?» – деб ўйлар эди.

– Хўш, қаерда овқатланамиз?

– Вақтим йўқ-да, – деди Нехлюдов соатига қараб.

– Менга қара. Кечкурун пойга бўлар экан, борасанми?

– Йўқ, бормайман.

– Боргин. Ўзимнинг отим йўқ. Лекин Гришанинг отларига пул қўймоқчиман. Эсингдами? Яхши отлари бор. Боргин, кечки овқатни ҳам бирга қиламиз.

– Кечки овқатда ҳам бирга бўла олмайман, – : деди Нехлюдов жилмайиб.

– Бу нима қилганинг? Ҳозир қаёққа кетяпсан? Ўтир, элтиб қўяй.

– Адвокатга кетяпман. Ҳув анови муюлишда, – деди Нехлюдов.

– Ҳа-я, турмада алланималар қилиб юрган эмнсан? Маҳбусларнинг ҳимоячиси бўлибсанми? Корчагинлар айтишувди-я, – деди Шенбок кула-кула, – улар жўнаб кетишди. Ўзи нима гап? Айт-чи!

– Ҳа, шундай, тўтри айтишибди, – деди Нехлюдовг – кўчада айтиб бўладими?

– Рост, рост, кизик табиатли одам эдинг. Хўш, пойгага борасанми?

– йўғ-э, бора олмайман, боришни истамайман ҳам. Яна мендан хафа бўлма тагин.

– Хафа бўлиш нимаси! Ўзинг қаерда турасан? – деб сўради Шенбок. Тўсатдан у жиддий тус олди, кўзи бир нуктага тикилиб, қошлари керилди. У алланарсани эсига туширмоқчи бўлди, шекилли. Шу маҳал унинг қиёфаси майхона деразасидан кўринган, қошини чимириб, лабни чўччайтириб ўтирган кишиники сингари бемаъни эди.

– Совиқни кара-я! А!

– Ҳа, ҳа.

– Сотиб олинган нарсалар сендами? – деб сўради извошчидан.

– Хўп, хайр унда, кўрганамга жуда, жуда хурсандман, – деди Шенбок, у Нехлюдовнинг кўлини сиқиб ирғиб извошга чиқди-да, янги, оқ замша<sup>1</sup> кўлкоп кийган катта кўлини йилтиллаб турган юзига яқинлаштириб силкитди, оппоқ тишларини кўрсатиб жилмайди.

Нехлюдов адвокатникига қараб борар экан: «наҳотки, мен шунақа эдим? – деб ўйлади, – худди шунақа бўлмасам-да, шунақа бўлишни истар эдим, бутун умрим шундай ўтиб кетади деб ўйлар эдим».

## XI

Адвокат Нехлюдовни навбатдан ташқари қабул қилди. Меньшовларнинг ишини ўқиб чиққан адвокат дарҳол шу иш тўғрисида гап очди, уларнинг ҳеч қандай асоссиз айбланганликларидан аччиғланган эди.

– Жуда қабих иш, – деди у. – Суғурга пулини олмоқ ниятида уй эгасининг ўзи ўт қўйган бўлиши мумкин, лекин масала шундаки, Меньшовларнинг гуноҳи сира исбот қилинмаган. Ҳеч қандай далил йўқ. Бу терговчининг жон-

<sup>1</sup> Замша – бугу, кўй ва бошқа молларнинг терисидан тайёрланган юмшоқ бахмалсимон чарм.

жаҳди билан ҳаракат қилгани ва прокурор ёрдамчисининг бепарволигидан содир бўлган. Иш уездда эмас, шу ерда кўрилса, оқланиб кетиши турган гап – хизмат ҳақи ҳам олмайман. Энди иккинчи ишга ўтайлик: Федосья Бирюкова номидан зоти олийга ёзиладиган ариза тайёр, агар Петербургда борсангиз, аризани ола кетинг-да, ўз қўлингиз билан топшириб, илтимос қилинг. Йўқса адлия вазирлигидан изоҳ сўрасалар, булар мендан кетгунча, эгасига еткунча деб, яна рад жавоб юборадилар, хуллас, ҳеч нарса чикмайди. Сиз аризани олий мартаба кишига топширишга ҳаракат қилинг.

– Подшо ҳазратларигами? – деб сўради Нехлюдов. Адвокат кулиб юборди.

– Бу энг олий – олийларнинг олийси. Олий мартаба деганим – арз тинглайдиган комиссиянинг котиби ёки мудири деганим. Хўш, бўлдимиз энди?

– Йўқ, менга сектантлар<sup>1</sup> ёзишибди, – деди Нехлюдов чўнтагидан сектантларнинг хатини олиб, – агар ёзганлар рост бўлса, жуда ғалати иш. Мен шу бугуноқ уларни кўриб, воқеани суриштиришга ҳаракат қиламан.

– Назаримда, авахтадагиларнинг бутун илтимосномаларини ташувчи воситачи бўлиб қолгансиз, – деди адвокат жилмайиб. – Жуда кўп, кучингиз етмас.

– Йўқ, бу жуда ғалати иш, – деди Нехлюдов. У воқеани қисқача гапириб берди. Қишлоқда одамлар Инжил ўқимокчи бўлиб тўпланишган, бошлиқлар келиб ҳайдашган. Келаси якшанба куни одамлар яна тўпланишган. Шундан кейин дарҳол урядникни<sup>2</sup> чақириб, далолатнома тузишган, одамларни судга беришган. Суд терговчиси сўроқ қилган, прокурор ёрдамчиси айбнома тўзган, суд палатаси айбнома-ни тасдиқлаган ва уларни судга берган: прокурор ёрдамчиси қораловчи бўлган, столда далилий ашё бўлиб Инжил турган. Шундай қилиб сектантлар сургунга ҳукм этилган. Ахир, бу жуда мудҳиш иш-ку! – деди Нехлюдов, – наҳотки шу гаплар рост бўлса?

– Нимасига ҳайрон қоляпсиз?

<sup>1</sup> Сектант – бирор мазҳаб кишиси (тарж.).

<sup>2</sup> Урядник – чор Россиясида уезд полиция маҳкамасида энг кичик лавозим (тарж.).

– Ҳаммасига, майли, урядник, маълум, – нима буюрилса, шуни бажарган, лекин далолатнома тузган прокурор ёрдамчисининг кўзи қаёқда экан, ахир, у ўқимишли одам-ку.

– Ҳамма хато шунда-да, биз прокурорларни ва бутун суд арбобларини қандайдир янги либераль одамлар деб ўйлашга одатланганмиз. Бир вақтлар, ҳақиқатан ҳам, шундай эдилар, лекин ҳозир бутунлай бошқача. Энди булар ойнанинг йиғирманчи кунини пойлашадиган тўралар бўлиб қолган. У ҳар ой мояна олади, кўпроқ топишдан бўлак нарсани ўйламайди, бутун принципи шундан иборат. Пул деган жойда ҳар қандай одамни айблашга, суд қилишга, кесишга тайёр.

– Наҳотки бошқа одамлар билан бирга Инжил ўқигани учун сургун қиладиган қонун ҳам бўлса?

– Агар Инжилни ўқиб уни буюрилганидан бошқача, яъни черков тафсирига хилоф равишда шарҳ этганлари исбот этилса, у қадар узок бўлмаган ерларга сургун қилишгина эмас, ҳатто каторгага ҳайдаш ҳам мумкин. Православ динини халқ ўртасида хўрлаган киши бир юз тўқсон олтинчи моддага мувофиқ сургун қилинади.

– Йўғ-э.

– Сизга ёлғон гапирармидим. Мен ҳаммаша суд арбобларига, сизларни кўрганимда то шу маҳалгача мени қамокқа тикиб қўймаганларингиз учун шукур қиламан дейман, – деб гапини давом этдирди адвокат. – Сиз, мен ёки ҳаммамиз то шу маҳалгача қамалмаган эканмиз, бу ўшаларнинг марҳумати туфайли. Ҳолбуки, қайси биримизни бўлсаям ҳуқуқдан маҳрум этиб, яқин бир ерга сургун қилишдан осон иш йўқ.

– Агар ҳамма иш прокурор ёки қонунни татбиқ этиш-этмаслик қўлидан келадиган шахслар ихтиёрида бўлса, суднинг нима кераги бор?

Адвокат хахолаб кулиб юборди.

– Қаёқдаги саволларни берасиз-а! Бу, бир фалсафа-да тақсир. Майли. бу ҳақида ҳам баҳслашиш мумкин.

Шанба куни кейин бизникида олимлар, адабиётчилар ва рассомлар бўлади. Ўшанда умумий масалалар ҳақида

гаплашамиз, – деди адвокат «сумумий масалалар сўзини кинояомуз дабдаба билан сўзлаб. – Хотиним билан танишасиз. Келинг.

– Хўп, келишга ҳаракат қиламан, – деб жавоб берди Нехлюдов ёлгон гапирётганини, агар иложини топса ўша куни кечкурун уникида йиғиладиган олимлар, адабиётчилар ва рассомлар ўртасида бўлмасликка ҳаракат қилишини ҳис этиб.

Нехлюдов, модомики, суд арбоблари конунини ўз хоҳишларича татбиқ қиладиган ёки қилмайдиган бўлсалар, суднинг нима кераги бор деганда, адвокатнинг кулиб юборгани, «фалсафа» ва «сумумий масалалар» сўзларини айтган пайтидаги товушидаги оҳанг Нехлюдовга ўзи билан адвокатнинг ва, эҳтимол, унинг дўстларининг масалага тамомила бошқача кўз билан қарашини кўрсатди. У Шенбокка ўхшаган бурунги ошналаридан узоқлашган бўлишига қарамай, ўзини адвокатдан ҳам, унинг доирасидаги одамлардан ҳам баттар узоқ ҳис этди.

## XII

Турма узоқда эди, вақт эса алла-палла бўлиб қолган, шунинг учун ҳам Нехлюдов извош олиб турмага кетди. Ўрта яшар, башарасидан ақлли ва меҳрибон одам эканлиги билиниб турган извошчи кўчаларнинг бирида янги қурилаётган каттакон уйни Нехлюдовга кўрсатди.

– Қаранг, қандай зўр иморат солишяпти, – деди у гўё бу иморатнинг қурилаётганига қисман ўзи сабабчи бўлгандай фахрланиб.

Дарвоқе, баҳайбат ва қандайдир ғайри оддий, мураккаб услубда бир иморат қурилаётган эди. Солинаётган бионинг атрофига бир-бирига темир бандлар билан бириктирилган йўгон-йўгон қарағай ёғочлардан ҳавоза кўйилган ва юпқа тахта девор билан кўчадан пана қилинган эди. Ҳавоза тахталари устида кийимларига оҳак сачраган ишчилар чумолидек уймаланишарди: бирлари ғишт терар, бошқа-



лари тош йўнар, яна бировлар оғир замбил ва челақларни юкорига кўтариб чиқиб, бўшатиб пастга тушар эдилар.

Семиз, яхши кийинган жаноб, меъмор бўлса керак, ҳавога олдида туриб, юқорини кўрсатиб, эҳтиром билан қулоқ солаётган владимирлик ижарадорга алланима дерди. Ижарадор билан меъмор ёнидаги дарвозадан бўш арвалар чиқиб, юк ортилганлари кириб турар эди.

«Ҳаммалари, ишлаётганлар ҳам, уларни ишлатаётганлар ҳам худди шундай бўлиши керак деб ишонадилар, – деб ўйларди Нехлюдов уйга қараб, – ҳомиладор хотинлари уйда оғир ишларни бажариб юрган, чурик кўйлак кийган болалари чиллақдек оёқларини чўзиб, очликдан ўлай деб, кексалардек тиржайган бир пайтда булар қандайдир бир кераксиз аҳмоқ одамга, ўзларини талаб, хонавайрон қилаётган одамларнинг бирига мана шу аҳмоқона кераксиз саройни қурадилар».

Нехлюдов овозини баланд чиқариб, кўнглидаги гапни айтди.

– Ҳа, аҳмоқона уй, – деб қўйди.

– Нега аҳмоқона дейсиз? – деб эътироз билдирди извошчи ўпкалаб, – аҳмоқона эмас, халққа иш беряпти, раҳмат.

– Ахир, кераксиз бир иш-да.

– Қуришаётган экан, демак керакли, – деб эътироз билдирди извошчи, – халқ шу туфайли нон еяпти.

Нехлюдов жим бўлди, айниқса, гилдиракларнинг шалдирашидан гапириниш оғир эди. Авахтага яқин қолганда извош тош йўлдан шоссега ўтди, гаплашиш анча енгил бўлиб қолди. Извошчи Нехлюдовга қараб яна гап бошлади.

– Нега халойиқ, зўр бериб ўзини шаҳарга уради-я, – деди у орқасига ўтирилиб, рўпарадан келаётган калта пўстинли, арра, болта кўтарган, қоп орқалаб олган қишлоқи ишчиларни Нехлюдовга кўрсатиб.

– Бурунги йилларга қараганда кўпми? – деб сўради Нехлюдов.

– Нимасини айтасиз! Энди ҳамма ёқни босиб кетишган, асти қўяверинг. Хўжайинлар хоҳлаган пайтларида ҳайдаб юбораверадилар. Ҳамма ёқ одам.

– Нега бундай экан-а?  
– Кўпайиб кетишяпти-да. Ҳеч қаерга сигмай қолди.  
– Кўпайса, нима қипти? Қишлоқда қолишса бўлмайдими? – Қишлоқда нима қилишади ер бўлмагандан кейин. Неҳлюдовнинг ярасига бир нарса тегиб оғригандай бўлди. Яранг нукул ҳар қаерга тегиб кетаётгандай туюлади, бунинг сабаби шуки, яра бир нарсага тегиб кетса, қаттиқроқ оғрийди.

Неҳлюдов «Наҳотки ҳамма ерда аҳвол шу бўлса?» – деб ўйлади-да, извошчидан қишлоғида қанча ер борлигини, извошчининг ўзининг ери қанчалигини, нега шаҳарга келиб қолганини суриштира бошлади.

– Қишлоқда жон бошига бир ботмондан ер тўғри келади, бегим. Бизнинг уч кишилиқ еримиз бор, – извошчи жон деб ҳикоя қила бошлади. – Уйда отам, укам бор, бир укам аскарликка кетган. Ўзлари ишлайдилар. Аслида-ку, ишлайдиган ери ҳам йўқ-ку-я. Ҳали укам ҳам Москвага кетмоқчи бўлиб юриб эди.

– Ижарага ер олса бўлмайдими?

– Шу замонда қаердан ижарага ер оласан? Хўжайинлар ҳам қўлларидаги ерларини сотиб-совуриб кетиб қолишди. Ҳаммаси савдогарларнинг қўлига ўтиб кетди. Улардан сотиб ололмайсан – ўзлари ишлашади. Ерларимизнинг эгаси француз, аввалги хўжайиндан сотиб олган. Ижарага бермайди – вассалом.

– Қанақа француз?

– Дюфар-француз, балки эшитгандирсиз? Катта театрда актёрларга парик<sup>1</sup> ясайди. Иши яхши, хўпам дунё йиғибди-да. Бекамизнинг ҳамма ер-мулкани сотиб олди. Энди бизга шу хўжайин. Эшак қилиб устимизга миниб олган. Ўзи яхши одам, шунисигаям шукур. Лекин хотини руслардан, итнинг ўзгинаси, Худо кўрсатмасин. Халойиқни талагани-талаган. Бало. Ана, турмага ҳам келдик. Қаерга олиб борай, катта дарвоза олдигами? Ҳойнаҳой, киргизмаслар.

<sup>1</sup> Парик (французча: рагисса) – тутам-гутам сочлардан шакли ва рангини киши сочига ўхшатиб, бирор матога ёпиштириб тайёрланган асама соч.

Нехлюдов бугун Масловани қандай ҳолатда учратишини ўйлаб ва авахтадаги одамлар тўдаси ва Масловада зоҳир бўлган пинҳона сир олдида қўриқиб юраги орқасига тортиб кетган ҳолда катта дарвоза қўнғироғини чалди ва ичкаридан чиққан назоратчидан Масловани сўради. Назоратчи суриштириб Маслованинг касалхонадалигини айтди. Нехлюдов касалхонага борди. Касалхона қоровули очик юзли чол Нехлюдовни шу заҳоти ичкари киритди, унга ким кераклигини билиб, болалар бўлимига юборди.

Уст-бошига карбол<sup>1</sup> кислотасининг ҳиди уриб қолган ёш доктор йўлакка – Нехлюдов ҳузурига чикиб, жиддий суратда, сизга ким керак, деб сўради. Бу доктор маҳбусларни риюя қилиб, кенг йўл бериб қўйганлиги учун ҳамиша турма бошликлари ва ҳатто бош доктор билан ғижиллашгани ғижиллашган эди. Нехлюдов ҳам қонундан ташқари бирон нарсани сўраб қолмасин деб, шу билан бирга, ҳеч кимни истисно қилмаслигини кўрсатмоқ учун, ўзини жаҳлдор қилиб кўрсатган эди.

– Бу ерда аёллар йўқ, бу болалар палатаси, – деди у.

– Биладан, лекин бу ерда турмадан юборилган, касалларга қаровчи аёл бор.

– Ҳа, иккита аёл бор. Хўш, нима демоқчи эдингиз.

– Ўшалардан биттаси, Маслова дегани менинг яқин одамим бўлади, – деди Нехлюдов, – ўшани кўрмоқчи эдим: мен шу хотиннинг иши юзасидан шикоят аризаси бергани Петербургга кетаётган эдим. Ундан ташқари, мана буни бериб қўймоқчи эдим. Бу фотосурат, холос, – деди Нехлюдов чўнтагидан конверт чиқариб.

– Ҳай, майли, – деди доктор юмшаб. Оқ халат кийган кампирга ўгирилиб, Маслова деган касал боқувчи маҳбус аёлни чақириб келишни буюрди. – Қани, ўтирсинлар ёки қабулхонага кирасизми?

<sup>1</sup> Карбол (лотинча: carbo – кўмир + ol(eum)) – мой, карбол кислота дезинфекцияловчи, шунингдек, полимер ва дорилар оляшда ишлатиладиган органик бирикма.

– Раҳмат, – деди Нехлюдов. У докторнинг ўзига яхши муомала қилишга ўтганидан фойдаланиб, касалхонадагилар Масловадан мамнунми, йўқми, деб сўради.

– Ёмон эмас, аввалги яшаган шароити назарда тутилса, дуруст ишлайди, – деди доктор. – Ана, ўзи ҳам келиб қолди.

Эпикларнинг бирдан касал боқувчи кампир ва унинг кетидан Маслова чиқиб келди. Маслова йўл-йўл кўйлак, оқ фартук кийган, бошида сочини беркитиб турган дурра бор эди. Нехлюдовни кўриб қип-қизариб кетди, иккилангандай тўхтаб қолди, кейин қовоғини солди-да, ерга қараганича йўлакка солинган пояндоз устидан юриб Нехлюдов томон тез-тез кела бошлади. Нехлюдов ёнига келгач, унга қўл бергиси келмаган эди-ю, лекин қўлини узатди ва аввалгидан баттар қизариб кетди. Нехлюдов уни тажанглик қилгани учун узр сўраган ўша кундан буён кўрмаган, бу сафар ҳам уни худди ўша кайфиятда кўраман, деб ўйлаган эди. Лекин бу сафар Катюша тамомила бошқача эди, юзининг ифодасида ҳам аллақандай янгилик бор эди: Катюша вазмин, тортинчок, Нехлюдовнинг назарида, унга нохушлик билан қарагандек эди. Нехлюдов унга боя докторга айтган гапини – Петербургда кетаётганини айтди ва Пановодан келтирган сурат солинган конвертни узатди.

– Буни Пановодан топиб келдим, эски сурат экан, балки, кўнглингиз очилар. Олинг.

Катюша қора қошларини кериб гилай кўзлари билан бунинг нима кераги бор, деб сўраётгандай хайрон бўлиб қаради-да, индамасдан конвертни олиб кўйнига солди.

– У ерда холангизни кўрдим, – деди Нехлюдов.

– Ростдан-а? – деди у бепарвогина.

– Сизга бу ер яхшими? – деб сўради Нехлюдов.

– Дуруст, – деди у.

– Жудаям оғир эмасми?

– Йўқ, унчалик эмас. Ҳали кўникканимча йўқ.

– Сиз учун жуда хурсандман. Ҳар ҳолда, ўша жойдан ўлса, ўлиги ортик.

– Қайси ўша жойдан? – деди Маслова қип-қизариб

кетиб.

– Авахтадан, – деди шошиб Нехлюдов.

– Нимаси тузук? – деб сўради у.

– Бу ердаги одамлар дуруст бўлса керак деб ўйлайман.

У ёқдагиларга ўхшагани йўқ.

– У ёқда яхши одамлар кўп, – деди Маслова.

– Меньшовлар ҳақида ҳаракат қилдим, уларни озод қилишса керак деган умиддаман, – деди Нехлюдов.

– Худоё айтганингиз келсин, шундай ажойиб кампирки, – деди у кампир ҳақидаги фикрни яна такрорлаб, кейин сал жилмайиб қўйди.

– Бугун Петербургга жўнайман. Тез орада ишингиз кўрилади, ҳукми бекор қиларлар деб умид қиламан.

– Бекор қилишса-қилишмаса, энди барибир, – деди Маслова.

Нега энди?

– Шундай, – деди у Нехлюдовнинг юзига савол назари билан қия боқиб.

Нехлюдов унинг сўзига ва қия боқишига разм солиб: «Катюша менинг аввалги сўзимда турган-турмаганлигимни билишни истаяпти» деб ўйлади.

– Сизга нега барибирлигини билмайман. Аммо сизни оклашадими, йўқми, мен учун барибир, – деди Нехлюдов. – Ҳар икки ҳолда ҳам берган сўзимни бажаришга тайёрман, – деди қатъий қилиб.

Маслова бошини кўтарди, коп-қора ғилай кўзларининг бири Нехлюдовнинг юзига, иккинчиси аллақасққа қарар, юзи суюнчидан ёришиб кетган эди. Лекин тили кўзи айтиб турган нарсаларнинг тамомила аксини айтди.

– Бу гапингиз ўринсиз, – деди Маслова.

– Билиб қўйинг деяпман-да.

– Бу ҳақда айтиладиган гап айтилиб бўлди, ортик гапиришнинг ҳожати йўқ, – деди Маслова табассумдан ўзини зўрға тўхтатиб.

Палатада қандайдир шов-шув кўтарилди. Бола йиғиси эшитилди:

– Мени чақиришяпти, шекилли, – деди Маслова

атрофга олазарак бўлиб қараб.

– Хўп, хайр унда, – деди Нехлюдов.

Маслова унинг узатиб турган қўлини кўрмаганликка солиб қўл сиқишиб хайрлашмади, орқасига ўтирилиб, шодлигини яширишга уришиб, йўлакдаги пояндоз бўйлаб тез-тез юриб чиқиб кетди.

Нехлюдов ўзига ўзи: «Унинг кўнглидан нималар кечяптикин? Нималарни ўйлаяптикин? Ўзини қандай ҳис этяптикин? Мени синаб кўряптими ёки, ҳақиқатан ҳам, мени афв эта олмаяптими? Бутун ўйлаганларини, ҳисларини айта олмаяптими ёки айтишни истамаяптими? Анча юмшаб қолдимикин ёки баттар аччиғландимикин?» – деб савол берар ва буларга жавоб топа олмас эди. Нехлюдов бир нарсага – Маслованинг ўзгаргани, унда ички ўзгариш юз берганига амин эди. Бу ўзгариш Нехлюдовни Маслова билангина эмас, балки бу ўзгаришнинг вужудга келишига сабабчи бўлганнинг ўзи билан бирлаштирар эди. Мана шу бирлашув Нехлюдовни ўзида йўқ қувонтирар ва кўнглини юмшатарди.

Саккизта болалар каравоти қўйилган палатага қайтгач, Маслова ҳамширанинг буйруғи билан болаларнинг ўрнини тузата бошлади, икки букилиб шиб туриб чойшап ёпаётганда сирғаниб кетди ва йиқилишига сал қолди. Томоғи боғланган, соғайиб келаётган бола буни кўриб кулиб юборди. Маслова ортиқ ўзини тутиб туrolмади-да, каравотнинг бир чеккасига ўтириб шундай хахолаб кулиб юбордики, бир неча бола унга қўшилиб кулишди. Ҳамшира эса жahl билан:

– Мунча хиринглайсан? Ҳалиям ўша аввалги жойим-даман деб ўйлайсанми? Бор, овқатларни келтир, – деб ўшқирди.

Маслова жим бўлди, идиш-товоқларни кўтариб буюрилган жойга қараб кетди, лекин кулиши тақиқланган томоғи боғлоғлиқ болага кўзи тўқнаш келиб яна пиқиллаб кулиб юборди. Шу куни Маслова кечгача бир неча марта, ёлғиз қолди дегунча, конвертдан суратни ярим белигача чиқариб томоша қилди; фақат кечкурунга бориб, навбатчилик тугаб касал боқувчи иккинчи бир аёл билан бирга

турадиган хужрасида ёлғиз қолгандагина Маслова конверт ичидан суратни олиб, ранги ўнгиб, сарғайиб кетган суратдагиларнинг юзларини, кийимларини, балкон зиналарини, Нехлюдовнинг, ўзининг ва аммаларининг орқасида кўриниб турган буталарга кўзларини тикиб узоқдай-узоқ томоша қилди. Суратга қараб ҳеч тўймас эди, айниқса, ўзининг пешонасига тушган жингалак сочлари, чиройли юзига қараб тўймасди. У шу қадар берилиб томоша қилардики, ҳатто касал боқувчи иккинчи хотиннинг хужрага кирганини ҳам пайқамай қолди.

– Бу нима? Анови киши бериб кетдимми? – деб сўради семизгина, хушмуомала хотин суратга энгашиб қараб. – Ростданам шу ўзингми?

– Ким бўларди? – деди Маслова жилмайиб шеригининг юзига тикилиб...

– Мана бу ким? Ўшанинг ўзими? Мана буниси онасими?

– Аммаси. Мени таний олмадингми? – деб сўради Маслова.

– Қаёқдан таний? Икки дунёдаям таний олмасдим. Юзинг бутун бошқача бу ерда. Ўшандан бери ўн йил ўтгандир чоғи!

– Йиллар эмас, бутун умр ўтиб кетди, – деди-ю, Маслованинг қувноқлигидан асар ҳам қолмади. Юзи тумтайиб, қошларининг ўртасида ажин пайдо бўлди.

– Анови жойда умр ўтказиш осонгина бўлса керак?

– Ҳа, осон, – деб такрорлади Маслова кўзини юмиб ва бошини чайқаб, – қаҳоргадан бешбаттар.

– Нега ундай?

– Шундай. Кечкурун соат саккиздан саҳаргача – тўртгача. Ҳар куни аҳвол шу.

– Шунақа экан, нега ташлаб кетишмайди?

– Ташлаб кетгилари келади-ю, лекин иложи йўқда. Нимасини айтай! – деди Маслова, кейин ирғиб ўрнидан турди, суратни стол қутисига ташлади-да, аччиқ кўз ёшларини зўрға тутиб, эшикни тарақлатиб ёпиб йўлакка чикиб кетди. Суратни томоша қилар экан, у ўзини суратда тасвир этилган



вақтдагидек ҳис этган ва ўшанда у билан нақадар бахтиёр бўлганлигини, бундан кейин ҳам бахтиёр бўлиши мумкинлигини хаёл қилган эди. Шеригининг сўзлари эса унинг ҳозир нима деган одам эканлигини, анови ерда бўлганини эслатди – ўша маҳалдаги ҳаётнинг дахшатини эсига солди, ўшанда бу ҳаётнинг мудҳиш эканини сал-пал ҳис этса-да, уни эътироф этишга юраги бетламас эди. Ҳозир у ўша дахшатли тунларни, айникса, пул бериб уни ажратиб олиб кетишни ваъда қилган бир талабани кутган байрам кечасини яққол кўз олдига келтирди. Ўзининг олди очик вино тўкилган қизил шоҳи кўйлагини кийган, чигал бўлиб қолган сочи-га қизил бант боғлаган, ҳориб-чарчаган Маслова маст ҳолда тунги соат иккиларда меҳмонларни жўнатиб, рақслар орасидаги танаффус вақтида скрипкага<sup>1</sup> жўр бўлиб пианино чалувчи котмагина юзига иссиқлик тошган аёл ёнига ўтириб оғир ҳаётидан шикоят қилганини эслатди. Шунда у хотин ҳам ўз аҳволидан нолиб, ҳаётини ўзгартироқчи эканини айтган эди. Шу маҳал уларнинг ёнига Клара келиб қолди, учалови бундай турмушга барҳам беришга аҳд қилишган эди. Улар бугунги тун тугади деб хаёл қилиб, энди тарқалмоқчи бўлиб турганларида тўсатдан даҳлизда маст-аласт меҳмонларнинг шов-шувлари эшитилиб қолди. Скрипкачи скрипкасини чалиб юборди, жўрчи аёл ўйноқи бир рус рақс куйининг биринчи бандини пианинода чала бошлади, терга пишган оғзидан вино хиди келиб турган, оқ галстук таққан, фрак кийган, хикичоғи тутиб турган пакана киши келиб унга ёпишди ва бир қўл ўйин қилгач фраксини ечиб ташлади. Иккинчиси эса соқолли, бақалок бир одам бўлиб, бунинг ҳам фраки бор эди (улар аллақандай балдан қайтаётган эдилар). Буниси кела солиб Кларани илиб кетди ва улар анчага-ча чир-чир айланишди, рақс қилишди, бакириб-чакиришди, ичишди... Шу алпозда бир йил, икки йил, уч йил ўтиб кетди. Нега ўзгармасин! Мана шуларнинг ҳаммасининг сабабчиси у. Бирдан кўнглида Нехлюдовга қарши илгариги аламлари кўзгалиб кетди, уни уришгиси, таъна қилгиси келди. У шу

<sup>1</sup> Скрипка (русча, «ғижир-ғижир, гарч-гурч») – камонча билан чалинадиган, тўрт торли мусика асбоби.

бугун Нехлюдовга, сизни яхши биламан, энди бўш келмайман, бир вақтлар сиз танимдан баҳра олган бўлсангиз-да, энди руҳан мендан фойдалана олмайсиз, бунга йўл қўймайман, ўз олийжаноблигингизни намойиш қилиш учун мени бир қуролга айлантира олмайсиз, деб айтадиган пайтни қўлдан чиқарганига афсусланди.

Ниҳоят, уни таъна қилишнинг бефойдалигидан, хўрланган кўнглига таскин бериш учун вино ичкиси келиб қолди. Агар авахтада бўлганида Нехлюдовга берган ваъдасига хилоф қилиб, албатта, ичган бўларди. Бу ерда эса фельдшердан бошқа ҳеч кимдан вино топиб бўлмас эди. Фельдшер шилқимлик қилавериб жонидан тўйдиргани учун Катюша ундан кўрқарди. Эркалар билан муомалада бўлиш унинг жонига теккан эди. Йўлақдаги курсига бироз ўтириб, хужрасига қайтди ва шеригининг саволига жавоб қайтармай, ўзининг хазон бўлган умрига ачиниб узоқ йиғлади.

#### XIV

Петербургда Нехлюдовнинг учта иши бор эди. Маслованинг сенатга берилган шикоятномаси, Федосья Бирюкованинг арз-шикоят комиссиясидаги иши ва Вера Богодуховскаянинг топшириғига кўра, жандарма бошқармасидаги ёки учинчи бўлимдаги иши, яъни Шустовани озод этиш ва онанинг қалъага қамалган ўғли билан кўришувига ижозат олиш иши; бу ҳақда Вера Богодуховская унга хат ёзиб берган эди. Мана шу икки ишни Нехлюдов бир иш деб ҳисобларди. Тўртинчи иш – Инжилни ўқиб, уни шархлаганлари учун бола-чақаларидан ажратиб Кавказга сургун қилинаётган сектантларнинг иши эди. Нехлюдов фурсат топса, улар учун эмас, ўзи учун бу ишни аниқлашга, ҳаракат қилишга аҳд қилган эди.

Масленников билан сўнги марта кўришганидан буён, айниқса, кишлоққа бориб келганидан бери Нехлюдовнинг юрагида шу вақтгача ўзи яшаб келган муҳитга, бир қисм одамнинг роҳат-фароғатда яшаши учун миллионлаб

кишиларнинг азоб тортаётганини усталик билан ниқоблаган мухитга қарши нафрат уйғонди. Бу мухитдаги одамлар у азобларни кўрмас, шунинг учун ҳам ўзларининг раҳмсизликларини, кечирган. ҳаётларининг жиноятдан бўлак нарса эмаслигини кўра олмас эдилар. Нехлюдов энди шу мухитдаги одамлар билан учрашганда ўнғайсизлик ҳис этар, ўзини-ўзи қойирди. Қолбуки, илгариги одатлари, қариндошлик ва дўстлиқ муносабатлари уни шу мухитга жалб этарди, энг муҳими шуки, ҳозир бутун қалбини банд этган ишни амалга ошириш учун – Масловага ва ёрдам бераман деб ваъда қилган барча жафокашларга ёрдам бериш учун ўзи ҳурмат қилмаган ҳатто кўпинча ғазабини, нафратини кўзгаган шу мухитдаги одамларга муурожаат қилиши керак эди.

Петербургда келиб, холаси, собиқ вазирнинг хотини графиня Чарскаяниқига тушган Нехлюдов ўзига ёт бўлиб қолган аристократлар мухитининг марказига тушиб қолди. Бу унга хуш ёқмас, аммо бошқа илож йўқ эди. Холасиникига тушмай меҳмонхонага тушса, холасини хафа қилган бўларди. Ваҳоланки, холасининг таниш-билишлари кўп бўлиб, Нехлюдовга фойдаси тегиб қолиши мумкин эди.

Нехлюдов келган заҳоти уни қаҳва билан сийлар экан:

– Сенинг тўғрингда ҳар хил гаплар бор? Ғалати ишлар, – деди унга графиня Катерина Ивановна, – Vous posez pour un Howard!<sup>1</sup> Жиноятчиларга ёрдамлашармишсан. Турмама-турма юрармишсан, ахлоқларини тузатаётган эмишсан.

– Йўғ-э, хаёлимгаям келтирганим йўқ.

– Нима қипти, яхши иш. Лекин бунга бир ишқ жоҳароси аралашган бўлса керак. Қани, гапириб бер-чи, Нехлюдов Масловага бўлган муносабатини қандай бўлса шундай гапириб берди.

– Ҳа-а, эсимда, ўша кампирларникида турган вақтингда шўрлик Элен алланималар деган эди менга: улар сени ўша асранди қизларига уйлантириб қўйишмоқчи бўлишган, ше-

<sup>1</sup> Vous posez pour un Howard (французча) – ўзингни жуда Говард қилиб кўрсатгансан.

килли (графиня Катерина Ивановна Нехлюдовнинг амма-ларини ёмон кўрар эди)... Ўшами? Elle est encore jolie!<sup>1</sup> Катерина Ивановна олтмишга кирган, бақувват, хушчак-чак, серғайрат, сергап хотин эди. Бўйи новча, ўзи жуда семиз лабининг устидаги мўйлови сал-пал билиниб турарди. Нехлюдов уни яхши кўрар ва ёшлигидан бошлаб холасининг ғайратидан, хушчакчақлигидан рухланар эди.

– Йўк, ma tante<sup>2</sup>, ҳаммаси ўтиб кетди. Унга ёрдам бермоқчиман фақат. Нимага деганда, биринчидан, у бекордан бекорга кесилиб кетган, бунга мен айбдорман, тақдирининг шундай бўлиб кетишига мен айбдорман. Мен кўлимдан келганича ёрдам беришга мажбурман, деб ўйлайман.

– Лекин эшитишимча, унга уйланмоқчи ҳам эмишсанми?

– Ҳа, уйланмоқчи эдим-ку, лекин у кўнмаяпти.

Катерина Ивановна пешонасини тириштириб, кўзини олайтириб, ҳайрат билан индамай жиянига қаради. Тўсатдан чехраси ўзгарди, юзида мамнунлик аломати кўринди.

– Э-э, сендан кўра ақлли экан у. Э тентак! Уйлана берардингми?

– Ҳеч сўзсиз.

– Анови ишни қилиб юргандан кейинам-а?

– Албатта, ҳаммасига мен айбдорман-ку.

– Йўк, сен довдир экансан-ку, – деди холаси ўзини жилмайишдан тийиб. – Учига чиққан довдир экансан-ку, лекин мен сени шунақа учига чиққан довдирлигинг учун ҳам яхши кўраман, – деб такрорларди у, назарида, жиянининг рухий аҳволини тўғри ифода этувчи сўзни топганидан қувониб. – Бу воқеанинг тўғри келиб қолганини қара, – деб давом этди у, – Aline-ники ажойиб Магдалиналар уйига айланган. Манам бир борган эдим. Ўлгудек расво экан улар. Кейин келиб роса ювиндим. Лекин Aline corps et ame<sup>3</sup> шу ишга берилган. Биз анови сеникини Alineга берамиз. Тузатса шу тузатсин-да.

<sup>1</sup> Elle est encore jolie (французча) – у ҳаляям чиройлими?

<sup>2</sup> Ma tante (французча) – қолажон.

<sup>3</sup> Aline corps et ame (французча) – жони-тани билан.

– У каторгага ҳукм қилинган. – Мен ҳукми бекор қилдириш учун уриниб кўргани келганман-да. Сизга тушадиган биринчи ишим шу.

– Шунақа дегян! Иши қасрда ҳозир?

– Сенатда.

– Сенатда? Вой, менинг азиз соизш Левушкам сенатда(-ку. Ҳа, айтмоқчи, у аҳмоқлар департаментида – герольдияда<sup>1</sup> экан-ку, Лекин ўша ернинг ўзида ишлайдиганлардан ҳеч кимни танимайман. Ҳаммаси қайдаги немисларми-ей: Ге, Фе, Де, – tout l'alphabet<sup>2</sup> ё бўлмаса қандайдир Ивановлар, Семеновлар, Никитенколар, our varier. Des gens de l'autre monde<sup>3</sup>. Ҳай, майли, эримга айтаман. Эрим уларни танийди. У ҳаммани танийди. Айтаман унга. Ўзинг яхшилаб тушунтириб қўй, мен гапирсам, ўлсаям тушунмайди. Нима гапирсам, барибир, ҳеч нарса тушунмадим деяверади. C'est un parti pris<sup>4</sup>. Ҳамма тушунади-ю, фақат у тушунмайди.

Шу маҳал пайпоқ кийган лакей кумуш патнисда хат олиб кирди.

– Aline-дан экан. Ана энди Кизеветерни ҳам эшитадиган бўлдинг.

– Кизеветер деганингиз ким?

– Кизеветерми? Ҳали келгин, кимлигини кўрасан. У шундай гапирадики, ҳатто ашаддий жинояткорлар ҳам тиз чўкиб йиғлаб тавба қилиб юборадилар.

Графиня Катерина Ивановна, гарчи бу унинг феъл-атвориға тўғри келмаса-да, ғалати кўринса-да, христианликнинг моҳияти тавбага ишонишдан иборат деган назариянинг ўткир тарафдори эди. У, ўша вақтларда мода бўлган шу маслак тарғиб қилинадиган мажлисларга борар, бу мазҳабдагиларни уйига чақириб турар эди. Бу маслакнинг бутун диний маросимлар, иконалар ва сири асрорларни инкор этишига қарамай, графиня Катерина Ивановнанинг барча

<sup>1</sup> Герольдия – дворянларга унвон ва имтиёз берадиган муассаса.

<sup>2</sup> Tout l'alphabet (французча) – бутун алифбо.

<sup>3</sup> Des gens de l'autre monde (французча) – ранг-баранглик учун. Бошқа муҳит кишилари.

<sup>4</sup> C'est un parti pris (французча) – олдиндан шу фикрга келиб қўйган.

хоналарида, ҳатто каравотининг тепасида ҳам икона бор эди. У черков талаб қилган маросимларнинг ҳаммасини бажарар ва бунда ҳеч қандай қарама-қаршилиқ кўрмас эди.

– Сенинг Магдалинанг унинг сўзини тинглаганда эди, дарров ўзгарарди, – деди графиня. – Кечкурун, албатта, уйда бўл. Ўз қулоғинг билан эшитасан. Ажойиб одам.

– Бу мени тарикча қизиқтирмайди, ma tante.

– Сенга айтяпман-у, жуда қизиқ деб. Албатта, етиб кел. Қани, гапир, менда яна қандай ишинг бор? Videz votre sac<sup>1</sup>.

– Яна крепостда<sup>2</sup> бир иш бор.

– Крепостдами? Йўқса ўша ердан барон<sup>3</sup> Кригсмутга хат ёзиб беришим мумкин. C'est un tres brave homme<sup>4</sup>. Ўзинг ҳам биласан уни. Отангнинг ўртоғи. Il donne dans le spiritisme<sup>5</sup>. Ҳай, бунинг зарари йўқ. Ўзи яхши одам. У ерда нима ишинг бор эди?

– Бир хотиннинг ўша ерда қамалиб ётган ўғли билан учрашувига ижозат сўраш керак. Бу иш Кригсмутга эмас, Червянскийнинг измида дейишган эди.

– Червянскийни ёмон кўраман, лекин Mariettенинг эри-ку. Mariettedан илтимос қилиш керак. Илтимосимни ерда кўймайди. Elle est tres gentille<sup>6</sup>.

– Яна бир хотин ҳақида илтимос қилиш керак. Бир неча ойдан бери қамалиб ётибди, лекин нега қамалганини ҳеч ким билмайди.

– Йўғ-э, нимага қамалганини ўзи билса керак, ахир. Улар жуда яхши билишади. У сочи қирқилганлар қилмишига яраша жазосини тортсин.

– Қилмишига ярашами-йўқми, буни биз билмаймиз.

<sup>1</sup> Videz votre sac (французча) – очиб сол.

<sup>2</sup> Крепостной(русча) – помещикларга қарам дехқон.

<sup>3</sup> Барон (французча: baron ёки лотинча: baronis – анқов, лаппанг, ёлланма аскар) – Ғарбий Европада ўрта асрларда қиролнинг бевосита вассали ва қирол кенгаши аъзоси. Кейинчалик Ғарбий Европа зодагонлари, дворянларининг графдан бир поғона паст унвони ва шундай унвон олган киши

<sup>4</sup> C'est un tres brave homme (французча) – жуда мўътабар одам.

<sup>5</sup> Il donne dans le spiritisme (французча) – спиритизмга қизиқади.

<sup>6</sup> Elle est tres gentille (французча) – жуда ёқимтой хотин.

Улар эса азоб чекиб ётишибди. Ўзингиз – христиансиз, Инжилга ишонасиз-у, шу қадар тош юраксиз...

– Бунинг унга дахли йўқ. Инжил – ўз йўлида, лекин ёмон ёмонлигини қўймайди. Ўзим нигилистларни<sup>1</sup>, айниқса, сочи қирқилган нигилист аёлларни кўрарга кўзим бўлмасакерак, уларни яхши кўришимни айтсам, ундан ёмон.

– Нега жинингиз суймайди уларни?

– Биринчи март воқеасидан кейин ҳам нега деб сўрайсанми?

– Лекин ҳаммасиям биринчи март воқеасида иштирок этмаган-ку.

– Барибир, ўзгаларнинг ишига суқулишни ким қўйибди уларга. Бу хотинларнинг иши эмас.

– Хўш, унда Mariette-чи, у ишга аралашса майлими, сизнингча, – деди Нехлюдов.

– Mariette? Mariette – Mariette. Булар бўлса, худо олсин, аллахаёқдаги Халтюпкина дегани бизга ўргатмоқчи бўлади.

– Ўргатмоқчи эмас, шунчаки халққа ёрдам беришмоқчи.

– Кимга ёрдам бериш-бермасликни уларсиз ҳам билишади.

– Ахир, халқ азоб чекиб ётибди. Куни кеча қишлоқдан келдим. Ажабо, бизнинг зеб-зийнат ичида яшашимиз учун деҳқонларнинг оч-наҳор, ўлган-тирилганига қарамай ишлаши шартми, – деди холасининг меҳрибонлигидан ийиб, беихтиёр, бутун ўйлаганларини очиб-солишни истаган Нехлюдов.

– Менинг ҳам ишлаб, оч-наҳор юришимни истайсанми?

– Йўқ, сизни оч юринг демайман, – деди Нехлюдов беихтиёр жилмайиб, – фақат ҳаммамиз ҳам ишлаб ҳаммамиз ейлик демоқчиман.

<sup>1</sup> Нигилист – XIX асрнинг 60-йилларида Россияда пайдо бўлган, дворянлар кадрятларига ва одатларига, крепостнойлик мафкурасига кескин равишда салбий кўз билан қараган, қуйи табақадан чиққан интеллигент.



Холаси яна қошини чимириб, кўзини олайтириб, ер остидан жиянига қаради.

– Mon cher, vous finirez mal<sup>1</sup>, – деди у.

– Нега энди?

Шу маҳал хонага баланд бўйли, кенг яғринли генерал кириб келди. Бу графиня Чарскаянинг эри, истеъфога чиққан вазир эди.

– Э-э, Дмитрий, салом – деди у янгитдан соқоли қирилган юзини Нехлюдовга тутиб, – қачон келдинг? У яндамай хотинининг пешонасидан ўпди.

– Non, il est imprayable<sup>2</sup>, – деди графиня Катерина Ивановна эрига мурожаат қилиб. – Менга дарёга бориб кир чайқа, картошка еб кун кўр деяпти. Қип-қизил тентак бу, лекин, барибир, илтимосини ерда қўйма. Жуда довдир, – деди сўзини тузатиб. – Эшитдингми: Каменская жуда куйиб-пишиб ўлаётган эмиш, яна бир кор-хол бўлмасайди деб кўркишаётган эмиш, – деди у эрига, – бориб келсанг бўларди.

– Ҳа, ахволи жуда ёмон, – деди эри.

– Қани, гаплашинглар бориб, менинг ёзадиган хатларим бор.

Нехлюдов меҳмонхона ёнидаги хонага ўтган ҳам эдики, графиня ўша ердан туриб:

– Нима дейсан, Marietteга хат ёзайми? – деб қичқирди.

– Марҳамат қилинг, ma tante.

– Ундай бўлса, en blanc<sup>3</sup> қолдириб кетаман, сочи қирқилган аёл ҳақидаги илтимосингни билдираман, у кейин эрига буюрар. Эри унинг айтганини қилади. Мени қаҳри қаттиқ одам деб ўйлама. Сенинг protegees-ларингнинг ҳаммаси расво одамлар, лекин je ne leur veux pas de mal<sup>4</sup>. Худо ёр бўлсин! Бор, бора қол энди. Кечкурун, албатта, уйда бўл. Кизеветернинг гапини эшитасан. Кейин ибодат қиламиз.

<sup>1</sup> Mon cher, vous finirez mal (французча) – азизим, оқибатинг ёмон бўлади.

<sup>2</sup> Non, il est imprayable (французча) – бу жуда қиямат одам.

<sup>3</sup> En blanc (французча) – жой.

<sup>4</sup> Je ne leur veux pas de mal (французча) – уларга ёмонликни раво кўрмайман.

Агар қаршилиқ қилмасанг, *са vous fera beaucoup de bien*<sup>1</sup>. Биламан-ку, ахир, Элен ҳам, сен ҳам бу масалада жуда орқада қолиб кетгансизлар. Хўп, хайр, унда.

## XV

Граф<sup>2</sup> Иван Михайлович истеъфога чиққан вазир ва катъий фикрли одам эди.

Граф Иван Михайлович ёшлиқ чоғидан бошлаб шу нарсага қаттиқ ишонардики, қушларнинг курт-қумурскалар билан озикланиб, устларини пат ва тук қоплаши, осмонда учиши зарур бўлганидек, ўзининг ҳам пазанда ошпазлар пиширган қиммат баҳо овқатларни ейиши, энг қимматли яхши либослар кийиши, энг ювош ва тезюрар отларни миниши зарур ҳисоблар, шу сабабдан бу нарсалар ҳамма вақт мухайё туриши керак деб ўйларди. Булардан ташқари граф Иван Михайлович хазинадан қанчалик кўп миқдорда пул олса, орденлари қанча кўп бўлса, олмаос нишонлардан тортиб яна алланималаргача олса, тождорлар ва малика ойимлар билан тез-тез кўришиб гаплашиб турса, шунча яхши бўлади деб ҳисобларди. Граф Иван Михайлович ақидасининг асосини ташкил этган мана шу шартлардан бошқа жамики нарсани аҳамиятсиз ва арзимас нарса ҳисобларди. Қолган нарсаларнинг бўлган-бўлмагани билан унинг иши йўқ эди. Граф Иван Михайлович қирқ йил мобайнида шу ақидага амал қилиб яшаб, ишини юргизиб келди ва қирқ йилдан кейин вазирлик мартабасига кўтарилди.

Граф Иван Михайловичнинг вазирлик мартабасига эришувига сабаб бўлган асосий хусусиятлари шундан иборат эдики, у, биринчидан, алоқа қоғозлари ва қонунларнинг маъносини англай олар, жуда силлиқ бўлмаса-да, имло хатосига йўл қўймай англашиларили алоқа қоғозлари

<sup>1</sup> *Са vous fera beaucoup de bien (французча)* – бу сенга катта фойда келтиради.

<sup>2</sup> *Граф (немецча)* – Ғарбий Европада ва чор Россиясида олий табақали дворянларнинг княздан куйи, барондан юқори унвони ва шу унвонга эга бўлган шахс.

ёза биларди; иккинчидан, жуда басавлат эди. Лозим бўлиб қолган кезларда ўзини жуда мағрур, ҳатто яқинига йўлаб бўлмайдиган даражада улуғ қилиб кўрсатар, жойи келганда эса сермулозамат, хушомадгўй, лаганбардор; учинчидан, на шахсий, маънавий ва на умумий бир қонда ёки принципга эга эмас эди. Шунинг учун ҳам кези келганда ҳамманинг фикрига қўшилаверар, лозим бўлиб қолганда эса ҳеч кимнинг фикрига қўшилмаслиги мумкин эди. Шу залда у бирор иш қилар экан, ўзини сипо тутишга, ўзига-ўзи қарши гапирмасликка ҳаракат қилар, шу билан бирга, шу қилаётган ишининг жўя-ножўялиги билан, бундан Россия империясига<sup>1</sup> ёки бутун дунёга зўр фойда ёнқи катта зиён келиши билан сира иши йўқ эди.

Вазирлик мартабасига мингандан кейин унинг измида бўлган одамларгина эмас, – унинг измидаги одамлар ва яқинлари кўп эди, – ҳатто барча бегона одамлар ҳам, унинг ўзи ҳам уни ғоят ақлли бир давлат арбоби деб биларди. Лекин маълум бир вақт ўтиб у ҳеч нарса қилмагандан, ҳеч иш кўрсатмагандан кейин, яшаш учун кураш қонунига кўра, худди ўзига ўхшаб қоғоз ёзиш ва англашни ўрганиб олган басавлат, принципсиз тўралар уни сиқиб чиқаришга, истеъфо беришга мажбур бўлди, шундан кейин унинг ғоят ақлли ва чуқур ўйлайдиган одам эмаслиги у ёқда турсин, балки, ўзига бино қўйгани билан фикр доираси тор, мулоҳазалари бемаза консерватив газеталарнинг бош мақоласи даражасига зўрға етадиган, маълумотсиз одам: эканлиги ҳаммага маълум бўлди. Шундан сўнг уни сиқштириб чиқарган бошқа маълумотсиз димоғдор тўралардан ортиқча ери йўқлиги билинди, бунга ўзининг ҳам кўзи етиб қолди. Лекин шунга қарамай, йил сайин хазинадан мумкин қадар кўпроқ пул, расмий кийимлари учун янги-янги зийнатлар олиб туриш керак деган эътиқодда эди. Бу эътиқод шу қадар кучли эдики, унинг бу талабларини рад этишга ҳеч ким ботинолмасди. Шундай қилиб у, қисман нафақа тариқасида,

<sup>1</sup> Империя (лотинча: imperium – юқори ҳокимият) – 1) подшоҳ, қирол, император бошқарадиган йрриқ, кўп миллатли давлат; 2) бир қанча мустамлака ерлари бўлган, тоталитар тузумга асосланган йрриқ давлат.

кисман юқори давлат муассасасида аъзолиги учун ва ҳар турли комиссияларда, комитетларда раис бўлгани учун ҳар йили ўн минглаб пул олиб турар, бунинг устига елкасига ва шимига заррин уқа такмоқ ҳамда фракка янги ленталар ва эмалланган юлдузлар такмоқ ҳуқуқига эга эди. Граф буни жуда кадрлар, севарди. Шундай қилиб, граф Иван Михайловичнинг ошна-оғайни, таниш-билиши кўп эди.

Граф Иван Михайлович Нехлюдовнинг гапига, бир вақтлар иш бошқарувчиларнинг маърузасини тинглагандек кулоқ солди-да, унга мактуб ёзиб беражagini – мактубнинг бирини шикоят департаментидаги сенатор<sup>1</sup> Вольфга ёзажagini айтди.

– У тўғрида ҳар хил гаплар юради, лекин *dans tous les cas c'est un homme tres comme il faut*<sup>2</sup> – деди у, мендан яхшилик кўрган, кўлидан келганича ёрдам қилади.

Иккинчи мактубни Иван Михайлович ариза комиссиясидаги нуфузли бир кишига ёзди. Нехлюдов гапириб берган Федосья Бирюкованинг иши уни жуда кизиқтирди: Нехлюдов бу ҳақда-император оймга хат ёзмоқчи бўлиб юрганини айтганида, граф бу иш, ҳақиқатан ҳам, таъсирли эканини, пайти келса ўша ерда бир гапириб ўтиши мумкинлигини гапирди. Лекин бирор ваъда бермади. Ариза ўз йўли билан бораверсин. Мабодо жойи келиб қолса, пайшанба куни бўладиган *petit comite*<sup>3</sup> таклиф қилгудек бўлишса, ай-тиб ўтарман, деб ўйлади у ўзича.

Графдан иккала мактубни, холасидан *Mariettera* ёзилган хатни олиб, Нехлюдов, шу заҳоти ўша даргоҳларга қараб кетди.

У энг аввал *Mariettеникига* йўналди. Ўрта ҳол аристократ оиласига мансуб бўлган *Mariettени* қиз болалик чоғидан биларди, кейин унинг мансабдор бир кишига текканини ҳам эшитган эди. Унинг эри ҳақида Нехлюдовнинг кулоғига жуда кўп хунук гаплар келиб етган эди. Бу одамнинг тош

<sup>1</sup> Сенатор – Сенат аъзоси

<sup>2</sup> *Dans tous les cas c'est un homme tres comme il faut* (французча) – ҳар ҳолда, анча дуруст одам.

<sup>3</sup> *Petit comite* (французча) – кичик зинфат.

юраклигини, юзлаб ва минглаб сиёсий маҳбусларга азоб бериш унинг асосий вазифаси эканлигини эшитганди. Мазлумларга ёрдам бериш учун, золимларнинг тарафини олиши, уларнинг фаолиятини қонуний деб топгандай уларга илтимос қилишга мажбур бўлиши, жабр қилаётганларини ўзлари сезмайдиган, шунга одатланиб қолган золимларнинг баъзи шахсларга нисбатан зулм қилмаслигини сўраб мурожаат этишга тўғри келиши Нехлюдов учун ҳар вақтдагидай жуда оғир туюлар эди. Шундай пайтларда у боши ғовлаб, ўзидан норозилик ҳис этар, сўрасаммикан сўрамасаммикан деб иккиланар эди-ю, лекин ҳар гал сўраш керак деган қарорга келарди. Ўша Mariette ва унинг эрининг ёнига борганда Нехлюдов ўзини беҳузур, ўнғайсиз ҳис этади, хижолат тортади, лекин оқибатда бир кишилик камерада эзилиб ётган бахтсиз бир аёл озод этилиши, қариндош-уруғлари ҳам, ўзи ҳам ғамдан озод бўлиши мумкин, гап шунда. Бундан ташқари, кўпдан буён ўзиники деб ҳисобламай қўйган одамлари орасида арзғўй сифатида кўринишида сохталик ҳис этарди. Чунки бу одамлар ҳали ҳам Нехлюдовни ўз одамимиз деб ҳисоблашар, бу муҳитда у яна аввалги изига тушиб олганини, бу доирада ҳукм сурган енгил, ғайри ахлоқий ҳаёт равишига беихтиёр берилиб кетганини ҳис этарди. Нехлюдов буни холаси Катерина Ивановнаникида синаб кўрган эди. Бугун эрталаб холаси билан жиддий нарсалар ҳақида суҳбатлашаётганида ҳам гапни ҳазилга айлантириб юборган эди.

Умуман, кўпдан бери кўрмай юрган Петербург Нехлюдовнинг танасини яйратар, лекин ахлоқан сусайтирувчи таъсир кўрсатарди: ҳамма ёқ озода, обод, энг муҳими – одамларнинг маънавий талаби шу қадар бўшки, ҳаёт жуда ҳам енгил кўринарди.

Кўркам, озода, назокатли извошчи уни сув сепилган, топ-тоза тош йўллар билан чиройли, хушмуомала, озода миршаблар, чиройли, озода уйлар ёнидан олиб ўтиб, Mariettening анҳор бўйидаги уйига олиб борди.

Кўча эшиги олдида извошга қўшилган бир жуфт

инглиз оти турарди, лунжининг<sup>1</sup> ярмини соқол босган, ливрея<sup>2</sup> кийган инглизнамо извошчи қўлидаги қамчини билан извош устида мағрур ўтирарди.

Озода мундир кийган швейцар даҳлиз эшигини очди. У ерда бундан ҳам озода, заррин уқали камзул кийган, соқоли силлиқ таралган махсус лакей билан янги, тоза мундирли, найза ушлаган хабарчи аскар турарди.

– Генерал қабул қилмайдилар. Генерал хоним ҳам. Улар ҳозир бир ёққа чиқиб кетмоқчилар.

Нехлюдов, графиня Катерина Ивановнанинг хатини берди, карточкасини олиб, келиб-кетувчилар ёзиладиган дафтар қўйилган стол ёнига борди-да, келиб учрата олмаганига кўп афсусланганини ёзаётган эди, бирдан лакей зина олдига борди, швейцар эшик оғзига келиб: «Келтир!» деб қичқирди, аскар эса қўлини икки ёнига қилиб, ўзининг мартабасига тўғри келмаган юриш билан зинадан пилдираб тушаётган, паст бўйли, нозиккина ойимни кўзи билан кузатиб қотиб турди.

Mariette пат қадалган катта қора шляпа, қора кўйлак, қора накидка<sup>3</sup> ва янги қора қўлқоп кийган, юзи ўртик билан беркитилган эди.

Нехлюдовни кўриб ўртиқни кўтарди, кўзлари чақнаб турган бежирим юзини очиб, унга савол назари билан қаради.

– Э князь, Дмитрий Иванович! – деди у, хушчақчақ ва ёқимли товуш билан. – Мен сизни ҳар қандай...

– Ўҳ-хў... исмимни ҳам унутмабсиз-а?

– Албатта, бир вақтлар опа-сингил сизга оплиқ бўлган эдик, – деди у француз тилида, – жуда ўзгариб кетибсиз-а. Афсуски, кетаётувдим-да. Ҳай, майли, қайта қолай энди, – деди у иккиланиб тўхтаб.

Mariette девор соатга қаради.

<sup>1</sup> Лунж (*форсча*: юзнинг пастки қисми; оғиз, лаб) – оғиз даҳлизининг икки ён қисми ва унинг ташқи томони.

<sup>2</sup> Ливрея – аравақаш, дарвозабон ва шу кабиларнинг заррин уқали формаси, кийими.

<sup>3</sup> Накидка – елкага ташлаб юриладиган енгсиз кийим (тарж.).

– Йўқ, бўлмайди. Каменскаяникига таъзияга кетяпман. Бечора гамга ботган.

– Каменскаяга нима бўлди?

– Ҳали эшитганингиз йўқми?.. Ўғли дузда ўлди. Позен билан отишган экан. Битта-ю битта ўғил эди. Жуда ёмон бўлди-да. Она бечорага қийин бўлди.

– Ҳа, эшитувдим.

– Яхшиси, мен кетаверай, сиз эртага ёки бугун кечкурун келинг, – деди у ва енгил кадам ташлаб, тапши эшик ёнига келди.

– Бугун кечкурун кела олмайман, – деб жавоб берди Нехлюдов у билан бирга зинапоёга чиқаркан. – Мен сизга бир иш билан келган эдим, – деди у пиллапоёга яқинлашаётган бир пар жийрон оддан кўзини узмай.

– Қандай иш?

– Холам хат ёзиб бердилар, – деди Нехлюдов исм-фамилиясининг бош ҳарфлари катта қилиб ёзилган узунчоқ конвертни узатиб. – Бунда ҳаммаси ёзилган.

– Биладан: графиня Катерина Ивановна мени иш хусусида эрига гапини ўтказди деб ўйлайдилар. Бу хато. Менинг қўлимдан ҳеч нарса келмайди, аралашишни истамайман. Лекин графиня учун, сиз учун бу қоидамдан четга чиқишим табиий. Ўзи нима гап? – деди у қора қўлқоп кийган кичкина қўллари билан зўр бериб чўнтагини ахтариб:

– Бир қиз крепостга қамалган. Лекин ўзи касал, ҳам бегуноҳ.

– Фамилияси нима?

– Шустова. Лидия Шустова. Хатда ёзилган.

– Хўп, майли, ҳаракат қилиб кўраман, – деди у ва қанотлари офтобда ярқираган юмшоқ коляскага<sup>1</sup> лип этиб чиқиб ўтирди-да, соябонини очди. Лакей жойига ўтирди ва извош ҳайдовчига «ҳайда» деб ишора қилди. Извош жойидан кўзгалди, лекин шу заҳоти ойим соябонининг учини извошчининг орқасига нуқди ва инглиз зотли чиройли биялар тортиб қўйилган юганли бошларини эгиб тўхтади, нозик

<sup>1</sup> Коляска (русча: гилдирак) – рессорли, қайтарма соябонли тўрт гилдиракли извош.



оёқларининг бирини олиб, бирини қўйиб турди.

– Келинг бизникига, фақат мумкин бўлса, беғараз келинг, – деди-да, жилмайиб қўйди. У табассумининг таъсирини яхши биларди. Энди у гўё томошани тугатиб пардани туширгандай, ўртигини туширди, – кани, кетдик, – у соябони билан яна извошчининг оркасига туртди.

Нехлюдов шляпасини қўтариб қўйди. Зотдор жийрон отлар пишқириб тақалари билан тош йўлни тарақ-туруклатиб йўртиб кетдилар, извош нотекис йўлнинг ўнқир-чўнқир ерида ўзининг янги шиналари устида енгилгина силкиниб, ғизиллаб кетди.

## XVI

Mariette билан Жилмайишганини эслаб Нехлюдов ўзига ўзи бош чайқаб қўйди.

«Кўз очиб юмгунча вақт ўтмай, яна шу ҳаётга шўнғийсан-кетасан» – деб ўйлар эди у, ўзи хурмат қилмаган одамларга мулозамат қилишга мажбур бўлгани учун иккиланиб ва шубҳа ичида қолиб. Ярим йўлдан қайтиб келмаслик учун аввал қаёққа, кейин қаёққа бориш кераклигини ўйлаб, Нехлюдов аввал сенатга қараб йўл олди. Уни маҳкамага бошлаб кирдилар. Бу ҳашаматли бияода Нехлюдов бир талай ғоят назокатли ва озода тўраларни кўрди.

Тўралар Маслованинг аризаси келиб теккани, уни қўриб чиқиб маъруза қилмоқ учун ўша поччаси хат ёзиб берган сенатор Вольфга топширилганини Нехлюдовга айтишди.

– Шу ҳафта сенат мажлиси бўлади. Маслованинг иши бу мажлисга қўйилиш-қўйилмаслиги даргумон. Агар илтимос қилинса, шу ҳафта, чоршанба кунидаги мажлисга қўйилса ҳам ажаб эмас, – деди тўралардан бири.

Нехлюдов керакли маълумотларни олиш учун сенат маҳкамасида кутиб ўтирар экан, яна дуэль ҳақидаги гапларни ва ёш Каменскийнинг қандай ўлдирилганлигини тафсилоти билан эшитди. Бутун Петербургни қизиқтирган бу воқеа тафсилотини Нехлюдов биринчи марта шу ерда билди.

Воқеа бундай бўлган: бир неча офицер дўконда устрица<sup>1</sup> еб, ҳар вақтдагидек кўп ичиб ўтиришган экан. Улардан биттаси Каменский хизмат қилаётган полк ҳақида номаъқул бир гап айтибди. Каменский уни ёлғончи дебди. У Каменскийга тарсаки туширибди. Эртасига дуэлга чиқишибди. Каменский қорнидан ўқ еб, икки соатдан кейин ўлибди. Қотил билан секундантлар<sup>2</sup> камоққа олинбди, лекин айтишлари-ча, улар ҳозирча гауптвахтага<sup>3</sup> солинган бўлгани билан икки ҳафтадан кейин бўшатиб юборилар экан.

Нехлюдов сенат маҳкамасидан чиқиб, шикоят комиссиясига, у ердан нуфузи зўр, ҳазинага қарашли уйнинг жуда яхши қисмини эгаллаган барон Воробьевниккига қараб кетди. Швейцар билан хизматкор Нехлюдовга қабул кунларидан тапқари кунларда баронни кўриш мумкин эмаслигини, ҳозир у киши подшо кузурида эканлигини, эртага яна маърузаси борлигини жиддий айтишди. Нехлюдов хатни қолдириб сенатор Вольфниккига йўл олди.

Вольф ҳозиргина нонушта қилиб бўлган эди, одатга кўра овқатни яхши ҳазм қилиш учун папирос чекиб, хонада у ёқдан-бу ёққа юриб туриб Нехлюдовни қабул қилди. Владимир Васильевич Вольф, ҳақиқатан ҳам, un homme tres comme il faut<sup>4</sup> эди. У ўзининг шу хислатини ҳаммадан юқори кўяр, бутун инсонларга шу баландликдан туриб қарарди. Бу хислатини қадрламай иложи йўқ эди. Чунки фақат шу хислати туфайли орзу қилиб юрган мансабига эришган эди, яъни уйланиш воситаси билан ўн саккиз минг даромад бериб турадиган мулкка эга бўлди ва меҳнатлари соясида сенаторлик лавозимини эгаллади. Вольф ўзини un homme tres comme il faut-гина эмас, балки жуда ҳалол, тўғри одам деб биларди. У ҳалолликни одамлардан яширинча пора олма-ликдан иборат деб биларди. Ҳукуматнинг ҳар қандай тала-

<sup>1</sup> Устрица — ейиладиган денгиз моллюскиси (тарж.).

<sup>2</sup> Секундант (лотинча: sekundans, secundantis — ёрдам, кўмак берувчи) — дуэль катнашчиларидан ҳар бир рақибнинг дуэль шартлари ҳақида музокара олиб борувчи ва уларнинг бажарилишини кузатиб турувчи ишончли киши.

<sup>3</sup> Гауптвахта (немисча: Hauptwache — бош, асосий қоровул) — камоққа ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар сақланадиган жой.

<sup>4</sup> Un homme tres comme il faut (французча) — инсофли, дуруст одам.

бини кулларча итоаткорлик билан бажариб, бунинг эвазига хазинадан ҳар турли йўл харжлари, ижара пули ва ҳоказолар сўраб олишни виждонсизлик деб санамас эди. Польша подшолигининг вилоятларидан бирида губернатор бўлиб турган чоғида қилгани каби, ўз халқига ва динига содиқ бўлгани сабабли юзлаб бегуноҳ кишиларни хонавайрон қилиш, уларнинг сургун этилишига, қамоққа олинишига сабаб бўлишни виждонсизлик деб санамас эди. Буни у олийжаноблик, мардлик, ватанпарварлик деб ҳисоблар эди, у яна ўзига мафтун бўлган хотини билан қайин синглисини шилиб олишни ҳам виждонсизлик деб санамас эди. Аксинча, буни ўз оила ҳаётини оқилона йўлга солиб олиш деб ҳисобларди.

Владимир Васильевичнинг оиласи ўзига хос хусусиятларига эга бўлмаган хотини, қайин синглиси ва беозор, кўрқок хунук қизидан иборат эди. Владимир Васильевич қайин синглисининг ер-мулкини сотиб, пулини ўз номига қўйиб қўйган эди, якка-ёлғиз, машаққат чекиб яшайдиган кизи кейинги пайтларда евангелизмдан Аline ва графиня Катерина Ивановнаникида бўладиган йиғилишлардан таскин топадиган бўлиб қолди.

Владимир Васильевичнинг ўн беш ёшида афтини сокол босиб, ўша пайтданок ичиб, фахш йўлига кириб кетган кўнгилчан ўғли йигирма ёшигача шу алпозда кун кечирди ва ҳеч қанақа курсни ўқиб тугатмаганлиги, ёмон одамлар билан юриб, қарздор бўлиб отасининг обрўсини тўкканлиги туфайли уйдан ҳайдалди. Отаси бир сафар ўғлининг икки юз ўттиз сўм қарзини тўлади, кейин яна олти юз сўм тўлади, лекин ўғлига: – Бу охириги тўлашим, агар тузалмасанг, уйдан ҳайдаб оқ қиламан, – деди. Ўғли эса тузалиш у ёқда турсин, яна минг сўм қарздор бўлди-да, отасига бу уйдаги турмуш турмуш эмас, азоб-уқубат эканлигини шартта айтди. Шундан кейин Владимир Васильевич, менга ўғил эмассан, тўрт томонинг очик йўл, деб ўғлини ҳайдади. Ўшандан буён Владимир Васильевич ўзини ўғилсиз қилиб кўрсатар, уйдагилар унга ўғли ҳақида гапиришга журъат этмас эдилар. Хуллас, Владимир Васильевич оилавий ҳаётимни яхши йўлга қўйиб олганман деб ўйларди.

Вольф кабинетда у ёқдан-бу ёққа юриб турган жойида тўхтади-да, мулойим ва истехзоли табассум билан (бу унинг кўпчилик одамдан устун эканини беихтиёр ҳис этишини билдирувчи хусусияти эди) кўришди-да, хатни ўқиди.

– Марҳамат қилиб ўтиринг, айбга буюрмайсиз. Агар рухсат этсангиз, мен юриб тураман, – деди у қўлини камзулининг чўнтагига тиқиб, енгил, юмшоқ қадамлар билан каттакон, чиройли кабинетнинг у бурчагидан бу бурчагига қараб юриб. – Сиз билан танишганимдан гоят хурсандман, граф Иван Михайловичнинг истаган ишини бажаришга тайёрман, – деди у оғзидан хушбўй, зангори тутун чиқариб, кули тўкилиб кетмаслиги учун папиросни оқиста оғзидан йироқлаштирар экан.

– Мен бир нарсани, ишнинг тезроқ кўтарилишини илтимос қилмоқчи эдим. Нега деганда, судланувчининг Сибирга жўнаши лозим бўлиб қолса, эртароқ боргани маъқул, – деди Нехлюдов.

– Ҳа, биламан, биринчи пароход<sup>1</sup> билан Нижнийдан чиқилади, – деди айтиладиган гапнинг ҳаммасини олдиндан биладиган Вольф илтифот ила жилмайиб, – судланувчининг фамилияси нима?

– Маслова...

Вольф стол ёнига борди, ишлар солинган картоннинг устидаги қоғозга қаради.

– Ҳа, Маслова денг. Хўп, ўртоқларимдан илтимос қиламан. Ишни чоршанба куни кўрамиз.

– Шундай деб адвокатга телеграмма юборсам бўладими?

– Э, ҳали адвокатингиз ҳам борми? Нима кераги бор эди? Ҳай, ихтиёрингиз.

– Шикоят қилиш учун далиллар озлик қилиши мумкин, – деди Нехлюдов, – лекин ишдан айбланувчининг бир англашилмовчилик натижасида қоралангани очиқ-ойдин кўриниб тургандир, деб ўйлайман.

– Ҳа, тўғри, шундай бўлиши мумкин, лекин сенат

<sup>1</sup> Пароход (русча: пар – буг + ход(ить) – юрмоқ) – буг двигатели кема.

ишнинг моҳиятини кўриб ўтирмайди, – деди Владимир Васильевич папирос кулига жиддий тикилиб, – сенат конунинг тўғри татбиқ этилиши ва тўғри изоҳланишинигина текширади.

– Менимча, бу фавкулудда ҳодиса.

– Билаган, билаган. Ҳамма вақт шунақа фавкулудда дейишади. Нимаики лозим бўлса, қиламиз. Гап шу. – Кул ҳамон тушмасдан турарди, лекин дарз кетиб хавф туғдирган эди, – Петербургга кам келасизми? – деди Вольф папиросни кули тушиб кетмасин деб авайлаб ушлаб. Кул, ахийри, кимирлаб кетди, Вольф папиросни оҳиста кулдонга яқинлаштирди, кул тўкилди. – Каменский воқеаси нақадар даҳшатли, – деди у. – Ажойиб йигит эди. Битта-ю битта ўтил. Айниқса, онасининг шўри қуриди, – дерди у айна паллада Петербургда Каменский ҳақида айтилаётган гапларни деярли сўзма-сўз такрорлаб.

Графиня Катерина Ивановна ҳақида унинг янги диний тарикатга берилганлиги ҳақида яна бироз гап сотди. Владимир Васильевич буни на қоралар ва на унинг тарафини олар эди, лекин киборлигини назарда тутиб, буни тамомила ортиқча нарса деб ҳисобларди. У кўнғирок чалди.

Нехлюдов хайрлашди.

– Агар фурсатингиз бўлса, тушликка келинг, – деди Вольф қўлини узата туриб, – ҳеч бўлмаса, чоршанба куни. Ўшанда ижобий жавоб бераман.

Кеч кириб қолган эди. Шунинг учун ҳам Нехлюдов уйига, яъни холасиникига кетди.

## XVII

Графиня Катерина Ивановнаникида соат етти яримда овқат қилинди. Овқат янги тартибда берилди. Нехлюдов ҳалига қадар бунақа тартибни кўрмаган эди. Хизматкорлар овқатни столга қўйиб, дарҳол чиқиб кетар, овқатланувчилар таомни ўзларига яраша сузиб олишарди. Эркаклар хотинларнинг ортиқча уринишига йўл қўймас эдилар, эркак жинси

кучли бўлгани учун хотинларга ва ўзларига овқат сузиб, ичимлик қўйиш каби оғир ишни мардларча ўз зиммаларига олган эдилар. Овқатнинг бир тури ейилиб бўлгач, графиня столдаги электр қўнғирокнинг тутмасини босар, лакейлар товуш чиқармай кириб, идиш-товоқларни йиғиштириб тозасини қўяр ва иккинчи хил таомни келтирар эдилар. Овқатлар, винолар жуда нафис эди. Каттакон ёруғ ошхонада француз ошпаз билан унинг оқ кийим кийган иккита ёрдамчиси ишларди. Овқатланувчилар олти киши эди: граф билан графиня, уларнинг қовоғи солиқ гвардия офицери ўғли (у тирсагини столга қўйиб ўтирарди), Нехлюдов, киссахон – француз хоним ва графнинг қишлоқдан келган бошқарувчиси.

Бу ерда ҳам дуэль тўғрисидаги гап очилди. Бу воқеага подшо қандай муносабатда бўлгани ҳақида муҳокама юритдилар. Подшо онага жуда ачинибди, ҳамманинг ҳам онага раҳми келибди. Подшо қайғурган бўлса-да, лекин аскарий мундир шарафини ҳимоя қилган қотилга нисбатан қаттиққўллик қилишни истамаган экан, ҳамма буни эшитгани учун мундир шарафини ҳимоя қилган қотилга нисбатан мурувватли бўлиб қолди. Фақат енгил табиат графиня Катерина Ивановнагина тап тортмай қотилни қоралади.

– Маст-аласт бўлишиб, ақли-ҳушли йигитларни ўлдириб юришади, мен эса сира кечирмас эдим, – деди у.

– Мана шу гапингга тушунмайман, – деди граф.

– Мен айтган гапни икки дунёда тушунмаслигингни биламан, – деб гап бошлади графиня Нехлюдовга қараб, – эримдан бошқа ҳамма тушунади гапимга. Онасига жуда ачинганимни гапиравераман, бировни ўлдириб қўйиб мамнун бўлиб юришини истамайман.

Шунда графинянинг боядан бери жим ўтирган ўғли қотилнинг тарафини олди ва офицернинг бошқа иложи йўқлигини, ақс ҳолда офицерлар суди билан полқдан қувиб чиқарилишини қўрслик билан гапириб онасига ҳужум қилди. Нехлюдов гапга аралашмай тинглаб ўтирди, илгари ўзи ҳам офицер бўлганидан, гарчи Чарскийнинг далилларига қўшилмаса-да, унга қойил бўлди, лекин шу билан

бирга одам ўлдирган офицерни, турмада кўрган, жанжал устида бировни ўлдириб қўйгани учун каторгага ҳукм этилган чиройли маҳбус йнгитга такқослади. Иккови ҳам мастлик билан одам ўлдирган. Анови деҳқон жаҳл устида одам ўлдирган ва бу жинояти учун хотинидан, оиласидан, қариндош-уруғларидан ажратилиб, оёқларига кишан солиниб, сочи қирилиб каторгага жўнатиляпти, буниси эса шинам уйда – гауптвахтада мазали овқат еб, винонинг яхши-сини ичиб китоб ўқиб ўтирибди, бугун-эрта озод этилиб яна бояги-боягидек яшайверади, қайтага ҳамманинг эътиборини ўзига жалб этади.

Нехлюдов ўз фикрини айтди. Графиня Катерина Ивановна бошда жиянининг фикрига қўшилди-ю, лекин кейин жим бўлиб қолди. Нехлюдов шу гаплари билан ўзини назокатсизлик қилган кишидек ҳис этди, бошқалар ҳам шуни сезган эдилар.

Кечкурун, овқатдан биров кейинроқ, катта залга, худди маъруза бўладигандек нақшинкор суянчикли стуллар қатор қилиб терилди, стол ёнига кресло, яна воиз учун бир графин сув билан столча қўйилди. Шаҳарга келган Кизеветернинг ваъзини эшитиш учун одамлар тўплана бошлади.

Кўча эшиги олдида қимматбаҳо извошлар турарди. Қимматбаҳо нарсалар билан безалган залда шоҳи, барқут ва кружеваларга беланган, улама соч тақиб, белларини сириб қўйган хонимлар ўтиришарди. Аёллар орасида эркаклар – ҳарбийлар, фуқаро кийимидагилар ва бештача оддий. одам: иккита қоровул, боққол, хизматқор ва извошчи бор эди.

Сочларига оқ оралаган бақувват Кизеветер инглиз тилида гапирар, пенсне таққан ориқсина ёш қиз тез ва яхши таржима қиларди.

У гуноҳларимизнинг ғоят катталиги ва шу гуноҳимизга яраша қаттиқ жазо тортишимиз муқаррарлиги, бу жазони кутиб ўтиравериш ярамаслигини гапирарди.

– Азиз опа-сингиллар, оға-инилар, ўзимиз, ўз турмушимиз ҳақида, юриш-туришимиз, марҳаматли Олло таолонинг қаҳрини келтираётганимиз ва Исони азоблаётганимиз ҳақида ўйласак, гуноҳимиз зўрлигини, ҳалокатга



махкум эканлигимизни, нажот йўқлигини англаймиз. Бизни даҳшатли ҳалокат, абадий азоб-укубат кутади, – дерди у товуши қалтираб, йиғламсираб. – Қандай қилсак қутуламиз? Биродарлар, бу фалокатли ёнғиндан қутулиш йўли борми? Уйимиз ўт ичида қолган, нажот йўқ.

У бирпас жим бўлиб қолди, юзидан чинакам кўз ёшлар томиб туша бошлади. Саккиз йилдан буён, ўзига ёқиб қолган нутқининг шу жойига етганда ҳар гал ҳеч бир хато-сиз, томоғига алланарса тикилиб, бурни ачипганини ҳис этар, кўзидан ёш оқар ва шу кўз ёшлари ўзига кўпроқ таъсир этарди. Хонада пиқ-пиқ йиғлаган товушлар эшитила бошлади. Графиня Катерина Ивановна нақшинкор стол ёнида бошини икки қўли билан ушлаб ўтирар, унинг семиз елкалари титрарди. Извошчи гўё аравасининг шотиси тегиб кетган бўлса-да, ўзини четга олмаган немисга ҳайрон бўлгандай, така-пука бўлиб унга қараб турарди. Кўпчилик худди графиня Катерина Ивановна сингари вазиятда ўтирарди. Вольфнинг худди ўзига ўхшаган, яхши кийинган кизи икки қўли билан юзини беркитиб тиз чўкиб олган эди.

Нотиқ тўсатдан юзини очди ва актёрлар шодликни ифода этган маҳалда пайдо бўладиган ҳақиқий табассумга ўхшаш бир жилмайиш юзида пайдо бўлди, мулойим ва ширали овоз билан гапира бошлади:

– Нажот бор. Мана ўша енгил ва қувончли нажот: биз учун ўзини минг бир азобга солган, тангрининг якка-ю ягона ўғли Исонинг биз учун тўккан қони. У тортган азоб-укубат, унинг қони бизни ҳалос этади. Оға-инилар, опа-сингиллар, – деб мурожаат қилди у яна йиғламсираб, – инсон болаларининг гуноҳини ювиш учун якка-ю ягона ўғлини қурбон қилган Олло таолога шукур қилмоғимиз керак. Унинг қутлуг қони...

Буларнинг ҳаммаси Нехлюдовга шу қадар жирканч ва ярамас кўриндики, у оҳиста ўрнидан турди-да, юзини бужмайтириб, хижолат тортганидан ихраб юбормасликка ҳаракат қилиб, оёқ учида юриб чиқиб кетди, тўғри ўз хонасига қараб жўнади.

## XVIII

Эртасига Нехлюдов эндигина кийиниб бўлиб пастга тушмоқчи бўлиб турган ҳам эдики, хизматкор москвалик адвокатнинг карточкасини олиб кирди. Адвокат бу ерга ўз иши билан келган, шу билан бирга, агар Маслованинг иши тез кунда кўриладиган бўлса, сенатда иш кўрилаётганда иштирок этмоқчи эди. Адвокат Нехлюдов юборган телеграмма бориб етмасдан йўлга чиққан экан. Ишнинг қачон кўрилишини ва сенаторларнинг кимлигини Нехлюдовдан эшитиб, адвокат жилмайиб қўйди.

– Сенаторларнинг учала типи ҳам бор экан, – деди у.  
– Вольф – петербурглик тўра, Сквородников – ҳуқуқшунос олим. Бе эса практик ҳуқуқшунос, шунинг учун ҳам ҳаммасидан жонлироғи шу, – деди адвокат. – Ҳаммасидан кўра кўпроқ шунисидан умидвор бўлса бўлади. Хўш, шикоятлар комиссиясида аҳвол қалай?

– Бутун барон Воробьевнинг олдига бораман, кеча учраша олмадим.

– Воробьевнинг нега барон бўлганини биласизми? – деди адвокат Нехлюдов бу ажнабий<sup>1</sup> унвоннинг бундай рус фамилиясига қўшиб масхараомуз оҳангда гапирганига жавобан. – Унинг буvasи, назаримда, саройда камер<sup>2</sup> – лакей бўлган. Қандайдир бир хизмати бадалига унга Павел шу унвонни берган. Бир хизмати билан манзур бўлган-да. Уни барон қиламан, деганим – деган. Шундай қилиб, Воробьев барон бўлиб қолган. Бу билан у жуда фахрланади. Ўзи учига чиққан муттаҳам.

– Шунинг олдига кетяпман, – деди Нехлюдов.

– Жуда соз, юринг бирга кетамиз. Мен извошда олиб бориб қўяман.

Нехлюдов чиқиб кета туриб, дахлизда Mariettedан хат олиб келган лакейни учратди:

«Pour vous faire plaisir, j'ai agi tout a fait contre mes

<sup>1</sup> Ажнабий (арабча) – бегона, чет киши. Чет эл фуқароси. чет мамлакат одами.

<sup>2</sup> Камер (лотинча: camera) – солист ёки бир неча кишидан иборат ансамбль ижроси учун ёки тор доирадаги тингловчилар, муллислар учун мўлажалланган.

principes, et j'ai intercede aupres de mon mari pour votre protegee. Il se trouve que cette personne peut etre relachee immediatement. Mon mari a ecrit au commandant. Venez donc бескорыстно. Je vous attend M.»<sup>1</sup>

– Кўряписизми? – деди Нехлюдов адвокатга. – Жуда даҳшатли иш бу. Етти ойдан бери якка хонага қамаб қўйган аёллари бегуноҳ экан, уни озод этиш учун бир оғиз сўз кифоя.

– Ҳамма вақт аҳвол шу. Ҳар ҳолда, муродингизга етдингиз-ку.

– Шундай-у, лекин бу муваффақият мени хафа қиляпти. Бундан чиқди, бу ерда, иш жуда расво экан-да? Шунча вақтдан бери нега қамаб қўйишган экан?

– Келинг, яхшиси бу ҳақда бош қотирмай қўя қолайлик. Демак, сизни олиб бориб қўяман, – деди адвокат улар пиллапояга чиқишганда. Шу чоғ адвокат кира қилган ажойиб бир извош пиллапояга яқинлашди. – Барон Воробьевникига борасиз-а?

Адвокат извошчига қаерга боришликни айтди ва чиникқан отлар бирпасда барон яшаган уйга олиб келиб қўйди. Барон уйда эди. Биринчи хонада эгнига вицмундир кийган, бўйни узун, кекирдаги туртиб чиққан жуда енгил юрувчи ёш тўра билан иккита аёл бор эди.

Кекирдаги чиққан ёш тўра лип этиб, навозиш билан аёллар ёнидан Нехлюдов томонга ўтиб:

– Фамилиянгиз? – деб сўради.

Нехлюдов айтди.

– Барон сиз тўғрида гапирган эдилар. Ҳозир!

Ёш тўра ёпик эшикни очиб кириб кетди ва эгнига қора солган, йиғлаб кўзлари кизарган бир хотинни олиб чиқди. Аёл кўз ёшларини яшириш учун қоқшол қўллари билан

<sup>1</sup> Pour vous faire plaisir, j'ai agi tout a fait contre mes principes, et j'ai intercede aupres de mon mari pour votre protegee. Il se trouve que cette personne peut etre relachee immediatement. Mon mari a ecrit au commandant. Venez donc бескорыстно. Je vous attend M. (французча) – Сизни хурсанд қилмоқ учун ўз одатимга хилоф равишда ҳимоя қилётган одамингиз ҳақда эрим билан гаплашдим. Маълум бўлишича, у аёл тезда озод этилиши мумкин экан. Эрим комендантга хат ёзди. Шундай қилиб, бегараз келинг. Қутаман сизни. М.

Ўртигини юзига туширди.

Ёш тўра шипиллаб кабинет эшиги олдига бориб тўхтади-да, уни очиб:

– Марҳамат қилсинлар, – деди Нехлюдовга.

Нехлюдов кабинетга кириб ўрта бўйли, сочлари калта қирқилган, сюртук кийган кишига рўпара бўлиб қолди. Катта ёзув столи ёнида тўғрига қараб ўтирган одамнинг чехраси очиқ эди. Олпоқ мўйлов, соқол босган қип-қизил юзи Нехлюдовни кўриш билан жилмайди.

– Сизни кўрганим учун беҳад хурсандман. Онангиз билан эски кадрдон, дўст эдик. Сизни ёш болалигингизда, кейин офицерлигингизда кўрганман. Келинг, ўтиринг, хўш хизмат? «Э, ҳа», – деб кўярди у, Нехлюдов Федосья воқеасини ҳикоя қилар экан, олпоқ сочи олинган бошини чайқаб. – Гапираверинг, гапираверинг, ҳаммасига тушундим: ҳақиқатан ҳам, кучли таъсир қиладиган воқеа. Хўш, шикоят аризаси ёзиб топширдингизми?

– Аризани тайёрлаб қўйдим, – деди Нехлюдов чўнтагидан олаётиб. – Лекин бир нарсани сиздан илтимос қилмоқчи эдим, бу ишга алоҳида эътибор билан қаралса, деб умид қиламан.

– Яхши қилибсиз. Албатта, ўзим ахборот бераман, – деди барон дилхуш чехрасида ачиниб аломатини ўхшовсиз ифодалаб, – жуда таъсирли. Аёл жуда ёш бўлган бўлса керак, эри У билан дағал муомала қилган бўлса, қўнгли совиган, энди вақти келиб, яна муҳаббат қўйишган... Ҳа, ўзим ахборот бераман.

– Граф Иван Михайлович малика ойимдан илтимос қиламан дегандилар.

Нехлюдов бу сўзларни айтиб улгурмасиданок бароннинг юзидаги ифода ўзгарди.

– Хуллас, аризангизни маҳкамага топширинг, мен қўлимдан келган ёрдамни аямайман, – деди у Нехлюдовга.

Шу маҳал хонага олифтахасига қадам ташлаб ёш тўра кирди.

– Бояги хоним яна икки оғиз сўзим бор деяпти.

– Майли, чакиринг. Эҳ, топ шер, бу ерда озмунча кўз

ёши кўрасанми киши, қани энди, ҳаммасининг дардига малҳам бўла олсанг! Қўлингдан келганини қиласан.

Аёл кирди.

– Мен кизини бериб юборишига йўл қўймаслигингизни илтимос қилишни унутибман, йўқса ҳаммасига...

– Хўп, қиламан дедим-ку.

– Барон, Худо ҳақи, онани халос қилган бўласиз.

Аёл унинг қўлига ёпишиб ўпа бошлади.

– Хўп, айтганингизни қиламан.

Аёл чиқиб кетгач, Нехлюдов ҳам хайрлаша бошлади.

– Қўлдан келган ёрдамни қиламиз. Адлия вазирлиги билан ёзишамиз. Улардан жавоб келгач, нимаики мумкин бўлса, ҳаммасини қиламиз.

Нехлюдов хонадан чиқиб идорага ўтди. Яна, худди сенатдаги каби, серҳашам бинода серҳашам, озода, назокатли, кийимидан тортиб гапларигача жиддий ва дабдабали, мулойим тўраларни кўрди.

«Мунча кўп булар, нақадар кўп, ҳаммалари ҳам хирсдан тўқ, кийимлари, қўллари тоза, ҳаммасининг этиги нега мунча ярқирайди, шуларни ким тозалайди? Қамокдагиларгина эмас, ҳатто қишлоқдагиларга қараганда ҳам нақадар яхши кун кўришади», – деб ўйлади Нехлюдов яна беихтиёр.

## XIX

Петербургдаги маҳбусларнинг қисматини енгиллатиш қўлидан келадиган киши – кўкраги орден билан тўлган, хизмат кўрсатган, лекин одамларнинг айтишига қараганда, ақлдан озган, немис баронларидан чиққан кекса генерал эди. У оқ хочдан бошқа орденини тақмас эди. Мана шу ўзига жуда манзур бўлган хочни Кавказда хизмат қилган пайтида олган эди. Ушанда сочи олинди, эгнига мундир кийгазилган, милтиқ ва найзалар билан қуроллантирилган рус деҳқонлари ўз озодлиги, ўз уйлари, оилаларини ҳимоя қилган мингдан ортиқ одамни унинг бошчилигида қириб ташлаган эди. Кейин у Польшада хизмат қилди. Бу ерда ҳам у рус деҳ-

конларини турли жиноятлар қилишга мажбур этган ва шу хизмати учун яна орденлар ва мундирига янги безаклар олган эди, кейин яна аллақасерда хизмат қилди ва эндиликда қартайиб қолган чоғида яхши уй-жой, таъминот ва иззат-ҳурматга эриштирган мана шу ҳозирги мансабни эгаллади. У юқоридан берилган фармойишларни айнан бажарар ва шу иш билан фахрланарди. Юқоридан келган фармойишларга алоҳида аҳамият берар, дунёда бошқа ҳар қандай нарсани ўзгартирса бўлади-ю, фақат юқоридан берилган буйруқни ўзгартириб бўлмайди деб ҳисобларди. Унинг вазифаси эркак ва аёл сиёсий жинояткорларни зиндон ва бир кишилик хоналарда қамоқда тутишдан иборат эди. Буларни у шундай асраши керак эдики, ўн йил давомида бу одамларнинг ярми, қисман ақлдан озиб, қисман сил бўлиб ўлиб кетар, қисман ўз-ўзини ўлдирар: баъзилари ўзларини оч қўйиб, баъзилари шиша билан томирларини кесиб, баъзилари ўзини осиб, яна бир хиллари ўзини ўтга ташлаб ўлиб кетар эдилар.

Кекса генерал шуларнинг ҳаммасини билар эди. Шуларнинг ҳаммаси унинг кўзи олдида юз бериб турарди. Лекин шунга қарамай, яшин, тошқин ва ҳоказолар натижа-сида рўй берган бахтсизликлардан виждони азобланмагандек, бундай ҳодисалардан кейин ҳам виждон азобига учрамасди. Бу ҳодисалар юқоридан, император номидан берилган буйруқларни амалга ошириш натижасида рўй берарди. Лекин бу фармойишлар ҳеч сўзсиз амалга оширилуви керак эди. Шунинг учун ҳам буларнинг. оқибати нима бўлади, деб бош қотиришнинг фойдаси йўқ эди. Кекса генерал бундай нарсалар устида ўйлаб ўтиришни ўзига эп кўрмасди, ўз фикрича, жуда муҳим бўлган вазифаларнинг бажарилишида сусткашлик кўрсатмаслик учун бу ҳақда ўйламас, буни ўзининг ватанпарварлик ва аскарлик бурчи ҳисоблар эди.

Кекса генерал вазифаси юзасидан ҳафтада бир ҳамма қамоқхоналарни айланар; маҳбуслардан, нима илтимос-нингиз бор деб сўрарди. Маҳбуслар унга ҳар турли илтимослар билан мурожаат қилишарди. Маҳбусларнинг илтимосини хотиржам туриб, миқ этмай тинглар, лекин ҳеч қачон

жойига етказмас эди. Чунки бутун илттимослар қонунга тўғри келмайдиган гаплардан иборат эди.

Нехлюдов кекса генерал яшайдиган жойга яқинлашганда минорадаги соатларнинг куранти қўнғироқчаларини жингиллатиб: «Коль славен бог»<sup>1</sup> куйини чалди-да, кейин икки марта жом урди. Курант товушини тинглар экан Нехлюдов, декабристларнинг<sup>2</sup> хотираларида ўқиганларини беихтиёр эслади, уларда ҳар соат такрорланадиган бу ёқимли куй абадий маҳбусларнинг кўнглига қандай таъсир қилиши ёзилган эди. Нехлюдов кекса генералнинг дарвозасига етиб Келган пайтда у қоронғи меҳмонхонада ёшгина рассом йигит билан (қўли остида ишлайдиганлардан бирининг укаси билан) садаф қадаб нақш солинган стол ёнида ўтириб, қоғоз устига қўйилган тақсимчани айлантирарди. Рассом нозик, терлаб турган ингичка бармоқларини кекса генералнинг каттиқ, бўғинлари қотиб кетган, ажин босган бармоқлари орасига қўйган эди. Мана шу бирлашган қўллар тўнтарилган тақсимча билан бирга алифбедаги ҳамма ҳарфлар ёзилган бир варақ қоғоз устида айланарди. Тақсимча генералнинг, одамлар ўлгандан кейин уларнинг руҳлари бир-бирини қандай қилиб таниб олади, деган саволига жавоб берарди.

Камердинерлик<sup>3</sup> вазифасини ўтаётган деншчиклардан<sup>4</sup> бири Нехлюдовнинг карточкасини кўтариб кирганда тақсимча воситаси билан Иоанна д'Аркнинг руҳи гапираётган эди, Иоанна д'Аркнинг руҳи ҳарфма-ҳарф қилиб: «Бир-бирларини таниб оладилар» деган сўзларни айтиб бўлган эди, бунини ёзиб қўйдилар. Деншчик кириб келган маҳалда тақсимча бир гал «р», кейинги гал «у» ҳарфларида тўхтаб,

<sup>1</sup> «Коль славен бог» – «Раббимизнинг улугворлиги» – 1794-йилнинг баҳорида композитор Дмитрий Бортнянский томонидан Михаил Херасковнинг шеърига ёзилган бир қўшиқ. XVIII аср охиридан бошлаб, Россия империясининг иорасмий мадҳияси сифатида кенг қўлланилган.

<sup>2</sup> Декабристлар – Россияда 1905-1907 йиллар инқилоби даврида Россиянинг бир қатор шаҳарлари (Москва, Красноярск, Новороссийск, Сорново, Кронштадт, Чита, Мотовилиха ва бошқа) да подшо ҳукуматига қарши кўтарилган чиқишлар қатнашчилари ва ташкилотчилари.

<sup>3</sup> Камердинер – дворянларнинг шахсий хизматкорлари.

<sup>4</sup> Деншчик – офицер, генералларнинг шахсий хизматкори бўлган аскар.



кейин «о» ҳарфига келганда у ёқдан бу ёққа сурила бошлади. Тақсимча шунинг учун ҳам сурилар эдики, генералнинг фикрича «о» ҳарфидан кейин «е» ҳарфи келиши керак эди, яъни, унинг фикрича, Иоанна д'Арк, руҳ ер юзидаги нарсалардан халос бўлганларидан сўнггина бир-бирини танийди демоқчи ва шунинг учун ҳам кейинги ҳарф «е» ҳарфи бўлиши керак деб ҳисобларди. Рассом эса «о»дан кейинги ҳарф «и» бўлади деб ўйлар, унинг назарида, руҳлар бир-бирини шаффоф жиҳмларининг нуридан таниб олади деб айтмоқчи, деб ҳисобларди. Генерал оқарган куюк кошларини чимириб, қўлига тикилиб қарар ва тақсимча ўз ҳолича ҳаракатга келяпти, деб ўйлаб, уни «е» ҳарфи томон суларди. Сийрак сочларини қулоғининг орқасига қилиб тараган рангпар ёш рассом сўниқ кўк кўзларини меҳмонхонанинг қоронғи бурчагига тикиб, асабийларча лабларини шивирлатиб тақсимчани «и» ҳарфига қараб суларди. Генерал машғулотига халал берганлари учун юзини буриштириб қўйдиди, бир дақиқалик сукутдан кейин карточкани олди, пеннесини тақди, йўғон белининг оғриганидан инқиллаб, баланд қаддини ростлаб, увишиб қолган бармоқларини ишқалай-ишқалай ўрнидан турди.

– Кабинетга тақлиф қил.

– Жаноби олийлари, ижозат берсангиз, ўзим тугатсам, – деди рассом ўрнидан тураётиб, – руҳнинг шу ердалигини сезиб турибман.

– Майли, тугата қолинг, – деди генерал жиддий суратда қатъий қилиб, сўнгра салмоқли қадам ташлаб кабинет томон юрди ва, – ҳуш келибсиз, – деди генерал Нехлюдовга ширин сўзларни кўпол товуш билан гапириб. Нехлюдовни ёзув столи ёнидаги креслога ўтиришни тақлиф этди, – Петербургда келганингизга кўп бўлдими?

Нехлюдов яқиндагина келганини айтди.

– Онангиз, княгиня соғ-саломатмилар?

– Онам вафот этган.

– Кечирасиз, кўп ёмон бўлибди, эсиз-эсиз. Ўғлим сизни учратганини айтганди.

Генералнинг ўғли ҳам худди отаси сингари мансабда

кўтарилиб келаётган эди. У ҳарбий академияни<sup>1</sup> тугатгандан кейин разведка<sup>2</sup> бюросида хизмат қилар ва ўша ерда зиммасига топширилган вазифалар билан фахрланарди. Унинг вазифаси айғоқчиларга раҳбарлик қилишдан иборат эди.

– Отангиз билан бирга ишлаганман, ўртоқ эдик, дўст эдик. Хўш, хизматдамисиз?

– Йўқ, ишламайман.

Генерал маъқулламагандек бошини эгиб қўйди.

– Сиздан илтимосим бор, генерал, – деди Нехлюдов.

– Мамнуният билан. Хўш, нима хизмат?

– Агар илтимосим ноўрин бўлса, марҳамат қилиб, мени афв этинг. Лекин айтиб ўтишим жуда зарур.

– Ўзи нима гап?

– Крепостда Гуркевич деган одам камалиб ётибди.

Унинг онаси ўғли билан учрашувга, ёки ҳеч бўлмаганда, китоб бериб туришга ижозат сўрайди.

Нехлюдовнинг саволига генерал на мамнунлик билдирди ва на норозилик. У худди ўйлаётган кишидек бошини ён томонга эгиб, кўзини юмиб олди. Лекин, аслида, у ҳеч нарсани ўйламас, ҳатто Нехлюдовнинг саволига қизиқмас ҳам эди, чунки ўзининг қонунга асосан жавоб қайтаришини биларди. Ҳозир генерал ҳеч нарсани ўйламай миясига дам берарди, холос.

– Бу менинг қўлимда эмас, – деди у бироз дам олгач, – учрашув ҳақида зоти олий томонидан тасдиқланган низом бор, ўша ерда нимаики рухсат этилса, ўшанга ижозат бор. Китоб масаласига келсак, ўзимизнинг кутубхонамиз бор,

<sup>1</sup> Академия (юнонча: Academia – афсонавий қахрамон Академ номи ҳамда Платон ўз таълимотидан дарс берган, Афина яқинидаги кичик ўрмон номидан) – 1) илмфан ёки санъатни ривожлантириш учун тузилган, юқори малакали олимларига эга бўлган олий илмий муассаса (бу ерда шу маънода); 2) баъзи бир олий ўқув юр்தларининг номи.

<sup>2</sup> Разведка (русча: разведать – суриштириб, текшириб билмок, кидириб топмок) – 1) ер ости бойликларини кидириш; 2) душман ва унинг қўшинлари, уларнинг кучи, жойлашиши тўғрисида маълумот тўплаш учун айрим ҳарбий гуруҳлар, бўлинмалар ёки жангчилар томонидан олиб бориладиган тезкор иш, ҳарбий ҳаракат ва шундай иш олиб боровчи ҳарбий қисм, бўлинма; 3) ўзга мамлакатларнинг иқтисодий ва сиёсий ҳолатини ҳамда ҳарбий имкониятларини ўрганиш билан шуғулланувчи ташкилот.

ижозат этилган китобларни уларга бериб туришади.

– Лекин унга илмий китоблар керак: у мутолаа қилмоқчи.

– Ишонманг уларга, – генерал жим бўлиб қолди. – Мутолаа қилиш эмас, шунчаки бесаранжомлик.

– Нима қилишсин унда, шундай оғир шароитда бир иш қилиб вақтни ўтказишлари керак-ку, ахир, – деди Нехлюдов.

– Улар ҳамма вақт нолишади, – деди генерал, – биламиз. – Генерал маҳбусларни умуман инсонларнинг аллақандай энг ёмон нави деб билгандек гапирди. – Бу ерда уларга шундай яхши шароит туғдирилганки, камоқ жойларда бунақа шароит камдан кам топилади, – деб гапини давом этди генерал.

Генерал ўзини окламоқчи бўлгандай, маҳбусларга туғдирилган қулайликлар ҳақида гапира бошлади. Гўё бу муассасанинг асосий мақсади маҳбусларга яхши истиқоматгоҳ тайёрлаб беришдан иборат эмиш.

– Илгари, ҳақиқатан ҳам, анча оғир эди, лекин ҳозир шароит бирмунча яхши. Улар уч маҳал овқат ейишади, биттаси, албатта, гўшти: битки<sup>1</sup> ёхуд котлет бўлади. Якшанба кунлари яна ширинлик қўшилади. Қани энди, ҳамма рус кишисига ҳам шундай овқатланишни Худо насиб этса.

Генерал барча кекса одамлар сингари битта гапни ушлаб олиб, маҳбусларнинг талабчанлиги ва ношукурлиги ҳақидаги гапларини зўр бериб тақрорларди.

– Уларга диний китоблар ҳам, эски журналлар ҳам бериб турилади. Кутубхонамизда тегишли китоблар бор. Лекин жуда кам ўқишади. Аввалига кизикқандай бўлишадую, лекин янги китоблар ярмига бориб шундай кесилмасдан қолиб кетаверади, эскилари варақланмай қолиб кетади. Биз атайлаб китоб орасига қоғоз солиб қўйиб ҳам кўрдик, – деди генерал, унинг юзида табассумга ўхшамаган ғалати ифода кўринди, – қандай қўйилган бўлса, шундай ётаверади. Уларга ёзиш ҳам ман қилинмайди, – деб давом этди генерал. –

<sup>1</sup> Битки – юмвлоқ котлет.

Эрмак қилиб ёзишиб ўтиришсин деб тош тахта билан тош қалам ҳам берилади. Ўчириб ташлаб яна ёзаверишлари мумкин. Йўқ, ёзишмайди. Кўп ўтмай жуда хотиржам бўлиб қолишади. Дастлаб ҳаяжонланиб юришади, лекин бора-бора семириб, жуда ювош бўлиб қолишади, – дерди генерал айтаётган гапининг нақадар даҳшатли эканини билмай.

Нехлюдов унинг қариларга хос хириллаган товушини тинглар, унинг қотиб қолган бадан аъзоларига, оқарган қошлари тагидаги сўниқ кўзларига, соқоли олинган, кексалиқдан салқиб тушган, қотирма ёқага тегиб турган лунжларига, унинг оқ хочига қараб қолган эди. Бу одам шу оқ хочни тош кўнгил бўлгани, беҳисоб кишиларнинг ёстигини қуритгани учун олгани билан фахрланарди. Нехлюдов бу одамга эътироз билдириш, унинг сўзларининг мафҳумини тушунтиришнинг бефойдалигини биларди. Аммо шунга қарамай, Нехлюдов ўзини мажбур этиб, иккинчи иш ҳақида, Шустова деган маҳбус аёл ҳақида сўради. У Шустовани озод қилиш тўғрисида буйруқ чиқарилганини эшитган эди.

– Шустова дейсизми? Шустова... Ҳаммасининг оти эсимда эмас. Ахир, улар шу қадар кўпки, – деди у бунчалик кўпайишиб кетишгани учун маҳбуслардан ёзғиргандек. У кўнғирок чалиб, ишбошқарувчини чақиритиб буюрди.

Ишбошқарувчини чақириб келишгунча кекса генерал Нехлюдовга, хизматга кириш керак, деб насиҳат қилди. Виждонли, олийжаноб одамлар, – деди генерал ўзини ҳам шундайлардан деб ҳисоблаб, – подпога, – жумлани бежаш учун, – «ҳамда ватанга» керак, деб қўшиб қўйди.

– Мана мен қариб қолдим, лекин шунга қарамай, кучим етганча хизмат қилиб ётибман.

Ақлли кўзлари жавдираб турган, қотмадан келган ишбошқарувчи келди-да, Шустова қандайдир ғалати истехкомда сақланаётганини, у тўғрида ҳеч қандай қоғоз олинмаганини айтди.

– Олган кунимизнинг ўзидаёқ бўшатиб юборамиз. Уларни ушлаб турмаймиз, уларни деб кўзимиз учаётгани йўқ, – деди генерал яна жилмайишга уриниб. Бу табассум унинг кекса юзини қийшайтириб юборарди.

Нехлюдов шу мудҳиш чолга нисбатан кўнглида уй-ғонган таассуф аралаш нафрат ҳиссини босишга уриниб ўрнидан турди. Чол ҳам ўртоғининг энгилтак ва адашган ўғлига нисбатан қаттиқ муомалада бўлмай, панд-насихат қилиш керак деб ўйларди.

– Хайр, азизим, мендан койиманг, азбаройи якин кўрганимдан гапиряпман. Бизда қамалиб ётган одамлар билан алоқа қилманг. Гуноҳсизлари йўқ. Энг ахлоқсиз одамлар шулар. Биз биламиз-қу, ахир, буларни, – деди у шубҳага ўрин қолдирмайдиган оҳангда. У, ҳақиқатан ҳам, бунга шубҳаланмас эди. Аҳвол худди ўзи айтганидек бўлгани учун эмас, йўқ. Агар у шундай эмас дейдиган бўлса, ўзини қарилик чоғини муносиб равишда ўткизаётган олийжаноб қаҳрамон деб эмас, виждонини сотган ва ҳамон виждонини сотиб келаётган олчоқ одам деб ҳисоблаши керак бўларди. – Яхшиси хизматга киринг, – деб давом этди у. – Подшоҳга... ҳамда ватанга, – деб қўшиб қўйди у, – виждонли одамлар керак. – Агарда мен ҳам, бошқалар ҳам сизга ўхшаб хизмат қилмаса, нима бўларди? Ким хизматда қоларди? Ўзимиз тартибларни танқид қиламиз-у, лекин ҳукуматга ёрдам қилишни истамаймиз.

Нехлюдов чуқур тин олди, энгашиб таъзим қилди-да, лутфан узатилган каттакон суякдор қўлни сиқиб, хонадан чиқди.

Генерал унинг қилиб юрган ишларини маъқулламагандек, бош чайқаб қўйди, белини ишқай-ишқай, яна рассом кутиб ўтирган меҳмонхонага қараб кетди. Рассом Иоанна д'Аркнинг руҳидан олган жавобини аллақачон ёзиб қўйган эди. Генерал пенсне тақди-да: «Бир-бирларини шаффоф жисмлардан таралаётган нурдан танийдилар», – деб ўкиди.

Генерал жавобни маъқуллагандай:

– Ҳа, – деб қўйди қўзини юмиб, – ҳаммасининг нури бир хил бўлса, қандай таниб бўлади? – деб сўради у, кейин яна рассом билан бармоқларини чалмаштириб стол ёнига ўтирди.

Нехлюдовнинг извоши дарвозадан чиқа бошлади.

– Хосияти йўқ жой экан, бегим, – деди извошчи

Нехлюдовга юзланиб. – Кутмасдан кетиб қолмоқчи ҳам бўлдим.

Нехлюдов унинг гапини тасдиқлаб:

– Ҳа, жуда хосиятсиз жой, – деди-да, кўкрагини тўлдириб нафас олиб, кўкда сузиб юрган кўкиш булутларга ва Невадаги қайиқ ва пароходларнинг ҳаракатидан юзага келган жимир-жимир тўлқинларга кўз тикиб ором олди.

## XX

Эртасига Маслованинг иши кўрилиши керак эди. Шунинг учун Нехлюдов сенатга жўнади. Нехлюдов сенатнинг қатор извошлар турган серҳашам биноси ёнида адвокат билан учрашди. Серҳашам, дабдабали зинадан иккинчи қаватга чиққач, бу ерни ипидан игнасигача яхши билган адвокат, чап томондаги эшик томонга юрди. Эшик устинга суд устави жорий этилган йил ёзиб қўйилган эди. Фанарин узун дахлизда пальтосини ечиб, швейцардан сенаторларнинг ҳаммаси шу ердалигини, охиргиси ҳозиргина кириб кетганини эшитиб ечинди, фрак ва оппоқ кўкрагини безаб турган оқ галстукда қолиб тап тортмай, кулиб иккинчи хонага кирди. Бу иккинчи хонанинг ўнг томонида каттакон кийим жавон, нарироқда стол турар, чап томонда айланма зина бор эди. Шу топда вицмундир кийган, қўлтиғига портфель қистирган олифта тўра зинадан тушиб келаётган эди. Бу хонада пиджак ва кулранг панталон<sup>1</sup> кийган узун сочли, салобатли мўйсафид чол ҳамманинг диққатини ўзига жалб қиларди. Иккита хизматчи унинг олдида ҳурмат сақлаб туришарди.

Мўйсафид чол кийим жавонини очиб кириб кетди. Шу маҳал Фанарин ўртоғини, оқ галстук такқан, фрак кийган ўзи сингари адвокатни кўриб қолиб гапга тушиб кетди. Нехлюдов эса хонадагиларни кўздан кечира бошлади. Хонада ўн бештача одам бор эди, улардан иккитаси аёл киши эди,

<sup>1</sup> Панталон – эракаларнинг шимсимон тор кийими.

бири пенсне таққан ёш жувон, иккинчиси сочлари оқарган кампир эди. Ҳозир матбуотдаги тухмат ҳақидаги иш кўрилиши керак бўлгани учун одатдагидан кўп одам йиғилган – хаммаси матбуот ходимлари эди.

Антиқа мундир кийган, қоғоз ушлаган икки бети кипкизил чиройли суд пристави Фанариннинг ёнига келиб қайси иш бўйича келганини суришгирди, Маслованинг иши бўйича келганини билиб, алланималарни ёзиб олиб нари кетди. Шу маҳал кийим жавонининг эшиги очилиб, салобатли чол чиқиб келди. Лекин ҳозир пиджақда эмас, зар уқалар тутилган, кўкрагига ялтироқ тўқачалар тақилган, уни кўпроқ қушга ўхшатиб кўрсатадиган кийимда эди.

Бу кулгили костюмдан чолнинг ўзиям хижолат чекди, шекилли, у одатдагидан кўра тезроқ юриб, кираверишдаги эшикнинг рўпарасидаги хонага кириб кетди.

– Бу Бе, мўътабар одам, – деди Фанарин Нехлюдовга, сўнгра уни ўз шериги билан таништириб, жуда қизиқ бир иш кўрилишини айтди.

Кўп ўтмай мажлис очиладиган бўлди ва Нехлюдов одамлар билан бирга чап томондаги мажлислар залига кирди. Ҳаммалари, Фанарин ҳам, панжаранинг бу ёғидаги ҳамма учун белгиланган жойга ўтиришди. Фақат петербурглик адвокат олдинга ўтиб, панжара олдидаги стол ёнига ўтирди.

Сенатнинг мажлислар зали округ судининг залидан кичикроқ, унчалик серҳашам эмас, фарқи шу эдики, сенаторлар ўтирган стол устига яшил мовут эмас, зарҳал шокилалли тўқ-қизил духоба ёпилган эди. Аммо адлия муассасаларида бўладиган ойна, икона, подшонинг портрети бунда ҳам бор эди. Пристав ҳам худди ўшанақа дабдаба билан: «Суд келяпти!» – деб эълон этди. Ҳамма худди ўшандай ўрнидан турди, мундир кийган сенаторлар кириб келишди, суянчиги баланд курсиларга ўтиришди, табиий бўлиб кўриниш учун худди ўшандай столга тирсақларини қўйиб олишди.

Сенаторлар тўрт киши эди. Ранслик қилувчи Никитин соч-соқоли қириб олинган чўзиқ юзли, кўзлари тикандек киши эди. Вольф лабини қимтиб оппоқ қўллари билан



папкадаги қоғозларни варақларди, сенаторларнинг учинчиси, семиз, чўтир ҳуқуқшунос олим Сковородников ва тўртинчиси Бе – энг кейин келган бояғи салобатли чол эди. Сенаторлар билан бирга бош котиб ва ўрта бўйли, қотмадан келган, соқоли олинган, бугдойранг, қора кўзлари маънос йигит – бош прокурор ёрдамчиси чиқди. Нехлюдов унинг ғалати мундир кийганига ва олти йилдан бери кўрмаганига қарамай, унинг талабалик чоғидаги энг яқин дўстларидан бири эканини таниди.

Прокурор ёрдамчиси Селенин эмасми? – деб сўради у адвокатдан.

– Ҳа, нима эди?

– Уни жуда яхши танийман, ажойиб одам...

– Ишбилармон, уста бош прокурор ёрдамчиси ҳам. Ўшандан илтимос қилиш керак эди, – деди Фанарин.

– У, ҳар ҳолда, виждонан иш қилади, – деди Нехлюдов Селенин билан яқинлигини, дўстлик муносабатларини, унинг яхши хислатларини: озодалиги, инсофлиги, ҳаққонийлигини эслаб.

Фанарин иш бўйича бошланган докладни тинглар экан:

– Энди иложи йўқ, – деб шивирлади.

Округ суди қарорини ўз кучида қолдирган суд палатасининг ҳукми устидан берилган шикоятнома кўрила бошланди.

Нехлюдов кулоқ сола бошлади ва кўз ўнгида бўлиб ўтаётганларнинг маъносига тушунишга уринди. Лекин худди округ судидаги сингари масалани тушунишига халақит бераётган нарса шу эдики, ишнинг асосий моҳияти бу ёқда қолиб, гап тамоман ёт нарсалар ҳақида борар эди. Иш бир ҳиссадорлик ширкати раисининг муттаҳамлигини фош қилиб ёзиб чиққан газета мақоласидан иборат эди. Бундай караганда, ҳиссадорлик жамиятининг раиси, ҳақиқатан, пул кўювчиларни талаётгани тўғрими, деган масалани аниқлаш ва бундан кейин таламайдиган қилиб чора кўришдан иборат бўлиши керак эди. Лекин бу ҳақда бир оғиз ҳам сўз бўлмади.

Гап қонун бўйича нашриёт эгаси фельетончининг<sup>1</sup> бу мақо-  
ласини босишга ҳақи борми-йўқлиги, бу мақолани босиш  
билан қандай жиноятга йўл қўйганлиги тўғрисида борарди.  
Бу мақола диффамациядан<sup>2</sup> иборатми ёки тухматдан иборат-  
ми ёки диффамация бўлиб ичига тухматни оладими, ёки  
тухмат бўлиб ичига диффамацияни оладими, деган масала,  
яна оддий кишиларнинг тушунishi кийин бўлган турли  
моддалар ва аллақандай умумий департаментнинг қарори  
ҳақида гапирардилар.

Нехлюдовнинг тушунган нарсаси шу бўлдики, маъру-  
зачи Вольф кеча унга, сенат ишнинг моҳиятига аралаша  
олмайди деб жиддий уқдирган бўлса-да, бу ишда палатанинг  
хукмини бекор қилиш тарафдори бўлиб гапирди, Селенин  
оғир-вазмин одам бўлишига қарамай, кутилмаганда қизиқ-  
қонлик билан Вольфнинг фикрига қўшилмаганини билдир-  
ди. Ҳар доим оғир-вазмин бўлган Селениннинг қизиққонлик  
билан Нехлюдовни ҳайратга солгани бежиз эмас эди. Селе-  
нин ҳиссадорлик жамияти раисининг пул масаласида жуда  
фирибгар одам эканини билар, ундан ташқари, Вольфнинг  
кечагина шу муттаҳам томонидан берилган муҳташам  
зиёфатда бўлганини тасодифан эшитиб қолган эди. Энди-  
ликда эса Вольф жуда эҳтиёткорлик билан бўлса-да, лекин  
бир томонлама ахборот берганидан Селенин қизишиб кетди  
ва оддий ишга арзимайдиган асабийлик билан ўз фикрини  
баён этди. Унинг нутқи Вольфни таҳқирлади, шекилли, у  
кизариб-бўзариб, титраб кетди, ҳайрон бўлгандай имо-  
ишора қилиб, сиполик билан, таҳқирланган кишидай бошқа  
сенаторлар билан бирга маслаҳатхонага кириб кетди.

Сенаторлар чикиб кетиши билан суд пристави  
Фанариндан:

- Сиз қайси иш бўйича келгансиз? – деб яна сўради.
- Маслованинг иши бўйича деб боя айтдим-ку, – деди

<sup>1</sup> Фелетон (французча: feuilleton – варақ; дастлабки фелетонлар Францияда  
алоҳида варақларда чоп этилган) – кундалик ҳаётда рўй берадиган салбий  
ҳодисаларни ўткир тил билан танқид қилиб ёзмадиган публицистик жанр.

<sup>2</sup> Диффамация – бирор шахсни бадном қиладиган маълумотларни матбуотда эълон  
қилиш (тарж.).

Фанарин.

– Ҳа, айтгандингиз. Иш ҳозир кўрилади, лекин...

– Яна нима?..

– Гап шундаки, бу иш тарафларсиз кўрилиши лозим бўлгани учун жаноб сенаторлар қарор эълон этилгандан кейин чикмасликлари ҳам мумкин. Аммо мен хабардор қиламан.

– Ие, бу қанақа гап?

– Ўзим хабардор қиламан, – пристав қоғозига алланимани битиб қўйди.

Сенаторлар, ҳақиқатан ҳам, тухмат ҳақидаги иш бўйича қарорни эшитдиргандан кейин, қолган ишларни, шу жумладан Маслованинг ишини ҳам, маслаҳатхонадан чиқмай, папирос ва чой устида кўриб бир ёқли қилмоқчи эдилар.

## XXI

Сенаторлар маслаҳатхонага кириб стол ёнига ўтиришлари биланок, Вольф ҳукми бекор қилиш учун қизгинлик билан далиллар келтира бошлади.

Раислик қилувчи ичи қора одамнинг бугун жуда кайфи ёмон эди. Мажлис маҳалида ишни тинглаб ўтириб, бир фикрга келиб қўйгани учун ҳозир Вольфнинг гапига кулоқ солмай, хаёл суриб ўтирарди. У ҳозир, кўпдан буён орзу қилиб юрган амалига уни қўймай, Виляновнинг белгиланиши муносабати билан хотира дафтарига нималар деб ёзганини эслаб ўтирар эди. Раислик қилувчи Никитин хизмати юзасидан алоқадор бўлган биринчи икки класс тўралари ҳақидаги мулоҳазалари муҳим тарихий бир материал бўлади, деб чин кўнгилдан ишонарди. Кеча бир бобни ёзиб қўйиб, унда ўз таъбирича, Россияни ҳозирги ҳукмдорлар судраган ҳалокатдан халос қилишига халақит берганлари учун биринчи икки класс тўраларининг астар-пахталарини ағдариб ташлаган эди. Аслида эса, ўша тўралар ҳозир олиб турганидан кўра кўпроқ мояна олишига халақит берганлари учун уларни ёмонлаб ёзган, эндиликда у келажак насллар

бундан тегишли хулоса чиқариб олади, деб ўйлар эди.

У ўзига мурожаат этган Вольфнинг сўзларини тингламасданок:

– Шундай, албатта, – деб жавоб берди.

Бе эса олдида ётган қоғозга гулларнинг шаклини чизар экан, Вольфнинг гапини хомуш қиёфада ўтириб тингларди. Бе ашаддий либерал эди. У олтмишинчи йиллар анъанасини қаттиқ ҳимоя қилар, мабодо холислигидан қайтадиган бўлса ҳам, фақат либераллик фойдасига қайтарди. Чунончи, шу сафар тухматдан шикоят қилган ҳиссадор мулкдор разил одам эди. Бенинг шикоятини оқибатсиз қолдириш тарафдори бўлишининг сабаби яна шу эдики, журналистни тухматда айблаш – матбуот эркинлигини бўғиш деб билар эди. Вольф далилларини келтириб бўлгач, Бе гулни чизиб бўлмай, шундай ҳаққониятни тушунтириб ўтиришга тўғри келгани учун хафа бўлиб, юмшок, ёқимли товуш билан шикоятнинг асоссиз эканлигини қиска, содда ва ишонарли қилиб кўрсатиб берди-да, оппоқ сочли бошини эгиб яна гул чизишга киришди.

Вольфнинг рўпарасида ўтириб ҳамма вақт йўғон бармоқлари билан сокол-мўйловини йиғиштириб оғзига тикаётган Сквородников Бе гапириб бўлиши билан соқолини чайнашдан тўхтаб, хириллаган йўғон товуш билан, ҳиссадорлик жамиятининг раиси кип-қизил муттаҳам бўлишига қарамай, қонуний асослар бўлганда эди, ҳукмни бекор қилиш тарафдори бўлиши мумкинлигини, лекин бундай асос бўлмагани учун Иван Семенович (Бе) нинг фикрига қўшилажагини айтди-да, шу гап билан Вольфга найза санчиб қўйганидан севинди. Раислик қилувчи ҳам Сквородниковнинг фикрига қўшилди ва иш салбий қарор билан тугади.

Вольф, хусусан, инсофини ютиб тарафқашлик қилгани фош бўлгандай кайфи бузилган эди, лекин ўзини бепарволикка солиб навбатдаги Маслованинг ишини очиб ўқий бошлади. Бу орада сенаторлар қўнғирок чалиб чой чақирдилар ва Каменскийнинг дуэли сингари бутун петербургликларни машғул этган бир ҳодиса ҳақида гаплаша бошладилар.

Бу 995-модда билан қайд этилган жиноят устида қўлга тушиб айби очилган департамент директорининг иши эди.

– Нақадар ифлослик, – деди Бе жирканиб.

– Нимаси ёмон? Мен сизларга бир немис ёзувчисининг босилиб чиққан лойиҳасини айтишим мумкин. У бундай ишларни гуноҳ ҳисобламасдан, эркаклар ўртасидаги никоҳга йўл очишни таклиф қилади, – деди Сквородников бармоқларининг орасига қистирган папиросини пишиллаб қаттиқ тортар экан. Кейин қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

– Бўлмаган гап-э, – деди Бе.

– Мен сизга кўрсатишим мумкин, – деди Сквородников ўша асарнинг сарлавҳасини, ҳатто нашр этилган йили ва қаерда босилганини айтиб.

– Миш-миш гапларга қараганда уни Сибирнинг аллақайси шахрига губернатор килиб тайинлашаётган эмиш, – деди Никитин, Сквородников папирос қолдигини тақсимчага ташлади-да:

– Жуда соз, Архиерей<sup>1</sup> уни хоч билан кутиб олади. Ўзига боп архиерейни ҳам топиш керак эди. Мен шунақасини топиб берардим, – деди Сквородников соқол-мўйловини йиғиштириб оғзига тикиб, чайнар экан.

Шу маҳал кириб келган пристав Маслованинг иши кўрилаётган пайтида адвокат билан Нехлюдовнинг ҳам иш-тирок этишни истаганликларини айтди.

– Ғалати иш, – деди Вольф, – бутун бир ишқ жоҳароси, – сўнгра у Нехлюдов билан Маслованинг муносабати ҳақида билганларини гапира бошлади.

Шу тўғрида гаплашиб, папирос чекиб, чой ичиб бўлишгач, сенаторлар мажлислар залига қайтиб чиқдилар-да, биринчи иш ҳақидаги қарорларини эълон этиб, Маслованинг ишини кўришга киришдилар.

Вольф ўзининг ингичка товуши билан Маслованинг шикоятномасини атрофлича баён қилди ва яна холис турмай, суд ҳукмини бекор қилиш тарафдори эканини билдириб

<sup>1</sup> Архиерейлар (юнонча: archiereus – биринчи, катта руҳоний) – христиан черковларида: юқори даражали руҳонийлар (епископ, архиепископ ва митрополит)нинг умумий унвони.

кўйди.

– Қўшимча қиладиган нарсангиз борми? – деб сўради раислик қилувчи Фанариндан.

Фанарин ўрнидан турди, оппоқ кўйлакли кенг кўкрагини кериб, суднинг олти ерда қонуннинг асл мазмунидан четга чиқиб кетганини жуда таъсирли ва аниқ ифода билан исбот қилиб берди, ҳамда ундан ташқари, қисқагина бўлса-да, ишнинг моҳиятига кўчиб, чиқарилган ҳукмнинг адолатсизликдан бошқа нўрса эмаслигини айтишга жасорат қилди. Фанариннинг қисқа, лекин кучли нутқида, баланд идрокли ҳуқуқ донишмандлари бўлиб, ишнинг асл моҳиятини ундан кўра яхши кўриб, тушуниб турган жаноб сенаторларни қистаётгани учун улардан узр сўради, бўйнига олган вазифаси уни шундай қилишга мажбур этаётганини билдирди. Фанариннинг нутқидан кейин сенат суд ҳукмини шубҳасиз бекор қилади, деб ўйлаш мумкин эди. Нутқини тугатгач Фанарин ғолибона жилмайиб қўйди. Нехлюдов адвокатига қараб, унинг бу табассумини кўриб, ишнинг натижаси яхши бўлади деб ишонган эди. Лекин сенаторларга қараб, Фанариннинг ёлғиз ўзи жилмайиб, ёлғиз ўзи тантана қилаётганини кўрди. Сенаторлар ва прокурор муовини жилмаймас, тантана этмас, балки зериккандай: «Сендақаларни кўп кўрганмиз, гапираверасан-да», – деяётгандай кўринишарди. Бекорга вақтни олаётган адвокатнинг нутқи тамом бўлгандагина улар мамнун бўлгандек кўриндилар. Адвокатнинг гапи тугаши билан раислик қилувчи бош прокурор ёрдамчисига мурожаат қилди. Селенин ҳукми бекор қилиш учун келтирилган далилларнинг ҳаммасини асосиз топиб, ишни ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида қисқа, лекин аниқ фикр баён этди. Шундан кейин сенаторлар ўринларидан туриб маслаҳатхонага кириб кетдилар. Маслаҳатхонада овозлар иккига бўлинди. Вольф ҳукмининг бекор этилиши тарафдори эди; воқеани тушуниб етган Бе, суд манзарасини ва маслаҳатчиларнинг хатога йўл қўйганларини шерикларига жонли суратда тасвирлаб берди ва ҳукми бекор қилиш тарафдори бўлди; ҳамма вақт қаттиққўллик, қатъий расмийлик тарафдори бўлган Никитин бунга қарши чиқди.

Иш Сквородниковнинг овози билан ҳал бўлиши керак эди. Ахлоқ талабига кўра Нехлюдовнинг ана шу қизга уйланмоқчи бўлгани Сквородниковнинг гашига теккани учун ҳам ана шу сўнгги овоз рад жавоби бериш тарафдори бўлди.

Сквородников материалист<sup>1</sup>, дарвинчилик<sup>2</sup> тарафдори бўлиб, ахлоқ қоидалари ёки диний масалаларда таассуб кўрсатишни ақлсизлик дебгина эмас, ўзи учун шахсий ҳақорат деб биларди. Ҳақоқат фохиша туфайли вужудга келган бу даҳмаза, уни ҳимоя қилаётган машҳур адвокат билан Нехлюдовнинг бу ерда, сенатда иштирок этиши унга жуда жирканч туюларди. Шундай қилиб, у сокол-мўйловини йиғиштириб оғзига тикар, башарасини бужмайтирар экан, ўзини бу иш ҳақида ҳеч нарса билмаганликка солиб, ҳукми бекор қилиш учун асослар етишмаслиги сабабли раислик қилувчининг, шикоят натижасиз қолдирилсин, деган фикрига қўшилажагини айтди.

Шундай қилиб шикоят рад этилди.

## XXII

– Даҳшат! – деди Нехлюдов портфелига қоғозларини жойлаётган адвокат билан бошлашиб қабулхонага чиқаётиб. – Аниқ-равшан кўриниб турган бир ишда ҳам расмиятчиликка риоя қилиб, рад этишади. Даҳшат!

« – Иш судда расво бўлган, – деди адвокат.

– Селенин ҳам рад жавоби бериш тарафдори. Даҳшат, қандай даҳшат! – деб такрорларди Нехлюдов. – Энди нима қилиш керак?

<sup>1</sup> Материалист (*французча*: materialis – моддий) – идеализмга қарама-қарши ўларок, материянинг, объектив борлиқнинг бирламчилигини, унинг кишилар иродаси, руҳи, онига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжудлигини, руҳ, онгнинг эса ихкиламчилигини, объектив борлиқ ва унинг қонуниятларини билиш мумкинлигини таъкидлашга асосланган фалсафий йўналиш, оқим вақили.

<sup>2</sup> Дарвинизм – органик дунёнинг тарихий ривожланиши тўғрисидаги Ч. Дарвин асос солган илмий дунёқараш. Дарвин кўрсатишчи, ирсий ўзгарувчанлик ва табиий танлаиш эволюциянинг асосий ҳаракатлаштирувчи кучлари ҳисобланади. Ўзгарувчанлик организмлар тузилиши ва функциясида янги белгиларнинг ҳосил бўлишдан иборат. Ирсият орқали бу белгилар наслдан наслга ўтади.



– Зоти олийларининг номига ариза берамиз. Шу ердалигингизда ўзингиз топширинг. Мен ёзиб бераман.

Шу маҳал мундирига қолдузлар таққан паст бўйли Вольф қабулхонага чиқди-да, Нехлюдовнинг ёнига борди.

У тор елкаларини қисиб, кўзини юмиб:

– На чора, азиз князь. Далиллар етарли бўлмади, – деди-да, борадиган жойига чиқиб кетди.

Вольфнинг кетидан Селенин чиқди. У сенаторлардан эски ойнаси Нехлюдовнинг шу ердалигини эшитган эди.

У Нехлюдовга яқин келиб:

– Сени шу ерда учратарман деб ўйламаган эдим, – деди жилмайиб. Лекин унинг фақат лабларигина жилмаяр, кўзи эса хомуш эди. – Сенинг Петербургдалигингни билмаган эдим.

– Мен эса сенинг бош прокурор эканингни билмаган эдим...

– Ёрдамчиси, – деб тўғрилади Селенин. – Сенатда нима қилиб юрибсан? – деб сўради у ойнасига ғамгин ва хомуш боқиб. – Петербургга келганингни эшитган эдим. Бу ерда нима қилиб юрибсан?

– Мен бу ерга ҳаққоният топарман, бегуноҳдан-бегуноҳ кесилган хотинни озод қиларман деган умид билан келган эдим.

– Қанақа хотинни?

– Иши ҳозир кўрилган хотинни.

– Ҳа-а, Маслованинг иши, – деди Селенин эслаб. – Шикоят бутунлай асоссиз.

– Гап шикоятда эмас, бегуноҳдан бегуноҳ жазо тортаётган хотин устида кетяпти.

Селенин хўрсиниб қўйди.

– Шундай бўлиши мумкин, лекин...

– Мумкингина эмас, худди шундай...

– Сен қаёқдан биласан?

– Нега деганда, мен ўша судда маслаҳатчи эдим. Нима хато қилганимни ўзим биламан.

Селенин ўйланиб қолди.

– Ўша вақтнинг ўзидаёқ айтиш керак эди, – деди у.

– Айтганман.

– Баённомага ёзиш керак эди. Агарда шу баённома шикоят аризасига тиркалганда эди...

Ишти ҳамма вақт бошидан ошиб-тошиб ётган Селенин киборлар орасида кам бўларди: Нехлюдовнинг Катюша билан муносабати ҳақида ҳеч нарса эшитмагани кўриниб турарди, буни сезган Нехлюдов ўзининг Масловага бўлган муносабатини гапирмасликка қарор қилди.

– Тўғри, лекин нотўғри ҳукм чиқарилгани шундоқ ҳам кўриниб турибди-ку, – деди Нехлюдов.

– Сенатнинг бундай дейишга ҳақи йўқ. Агар сенат ҳукмининг адолатли, адолатсизлигини ўзи белгилаб, шу фикрига асосан суд ҳукмини бекор қилаверганда эди, сенат таянч нуқтасини йўқотиб қўйиб, адолат ўрнатиш у ёқда турсин, ўзи адолатпарварликни бузган бўларди, – деди Селенин ҳозир кўрилган ишни эслаб, – бундан ташқари, маслаҳатчиларнинг қарори ўз аҳамиятини йўқотиб қўйган бўларди.

– Менга битта нарса: ўша хотиннинг бегуноҳлиги маълум, уни бегуноҳ жазо тортишдан халос қилиб қолишга бўлган сўнгги умид барбод бўлди. Қилинган қонунсизликни олий маҳкама ҳам тасдиқлади.

– Ишнинг моҳиятини текшириб чиқа олмагани учун уни тасдиқлади деб айтиб бўлмайди, – деди Селенин кўзини қисиб, – у гапни бошқа ёққа бурмоқчи бўлди, шекилли, – холангникига тушгандирсан, – деб қўшиб қўйди – Шу ердалигингни кеча холангдан эшитдим. Графиня мени келган воизнинг хутбасини сен билан бирга ўтириб эшитишга таклиф қилган эди, – деди Селенин фақат лаблари билангина жилмайиб.

– Ҳа, мен бор эдим, лекин кўнглим озиб чиқиб кетдим, – деди Селениннинг гапини бошқа ёққа бурганига аччиғланган Нехлюдов жаҳл билан.

– Нега энди кўнглинг озади? Бир томонлама, сектантларча бўлса-да, ҳар ҳолда, диний ҳиснинг намоён бўлиши-ку, – деди Селенин.

– Бемаъниликдан бошқа нарса эмас, – деди Нехлюдов.

– Йўғ-э, черков таълимотларини шундай чала била-

мизки, асосий ақидаларимизни қандайдир бир янгилик деб ҳисоблаймиз, қизик, – деди Селенин собиқ ошнасига ўзининг янги тушунчаларини айтиб солишга шошилгандек.

Нехлюдов ҳайрон бўлиб, Селенинга кўзини тикиб қолди. Селенин ғамгинликкина эмас, бадҳоҳлик ҳам акс этган кўзларини олиб қочмади.

– Ие, сен черков ақидаларига ишонасанми ҳали? – деб сўради Нехлюдов.

Селенин Нехлюдовнинг кўзига тикилиб бақрайиб туриб:

– Албатта, ишонаман, – деб жавоб берди. Нехлюдов хўрсиниб кўйди.

– Қизик, – деди у.

– Ҳай, майли, кейин яна гаплашамиз, – деди Селенин, – ҳозир бораман, – деди у ёнига эҳтиром билан келиб тўхтаган суд приставига, – албатта, учрашишимиз керак, – деб кўшиб кўйди у хўрсиниб. – Лекин сени топиб бўлармикин? Мени ҳамма вақт соат еттида, овқат маҳалида топасан. Надеждинская кўчаси, – Селенин уй номерини айтди, – ўшандан буён озмунча вақт ўтиб кетдимиз, – деб кўшиб кўйди фақат лаби билан жилмайиб.

– Вақт топсам, келарман, – деди Нехлюдов бир вақтлар азиз ва яқин кишиси бўлган Селенинга мана шу қисқа суҳбатдан кейин адоват ҳис этмаса ҳам, унинг қандайдир бегона, узоқ, нотайин бўлиб қолганини пайқаб.

### XXIII

Нехлюдов Селенинни талабалик чоғида танир эди, ўшанда у, ажойиб ўғил, садоқатли ўртоқ, ёшига муносиб маълумотли, назоқатли, яхши кийинадиган, чиройли ва шу билан баравар, жуда ростгўй, ҳам инсофли одам эди. У қийналмасдан, жуда яхши ўқир, бачканаликни билмас, иншо учун олтин медаль оларди.

У сўздагина эмас, амалда ҳам ёшлиқда ҳаётнинг мақсади инсонларга хизмат қилишдан иборат деб тушунар-

ди. Одамларга хизмат қилишни у давлатга хизмат этишдан иборат деб тасаввур этгани учун ҳам, курсни тугатиши биланок, ўз кучини кўрсатиши мумкин бўлган барча ишларни кўздан кечириб чиқди-да, хусусий маҳкаманинг иккинчи бўлимида, қонунларни тузиш ишига раҳбарлик қилиб кўпроқ фойда келтираман деб ўйлаб, шу жойга ишга кирди. Аммо ўзидан талаб қилинган нарсаларни аниқ ва ҳалол бажаришига қарамай, бу хизматда одамларга фойда келтириш тўғрисидаги орзуларига ета олмади, онгида керакли ва зарур ишни бажаряпман, деган ишонч уйғонмади. Бу қаноатланмаслик жуда майда гап мансабпараст бир бошлик билан тўқнашганидан кейин яна кучайиб кетди, у иккинчи бўлимдан бўшаб, сенатга ўтди. Сенатда қўнгли анча таскин топди, лекин, ҳали ҳам бўлса, қаноатланмаслик ҳиссидан қутула олмади. Орзу қилган нарсаларининг рўёбга чиқмаганини ҳис этарди. Шу ерда, сенатда хизмат қилиб юрганида қариндош-уруғлари ҳаракат қилиб уни камерюнкерлик<sup>1</sup> мартабасига кўтардилар, шундан кейин у зарҳал мундир кийиб, оқ матодан фартук тутиб, каретада ўзини малайлик лавозимига кўтарган турли одамларга ташаккур билдиргани боришга тўғри келди. Шунча уринса ҳам, бу лавозимнинг зарурлигига важ топа олмади. Энди у, бу ишнинг кўнгилдагидек эмаслигини аввалидан кўра кўпроқ ҳис қила бошлади. Лекин шунга қарамай, аввало, шу лавозимга кўтариш билан унга катта яхшилик қилдик, деб ўйлаган одамларни хафа қилмаслик учун бу мансабдан воз кеча олмас эди. Иккинчи томондан эса, бу мансабга белгиланиши табиатнинг энг тубан хусусиятларига хуш келган эди. Ойнага қараб ўзини зарҳал мундирда кўриш ва шу мансабга белгилангани учун, баъзи одамлар уни иззат-ҳурмат қилгани унга жуда ёқар эди.

Уйланишда ҳам худди шу аҳвол рўй берди. Киборлар фикрича, яхши жойдан уйланган эди. Селенин унга куёвга чиқишни истаган қизни ва уни шу кизга уйлантириш ҳаракатида юрган кишиларни хафа қилмаслик учун ва чиройли,

<sup>1</sup> Камер-юнкер (немисча: *Kammerjunker* - ёш дворян) - чор Россияси ва баъзи Европа малкатларида мавжуд бўлган ушвон ва лавозим.

ёш, асилзода кизга уйланиш унинг иззат нафсини қондиргани учунгина уйланган эди. Аммо уйланиши ҳам хизмати ва саройдаги амали сингари «қўнгилидагидек бўлиб чиқмади». Бу нарса унга тезда аён бўлди. Биринчи боладан кейиноқ хотини ортик фарзанд кўришни хоҳламади ва киборларча муҳташам ҳаёт кечира бошлади, Селенин ҳам истар-истамас шундай ҳаёт кечирिशга мажбур эди. Хотин айтарли гўзал эмас, эрига садоқатли эди, эрининг ҳаётини захарлаган, ўзини ҳам чарчатган, тинкасини қуритган бўлсада, шу тарзда ҳаёт кечирини давом этдирарди. Селениннинг бу ҳаётни ўзгартириш учун қилган уринишлари, шундай ҳаёт кечирини керак деб ишонган хотини ва унинг қариндош-уруғлари ҳамда таниш-билишларининг қаршилигига учраб барбод бўларди.

Фарзанди, олтинранг узун сочли қизчаси Селенин истаганича тарбияланмагани учун ҳам унга бегонадек эди. Эр-хотин одатдагидек, бир-бирини тушунмас, ҳатто бир-бирларини тушунишни истамас эди, унинг уйдаги ҳаётини захарлаган, лекин одоб юзасидан сир тутиладиган, чекланган сўзсиз кураш бошланди. Шундай қилиб, оила ҳаёти, хизмати ва саройдаги амалидан ҳам баттар бўлиб, «қўнгилидагидек эмас» эди.

Унинг динга бўлган муносабати ҳам «қўнгилидагидек эмас» эди. Селениннинг ақли ўсгач, ўз муҳити ва замонидаги одамлар каби, ёшлиқдан мянсага сингдирилган диний мавҳумотлар<sup>1</sup> тўрини осонгина узиб ташлади. Ёшлик, талабалик чоғида ва Нехлюдов билан дўст бўлган пайтида у жиддий ва виждонли одам бўлгани учун расмий дин мавҳумотларидан озод бўлганини яширмас эди. Лекин вақт ўтган ва мартабаси ошган сайин, айниқса, ўша пайтларда, жамиятда консерватизм, реакция ҳукмрон бўлган пайтда бу маънавий озодлик унга халақит бера бошлади. Уйдаги вазиятни ҳисобга олмаганда (айниқса, отаси ўлим тўшагида ётган чоғида ва унинг ўлиmidан сўнг диний маросимлар ўтказилган, онаси Селениндан рўза тутишини талаб қилган эди, жамоат фикри

<sup>1</sup> Мавҳумот (арабча) – мавҳум нарсалар, хассий тушулчалар.

ҳам қисман шундай қилишини талаб этарди), хизмат жойида ҳам куни узлуксиз диний маросимлар, дуолар ва шукроналар билан ўтарди. Диннинг тарк қилиб бўлмайдиган зоҳирий маросимларида қатнашмаган куни йўқ эди. Шу ибодатларда иштирок этар экан, икки йўлдан бирига кириши керак эди: ё ишонмаган бир нарсасига ўзини ишонган қилиб кўрсатиши (ўзи табиатан ростгўй бўлгани учун бундай қила олмас эди), ёки мана шу ташқи шакллارни ёлғон деб билиб, ҳаётини шундай қуриши керак эдики, натижада ана шу ёлғон деб санаган нарсасида иштирок этишга зарурат қолмаслиги керак эди. Бир қараганда осонгина кўринган ишни амалга ошириш учун кўп машаққатни бўйнига олиши керак эди: бутун яқинлари билан доимий кураш олиб боришдан ташқари вазиятини ҳам. Ўзгартириши, ишни ташлаши ва, ўз фикрича, одамларга келтираётган ва истиқболда фойда келтирадиган хизматидан воз кечиши керак бўларди. Шуларнинг ҳаммасини амалга ошириш учун ўзининг ҳақлигига қаттиқ ишонган бўлиши керак эди. Замонамизнинг тарихдан, умуман диннинг келиб чиқишидан ва черков христиан динининг келиб чиқиши ҳамда инқирозидан озгина бўлсада, хабардор бўлган ҳар бир маълумотли кишиси соғлом тушунчанинг ҳақлигига ишончи комил бўлганидек, Селенин ҳам ўзининг ҳақлигига қаттиқ ишонган эди. Черков таълимотини тан олмаган Селенин ўзининг ҳақли эканини билмаслиги мумкин эмасди.

Аммо ҳаётини шароитлар тазйиқи остида ана шу ростгўй одам кичик бир хатога йўл қўйди. Бу хато шундан иборат эдики, у, номаъқул нарсанинг номаъқуллигини тасдиқлаш учун, даставвал, ана шу номаъқул нарсани ўрганиш керак деган фикрга келди. Бу кичик хато эди. Лекин шу кичкина хато газак олиб, катта хатога сабаб бўлди.

Дунёга кўз очиб православие динида тарбия топган Селенин бу диннинг тўғри-нотўғри эмаслиги ҳақида ўзига савол бериб, унга олдиндан жавоб топиб қўйган эди, тева-рак-атрофдагилар ундан шу динда бўлишни талаб этар, бу динга иқрор бўлмасдан туриб одамларга фойдали бўлган фаолиятини давом этдира олмас эди. Шунинг учун ҳам бу

масалани аниқ тушуниб олиш мақсадида Вольтер<sup>1</sup>, Шопенгауер<sup>2</sup>, Спенсер<sup>3</sup> ва Кант<sup>4</sup> асарларини қўлига олмай, Гегелнинг<sup>5</sup> фалсафий китоби ҳамда Vinet, Хомяковнинг диний асарларини кўриб чикди. Табиий, ана шу асарларда у ўзига керак бўлган нарсаларни топди. Селенин ўзи шу динда тарбия топган, лекин ақли бу динни қўпдан буён қабул қилмай қўйган эди, лекин унинг хаёти шу динсиз кўнгилсиз воқеалар билан тўлиб тошарди, эътироф этган тақдирда эса ана шу барча кўнгилсизликлар бартараф бўлиб кетар, ўша диний таълимотни оқловчи ва бир қадар таскин берувчи нарса топарди. Шунинг учун у, инсон якка ўзи ақли билан ҳақиқатни англай олмайдиган инсон биргаликдагина ҳақиқатни оча олади, ҳақиқатни англашнинг ягона шарти ба-шоратдир, у эса черковдагина бўлади ва ҳоказо деган одатдаги сафсаталарни ўзлаштириб олди, энди эса ана ўшандан бери қаллоблик қилаётганини англамай, хотиржамлик билан ибодат қилар, дуо ўқир, диний маросимларда иштирок этар, рўза тутар, иконага қараб чўқинар, хизмат қилишда давом этар, хизмат эса унда, фойда келтиряпман, деган ишончни

<sup>1</sup> Мари Франсуа Аруз Вольтер (1694-1778) – француз ёзувчиси, файласуф, тарихчи. Дидро бошчилигидаги «Энциклопедия»ни нашр этишда фаол иштирок этган. «Фалсафий мактублар», «Метафизика тўғрисидаги рисола», «Ньютон фалсафасининг асослари», «Лисабон ҳалокати ҳақида дoston», «Гесирида», «Орлеан кизи», «Задиг», «Кандид», каби асарлар муаллифи.

<sup>2</sup> Фредерих Шопенгауэр (1810-1849) – поляк композитори, пианиночи, мусикий романтизмнинг йирик вакили. Фортепиано учун 2 концерт, 3 сонатасида Бетховен симфонизми анъаналарини давом эттирди. Скерцо, чолгу баллада, этюд, прелюдия ва ноктюриларни мустақил бадий тугал асарлар даражасига кўтарган.

<sup>3</sup> Черчилл Уинстон Леонард Спенсер (1874-1965) – XX асрнинг 20-йиллардан бошлаб Буюк Британия консерваторлар партиясининг раҳбарларидан бири. 1908-йилдан бошлаб турли вазирлик лавозимларида ишлаган (ички ишлар вазири, авиация вазири, ҳарбий вазири, молия вазири). 1940-1945 ва 1951-1955-йилларда Буюк Британия Бош вазири.

<sup>4</sup> Иммануэл Кант (1724-1804) – немис файласуфи. Немис классик фалсафасининг асосчиларидан бири. «Осмоннинг умумий табиий тарихи ва изварияси», «Соф ақлнинг танқиди», «Амалий ақлнинг танқиди», «Мулоҳаза қобилиятининг танқиди», «Ахлоқ метафизикаси асослари», «Инсон табиатидаги азалий ёмонлик» каби асарлари бор.

<sup>5</sup> Георг Вильгельм Фридрих Гегель (1770-1831) – йирик немис файласуфи, немис мумтоз фалсафасининг энг машҳур вакили. Асосий асарлари: «Рух феноменологияси», «Мантик фани», «Фалсафа фанлари энциклопедияси», «Хуқук фалсафаси», «Дин фалсафаси буйича лекциялар», «Фалсафа тарихи буйича лекциялар», «Эстетика буйича лекциялар», «Тарих фалсафаси буйича лекциялар».



хосил қилар, кўнгилсиз оилавий ҳаёт кечираётган Селенинга тасалли берар эди. Ўзи диндорман деб ўйлар эди. Аммо ўзининг динга бўлган бу ишончи бошқа нарсалардан ҳам кўра кўнгилга ўтиришмаганини бутун борлиги билан ҳис этарди.

Шунинг учун ҳам унинг кўзлари ҳамма вақт ғамгин эди. Шунинг учун ҳам, у ана шу қаллоблик ҳали кўнглидан жой олмаган пайтлардан бери танийдиган Нехлюдовни кўрганда ўзининг ўша вақтда қанақа бўлганини эслади, айниқса, ўзининг динга қарашини шошиб-пишиб изҳор этганда эса мана шуларнинг барчаси «кўнгилдагидек эмас»лигини ҳар вақтдагидан кўра чуқурроқ ҳис этди, қаттиқроқ азоб чекди. Эски кадрдонини кўрганда даставвал суюниб кетган Нехлюдов ҳам кейин ўзини худди шундай ҳис этди.

Шу сабабли уларнинг иккаласи яна кўришишга ваъдалашган бўлсалар-да, учрашишни истамадилар ва Нехлюдовнинг Петербургга шу келишида ортиқ кўришмадилар.

## XXIV

Нехлюдов сенатдан чиқиб адвокат билан бирга йўлқадан юриб кетишди. Адвокат извошчига, орқамдан келавер, деди-да, ўзи Нехлюдовга бояги сенаторлар гапиришган, жиноят устида қўлга тушиб, қонунга биноан қаторгага ҳукм бўлиш ўрнига Сибирга губернатор қилиб тайинланаётган департамент директори ҳақида ҳикоя қила бошлади. Адвокат воқеани бутун иқир-чикири билан батафсил сўзлаб, қурилиб битмаган ҳайкал учун (эргалаб улар бу ҳайкал ёнидан ўтган эдилар), тўпланган пулларнинг юқори табақали кишилар томонидан ўғирланганини алоҳида бир мамнуният билан ҳикоя қилиб бўлди-да, аллакимнинг маҳбубаси биржада<sup>1</sup> миллионлаб пул топгани ва фалончи хотинини сотганини, писмадончи хотин сотиб олганини гапириб

<sup>1</sup> Биржа (юнонча: бурса – ҳамён, ҳалта) – қимматбаҳо қоғозлар ва ҳар хил моллар билан савдо-сотиқ қиладиган йирик савдо муассасаси; бозорни уюштиришнинг ташкилий шакли.

чиқди, авахтада ётиш ўрнига давлатнинг юқори мартаба-лариди хизмат қилаётган одамларнинг муттаҳамлиги ҳақида яна бир ҳикояни бошлади. Айтиб тугатиб бўлмайдиган бу беҳисоб ҳикоялар адвокатнинг пул топиш учун тутган йўли Петербургдаги барча олий мартабадаги тўралар тутган йўлга нисбатан тўғри ва ҳалол эканини кўрсатиб бераётгани учун ҳам адвокатда мамнуният уйғотарди. Нехлюдовнинг юқори мартабадаги тўраларнинг жиноятлари ҳақидаги сўнгги ҳикояни охиригача тингламай хайрлашиб извошга ўтириб уйига, анҳор бўйига қараб кетгани адвокатни жуда хайрон қолдирди.

Нехлюдов жуда маънос эди. У асосан сенатнинг рад жавоб бериши бегуноҳ Маслово бошига тушган азоб-уқубатларни тасдиқлагани ва шу рад жавоб Нехлюдовнинг ўз тақдирини Маслованинг тақдири билан боғлаш тўғрисидаги ниятини амалга оширишни қийинлаштиргани учун маънос эди. Адвокатнинг ҳукм сурган даҳшатлар ҳақидаги қувончли ҳикоясидан кейин ҳафақонлиги яна ошди, ундан ташқари, бир вақтлар дилкаш, очик кўнгли, олийжаноб бўлган Селениннинг нохуш, совуқ ва хунук боқишлари эсига келаверди.

Нехлюдов уйга қайтиб келгач, швейцар нафратлангандек, унга хат узатди, швейцарнинг айтишича, буни аллақандай бир хотин қоровулхонада ёзиб ташлаб кетган эди. Хат Шустованинг онасидан эди. Аёл ушбу хатида қизининг муруватли халоскори бўлган жанобга миннатдорчилик билдиргани келганини ёзган, ундан ташқари, Василевский оролига, бешинчи йўналишдаги фалон уйга келиб-кетишини ялиниб-ёлвориб сўраган эди. «Бир келиб-кетишингиз Ефремовна учун жуда зарур, – деб ёзган эди у, – Ташаккур билдира бериб жонингизга тегмаймиз, бу ҳақда сўз ҳам бўлиши мумкин эмас, шунчаки ўзингизни кўриш билан хурсанд бўламыз», – деган, агар иложи бўлса, эртага эрталаб келишини сўраган эди.

Иккинчи хат Нехлюдовнинг собиқ ўртоғи, Флигель-адъютант<sup>1</sup> Богатиревдан эди. Нехлюдов сектантлар номидан

<sup>1</sup> Адъютант (лотинча: adjutans – ёрдам берувчи) – 1) бошлик (командир, қўмондон) ҳузурида турли топшириқларни бажарувчи харбий хизматчи (зобит).

ёзилган аризани унга бериб, ўз қўли билан подшога топширишни илтимос қилган эди. Богатирев ўзининг катта-катта ҳарфлар билан дадил ёзган хатида, ваъдасига мувофиқ аризани подшонинг кўлига беражагини айтиб, миясига бир фикр келганини ёзган: Нехлюдовнинг ўзи аввал шу ишга алоқадор бўлган шахс билан учрашиб, ундан илтимос қилса, яхши бўлмасмикин, деган эди.

Нехлюдов Петербургда бўлган сўнги кунлари таассуроти остида бирон нарса чиқаришидан умидини узгай эди. Унинг Москвадалик пайтида тузган режалари – ҳаётга қадам қўйган пайтда остин-устун бўлиб кетадиган ёшлик хаёлларига ўхшарди. Лекин шунга қарамай, Нехлюдов Петербургдалигида, ниятидаги ишларини амалга оширишга, эртагаёқ Богатирев билан учрашиб, унинг маслаҳатини бажаришга, сектантларнинг иши билан алоқадор бўлган шахс олдига боришга аҳд қилди.

Нехлюдов портфелидан сектантларнинг аризасини чиқариб, уни қайтадан ўқиётган маҳалида, графиня Катерина Ивановнанинг хизматкори кириб, чой ичиш учун юқорига чорлади.

Нехлюдов ҳозир бораман деб айтди-да, қоғозни тахлаб портфелга солиб холасининг олдига чиқиб кетди. Юқорига чиқиб кета туриб Нехлюдов деразадан кўчага қаради ва Mariettening кўш жийронини кўриб қолди, бирдан кўнгли очилиб, кулгиси қистади. Бошига шляпа (лекин бу гал шляпаси қора эмас, қандайдир очик рангда эди), гулдор кўйлак кийган Mariette кўлида пиёлача ушлаган ҳолда графинянинг креслоси ёнида чиройли кўзларини чакнатиб, бижир-бижир қилиб, кулиб алланималарни ҳикоя қиларди. Нехлюдов хонага кириб келган пайтда у аллақандай қизиқ ва кулгили беҳаё сўз айтиб юборган эдики (бу гапнинг беҳаёлигини Нехлюдов уларнинг кулаётганидан пайқаган эди), лаблари устини тук босган, кўнгилчан Катерина Ивановна бутун йўғон гавдаси билан силкиниб, қотиб-қотиб қулди, серҳаракат Mariette эса mischievous<sup>1</sup> билан, табассум

<sup>1</sup> Mischievous (инглизча) – шўхлик.

қилиб турган лабини сал қийшайтириб, кулиб турган юзини бир ёнга эгиб, ҳамсухбатига индамай қараб ўтирарди.

Нехлюдов бир неча сўздан кейин уларнинг ўша пайтда Петербургни машғул қилган иккинчи янгилик ҳақида, Сибирнинг янги губернатори ҳақида гаплашаётганларини, Mariette худди шу хусусда қизиқ бир гап қотганини, шунинг учун ҳам графиня кулгидан ўзини тия олмаганини англади.

– Ичагимни узасан-ку, – деди у йўталиб.

Нехлюдов саломлашди ва уларнинг ёнига ўтирди. Нехлюдов Mariette'ни енгилтаклиги учун койимоқчи бўлиб турган ҳам эдики, Нехлюдовнинг жиддий ва норози эканини юзидан кўриб, унга ёқиш учун (Нехлюдовни кўрган кунёк унга ёқиш орзуси туғилган эди), шу заҳоти фақат юзининг ифодасиянигина эмас, ҳатто бутун рухий аҳволини ҳам ўзгартирди. Mariette бирдан жиддий, ўз ҳаётидан норизо, алланарса излаётган, нимагадир интилаётган киши қиёфасини олди. У Нехлюдовнинг ҳозирги кайфиятини пайқаб олиб (гарчи унинг қанақалигини сўз-билан ифода эта олмаса-да), ўзини ростдан ҳам унинг ҳолатига киришга мажбур этди.

Mariette ундан ишларининг нима билан тугаганини сўради. Нехлюдов сенатдаги муваффақиятсизлик ва Селенин билан учрашганини сўзлади.

– Ох, қандай соф кўнгил одам! Ҳақиқий *chevalier sans peur et sans reproche*<sup>1</sup>. Соф кўнгил, – деди иккала аёл Селениннинг одамлар орасидаги тавсифини тилга олиб.

– Хотини қанақа? – деб сўради Нехлюдов.

– Хотиними? Уни ёмонламоқчи эмасман, лекин гапнинг очиғи шуки, у зрини тушунмайди. Нима, наҳотки у ҳам рад жавоб бериш тарафдори бўлса? – деб сўради Mariette чин юракдан ачиниб, – жуда ёмон бўлибди, афсус! – деб қўшиб қўйди у хўрсиниб.

Нехлюдов қовоғини солди, гапни бошқа ёққа буриш учун крепостда қамалиб ётган, унинг ёрдами билан бўшатишган Шустова ҳақида гапира бошлади. Эрига илтимос

<sup>1</sup> *Chevalier sans peur et sans reproche* (французча) – таъна ва қўрқувни билмаган баҳодир.

қилгани учун Marietteга ташаккур билдирди ва ўша аёл, ҳамда унинг бутун оиласи ҳеч кимнинг ёдига келмагани учун улар шунча азоб чеккани нақадар мудҳишлигини айтмоқчи эди ҳамки, лекин у гапни тугатмасданок Mariette ўзининг жуда ғазабланганини айтди.

– Қўйинг, гапирманг, – деди у, – эрим уни бўшатиш мумкин дейиши биланок миямга худди шу фикр келди. Бегуноҳ экан, нега шу маҳалгача қамокда олис ўтиришди? – деди у Нехлюдов айтмоқчи бўлиб турган гапни айтиб, – нақадар қабих, нақадар ярамас ҳол!

Графиня Катерина Ивановна Marietteнинг жиянига ноз-ишва қилаётганини кўриб, завқланарди.

– Биласанми? – деди графиня улар жим бўлиб қолишгандан кейин, – эртага кечкурун Marietteникига боргин, Кизеветер келади. Сен ҳам бор, – деди у Marietteга ўгирилиб.

– Il vous a remarque<sup>1</sup>, – деди жиянига, – сен айтган нарсаларнинг ҳаммасини мен унга гапириб бергандим, – бу яхшилиқнинг нишонаси. Исонинг даргоҳига эришади, деб айтди. Албатта, кел. Mariette, айт унга, борсин. Ўзинг ҳам бор.

– Мен, графиня, биринчидан, князга маслаҳат бериш ҳуқуқига эга эмасман, – деди Mariette Нехлюдовга қараб ва шу боқиши билан графиянинг, сўзлари ва умуман Инжилчиликка нисбатан ўзи билан Нехлюдов ўртасида уйғунлик ўрнатгандек бўлиб, – иккинчидан, ўзингиз биласиз-ку, ёмон кўришимни...

– Сен доим... шунақа ўз билганингнинг аксини қиласан.

– Қанақасига ўз билганимни? Мен динга энг оддий хотинлар сингари ишонаман, – деди у жилмайиб. – Учунчидан, – деб давом этди у, – эртага француз театрига борадиганман...

– Оҳ! Кўрдингми бу... хаҳ, оти нимаиди-я? – деди графиня Катерина Ивановна.

Mariette машҳур француз актёрининг номини айтди.

<sup>1</sup> Il vous a remarque (французча) – у сени кўрибди.

– Албатга, бориб кўр – ажойиб нарса.

– Аввал қайсини кўрай, та tante, актёрними ё воизними? – деди Нехлодов жилмайиб.

– Кўй, мени сўзимдан адаштирма.

– Менимча, олдин воизни тинглаш, кейин француз актёрини кўриш керак, бўлмаса, ваъз эшитишга ҳафсала қолмайди, – деди Нехлодов.

– Йўқ, аввал француз театридан бошлаш керак, кейин тавба қилиш керак, – деди Mariette.

– Мени калака қилаверманглар. Воиз ўз йўлига, театр ўз йўлига. Нажот тилайман деб кўзни шишириб тинглайвериш шарт эмас. Ишониш керак, шунда кўнглинг очилади.

– Сиз, та tante, ваъзхонликда ҳар қанақа воиздан ўтар экансиз.

– Биласизми нима? – деди Mariette ўйланиб, – эртага ложа<sup>1</sup> келинг.

– Иложини топа олмасман деб кўркаман...

Бир одамнинг келганидан хабар қилгани кирган хизматкор уларнинг гапини бўлди. Келган одам графиня раислик қилган хайрия жамиятининг котиби эди.

– Ўлгудек оғир одам-да. Яхшиси ўша ёқда қабул қила қолай. Кейин қайтиб кираман ёнингизга. Унга чой қуюб беринг, Mariette, – деди графиня тез-тез юриб, кийпанглаб залга чиқиб кетар экан.

Mariette ён бармоғи узуклар билан бежалган қўлидаги қўлқопини чакқонлик билан ечди.

У жимжилоғини кўтариб, спирт билан ёнадиган чироқнинг устида турган кумуш чойнакни ушлар экан:

– Ичасизми? – деб сўради.

Mariettening юзи жиддий ва ғамгин тус олди.

– Фикр-мулоҳазаларини ҳурмат қилиб юрган кишиларим, мени шу ўзим яшаган муҳитдан фарқ қилмайди, деб ўйлаш менга ҳамма вақт жуда қаттиқ ботади.

Охирги сўзларни айтар экан, у йиғлаб юбораёзди. Агарда, мағзини чақиб кўрилса, бу сўзлар маънисиз ёки

<sup>1</sup> Ложа (французча: loge; қадимий немисча: laubia – шийпонча) – томоша залида бир неча киши ўтириши учун ажратиб асалган махсус жой.

бетайин сўз бўлса-да, Нехлюдовга жуда мазмундор, соф ва самимий кўринди. Ёш, чиройли, яхши кийинган жувон шу сўзларни айтаётганда, кўзларининг чақнаб туриши Нехлюдовни шу қадар жалб қилган эди.

Нехлюдов индамай унга тикилар ва кўзини сира узолмас эди.

– Сизни ва кўнглингиздан кечаётган нарсаларни тушунмайди, деб ўйламанг. Сизнинг қилиб юрган ишингиз ҳаммага аён-ку. *C'est le secret de policnelle*<sup>1</sup>. Шунингизга қойилман, шунингиз менга манзур.

– Қойил қоладиган жойи йўқ, арзимаган иш қилдим-ку.

– Барибир. Сизнинг ҳиссиётингизни ҳам, уни ҳам тушунаман, – Нехлюдовнинг юзида норозилик ифодасини кўриб: – бўлди, бўлди, бу тўғрида энди гапирмайман, – деди дарҳол сўзини бўлиб. *Mariette* хотинларга хос сезгирлик билан Нехлюдовнинг кўнглидаги нарсани топиб гапирарди. – Яна турмалардаги даҳшат ва азоб-уқубатларни кўргандан кейин мазлумларга ёрдам бергингиз келиб қолган, албатта, тушунаман буни, – деярни фақат бир нарсани – уни ўзига жалб қилишни истаб, – у бечораларга жуда жабр, одамларнинг бағри тош, бепарво... Бу йўлда жон фидо қилса арзийди, тушунаман, ўзим ҳам жонимни берардим-ку-я, текин ҳар кимнинг тақдири ўзгача...

– Ажабо, сиз ўз тақдирингиздан норизомисиз?

Бу ҳақда сўраш мумкин бўлганига танг қолгандек:

– Менми? – деб сўради *Mariette*, – мамнун бўлишим керак – мамнунман. Лекин бир қурт бор, уйғониб бош кўтаради...

– Шу қуртнинг ухлаб қолишига йўл қўймаслик керак, шу сўзга ишониш керак, – деди Нехлюдов унинг ёлғонига учиб. Кейинчалик, шу суҳбат эсига тушганда Нехлюдов уялиб кетар эди. Сўзларнинг қанчалик ёлғон, ясама эканлигинигина эмас, балки унга тақлид қилиб гапиргани, камокдаги даҳшатларни, кишлоқ таассуротларини ҳикоя

<sup>1</sup> *C'est le secret de policnelle (французча)* – у ҳаммага маълум бўлган сир.



қилган чоғида астойдил кулоқ солиб эшитаётгандек кўринган қиёфасини ҳам эсларди.

Графиня қайтиб кирган пайтда улар эски дўстлардек кина эмас, балки оломон ичида фақат бир-бирларини тушунадиган яғона ошналар сингари гаплашиб ўтиришарди.

Улар ҳукуматнинг адолатсизлиги, бахтсизларнинг чеккан азоб-уқубати, халқнинг камбағаллиги ҳақида гаплашишарди-ю, аммо бир-бирларига тикилиб турган кўзлари гап орасида зўр бериб: «Мени сева оласанми?» деб сўрар ва: «Ҳа» деб жавоб қайтарарди, шахвоний туйғулар эса кутилмаган ранг-баранг шаклга кириб, бир-бири билан яқинлашишга ундарди.

Жўнаб кетаётганида Mariette, Нехлюдовга ҳар вақт ҳар қанақа хизматига тайёр эканини айтиб, эртага кечкурун театрга, унинг ёнига ҳеч бўлмаганда бир дақиқага бўлса-да, келиб кетишини сўради, у билан муҳим бир нарса устида гаплашмоқчи бўлганини билдирди.

У узук таққан қўлларига қўлқопини оҳиста кияр экан:

– Ҳа, сизни энди қачон кўраман? – деди хўрсиниб, – келаман деб қўя қолсангиз-чи.

Нехлюдов келишга ваъда берди.

Шу куни кечаси, Нехлюдов ўз хонасида ёлғиз қолгач, шамни ўчириб ўринга кириб ётди-ю, лекин анчагача кўзига уйку келмади. Масловани, сенатнинг қарорини ва унинг кетидан кетишга аҳд қилганини, ер-мулкидан воз кечганини эслар экан, шу саволларига жавобан Mariettening юзи, унинг хўрсингани, «сизни энди қачон кўраман?» деган пайтидаги боқишлари, табассуми кўз олдига келди, – худди кўз ўнгида тургандек равшан кўринди, ўзи ҳам жилмайди. «Сибирга жўнаб яхши иш қиляпманми? Бойликлардан ўзимни маҳрум этганим яхши бўлдимми?» – деб сўради у ўзидан.

Деразанинг ярим туширилган пардаси орқасидан кўриниб турган ўша ойдин Петербург кечасида бу саволларнинг жавоби ноаниқ эди. Мияси ғовлаб кетди. Нехлюдов ўзида аввалги кайфиятни уйғотмоқчи бўлди, аввалгича фикр юритмоқчи бўлди, лекин бутфикрлар аввалгидек қатъий, ишонарли эмас эди.

«Шуларнинг ҳаммаси уйдирма гап бўлиб чиқса-ю, шундай яшаб кетишга иродам етмаса-я: наҳотки, шу яхши ишимга пушаймон бўлсам-а», – деди у ўзига ўзи ва бу саволларга жавоб беришга ожизлик қилиб, шу қадар кўнгли ғаш, дили вайрон бўлдики, у кўпдан буён ўзини шундай ҳис этмаган эди. Шу саволларни ҳал этишга ожизлик қилган Нехлюдов киморда кўп пул ютқизган пайтларидагидек оғир уйкуга кетди.

## XXV

Эртасига эрталаб Нехлюдов уйғониши биланоқ қандайдир бир қабохат қилиб қўйганини ҳис этди.

У эслай бошлади: қабих иш ҳам, ёмонлик ҳам қилмаган эди, бироқ Катюшага уйланиш, ерни деҳқонларга бериш каби ҳозирги ниятлари ҳақида ёмон ўйларга борган эди, – шуларнинг ҳаммаси амалга ошириб бўлмайдиган хаёллар эканлиги, шуларга бардош бера олмаслиги, шуларнинг ҳаммаси сунъий, табиий эмаслиги, қандай яшаган бўлса, шундай яшаш кераклиги ҳақида ўйлаган эди.

Ёмон бир иш қилмаган эди-ю, лекин ёмон ишдан баттар нарсалар бўлиб ўтган эди: ярамас ишларга сабаб бўладиган фикрлар ақлига келган эди. Ёмон ишни такрорламаслик ва пушаймон бўлиш мумкин, аммо ёмон фикрлар эса ёмон ишларни туғдира беради.

Ёмон ҳаракатлар ёмон ишга йўл очади, ёмон фикрлар эса инсонни шу йўлга судрайди.

Нехлюдов эрталаб кеча кечкурун миясига келган фикрларни тасаввурида такрорлаб кўрди-да, бир дақиқага бўлса-да шуларга ишонганига хайрон қолди. Амалга оширмакчи бўлган иши нақадар янги ва қийин бўлмасин, унинг учун бирдан бир ҳаёт йўли эканини, аввалги ҳолатга қайтиш нақадар осон ва энгил бўлмасин, ўлимга олиб боришини яхши биларди. Нехлюдов кечаги ҳолатини уйкуга тўйиб уйғонган киши ҳолатига ўхшатди. Уйкуга тўйиб уйғонган одам ўзини кутиб турган муҳим ва қувончли ишни бажариш учун аллақачон туриши кераклигини билса-да, уйкуси кел-

маётганига қарамай тўшақда роҳатланиб яна ётгиси келади.

Шу куни Петербургда Васильевский оролида турадиган Шустованикига жўнади.

Шустованинг уйи иккинчи қаватда эди. Қоровулнинг сўзи билан Нехлюдов орқа эшикдан кирди ва тик зинадан юриб, иссиқ овқат иси келиб турган опхонага чиқди. Фартук кийган, кўзойнак таққан, енгги шимарилган ўрта яшар хотин плита тепасида туриб буғи чиқиб турган кастрюлни кавлаштирарди.

Аёл кириб келган одамга кўзойнаги тепасидан қараб: – Сизга ким керак? – деб сўради жиддий.

Нехлюдов жавоб беришга улгурмасиданоқ аёлнинг қиёфаси бирдан ўзгарди, юзида ҳам қўркув, ҳам шодлик белгилари намоён бўлди.

– Вой, князь! – деб қичқириб юборди аёл қўлини фартукига арта-арта, – нега орқа зинадан келдингиз? Валинеъматимиз! Мен қизнинг онасиман. Сал бўлмаса, қиз бечорани бегуноҳдан бегуноҳ ҳалок қилаёзишди. Халоскоримизсиз, – дерди аёл Нехлюдовнинг қўлига ёпишиб ва уни ўпишга чоғланиб, – кеча уйингизга борган эдим. Хусусан, синглим илтимос қилган эди. Ҳозир шу ерда. Бу ёққа, бу ёққа, менинг кетимдан юринг, – дерди Шустованинг онаси Нехлюдовни тор эшикдан қоронғи йўлакка бошлаб бораркан, у йўл-йўлакай гоҳ қистирилган кўйлагини, гоҳ сочини тузатарди, – синглим – Корнилова, балки, эшитгандирсиз, – деб шивирлади эшик олдида тўхтаб. – Сиёсий ишларга аралашиб юради. Жуда ақлли хотин.

Шустованинг онаси йўлакдаги эшикни очиб, Нехлюдовни кичкинагина хонага бошлаб кирди. Бу ерда, стол ёнида турган диванда йўл-йўл чит кофта кийган, онасиникига ўхшаб кетган дўмбок, рангсиз юзини сарғиш, жингалак сочлари ўраб олган ўрта бўйли, тўладан келган қиз ўтирарда. Унинг рўпарасида ёқасига ироқи тикилган русча кўйлак кийган, кичкина қора мўйловли, чўққи соқол йигит креслода энгашиб ўтирарди. Иккаласи шу қадар берилиб гаплашар эдиларки, Нехлюдов киргандан кейингина ўтирилиб қарадилар.

– Лида, князь Нехлюдов, худди ўша...

Рангсиз қиз асабийлик билан ирғиб турди, кулоғининг орқасидан чиқиб кетган бир тутам сочини тўғрилай-тўғрилай, қўркув аралаш катта куралай кўзларини князга тикди.

– Вера Ефремовна айтган ўша хавfli аёл сиз экансизда? – деди Нехлюдов жилмайиб кўлини узатар экан.

Лидия оғзи тўла оппок тишларини кўрсатиб болаларча мулойим жилмайиб:

– Ҳа, мен, – деди. – Холам сизни жуда кўрмоқчи эдилар. Хола! – деди у эшикка қараб боягидай мулойим товуш билан.

– Сизнинг қамалганингизга Вера Ефремовна жуда хафа бўлган эди, – деди Нехлюдов.

– Бу ёққа, яхшиси мана бу ерга ўтиринг, – деди Лидия хозиргина йигит туриб кетган юмшок, синик креслони кўрсатиб. – Амакиваччам бўлади – Захаров, – деди у Нехлюдовнинг йигитни кўздан кечираётганини пайқаб.

Йигит ҳам худди Лидия сингари жилмайиб меҳмон билан кўришди ва Нехлюдов унинг ўрнига ўтиргандан кейин, дераза тагида турган стулни олиб келиб, унинг ёнига кўйиб ўтирди. Бошқа эшикдан ўн олти ёшлар чамасидаги малла гимназист чиқди ваҳимгина дераза тагига ўтирди.

– Вера Ефремовна холамнинг кадрдон дўсти, бироқ мен уни танимайман десам ҳам бўлади, – деди Лидия.

Шу маҳал кўшни хонадан ок кофта кийган, чарм камар таққан, истараси иссик, зийрак бир аёл чиқди.

– Салом, келганингиз учун кўп раҳмат, – деб гап бошлади у диванга, Лидиянинг ёнига ўтириши биланок, – хўш, Верочканинг аҳволи қалай? Уни кўрдингизми? У ўзининг бу аҳволига қандай чидаш беряпти?

– Сира нолимайди, – деди Нехлюдов, – кайфим жуда соз дейди.

– Ох, Верочка, ўша ўзим билган Верочка, – деди хола жилмайиб ва бошини чайқаб. – Ажойиб одам. Ўзи билан иши йўқ, фақат бошқаларини ўйлайди.

– Ҳа, ўзи учун ҳеч нимани сўрамади, фақат жиянингиз

учун қайғурди. Верочка, киз бечора бегуноҳдан бегуноҳ камалди, деб қўйиб-пишди.

– Худди шундай, – деди қизнинг холаси, – жуда расво иш! Аслида, киз шўрлик мен туфайли азоб тортди.

– Унақа деманг, хола! – деди Лидия. – Сиз айтма-сангиз ҳам, қоғозларни олардим.

– Қўйсанг-чи, бу нарсаларни сендан кўра мен яхши биламан-ку, – деб давом этди холаси. – Биласизми, – деб гапини давом этдирди у Нехлюдовга юзланиб, – ҳамма бало шундан келиб чиқди, бир одам қоғозларимни сақлаб туриш деб илтимос қилди. Ўз уйим бўлмагани учун қоғозларни буларникига олиб келдим. Шу кеча уйларида тинтув бўлиб, қоғозларни ҳам, Лидочкани ҳам олиб чиқиб кетишган ва шу чоғгача ушлаб ўтиришган. Кимдан олганини айтиб беришни талаб қилишган.

– Мен айтмадим, – деди шошиб Лидия бир тутам сочини, халақит бермасе-да, асабийлик билан текислар экан.

– Сени айтди деяётганим йўқ-ку, – деб эътироз билдирди холаси.

– Митинни қамашган бўлса, мен туфайли қамашгани йўқ, – деди Лидия қип-қизариб, теварак-атрофга ташвиш билан боқиб.

– Лидочка, қўй бу гапларни, – деди онаси.

– Нега қўяр эканман, гапираман, – деди Лидия. Энди у жилмаймасди, қип-қизариб, сочини тузатиш ўрнига бир тутамини бармоғига ўрай-ўрай, ҳамон аланглаб гапирарди.

– Кеча шу тўғрида гап бошлаганингда нима бўлдинг.

– Ҳеч-да... Қўйинг, ойижон. Мен ҳеч нима деганим йўқ, чурк этмадим. Мени икки марта сўроқ қилиб холам билан Митин ҳақида сўрашганда мен ҳеч нима демадим, саволларига жавоб бермаслигимни айтдим. Анови Петров бўлса...

– Петров айғоқчи, жандарм, ўлгудек ифлос одам, – деб қўшиб қўйди холаси жиянининг гапини Нехлюдовга уқтириб.

– Шунда у, – деб давом этди Лидия ҳаяжонланиб ва шошиб, – мени аврай бошлади. «Менга айтганингиз билан ҳеч кимга зарар етмайди, аксинча... Агар айтиб берсангиз,

балки биз ноҳақ азоблаётган гуноҳсизларни кутқариб юборган бўласиз». Мен, барибир, ҳеч нарса гапирмаслигимни айтдим. Шунда у: «Майли, гапирмасангиз, гапирмай қўя қолинг, лекин мен айтган нарсаларни инкор этманг», – деди. Шундан кейин одамларнинг номини атай бошлади ва улар орасида Митиннинг номини айтди.

– Бўлди, гапирма энди, – деди холаси.

– Қўйинг, хола, халакит берманг... – деди Лидия.

У зўр бериб бир тутам сочини юлжилаб ҳамон алангларди, – кейин эртасига эшитсам, – деворни тикиллатиб Митиннинг қамоққа олинганини билдиришди. Оббо, тутиб берибман-ку, – деб ўйладим. Шу фикр мени шундай қийнай бошладики, жинни бўлишимга сал қолди.

– Сен туфайли қамалмагани маълум бўлди-ку, – деди холаси.

– Мен билмаган эдим-да, ўзим тутиб бердим деб ўйлаймай нукул. Камеранинг у бошидан-бу бошига юраман, ўйламасликнинг иложи йўқ. Тутиб бердим, деб ўйлайман нукул. Ўрнимга ётиб, бошимни буркаб олсам, аллаким қулоғимга келиб: «Митинни тутиб бердинг, тутиб бердинг Митинни», – деб шивирлайди. Миям айниётганини биламан. Ухламоқчи бўламан, ухлай олмайман, ўйламай десам – ўйламай тура олмайман. Жуда дахшатли! – дерди Лидия борган сайин ҳаяжони ортиб бармоғига бир тутам сочини гоҳ ўраб, гоҳ ёзиб, олазарақ бўлар экан.

– Лидочка, ўзингни бос, – деб такрорлади онаси қизининг елкасидан ушлаб.

Аммо Лидочка ўзини тўхтата олмас эди.

– Шунинг учун ҳам дахшатлики... – деб гап бошлади у, лекин гапини охирига етказа олмай пиқиллаб йиғлай бошлади, дивандан ирғиб турди-да, креслога қоқилиб, хонадан югуриб чиқиб кетди. Онаси унинг кетидан эргашди.

– Осиб ўлдириш керак, аблахларни, – деди дераза тагида ўтирган гимназист.

– Нима деяпсан ўзинг? – деди онаси.

– Ўзим... Шундай, – деб жавоб берди гимназист, сўнг-ра столда ётган папиросни олиб ёндира бошлади.

Қизнинг холаси ҳам папиросини тутатар экан:

– Бир кишилик камерада ётиш ёшларга жуда оғир, – деди бошини чайкаб.

– Ҳамма учун ҳам оғир бўлса керак, – деди Нехлюдов.

– Йўқ, ҳамма учун эмас, – деб жавоб берди холаси. –

Эшитишимча, ҳақиқий инқилобчилар учун бу дам олиш, хордиқ чиқариш бўлади. Яширин иш олиб борувчи инқилобчи ҳамма вақт ташвишда, муҳтожликда яшайди, ўзи ва бошқаларнинг ҳаёти учун, иш учун ташвишланади. Мана, ниҳоят уни қамоққа оладилар, ҳамма нарса тамом, бутун масъулият устидан тушади: ўтир, дам ол энди. Менга айтиб берганларига қараганда, ушлаб кетишганда ҳатто севинишар ҳам экан. Ёш, бегуноҳлар учун эса ҳамма вақт, аввал, Лидочкага ўхшаш бегуноҳларни қамоққа олишди, – булар учун биринчи зарба жуда оғир. Озодликдан маҳрум этганлари, ёмон муомалада бўлишлари, овқатнинг ёмонлиги, ҳаттонинг оғирлиги, умуман турли қийинчиликларнинг ҳаммаси ҳеч гап эмас. Биринчи бор қамалиш вақтидаги руҳий таъсирланиш бўлмаганда эди, қийинчилик уч қарра ортиқ бўлганда ҳам, кўтариб кетса бўлади.

– Наҳотки, сиз ҳам бошингиздан кечирган бўлсангиз?

– Менми? Икки марта қамалганман, – деди аёл ғамгин ва ёқимли жилмайиб, – мени биринчи бор, бегуноҳдан бегуноҳ қамашганда, – деб давом этди у, – йигирма икки яшар эдим, кўлимда болам бор эди, бунинг устига, хомиладор эдим. Озодликдан маҳрум этилганим, боламдан, эримдан жудо қилинганим нақадар оғир бўлмасин, ўзимнинг одамликдан чиқиб бир буюмга айланганимни ҳис этган пайтдаги таъсирчанлик олдида у ҳеч нарса эмас эди. Қизим билан хайрлашмоқчи бўлсам, менга извошга ўтиришни буюрдилар. Мени қаерга олиб бораётганларини сўрасам, борганда биласан дейишди. Мени нимада айблаганликларини сўрасам, саволим жавобсиз қолди. Сўроқдан кейин мени ечинтириб, устига рақам ёзилган турма кийимини кийдирдилар, ертўлага олиб тушиб эшикни очиб итариб юборди-



лар, устимдан кулфлаб чиқиб кетдилар. Милтиғини кўтариб у ёқдан-бу ёққа юриб, аҳён-аҳёнда тешиқдан мўралаб турган соқчидан бўлак ҳеч ким қолмади шунда жуда оғир аҳволга тушдим. Ҳали-ҳали эсимда, сўрок пайтида, жандарма офицери чекишни таклиф қилгани мени ўша вақтда жуда ҳайратлантирган эди. Бундан чиқди у, одамлар чекишни нақадар яхши кўришини билар экан, бундан чиқди, одамлар озодликни, нурни нақадар яхши кўришини, оналар болаларини, болалар оналарини нақадар севишини ҳам яхши билади. Шундай экан, шафқатсизлик қилиб, мени дунёдаги энг қадрли нарсалардан айириб, ёввойи ҳайвондек қафасга солганларини нима деса бўлади? Буни осонликча бошдан кечириб бўлмайди. Худога, инсонларга, инсоннинг бири-бирига бўлган меҳри муҳаббатига ишонган одам, бу ҳолни бошдан кечиргач, буларга ишонмай қўяди. Ўшандан буён инсонларга ишонмай қўйдим, аламзада бўлиб қолдим, – деб гапини тугатди у жилмайиб қўйиб.

Лидия кириб кетган эшиқдан унинг онаси қайтиб чиқиб, Лидочканинг мазаси йўқлигини, чиқа олмаслигини айтди.

– Ёш умри нега ҳазон бўлади-а? – деди холаси. – Шунга беихтиёр сабабчи бўлганим учун ҳам жуда кийналаман.

– Худо хоҳласа, қишлоқда ўзига келиб қолади, – деди онаси, – отасининг ёнига юборамиз.

– Сиз бўлмасангиз, бекорга нобуд бўлиб кетарди, – деди холаси. – Раҳмат сизга. Сизни кўрмоқчи бўлганимнинг сабаби шуки, Вера Ефремовнага бир хатни бериб қўйишни илтимос қилмоқчи эдим, – деди у чўнтагидан хат олаётиб, – конверт ёпиштирилмаган, ўкиб чиқиб йиртиб ташлашингиз ёки бериб қўйишингиз мумкин – ниманики лозим кўрсангиз шуни қиларсиз, – деди у. – Хатда сизга иснод келтирадиган ҳеч қандай гап йўқ.

Нехлюдов хатни олди, топширишга ваъда берди-да, хайрлашиб кўчага чиқиб кетди.

Нехлюдов хатни ўқимаёй конвертни ёпиштирди-да, тегишли одамга топширишга аҳд қилди.

Нехлюдовни Петербургда ушлаб турган сўнгги иш, сектантлар иши эди, уларнинг аризаларини бир полкда хизмат қилган собиқ ўртоғи флигель-адъютант Богатирев орқали подшога бермоқчи эди. Эрталаб Богатиревникига борганда у чиқиб кетиш олдидан нонушта қилиб ўтирган экан. Богатирев ўрта бўйли, чорпахилдан келган, жуда бақувват (такани қайира оларди), кўнгилчан, номусли, тўғри ва ҳатто либерал одам эди. Шу хусусиятларига қарамай у саройга яқин одам эди, подшони ва унинг оиласини яхши кўрар ҳамда шу киборлар оламида яшаб туриб ҳам, негадир бу муҳитнинг фақат яхши томонларини кўрар, ҳеч қандай ёмонликда, ифлосликда иштирок этмас эди. У ҳеч қачон на одамларни ва на кўрилган тadbирларни қораламас: ё жим ўтирар, ёки айтадиган гапини қаттиқ қулиб туриб шангиллаб айтарди. У сиёсатдон бўлгани учун эмас, азбаройи табиати шунақа бўлганидан шундай қиларди.

– Келганинг жуда яхши бўлди. Нонушта қиласанми? Ўтир. Ажойиб бифштeкс<sup>1</sup> бўлган-да. Мен ҳамма вақт ишнинг муҳимидан бошлайман, муҳими билан тугатаман. Ҳа, ҳа, ҳа. Кел, винодан ич, – деб қичқирарди у қизил вино солинган графинни кўрсатиб. – Сени ўйлаб тургандим. Аризани топшираман. Ўз кўлига бераман – ишонавер, фақат миямга бир фикр келиб қолди. Шу масалада аввал Топоровга учрашсанг яхши бўлмасмикин.

Топоровнинг номини эшитиши билан Нехлюдов юзини буриштирди.

– Ҳаммаси Топоровнинг кўлида. Барибир, ундан сўрашилади. Балким, ўшанинг ўзиёқ илтимосингни қондирар.

– Агар сен шуни маслаҳат кўрсанг – бораман.

– Жуда соз. Хўш, Питер сенда қандай таассурот қолдирди, – деб қичқирди Богатирев, – а, қалай?

– Таъсирига берилиб кетаётганимни ҳис қиляпман, – деди Нехлюдов.

<sup>1</sup> Бифштeкс – қовурилган парча гўшт (тарж.).

– Таъсирига берилиб кетяпсанми? – деб такрорлади Богатирев қаҳ-қаҳлаб кулиб ва мўйловини сочиқ билан артиб шанғиллади у. – Хоҳламасанг, ихтиёринг ўзингда. Хўш, борасанми? А? Агар у тўғрилай олмаса, менга олиб кел, эртагаёқ топшираман. – Стол ёнидан турар экан қулочини кенг ёзиб, оғзини артган каби, беихтиёр чўқинди-да, қиличини оса бошлади, – энди, хайр, кетишим керак.

– Бирга чиқиб кетамиз, – деди Нехлюдов Богатиревнинг кучли, ялпоқ қўлини мамнуният билан сиқиб, ҳар вақтдагидек, соғлом, соф бир кишининг ёқимли суҳбатидан беихтиёр таъсирланган ҳолда у билан уйнинг пиллапоясида хайрлашди.

Сектантлар ишига мутасадди бўлган Топоровнинг олдига боргани билан яхшилик чиқишига ақли етмаса-да, Нехлюдов Богатиревнинг маслаҳатига кўра унинг олдига жўнади.

Топоровнинг вазифаси ички қарама-қаршилиқдан иборат бўлиб, фақат бефаросат ва маънавий бўш одамгина буни кўрмаслиги мумкин эди. Топоров ана шу иккала салбий хусусиятга эга эди. Бу вазифанинг қарама-қаршилиги шундан иборат эдики, бу вазифа унинг таъбирига кўра Худонинг ўзи томонидан барпо этилган, дўзах оловида ёнмайдиган ва инсон кучи ларзага келтира оладиган черковни қўллаб-қувватлаш ва, ҳатто зўрлик қилиб бўлса ҳам, ташқи воситалар билан уни ҳимоя қилишдан иборат эди. Топоров ўз қўл остидаги амалдорлар билан бирга бошқарган муассаса ана шу ҳеч қандай куч ларзага келтира олмайдиган илоҳий бир муассасани қўллаб-қувватлаши ва ҳимоя қилиши керак эди. Топоров бу қарама-қаршилиқни кўрмас ённки кўришни истамас эди. Шунинг учун ҳам қандайдир ксендз<sup>1</sup>, пастор<sup>2</sup> ёки сектант жаҳаннам дарвозалари ҳам ларзага келтира олмайдиган черковни барбод қилиб юбормасин деган ташвишда эди. Асосий диний ҳиссиётдан, инсонлар бир-бирларига тенг ва биродар бўлиши керак деган фикридан маҳрум бўлган кишилар сингари Топоров ҳам халқни ўзидан

<sup>1</sup> Ксендз – поляк руҳонийси.

<sup>2</sup> Пастор – протестантизм мазҳабидаги руҳоний.

кўра тамомила бошқа махлуқ деб ҳисоблар, ўзига тамомила керак бўлмаган нарсани халқ учун ғоят зарур деб ҳисобларди. Ўзи эса ҳеч нарсага ишонмас ва шу хислат унга жуда қўл келар, кўнглига ёқар эди, лекин халқ ҳам шу ҳолатга тушмаса эди деб кўрқар ва ўзининг айтишича, халқни шундан сақлаб қолишни ўзининг муқаддас бурчи деб ҳисобларди.

Бир пазандалик китобида «қисқичбақалар ўзларини тириклайин сувга сблиб пиширишларини яхши кўрадилар» дейилганидек, у ҳам пазандалик китобида айтилганича мажозий маънода эмас, балки тўғридан тўғри, халқ хурофотни яхши кўради, деб ўйлар ва худди шундай деб даъво қиларди.

Товуқ боқувчи товуқларга берадиган ўлаксага қандай қараса, у ҳам динга шундай қарарди: ўлакса жуда қўланса бўлади, лекин товуқлар уни яхши кўриб ейишади, шунинг учун ҳам уларни ўлакса билан боқиш керак.

Ўзидан-ўзи маълумки, ана шу барча Иверский, Казань ва Смоленск иконаларига сиғиниш қўпол бутпарастлик, лекин халқ шуни яхши кўради ва шунга ишонади, шунинг учун ҳам бу хурофотни қўллаб-қувватлаш керак. Топоров шундай деб ўйларди. Чунки у ҳамма вақт Топоровга ўхшаган одамлар, ўзлари маърифатли бўлиб, бу билимларини зарур бўлган нарсаларга, яъни жаҳолат зулматидан қутулиб чиқаётган халққа ёрдам бериш учун эмас, халқни шу жаҳолатда маҳкамроқ сақлаб туриш учун ишлатадиган одамлар бор бўлгани ва ҳозир ҳам борлиги учун халқ хурофотни яхши кўриб келаётганини тушунмас эди.

Нехлюдов Топоровнинг қабулхонасига кириб келганда у кабинетига Ғарбий ўлкадаги зўрлик билан православ динига киритилган униатлар<sup>1</sup> орасида православ динини тарғибот қилувчи ва қўллаб-қўлтиқловчи эпчил аристократ монах<sup>2</sup> аёл – игуменья<sup>3</sup> билан суҳбатлашиб ўтирарди.

Қабулхонада навбатчилик қилиб ўтирган махсус топ-

<sup>1</sup> Униат – православия ва католик черковларини бирлаштириш тарафдорлари.

<sup>2</sup> Монах (юнонча) – турки дунё қилиб, монастырда яшовчи диний жамоа аъзоси; роҳиб(а).

<sup>3</sup> Игуменья – хотинлар монастырининг бошлиғи (тарж.).

ширикларни бажарувчи тўра, Нехлюдовдан нима иш билан келганини сўради ва Нехлюдовнинг сектантлар аризасини подшога етказмоқчи бўлганини эшитиб, аризани кўрсак бўладими, деб сўради. Нехлюдов аризани берган эди, тўра аризани кўтариб кабинетга кириб кетди. Қалпоқ кийган монах аёл юзидаги тўрини ҳилпиллатиб орқасидан осилиб бораётган қора этагини судралтириб, асл тошлардан ясалган тасбеҳ тутган, тирноқлари тозаланган оппоқ қўлларини қовуштириб, кабинетдан чиқди ва эшик томонга ўтиб кетди. Нехлюдовни киришга ҳамон таклиф этишмас эди. Топоров аризани ўқиб, бошини чайқаб ўтирарди. У очиқ-ойдин қилиб, усталик билан ёзилган аризани ўқиб нохушланган, ҳайрон қолган эди.

«Агар бу ариза подшоҳи аъзамнинг қўлларига тушса кўнгилсиз саволлар туғдириши ва англашилмовчиликларга сабаб бўлиши мумкин», – деб ўйлади у аризани ўқиб бўлиб. Кейин аризани столга қўйиб кўнғирок чалди ва Нехлюдовни чақиришни буюрди.

Сектантларнинг иши ёдида эди, уларнинг аризаси қўлига келиб теккан эди. Воқеа бундай эди: православ динидан қайтган христианларга аввал ўғит-насихат қилиб, кейин судга берилган эди. Лекин суд уларни оқлаб юборди. Шундан кейин архиерей билан губернатор қонунсиз никоҳда бўлганлари учун эр-хотинлар ва бола-чақаларни ҳар томонга сургун қилиб юборишга қарор қилишди. Худди шу эр-хотинлар, бир-бирларимиздан жудо қилманг, деб сўрар эдилар. Топоров бу иш биринчи марта қўлига келиб тушганини эслади. Ўшанда ҳам шу ишни тўхтатиб қўйсаммикан, деб иккиланган эди. Аммо бу деҳқон оилаларини ҳар томонга сургун қилиш ҳақидаги қарорни тасдиқ қилгани билан ҳеч қандай зарар бўлмайди; сектантларни турар-жойларида қолдириш эса аҳолининг бошқа қисмига ёмон таъсир этиши, уларнинг ҳам православ динидан қайтишига сабаб бўлиши мумкин. Ундан ташқари бу иш архиерейнинг ғайрат билан ишлаётганини кўрсатар эди, шунинг учун ҳам у иш қай йўсинда кетаётган бўлса, шундайлигича юргизиб юборди.

Эндиликда эса Петербургда ошна-оғайниси кўп бўл-

ган Нехлюдовдек ҳимоячи бу ишни подшога топширса, унинг бутун даҳшати очилиши ёки чет эл газеталарига тушиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам у дарров кутилмаган қарорга келди.

– Салом, – деди у иши кўп одамдек Нехлюдовни тикка туриб қарши оларкан. У дарҳол ишга кўчди.

– Бу ишни биламан. Номларига кўзим тушиши билан бу шўрликларни эсладим, – деди у қўлига аризани олиб Нехлюдовга кўрсатар экан. – Шу ишни эсимга солганингиз учун миннатдорман сиздан. Вилоят ҳокимлари суиистеъмолга йўл қўйганлар... – Нехлюдов унинг бўзарган, ҳаракатсиз ниқобга ўхшаган юзига ғижиниб, индамай қараб турарди. – Жазо чораси бекор қилиниб, бу кишиларнинг турар-жойларига қайтарилиши ҳақида буйруқ бераман.

– Бундан чиқди, аризани топширмасам ҳам бўлаверадими? – деди Нехлюдов.

– Ҳеч сўзсиз. Мен ваъда бераман, – деди у «мен» сўзини таъкидлаб, гўё унинг софлигига, унинг ваъдасига шубҳа бўлиши мумкин эмасдек. – Келинг, яхшиси ҳозирок ёзиб бера қолай. Қани, ўтирсинлар.

У стол ёнига келди-да, ёза бошлади. Нехлюдов ўтирмасдан, унинг чўзинчоқ ярғоқ бошига, кўм-кўк йўтон томирлари ўйнаб чиққан, перони<sup>1</sup> тез-тез юргизаётган қўлига юқоридан туриб қарар ва шу қилаётган ишини нима учун қилаётганига, ҳамма нарсага бепарволик билан қарайдиган бу одам нега энди шу топда бу қадар жонкуяр бўлиб қолганига ҳайрон эди. Нега шундай?..

– Шундоқ, – деди Топоров конвертни ёпиштираётиб, – муштарийларингизга эълон қилишингиз мумкин, – деб қўшиб қўйди, жилмайдандек лабини буриб.

– Бу одамлар нима учун шунча азоб тортдилар? – деди Нехлюдов конвертни олаётиб.

Топоров бошини кўтарди ва Нехлюдовнинг саволидан мамнун бўлгандек жилмайиб қўйди.

– Бу тўғрида сизга ҳеч нима дея олмайман. Фақат

<sup>1</sup> *Перо* (ручка; пат, қанот) – сиёҳ, тушь билан ёзиш учун ручка учига ўрнатиб ишлатиладиган ёзув-чизув асбоби.

шуни айтишим мумкинки, биз ҳимоя қилаётган халқ манфаати шу қадар муҳимки, дин масаласида сал ортиқча ижтиҳод кўрсатиш, бу масалада кейинги вақтларда юзага келган бепарволикдан кўра фойдалироқ.

– Қандай қилиб дин номи билан яхшиликнинг биринчи талаби барбод этилади – эрни хотиндан, болани отадан ажратилади...

Нехлюдовнинг сўзлари ёқиб тушгандай Топоров ҳамон боягидек илтифот билан жилмаярди. Топоровнинг назарида, ўзи эгаллаган юқори мансаб нуқтаи назаридан қараганда, ҳозир Нехлюдов нима деса ҳам унга ёқимли калтабинлик бўлиб туюларди.

– Хусусий бир одам нуқтаи назаридан туриб қараганда шундай бўлиб кўриниши мумкин, – деди у, – аммо давлат нуқтаи назарида тамомила бошқача кўринади. Хўп, хуш кўрдик энди, – деди Топоров бошини эгиб ва кўлини узатиб.

Нехлюдов унинг кўлини сиқди ва шу кўлни қисганига пушаймон еб шошиб-пишиб чикиб кетди.

«Халқ манфаати эмиш-а, – дерди у Топоровнинг сўзини такрорлаб, – ўз манфаатинг, фақат ўзингнинг», – деб ўйларди у Топоров ёнидан чиқар экан.

Адолат ўрнатувчи, динни қўллаб-қувватловчи ва халқни тарбияловчи муассасалар фаолиятининг қурбони бўлган барча одамларнинг киёфасини Нехлюдов фикран кўз ўнгидан ўтказди. Булар орасида патентсиз шароб сотгани учун жазоланган хотиндан тортиб, ўғрилик учун қамалган бола ҳам, дайдиб юргани учун жазоланган саёқ ҳам, ўт қўйган йигит ҳам, талон-гужлик қилгани учун қамалган банкир ҳам бор эди. Нехлюдов шу топнинг ўзида, маълумот олиш мақсадида камокка олинган шўрлик Лидияни, православ дини қондаларини бузгани учун қамалган сектантларни, конституция талаб қилгани учун қамалган Гуркевични эслади. Нехлюдовнинг миясига, бу одамларни адолатни бузганлари ёки ғайриқонуний иш қилганлари учун эмас, балки тўралар ва давлатманд одамларнинг халқдан йиғиб оладиган бойликка эгалик қилишларига халакит берганлари учун



камаган, сургун қилганлар деган аниқ бир фикр келди.

Патентсиз шароб сотган аёл ҳам, шаҳарда дайдиб юрган саёқ ҳам, варақа яширган Лидия ҳам, мавҳумотни бузган сектантлар ҳам, конституция талаб қилган Гуркевич ҳам бунга халакит берган. Шунинг учун ҳам, Нехлюдовнинг назарида, бу тўраларнинг ҳаммаси, холасининг эридан тортиб сенаторларгача, Топоровдан тортиб вазирликдаги столларни банд қилган барча кичкина, озода ва баодоб жанобларгача, ҳаммаси бегуноҳ одамларнинг азоб тортганларига заррача ачинмай, фақат барча хавфлиларни қандай қилиб бўлса ҳам, четлатиш билангина овора эдилар.

Бегуноҳ одамни айбламаслик учун ўн нафар айбдорнинг гуноҳидан ўтиш керак деган қоидага риоя қилиш у ёқда турсин, аксинча, бир нарсанинг ириган ерини кесиб ташлаш учун соғлом жойини кесиб олганлари каби, – битта ҳақиқий хавfli кишини четлатиш учун ўнга бегуноҳ одамга жазо берар, четлатар эдилар.

Бўлиб турган воқеаларни ана шундай изохлаш, Нехлюдовнинг назарида, жўн ва очик-ойдин нарсага ўхшаб кўринарди, мана шу очик-ойдинлик Нехлюдови иккиланишга мажбур қиларди. Ана шундай мураккаб ҳодисани ниҳоят даражада жўн изохлаш мумкин эмас-ку, ахир, адолат, яхшилик, қонун, имон, Худо ва шунга ўхшаш гаплар фақат тилдагина бўлиб, қўпол тамағирлик ва шафқатсизликни ҳаспўшлаши мумкин эмас-ку, ахир.

## XXVIII

Нехлюдов шу кун кечкуруноқ жўнаб кетиши мумкин эди-ю, лекин Mariettera театрга киришга ваъда берган эди. Нехлюдов шу ишни қилмаслик кераклигини билса-да, ўзини-ўзи алдаб, берган сўзнинг устидан чиқиш керак, деган баҳона билан театрга жўнади.

«Қани, ўз нафсимни тия олармиканман? – деб ўйларди Нехлюдов. – Охирги бор бир синаб кўрай-чи» эгнига фрак кийган Нехлюдов сахнадан тушмайдиган «*Dame aux*

camélias»нинг<sup>1</sup> иккинчи пардасига етиб борди. Бу спектаклда янги келган актёр сил хотиннинг қандай ўлишини янги тарзда ўйнаб кўрсатарди.

Театр лик тўла эди, Mariettening ложасини сўради, шу ложани сўрагани учун Нехлюдовни иззат қилиб дарҳол кўрсатдилар.

Йўлакда ясанган лакей турарди, Нехлюдовни кўриши биланок таниш каби унга таъзим қилиб эшикни очди.

Рўпарадаги ложада ўтирганлар, уларнинг орқасида турганлар, якинроқда орқасини ўтириб ўтирганлар, мўйсафидлар, сочига оқ оралаганлар, тепакаллар ва сочсизлар, ёғупа суртганлар ва партерда<sup>2</sup> ўтирган сочи жингалак кишилар – бутун томошабин – ясанган, тўр уқа тутилган шохи кўйлагидаги, қийпанглаб сунъий товуш билан монолог ўқитган ориқ актёрга тикилган эди. Эшик очилганда аллаким, тсс, деди, Нехлюдовнинг юзига ҳам совук, ҳам иссиқ ҳаво келиб урилди.

Ложада Mariette ва елкасига қизил накидка ташлаган, сочини баланд қилиб турмаклаган нотаниш аёл ва икки эркак бор эди. Уларнинг бири – генерал, Mariettening эри, чиройли, кушбурун, қатъий қиёфадаги, ҳарбий кийимининг кўкраги пахта тўлдириб кўтариб қўйилган баланд бўйли киши эди, иккинчиси эса малладан келган, тарвақайлаган соқолининг ўртасидан чиқиб турган даҳанининг соқоли қириб олинган тепакал киши эди. Ёқаси ўйик, нафис, нозик энги калта кўйлак кийган Mariette жозибали ва латиф эди. Унинг бакуват, лўппи, очик елкаси билан гардани орқасидаги қора холи кўриниб турарди. Нехлюдов кирган маҳалда у ялт этиб қаради ва орқасида турган стулни елпиғичи билан имо қилиб кўрсатиб, миннатдорлик билан саломлашиб, Нехлюдовнинг назарида, маънодор жилмайиб қўйди. Унинг эри, ҳар вақтдагидек, секин ўтирилиб қараб, бош эгиб қўйди. Унинг важоҳатидан, хотинига тикилиб қараганидан, чирой-

<sup>1</sup> «*Dame aux camélias*» (французча: «Гуллик хоним») – француз адиби Александр Дюма (1824-1895) каламига мансуб шу номли романидаги опера.

<sup>2</sup> **Партер** (французча: *parterre* – ер бўйлаб) – театр, кинотеатр ва концерт залларидаги томошабинлар ўтирадиган, сахнага нисбатан паст жой.

ли хотиннинг фармонбардори эканлиги кўриниб турарди.

Монолог тугагач театр олқишлардан ларзага келди. Mariette ўрнидан турди ва шилдираган шоҳи юбкасини ушлаб, ложанинг орқа томонига ўтди ва эрини Нехлюдов билан таништирди. Генералнинг кўзи кулиб турарди. У жуда хурсандлигини айтди-ю, оғзига сўк солгандек жим бўлиб қолди.

– Бугун жўнаб кетишим керак эди, лекин сизга ваъда берганим учун қолдим, – деди Нехлюдов Marietteга юзланиб.

– Агар мени кўргингиз келмаётган бўлса, ажойиб бир актёрни кўрасиз, – деди Mariette унинг сўзларига жавоб қайтариб, – охирги кўринишда жуда ажойиб ўйнади-а? – деди у эрига мурожаат қилиб.

Эри бош эгиб қўйди.

– Бу менга таъсир этмайди, – деди Нехлюдов, – мен хақиқий бебахтларни шундай кўп кўрдимки...

– Ўтиринг, ўтиринг, гапириб беринг.

Эри тинглаб ўтирар ва борган сайин кўзида истехзоли кулги чакнарди.

– Шунча вақтдан бери қамалиб ётган, куни кеча чиқиб келган кизнинг ёнига бордим: адои тамом бўлибди бечора.

– Сенга ўша хотин ҳақида гапириб берган эдим, – деди Mariette эрига.

– Уни озод қилиш мумкин бўлгани учун жуда хурсанд бўлдим, – деди эри хотиржам товуш билан бошини силкиб. Нехлюдовнинг назарида, генерал истехзо қилиб, мийиғида кулаётгандек эди. – Мен чиқиб чекиб келаман.

Нехлюдов Mariette айтмоқчи бўлган гапини айтади деб кутарди. Аммо у ҳеч нарса демас, айтишни хаёлига ҳам келтирмас, ҳазиллашар, Нехлюдовга қаттиқ таъсир этиши керак деб ўйлаган пьеса ҳақида гапирарди.

Нехлюдов Marietteнинг ҳеч қандай айтадиган гапи йўқлигини, фақат кечки кийимида унга кўрингиси, очик елкаси ва холини кўрсатгиси келганини кўриб турарди. Айни замонда бу унга ҳам ёқар ҳам жиркантирарди.

Мана шу нарсаларнинг устини беркитиб турган нафис парда Нехлюдовнинг кўз ўнгида кўтарилди, кўтарилибгина

эмас, ўша парда орқасидаги нарсаларнинг бари кўринди. Marietteга қарар экан, ҳаваси келар, лекин унинг юзлаб, минглаб инсонларнинг кўз ёшини оқизиб, ҳаётини поймол қилиб, мансабини ошираётган эр билан яшаб келаётган ёлғончи хотин эканлигини, шуларнинг ҳаммасига бепарво қарашини, кеча айтган гапларининг ҳаммаси ёлғонлигини, биларди. Mariette негадир Нехлюдовга ўзини севдирмоқчи бўларди, Нехлюдов ҳам, ҳатто унинг ўзи ҳам нега шундай қилаётганини тушунмас эди. Нехлюдов учун у ҳам жозибали, ҳам жирканч эди. У бир неча бор кетишга отланиб, шляпасини кўлига олди, лекин яна ўтириб қолди. Ниҳоят, Marietteнинг эри қалин мўйловларидан тамаки ҳидини анқитиб ложага қайтиб, Нехлюдовни танимагандек димоғдорлик билан қараб қўйди, унинг кетидан эшик ёпилмасданок Нехлюдов йўлакка чиқди ва пальтосини топиб, театрдан чиқиб кетди.

Невский кўчаси билан уйига қайтаркан, олдинда кетаётган баланд бўйли, хушқомат, олифта аёлга беихтиёр кўзи тушди. Аёл кенг асфальт йўлкада аста-секин юриб борарди. Унинг юзидан, бутун вужудидан ўз сўзли ўктам хотинлиги билиниб турарди. Рўпара келганлар ҳам, ўша аёлга етиб ўтиб кетаётганлар ҳам уни бошидан оёқ кўздан кечиришарди. Аёлдан кўра тезроқ юриб бораётган Нехлюдов ҳам беихтиёр ўтирилиб қаради. Пардоз қилган бўлса керак, юзи чиройли эди. Аёл кўзларини чакнатиб Нехлюдовга жилмайиб қаради. Шуниси қизиқки, Нехлюдов шу заҳоти Marietteни эслади. Чунки худди боя театрдагидек, бу хотин уни ўзига жалб этар ва жиркантирарди. Нехлюдов шошиб-пишиб аёлдан ўзиб кетди-да, Морская кўчасига бурилди. Дарё бўйига чикқач, миришабни танг қолдириб, у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

«Униси ҳам театрда, кириб борган пайтимда худди шундай жилмайди, – деб ўйлади Нехлюдов, – у табассумнинг ҳам, бу табассумнинг ҳам мазмуни бир. Фарқи шундаки, буниси содда ва тўғридан тўғри: «Керак бўлсам, ол мени; керак бўлмасам, йўлингдан қолма», – дейди. Униси эса ўзини гўё бу ҳақда ўйламаётган, қандайдир юксак, нозик хислар билан яшаётган қилиб кўрсатади-ю, аслига келсанг,

барибир. Буниси, ҳеч бўлмаганда, ростгўй, униси эса ёлғончи. Бу ҳам майли, буниси ночорликдан шу аҳволга тушиб қолган, униси эса ана шу ажойиб манфур ва мудҳиш ҳирс билан ўйнайди. Мана, бу фоҳиша хотин – нафратидан кўра ташналиги зўр одамларга таклиф қилинадиган қўланса, лойқа сув, театрдагиси эса нимагаки тушса билдирмай захарлайдиган оғу. – Нехлюдов дворянлар оқсоқолининг хотини билан бўлган муносабатини эслади, уни шарманда хотиралар қамраб олди, – Инсоннинг шахвоний ҳирси нақадар жирканч, – деб ўйлади у, – бу ҳирс соф экан, маънавий ҳаётингнинг юқори поғонасидан туриб қараб, ундан жирканасан, тубан тушгудек бўлсанг ёки ўзингни тута билсанг ҳам, барибир, ўзлигинча қоласан, лекин бу шахвоний ҳирс ясама эстетик, шоирона ниқобга ўралган бўлиб, сендан сажда қилишни талаб этса, у тақдирда, шу ҳирсни муқаддас санаб, яхшидан ёмонни фарқ қила олмай, бутунлай унинг қаърига ботиб кетасан. Шуниси жуда мудҳиш».

Нехлюдов ҳозир саройларни, соқчиларни, қалъани, дарёни, қайикларни ва биржани қандай аниқ кўриб турган бўлса, бу ҳам унга шундай аниқ эди.

Шу кеча ер юзида кишига ором бағишловчи, юпатувчи қоронғилик йўқ, манбасиз ғира-шира, ҳазин ғайритабий нур ёғилиб турар эди, шу сингари, Нехлюдовнинг кўнглида ҳам ором берувчи беҳабарлик қоронғиси йўқ эди. Ҳаммаси очиқ-ойдин эди. Муҳим ва яхши деб ҳисобланган нарсаларнинг ҳаммаси тубан ёки манфур, ана шу ҳашамат ва зебзийнатларга ҳамма кўникиб кетган, эски жиноятлар жазоланиш у ёқда турсин, тантана қилувчи, инсон ақли ўйлаб чиқарган гўзаллик билан ниқобланган.

Нехлюдов шуларни унутгиси келар, кўрмасликка ҳара-кат қиларди-ю, лекин сира иложини топа олмасди. Нехлюдов Петербургни ёритиб турган нур манбаини кўрмаганидек, мана шу нарсаларни равшан қилиб кўрсатаётган ўша нур манбаини кўрмас эди, гарчи бу нур хира, ғамгин ва ғайритабий бўлиб кўринса-да, у шу нур ёруғида кўзга ташлаётган нарсаларни кўрмай ўта олмас ва айни замонда, ўзини ҳам шод ҳис этар, ҳам ташвиш тортар эди.

Москвага келиши билан Нехлюдов дастлаб, сенатнинг суд қарорини тасдиқлагани ҳақида қайғули хабарни ва Сибирга жўнашга тайёргарлик кўриш керак-лигини айтгани авахта касалхонасига, Масловнинг олдига жўнади.

Адвокат томонидан подшо номига ёзилган, ҳозир имзо чектириш учун авахтага, Маслолага олиб бораётган аризадан умиди кам эди. Шуниси қизиқки, энди у муваффақиятни истамас ҳам эди. У Сибирга жўнаб кетиш, сургуни қилинганлар ва каторгачилар орқасида яшаш фикрига шу қадар ўрганиб қолган эдики, мабодо Масловани оқлаб юборсалар, Маслола икковининг ҳаёти қай тарзда ўтишини тасаввур этиб олиши қийин эди. У Торо деган америкалик бир ёзувчининг гапини эслади. Ўша ёзувчи Америкада қулдорлик ҳукм сурган пайтда, қулдорлик ҳимоя қилинган бу давлатда, виждонли одамга муносиб бўлган бирдан бир жой – турма, деган. Петербургга бориб кўп нарсаларни кўриб қайтгач, Нехлюдов ҳам худди шу фикрга келган эди.

«Ҳа, ҳозирги замонда Россияда виждонли одамнинг муносиб ўрни – турма!» – деб ўйлади у. У турмага кирар экан, худди шуни бевосита ҳис қиларди.

Касалхонадаги швейцар Нехлюдовни таниди, дарҳол, Маслованинг энди бу ерда эмаслигини айтди.

– Қаерда?

– Қалъада.

– Нега у ёққа ўтказишди? – деб сўради Нехлюдов.

– Эҳе, бу ўзи шунақа халқ, жаноб олийлари, – деди швейцар истехзоли жилмайиб, – фельдшер билан донлашган экан, бош доктор жўнатиб юборди.

Нехлюдов Масловани ва унинг руҳий ҳолатини ҳеч қачон кўнглига шу қадар яқин деб билмаган эди. Бу хабар уни шошириб қўйди. У кутилмаганда ёмон хабар олган одам ҳолига тушиб қолди. Бу унга жуда оғир ботди. Шу хабарни эшитиши билан уялиб кетди. Ҳаммадан ҳам бурун у, Маслолада руҳий ўзгариш бўляпти, деб севишиб юргани учун ўзидан-ўзи уялиб кетди. Маслованинг у келтирган қурбонни

қабул этмаслик ҳақидаги сўзлари, таъналари, кўз ёшлари – шуларнинг ҳаммасини ундан, иложи борича, яхшироқ фойдаланиб колмоқчи бўлган фоҳиша хотиннинг найранглари экан, деб ўйлади Нехлюдов. Назарида, сўнгги келишида Масловада ҳозир намоён бўлган тузалмаслик нишонларини кўргандек бўлди. Нехлюдов беихтиёр шляпасини кийиб, касалхонадан чиқар экан, миясидан шу фикр кечди:

«Энди нима қилиш керак? – деб сўради у ўзидан. – Ҳали ҳам у билан боғлиқманми? Шу қилмиши туфайли озод бўлдим десам бўлармикан?» – деб сўради ўзидан.

Ўзига шу саволни берган ҳамоно, ўзини озод санаб, ташлаб кетиш билан уни жазоламоқчи бўлса-да, аслида, ўзини жазолаган бўлишини эслаб қўрқиб кетди.

– Йўқ! Бу воқеа қароримни ўзгартира олмайди, қайтага янада мустаҳкамлаши мумкин. У билганини қилсин, фельдшер билан донлашган бўлса, донлашаверсин – бу унинг иши... Мен эса виждоним ниманики талаб этса шуни қиламан, – деди у ўзига-ўзи. Виждоним эса қилган гуноҳларимни ювиш учун озодлигимни қурбон қилишни талаб қилади. Шундай экан, сохта никоҳ билан бўлса-да, унга уйланиб, уни қасққа юборсалар, кетидан бораман. Шу гапим гап», – деди у ўжарлик билан ва касалхонадан чиқиб, шахдам қадам ташлаб авахтанинг катта дарвозаси томон юрди.

Дарвоза олдига боргач у навбатчига, Масловани кўрмоқчидан, турма мутасаддисига маълум қилинг, деб илтимос қилди. Навбатчи Нехлюдовни танир эди. Шунинг учун ҳам, уни авахтадаги катта янгиликдан хабардор қилди: капитан ишдан бўшаб, унинг ўрнига бошқа, қаттиққўл одам бошлиқ бўлганини айтди.

– Ишлар жиддий тус олди, чаток, – деди назоратчи, – ҳозир ўзи шу ерда, бориб айтишади.

Ҳақиқатан ҳам, мутасадди турмада эди ва қўп ўтмай Нехлюдов хузурига чиқди. Янги мутасадди ҳаракатлари суст, ковоғи солиқ, ёноқ суяклари туртиб чиққан, новча, орик киши эди.

– Маълум кунларда, учрашув хонасида учрашишга



рухсат этилади, – деди у Нехлюдовга қарамай.

– Лекин мен зоти олий ҳазратлари номига ёзилган аризага қўл қўйдиришим керак.

– Менда қолдиришингиз мумкин.

– Маҳбус билан учрашишим керак. Илгари ҳамма вақт ижозат беришарди.

– Илгариги вақтлар ўтиб кетди, – деди мутасадди Нехлюдовга бир қараб қўйиб.

– Губернатор берган рухсатномам бор, – деб туриб олди. Нехлюдов ҳамёнини чиқараётди.

– Қани, – деди мутасадди ҳамон кўзини олиб қочиб, кейин кўрсаткич бармоғига олгин узук тақилган узун, орик, оппоқ панжалари билан Нехлюдов узатган қоғозни олди-да, шошилмай ўқиб чиқди. – Идорага марҳамат, – деди у.

Бу гал идорада ҳеч ким йўқ эди. Мутасадди учрашув пайтида иштирок этмоқчи бўлди, шекилли, стол ёнига ўтириб қоғозларни титкилай бошлади. Нехлюдов сиёсий маҳбуслардан Богодуховскаяни кўриш мумкинми, деб сўраган эди, мутасадди калтагина қилиб, мумкин эмас, деб жавоб берди.

– Сиёсий маҳбуслар билан учрашув рухсат этилмайди, – деди-да, яна қоғозни ўқишга киришиб кетди.

Чўнтакда Богодуховскаяга бериладиган хат тургани учун Нехлюдов ўзини сири очилиб қолган гуноҳкор кишидек ҳис этарди.

Маслова идорага кирганда мутасадди бошини кўтарди ва Масловага ҳам, Нехлюдовга ҳам қарамай:

– Бошлайверинглар! – деди-да, яна қоғозларини кўришга киришди.

Маслова яна аввалгидек, оқ кофта, юбка кийган, бошига дурра ўраган эди. Нехлюдовга яқин келиб, унинг аччиқланган совуқ киёфасини кўриб, қип-қизариб кетди ва қўли билан кофтасининг четини ўйнаб, кўзини ерга қаратди. Унинг хижолат тортиши, Нехлюдовнинг назарида, касалхонадаги швейцарнинг сўзларини тасдиқлар эди.

Нехлюдов у билан ўтган галгидек қўл сикчишиб кўришмоқчи бўлди-ю, лекин қўли бормади; унинг кўзига

Маслова шу қадар жирканч кўриниб кетган эди.

Нехлюдов унга қарамай ва қўл узатмай:

– Сизга ёмон хабар келтирдим, – деди вазминлик билан, – сенатда рад этишди.

– Шундай бўлишини билган эдим, – деди Катюша нафаси бўғилган кишидек, ғалати товуш билан.

Илгари Нехлюдов, нега билган эдим деяпсан, деб сўраган бўларди, лекин ҳозир Катюшага фақат қараб қўя қолди. Маслованинг кўзлари жиқ ёшга тўлган эди.

Лекин бу Нехлюдовни юмшатиш у ёқда турсин, қайтага бешбаттар ғазабини оширди.

Мутасадди ўрнидан турди ва хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

Нехлюдов ҳозир Масловага нисбатан қанчалик нафрат ҳис этмасин, сенатнинг рад этганига афсус билдирди.

– Ноумид бўлманг, – деди у, – олий ҳазратларига ариза ёзганмиз, умид қиламанки...

– Бунга хафа бўлаётганим йўқ... – деди у ёшга тўлган, ғилай кўзлари билан Нехлюдовга ғамгин боқиб.

– Нега хафа бўляпсиз унда?

– Касалхонага боргандирсиз, мен тўғримда гапирришгандир...

– Нима ҳам дердим, бу сизнинг ишингиз, – қовоғини солиб, совуққина гапирди Нехлюдов.

Маслова касалхонани тилка олиши билан Нехлюдовнинг кўнглидан кўтарилаёзган таҳқирланиш ҳисси яна янги куч билан бош кўтарди. «Олий табақа кизларининг ҳар қанақаси менингдек оқсуяк одам билан турмуш қуришни бахт деб билса-ю, хотин қилиб олишни таклиф этишимга қарамай, биров кутмасдан фельдшер билан донлашиб юрса», – деб ўйларди у Масловага нафрат билан қараб.

– Мана бу аризага қўл қўйинг, – деди у чўнтагидан катта конверт чиқариб, столга қўяркан. Маслова дурра-сининг бир учи билан кўз ёшларини артди-да, қаерга ва нима деб ёзишни сўраб стол ёнига ўтирди.

Нехлюдов қаерга ва нима деб ёзишни кўрсатди. Маслова чап қўли билан ўнг қўлининг энгини шимариб стол

ёнига ўтирди, у эса Маслованинг стол устига эгилган, йиғини зўрға тутиб турганидан аҳён-аҳёнда силкиниб қўяётган елкасига индамай қараб турар, кўнглида икки ҳис – ёмонлик ва яхшилик: таҳқирланган гурур ва ана шу эзилган хотинга ачиниш ҳислари бир-бири билан қурашарди. Няхоят сўнгги ҳис ғолиб чиқди.

Қайси бири олдин бўлди – аввал Масловага раҳми келдими, ёки аввал ўзини, гуноҳларини ўз беадаблигини эсладими (ҳозир Катюшани беадаб деб таъна қилган эди) – бу эсида йўқ эди. Лекин тўсатдан, бир лаҳзада ўзининг айбдорлигини ҳис қилди ва унга раҳми келди.

Аризага қўл қўйиб, сиёх тегиб кетган қўлини юбкасига артгач, Маслова ўрнидан турди ва унга қаради.

– Оқибати нима бўлса-да, ўша қарорим қарор, ўзгармайди, – деди Нехлюдов.

Масловани кечираман, деган фикр Нехлюдовда унга нисбатан меҳр-шафқат уйғотар, раҳмини келтирар, уни, юпатгиси келарди.

– Гапим гап. Сизни қаерга юборишса, мен ўша ерда.

– Бекор қиласиз, – деб шошиб унинг гапини бўлди Маслова юзи ёришиб кетиб.

– Йўлда керак бўладиган нарсаларни эсдан чиқарманг.

– Ҳеч балойим йўқ. Хайр, саломат бўлинг.

Мутасадди улар ёнига келди. Нехлюдов огоҳлантиришни кутмай Маслова билан хайрлашди-да, чиқиб кетди, уни илгари ҳеч қачон ҳис этмаган хурсандлик, осойишталик ва барча одамларга муҳаббат ҳисси қамраб олди. Маслованинг ҳеч қандай кирдикори унга бўлган муҳаббатимни ўзгартира олмайди, деган фикр Нехлюдовни қувонтирар, кўнглини кўтарарди. Фельдшер билан кийпанглашса, кийпанглашаверсин – бу унинг иши: Нехлюдов уни ўзи учун эмас, Маслова учун ва Худо учун севади.

Маслованинг касалхонадан ҳайдалишпига сабаб бўлган ва Нехлюдов ишонган ишқ-муҳаббат можароси шундан иборат эдики, Маслова фельдшер хотиннинг буйруғига мувофиқ, йўлакнинг нариги бошидаги дорихонага «кийик

ўт» олиб келгани борган эди. Маслова кирганда кўпдан бери Катюшага шилқимлик қилавериб жонидан тўйдирган, юзини сепкил босган новча фельдшерни ёлғиз учратиб қолди ва ундан кутулиш учун шундай қаттиқ итариб юбордики, фельдшер тисарилиб бориб жавонга урилиб кетди, иккита шиша ерга тушиб синди.

Шу маҳал йўлақдан ўтиб кетаётган бош доктор идишнинг жаранглаб синганини эшитди ва кип-қизарган Маслованинг югуриб чиққанини кўриб жаҳл билан кетидан бакирди.

– Бунақа қийпанглайверма, думингни тутиб юбораман, оймпошша. Бу нимаси? – деди у фельдшерга кўзойнаги тепасидан ўқрайиб қараб.

Фельдшер иршайиб, ўзини оклай бошлади. Доктор унинг гапини охиригача эшитмай, бошини шундай кўтардики, кўзойнаги яна кўзига тўтри келиб қолди, у палатага ўтиб кетди ва шу кунёк мутасаддидан, Маслованинг ўрнига бошқа, сипорок ёрдамчи юборишни сўради. Маслова билан фельдшер ўртасида ошиқ-маъшуклик шундангина иборат эди. Касалхонадан фельдшер билан донлашди деган баҳона билан ҳайдалиши, Катюшага жуда қаттиқ ботган эди. Чунки илгари эркаклар билан муносабатда бўлиш жонига теккан бўлса, Нехлюдов билан учрашганидан кейин бу муносабат ундан баттар кўнглига урди. Унинг ўтмишига ва ҳозирги аҳволига қараб, ҳар қанақа одам, шу жумладан, юзига риханак тошган фельдшер ҳам ўзини Катюшани ҳақорат қилишга ҳақли деб билгани ва унинг кўнмаганини кўриб ҳайрон қолгани Масловага жуда алам қилар, хўрлиги келиб йиғларди. Ҳозир у Нехлюдовнинг олдига, чиқиб, ноҳақ айбдан ўзини оқламоқчи эди. Бу гап Нехлюдовнинг кулоғига эшитилиши мумкин эди. Лекин ўзини оклай бошлаган ҳамоно унинг ишонмаётганини, ўзини оқлаш билан унинг шубҳаларини тасдиқлаётганини ҳис қилиб, кўз ёшлари томоғига тикилди-да, жим бўлиб қолди.

Маслова иккинчи учрашувда Нехлюдовни кечирмаслигини, ундан нафратланишини айтган, ҳозир ҳам шу фикрдаман деб ўйлар, шунга ўзини ўзи ишонтиришга тиришарди,

лекин аллақачон уни севиб қолган эди. Шундай севиб қолган эдики, Нехлюдов ундан нимани илтимос қилса, беихтиёр бажаради: у ичишни, чекишни, ноз-у карашмани ташлади, касалхонага хизматкор бўлиб кирди. Нехлюдов шундай бўлишини истагани учун ҳам Катюша шундай қиларди. Нехлюдов унга уйланиш ниятида эканини ҳар сафар эслатганда ҳар гал қатъий рад жавоб беришининг сабаби шу эдики, Маслова ўша бир марта айтган мағрур сўзларини такрорлашни истар, энг муҳими, унга уйланса Нехлюдовнинг бебахт бўлишини биларди. Маслова унинг фидокорона таклифини қабул қилмасликка қатъий қарор қилиб қўйган эди, лекин шунга қарамай, Нехлюдов мендан нафратланади, менда рўй берган ўзгаришларни кўрмай, мени ҳамон ўша аввалги аёл деб билади, деган ўй уни каттиқ азобларди. Эндиликда Нехлюдовнинг уни касалхонада бирон ёмон иш қилиб қўйган деб ўйлаши мумкинлиги, каторгага ҳукм қилинганлиги қатъий эканлиги тўғрисидаги хабардан кўра каттиқроқ ботар эди.

### XXX

Масловани биринчи жўнаб кетаётган гуруҳ билан жўнатишлари мумкин эди. Шунинг учун ҳам Нехлюдов сафарга тайёрлик кўра бошлади лекин иши шу қадар кўп эдики, у бўш вақти қанча кўп бўлган билан, барибир, ҳеч қачон битириб тугата олмаслигини сезарди. Аҳвол илгарилари тамоман бошқача эди. Илгари нима иш қилсам экан, деб бош қотиришга тўғри келар ва ишда диққатни ўзига жалб қиладиган нарса фақат унинг ўзи – Дмитрий Иванович Нехлюдов эди, лекин ўша вақтларда ҳаётнинг бутун мазмуни Дмитрий Ивановичга қаратилганлигига қарамай, ўша ишларнинг ҳаммаси юракни қиздирадиган ишлар эди. Энди эса ҳар бир иш Дмитрий Ивановичга эмас, бошқа одамларга тааллуқли эди. Лекин шунга қарамай, ҳаммаси қизик, жозибадор бўлиб, бошидан ошиб-тошиб ётарди.

У ҳам майли-я, илгари Дмитрий Ивановичнинг иши

билан шуғулланиш унинг ғашига тегар, аччигини келтирарди, бировларнинг иши эса кўнглини очарди.

Шу кунларди Нехлюдов шуғулланиб юрган ишлар уч бўлимдан иборат бўлиб, уларни ўзига хос синчковлик билан уч портфелга жойлаган эди.

Биринчи иш Масловага доир бўлиб, унга ёрдам бериш тўғрисидаги қоғозлар, мадад сўраб олий ҳазрат номига ёзилган ариза ва Сибирь сафарига тайёргарлик кўришга доир қоғозлардан иборат эди.

Иккинчиси ер-мулкни тартибга солишга оид ишдан иборат эди. Паново кишлоғида ер, деҳқонларнинг умумий эҳтиёжлари учун рента тўлаб туриш шарти билан деҳқонларга бўлиб берилган эди. Лекин бу битимни мустаҳкамлаш учун шартнома билан васиятнома тузиб, имзолаш керак эди. Кузминскоеда эса иш ўша ўзи тузган тартибда эди, яъни ер учун тўланган пулни ўзи олиб туриши керак эди. Лекин ҳақ тўлаш муддатини белгилаш, бу пуллардан қанчасини ўзи учун олиш ва қанчасини деҳқонларга қолдириш масаласини аниқлаш лозим эди. Ўз даромадининг ярмини камайтирган Нехлюдов, Сибирга жўнар экан, бу сафаридида қанча маблағ сарф бўлишини билмагани учун келадиган даромадидан бутунлай воз кечишга юрак бетламасди.

Учинчи иш кундан кун унга кўпроқ мурожаат қила бошлаган маҳбусларга доир эди.

Аввалига, маҳбуслар билан алоқа бошлаган вақтда ёрдам сўраб мурожаат қилган маҳбусларнинг тақдирини енгиллатиш учун дарҳол ҳаракат қила бошларди, лекин бора-бора арзғўйлар шу қадар кўпайиб кетдики, уларнинг ҳаммасига ёрдам беришнинг иложи йўқлигини ҳис қилди ва беихтиёр тўртинчи ишга, сўнгги кунларда уни ҳаммадан ортиқ маъгул этган ишга кўчишга мажбур бўлди.

Тўртинчи иш, жиноят суди деб аталган ажиб бир муассаса нима, у қаердан келиб чиқди, деган саволга жавоб топишдан иборат эди. Нехлюдовни таажжубда қолдирган жиноят қонунининг қурбони бўлган юзлаб, минглаб маҳбуслар авахталарда, Петропавловскдан тортиб Сахалингача бўлган қамоқхоналарда азоб чекар эдилар. Бу жиноят суди-

нинг қурбони бўлган маҳбуслар билан у қисман танишган эди.

Маҳбуслар билан шахсан муносабатда бўлиши, адвокатдан, авахта поподан, қамокхона мутасаддисидан суриштириб билиш ва қамокдагиларнинг рўйхатини кўриб чиқиш натижасида Нехлюдов, жиноятчи деб аталган одамлар беш гуруҳга бўлинар экан, деган хулосага келди.

Биринчи гуруҳ – ўт кўйишда ноҳақ айбланган Меньшиков ёки Маслова ва бошқалар каби суд хатосининг қурбони бўлган тамомила бегуноҳ кишилардан иборат. Қамокхона попининг кузатувиغا кўра бу гуруҳдаги одамлар у қадар кўп бўлмай, чамаси етти фоизни ташкил этар, аммо бу одамларнинг аҳволи жуда диққатни жалб қиларди.

Иккинчи гуруҳдаги одамлар, жаҳл, рашк, мастлик сингари фавқулодда вазиятда қилиб кўйган жиноят учун кесилганлар эди. Уларни кесган ва жазолаган одамлар ҳам агар шу шароитга тушиб қолсалар, худди шундай жиноят қилган бўлардилар. Бу гуруҳ одамлар Нехлюдовнинг кузатишига қараганда, жиноятчиларнинг ярмидан кўпроғини ташкил қиларди.

Учинчи гуруҳ – ўз тушунчаларига қараганда жуда оддий, ҳатто яхши иш қиляпман деб ўйлаган, лекин, қонунни ёзган ёт кишиларнинг назарида, жиноят ҳисобланган ишларни қилган одамлардан иборат эди. Бу гуруҳга яширин равишда вино сотганлар, тақиқланган молни чегарадан ўтказганлар, катта ер-мулкларда ва давлатга қарашли ўрмонлардан ўт юлган, ўтин терган кишилар, ўғирлик қилувчи тоғлиқлар ва черков нарсаларини ўғирлаган динсизлар кирарди.

Тўртинчи гуруҳдаги одамлар, жамиятнинг ўртача даражасидан ахлоқий жиҳатдан юқори тургани учунгина жиноятчи деб саналган одамлар эди. Сектантлар, ўз мустақиллиги учун исён кўтарган поляклар, черкаслар, ҳокимиятга қаршилик кўрсатгани учун кесилган социалистлар<sup>1</sup> ва

<sup>1</sup> Социализм (французча: socialisme < латинча: socialis – ижтимоий) – мақсади ва идеали ижтимоий адолатни, эркинлик ва тенгликни амалга оширишдан иборат



намойишчилар – сиёсий маҳбуслар шу тоифадаги кишилар эди. Жамиятнинг шу сингари энг яхши одамлари, Нехлюдовнинг мушоҳадасига қараганда жуда кўп эди.

Бешинчи гуруҳдагилар шундай одамлардан иборат эдики, буларнинг жамият олдидаги гуноҳидан кўра, улар олдида жамиятнинг гуноҳи каттарок эди. Бу – шолча билан қўлга тушган бола, Нехлюдов авахтада ва ундан ташқарида кўрган, турмуш шароити доимо жиноят деб аталувчи иш қилишга мажбур этган, ўз ҳолига ташланган, доимий жабр-зулм остида яшайдиган, йўлдан озган одамлар эди. Нехлюдовнинг кузатишларига қараганда, бу тоифа одамларга жуда кўп ўғрилар ва қотиллар кирарди. Шу вақт ичида Нехлюдов уларнинг бир нечтаси билан алоқада ҳам бўлган эди. Бу тоифа одамлар билан яқиндан танишган Нехлюдов уларни янги назария – жинорий турлар деб аталган гуруҳга киритди. Янги назария, уларнинг жамиятда мавжудлиги жинорий қонун ва жазонинг зарурлигини исботлайди деб топади. Мана шу бузуқ, жиноятчи, эси паст деб саналган одамлар, Нехлюдовнинг фикрича, жамият олдида гуноҳкор бўлмай, балки улар олдида жамият гуноҳкор бўлган одамлар тоифасидан эди. Лекин фарқ шундаки, жамият шахсан улар олдида гуноҳкор эмас, балки илгариги вақтда, уларнинг ота-боболари олдида гуноҳкор эди.

– Шу одамлар ичида уни рецидивист<sup>1</sup> ўғри Охотин шу жиҳатдан Нехлюдовни жуда ҳайрон қолдирди. Охотин бир фоҳишанинг никоҳсиз туғилган ўғли бўлиб, тунаш жойида тарбия олган, ўттиз ёшигача ахлоқда миршаблардан юқори турган одам кўрмаган ва ёшлигидан ўғрилар тўдасига тушиб қолган одам эди. У жуда қизиқчи бўлиб, шу фазилати билан одамларни ўзига жалб қиларди. У Нехлюдовдан ҳимоя қилишини илтимос қилар экан, ўзини ҳам, судьяларни ҳам, турмани ҳам, барча қонунларни ҳам – жинорий қонунлардан тортиб диний қонунларгача, ҳаммасини мазах қиларди. Иккинчиси, ўзи бошчилик қилган шайка билан кекса амалдор-

бўлган, хусусий мулкни ижтимоий (умумий) мулкка айлантириш орқали мажкур принципларга эришиш мумкин, деб ҳисобловчи таълимот.

<sup>1</sup> Рецидивист – кўп марта жиноят қилган киши, ашаддий жиноятчи.

ни ўлдириб, талаган чиройли Федоров эди. Буниси деҳқонлардан чиққан эди. Отасининг уйини ғайриқонуний йўл билан тортиб олиб қўйганлар. Кейин у аскарликда хизмат қилган, у ерда офицернинг махбубасини севиб қолиб, кўп балоларга йўлиққан. Бу, нима қилиб бўлса ҳам кайф-у сафо суришни истаган, умрида бирон марта бўлсин, бир нарса учун ўз кайф-у сафосидан воз кечган одамларни кўрмаган, ҳаётда кайф-сафодан бошқа бирон бошқа мақсад бўлишлигини ҳеч қачон эшитмаган жозибали, эхтиросли одам эди. Иккаласи ҳам салоҳиятли одамлар эди, лекин ўз ҳолига ташлаб қўйилган ўсимлик қаровсиз қолиб расво бўлгани каби, улар ҳам қаровсиз қолиб расво бўлган эди. Нехлюдов ўзларининг бефаҳмлиги ва гўё раҳмсизлиги билан кишини жиркантирувчи бир саёқ билан бир хотинни кўрди-ю, лекин уларда итальян назарийетчилари айтган жинояткорларни кўрмади. Нехлюдов, озодликда кўп кўрган, фрак кийган, эпolet<sup>1</sup> таққан ва тўр уқали либослар кийган, шахсан ўзига ёқимсиз кишиларга ўхшаган кишиларни кўрди.

Худди шунақа одамлар озодликда юрган, ҳатто шу одамларни суд қилиб турган бир пайтда, шу тоифадаги турли-туман одамларнинг нега қамаб қўйилганини текшириш, тўртинчи ишни ташкил қилар эди. Кейинги вақтларда Нехлюдовни шу масала банд қилганди.

Аввал Нехлюдов бу саволига китоблардан жавоб топиш умидида шу масалага оид бутун китобларни сотиб олди. У Ломброзо, Гарофало<sup>2</sup>, Ферри<sup>3</sup>, Лист, Маудслей<sup>4</sup> ва Тарднинг асарларини сотиб олди ва диққат билан ўқий бошлади. Лекин уларни ўқиган сайин ихлоси қайта бошладди. Нехлюдов шу соҳада бирон иш кўрсатиш, асар ёзиш, баҳслашиш, ўқитиш учун эмас, балки тўғридан тўғри, оддий ҳаётий масалалар билан фанга мурожаат қилган одамлар

<sup>1</sup> Эполетлар – инқилобдан илгариги Россияда ва баъзи чет эл армиялари офицерларида ҳашаматли зар погонлар.

<sup>2</sup> Рафаэле Гарофало (1851-1934) – итальян ҳуқуқшуноси ва криминологи. Криминологиядан биологик назариянинг ва «табiiий жиноятчилик» йўналишининг асосчиларидан бири.

<sup>3</sup> Энрико Ферри (1856-1929) – итальян криминологи ва сиёсатчиси.

<sup>4</sup> Георг Маудслей (1835-1918) – инглиз психиатри ва психологи.

холига тушди: фан жиноий қонунга алоқадор бўлган минглаб турли-туман, жуда мураккаб саволларга жавоб берардию, фақат у кидирган саволга жавоб бермасди. Нехлюдов жуда оддий нарсани: бировларнинг бошқа бировларни нега ва қайси ҳуқуққа асосан қамайди, қийнайди, сургун қилади, ўлдиради, ҳолбуки уларнинг ўзлари, каматган, азоблаётган, қалтаклаётган, сургун қилаётган, ўлдираётган одамлардан фарқлари йўқ-ку! – деб сўрарди. Унга эса инсонда ирода эркинлиги борми-йўқми деган муҳокама билан жавоб берардилар. Бош суягини ўлчаш ва ҳоказолар билан инсонни жиноятчи ё жиноятчи эмаслигини билиш мумкинми? Ирсият жиноятда қандай роль ўйнайди. Туғма ахлоқсизлик борми? Одоб ва ахлоқ нима? Ақлдан озиш нима? Айниш нима? Миждоз нима? Об-ҳаво, овқат, жаҳолат, тақлид, гипнотизм, эхтирос жиноятга қандай таъсир қилади? Жамият нима? Унинг вазифалари нималардан иборат ва ҳоказо, ва ҳоказолар.

Бу мулоҳазалар Нехлюдовга мактабдан қайтаётган ёш боланинг Жавобини эслатарди. Нехлюдов боладан сўз бўғинларини қўшишни ўргандингми, деб сўраган эди: «Ўргандим», – деб жавоб берди бола: «Қани, панжа деган сўзни ҳижжалаб кўр-чи, – деди Нехлюдов. – Қанақа панжа, ит-никими?» – деган эди бола муғамбирлик билан. Нехлюдов асосий битта саволига илмий китоблардан худди шундай савол тарикасидаги жавобларни оларди.

У китобларда оқилона, олимона, ажойиб ёзилган нарсалар кўп эди-ю, лекин бировлар қандай ҳуқуққа асосан бошқаларга азоб берадилар, деган асосий саволга жавоб топа олмас эди. Жавоб йўқлиги ҳам майли-я, барча мулоҳазалар айланиб келиб, зарурлиги исботга муҳтож эмас деб топилган жазони изоҳлаш ва оқлашга бориб тақаларди. Нехлюдов кўп ўқиди-ю, лекин бўлиб-бўлиб ўқиди. Дилидаги саволига жавоб топмаганини шундай юзаки ўрганганидан деб билиб, кейинчалик жавоб топишга умид қилди. Шунинг учун ҳам у, сўнгги вақтлар хаёлига бир неча марта келган жавобнинг тўғрилигига ишонишга ботинолмасди.

Маслова билан кетадиган гуруҳ бешинчи июль куни жўнатиладиган бўлди. Нехлюдов шу куни унинг кетидан жўнаб кетишга отланди. Жўнаб кетишдан бир кун аввал, укасини кўриш учун опаси билан поччаси шаҳарга келишди. Нехлюдовнинг опаси Наталья Ивановна Рагожинская ундан ўн яшар катта эди. Нехлюдов, қисман опасининг таъсирида ўсган эди. Болалик чоғида у, Нехлюдови жуда яхши кўрар, кейин, турмушга чиқиш олдидан эса улар: йигирма беш яшар опа билан ўн беш яшар ука тенгдошлардек дўст бўлиб олган эдилар. У вақтларда Наталья укасининг марҳум ўртоғи Николенька Иртеневни севиб қолган эди. Икковлари ҳам Николенькани яхши кўрар, унга ва ўзларига хос бўлган, барча одамларни бирлаштирувчи яхши хислатлари борлиги учун севишарди.

Ўшандан буён иккови ҳам бузилиб кетди: Нехлюдов – ҳарбий хизматда бузилди, опаси эса фақат жисмоний жиҳатдан севган одамига эрга теккандан кейин бузилди. Унинг эри бир вақтлар Дмитрий иккови муқаддас ва қимматли деб ҳисобланган нарсани севиш у ёқда турсин, бунинг нима эканлигини ҳатто тушунмас ва Натальянинг бир вақтлар эрта-ю кеч ахлоқий юксалиш ва одамларга хизмат қилишга интилишини ёлғиз ўзигагина маълум бўлган манманликка берилиш, одамлар олдида олифтагарчилик қилишдан бўлак нарса эмас, деб ҳисобларди.

Рагожинский машҳур, давлатманд одам бўлмаса-да, ишнинг кўзини биладиган эпчил хизматчи эди. У либерализм<sup>1</sup> ва консерватизм орасида усталик билан чап бериб юрар, айнаи вақтда шу икки оқимнинг қайси бири унинг турмуши учун яхши натижа берса, шундан фойдаланарди, шу тарзда иш юритиши ва, энг муҳими, хотинларга ёқадиган аллақандай хусусияти билан суд ишида баланд лавозимга

<sup>1</sup> Либерализм (лотинча) – Ғарбий Европа мамлакатларида XVIII асрларда пайдо бўлган ва муғлақ ҳокимликка, феодализмга қарши қаратилган, фуқаровий, сиёсий, иқтисодий эркиликларни талаб қилган ғоявий ва ижтимоий-сиёсий оқим.

кўтарилган эди. Ёши анчага бориб қолган кезида, чет элда Нехлюдовлар билан танишди ва ёши ўтиб қолган Наташага ўзини севдириб, онанинг норозилигига қарамай унга уйланди, онаси бу никоҳни *mesallance*<sup>1</sup> деб ҳисобларди. Нехлюдов ўз хиссини ўздан яширишга ҳаракат қилса-да, унга қарши курашса-да, барибир, поччасини ёмон кўрарди. Ҳислари сохта, кеккайган поччаси унга ёқмас эди. Опасининг шу назари паст одамни эҳтирос билан, худбинлик билан севгани ҳамда у туфайли ўзидаги барча яхши фазилатлардан маҳрум бўлгани учун Нехлюдов поччасини жуда ёмон кўрарди. Наташанинг ана шу ярғоқ боши ялтираб турган, сержун, худбин одамга теккани Нехлюдовга алам қилар эди. Нехлюдов ҳатто, унинг болаларидан ҳам жирканарди. Ҳар гал опасининг ҳомиладорлигини билганда у опаси ана шу ҳаммага ёт бўлган одамдан аллақандай ёмон нарсани юктиргандай ачинарди.

Рагожинскийлар болаларини қолдириб ёлғиз келишган эди, уларнинг болалари иккита: бир ўғил, бир қиз эди, – улар энг яхши меҳмонхонанинг энг яхши номерига тушган эдилар. Наталья Ивановна шу заҳоти онасининг эски уйига кетди, лекин у ердан укасини топмай, Аграфена Петровнадан унинг мусофирхонага кўчиб кетганини эшитиб, ўша ёққа йўл олди. Ифлос хизматкор уни қоронғи, бадбўй, кундуз куни чирок ёқиб қўйиладиган йўлакда кутиб олиб, князнинг уйда йўқлигини айтди.

Наталья Ивановна хат ёзиб қолдириш учун укасининг номерига кириш истагини билдирди. Хизматкор бошлаб кирди.

Наталья Ивановна икки хоналик кичкина номерга кириб уйни диққат билан кўздан кечирди. Ҳамма нарса саришта ва батартиб, бу унга таниш, лекин уйнинг жиҳозланишидаги камтарлик уни ҳайратда қолдирди. Ёзув столида у бронзадан ясалган кучук суратли босмани кўрди: ундан ташқари портфель ва қоғозлар, ёзув қуроллари ва жазо қонун тўпламлари, инглиз тилида Генри Жорж ва француз

<sup>1</sup> *Mesallance* (французча) – нотенг никоҳ.

тилида Гард китоби, Наталья Ивановнага таниш тартиб билан териб қўйилган эди. Гарднинг китоби орасидаги фил суюгидан ясалган эгри пичоқ ҳам таниш эди.

Наталья Ивановна стол ёнига ўтириб, шу бугунок албатта, келиб учрашишни сўраб укасига хат ёзди-да, кўрганларига ҳайрон бўлиб бошини чайқай-чайқай меҳмонхонага қайтди.

Наталья Ивановнани укасига доир икки масала қизиқтирарди: бири унинг Катюшага уйланиши эди. Бу гап ҳамма-нинг оғзига тушгани учун шаҳардалик чоғидаёқ буни эшитган эди, иккинчиси, ерни деҳқонларга бериши масаласи эди. Бу воқеа ҳам барчага маълум бўлиб, кўпларга қандайдир сиёсий ва хавфли нарса бўлиб кўринарди. Катюшага уйланиш масаласи бир томондан Наталья Ивановнага ёқарди. Наталья Ивановна укасининг бундай жасоратидан мамнун эди. Чунки бу ўша ажойиб йилларда, эрга тегмасдан бурун иккови ҳам қандай кайфиятда эканлигини эслатарди. Лекин шу билан бир қаторда укасининг шундай ярамас хотинга уйланаётгани ҳақидаги фикр уни даҳшатга соларди. Сўнгги ҳис. зўрроқ эди. Шунинг учун ҳам, у, жуда оғирлигини билса-да, иложи борича, унга таъсир кўрсатишга қарор қилди.

Иккинчи масала, ерни деҳқонларга берилиши, Наталья Ивановнани у қадар қизиқтирмас эди, лекин бу масала эрини жуда ғазаблантирар ва у, хотинидан укасига таъсир этишни талаб қиларди. Игнатий Никифорович бу ишни учига чиққан енгилтаклик ва манманлик деб ҳисоблар, бу иш, бошқалардан фарқ қилиб ажралиб туриш, мақтаниш ва ўзи тўғрисида гап-сўз чиқариш учун қилинган иш, буни бошқача изоҳлаш мумкин эмас, дер эди.

– Ўзларига ўзлари пул тўлаш шарти билан деҳқонларга ер беришнинг нима маънисини бор? – дерди у. – Агар жуда яхшилик қилмоқчи экан, деҳқонлар банки орқали сотиш мумкин эди. Бу маъкул иш. Умуман унинг бу иши – гайри табиий ҳодиса бўлади, – дерди Игнатий Никифорович васийлик ҳақида ўйлар экан. У хотинидан укаси билан бу ғалати нияти ҳақида гаплашишни талаб қиларди.

Уйга қайтиб келиб, столда опаси қолдирган хатни кўриши биланок, Нехлюдов унинг олдига жўнади. Кеч кирган эди. Игнатий Никифорович бошқа хонада дам олаётгани учун Наталья Ивановна укасини ёлғиз кутиб олди. У кўкрагига қизил бант тақилган бели тор қора шоҳи кўйлак кийган, қора сочларини модага мослаб баланд қилиб турмаклаган эди. Афтидан, тенгдош эрининг кўнгли учун ўзини ёш қилиб кўрсатишга тиришарди. Наталья Ивановна укасини кўриб, дивандан ирғиб турди ва шоҳи юбкасини шилдиратиб тез-тез юриб бориб уни қарши олди. Опа-ука ўпишдилар ва жилмайиб бир-бирларига қарадилар. Бир-бирларига, сўз билан ифодалаб бўлмайдиган, ҳақиқатга тўлиқ сирли, маънадор назар ташладилар, сўнг мана шу ҳақиқатдан узоқроқ бўлган сўзлар билан ўртоқлашдилар. Улар оналарининг вафотидан бери кўришмаган эдилар.

– Тўлишиб, ёшариб кетибсан, – деди Нехлюдов.

Мамнуслиқдан Наталья Ивановнанинг лаблари жи? йиришиб кетди.

– Сен озиб кетибсан.

– Игнатий Никифорович яхшиларми? – деб сўради Нехлюдов.

– Дам оляпти. Кечаси ухламаган эди.

Жуда кўп гапириш керак эди-ю, лекин сўзлар ҳеч нарсани ифода этмас, боқишлари эса айтиладиган гаплар айтилмай қолганини гапирарди.

– Сеникига борган эдим.

– Ҳа, билдим. Уйдан кетиб қолганман. Ёлғизлик жонимга тегди, зерикаман. Менга ҳеч нарса керак эмас, шуларни ҳаммасини, асбоб-анжомларни бутун буюмларни ола қол.

– Ҳа. Аграфена Петровна айтди менга. Борган эдим. Сендан жуда миннатдорман. Лекин...

Шу маҳал меҳмонхона хизматкори кумуш чой идишларни олиб келди.

Хизматкор идишларни жой-жойига қўйиб бўлгунича



улар жим ўтирдилар. Наталья Ивановна столча қаршисидаги креслога ўтди ва чой дамлади. Нехлюдов чурқ этмас эди.

Наташа унга қараб:

– Шундай, Дмитрий, мен ҳаммасидан хабардорман, – деди кескин.

– Яхши, хабардор бўлганингдан хурсандман.

– Ўша ҳаётдан кейин уни тузатаман деб умид қилсанми? – деди Наталья Ивановна.

Нехлюдов кичкина стулда суянмасдан тўғри ўтирар, гапни яхши тушуниб олиб, яхши жавоб қайтариш учун диққат билан тингларди. Маслова билан сўнгги учрашув вақтида ҳосил бўлган кайфияти ҳамон кўнглини қувончга тўлдирар, барча одамларга хайрихоҳлик уйғотарди.

– Мен уни эмас, ўзимни тузатмоқчиман, – деб жавоб берди у.

Наталья Ивановна хўрсиниб қўйди.

– Уйланишдан бошқа чоралар ҳам бор.

– Энг яхшиси шу деб ўйлайман, ундан ташқари бу мени фойдали бўлишим мумкин бўлган муҳитга олиб киради.

– Назаримда, – деди Наталья Ивановна, – бахтиёр бўлолмасанг керак.

– Гап менинг бахтиёр бўлишимда эмас.

– Гапинг тўғри-я, лекин у, агар унда қалб бўлса, бахтли бўла олмайди, ҳатто буни истамайди ҳам.

– У ҳали ҳам хоҳламаяпти.

– Тушунаман, лекин турмуш...

– Нима турмуш?

– Бошқа нарсани талаб қилади.

Нехлюдов опасининг, кўз ва оғиз атрофини майда ажин босган бўлса-да, ҳамон чиройли юзига қараб:

– Турмуш биздан бажарилиши керак бўлган ишни бажаришдан бошқани талаб қилмайди, – деди.

– Тушунмайман, – деди Наталья хўрсиниб.

Нехлюдов Наташанинг эрга тегмасидан олдинги вақтини эслаб ва беҳисоб болалик хотираларидан бунёдга келган нозик ҳис ила опасига боқаркан:

«Бечора опам! Шу қадар ҳам ўзгарадими-а?» – деб

ўйларди.

Шу маҳал хонага ҳар вақтдагидек кўкрагини кериб, бошини ғоз кўтариб, юмшок ва енгил одимлар билан юриб, жилмайиб, кўзойнаги, ярғок боши ва қора соқолини ялтира-тиб Игнатий Никифорович кириб келди.

– Салом, саломат бормисиз? – деди у сўзларга атайлаб ғайри табиий урғу бериб.

(Тўйдан кейинги кунларда бир-бирларини сенсираш-га қанча ҳаракат қилишмасин, барибир, сизсирашар эдилар).

Улар бир-бирларининг қўлларини қисиб кўришишди, сўнг Игнатий Никифорович креслога аста ўтирди.

– Гапларингизга ҳалақят бермайманми?

– Йўқ, мен қилаётган ишларим ва гапларимни ҳеч кимдан яширмайман.

Шу башарани, мана шу сертук қўлларни кўриши, хо-мийлик қилувчи, мағрур кишининг товуш оҳангини эшити-ши билан Нехлюдовнинг кайфи бузилди.

– Ҳа, унинг нияти ҳақида гаплашиб ўтиргандик, – деди Наталья Ивановна. – Сенгаям қуяйми? – деди у чойнак-ни қўлига олиб.

– Майли, марҳамат, ҳўш, қанақа ният экан?

– Ҳузурда ўзимни гуноҳқор санаган хотин билан бирга, ўшаларнинг гуруҳи билан Сябирга кетиш, – деди Нехлюдов.

– Эшитишимча, фақат бирга жўнашгина эмас, бошқа ниятингиз ҳам бор экан.

– Ҳа, агар у розилик берса, уйланмоқчиман.

– Шунақа денг! Агар мумкин бўлса, боисини менга уқдирсангиз. Тушунмай турибман.

– Сабаби шуки, ўша хотин... унинг фоҳишалик йўли-даги биринчи қадами... – Нехлюдов керакли сўз топа олма-ганига ўздан жуда аччиғланди. – Сабаби шуки айбдор мен-ку, у жазо тортяпти.

– Жазоланган бўлса, демак, у ҳам бегуноҳ бўлмаса керак.

– У тамоман бегуноҳ.

Нехлюдов беҳудага ҳаяжонланиб ҳаммасини гапириб

берди.

– Ҳа, бу раислик қилувчининг хатоси ҳамда маслаҳатчиларнинг ўйламай берган жавоблари. Лекин бу масалани ҳал қилиш учун сенат бор.

– Сенат рад қилди.

Ҳақиқат суд мажлисида сўзланган нутқларнинг натижаси деган маълум фикрга тарафдор бўлган Игнатий Никифорович:

– Рад қилган бўлса, демак, ҳукми бекор қилишга етарли далиллар бўлмаган, – деди. – Сенат ишни моҳиятига қараб кўра олмайди. Агар суд ҳақиқатан ҳам хатога йўл қўйган бўлса, олий ҳазратлари номига ариза бериш керак.

– Берилган, лекин фойда чиқмаса керак. Вазирликдан сўратишади, вазирлик сенатдан сўрайди, сенат ўз қарорини такрорлайди ва одатдагидек, беғуноҳ одам жазо тортиб кетаверади.

– Аввало, вазирлик сенатдан сўраб ўтирмайди, – деди Игнатий Никифорович тақаббуруна илтифот билан жилмайиб, – суддан ишнинг асл нусхасини чақиртириб олади ва улар хато топса, шунга яраша хулоса чиқаради, иккинчидан эса, беғуноҳлар ҳеч қачон жазоланмайди ённки жуда камдан кам жазоланади. Гуноҳдорлар жазоланади, – шошмасдан, мағрурона жилмайиб гапирарди Игнатий Никифорович.

– Мен унинг аксинчалигига ишонч ҳосил қилдим, – деди Нехлюдов поччасини хуш кўрмай, – мен суд кесиб юборган одамларнинг ярмидан кўпи беғуноҳлигига ишонч ҳосил қилдим.

– У нима деганингиз?

– Ҳа, том маъноси-ла улар беғуноҳ. Бу аёл заҳарлашда қанчалик беғуноҳ бўлса, қотилликда айбланган деҳқоннинг ҳам заррача айби йўқ экан, менга маълум бўлди, ўт қўйишда айбланган она-болада ҳам айб йўқ, бечораларнинг жазо тортиб кетишига сал колди, ўтни хўжайиннинг ўзи қўйган экан.

– Ҳа, суд хатолари доим бўлиб келган, бундан кейин ҳам бўлиб туради. Инсонлар муассасаси беками кўст бўла олмайди.

– Маълум бир шароитда тарбияланиб, қилган ишларини жиноят деб билмаган кўпчилик бегуноҳлар-чи...

Игнатий Никифорович ҳамон боягидек хотиржамлик билан гердаиб, Нехлюдовни жуда гижинтирадиган нафратомуз табассум билан гапира бошлади.

– Кечирасиз, бу гапингизга қўшилмайман: ўғрилиқнинг яхши эмаслигини, ўғирлик қилиш ярамаслигини, ўғирлик – ахлоқсизлик эканлигини ҳар қандай ўғри ҳам билади.

– Йўқ, билмайди, – унга ўғирлама дейишади. Лекин у, фабрикантлар ҳақини ушлаб қолиб меҳнатини ўғирлаётганини, ҳукумат солиқ солиб, бутун тўралари билан тинмай уни талаётганини кўради.

Игнатий Никифорович қайнисининг сўзларини эшитиб хотиржамлик билан:

– Бу анархизм<sup>1</sup>, – деб хулоса чиқарди.

– Бунинг нималигини билмайман, фақат турмушда бор нарсани айтгипман, – деб давом этди Нехлюдов, – ҳукумат уни ҳар томонлама талаётганини билади, биздақа ер эгалари умум мулки бўлиши керак бўлган ерни тортиб олиб, уни аллақачон талаганлигимизни билади, кейин печкасига ўт ёқиш учун шу ўғирланган ердан чўпчак терса, биз уни турмага қамаймиз ва уни ўғри эканлигига ишонтирмоқчи бўламиз. Ахир, у ўзи эмас, унинг ерини ўғирлаганлар ўғри эканлигини ва ҳар қандай restitution<sup>2</sup> олиш оиласи олдидаги бурчи эканлигини билади-ку...

– Тушунмадим, тушунган тақдиримда ҳам қўшилломайман. Ер бирор кишининг мулки бўлмай қололмайди. Агар сиз ерни тақсим қилиб берсангиз, – деб гап бошлади Нехлюдовни социалист деб ишонган Игнатий Никифорович. Игнатий Никифорович социализм назарияси бутун ерни барабар тақсимлашдан иборат деб ҳисоблар, бундай тақсимотни маъносиз деб билар ва буни осонгина исбот қила

<sup>1</sup> Анархизм (латинча: anarchia – ҳокимиятсизлик, бебошлик) – раҳбар сифатяда фақат алоҳида шахсининг ҳоқиқ-иродасинингига тая олиб, ҳар қандай ҳокимият ва давлат тузумини рад этувчи ижтимоий-сиёсий оқим. Анархист – анарлизм тарафдори.

<sup>2</sup> Restitution (французча) – тўлов, компенсация.

оламан деб ишонарди. – Агар бугун сиз ерни баравар тақсимласангиз, эртагаёқ ер яна меҳнатсевар ва қобилиятли одамлар қўлига ўтиб кетади.

– Ҳеч ким ерни баравар тақсимламоқчи эмас. Ер ҳеч қачон бировнинг мулки бўла олмайдди, ерни сотиш, сотиб олиш ёки қарзга бериб туриш мумкин эмас.

– Хусусий мулкчилик инсон учун туғма хусусият. Хусусий эгаллик ҳуқуқи бўлмаса, ерни ишлашга ҳеч қандай қизиқиш бўлмайди. Хусусий мулкчилик ҳуқуқини бекор қилайлик-чи, ёввойи ҳолга қайтамыз, – қатъият билан гапирди Игнатий Никифорович – ерга нисбатан хусусий эгалikka ўч бўлиш унинг зарурлигини кўрсатади деган даъвои такрорлаб.

– Аксинча, заминдорлар ҳозиргидек, ердан фойдаланиш ўзларининг қўлларидан келмаса-да, ўзи ишлайдиганларни ерга яқин йўлатмайдиган замон ўтиб кетса, ер бекор ётмайди.

– Қулоқ солинг, Дмитрий Иванович, ахир, бу телбаликдан бошқа нарса эмас-ку! Бизнинг замонимизда ер эгаллигини йўқ қилиб бўлармишми? Биладан, бу сизнинг азалги *dadangiz*<sup>1</sup>. Юзингизга тўғри айтишга ижозат беринг... – Бу масала унга қаттиқ таъсир этган бўлса керак, Игнатий Никифоровичнинг ранги қув ўчди ва овози титраб кетди. – Буни амалга оширишдан бурун шу масалани аввал яхшилаб ўйлаб чиқсангиз деб маслаҳат бераман.

– Менинг шахсий ишларим ҳақида гапиряпсизми?

– Ҳа. Биз ҳаммамиз, маълум бир ижтимоий аҳволдаги кишилар, шу аҳволдан келиб чиқадиган вазифани бажаришимиз, ўзимиз туғилган, ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган турмуш тартибларини қўллаб-қувватлашимиз ва авлодимизга қолдиришимиз керак, деб ҳисоблайман.

– Мен ўз вазифамни бошқача...

– Шошманг, – деб давом этди Игнатий Никифорович гапини кесишга йўл қўймай, – мен ўзим учун ёки болаларим учун гапираётганим йўқ. Болаларим мол-мулк жиҳатидан

<sup>1</sup> *Dada* (французча) – энг севган нарса.

таъминланган, тирикчилигимиз ўтадиган, болаларимга ҳам етадиган даражада топиб-тутиб турибман. Шунинг учун ҳам сизнинг, агар рухсат этсангиз, яхши ўйлаб кўрилмаган хатти-ҳаракатларингизга мен шахсий манфаатимни кўзлаганим учун эмас, балки, фикрингизга кўшила олмаётганим учун қарши чиқяпман. Сизга кўпроқ ўйлашни, кўпроқ мутолаа қилишни маслаҳат берардим...

– Ишимни қандай ҳал қилишни, нима ўқиб, нима ўқимасликни ўзимга кўйиб беринг, – деди Нехлюдов ранги қув ўчиб. У қўллари титраб ўзини тута олмай қолаётганини ҳис қилиб, жим бўлиб қолди ва чой ича бошлади.

### XXXIII

Нехлюдов ўзини бироз босиб олгач:

– Хўш, болалар қалай? – деб сўради опасидан.

Опаси, болалар бувиси (эрининг онаси) билан қолганини айтди ва эри билан укаси ўртасидаги баҳслашув туганидан хурсанд бўлиб, болалари қора араб ва француз қиз деб аталган кўғирчоқ билан сафар-сафар ўйнашлари ҳақида гапира бошлади. Нехлюдов ҳам ёшлигида худди шу ўйинни ўйнар эди.

– Наҳотки, ҳалиям унутмаган бўлсанг? – деди Нехлюдов жилмайиб.

– Худди ўшанақа ўйнашади-я.

Кўнгилсиз суҳбат тугади. Наташанинг кўнгли жойига тушди-ю, лекин фақат укасигагина тушунарли бўлган нарсаларни эри олдида гапиришни истамади ва умумий гап бошлаш учун бу ергача етиб келган Петербург янгилиги – дуэлда ҳалок бўлган битта-ю битта ўғлидан жудо бўлиб қолган Каменскаянинг қайғуси ҳақида гапира бошлади.

Игнатий Никифорович дуэлда ўлдириш умумий жиноят саналмайдиган тартибни маъқулламаслигини айтди.

Унинг бу гапига Нехлюдов эътироз билдирди ва шу мавзуда яна тортишса кетдилар. Ҳар иккала суҳбатдош

фикрларини айтиб тугата олмади, бир-бирларига тескари бўлган фикрларида қолдилар.

Игнатий Никифорович Нехлюдов унинг бутун фаолиятидан нафратланиб, уни қоралаётганини билар, шунинг учун ҳам у Нехлюдовнинг фикрлари нотўғри эканини кўрсатишни истарди. Нехлюдовнинг поччаси унинг ер масаласидаги ишларига аралашаётганига аччиғланганини ҳисобга олмаганда (у кўнглида поччаси ҳам, опаси ҳам, уларнинг болалари ҳам унинг меросхўрлари сифатида шундай қилишга ҳақли эканликларини сезарди), Нехлюдов телбалик ва жиноят деб ҳисоблаган нарсани ана шу калтабин кишининг ишонч билан, тўғри ва қонуний иш деб танигани учун ичидан ғазабланарди. Бу худписандлик Нехлюдовни ғижинтирарди.

– Суд нима қилган бўларди? – деб сўради Нехлюдов.

– Дуэлчиюлардан бирини оддий қотил сифатида қаторга ишига ҳукм этиши мумкин.

Нехлюдовнинг қўллари яна музлаб кетди, у яна куйиб-пишиб гапира бошлади:

– Хўш, кейин нима бўларди, – деб сўради у.

– Адолатли иш бўларди.

– Гўё суд фаолияти адолатпарварликдан иборатдек гапирасиз-а, – деди Нехлюдов.

– Йўқса нима?

– Табақа манфаатини кўзлаш. Менимча, суд, бизнинг табақага фойдали бўлган тартибни ҳимоя қилувчи маъмурий курол.

– Бу тамоман янги назария, – деди Игнатий Никифорович хотиржам жилмайиб, – одатда суднинг вазифаси бопқа нарсадан иборат, деб ҳисобланади.

– Назарий томондан шундай, лекин амалий жиҳатдан мен ўз кўзим билан кўрганман. Суд жамиятни ҳозирги аҳволда сақлаш мақсадини кўзлайди. Шунинг учун ҳам суд жамият савиясидан юқори турган ва жамиятни кўтаришга уринган сиёсий жинояткор деб аталувчиларни ва жамият савиясидан паст бўлиб жиноий шахс деб аталувчиларни ҳам таъқиб этади, қатл қилдиради.



– Бу гапингизга, биринчидан, сиёсий жинояткор деб аталганлар савияси ўртачадан юқори тургани учун қатл этиладилар, деган гапингизга қўшила олмайман. Буларнинг кўпчилиги, ўша сиз савияси ўртачадан паст деб ҳисоблаган жинойий шахслар каби, жамиятнинг чикитларидир, фақат бошқачароқ тусдаги чикитлар.

– Мен ўзларини суд қилган одамлардан анча юқори турган одамларни биламан, сектантларнинг ҳаммаси – ахлоқли, иродали кишилар...

Лекин сўзларининг кесилиб туришига одатланмаган Игнатий Никифорович Нехлюдовнинг гапига қулоқ солмай, Нехлюдов билан баравар гапирар ва шу қилиғи билан Нехлюдовнинг баттар жигига тегарди.

– Суднинг мақсади мавжуд тартибни қўллаб-қувватлашдан иборат деган гапингизга қўшила олмайман. Суднинг ўз мақсади бор: ё тузатиш...

– Авахтада тузатиш денг, – деб лукма солди Нехлюдов.

– ...Ёки, – деб гапида давом этди Игнатий Никифорович, – жамиятнинг яшашига ҳалақит берувчи бузуқи ва ҳайвонсифат одамларни четлатиш.

– Ҳамма гап шунда-да, на унисини, на бунисини қилади суд. Жамиятнинг бунга қурби етмайди.

– У нима деганингиз? Тушунмадим, – деб сўради Игнатий Никифорович зўрма-зўраки илжайиб.

– Мен, фақат икки хил оқилона жазо бор, демоқчиман. У ҳам бўлса, қадимдан қўлланилиб келган жисмоний жазо ва ўлим жазоси. Лекин булар одамларнинг феъли юмшаб боргани туфайли борган сайин истеъмолдан чиқиб боряпти, – деди Нехлюдов.

– Буни сиздан эшитишим мен учун ҳам янгилик, ҳам қизиқ.

– Шундай, бир қилғилиғи учун, иккинчи бор уни такрорламасин деб жонига азоб бериш ва жамият учун хавфли, зарарли шахснинг бошини олиш оқилона иш. Шу иккала жазонинг ҳам оқилона мазмуни бор. Лекин бекорчиликдан ва ёмонлардан ўрнак олиб бузилган одамни ҳамма

нарсa билан таъмин этилган, бекорчиликка маҳкум этган шароитга, учига чикқан бузуқ одамлар орасига қамашдан нима маъни чиқади? Ёки негадир ҳукумат ҳисобига – ҳар бир киши учун беш юз сўм сарфланади – Тула губерния-сидан Иркутский губерниясига кўчирилади ёки Курская...

– Лекин одамлар ҳукумат ҳисобига бундай сафар қилишни истамайдилар-ку. Агар шу сафарлар ва турмалар бўлмаганда сиз билан биз ҳозиргидек шу ерда ўтирол-масдик.

– Бу турмалар бизни хавф-хатардан сақлай олмайди. Чунки бу одамлар турмада умрбод ўтирмайдилар, уларни бўшатиб юборадилар-ку. Аксинча, бу муассасалар бу одамларни ҳаддан ташқари бузади, йўлдан оздиради, яъни хавфни баттар кучайтиради.

– Сиз пенитенциар<sup>1</sup> усули такомиллаштирилиши керак демоқчисиз-да.

– Уни такомиллаштириб бўлмайди. Такомиллаш-тирилган турмаларга халқ маорифига сарф қилинаётган маблағдан ортиқ миқдорда маблағ сарф қилинган бўларди, яна худди шу халқнинг бошига янги оғирлик бўлиб тушарди.

– Лекин пенитенциар усулининг камчиликлари суд фаолиятини камсита олмайди, – деди Игнатий Никифорович яна қайнисининг гапига қулоқ солмай.

– Бу камчиликларни тузатиб бўлмайди, – дерди Нехлюдов овозини баланд чиқариб.

– Хўш, нима дейсиз йўкса? Ўлдириш керакми? Ёки бир давлат арбоби таклиф этганидек, кўзни ўйиб олиш керакми? – деди Игнатий Никифорович ғолибона жилмайиб.

– Ҳа, бу шафқатсизлик-ку, лекин мақсадга мувофиқ-рок. Ҳозир қилинаётган ишлар шафқатсизлик ва мақсадсиз, устига яна шу қадар аҳмоқонаки, эсли-хушли одамларнинг жиноий суд каби бўлмағур ва бешафқат ишда иштирок этганига тушунолмайсан киши.

– Ҳа, мен ҳам қатнашаман бунда, – деди Игнатий Никифорович ранги ўчиб.

<sup>1</sup> Пенитенциар – турмага қамашни тартибга солиш (тарж.).

– Бу сизнинг ишингиз. Лекин мен буни тушуна олмайман.

– Фикримча, сиз ҳали кўп нарсаларни тушунмайсиз, – деди Игнатий Никифорович калтирок овоз билан.

– Мен судда, ҳар қандай соф кўнгил одамнинг қалбида раҳм-шафқат уйғотадиган бечора бир болани прокурор ёрдамчиси зўр бериб қоралаётганини кўрдим, бошқа бир прокурор сектантни сўроқ қилиб, Инжил ўқишни ҳам жиноят деб асосламоқчи бўлганини биламан: ҳа, судларнинг бутун фаолияти ана шундай бемаъни иш ва шафқатсизликдан иборат.

– Агар шундай фикр юритадиган бўлсам, хизматдан ҳам воз кечардим, – деди-да, Игнатий Никифорович ўрнидан турди.

Нехлюдов поччасининг кўзойнаклари остида бир нарса ярқираб кетганини кўрди: «Наҳотки кўз ёшлари бўлса?» – деб ўйлади Нехлюдов. Ҳақиқатан ҳам, бу хўрлик ёшлари эди. Игнатий Никифорович дераза ёнига бориб рўмолчасини олди, йўталиб олиб кўзойнақларини арта бошлади, кейин кўзойнагини олиб, кўзини ҳам артди. Диванга қайтиб келгач, Игнатий Никифорович папирос чека бошлади, ортиқ ҳеч нарса демади. Нехлюдов, айниқса, эртага жўнаб кетадиган ва уларни ортиқ кўрмайдиган бўлгани учун поччаси билан опасини шу даражада хафа қилганига ачинди, уялди. У хижолат ичида улар билан хайрлашди-да, уйига жўнаб кетди. «Гапларим тўғри бўлса керак, – у менга эътироз билдирмади-ку. Лекин бундай гапирмаслик керак эди.

Жаҳлимни босиб ололмай, уни шу қадар таҳқирлаб, бечора Наташани шунчалик хафа қилдимми, демак, менда ҳали ўзгариш оз экан», – деб ўйларди у.

#### XXXIV

Маслова бирга кетадиган гуруҳ вокзалдан соат учда жўнар эди. Шу сабабли маҳбусларнинг авахтадан чиққанини кўриш ва у билан темир йил вокзалигача бирга бориш учун Нехлюдов соат ўн иккидан олдин авахтага етиб бормоқчи

эди.

Буюмлари ва қоғозларини жойлаштираётиб, Нехлюдов кундалик дафтарини кўриб, баъзи жойларини ва сўнгги вақтларда ёзилган сатрларни ўқиди. Сўнгги бор Петербургга жўнаш олдидан шундай деб ёзилган эди: «Катюша менинг жафо чекишимни истамайди, фақат ўзи жафо кўрмоқчи. У ғолиб чикди, мен ҳам ғолибман. Унда юз бераётган ички ўзгаришлар мени кувонтиради, лекин бунга ишонишга юрагим дов бермайди. Ишонишга кўрқаман, лекин, назаримда, тирилик келаётганга ўхшайди». Шундан кейин куйидаги сўзлар ёзилган эди: «Жуда оғир ва жуда кувончли кайфиятни бошимдан кечирдим. У касалхонада ўзини ёмон тутганини эшитдим. Тўсатдан менга жуда оғир ботди. Шу қадар оғир ботади деб ўйламаган эдим. У билан нафратланиб ва ғазабланиб гаплашдим-у, кейин ўзимнинг неча-неча бор гуноҳ қилганимни, ҳатто ҳозир ҳам ундан мени нафратлантирган гуноҳларни хаёлан бўлса-да, бошимдан кечириб келаётганимни эсладим. Шундан кейин бирдан ўзимдан ўзим нафратланиб кетдим, у эса аянчли бўлиб кўринди, шундан сўнг кўнглим очилди. Ўз кўзимиздаги ходани вақтида кўра олганимизда кўнглимиз нақадар юмшоқ бўларди-да». Бугун эса куйидагилар ёзилган эди: «Наташанинг олдига борган эдим. Азбаройи ўзимга бино кўйганлигимдан шафқатсизлик қилдим, аччиғландим, нохушландим. Хўш, нима ҳам қилардим? Эртадан бошлаб ҳаётим тамомила янги изга тушади. Алвидо, эски ҳаёт! Таассуротлар жуда кўп, лекин уларни ҳамон бир нуқтага тўплай олганимча йўқ».

Эртасига эрталаб уйғониши биланок, Нехлюдов кеча поччаси билан тортишиб қолганидан ўқинганини ҳис этди.

«Шу ҳолда кетиш яхши эмас, – деб ўйлади у, – уларникига бориб кўнгилларини кўтариш керак».

Аммо соатга қараб энди вақти йўқлигини, махбусларнинг чиқадиган вақтига етиб бориш учун шошилиши кераклигини англади. Апил-тапил йиғиштириниб бўлгач, Нехлюдов швейцар билан Тарасни (ўзи билан тўғри вокзалга бораётган Федосьянинг эрини) буюмлар билан жўнатиб юбориб, дуч келган биринчи извошга ўтириб, авахтага қараб

кетди. Маҳбуслар поезди Нехлюдов тушадиган почта поездидан икки соат олдин кетарди, шунинг учун ҳам ортик қайтиб келмаслик учун меҳмонхона билан ҳисоб-китоб қилди.

Июлнинг жазирама иссиқ кунлари эди. Дим кечадан кейин кўча ва уйларнинг совушга улгурмаган тошлари, тунука томлар иссиқ тафтларини қайноқ ҳавога қайтарар эди. Шамол эсмас, аммо ел кўтарилганда эса чанг-тўзон ва мойли бўёқнинг қўланса хидини, иссиқ ҳавони олиб келарди. Кўчада одам кам эди, йўловчилар ўзларини уйларнинг соясига олишга ҳаракат қилардилар. Фақат офтобда қорайиб кетган чипта кавуш кийган тошчи дехқонлар қайноқ қумга ётқизилаётган тошларни тўкмок билан тўкиллайтиб, кўчанинг ўртасида ўтирар ва ювилмаган оқ китель кийган, тўппончасининг қизғиш камари осилган, ковоғи солиқ миршаблар кўчанинг ўртасида депсиниб хомуш туришарди. Булардан ташқари, бир томони офтобдан тўсилган, оқ ёпинчиғи орасидан кулоқлари чиқиб турган от қўшилган конкалар жингиллаб, гоҳ кўчанинг юкорисига, гоҳ пастига ўтиб кетишарди.

Нехлюдов авахтага яқинлашган пайтда маҳбуслар гуруҳи ҳали чикмаган, авахтада эрталаб соат тўртдан бери маҳбусларни топшириш ва қабул қилиш иши қизғин давом этмокда эди. Жўнаб кетадиган тўлада олти юз йигирма уч эркак ва олтмиш тўртта аёл бўлиб: уларнинг ҳаммасини жиноят моддалари бўйича тузилган рўйхатларга қараб текшириб чиқиш, беморларни ва заифларни ажратиб олиб конвойларга топшириш керак эди. Янги мутасадди унинг икки ёрдамчиси, доктор, фельдшер, конвой офицери ва мирзо ҳовлида девор қўланкасига қўйилган, усти қоғоз ва ёзув асбоблари билан тўлган стол ёнида ўтиришар ва маҳбусларнинг номини айтиб чақиришар, кейин ёнларига бирин-кетин келиб турган маҳбусларни кўздан кечирар, сўроқ қилишар ва ёзиб олишарди.

Офтоб столнинг ярмигача келиб қолган эди. Шамол йўқлигидан ва тикилишиб турган маҳбусларнинг нафасидан ҳаво исиб, дим бўлиб кетган эди.

Баланд бўйли, семиз, елкаси қўтарилган, калта қўлли, оғзининг атрофини соқол-мўйлов қоплаган, кетини узмай папирос чекаётган конвой бошлиғи:

– Вой-бўй, хали-бери тамом бўлмайди, шекилли! – деди папиросини қаттиқ тортиб, – тоза чарчатишди-ку. Шунча одамни каердан тўплаб олдиларинг-а? Хали яна кўпми?

Мирзо суриштириб билди.

– Эркаклар ва аёллар бўлиб яна йигирма тўрт киши бор.

– Ҳа, нега қакқайиб турибсанлар, қимирласангларчи!.. – деб кичқирди конвой бир-бирларига сикилишиб турган, хали текширилмаган маҳбусларга.

Маҳбуслар саф тортишиб навбатларини кутиб офтобда турганларига уч соатдан ошиб кетган эди.

Бу ишлар авахта ичкарисида борарди, ташқарида эса дарвоза тагида, одатдагидек милтиқ ушлаган соқчи ҳамда маҳбусларнинг юки ва заифлар учун йигирматача арава турарди. Бурчакда эса жўнаб кетаётганларни кўриб қолиш, агар иложи бўлса, гаплашиш ёки уларга бирон нарса бериш мақсадида маҳбусларнинг қариндош-уруғлари ва дўстлари кутиб туришарди. Нехлюдов шу тўдага келиб қўшилди.

Бу ерда у бир соатча турди. Энг охир дарвоза ортида кишанларнинг жангиллаши, оёқ товушлари, амирона овозлар, катта бир оломоннинг йўталгани ва гўнғир-гўнғир гаплашгани эшитилди. Шу зайлда беш дақиқача вақт ўтди, бу вақт ичида назоратчилар эшикка кириб чиқиб турдилар. Ниҳоят, команда товуши эшитилди.

Дарвоза тарақлаб очилди, кишанларнинг жаранги аниқроқ эшитила бошлади, оқ китель кийган, милтиқ осган конвой аскарлар чиқдилар, – дарвоза олдида кенг доира ясаб тизилдилар, бунга улар одатланиб қолган эдилар. Улар жой-жойларига туриб олгандан кейин, яна янги команда эшитилди, сочининг ярми қирилган бошларига чалтаксимон шапка кийган, қоп орқалаган маҳбуслар кишанланган оёқларини судраб, бўш қўлларини силкитиб, иккинчи қўллари билан қопни ушлаб, жуфт-жуфт бўлиб чиқа бошлашди. Дастлаб ҳаммаси бир хил кулранг шим, елкасига хоч шакли туши-

рилган халат кийган каторгачи эркаклар ўтди. Ҳаммалари – ёшлар, кексалар, ориклар, семизлар, рангсизлар, юзи қизиллар, қоралар, мўйловдорлар, серсоқоллар, соқолсизлар, руслар, татарлар, яҳудийлар кишанларини жангиллатиб, гўё узокқа кетишга отланган кишилардек қўлларини силкита-силкита чиқиб келдилар-у, лекин ўн кадам юрмасдан тўхтаб қолдилар ва итоаткорлик билан тўртта-тўртта бўлиб саф тортдилар. Буларнинг кетидан, дарвозадан сочи худди шундай қирилган, оёғи кишансиз, лекин қўллари бир-бирлариникига қўшиб кишанланган, худди боягилар каби кийинган одамлар чиқди. Булар сургун қилинганлар эди... Булар ҳам олдингилар сингари дадил чиқиб келишди, кейин тўхтаб худди боягилар каби тўртта-тўртта бўлиб саф тортишди. Кейин сиёсий маҳбуслар, сўнгра аёллар тартиб билан чиқди, аввал кулранг авахта камзули кийган, дурра ўраган каторгачи аёллар, кейин сургун қилинган аёллар ва ўз ихтиёрлари билан эрлари ортидан кетаётган, ўзларининг шаҳар ва қишлоқ кийимидаги аёллар саф тортишди. Аёлларнинг баъзилари чақалоқларини кулранг камзулларининг этагига солиб кўтариб олган эди.

Аёлларнинг ёнида болалар: ўғил болалар ва қизалоқлар боришарди. Бу болалар уюрдаги кулундек маҳбус аёлларнинг оёғи остида ўралашарди. Эркаклар ахён-ахёнда йўталишиб, ахён-ахёнда бир-бирларига гап отишиб, жимгина саф тортишарди. Аёлларнинг гапдан жағи тинмасди. Нехлюдов дарвозадан чиқиб келаётган Масловани кўргандек бўлди, лекин кейин у бошқалар ичида кўздан ғойиб бўлди-ю, Нехлюдов инсоний хислатлардан, айниқса, хотинлик назокатидан маҳрум бўлган, бола кўтарган ва коп орқалаган, эркаклар ортида саф тортаётган бир гуруҳ кулранг оломонни кўрди, холос.

Маҳбуслар турма ичида саналган бўлсалар-да, конвойлар аввалги ҳисобга солиштириб кўриш учун яна санай бошладилар. Баъзи маҳбуслар бир жойда турмай, у ёқдан-бу ёққа ўтиб турар, ҳисобни чалкаштирарди, шу сабабдан, бу қайта санаш жуда узок давом этди. Конвойлар аламларини ютиб итоат қилаётган маҳбусларни сўқар, итарар ва қайта-



қайта санар эдилар. Ҳаммани санаб бўлганларидан кейин конвой офицери алланима деб команда берди, оломон чайқалиб кетди. Заиф эркаклар, аёллар ва болалар бир-бирларидан ўзиб арава томон югуришди, аввал қопларини аравага жойлаб, кейин ўзлари ҳам чиқа бошлашди. Чақалоқлари чириллаб йиғлаётган аёллар, жой талашиб-тортишаётган хушчақчақ болалар ва ғамгин, хомуш эркак маҳбуслар аравага чикиб ўтира бошладилар.

Бир неча маҳбус бошидан шапкасини олиб, конвой офицери олдига борди-да, алланимани илтимос қила бошладди: Нехлюдов кейинчалик билса, улар аравага чиқишга ижозат сўраган эканлар. Нехлюдов конвой офицерининг, илтимос қилувчига қарамай, индамай папиросини қаттиқ тортиб, кейин тўсатдан калта қўлини кўтариб урмоқчи бўлганини, маҳбус эса калтак ейишдан кўрқиб қирилган бошини елкаси ичига тортиб, қочиб кетганини кўрди.

– Сени шундай эллиқбоши қилиб қўййки, бир умр эсингдан чиқмайдиган бўлсин! Пиёда ҳам кетаверасан! – деб ўшқирди офицер.

Офицер фақат узун оёқларига кишан солинган, гандираклаб зўра турган чолгагина аравага чиқишга ижозат берди. Нехлюдов ўша чолнинг аравага қараб бораётиб, чалпаксимон шапкасини ечиб чўқинганини, кейин кишанланган мадорсиз оёқларини кўтариб, аравага чиқа олмай анчагина қийналганини, аравада ўтирган бир аёл унинг қўлидан тортиб чиқариб қўйганини кўрди.

Аравалар қоплар билан тўлгач ва шу қоп устига ўтиришга ижозати борлар жойлашиб олгач, конвой офицери фуражқасини ечди, рўмолчаси билан пешонасини, ярғок бошини ва кип-қизил, йўғон бўйнини артди-да, чўқиниб олди.

– Тўда, марш!<sup>1</sup> – деб команда берди у.

Аскарлар милицяларини шикирлатиб қўйишди, маҳбуслар шапкаларини олиб, баъзилари чап қўллари билан чўқина бошлашди, кузатувчилар алланима деб қичқирдишди,

<sup>1</sup> Марш (французча: marche – олға қараб юриш, ҳаракатланиш) – сафда барабар қадам ташлаб юриш.

махбуслар алланима деб бақриб жавоб қайтаришди, аёллар орасида фарёд кўтарилди, оқ китель кийган аскарлар қуршовидаги махбуслар кишанли оёқлари билан чанг кўтариб йўлга тушди. Олдинда аскарлар борар, уларнинг орқасидан қаторгачилар кишанларини жангиллатиб, тўртта-тўртта бўлиб боришар, қаторгачилар кетидан сургун қилинганлар, кейин иккитасининг қўлига битта кишан солинган сиёсий махбуслар, кейин аёллар боришарди. Энг кейин қоплар ортилган ва заифлар тушган аравалар йўлга тушди. Рўмолига ўралиб олган бир аёл арава устида ўтириб фарёд кўтариб йиғларди.

### XXXV

Саф шу қадар узун эдики, олдинги қатордагилар кўздан ғойиб бўлганда қоплар ортилган ва бедармон одамлар ўтирган аравалар жойидан силждиди. Аравалар жойидан кўзгалгач, Нехлюдов ўзини кутиб турган извошга бориб ўтирди. Эркаклар орасида таниш махбуслар кўринмасмикан деган умид билан извошчига тўдадан ўзиб кетишни буюрди. Бундан ташқари, у аёллар орасидан Масловани топиб, ўзи юборган нарсаларини олган-олмаганлигини сўрамоқчи эди. Кун жуда исиб кетган, шамол йўқ эди, минглаб оёқлар остидан кўтарилган чанг, кўчанинг ўртасидан кетаётган махбуслар тепасида турарди. Махбуслар тез-тез юриб боришарди, Нехлюдов ўтирган извошнинг отлари майда қадам ташлаб, йўртиб боргани учун махбуслардан дарров ўзиб кета олмасди. Бир хил пойабзал кийган, оёқларини ташлаб, ўзларига далда бермоқчидек, қўлларини қадам ташлашларига монанд силкитиб бораётган даҳшатли киёфадаги нотаниш одамлар саф-саф бўлиб ўтиб боришарди. Улар шу қадар кўп, шу қадар бир хил, шундай ғалати бир аҳволга солиб қўйилган эдиларки, Нехлюдовнинг назарида, булар одам эмас, аллақандай даҳшатли махлуқларга ўхшаб туюларди. Қаторгачилар орасида бир махбусни, қотил Федоровни ва сургун қилинганлар орасида қизиқчи Охотин билан яна бир. ўзига мурожаат қилган саёқни танигач, ундаги бу

таассурот тарқалиб кетди. Маҳбусларнинг деярли ҳаммаси улардан ўзиб кетаётган извошчи ва унда ўтириб, ўзларини синчиклаб кўздан кўчираётган бекка ўгирилиб, ўқрайиб қарашарди. Федоров, Нехлюдовни таниганини билдириб бошини иргатиб кўйди. Охотин кўзини қисиб кўйди. Лекин униси ҳам, буниси ҳам тақик этилганлиги учун у билан саломлашмадилар. Аёлларга етиб олгач, Нехлюдов Масловани кўрди. У аёлларнинг иккинчи қаторида эди. Сафнинг четида кип-қизариб кетган, калта оёк, қора кўз, халатини белбоғига қистирган хунук хотин борарди. Бу Хорошавка эди. Хорошавканинг ёнида оёғини зўрага судраб босаётган ҳомиладор хотин бор эди, унинг нариги ёғидагиси Маслова эди. Маслова копини орқалаб, тўғрига қараб борарди. У билан бир қатордаги тўртинчи хотин Федосья эди, дадил қадам ташлаб кетаётган бу чиройли жувон калта халат кийиб, дуррасини бўйнидан боғлаб олган эди. Нехлюдов извошдан тушди, Масловадан буюмларни олган-олмаганини ва ўзини қандай ҳис қилаётганини сўрамоқчи бўлиб, қадам ташлаб кетаётган хотинларга яқинлашди, лекин гуруҳнинг шу томонида кетаётган конвой унтер офицери уни кўриб қолди-да, югуриб олдига келди.

– Тўдага яқинлашиш мумкин эмас, таксир, ман қилинади, – деб қичқирди у яқинлашар экан.

Яқин келиб Нехлюдовни танигач (авахтада Нехлюдовни ҳамма танирди), унтер-офицер честь берди ва Нехлюдов олдида тўхтаб:

– Ҳозир мумкин эмас, вокзалга борганда гаплашсангиз бўлади, бу ерда рухсат этилмайди, – деди. – Ҳой, орқада қолмаларинг, қимирла дейман! – деб қичқирди у маҳбусларга. Иссикқа қарамай ўзини дадил тутиб, янги этикларини кўз-кўз қилиб, ўз жойига бориб олди.

Нехлюдов йўлга қайтди ва извошчига изма-из бораверишни буюриб, ўзи маҳбуслар билан кетаверди. Маҳбуслар тўдаси қаердан ўтмасин, ҳамма ерда одамларда ачиниш билан дахшат аралаш бир ҳис уйғотарди. Ўткинчилар извошлардан бошларини чиқариб, маҳбуслар то кўздан ғойиб бўлгунча қараб қоладилар. Пиёда кетаётганлар тўхташар ва

бу дахшатли манзарани хайрон бўлиб, ваҳима ичида кузатишарди. Баъзилар яқин келиб садақа беришарди. Садақани конвойлар йиғиб оларди. Баъзилари эса гипноз<sup>1</sup> қилингандек, тўда кетидан анча жойгача борар, лекин кейин тўхтаб бошларини чайқашар ва кўзлари билан кузатиб қолишарди. Одамлар бир-бирларини чақиритиб, йўлак ва дарвозалардан чиқиб келар, баъзилар деразаларидан белларигача осилиб бу дахшатли манзарани қимир этмай, сўзсиз томоша қилардилар. Чорраҳаларнинг бирида маҳбуслар тўдаси серҳашам бир колясканинг ўтиб кетишига халақит берди. Юзи йилтираган, орқасига қатор тугма таққан, бўксаси катта извошчи пештахта устида ўтирарди. Колясканинг орқа томонидаги ўриндикда эр-хотин ўтиришарди: орик, рангсиз хотин бошига оқ шляпа кийган, рангли соябон ушлаган, эри цилиндр ва ранги очик башанг пальто кийган эди. Олдинда, уларнинг рўшарасида болалари ўтирарди: ясатилган, гулдек яшнаб турган қизчанинг сап-сарик сочлари орқасига ёзиб ташланган, бунинг ҳам қўлида рангли соябон бор эди, ёнида узун лента билан безалган матросча шапка кийган, орик, бўйни узун саккиз яшар бола ўтирар эди. Уларнинг оталари аччиғланиб, йўлларини тўсиб қўйган тўдани вақтида айланиб ўтиб кетмаган извошчини койирди, оналари эса жирканиб кўзини қисиб, башарасини бужмайтирар, шохи соябонини тушириб, офтобдан ва чангдан юзини тўсиб олган эди. Бўксаси семиз извошчи эса шу кўчадан юришни ўзи буюрган хўжайиннинг ноҳақ койишларини тинглар экан, қовоғи борган сайин осилар, бўйни ва юганларининг тагини оқ кўпик босган, юришга шайланиб турган тўрик отларни зўрға ушлаб турарди.

Миршаб серҳашам колясканинг эгасига лаганбардорлик қилиб маҳбусларни тўхтатиб, уни ўтказиб юбормоқчи бўларди-ю, лекин бу сафда, ҳатто мана шундай давлатманд жанобнинг ҳурмати учун ҳам бузиб бўлмайдиган маъюс бир дабдаба бор эди. Миршаб бу давлатманд одамнинг ҳурмати юзасидан қўлини чаккасига қўйиб, ҳар эҳти-

<sup>1</sup> Гипноз – инонтитриш, таъсир ўтказиш, сеҳрлаш йўли билан ухлатиб қўйиш, беҳуш қилиш, ўз измига бўйсундириш; шу вақтдаги уйқу, беҳушлик ҳолати.

молга карши коляскадагиларни махбуслардан ҳимоя қилишга тайёрдек, махбусларга ўқрайиб қараб кўярди. Шундай қилиб коляска махбусларнинг ҳаммаси ўтиб бўлгунча кутиб туришга мажбур эди. Ниҳоят, қоплар ортган, устига хотинлар ўтирган арава тарақлаб ўтиб кетганидан кейингина ўрнидан жилди. Хотинлар орасида ўтирган, йиғиси анча тиниб қолган асабий хотин ҳашаматли коляскани кўриб яна чинқириб ва хўнграб йиғлай бошлади. Шундагина извошчи жиловни аста силтаб кўйди, тўриқ отлар тош йўлда тақаларини тарақлатиб, резина шиналар устида юмшокқина силкиниб бораётган коляскани елдириб кетди; эр-у хотин кизалоқ ва узун бўйинли, елкаси чиқик бола кўнгил ёзиш учун боққа кетаётган эдилар.

На ота, на она қизлари ва ўғилларига бу кўрган манзаранинг нималигини тушунтирдилар. Болалар бу кўрган манзаранинг мазмунини ўзлари тушуниб олишга мажбур эдилар.

Кизалоқ отаси билан онасининг юзидаги ифодага қараб, масалани ўзича ҳал қилди: бу одамлар унинг ота-онаси ва таниш-билишларидан тамомила бошқача, ёмон одамлар экан, шу сабабли уларни шу аҳволга солишлари тўғри. Шунинг учун ҳам киз кўрқиб турди, бу одамлар кўздан ғойиб бўлганига севинди.

Аммо махбуслар сафидан кўз узмай тикилиб кузатган бўйни узун, қилтириқ бола масалани ўзича ҳал қилди. Бола бу одамларнинг ҳам худди ўзи ва бошқа одамлар каби эканлигини ва кимдир шу одамларга лойиқ бўлмаган бир ёвузликни раво кўрганини аниқ билди; бу фикрни, афтидан, унинг кўнглига Худонинг ўзи солган эди. Боланинг уларга раҳми келди, мана шу кишанланган ва сочининг ярми қирилган одамлар ҳамда уларни кишанлаб, сочларини қирган одамлар олдида даҳшатга тушди. Шунинг учун ҳам боланинг лаблари борган сайин дир-дир титрар ва у, бундай пайтларда йиғлашни уят ҳисоблагани учун йиғлаб юборишдан ўзини аранг тутиб турарди.

Нехлюдов маҳбуслар билан баравар тез-тез юриб борар, аммо кийими ва пальтосининг енгиллигига карамай жуда исиб кетган эди. Кўчани тўлдирган чанг-тўзондан ва ҳавонинг димлигидан нафаси бўғиларди. Нехлюдов чорак чакиримча йўл юргач извошга ўтириб олдинга ўтиб олди, лекин кўчанинг ўртасида кетаётган извошда баттар исиб кетди. У кеча поччаси билан бўлган суҳбати ҳақида ўйлаб кўрмоқчи бўлди, аммо бу фикрлар эрталабкидек уни ҳаяжонлантирмасди. Унинг ўрнини маҳбусларнинг авахтадан чиқиши ва уларнинг сафари тўғрисидаги таассурот қоплаб олган эди. Ҳаммадан ёмони шуки, ҳаво жуда иссиқ эди. Девор тагида, дарахтлар соясида икки реалист бола олдиларидан чўққайиб ўтирган музқаймоқчи ёнида фуражкаларини ечиб туришарди. Болаларнинг бири суяк қошиқни ялаб ҳузур қиларди, иккинчиси эса аллақандай сарик нарса билан тўлдирилаётган стаканни кутиб турарди.

Нехлюдов томоғи какраб кетганини хис қилиб:

– Қаерда томоқ хўллаб олса бўлади? – деб сўради извошчисидан.

– Анови ерда яхшигина майхона бор, – деди извошчи ва муюлишдан ўтиб Нехлюдовни катта лавҳа осилган дарвозага олиб келди.

Пештахта ортида турган кўйлакчан семиз гумашта ва хўрандалар бўлмагани учун стол атрофида ўтирган, бир вақтлар оппоқ кийинган хизматкорлар нотаниш меҳмонни кизиқиб кўздан кечирдилар ва хизматларини таклиф этдилар. Нехлюдов сельтер суви сўради ва дарвозадан нарироқдаги ифлос дастурхон ёзилган кичик стол ёнига бориб ўтирди.

Чой идишлар ва оқ шиша қўйилган стол атрофида икки киши пешоналарининг терини артиб, хотиржамгина ўтириб, алланарсани ҳисоблашишарди. Уларнинг бири қорачадан келган, боши ярғок одам эди. Бунинг сочи бошининг орқа томонида худди Игнатий Никифоровичники сингари қорайиб турарди. Бу таассурот поччаси билан қил-

ган суҳбатини ҳамда жўнаб кетмасдан бурун поччаси ва опаси билан учрашмоқчи бўлганини эслатди. «Поезд жўнаб кетгунча улгуролмасам керак, – деб ўйлади у, – яхшиси, хат ёзиб юбораман». Шундай қилиб у, қоғоз, конверт ва марка сўраб олди-да, муздеккина, вижиллаб турган сувни ҳўплаб-ҳўплаб ичар экан, нима деб ёзишни ўйлай бошлади. Лекин фикрлари тарқалиб, нима деб ёзишини билолмай гаранг бўларди.

«Наташа, жоним, Игнатий Никифорович билан бўлган кечаги суҳбатнинг оғир таассуротлари ила жўнаб кета олмайман...» – деб бошлади у. «У ёғига нима ёзаман? Кеча айтган гапларим учун узр сўрайманми? Лекин кўнглим-дагини айтдим-ку. Сўзларидан қайтди деб ўйлаши мумкин. Ундан ташқари, менинг ишларимга аралашганини айтмай-сизми... йўк, ёза олмайман». – Ана шу бегона, худписанд ва ўзини заррача тушунмайдиган одамга нисбатан кўнглида яна нафрат ҳисси кўтарилди. Ёзиб тугатмаган хатни чўнта-гига солиб, пул тўлади-да, кўчага чиқиб маҳбусларга етиб олиш учун жўнаб кетди.

Кун боягидан ҳам исиб кетган эди. Девор ва тошлар-нинг қайноқ нафаси келиб турар, иссиқ тош кўча оёқни куйдирай дер эди. Нехлюдов извошнинг бўялган қора канотига қўл теккизганда қўли куяёзди.

От чанг ва ўйдим-чукур тош йўл устида такасини бир меъёрда тарақлатиб майда кадам ташлаб йўртиб борарди, извошчи мудраб кетарди. Нехлюдов ҳеч нарсани ўйламай тўғрисига қараб бепарво ўтирарди. Пастликка тушавериш-даги катта уйнинг дарвозаси рўпарасида бир тўда оломон ва милтикли конвой турарди. Нехлюдов извошни тўхтатди.

– Нима гап? – деб сўради у қоровулдан..

– Маҳбусга бир нима бўлганга ўхшайди.

Нехлюдов извошдан тушди-да, оломон олдига борди. Йўлка бўйидаги қиялама паст-баланд тош йўл устида кўнғир соқол, қизил юз, пучуқ, эгнига кулранг халат ва худди шундай шим кийган ўрта яшар маҳбус оёғи баланд, боши паст бўлиб ётарди. У сепкил тошган қўлининг кафтини ерга қилиб, чалқанча тушиб ётар, ўқтин-ўқтин, баланд ва кенг



кўкрагини бир меъёрда кўтариб тин олар, кон тўлган, тўхтаб қолган кўзларини кўкка тикканча хирилларди. Унинг тепасида қовоғи солиқ миршаб, кўтармачи, хат ташувчи, гумашта, соябонли кекса аёл ва бўш сават кўтарган, сочи қириб олинган бола турарди.

Нехлюдов уларнинг олдига келганда гумашта унга қараб:

– Қалъада ўтиравериб тоза мазалари қочибди, тагин буларни куннинг тағида йўлга олиб чиқишди, – деди кимнидир қоралаб.

– Ўлиб қолади, шўрлик, – дерди соябонли аёл йиғламсираган овоз билан.

– Кўйлагининг олдни очиш керак, – деди хат ташувчи.

Миршаб қалт-қалт қилиб турган йўғон бармоқлари билан маҳбуснинг томирлари ўйнаб чиққан кизил бўйнидаги боғичларни еча бошлади. У ҳаяжонланган, хижолат чеккан кўринарди-ю, лекин бунга қарамай, оломонга дўқ қилиб кўйишни лозим топди.

– Нега тўпландиларинг? Ўзи шундок ҳам иссиқ. Шамолни тўсиб кўйдиларинг.

– Доктор текширувдан ўтказиши керак эди. Мадори йўқларни қолдириш лозим эди. Ўлай деб юрибди-ю, йўлга ҳайдаб чиқишибди, – дерди гумашта ўзининг тартиб билганини кўрсатмоқчи бўлиб.

Миршаб кўйлак камарини ечиб, қаддини ростлади-да, ўгирилиб қаради.

– Тарқал деяпман. Сенларга нима бор, нима бор бу ерда? – дерди у мадад кутгандек Нехлюдовга қараб. Аммо унинг боқишларида ҳусн-таважжух кўрмай конвойга ўтирилди.

Лекин конвой бир чеккада майишиб кетган пош-насини кўздан кечирар, миршабнинг мушкул аҳволга тушиб қолгани билан иши йўқ эди.

– Мутасаддилар ғамхўрлик қилишмайди. Одамларни очдан ўлдириш тартибга тўғри келадими, ахир?

– Ахир, маҳбус ҳам одам, – дейишарди тўпланганлар.

– Бошни баландроқ қилиб, сув беринглар – деди Нехлюдов.

– Сувга кетишди, – деб жавоб берди миршаб ва маҳбуснинг қўлтиғидан ушлаб зўрға бошини баландга олди.

– Нима қилиб тўпланиб турибсанлар? – деган кескин, амирона овоз эшитилди тўсатдан йилт-йилт қилиб турган озода китель ва ярқираган баланд пошна этик кийган даҳа назоратчиси маҳбус атрофида тўпланган бир тўда одам ёнига шахдам қадамлар билан юриб келди. – Тарқал! Пишириб қўйибдими бу ерда! – деб кичқирди у оломоннинг нега тўшланганини билмасданок.

Яқинроқ келиб, жон бераётган маҳбусни кўргандан кейин, гўё шундай бўлишини кутгандек, маъқуллаб бош ирғатиб қўйди-да:

– Нима гап? – деди миршабга юзланиб.

Миршаб, гуруҳ ўтиб кетаётганида бир маҳбус йиқилиб қолганини, конвой бу маҳбусни шу ерда қолдиришга буюрганини айтди.

– Нима қилиб турибсизлар унда. Миршабхонага олиб бориш керак. Извош топ.

– Қоровул кетди, – деди миршаб честь бериб.

Гумапга куннинг иссиқлиги ҳақида алланималар деб гапира бошлаган эди, даҳа назоратчиси:

– Сенинг нима ишинг бор? А? Бор, йўлингдан қолма, – деб шундай ўқрайиб қараб қўйдики, приказчикнинг дами ичига тушиб кетди.

– Сув ичириш керак, – деди Нехлюдов.

Даҳа назоратчиси Нехлюдовга ҳам ўқрайиб қаради-ю, лекин ҳеч нарса демади. Қоровул бир кружка сув олиб келганда, у маҳбусга сув ичиришни миршабга буюрди. Миршаб маҳбуснинг шилқ этиб тушган бошини кўтариб оғзига сув қуймоқчи бўлди, лекин маҳбус ичмади, сув соқолидан оқиб тушиб, камзулининг кўкрагини ва чанг босган қўйлагини хўл қиларди.

– Бошига қуй! – деб буюрди даҳа назоратчиси. Миршаб чалпаксимон шапкани ечиб, сувни жингалак кўнғир сочли маҳбуснинг ярғоқ бошига қўйди.

Маҳбус кўрққандек, кўзларини катта очиб юборди, лекин аҳволи ўзгармади. Сув унинг юзидан лой бўлиб окиб тушарди-ю, аммо оғзидан ҳамон бир меъёрда хириллаган овоз эшитилар, аъзойи бадани титрарди.

– Мана бу нима? Ол шуни, – деди даҳа назоратчиси Нехлюдовнинг извошини кўрсатиб миршабга. – Ҳой! Сенга айтяпман!

Извошчи бошини кўтармай:

– Бандман, – деб жавоб берди ҳўмрайиб.

– Менинг извошим, – деди Нехлюдов, – майли, олаверинглар. Ҳақини ўзим тўлайман, – деб қўшиб қўйди у извошчига ўтирилиб.

– Ҳа, нега анқайиб турибсанлар? – деб кичқирди даҳа назоратчиси, – кимирла!

Миршаб, қоровуллар ва конвойлар жон бераётган маҳбусни кўтариб извошга олиб бориб ўтқиздилар. Лекин маҳбус ўтира олмас, боши орқага эгилиб, гавдаси ўтиргичдан сирғалиб тушарди.

– Ётқизиб қўй! – деб буюрди даҳа назоратчиси.

– Зарари йўқ, жаноб олийлари, шундай олиб кетаман, – деди миршаб жон бераётганнинг ёнига жойлашиб ўтириб олиб, кучли ўнг қўли билан унинг белидан кучоқлаб.

Конвой маҳбуснинг пайтава ўрамай ёғоч кавуш кийган оёғини кўтариб, извошчи ўтирадиган жой тагига тикиб қўйди.

Даҳа назоратчиси ўтирилиб қаради ва маҳбуснинг ерда ётган чалпаксимон шапкасини олиб орқага осилиб тўшаётган ҳўл бошига кийгизиб қўйди.

– Марш! – деб буюрди у.

Извошчи жаҳл билан ўтирилиб қаради, бошини чайқаб қўйди ва конвой ҳамроҳлигида миршабхонага қайта бошлади. Маҳбус ёнида ўтирган миршаб боши шилқ этиб тушган, пастга сирғалиб тушаётган танани ушлаб қолишга уринарди. Конвой ёнма-ён юриб борар, оёғини тўғрилаб кўярди. Нехлюдов улар кетидан эргашди.

Маҳбус ўтқазилган извош ўт ўчирувчи соқчи ёнидан ўтиб, миршабхона ҳовлисига кирди ва бир эшик олдида тўхтади.

Ҳовлида ўт ўчирувчилар енгларини шимариб, шангиллаб гаплашиб, кула-кула аллақандай аравани ювишарди.

Извош келиб тўхташи биланок, бир неча миршаб уни қуршаб олди-да, маҳбуснинг жонсиз танасини қўлтиғи ва оёғидан кўтариб ғижирлаб турган извошдан туширди.

Маҳбусни олиб келган миршаб извошдан тушгач, увишиб қолган қўлларини силкиди, фуражқасини ечиб чўкинди. Ўликни эса эшикдан олиб киритиб, – юқорига олиб чиқиб кетдилар. Нехлюдов уларнинг кетидан қолмади. Ўликни олиб кирган каттакон ифлос хонада тўртта каравот турар эди. Иккита каравотда ҳалат кийган иккита бемор ўтирарди. Бири бўйни бойланган, оғзи қийшиқ киши бўлиб, иккинчиси сил эди. Иккита каравот бўш эди. Шуларнинг бирига маҳбусни ётқизишди. Кўзи чакнаган, қоши тинимсиз учиб турган, ич қўйлақда ўтирган, оёғига пайпоқ кийган киши келтирилган маҳбус ёнига аста юриб келди, аввал унга, кейин Нехлюдовга қараб қўйди-да, қаҳқаҳлаб кулиб юборди. Бу миршабхона қабулхонасида сақланаётган жинни эди.

– Мени қўрқитишмоқчи, – деди у, – йўқ, овора бўласанлар.

Миршаблар ўликни олиб киргандан кейин, даҳа назоратчиси билан фельдшер кирди.

Фельдшер ўлик олдига бориб, маҳбуснинг сепкил тошган сарғимтир, ҳали юмшок бўлса-да, ўлим ранги югурган қўлини олди, бироз ушлаб турди-да, қўйиб юборди. Унинг қўли қорнига шалоплаб тушди.

– Тамом, – деди фельдшер бош чайқаб. Лекин қоида юзасидан бўлса керак, ўликнинг ҳўл бўлган дағал қўйлагини кўтарди, ўзининг жингалак сочларини қайтариб қўлоғини очиб, маҳбуснинг сарғимтир ҳаракатсиз баланд кўкрагига қулоқ қўйди. Ҳамма жим эди. Фельдшер қаддини ростлади,

бошини яна сарак-сарак қилди, очиқ қотиб қолган кўк кўз устидаги ковоқларнинг аввал бирини, кейин иккинчисини бармоқлари билан ушлаб кўрди.

– Қўрқитолмайсизлар, қўрқита олмайсизлар, – дерди телба зўр бериб фельдшерга қараб тупуриб.

– Хўш, нима? – деди даҳа назоратчиси.

– Нима бўларди! – деди фельдшер, – ўликхонага олиб бориб ташлаш керак.

– Яхшилаб қаранг, чиндан ўлганми? – деб сўради даҳа назоратчиси.

– Шуниям билмаймизми, – деди фельдшер негадир, ўликнинг очиқ кўкрагини ёпиб, – майли, Матвей Ивяновичга одам юборай, келиб кўрсин. Петров, бориб кел, – деди фельдшер ва ўликдан нари кетди.

– Уликхонага олиб бор, – деди даҳа назоратчиси, – кейин идорага бориб кўл кўясан, – деб қўшиб қўйди конвойга юзланиб. Конвой ўлик маҳбус ёнидан бир, қадам нари кетмас эди.

– Хўп бўлади, – деб жавоб берди конвой.

Миршаблар ўликни кўтариб яна зинадан пастга тушиб кетдилар. Нехлюдов ҳам улар кетидан бормоқчи бўлиб турган ҳам эдики, телба уни тутиб қолди.

– Сиз улар билан тил бириктирмагансиз-ку, бир донагина папирос беринг, – деди у.

Нехлюдов папирос қутисини олди-да, папирос берди. Телба қошларини учириб, тез-тез гапириб, сеҳр билан ўзини қандай қийнаётганларини ҳикоя қила бошлади.

– Ҳаммалари менга қарши, медиумлари<sup>1</sup> орқали мени қийнашади, азоб беришади...

Нехлюдов:

– Кечирасиз мени, – деди-да, ўликни қаерга олиб боришларини билиш учун, телбанинг гапини охиригача тингламай, ҳовлига чиқиб кетди.

Миршаблар ўликни кўтариб ҳовлининг нариги бошига ўтиб, ертўлага тушиб кета бошладилар. Нехлюдов улар

<sup>1</sup>Меджум – «Руҳлар ва одамлар ўртасидаги воситачи» (тарж.).

олдига бормоқчи бўлиб турганда, даҳа назоратчиси уни тўхтатди.

- Сизга нима керак?
- Ҳеч нарса, – деди Нехлюдов.
- Ундай бўлса, йўлингизга кетаверинг.

Нехлюдов итоат қилди ва извошига қараб кетди. Извошчи мудрарди. Нехлюдов уни уйғотди-да, яна вокзалга қараб жўнади.

Юз қадам ҳам юрмасларидан, милтиқли Конвой билан келаётган шалдироқ арава учраб қолди. Бунга кам, афтидан, ўлган маҳбус ётқизилган бўлса керак. У аравада чалқанча ётарди, сочи қирилган қора соқол маҳбуснинг бошига кийгизиб қўйилган чалтаксимон шапкаси юзидан бурнигача сурилиб тушган эди. Арава ҳар чайқалиб кетганда маҳбуснинг боши силкинар ва тахтага уриларди. Жўн этик кийган аравакаш отнинг ёнида юриб ҳайдаб борарди. Унинг кетидан миршаб келарди. Нехлюдов извошчисининг елкасидан ушлади.

- Нима қилишяпти! – деди извошчи отни тўхтатиб.

Нехлюдов извошдан тушди ва шалдироқ арава кетидан эргашди, яна ўт ўчирувчи соқчининг ёнидан ўтиб, миршабхона ҳовлисига кирди. Ҳовлидаги ўт ўчирувчилар арава-ни ювиб бўлган эдилар, унинг ўрнида энди фуражкеси кўк гардишли новча, ориқ брандмайор<sup>1</sup> қўлини чўнтагига қилиб турар, ўт ўчирувчи айлантириб юрган бўйни яғир бўз отга қараб турарди. От олдинги оёғига оксар, брандмайор эса ёнида турган мол докторига жаҳл билан бир нима деб гап уқдирар эди.

Даҳа назоратчиси ҳам шу ерда эди. Иккинчи ўликни кўриб дарров олдига борди.

- Қаерда йиқилди? – деб сўради у бошини чайқай-чайқай.
- Старая Горбатовская кўчасида.
- Маҳбусми? – деб сўради брандмайор.
- Ҳа.

<sup>1</sup> Брандмайор – шаҳар ўт ўчирувчилар гуруҳининг раҳбари.

– Бугун иккинчиси, – деб кўйди даха назоратчиси.

– Тартибни қаранг-у. Бунинг устига кун ҳам кизияпти, – деди брандмайор ва оқсоқ саман отни етаклаб чиқиб кетаётган ўт ўчирувчига қичқирди. – Бурчакдаги якка охурга боғла! Отни ишдан чиқариш қанақа бўлишини кўрсатиб кўяман сен итваччага. Бунақа отлар сендақа муттахамдан қимматроқ туради.

Ўликни, бояги биринчиси каби, миршаблар аравадан кўтариб туширдилар ва қабулхонага олиб кирдилар. Нехлюдов худди сеҳрлангандек, уларнинг кетидан эргашди.

– Сизга нима керак? – деб сўради ундан миршаблардан бири.

Нехлюдов жавоб қайтармай, ўликнинг кетидан бора-верди.

Телба каравотида ўтириб Нехлюдов берган папиросни сўриб-сўриб тортарди.

– Ҳа, қайтиб келдингизми? – деди у ва қаҳ-қаҳлаб кулиб юборди. Ўликни кўриб юзини буришгирди. – Яна, – деди у. – Жонимга тегдинглар, ёш боламасман-ку, ахир? – савол назари билан жилмайиб Нехлюдовга мурожаат қилди у.

Ўликнинг олдини энди ҳеч ким тўсиб турмас, юзини илгари шапкаси беркитиб турган бўлса, ҳозир очик, ҳаммаси кўриниб турарди. Нехлюдов унга тикилди. Бояги маҳбус хунук бўлса, буниси ҳаддан зиёд чиройли, юзи ҳам бежирим, қадди-комати ҳам келишган эди. Бу куч-қувватга тўлиб етилган одам эди. Сочининг ярми қирилиб расвосини чиқарган бўлишларига қарамай, эндиликда сўнган қора кўзлари тепасидаги энсизроқ дўнг пешонаси, нозик қора мўйлови устидаги кичкинагина қуш бурни каби жуда чиройли эди. Энди кўкара бошлаган лаблари жилмайиб турарди: калтагина соқоли юзининг пастки қисмини ўраб олган, бошининг сочи қирилган томонида кичкинагина, чиройли қулоғи кўринарди. Юзининг ифодаси хотиржам, жиддий ва мулойим эди. Юзига қараб бу одамда бўлган зўр истеъдод зое кетгани билиниб турар, шу билан бирга қўлининг нозик суяклари, кишанланган оёқлари, мушаклари бақувват аъзойи бадани-



нинг мутаносиблигига қараб, бунинг нақадар гўзал, кучли, чаққон инсон зоти эканлиги ошкор кўриниб турарди. Бир жонивор сифатида у боя ишдан чиқиб қолгани учун брандмайор қаттиқ аччиғланган бўз отга қараганда бекам-кўст эди. Аммо унинг тинкасини қуритдилар. Эндиликда биронта одам инсонга эмас, бекордан бекор нобуд бўлган бир иш ҳайвонига ачингандек ҳам ачинмас эди. У ўлиб қолиши билан барча одамлардан ўлиги сасиб қолмасдан даф қилиш зарур, деган ташвиш туғилди.

Қабулхонага доктор билан фельдшер ва даҳа полиция бошлиғи кирди. Доктор оқ жунунча пиджак ва мушакдор сонларини таранг қилиб турган, худди пиджаки сингари тор панталон кийган миқти киши эди. Даҳа полиция бошлиғи эса коптоқдек юмалоқ қизил юзли, паканагина, хўппа семиз эди. У лунжини тўлдириб ҳаво олиб, кейин аста-секин пуфлаб чиқаришга одатланган, шу сабабдан юзи янада думалоқ кўринарди. Доктор ўлик ётган каравотга ўтирди, фельдшер сингари ўликнинг қўлини ушлаб кўрди, юрагини тинглади, панталонини торта-торта ўрнидан турди.

– Аллақачон жони узилибди, – деди у.

Даҳа полиция бошлиғи лунжини тўлдириб ҳаво олди ва аста-секин чиқара бошлади.

– Қайси қалъадан? – деб сўради у конвойдан.

Конвой айтди ва ўликнинг оёғида кишанлари борлигини эслатди.

– Олиб ташлатаман. Худога шукур, темирчиларимиз бор, – деди даҳа полиция бошлиғи лунжини тўлдириб. Ҳавони аста чиқариб эшик томон юрди.

– Нега бундай бўлди? – деб сўради Нехлюдов доктордан.

Доктор унга кўзойнак оркали қаради.

– Нега бундай дейсизми? Нега офтоб урган дейсизми? Киши билан кун кўрмай ҳаракатсиз ўтириб бирдан офтобга, яна шу бугунгидек иссиқ кунда кўчага чиқишган. Бунинг устига тўда-тўда бўлиб, тикилишиб боришган, кўкрагига шамол тегмаган. Офтоб урган-қўйган.

– Нега чиқаришади бўлмаса?

– Буни ўшаларнинг ўзидан сўрайсиз. Ўзингиз ким бўласиз?

– Шундай, чет киши.

– Ундоғ денг!.. Кечирасиз, вақтим зик, – деди доктор ва жаҳл билан панталонини пастга тортиб беморлар каравоти томон кетди.

– Хўш, ишларинг қалай? – деди у бўйни боғланган, оғзи қийшиқ, рангсиз кишига.

Телба ўз каравотида ўтирар, папиросини чекиб бўлиб, зўр бериб доктор томонга тупурарди.

– Нехлюдов пастга – ховлига тушди-да, ўт ўчирувчиларнинг отлари, товуклар ва мис шлём<sup>1</sup> кийган соқчи олди-дан ўтиб, дарвозадан кўчага чиқди, яна ухлаб қолган извошчини уйғотиб извошга ўтириб, вокзалга жўнади.

### XXXVIII

Нехлюдов вокзалга етиб келганда маҳбуслар деразаси панжарали вагонларга жойлашиб олган эдилар. Платформада кузатувчилардан бир неча киши турарди. Уларни вагонларга яқин йўлатишмасди. Айниқса, бугун конвойлар серташвиш эдилар. Авахтадан вокзалга боргунча, Нехлюдов боя кўрганларидан ташқари, яна уч киши офтоб уриб ўлган эди: уларнинг бири аввалги икки маҳбус сингари яқинроқдаги миршабхонага элиб топширилган эди, қолган иккитаси эса шу ерга етганда, вокзалда<sup>2</sup> ўлди. Конвойлар, назоратлари остида келаётган, яшаши мумкин бўлган кишиларнинг ўлганига ташвишланаётганлари йўқ эди. Бу уларга таъсир этмас эди. Уларни ташвишлантирган нарса шундай ҳодиса юз берганда қонун талаб қилган қондаларни ўрнига қўйиш:

<sup>1</sup> Шлём (русча: шлем, шелом < немисча: Hülle – кобик; ёпингич) – 1) қадим давр ва ўрта асрларда қилч, гурзи, ўк ва шу қабилар зарбидан сақланиш учун бошга кийиладиган темир қалпоқ; дубулга; 2) бош ва бўйинни урилиш, лат ёйиш, босим ва шу қабилардан сақлаш учун махсус тайёрланган бош кийими (бу ерда шу маънода).

<sup>2</sup> 80-йилларнинг бошларида Бутир қалъасидан Нижегород темир йўли вокзалига боргунча, бир кун ичида бешта маҳбус офтоб уриб ўлган. (Толстой изоҳи.)

ўликларни, қоғозлари ва буюмларини тегишли жойга топшириш, уларни Нижнийга олиб бориладиганлар рўйхатидан чиқариш эди. Шундай жазирамада бу иш уларга жуда малол келар эди.

Конвойлар худди шу иш билан баяд эдилар. Шу сабабли ишлари битмагунча Нехлюдовни ҳам, бошқа кузатувчиларни ҳам вагонга яқин йўлатмадилар. Лекин, ахири, Нехлюдовга ижозат бердилар, чунки у конвой унтер-офицерига пул берган эди. Унтер-офицер Нехлюдовни ўтказиб юбордию, лекин бошлиқ кўриб қолмасдан бурун тезроқ гаплашиб қайтиб чиқишни илтимос қилди. Вагонларнинг ҳаммаси ўн саккизта бўлиб, бошлиқларнинг вагонидан бошқаси маҳбуслар билан лиқ тўлган эди. Вагонларнинг деразаси тагидан ўтиб борар экан, Нехлюдов ичкаридаги гапларга қулоқ соларди. Ҳамма вагонларда кишанларнинг жангир-жунгури, шовшув, бемаъни сўқинишлар ва гўнғир-гўнғир гаплашган товушлар эшитиларди-ю, лекин ҳеч қаерда йўлда йиқилиб қолган ўртоқлари ҳақида гапирмас эдилар. Нехлюдов шулар тўғрисида гаплашишади деб кутган эди. Гаплар асосан қоплар, ичиладиган сув ва жой танлаш тўғрисида борар эди. Вагонлардан бирининг деразасидан қараган Нехлюдов ўртадаги йўлакда конвойлар маҳбусларнинг қўл кишанини ечаётганини кўрди. Маҳбуслар қўлларини узатишар, конвойларнинг бири калит билан қўл кишанларининг қулфини очар ва ечиб олар эди. Иккинчиси кишанларни йиғиб оларди. Эркаклар тушган вагонлардан ўтгач, Нехлюдов хотинлар вагонига яқинлашди. Иккинчи вагонда аёл кишининг «Во-о-й! Худойим-ей, во-о-й!» – деб йиғлагани эшитилди.

Нехлюдов вагон ёнидан ўтиб кетди-да, конвой кўрсатган учинчи вагон деразаси тагига борди. Нехлюдов бошини деразага яқинлаштириши биланок у ердан иссиқ, қўланса тер ҳиди уфурди ва аёлларнинг чувуллаган товушлари эшитилди. Тахта сўриларнинг ҳаммасида терлаб-пишиб, қизариб кетган, халат ҳамда кофта кийган аёллар ўтирар, шанғиллашиб гаплашишарди. Нехлюдов панжарага юзини яқинлаштириши билан уларнинг диққатини ўзига жалб этди. Яқинроқда ўтирганлар жим бўлиб қолдилар ва

сурилиб унга якинроққа келдилар. Кофта кийган бош яланг Маслова рўпарадаги дераза тагида ўтирарди. Ундан берирокда оқ-сарикдан келган Федосья жилмайиб ўтирарди. У Нехлюдовни таниб Масловани туртиб қўйди-да, қўли билан деразани имо қилиб кўрсатди. Маслова сапчиб ўрнидан турди, қора сочли бошига дуррасини ташлади-да, тер босган юзи кип-қизариб, табассум билан дераза олдига келди ва панжарани ушлади.

– Кун жуда ясиб кетди-да, – деди Маслова хурсанд бўлиб, жилмайиб.

– Нарсаларни олдингизми?

– Олдим, раҳмат.

– Бошқа яна нима керак? – деб сўради Нехлюдов кизиган вагондан худди тандирдек иссиқ чиқаётганини сезиб.

– Ҳеч нарса керак эмас, раҳмат.

– Сув бўлса ичардик, – деди Федосья.

– Қани энди, сув бўлса, – деб такрорлади Маслова.

– Сувларинг йўқми?

– Қўйишган эди-ю, лекин ичиб бўлдик.

– Ҳозир, – деди Нехлюдов, – конвойдан илтимос қилиб кўраман. Энди Нижнийгача кўришмаймиз.

Маслова ўзини билмасликка солиб:

– Сиз ҳам кетяпсизми? – деди Нехлюдовга қулиб боқиб.

– Кейинги поезд билан кетаман.

Маслова ҳеч нима демади, фақат бир лаҳзадан кейин чуқур хўрсинди.

Кекса, дағал маҳбус аёл:

– Ўн иккита маҳбус силласи қуриб йиқилиб ўлибди дейишяпти, ростми, бек? – деб сўради эркакча йўғон товуш билан.

Бу Кораблева эди.

– Ўн иккиталигини эшитганим йўқ. Иккитасини кўрдим, – деди Нехлюдов.

– Ўн иккита дейишяпти. Уволи тутмасмикан-а, шунча жоннинг? Эҳ, иблислар!

– Хотинлардан ҳеч ким касал бўлиб қолмадими? – деб

сўради Нехлюдов.

– Хотинларнинг жони қаттикроқ, – деди кулиб панагина маҳбус аёл, – фақат биттасининг шу маҳалда тўлғоғи тутиб қолди. Ана, додлаяпти, – деди у ҳамон интраган овоз эшитилаётган қўшни вагонни кўрсатиб.

– Ҳеч нарса керак эмасми, деяпсиз, – деди Маслова лабини табассумдан зўрға тийиб, – ўша хотинни колдиришнинг иложи йўқмикан, жуда қийналиб кетди. Бошлиқларга гапириб кўрсангиз эди.

– Хўп, айтаман.

– Яна бир илтимос, анови эри Тарас билан кўриша олмасмикан, – деб қўшиб қўйди у кўзи билан жилмайиб турган Федосьяга имо қилиб, – Тарас сиз билан кетяпти-ку.

Конвой унтер-офицерининг:

– Таксир, гаплашиш мумкин эмас, – деган овози эшитилди. Бу Нехлюдовни ўтқазиб юборган унтер-офицер эмас эди.

Нехлюдов ўзини четга олди ва туғаётган хотин билан Тарас ҳақида илтимос қилиб кўриш учун конвой бошлиғини қидириб кетди, лекин анчагача излаб топа олмади, конвойлардан ҳам тузукроқ жавоб ололмади. Улар жуда овора бўлиб қолган эдилар: баъзилари қандайдир маҳбусни аллақаяққа олиб борар, бошқалари ўзларига озиқ-овқат сотиб олиш ва юқларини вагонларга жойлаштириш билан машғул эдилар. Яна бировлари конвой офицери билан бирга кетадиган хонимнинг хизматини ўташ билан банд эдилар, шунинг учун Нехлюдовнинг саволига истар-истамас жавоб қайтарардилар.

Нехлюдов конвой офицерини иккинчи кўнғироқдан кейингина учратди. Офицер оғзини ёпиб турган мўйловини калта қўли билан бурар экан, елкасини кўтариб, нимагадир фельдфебелни уришарди.

– Нима демокчисиз? – деб сўради у Нехлюдовдан.

– Вагонларингиздан бирида бир хотин туғяпти, ўйловдимки...

– Тугса туғаверсин. Тугганидан кейин кўрармиз, – деди конвой офицери калта қўлларини силкита-силкита ўз

вагонига ўтиб кетаётиб.

Шу маҳал хуштак ушлаган кондуктор ўтиб кетди; сўнги кўнғирок, хуштак овози эшитилди, платформадаги кузатувчилар орасидан ва хотинлар вагонидан йиғи-сиғи эшитилди. Нехлюдов платформада Тарас билан ёнма-ён турар ва панжарали деразасидан сочи қирилган эркаклар боши кўринаётган вагонларнинг бирин-кетин ўтишини кузатарди. Кейин аёллар вагони яқинлашди, унинг деразасидан бош яланг ва дурра танғиган хотинларнинг боши кўриниб турарди; ундан кейинги иккинчи вагондан бир аёлнинг фарёди эшитиларди, сўнг Маслова ўтирган учинчи вагон етиб келди. Маслова бошқалар катори дераза ёнида турар, Нехлюдовга қараб маъюс жилмаярди.

### XXXIX

Нехлюдов тушадиган йўловчи поездининг жўнашига икки соат вақт қолган эди. Нехлюдов аввалига шу вақтдан фойдаланиб опасининг олдига бориб келмоқчи бўлди. Лекин энди, эрталабки таассуротлардан кейин у шу қадар хаяжонланган, чарчаган эдики, биринчи класс залидаги диванга ўтириб, қутилмаганда уни уйку босди, нариги ёнига ўтирилиб, кафтини чаккасига тираганича ухлаб қолди.

Фрак кийган, нишон таққан, кўлида сочиқ ушлаган хизматкор уни уйғотди.

– Таксир, таксир, Нехлюдов, князь сиз бўласизми? Хоним ойим сизни қидириб юрибдилар.

Нехлюдов кўзларини ишқалай-ишқалай ирғиб ўрнидан турди, қаердалигини, эрталаб нима ҳодисалар бўлганини эслади.

Унинг хотирасида қолган нарса: маҳбусларнинг саф тортиб бориши, ўликлар, панжарали вагонлар, у ерга камалган – бири докторнинг ёрдамисиз туголмай қийналаётган, иккинчиси панжара орасидан маъюс боқаётган хотин эди. Ҳақиқатда эса, кўз олдига тамомила бошқа нарсалар: шипалар, вазалар, шамдонлар ва идиш-товоқлар

билан тўлган столлар, улар атрофида парвона бўлиб юрган эпчил лакейлар намоён эди. Зал ичкарасида, мевалар тўлдирилган ваза билан шишалар терилган кийим жавони олдидаги буфетчи ва буфетга келган йўловчиларнинг орқалари кўринарди.

Нехлюдов ётган жойидан туриб ўтирар ва аста-аста ўзига келар экан, хонадагиларнинг ҳаммаси эшик олдида бўлаётган алланарсага қизиқиб қараётганларини пайқади. У ҳам ўша ёққа қараб, бир неча одам бошига ҳарир рўмол ёпган аёлни креслоси билан бирга кўтариб кириб келаётганини кўрди. Олдинги хизматкор Нехлюдовга таниш кўринди. Орқа томондагиси ҳам фуражкасига уқа тутилган таниш швейцар эди. Кресло кетидан чарм ғилофга солинган қандайдир юмалоқ нарсаси ва соябон кўтарган, фартук кийган, жингалак соч олифта оқсоч қиз келарди. Ундан кейинроқда эса қотиб қолган бўйинининг териси халта-халта бўлиб осилган, бошига йўл фуражкаси кийган князь Корчагин кўкрагини кериб келмоқда эди. Ундан кейинроқда – Мисси, амакиваччаси Миша ва Нехлюдовга таниш бўлган бўйни узун, кекирдаги чиққан, ҳамма вақт кайфи чоғ, хушчақчақ дипломат Остен келарди. У жилмайиб келаётган Миссига зўр бериб алланимани ҳазил-мутойиба билан уқдирарди. Уларнинг ортида жаҳл билан папиросини тортиб доктор кириб келмоқда эди.

Корчагинлар шаҳар яқинидаги ер-мулкларидан княгинянинг опасиникига, Нижегород йўли бўйидаги ер-мулкига кўчиб кетишаётган эди.

Кресло кўтарганлар, оқсоч ва доктор аёллар хонасига ўтиб кетди, улар хонадагиларда қизиқиш ҳамда ҳурмат уйғотган эди. Кекса князь эса стол ёнига ўтириб, дарҳол лакейни чақирди ва алланима буюра бошлади. Мисси билан Остен ҳам емакхонада тўхташди ва энди ўтирмоқчи бўлиб туришган эди, эшик олдида таниш аёлни кўриб, унинг олдида боришди. Бу таниш аёл Наталья Ивановна эди. Наталья Ивановна Аграфена Петровна билан бошлашиб, теварак-атрофга аланглай-аланглай емакхонага кириб келди. У Миссини ҳам, укасини ҳам бир вақтнинг ўзида кўриб қолди.



Наталья Ивановна аввал Миссининг ёнига борди, Нехлюдовга бош ирғаб қўя қолди, лекин Мисси билан ўпишиб олгач, дарҳол укасига юзланди.

– Ахир, топдим-а, – деди у.

Нехлюдов ўрнидан туриб, Мисси, Миша ва Остен билан саломлашди-да, тўхтаб гаплаша бошлади. Мисси қишлоқдаги уйларига ўт тушиб, холалариникига қўчиб кетишга мажбур бўлганларини гапириб берди. Остен шу баҳонада ўт тушиш ҳақида бир латифа айта бошлади.

Нехлюдов Остеннинг гапига кулоқ солмай опасига мурожаат қилиб:

– Келганингда жуда хурсандман, – деди.

– Келганимга анча бўлди, – деди Наталья Ивановна, – Аграфена Петровна икковимиз бирга келдик. – У Аграфена Петровнага имо қилди. Шляпа ва енгил пальто кийган Аграфена Петровна халақит беришни истамай узоқдан туриб тортинчоқлик билан Нехлюдовга мулойимгина таъзим қилди, – сени қидирмаган жойимиз қолмади.

– Мен бу ерда ухлаб қолибман. Келганингда жуда хурсандман, – деб такрорлади Нехлюдов. – Сенга хат ёза бошлаган эдим, – деди у.

– Йўғ-э, – деди Наталья Ивановна чўчиб, – нима деб?

Мисси опа-ука орасида ўзаро суҳбат бошланганини сезиб, йиғитлари билан бир чеккага чикди. Нехлюдов опаси билан дераза ёнидаги духоба диванчага, аллакимнинг юки, катта жун рўмол ва картон қутиси олдига ўтирди.

– Кеча сизларникидан кетганимдан кейин қайтиб бориб узр сўрамоқчи бўлдим-у, лекин бунга у қандай қарашини билмадим, – деди Нехлюдов, – эринг билан қўпол муомалада бўлдим, шунинг учун азоб чекдим, – деди у.

– Мен билган эдим, атайлаб қилмаганингда ишончим комил эди, – деди опаси, – ўзинг биласан-ку...

Наталья Ивановна кўзига ёш олди-да, укасининг қўлини ушлади. Гапи мужмал бўлса-да, Нехлюдов уни тўла тушунди ва таъсирланиб кетди. Унинг сўзлари: мен бутун қалбимни эгаллаган муҳаббатдан, яъни эримга бўлган муҳаббатдан қатъи назар, сен укамга бўлган муҳаббатимни

муқим деб биламан ва қадрлайман, сен билан аразлашиш менга оғир азоб беради, деган маънони билдирар эди.

– Раҳмат, раҳмат, сенга.. Эҳ, бугун нималарни кўрмадим, – деди у тўсатдан иккинчи ўлган маҳбусни эслаб, – икки маҳбус ўлдирилди.

– Қандай қилиб ўлдирилди?

– Шундай, ўлдирдилар. Шу иссиқда йўлга олиб чиққанлар. Икки маҳбусни офтоб уриб ўлган.

– Йўғ-э? Қандай қилиб? Шу бугун-а? Ҳозир-а?

– Ҳа, ҳозир. Ўликларини ўз кўзим билан кўрдим.

– Нега ўлдиришди? Ким ўлдирди? – деди Наталья Ивановна.

– Уларни зўрлаб йўлга олиб чиққанлар ўлдиришди, – деди ғижиниб Нехлюдов опасининг бу масалага ҳам эрининг кўзи билан қараётганини ҳис этиб.

– Оҳ, парвардигори олам! – деди яқин келган Аграфена Петровна.

Нехлюдов стол ёнида кўкрагига сочиқ боғлаб, крүшон<sup>1</sup> ичиб ўтирган, шу топда унга ўгирилиб қараган кекса князга:

– Ҳа, шу бахти қароларнинг бошига келган фалокатлардан беҳабармиз, аммо буни билиб қўйиш керак, – деб қўшиб қўйди.

– Нехлюдов! – деб кичкирди князь. – Муздаккина крүшон ичиб оласизми? Йўлга жуда яхши-да!

Нехлюдов унинг таклифини рад қилди, юзини ўгирди.

– Хўш, энди нима қиласан? – деб гапини давом этдирди Наталья Ивановна.

– Қўлимдан нима келишини ўзим билмайман-у, лекин бир нима қилишим кераклигини ҳис этиб турибман. Нимагаки қодир бўлсам, ҳаммасини қиламан.

– Ҳа, ҳа, тушунаман. Мана буларни-чи, – деди опаси жилмайиб, кўзи билан Корчагинни имо қилиб, – наҳотки у билан алоқангни узган бўлсанг?

– Тамоман, ўйлайманки, иккала томон ҳам таассуф

<sup>1</sup> Крүшон – оқ винога ром ёки коньяк ҳамда ҳўл мева шираси қўшиб тайёрланган ичтимлик.

килмайди.

– Афсус, афсус. Мен қизни яхши кўраман. Ҳай, майли, айтганингдек бўлсин. Лекин сен анови билан нега ўзингни боғламоқчисан? – деб қўшиб қўйди у қўркибгина. – Нега кетяпсан?

– Шундай қилишим керак, шунинг учун ҳам кетяпман, – деди Нехлюдов гапни тамом қилишни истагандек куруққина.

Аммо опасига бундай совуқ муомала қилганига ўзи уялиб кетди. «Бутун ниятимни унга айтсам, нима бўлади? – деб ўйлади у. – Майли, Аграфена Петровна ҳам эшитса эшита қолсин», – деди у ўзига-ўзи кекса оқсочга қарар экан. Аграфена Петровнанинг шу ерда туриши ўзининг қандай қарорга келганини опасига айтишга даъват этарди.

– Катюшага уйланмоқчи бўлганимни-айтяпсанми? Мен-ку, уйланмоқчи эдим-а, аммо Катюша қатъиян рад қиляпти, – деди Нехлюдов, унинг овози титраб кетди, у қачонки шу тўғрида гапирса ҳамиша овози титраб кетарди, – у менинг қурбон беришимни истамайди-ю, ўзининг шу аҳволда бўлишига қарамай, кўп нарсадан воз кечаётир. Унинг бир дақиқа жафо чекишига ҳам қўнмайман. Мана, энди кетидан кетяпман, қаерга борса, шу ерга бораман, қўлимдан келганича қисматини енгиллатишга ҳаракат қиламан.

Наталья Ивановна ҳеч нарса демади. Аграфена Петровнага, Наталья Ивановнага савол назари билан қарор ва бошини чайқарди. Шу маҳал аёллар хонасидан бояги кириб кетганлар чиқиб қолишди. Бояги чиройли лакей Филипп билан швейцар княгиняни кўтариб чиқиб келишарди. Княгиня уларни тўхтатди, Нехлюдовни имлаб чакирди, қўша-қўша узуқлар тақилган оппоқ қўлини унга узатди. У қўлимни қаттиқ қисар деб ўйлаб, юраги орқасига тортиб кетган эди.

– *Erouvantage*<sup>1</sup> – деди княгиня қуннинг исиб кетганига ишора қилиб, – мен бунга чидолмайман. *Се climat me*

<sup>1</sup> *Erouvantage* (французча) – дахшат.

tue<sup>1</sup>. – Рус иқлимининг кескинлиги ҳақида гапириб, Нехлюдовни ўзлариникига келишни таклиф этди-да, княгиня хизматкорларига имо қилди, – албатта, келинг, – деб кўшиб кўйди у йўл-йўлакай чўзинчоқ юзини Нехлюдовга ўтириб.

Нехлюдов платформага чиқди. Княгиняни кўтарган одамлар ўнгга, биринчи класс томонга юрди. Нехлюдов юкини кўтарган артелчи ва ўз қопини орқалаган Тарас билан чапга бурилди.

– Мана бу менинг йўлдошим, – деди Нехлюдов опасига Тарасни кўрсатиб. У Тараснинг бошига тушган воқеани олдин гапириб берган эди.

Нехлюдовнинг учинчи класс вағони рўпарасида тўхтаганини, юк кўтарган артелчи билан Тараснинг ўша ёққа кириб кетганини кўрган Наталья Ивановна:

– Наҳотки, учинчи классдан жой олсанг? – деб сўради.

– Шу ер кулайроқ, Тарас икковимиз бирга кетамиз, – деди Нехлюдов. – Ҳа, айтмоқчи, – деб кўшиб кўйди у, – Кузминскоедаги ерни ҳанузгача деҳқонларга берганим йўқ, мабодо ўлиб кетсам, болаларингга мерос бўлиб қолади.

– Дмитрий, гапирма, – деди Наталья Ивановна.

– Агар бериб юборган тақдиримда қам, шуни айтишим мумкинки, бутун қолган нарсам болаларингники бўлади. Негаки, уйланишим даргумон, мабодо уйлангудек бўлсам ҳам, болам бўлмайди... ҳар нечук...

– Дмитрий, кўй, бунақа гапларни гапирма, – дерди Наталья Ивановна. Аммо Нехлюдов унинг бу сўзларни мамнуният билан тинглаётганини кўриб турарди.

Олдинда, биринчи класс вағони олдида тўпланган бир гуруҳ одам княгиня Корчагина олиб кирилган вагонга қараб туришарди. Қолган одамлар жой-жойини эгаллаган эди. Кечикиб қолган йўловчилар платформа тахталарини тарақлатиб югуриб ўтар, кондукторлар эшикларини тарақ-турук ёпиб, жўнайдиганларни вагонга чиқишга, кузатувчиларни чиқиб кетишга даъват қиларди.

Нехлюдов офтобда туриб исиб кетган сассиқ вагонга

<sup>1</sup> Ce climat me tue (французча) – бу ҳаво мени ўлдирди.

кирди-ю, дарҳол тормозга қайтиб чикди.

Модадаги шляпа кийган, елкасига накидка ташлаган Наталья Ивановна вагон рўпарасида Аграфена Петровна ёнида турар ва нима тўғрисида гапиришини билолмай гаранг эди. Ҳозир ҳатто... *Ecrivez*<sup>1</sup> деб ҳам бўлмайди. Чунки жўнаб кетувчилар айтадиган одатдаги бу сўзни опа-ука аллақачонлардан буён мазах қилиб юришарди. Мол-дунё ва мерос-хўрлик ҳақидаги бояги қисқагина суҳбат, опа-ука ўртасида ҳосил бўла бошлаган меҳрибонлик, биродарлик муносабатларини дарҳол барбод қилиб юборган эди. Улар энди ўзларини бегонадек ҳис этардилар. Шунинг учун ҳам, поезд ўрнидан кўзгалганда Наталья Ивановна ҳатто қувонди ҳам, чунки энди, хомуш бўлиб бош ликиллашиб, мулойим товуш билан:

«Хайр, хайр энди, Дмитрий!» – деб туриш мумкин эди. Вагон сал нари кетиши билан эса у укаси иккови ўртасидаги суҳбатни эрига қандай қилиб айтиш ҳақида ўйлай бошлади-ю, қиёфаси жиддий ва ташвишли тус олди.

Нехлюдов ҳам, опасига фақат яхшилиқни раво кўргани ва ундан ҳеч нарсани яширмаганига қарамай, ҳозир унинг олдида ўзини қандайдир ўнғайсиз ҳис этар, унинг олдидан тезроқ жўнаб кетишни истар эди. Энди опасининг бир вақтлар ўзига жуда яқин бўлган Наташа эмаслигини, ўзига тамомила ёт ва нохуш бўлган сержун эрнинг қули эканини ҳис этарди. Нехлюдов буни, унинг эрини қизиктирадиган масала ҳақида, – ерни дехқонларга бериш, мерос ҳақида гап очганида опасининг юзи жуда жонланиб кетганидан очикравшан кўриб олган эди. Бу унга оғир ботди.

## XL

Куни билан офтобда қизиган, лик тўлган учинчи класснинг катта вагони шу қадар дим эдики, Нехлюдов вагонга кирмай, тормозда тураверди. Лекин бу ер ҳам дим эди. Вагонлар уйлар ёнидан ўтиб, шабада эса бошлаган-

<sup>1</sup> *Ecrivez* (французча) – хат ёзиб турияг.

дагина Нехлюдов кўкрагини тўлдириб нафас олди. «Ҳа, ўлдиришди», – деди опасига айтган сўзларни такрорлаб. Шу бугунги таассуротлар ичида унинг тасавурида ёркин гавдаланган нарса иккинчи ўлик маҳбуснинг келишган пешонаси, сочи қирилган, кўкиш бошининг пастидаги кичкинагина қулоғи, хушрўй юзи бўлди. «Бутун даҳшат шундаки, уни ўлдиришди, лекин ким ўлдирганини ҳеч ким билмайди. Ўлдиришгани аниқ. Уларни ҳам барча маҳбуслар қатори Масленниковнинг буйруғига асосан олиб кетишган. Масленников одатдагича буйруқ бериб, тепасига босма сарлавҳа ёзилган қоғозга хунуккина қилиб аҳмоқона имзосини чекиб юборган, лекин ҳеч қачон бу ишда ўзини айбдор деб ҳисобламайди, албатта. Маҳбусларни кўриқдан ўтказган авахта доктори ҳам ўзини ҳеч айбли деб санамайди. У ўз вазифасини ўрнига қўйиб бажарди, мадори йўқларни олиб қолди, куннинг бундай иссиқ бўлишини, маҳбусларни. бу қадар кўп одамни кеч олиб кетишлари унинг хаёлига келмаган, албатта. Турма мутасаддиси-чи? Мутасадди фалон куни шунча каторгачи, шунча сургун қилинувчи, эркак, хотин жўнатилсин деган буйруқни адо этган, холос. Фалон ерда шунча маҳбусни қабул қилиб олиб, ҳисобга тўғри қилиб топширишдан иборат бўлган вазифасини адо этувчи конвой ҳам айбдор бўла олмайди. Гуруҳни у одатдагича, қоидага мувофиқ ҳайдаб келган ва боя Нехлюдов кўрган иккита шундай кучли одамнинг иссиққа чидолмай ўлиб қолишини хаёлига ҳам келтирмаган, албатта. Ҳеч ким айбдор эмас-у, одамлар ўлдирилган. Улар худди айбсиз одамлар томонидан ўлдирилган.

«Буларнинг ҳаммаси шунинг учун рўй бердики, – деб ўйлайди Нехлюдов, – мана шу одамларнинг ҳаммаси – губернаторлар, назоратчилар, даҳа миршаблари, миршаблар: «Шундай ҳоллар борки, бу вақтда инсон билан инсоний муомалада бўлиш шарт эмас», деган қоида бор деб ўйлайдилар. Шу одамларнинг ҳаммаси – Масленников ҳам, назоратчи ҳам, конвой ҳам, – агар улар губернатор, назоратчи ёки офицер бўлмаганларида эди, одамларни шундай иссиқда, шунчалик тикилинчда олиб кетиш қалай бўлар

экан, деб йигирма мартадан ўйлаган бўлишарди, йўлда йигирма марта лаб тўхтаган бўлишарди, бирон кишининг ҳолдан тойганини, хансираб қолганини кўрсалар уни тўддан айириб сояга олиб чиқишарди, сув беришарди, дам олдиришарди, бирор бахтсизлик рўй берса, ачинишарди. Улар бундай қилишмади, ҳатто бошқаларнинг шундай қилишига халақит беришди, чунки улар одамларни ва улар олдидаги ўз бурчларини эмас, ўз хизматлари ва унинг талабларини устун кўришарди. Инсоний муносабатлар талабидан бу талабларни юкори кўйишарди. Ҳамма гап шунда, – деб ўйларди Нехлюдов. – Агарда, ҳеч бўлмаса, бир соатга ёнги айрим ҳолларда, инсонпарварлик ҳиссидан кўра муҳимроқ ҳис бор деб ҳисобланса, бундай тақдирда киши ўзини айбдор ҳисобламай туриб инсонларга ёвузлик қилиш асло мумкин эмас.

Нехлюдов шу қадар хаёлга ботган эдики, ҳатто ҳавонинг ўзгарганини ҳам сезмади: қуёш олдиндаги пастак парча булут ортига яшириниб, ғарб томондаги уфқдан оч кулранг булут ёпирилиб келмоқда, ўша ёқда, узокда – далалар, ўрмонлар тепасида ёмғир қуймоқда эди. Булутдан ёмғир исн келиб турарди. Аҳён-аҳёнда булутни чақмоқ ёриб ўтар, вагонларнинг тарақ-туруки момақалдинокнинг гулдурashi билан аралашиб кетарди. Булут борган сайин яқинлашиб келарди, шамол суриб келаётган ёмғир томчилари тормоз майдончасига ва Нехлюдовнинг пальтосига туша бошлади. Нехлюдов нариги томонга ўтиб олди-да, кўпдан буён ёмғир тилаб ётган тупрок билан буғдой хиди келиб турган салқин ҳаводан нафас олиб, ғир-ғир ўтиб турган боғлар, ўрмонлар, сарғая бошлаган буғдойзорлар, ҳамон яшил тусдаги сули майдонлари ва яшнаб ётган картошка барглари, қорайиб кўринган жўякларни томоша қила бошлади. Ҳамма нарсага лак берилгандек очилиб: яшил нарсалар ямяшил, сариклари сап-сарик, коралари қоп-қора тус олди.

– Қуй, қуявер! – дерди Нехлюдов далалар, боғлар ва поллизларнинг ҳаётбахш ёмғир остида жонланаётганидан севиниб.

Сел узок давом этмади. Булутлар қисман ёмғирга



айланиб, қисман сузиб ўтиб кетди. Энди ҳўл ерга тик ёғаётган ёмғирнинг сўнгги, майда томчилари тушмоқда эди. Қуёш яна мўраллади, ҳамма ёқ яраклаб кетди, шарқ томонда уфқ тепасида у қадар баланд бўлмаса-да, гунафшаранги равшанроқ ёнган, фақат бир томони узилиб қолган камалак пайдо бўлди.

Табиатдаги бу ўзгаришлар тугаб, поезд икки томони қиялик чуқурга тушиб борар экан:

«Нима ҳақида ўйлаётувдим-а? – деб сўради Нехлюдов ўзидан. – Ҳа, мен ана шу одамларнинг ҳаммаси: аксарияти ювош, меҳрибон бўлган бу одамлар хизматда бўлгани учун ҳам шундай сержаҳл бўлиб кетишган, деб ўйлаётим эдим».

Нехлюдов Масленниковга авахтадаги аҳволни гапириб берганда унинг совуққонлик билан тинглаганини, назоратчининг бағритошлигини, аравага ўтиришга рухсат бермаган ва поездда бир хотиннинг не азоблар билан туғаётганига парво қилмаган конвой офицерининг шафқатсизлигини эслади. «Шу одамларнинг ҳаммаси фақат хизмат қилиб турганлари учунгина раҳм-шафқат деган оддий ҳисдан маҳрум бўлганлар. Улар хизматда бўлганлари учун ҳам, мана бу тош ётқизилган ер ёмғирни сингдирмагани каби инсонпарварлик ҳиссини сингдира олмайдилар, – деб ўйларди Нехлюдов турли рангдаги тошлар ётқизилган қия йўлга қарар экан. Қия йўл ёккан ёмғирни сингдирмагани учун сув ариқ-арик бўлиб оқиб тушиб кетмоқда эди. – Уйиб ясалган йўлларга тош ётқизиш зарурдир-ку-я, лекин баландликдаги ерлар сингари ўт, буғдой, бута ва дарахтлар ўсиб-униши мумкин бўлган ернинг бекор ётишини кўриш жуда ачинарли. Одамлар ҳам худди шундай, – деб ўйларди Нехлюдов, – шу губернаторлар, назоратчилар, миршаблар, балки керакдир, лекин асосий инсоний ҳислатлардан, бир-бирига муҳаббат ва раҳм-шафқат ҳиссидан маҳрум бўлган одамларни кўриш даҳшатли».

«Ҳамма гап шундаки, – деб ўйларди Нехлюдов, – шу одамларнинг ҳаммаси қонундан ташқари нарсаларни қонуний деб билади ва Худонинг ўзи инсонлар қўнглига солган абадий, ўзгармас, зарурий қонунларни қонун деб тан олмай-

дилар. Шунинг учун ҳам бу одамларга ишим тушганда кий-наламам, – деб ўйларди Нехлюдов. – Мен улардан кўркаман. Ҳақиқатдан ҳам, булар хавфли одамлар. Қароқчилардан ҳам. Қароқчи, ҳар ҳолда, шафқат қилиши мумкин, булар эса шафқат қилмайди: мана бу тошлардан гиёҳ унмагани каби улардан ҳам яхшилиқ чикмайди. Уларнинг шу хусусияти жуда даҳшатли. Пугачевлар, Разинларни даҳшатли дейишади. Булар улардан кўра минг карра кўрқинчли, – деб ўйлашда давом этди у. – Агарда, замонамиз кишилари, христианлар, мурувватли, оддий кўнгилчан одамлар энг даҳшатли ёвузлик қилганда, ўзларини гуноҳкор деб ҳис этмасликлари учун нима қилиш керак, деган руҳий масала берилса, унинг жавоби фақат битта бўлиши мумкин: ҳозир аҳвол қандай бўлса, шундайлигича қолиши керак, шу одамлар губернатор, назоратчи, офицер, полициячи бўлиши, яъни биринчидан, одамларга оға-инилик муносабатида бўлмай уларни оддий буюм деб билишга монелик қилмайдиган, давлат хизмати деб аталган иш борлигига ишонишлари керак; иккинчидан эса, шу одамлар ана шу давлат хизматига шундай боғланиб қолган бўлишлари керакки, одамларга нисбатан қилган ишларининг оқибатига ҳеч ким жавобгар бўлмасин. Шу шарт-шароит бўлмаганда бизнинг замонда мен бугун ўз кўзим билан кўрган даҳшатли ҳодисалар рўй бермасди. Ҳамма гап шундаки, одамлар ўрни келганда инсонга меҳрсизлик билан муомала қилиш мумкин деб ўйлайдилар, ваҳоланки бундай ҳоллар йўқ. Буюмни аямаслик мумкин: аямай дарахт кесиш, кўнгилсизлик билан гишт қуйиш, темир қиздириш мумкин; асаларилар билан эҳтиёткорликсиз муносабатда бўлиш мумкин бўлмагани каби, одамларга ҳам меҳрсиз муносабатда бўлиш мумкин эмас. Асалариларнинг хусусияти шундай. Агар асаларига эҳтиёт бўлмай қарасанг, уларга ҳам, ўзингга ҳам зиён етказасан. Одамлар ҳам худди шундай. Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки одамларнинг бир-бирини севиши инсоният дунёсининг асосий қонунидир. Инсон ўзини ишлашга мажбур эта олади, аммо ўзини севишга мажбур қилолмайди, бу тўғри. Лекин бундай одамлар билан, айниқса, агар улар-

дан бир нарса талаб қиладиган бўлсанг, меҳрсиз муносабатда бўлиш мумкин деган хулоса чиқариб бўлмайди. Одамларга муҳаббатинг бўлмаса, жим юравер, – деб ўйларди Нехлюдов ўзича, – ўз ишинг билан, буюмлар билан, истаган нарсанг билан шуғуллангин-у, фақат одамлар билан эмас. Иштаҳа боридагина овқатланиш зиёнсиз ва фойдали бўлгани каби, севган пайтингдагина одамлар билан муносабатда бўлиш фойдали ва зиёнсиздир. Одамларга ҳам кеча поччангга қилган муомалангдек совуқ муносабатда булар экансан, бошқа одамларга нисбатан шу бугун кўрганимдек шафқатсиз ва ваҳшиёна муносабатнинг поёни бўлмайди, ўзим учун ҳам азоб-укубат бениҳоя бўлади, буни ўз умримда синаб кўрганман. Ҳа, ҳа, шундай, – деб ўйларди Нехлюдов. – Бу яхши, дуруст!» – деб такрорларди у, – жазирама иссиқдан кейин салқин тушганидан роҳатланиб, кўпдан буён ўзини машғул этган масалани жуда равшан тушуниб олганлигидан хурсанд бўлиб.

## XLI

Нехлюдов жойлашган вагон ярмигача одам билан тўлган эди. Бу ерда хизматкорлар, мастеровойлар<sup>1</sup>, фабрика ишчилари, қассоблар, яхудийлар, гумашталар, аёллар, ишчиларнинг хотинлари, бир аскар ва икки хоним (бири ёш, иккинчиси қарирок бўлиб, яланғоч қўлига билагузуклар таққан эди), ҳамда қора фуражқасига кокарда таққан жиддий қиёфадаги жаноб бор эди. Жойлашиб анча хотиржам бўлиб олган шу одамларнинг ҳаммаси, бири писта чақиб, бошқа бири папирос чекиб, яна бошқалари бир-бири билан суҳбатлашиб, жимгина ўтирардилар.

Тарас, кираверипида ўнг қўл томонда Нехлюдовга жой олиб, рўпарасидаги мушакдор, камзулининг олди очик киши билан жонланиб гаплашиб ўтирарди. Нехлюдов кейинчалик билса, бу ўз уйига кетаётган боғбон экан. Нехлюдов Тарас-

<sup>1</sup> Мастеровой – Чор Россияси даврида рус хунарманд ишчиси.

нинг олдига етмасдан берирокда кишлок кийимидаги ёшгина жувон билан гаплашиб ўтирган чол олдига тўхтади, серсавлат, оппоқ соқолли чол иш газламадан тикилган камзул кийган эди. Жувоннинг ёнида янги сарафан<sup>1</sup> кийган, оқиш сочлари ўриб қўйилган етти яшар қизалоқ оёғини осилтириб писта чақиб ўтирарди. Чол бошини кўтариб Нехлюдовга қаради, ёлғиз ўзи ўтирган сирли скамейкадан камзулининг барини йиғиштириб олди-да, мулойимгина:

– Марҳамат, ўтиринг, – деди.

Нехлюдов ташаккур билдириб кўрсатилган жойга ўтирди. Нехлюдов ўтириши билан жувон ҳикоясини тўхтаган еридан бошлаб давом этдирди. Жувон шаҳардан – эри олдидан келаётганини, борганда эри қандай кутиб олганини ҳикоя қиларди.

– Масленицада бўлган эдим, Худо насиб этиб, мана энди яна келдим, – дерди у. – Энди Худо хоҳласа рожествода тагин келаман.

– Яхши қилибсиз, – деди чол Нехлюдовга ўтирилиб қараб, – хабар олиб туриш керак, йўқса, ёш одам, шаҳарда ёмон юриб кетиши мумкин.

– Йўқ, бува, меники унақа одамлардан эмас. Аҳмоқлик қилмайди, қиздеккина одам. Топган пулини бир тийинигача уйга юборади. Қизини кўриб шундай севиндики, асти қўяверасиз, – деди жувон жилмайиб.

Писта чақиб, онасининг ҳикоясини тинглаб ўтирган қизалоқ, онасининг сўзини тасдиқлагандай ақлли кўзлари билан чолнинг юзига ва Нехлюдовга секингина қараб қўйди.

– Ақлли-хушли бўлса, дуруст, – деди чол. – Ановинақа билан иши йўқми? – деб қўшиб қўйди у кўзи билан йўлакнинг нариги бошида ўтирган, афтидан, фабрика ишчиларидан бўлган эр-хотинга ишора қилиб.

Эри бошини кўтариб, шишани оғзига қўйиб ароқ ичарди, шиша олинган копни ушлаб ўтирган хотини эса эрига тикилиб турарди.

– Йўқ, меники ичмайдиам, чекмайдиам, – деди чол.

<sup>1</sup> Сарафан – 1) дехон аёлларининг узун устки кўйлаги; 2) аёлларнинг енгил енгсиз кийими.

нинг ҳамсухбати бўлган жувон ўз эрини яна бир бор макташга баҳона топилганидан севиниб. – Бунақа одамлар дунёда кам топилади, бува. Шунақа одам, – деди жувон Нехлюдовга ўтирилиб.

– Ақлли бўлса бўлди, – деб такрорлади ароқ ичаётган ишчига қараб ўтирган чол.

Ишчи пишадан ичиб бўлиб хотинига узатди. Хотини шишани олди ва бошини чайқаб, кула-кула оғзига тутиб. Нехлюдов билан чолнинг ўзларига қараб турганига ўзи тушган ишчи:

– Ҳа, бек? Ичаётганимизга кўзингиз тушдимиз? – деди уларга мурожаат қилиб. – Ишлаётганимизни ҳеч ким ўрмайдди, ичаётганимизни ҳамма кўради. Ишлаб топарман – ўзим ҳам ичаман, хотинимга ҳам ичираман. Гап тамом, вассалом.

– Ҳа, ҳа, – деди Нехлюдов нима жавоб беришини билмай.

– Тўғрими, бек? Аёлим забардаст хотин! Аёлимдан хурсандман, нимага деганингизда кўнгилчан хотин. Тўғрими гапим, Мавра?

– Ма, ол. Мен бўлдим, – деди хотини шишани узатиб. – Мунча валдирайсан, – деб қўшиб қўйди у.

– Мана шунақа, – деб давом этди ишчи, – яхшиликка яхши-ю, баъзан мойланмаган аравага ўхшаб гижирлаб ҳам қўяди. Мавра, тўғрими гапим?

Мавра кулиб, мастона ҳаракат билан қўл силтаб қўйди.

– Бошлади энди...

– Мана шунақа, маълум бир вақтгача яхши бўлиб туради, аммо думини босиб олсанг, бошингга шундай кунни соладики, қочгани жой тополмайсан... Гапнинг очиги шу. Мени кечирасиз, бегим. Озгина отиб олдим, бошқа нима ҳам қилай... – деди ишчи ётишга ҳозирланиб, сўнгра бошини жилмайиб ўтирган хотинининг тиззасига қўйди.

Нехлюдов чол билан гаплашиб ўтирди. Чол унга ўзининг печкачи эканини, эллик уч йилдан буён ишлашини, шу ёшга етгунча қурган печкасининг сон-саногига етолмаслигини, энди дам олиш ниятида эканини, бироқ бундай фур-

сат топа олмаётганини сўзлаб кетди. У шахарга бориб, болаларини ишга жойлаб қўйибди, энди кишлоғига, уйидигиларнинг ҳол-аҳволидан хабар олгани кетаётган экан. Чолнинг ҳикоясини тинглаб бўлгач, Нехлюдов ўрнидан турди-да, Тарас олиб қўйган жойга кетди.

Тараснинг рўпарасида ўтирган боғбон бошини кўтариб Нехлюдовга қаради-да:

– Келинг, ўтиринг, бек. Қопни бу ёққа олиб қўямиз, – деди мулойимгина.

Тарас жилмайиб жарангдор овоз билан:

– Кўнгил кенг бўлса, ҳаммамиз ҳам сиғамиз, – деди-да, кучли қўллари билан икки пудлик қопни қушдек енгил кўтариб дераза тагига олиб қўйди. – Жой кўп, йўқса тик турсаям бўлади, сўрининг тагида ётса ҳам бўлаверади. Бемалол. Жой талашишни ким қўйибди! – дерди юзи ёришиб кетган Тарас кўнгилчанлик ва мулойимлик билан.

У ўзи ҳақида гашириб, агар ичиб олмасам, сўз топа олмайман, вино ичиб олгандан кейин ширин сўзлар қайнаб чиқа беради ва ҳар қанақа гапни дўндираман, деди. Ҳақиқатан ҳам, Тарас ичмаган пайтида кўпинча миқ этмай ўтирар эди, ичиб олганида эса (бундай ҳодиса унинг ҳаётида камдан кам рўй берарди), у гапдон бўлиб қоларди. Шундай кезларда унинг маҳмадоналиги тутиб, ширин сўз, ростгўй бўлиб қолар, мулойим бўлиб кетарди. Бу мулойимлик унинг кўк кўзларида, лабларидан армаган латиф табассумида барқ уриб турарди.

Тарас бутун худди шундай кайфиятда эди. Нехлюдовнинг яқинлашиб келиши унинг ҳикоясини бир дақиқага бўлди. Аммо Тарас қопни жойлаштириб қўйгач, яна аввалгидек ўтириб олди-да, кучли ишчи қўлларини тиззасига қўйиб, боғбоннинг кўзига кўзини тикиб, сўзини келган жойидан давом эттирди. У янги танишига хотини воқеасини, уни нега Сибирга сургун қилаётганларини, нега ўзи хотини кетидан Сибирга кетаётганини бутун тафсилотлари билан ҳикоя қила кетди.

Нехлюдов бу тафсилотларни сира эшитмаган эди, шунинг учун қизиқиб тинглай бошлади. Нехлюдов келганда

Тарас заҳарлаш воқеаси содир бўлгандан кейин, оила аъзолари буни Федосья қилганини билиб олишганини ҳикоя қилаётган эди.

– Қайғу ҳасратимни айтиб беряпман, – деди Тарас Нехлюдовга дўстона самимий гапириб. – Кўнгилчан, яхши одамга дуч келиб қолдим, гапдан гап чиқиб, сўзлаб беряпман.

– Ҳа, ҳа, – деди Нехлюдов.

– Мана шундай қилиб, иш очилди, оғайни. Ойим ўша кулчани олди-да: «урядникка бораман» деб туриб олди. Отам, кўпни кўрган одам. «Кўя тур, кампир, келин ҳали жуда ёш, нима қилганини ўзиям билмайди, раҳм қилиш керак. Қўй, эси кириб колар», – деди. Қани энди, ойим кулок солса. «Биз буни уйда олиб ўтирсак, ҳаммамизнинг бошимизга етади», – деди-да, тўғри урядникнинг олдига борди. Қарабсанки, урядник етиб келибди... Гувоҳлар чақирилди.

– Сен-чи, сенга нима бўлди? – деб сўради боғбон.

– Мен эса оғайни, қорнимнинг оғриғига чидай олмай додлаб ётибман. Отам аравани кўшди, Федосьяни ўтказди-да, терговчиникига қараб кетди. Федосья эса оғайни, бошида ҳаммасини бўйнига олган, терговчига ипидан-игнасиғача гапириб берган-қўйган. Маргимушни қаердан олгани борми, қандай қилиб нонга солиб пиширгани борми, ҳаммасини айтиб берган. «Нега шундай қилдинг?» – деса: «Ундан кўнглим совуди. У билан тургандан кўра, Сибирга сургун бўлганим яхши», дебди. Мен билан туришни хоҳламайман дегани бу, – дерди Тарас жилмайиб. – Шундай қилиб ҳаммасини бўйнига олган-қўйган. Албатта, уни қамашган. Отам ёлғиз қайтди. Бу ёқда ўрим пайти етиб келди, аёллардан битта онамнинг ўзи, уям ишга ярамайди. Энди нима қиламиз, кафилга чиқариб бўлармикан, деб хўп ўйладик. Отам бошлиқлардан бирининг олдига борди, ҳеч нима чиқмади, бошқасининг олдига борди. Шунақа бошлиқлардан бештачасининг олдига борди. Бор-э, деб қўлини ювиб қўлтиққа урмоқчи бўлиб турганида тўраларнинг биттасига дуч келиб қолган. Фирибгарликнинг учига чиққан тўра экан. «Беш сўм берсанг, ишингни тўғрилаб бераман», – деган.



Хуллас, уч сўмга келишишган. Шундай қилиб дегин, оғайни, Федосьянинг сепларини, матоларини гаровга қўйиб, пул олиб бердим. Шу қоғозни ёзиб бериши биланоқ, – деди Тарас гўё hozир муҳим бир гап айтадигандек чўзиб, – мушкуллимиз осон бўлди-қўйди. Ўзим анча тузалиб қолган эдим, хотинимни олиб келгани ўзим шаҳарга тушдим. Шундай қилиб дегин, оғайни, шаҳарга етиб бордим. Отни карвонхонага қўйдим, қоғозни олиб авахтага бордим. «Ҳа, нима дейсан?» Шундай-шундай, аёлим шу ерда қамалиб ётибди, дедим. «Қоғозинг борми?» – дейди. Дарров қоғозни узатдим. Қаради-да: «Шошмай тур», – деди. Тахта сўрига ўтириб кута бошладим. Кун қиёмдан ошиб қолди. Бошлиқ чиқиб келди:

«Варгушов сенмисан?» – деди. – «Ҳа, мен». – «Бор, олиб кетавер», – деди. Дарҳол дарвоза очилди. Федосьяни ўз кийимида олиб чиқишди. «Юр энди, кетамиз». Пиёда келганмисан?» – «Йўқ, отим бор». Карвонхонага келдик, ижара ҳақи тўладим, отни қўшдим, қолган пичанларни аравага босдим. Федосья ўтириб, рўмолига ўралиб олди. Йўлга тушдик. У индамайди, мен ҳам чурқ этмайман. Уйга яқинлашиб қолганимизда у: «Онамиз саломатмилар?» – деб сўраб қолди. «Ҳа, саломатлар», – дедим мен. «Отамиз-чи, соғмилар?» – «Соғ». «Кечир мени, Тарас, нодонлик ўтди мендан. Нима қилганимни ўзим ҳам билмайман», – дейди. Мен эса: «Кўп гап – эшакка юк, аллақачон кечирганман», – дедим ортиқ гаплашмадик. Уйга келишимиз билан онамнинг оёғига йиқилди. Онам: «Худо кечирсин», – деди. Отам омонлашди-да: «Ўтган ишга салавот. Яхши турсаларинг бўлди. Вақт зиқ, экинни йиғиб-териш олиш керак. Гўнг солиб яхши ишлангани учун Худодан бўлиб жавдар ҳосили шундай мўл бўлдики, ўроқ ҳам ўтмайди, бир-бирига чалкашиб кўрпа бўлиб тўшалиб қолибди. Уриб олиш керак. Эртага Тараска икковинг ўримга чикинлар», – деди. Шундай ғайрат билан ишга тушиб кетдики, асти қўявер. Унинг ишини кўрсанг хайрон қоласан. Ўша маҳаллар ижарага олган уч ботмон еримиз бор эди. Худо бериб, жавдар ҳам, пичан ҳам шундай бўлиб бердики, асти қўяверасан. Мен ўраман, у боғлайди, баъзида икковимиз баравар ўраимиз. Мен ишга чечанман, ҳеч

қанақа иш писанд эмас, у ҳам чакқон, ишнинг кўзини билади. Эпчил, чечан, айна кучга тўлган пайти. Ишга ҳам шундай ўч бўлиб қолибдики, баъзида ўзим аранг тўхтатаман. Уйга қайтиб келганимизда қўлларимиз шишиб кетган бўлади, зиркирайди, лекин у эса дам олмасдан, овқатланмасданоқ омборга югуради, эрталабга боғ тайёрлайди. Унга нима бўлди?!

– Сенгаям меҳр-муҳаббати ошдимми? – деб сўради боғбон.

– Нимасини айтасан, шундай апоқ-чапоқ бўлиб кетдикки, кўяверасан, бир жон, бир тан бўлиб қолдик. Оғзимдан чиқмасдан бурун гапимни тушуна қолади. Ойимни айтмайсанми, жаҳлдан тушмаган бўлса ҳам: «Федосьямиз ўзгариб қолибди-я, аввалги Федосьяга сира ўхшамайди», – дейди. Бир куни буғдой олиб келгани араванинг олдида икковимиз ёнма-ён ўтириб кетаётди: «Федосья, ўшанда нега шундай қилдинг?» – деб сўрадим. – «Сен билан бирга туролмайман деган фикрга келувдим. У билан бирга тургандан кўра ўлганим яхши деб ўйладим». – «Энди-чи?» – деб сўрадим. – «Энди сенсиз туролмайман», – дейди. – Тарас жим бўлиб қолди ва жилмайиб, ҳайратлангандай бош чайқади. – Даладан ҳосилни ўриб-йиғиб олдик. Мен канош толани ивигани олиб бориб уйга қайтиб келсам, – Тарас бироз жим турди-да, кейин давом этди, – судга чақирув қоғози келибди. Биз эса нимага суд қилишларини унутиб ҳам юборибмиз.

– Бу шайтоннинг васвасаси, – деди боғбон чол, одамнинг ўзига қолса бировнинг жонига қасд қиладими? Биз томонда ҳам бир одам... – боғбон ҳикоясини гапириб бермоқчи бўлиб турган ҳам эдики, поезд тўхтаб бошлади.

– Станцияга келиб қолибмиз, шекилли, – деди у, – бориб сув ичиб келиш керак.

Сухбат тўхтади. Нехлюдов боғбон кетидан эргашиб вагондан чиқди, платформанинг нам тортган тахталарига тушди.

Нехлюдов вагондан чиқмасиданок станция кўрасида ҳар қайсисига тўрттадан, учтадан от қўшилган ҳашаматли экипажларга кўзи тушди. Боқилган семиз отлар кўнғироқларини шинғирлатиб турар эди; ёмғирда ҳўл бўлиб қорайган платформага тушганда эса биринчи класс вағони олдида бир тўда одам турганини кўрди. Шляпасига қиммат баҳо патлар таққан, сув ўтказмайдиган ёзлик пальто кийган, барваста семиз хотин ва велосипедчилар костюми кийган, оёғи ингичка, новча йигит одамлар орасида ажралиб турарди. Йигит бўйнига қиммат баҳо қайиш бойланган итни етаклаб олган эди. Уларнинг орқасида плаши ва соябон кўтарган лакейлар ва извошчи турарди. Буларнинг ҳаммаси кутгани чиққан кишилар эди. Шу бир тўда одамнинг ҳаммаси семиз хонимдан тортиб узун камзулининг барини ушлаб турган извошчигача ҳаммаси тўқ ва худписанд одамлар экани кўзга ташланиб турарди. Шу бир гуруҳ одам атрофида кизиқувчан ва бойлар олдида хушомад ўйлик қилувчи кишилар: қизил фуражкали станция бошлиғи, жандарм, ёзда поезд келганда ҳар вақт ҳозир-нозир бўлиб турадиган, маржон таққан, рус кийимидаги орик қиз, телеграфист, эркак ва аёл йўловчилар тўпланди.

Нехлюдов ит етаклаган йигитни таниди. Бу гимназист, ёш Корчагин эди. Семиз аёл эса Корчагинлар кўчиб келаётган ер-мулкнинг эгаси, княгинянинг синглиси эди. Этик кийган, укалари ялтираб турган бош кондуктор<sup>1</sup> вагон эшигини очиб, таъзим билан унинг туткичидан ушлаб турди. Шу маҳал Филипп билан оқ фаргук кийган артелчи буклама креслосида чўзинчоқ юзли княгиняни эҳтиёт билан олиб тушдилар; опа-сингиллар кўришишди, княгиня каретада кетадими ё коляскадами, деб французчалаб гаплашишди ва

<sup>1</sup> Кондуктор (лотинча: conductor – кузатиб борувчи) – 1) поездни кузатиб борувчи, ундаги йўловчилар ҳавфсизлиги ҳамда юкларнинг сақланиши устидан назорат қилиб борувчи гемир йўл ходими (бу ерда шу маънода); 2) трамвай, троллейбус, автобусларда йўловчиларга билеб согувчи, уларнинг чиқиш-тушишини кузатиб борувчи ходим.

бу гуруҳ станция эшиги томон юрди, энг кейинда соябон ва картон кути кўтарган сочи жингалак оқсоч борар эди.

Нехлюдов яна учрашиб хайрлашиб ўтираманми деб, станция эшигига етмасидан, уларнинг ўтиб кетишини кутиб тўхтади. Княгиня ва унинг ўғли, Мисси, доктор ва оқсоч олдинга ўтиб кетишди, кекса князь эса қайинсинглиси билан оркарокда қолди. Нехлюдов узокрокда турган бўлса-да, французча суҳбатларининг баъзи жумлалари қулоғига чалинарди. Князь айтган бир гап (кўпинча шундай бўлади), негадир бутун оҳанги ва ифодаси. билан Нехлюдовнинг хотирида қолди. Днязь ўзига ишонган ҳолда шангиллаб аллаким ҳақида:

– Oh! Il est du vrai grand monde, du vrai grand monde<sup>1</sup>, – деди-да, эҳтиром билан эргашиб келаётган кондуктор ва юк ташувчиларнинг олдига тушиб, қайинсинглиси билан бирга станция эшигидан чиқди.

Худди шу маҳал қаердандир, станциянинг орка томонидан чипта кавуш ва калта пўстин кийган, қоп орқалаган бир тўда ишчи чиқиб келди. Ишчилар шипиллаб юриб келиб, дадиллик билан биринчи вагон ёнига бордилар ва энди кирмоқчи бўлиб турган ҳам эдиларки, шу заҳоти кондуктор уларни ҳайдаб юборди. Ишчилар тўхтаб турмасдан, шошиб, бир-бирларининг оёқларини босиб кўшни вагон томон ўтиб кетдилар ва қопларини вагон бурчаклари ва эшигига қўйиб ичкари кира бошлаган ҳам эдиларки, станция эшиги ёнида турган иккинчи кондуктор уларни кўриб бақириб берди. Вагонга кирган ишчилар шу заҳоти шошиб-пишиб қайтиб чиқишди ва боягидек шипиллаб, дадил юриб нарига.

Нехлюдов тушган вагонга қараб кетишди. Кондуктор уларни яна тўхтатди. Улар яна нари кетмоқчи бўлиб турганларида Нехлюдов, вагонда жой бор, кираверинг, деди. Улар Нехлюдовнинг гапига киришди, Нехлюдов уларнинг кетидан вагонга чиқди. Ишчилар жойлаша бошладилар, лекин кокардалик жаноб билан иккала хоним ишчиларнинг бу вагонга жойлапишга журъат қилишини шахсий ҳақорат деб

<sup>1</sup> Oh! Il est du vrai grand monde, du vrai grand monde (французча) – У буюк, қиборлар оламига мансуб одам, ҳа, шундай.

билиб, уларни хайдадилар. Ишчилар йигирма чоғлиқ эдилар – ҳаммалари, чоллар ҳам, ёшлар ҳам ҳорғин, қотма юзлари офтобда қорайган эди, улар яна қоплари билан скамейкаларга, девор ва эшикларга туртилиб вагоннинг нариги бошига кетишди, ўзларини гуноҳкор ҳис этган бу одамлар дунёнинг у бошигача боришга, фалон ерга бор десалар ўша ерга, ҳатто миҳ устига ўтиришга ҳам тайёрдек эдилар.

– Қаёққа тикиляпсанлар, аблаҳлар! Шу ерда жойлашаверларинг, – деб қичқирди рўпараларидан чиққан кондуктор.

Икки аёлнинг бири, ёшгинаси французчани яхши гапириши билан Нехлюдовнинг диққатини жалб қиламан деган мақсадда: аёл эса зўр бериб ҳавони искар, башарасини бужмайтирар ва сассиқ кишлоқилар билан ўтиришнинг нақадар кўнгилсизлиги ҳақида алланималар деб вайсарди.

– *Voila encore des nouvelles*<sup>1</sup> – деди. Билагузукли Ишчилар эса катта хавф-хатардан қутулган одамлар каби севина-севина, тинчланиб жойлаша бошладилар, кифтларини қимирлатиб оғир қопларни елкаларидан тушириб сўри тагига тика бошладилар.

Тарас билан гаплашиб ўтирган боғбон ўз ўрнида ўтирмаган эди, энди туриб ўз жойига кетди, Тараснинг ёнида ва рўпарасида учта жой бор эди. Ишчилардан учтаси шу жойга ўтирди, лекин Нехлюдов улар ёнига келганда, унинг эгнидаги башанг кийими уларни шошириб қўйди. Ишчилар кетишга шайланиб ўринларидан турдилар, лекин Нехлюдов улардан бемалол ўтиришни илтимос қилиб, ўзи тахта сўрининг йўл томондаги ёнбошига ўтирди.

Икки ишчининг бири, эллик ёшлар чамасидаги киши хайрон бўлиб, ҳатто қўрқув аралаш ёш ишчи билан кўз уриштириб олди. Улар Нехлюдовнинг бекар сингари сўкиниб, уларни ҳайдаб юбормай, жой берганига таажжубланган, шошиб қолган эдилар. Улар, ҳатто, бунинг оқибати биз учун хунук бўлсамикан, деб чўчидилар ҳам. Бирок бунда ҳеч қандай найранг йўқлигини, Нехлюдовнинг Тарас билан

<sup>1</sup> *Voila encore des nouvelles* (французча) – шу етмай турган эди.

бемалол гаплашаётганини кўриб анча тинчландилар, ёшроқ ишчини қоп устига ўтирғизиб қўйиб, Нехлюдовдан жойига ўтиришни талаб қила бошладилар. Нехлюдовнинг рўпарасидаги қарироқ ишчи бекка тегиб кетмасин деб чипта кавуш кийган оёғини тагига тортиб, кисилиб ўтирди, лекин бора-бора Нехлюдов билан шунчалик дўстона суҳбатлаша бошладики, ҳикоясининг баъзи жойларига Нехлюдовнинг эътиборини жалб қилмоқчи бўлиб, кафтининг орқаси билан унинг тиззасига уриб-уриб кўярди. У ҳол-аҳволдан, торф<sup>1</sup> ботқоқларида икки ярим ой ишлаб, киши бошига ўн сўмдан пул билан қайтаётганлари ҳақида гапирарди, чунки иш ҳақининг бир, қисмини олдиндан, ёлланган пайтларида олиб қўйган эканлар. Унинг гапига қараганда, ўртада икки соатлик та-наффус билан тонг отгандан кун ботгунча тиззаларидан сувга ботиб ишлашар экан.

– Ўрганмаган одамга қийин, албатта, – деди у, – чидасанг, кўникиб кетасан. Боқуви яхши бўлса бўлди. Бошда овқатнинг мазаси йўқ эди. Ҳамманинг аччиғи келди, шундан кейин овқатга ҳам сон тегиб қолди, ишлаш ҳам осон бўлди.

Кейин у йигирма саккиз йил бадалида ҳамма вақт иш ахтариб қишлоқдан кетганини, топган пулини уйга, аввал отасига, кейин акасига, эндиликда оилани бошқараётган жиянига юбориб келаётганини, ўзи эса йилда топган эллик-олтмиш сўм пулидан икки-уч сўминигина ўзини сийлаш учун тамаки ва гугуртга олиб қолганини сўзлаб берди.

– Жудаям бегуноҳ эмасман, кези келганда ароқ ичган пайтлар ҳам бўлиб туради, – деб қўшиб қўйди у айбдордек жилмайиб.

У уйда эркаклар ўрнига хотинлари рўзғор тебратаётганини, бугун жўнаб кетишлари олдидан южарадор ярим челак ароқ билан сийлаганини, ораларида битталари ўлиб қолганини, битгаси бетоб бўлиб қайтаётганини гашириб берди. Ўша касал ҳам шу вагонда, бурчакда ўтирарди. Бу лабла-

<sup>1</sup> Торф (немисча) – тўқайзор, ботқоқлик ерлардаги ўсимлик қолдиқларининг табиий чиришидан ҳосил бўлган зич масса, фойдали қазилма. Ёқилги, ўғит, хомашё сифатида ишлатилади.

ри кўкариб кетган, ранги заъфарондек бола эди. Уни безгак жонидан тўйдириб юборган бўлса керак. Нехлюдов бола олдига борди, лекин у Нехлюдовга шундай жиддий ва мунгли қарадики, Нехлюдов унга саволлар бериб безовта қилмади, катталарига безгак дори сотиб олишни маслаҳат қилиб, дорининг номини қоғозга ёзиб берди. У пул ҳам бермоқчи эди-ю, лекин кекса ишчи эътироз билдирди: ўз пулидан беражagini айтди.

– Оламни шунча кезиб, бунақа бекни кўрмадим. Бўйинингга тушириб қолиш у ёқда турсин, ўз жойини бўшатиб берди-я! Бундан чиқди, бекларнинг ҳам ҳар хили бўлар эканда, – деган хулосага келди у Тарас билан гаплашар экан.

Нехлюдов ана шу кишиларнинг пайдор, мушакдор аъзоларига, кўпол, хонаки кийимларига, офтобда қорайган мулойим ва ҳорғин чехраларига қарар – экан. «Ҳа, бутунлай бошқа, янги бир дунё», – деб ўйларди. У ўзини бутунлай бошқа одамлар орасида, ҳаётнинг жиддий талаблари, қувончлари ва азоб-уқубатлари билан тўлган ҳақиқий меҳнат аҳли орасида ҳис этиб: «Мана буларни *Le vrai grand monde*<sup>1</sup> деса бўлади», – деб ўйларди Нехлюдов князь Корчагин айтган сўзларни ва истак-орзулари бемаъни ва пуч нарсалардан иборат бўлган дабдабали Корчагинлар муҳитини эслаб.

Шундай қилиб Нехлюдов янги, номаълум ва ажойиб дунёни кашф этган сайёҳ каби қувонарди.

## **ИККИНЧИ ҚИСМ ТАМОМ**

<sup>1</sup> *Le vrai grand monde (французча)* – киборлар оламига мансуб.



# УЧИНЧИ ҚИСМ

## I

Маслова бирга кетаётган маҳбуслар гуруҳи беш минг чақиримча йўл босди. Пермгача Маслова поездда ҳам, пароходда ҳам жинойи маҳбуслар билан бирга борди, фақат шу шаҳарга етгандагина Нехлюдов худди шу гуруҳ билан келаётган Богодуховскаянинг маслаҳатига кўра, Масловани сиёсий маҳбуслар тўдасига киритишга муяссар бўлди.

Пермгача бўлган йўл Маслова учун ҳам жисман, ҳам руҳан оғир бўлди. У тиқилинч, ифлос вагонда қийналган, уни жирканч ҳашаротлар чақиб безор қилган бўлса, худди шундай жирканч, ҳар босқичда ўзгариб тургани билан ҳамма ерда худди шу ҳашаротлар сингари ёпишиб тинчлик бермайдиган эркаклар жонига теккан эди. Маҳбус аёллар ва маҳбуслар, назоратчилар ва конвойлар орасида фоҳишабозлик шу қадар авжига чиққан эдики, ўзининг хотинлик иффатидан фойдаланишни истамаган ҳар қандай аёл, айниқса, ёш аёл, ҳамма вақт сергак бўлиб туришга мажбур эди. Доим олазарак бўлиб, ўз иффати учун курашиш осон эмас эди. Маслова кўҳликкина бўлгани ва ўтмиши ҳаммага маълум бўлгани учун бу балога кўпроқ гирифтор бўлиб турарди. Шилқимлик қилган эркакларга кескин қаршилиқ кўрсатиши уларга ҳақорат бўлиб туюлар ва Масловага қарши ғазаб уйғотарди. Бу хусусда Федосья ва Тарас билан яқинлиги Маслованинг аҳволини анча енгиллаштирарди. Ана шундай тажовузларга дучор бўлиб турган хотинини муҳофаза қилиш мақсадида Тарас ўз ихтиёри билан қамоққа кириб олган, Нижнийдан бу ёғига маҳбуслар билан бирга келар эди.

Сиёсий маҳбуслар бўлимига кўчирилиши Маслова учун ҳар жиҳатдан яхши бўлган эди. Сиёсий маҳбуслар яхши жойлаштирилган бўлиб, уларни тузукрок боқишар, улар ҳақоратларга камрок дучор бўлар эди. Бундан катъи назар Маслованинг сиёсий маҳбуслар орасига кўчирилиши унинг учун шу жиҳатдан яхши бўлдики, у эркакларнинг шилкимлигидан қутулди, эндиликда ўз ўтмишини бутунлай унутиб юбориш истагида ёнган Масловага ўтмишини ҳар дақиқада эслатиб турадиганлар йўқ эди. Сиёсий маҳбуслар бўлимига кўчирилишнинг энг муҳим томони шу эдики, Маслова ўзига яхши таъсир кўрсатадиган баъзи одамлар билан танишди.

Масловага этап<sup>1</sup> маҳалида сиёсий маҳбуслар билан бир жойда туришга ижозат берилган эди. Аммо соғлом аёл бўлгани учун йўлда жиной маҳбуслар билан пиёда бориши керак эди. Томскдан бу ёғига Маслова шу зайлда келарди. У сиёсий маҳбуслардан иккитаси билан: бир вақтлар Богодуховская ила учрашган пайтида Нехлюдовни ҳайратга солган ўша қўйқўз, хушрўй қиз Марья Павловна Шчетинина ва Якутск вилоятига сургун қилинган Симонсон деган киши билан бирга эди. Ўша учрашув пайтида Нехлюдов кўзи иччига тушиб кетган, қора, пахмоқ Симонсонни кўрган эди. Марья Павловна аравадаги ўрнини ҳомиладор жиной маҳбус аёлга бергани учун пиёда келарди, Симонсон эса синфий имтиёздан фойдаланишни ноҳақ ҳисоблагани учун пиёда юрар эди. Буларнинг учалови жиной маҳбуслар билан бирга эрта саҳарлаб йўлга чиқишарди, аравада борадиган сиёсий маҳбуслар кечроқ чиқишарди. Катта бир шаҳарга етмасдан, бурун, сўнгги босқичда, маҳбуслар тўдасини янги конвой офицери қабул қилиб олгандан кейин ҳам аҳвол шундай эди.

Сентябрь тонги, ҳаво булут. Совуқ шамол эсиб, гоҳ қор, гоҳ ёмғир ёғарди. Тўрт юз эркак ва эллик чоғлик хотиндан иборат маҳбуслар туркуми аллақачон этап ҳовлисига чиққан, баъзилари старосталарига<sup>2</sup> икки кеча-кундузлик озиқ-овқат пулини улашаётган конвой бошлиғи олдида

<sup>1</sup> Этап – қўшинлар йўлидаги тунаб, дам олиб ўтиладиган жой.

<sup>2</sup> Староста – 1) курс, синф сардори; 2) оқсоқол (асарда шу маънода).

уймалашар, баъзилари ҳовлига киритилган савдогар хотинлардан озуқа сотиб олиш билан овора эдилар. Пул санаётган, озик-овқат сотиб олаётган маҳбусларнинг говур-ғувури, савдогар хотинларнинг чинқирик товуши эшитиларди.

Этик ва калта пўстин кийиб, рўмол ўраб олган Катюша билан Марья Павловна этап биносидан ҳовлига чиқишди-да, шамолдан беркиниб, шимол томондаги девор тагида ўтирган савдогар аёллар томон юришди. Савдогар аёллар рўпарама-рўпара ўтириб, иссиққина, мазали пирог<sup>1</sup>, балик, угра, бўтқа, жигар, мол гўшти, тухум, сутларини таклиф қилишар эди; уларнинг бирида ҳатто ковурилган чўчқача ҳам бор эди.

Гуттаперча<sup>2</sup> камзул, жун пайпоқ устидан кавуш кийиб уни каноп билан боғлаб олган Симонсон (у вегетариан<sup>3</sup> бўлгани учун ўлдирилган ҳайвонларнинг терисидан оёқ кийими киймас эди) тўданинг чиқишини кутиб ҳовлида турарди. У зинапояда туриб миясига келган янги фикрни ён дафтарчасига ёзарди. Бу фикр куйидагилардан иборат эди:

«Агар, – деб ёзарди у, – бактерия инсон тирноғини кузатса ва текширса эди, уни жонсиз модда деб топган бўларди. Биз ҳам ер қобиғини кузатиб, ер куррасини, жонсиз деб топганмиз, бу тўғри эмас».

Маслова сотиб олинган тухум, бир шода тешиккулча, балик ва юмшоқ бугдой нонини қопга солар, Марья Павловна эса савдогарлар билан ҳисоб-китоб қилар экан, маҳбуслар орасида ҳаракат бошланди. Ҳамма жим бўлиб, саф тарта бошлади. Офицер чиқди ва жўнаб кетиш олдидан сўнгги буйруқни берди.

Ҳамма иш одатдагидек борарди: маҳбусларни санаб ўтказдилар, кишанларнинг бутлигини текширдилар, қўл кишанида борадиганларни жуфт-жуфт қилдилар. Шу топда тўсатдан офицернинг амирона ғазаб билан бақиргани, шапа-

<sup>1</sup> **Пирог** (русча: пирог – «базм, зиёфат») – кийма, мева, қиём ва шу қабилар солиб, духовкада пиширилаётган ширинлик.

<sup>2</sup> **Гуттаперча** – каучукка ўхшаган кулранг эластик модда.

<sup>3</sup> **Вегетариан** – гўшт емай, мева ва сабзавотлардан тайёрланган овқатларни тановул қилувчи.

лоқ товуши ва бола йиғиси эшитилди. Бир зум жимлик чўкди, кейин оломон орасида ғовур-ғувур кўтарилди. Маслова билан Марья Павловна шов-шув кўтарилган томонга қараб юрдилар.

## II

Шовқин кўтарилган жойга бориб, Марья Павловна билан Катюша куйидагиларни кўришди: узун сарик мўйловли, миқтидан келган офицер ковоғини солиб чап қўли билан ўнг қўлининг кафтини артар (у маҳбуснинг юзига шапалок туширган эди), оғзига келганини қайтармай болахонадор қилиб сўкарди. Унинг олдида, ёрилиб қон чиқиб кетган юзини бир қули билан артиб, иккинчи қўли билан рўмолга ўралган, чинкириб йиғлаётган қизчасини кўтарган, калта халат ва ундан ҳам калта шим кийган, сочининг ярми устарада қирилган ориқ, маҳбус турарди.

– Ҳали сенга (беҳаё сўкиш) гап қайтаришни ўргатиб кўяман (яна ҳақорат); хотинларга бер, – деб қичқирарди офицер. – Тут, қўлингни.

Офицер сургунга кетаётган, Томскда тифдан<sup>1</sup> ўлган хотинидан қолган қизалоғини кўтариб келаётган маҳбусга қўл кишани солинишини талаб қиларди. Маҳбуснинг, қўл кишани билан болани кўтариб юриб бўлмайдди, деган гапи кайфи бузилиб турган офицернинг аччиғини чиқариб юборган, у бир гапнинг ўзида итоат этмаган маҳбусни урган<sup>2</sup>.

Шапалок еган маҳбуснинг рўпарасида конвой аскарини билан бир қўлига кишан солинган қора соқол маҳбус турарди, у гоҳ офицерга, гоҳ қизалоғини кўтарган, шапалок еган маҳбусга ковоғини солиб ер остидан қараб-қараб кўярди. Офицер конвойга қизалоқни тортиб олиш тўғрисидаги буйруқни тақрорлади. Маҳбуслар орасидаги ғовур-ғувур борган

<sup>1</sup> Тиф (юнонча: typhos – тутун; онгнинг, ақл-хушнинг хиралашуви) – иситма ва онг парокандалиги, хиралашуви билан кечадиган оғир юкумли касалликларнинг умумий номи; терлама.

<sup>2</sup> Бу Д. А. Ливневнинг: «Этап бўйлаб» деган китобида тасвирланган далил. (Толстой изоҳи.)

сайин кучая борди.

Сўнги қаторларнинг биридан:

– Томскдан бу ёғига кишансиз келаётувди, – деган хириллаган овоз эшитилди.

– Кучук бола эмас, одам боласи-ку.

– Қизини нима қилади энди?

– Бу қонундан эмас, – деди яна аллаким.

Офицер илон чакиб олгандай:

– Ким бу? – деб қичқирди-да, оломон орасига отилди.

– Қонунни кўрсатиб қўяман сенга. Ким у гапирган? Сенми? Сенмисан?

– Ҳамма гапиряпти. Нимага деганда... – деди япалоқ юзли, паСт бўйли махбус.

Махбус гапини тугатишга улгурмади. Офицер икки қўллаб юзига тушира бошлади.

– Сенлар исён кўтарадиган бўдиларингми ҳали! Исён кўтаришни кўрсатиб қўяман. Итдек отиб ташлайман. Бошликлар фақат раҳмат дейишади менга. Ол қизни!

Оломон жим бўлиб қолди. Чиркираб йиғлаётган қизни конвойлардан бири отасининг қўлидан юлқилаб олди, бошқа бири итоаткорлик билан қўлини тутиб турган махбуснинг билагига кишан сола бошлади.

Офицер қилич қинининг қайишини тўғрилаб қўйиб:

– Хотинларга элтиб бер! – деб бақирди конвойга.

Юзига қон теккан қизалоқ қўлчаларини рўмолдан чиқаришга уриниб чиркираб йиғларди. Оломон орасидан Марья Павловна чиқди-да, конвой олдига келди.

– Жаноб офицер, ижозат беринг, қизчани мен кўтариб борай.

Қизалокни кўтарган конвой аскар тўхтади.

– Кимсан ўзинг? – деб сўради офицер.

– Сиёсий махбус.

Марья Павловнанинг бўта кўзли чиройли юзи офицерга таъсир қилди чоғи (у махбусларни қабул қилиш пайтида Марья Павловнани кўрган эди), алланимани ўйлаб кўраётгандек индамай қараб қолди.

– Менга барибир, кўтариб юргингиз келса, ола қо-

линг. Уларга раҳм қилиш осон, лекин қочиб кетса, ким жавоб беради?

– Қўлидаги қизи билан қандай қилиб қочиб кетади? – деди Марья Павловна.

– Сиз билан гаплашиб ўтиришга вақтим йўқ. Хоҳла-сангиз ола қолинг.

– Берайми, рухсат этасизми? – деб сўради конвой.

– Бер.

– Кела қол менга, – дерди Марья Павловна қизни ўзига жалб этишга тиришиб.

Аммо конвой қўлида туриб отасига интилаётган қизалоқ ҳамон чирқираб йиғлар, Марья Павловнага боришни истамас эди.

– Шошманг, Марья Павловна, қизча менга келади, – деди Маслова қопидан тешиккулча олиб.

Қизалоқ Масловани танир эди. Шунинг учун ҳам унинг юзини ва тешиккулчани кўриб, унга бора қолди.

Ҳамма ёққа жимлик чўкди. Дарвозани очдилар, маҳбуслар ташқарига чиқиб саф тортди: конвойлар маҳбусларни яна санаб чиқди: қоплар бойланди, жойлаштирилди, заифлар араваларга ўтказилди. Қизалокни кўтариб олган Маслова хотинлар қаторига, Федосьяданинг ёнига бориб турди. Боядан бери бу воқеани кузатиб турган Симонсон, буйруқларни бериб бўлиб энди соябон аравага ўтираётган офицер ёнига кескин қадамлар билан юриб борди.

– Ножўя иш қилдингиз, жаноб офицер, – деди Симонсон.

– Боринг, жойингизга, ишингиз бўлмасин.

– Мен сизга шуни айтиб қўймоқчи эдим, айтдим, ножўя иш қилдингиз, – деди Симонсон қуюқ қошлари тагидан офицернинг юзига тикилиб қараб. Офицер Симонсонга парво қилмай:

– Тайёрмисиз? Туркум марш! – деб қичқирди ва извошчи аскарнинг елкасига осилиб аравага чиқди.

Маҳбуслар тўдаси чўзилиб йўлга тушди, икки томонида зовур қовланган, қалин ўрмон ўртасидан ўтган, пилчиллаб кетган йўлдан юриб кетди.

### III

Сўнгги олти йил ичида шаҳарда айш-ишрат, фоҳиша-бозлик ичида енгил ҳаёт кечирган, авахтада икки ой жинойи маҳбуслар орасида яшаган Катюшага сиёсий маҳбуслар орасидаги ҳозирги ҳаёти (уларнинг жуда оғир шаройтда бўлишларига қарамай) жуда яхши кўринарди. Яхши овқатланиб, кунига йигирма-ўттиз чақирим пиёда юриш, икки кун юриб бир кун дам олиш унинг кучига куч қўшди; янги шериклари билан суҳбатлашиш Масловага ҳаётнинг шундай яхши томонларини очиб бердики, илгари бу тўғрида унинг ҳеч қандай тушунчаси йўқ эди. Унинг тили билан айтганда, ҳозир ўзи бирга кетаётган ажойиб одамларни таниш у ёқда турсин, ёруғ дунёда бундай одамлар ҳам борлигини ҳаёлига келтирмас эди.

– Кесиб юборишди деб йиғлаб юрибман-а, – деди у. – Ўла-ўлгунимча Худога шукур қилишим керак. Икки дунёда билмайдиган нарсаларимни билиб олдим.

Маслова бу одамларни етакловчи мақсадга осонгина тушуниб олди, халқ ичидан чиққан одам бўлгани учун уларга хайрихоҳ эди. Катюша бу одамларнинг халқ учун хўжайинларга қарши бораётганларини тушунди; бу одамларнинг ўзлари хўжалардан чиқиб, халқ учун бутун кайф-сафодан воз кечиб, озодликлари ва ҳаётларини халқ йўлида қурбон берганлари уларни кадрлашга, уларга Қойил қолишга мажбур қиларди.

Катюша барча янги ўртоқларига қойил қолган эди, лекин ҳаммадан кўра Марья Павловнага қойил эди. Йўқ, Катюша Марья Павловнага қойил қолиш билангина кифояланмай, уни бошқача бир зўр ҳурмат билан, жон-тани билан севган эди. Бадавлат генерал оиласидан чиққан, уч тилда гаплашадиган шу гўзал қизнинг ўзини оддий бир ишчи аёл каби тутиши, давлатманд акаси юбориб турган нарсаларнинг ҳаммасини бошқаларга бериши, уст-бошига парво қилмай, оддийгина эмас, ҳатто қашшоқларча кийиниши Катюшани ҳайратда қолдирган эди. Мана шу хислати – таннозликни билмаслиги – Масловани жуда ҳайрон қолди-



рар ва мафтун этарди. Маслова Марья Павловнанинг ўзи чиройли эканини билишини, буниинг ўзига ҳатто хуш ёқишини пайқаган эди, лекин Марья Павловна хуснининг эркаларга таъсир этишидан севиниш у ёқда турсин, ҳатто севиш-севилиш деган нарсадан нафратланар, ҳурқар эди. Унинг бу хусусиятини билган эркак ўртоқлари, кўнгилларида унга интилиш ҳис этсалар-да, буни маълум қилишга журъат этмас ва у билан эркак ўртоқларидек муомала қилишга уринардилар. Аммо нотаниш эркаклар кўпинча унга шилқимлик қилардилар. Бундай кезларда уни жисмоний кучи кутқазиб қоларди, у ўз кучи билан мақтанарди. «Бир куни, – деб кула-кула ҳикоя қилиб берган эди у, – кўчада алақандай бир жаноб менга елимдек ёпишиб олса бўладими. Жаҳлим чиқиб, уни ушлаб шундай силқитдимки, така-пукаси чиқиб қочиб қолди».

Ўзининг айтишига қараганда, Марья Павловна болалик чоғиданоқ бойлар ҳаётидан нафратланган, оддий одамларнинг турмушини яхши кўрганлиги учун инқилобчи бўлган. Болалигида меҳмонхонада ўтирмай хизматкорлар хонасида, ошхонада, отхонада ўралишиб юргани учун кўп гап эшитган.

– Ошпаз хотинлар, извошчилар орасида кўнглим очилар эди, ўз одамларимиз, бек ва хонимлар ичида зерикардим, – деб ҳикоя қиларди у. – Кейин оқни қорадан ажратадиган бўлганимда ҳаётимиз жуда ярамас эканини тушундим. Онам йўқ эди, отамни ёмон кўрардим. Шундай қилиб, ўн тўққиз ёшимда бир дугона билан уйдан бошимни олиб чиқиб кетдим ва фабрикага ишчи бўлиб кирдим.

Фабрикадан кейин у қишлоқда яшаган, кейин шаҳарга кўчиб тушган ва яширин босмахона жойлашган уйда қамоққа олиниб, қаторгага ҳукм этилган. Бу ҳақда Марья Павловна ҳеч қачон ўзи гапириб берган эмас эди, лекин Катюша буни бошқалардан эшитган эди: уйни тинтув пайтида, қоронғида инқилобчилардан бири ўқ узган, Марья Павловна ўқни мен уздим, деб бўйнига олгани учун қаторгага ҳукм этилган.

Катюша уни таниганидан буён қаерда бўлмасин, ҳар

қанақа шароитда ҳам бирон марта бўлсин ўзини ўйлаганини кўрмаган эди. Қачон қарамасин, Марья Павловна бировларнинг ғамида бўлади, озми-кўпми ёрдам бечиш ташвишида юради. Марья Павловнанинг ҳозирги ўртоқларидан бири, Новодворов, у тўғрида ҳазиллашиб, хайрли иш қилишини ўзига хунар қилиб олган, деярди. Ҳақиқатан ҳам, шундай эди. Овчининг дарди илвасин<sup>1</sup> бўлганидек, унинг истаги бир баҳона билан бировларга хизмат қилишдан иборат эди. Мана шу иш унга одат бўлиб қолган, ҳаётининг мазмунини ташкил этган эди. Марья Павловнага бу ишлар шундай одат бўлиб қолган эдики, уни таниганларнинг ҳаммаси, буни ортиқ қадрламас, балки талаб этар эдилар.

Маслова улар тўдасига кўчирилганда Марья Павловна ундан жирканган, нафратланган эди. Катюша буни сезди, лекин кейин у Марья Павловнанинг ўз нафратини енгиб, унга нисбатан жуда меҳрибон ва ғамхўр бўлганини ҳам сезди. Шу ажойиб одамнинг меҳрибонлиги ва ғамхўрлиги Масловага шу қадар қаттиқ таъсир қилдики, Катюша Марья Павловнанинг қарашларини беихтиёр ўзлаштириб, беихтиёр унга тақлид қила бошлади, бутун қалби билан унга берилди. Катюшанинг шу садокатли муҳаббати Марья Павловнага таъсир қилди, у ҳам Катюшани яхши кўриб қолди.

Бу икки аёлни янада яқинлаштирган нарса, уларнинг икковининг ҳам жинсий муҳаббатга бўлган нафрати эди. Уларнинг бири шу муҳаббатнинг бутун даҳшатларини бошидан кечиргани учун ҳам ундан нафратланарди, иккинчиси эса, уни бошидан кечирмагани ҳолда, унга қандайдир тушуниб бўлмас, шу билан бирга, даҳшатли ва инсонлик шарифига иснод келтирадиган нарса деб қарагани учун нафратланарди.

---

<sup>1</sup> Илвасин – овланадиган савойи паррандаларнинг умумий номи.

Марья Павловна Масловани ўз таъсири остига олган одамлардан бири эди. Маслова Марья Павловнани жонидек севгани учун унинг таъсирига берилган эди. Унга таъсир кўрсатган иккинчи киши Симонсон эди. Симонсон Масловани яхши кўргани учун ҳам Катюша унинг таъсири остига тушиб қолди.

Ҳамма одамлар қисман ўз ақли билан, қисман бировнинг ақли билан яшайди, иш тутади. Одамларнинг бири-биридан асосий фарқи ҳам уларнинг ўз ақли ёки бировнинг ақли билан яшашига боғлиқ. Баъзи одамлар кўпинча ўз фикрларини зехний машқ учун қурол деб биладилар, ақл-идроклари ҳаракатлантирувчи қайиши олинган машина ғилдиракларига ўхшаб қолади, қиладиган ишларида бировларнинг фикрига – урф-одатга, ривоятларга, қонунга бўйсунадилар, бошқалар эса ўз ақл-идрокларини ўзларининг бутун фаолиятларини вужудга келтирувчи асосий куч деб ҳисоблаб, деярли ҳар доим ақл-идрокларининг талабига қулоқ соладилар ва шунга итоат қиладилар. Фақат аҳён-аҳён-дагина, ўшандаям танқидий мулоҳазадан кейин, бошқаларнинг қарорига бўйсунадилар. Симонсон ана шундай одам эди. У ҳамма нарсани ақл-идрок йўли билан ечар, қарор қилган нарсани амалга оширмай қўймас эди.

Гимназистлик чоғидаёқ, собиқ интендант<sup>1</sup> тўра бўлган отасининг топган давлати, ҳалол йўл билан топилмаганини англаган ва отасига бутун давлатини халққа бериш кераклигини айтган. Отаси унинг гапига кириш у ёқда турсин, уришиб бергандан кейин Симонсон уйдан бошини олиб чиқиб кетган ва отасининг маблағидан фойдаланмай қўйган. Бутун фалокат, халқнинг жаҳолатда қолганидан бўляпти, деб ўйлаган Симонсон университетни битиргач, народниклар билан топишиб, қишлоқда ўқитувчилик қила бошлаган ва ўқувчилари билан деҳқонларга, ўзи адолатдан деб билган нарсаларини тарғиб қила бошлаган, ёлғон

<sup>1</sup> Интендант – ҳарбий қисмларда хўжалик ишларини бошқарувчи ходим.

ҳисоблаганларини инкор этган.

Уни камоққа олиб суд қилганлар. .

Суд пайтида у, мени суд қилишга судьяларнинг ҳақлари йўқ, деган қарорга келган ва бу фикрини айтган. Уни Архангельск губерниясига сургун қилганлар. У ерда Симонсон ўзига бутун фаолиятининг мазмунини ташкил этган диний назария тузади. Бу диний назария дунёда ҳамма нарса жонлидир, жонсиз нарса йўқ, биз жонсиз деб ҳисоблаган нарсаларнинг ҳаммаси буюк жонли жисмнинг бир қисмигина бўлиб, биз уни қамраб ололмаймиз, деган фикрдан иборат эди. Инсон шу катта жисмнинг бир қисми бўлгани учун ҳам унинг вазифаси шу организмнинг ва унинг барча жонли жисмларининг яшаши учун ёрдам беришдан иборат. Шунинг учун ҳам у жамики тирик жонни қиришни жиноят деб ҳисоблар: урушга, катл этиш ва фақат одамнигина эмас, ҳатто ҳайвонларни ҳам ўлдиришга қарши эди. Никоҳ тўғрисида ҳам унинг ўз назарияси бор эди, бу назарияга кўра, одамларнинг кўпайиши инсоннинг энг кейинги вазифаси, асосий вазифаси эса ҳозир мавжуд бўлган тирик жонларга хизмат қилишдан иборат эди. Қонда фагоцитларнинг<sup>1</sup> мавжуд бўлиши шу фикрни тасдиқлайди, деб ўйларди. Унинг фикрича, бўйдоқларнинг ҳам вазифаси фагоцитларнинг вазифасига ўхшарди, уларнинг вазифаси организмнинг заиф, касал қисмларига ёрдам беришдан иборат эди. Симонсон йигитлик чоғида фоҳишабозликка берилган бўлса-да, шу қарорга келганидан буён ўз билганча ҳаёт кечира бошлади. У ўзини ҳам Марья Павловна каби дунёвий фагоцит деб ҳисобларди.

Унинг Катюшага бўлган муҳаббати бу назарияга ҳалакит бермас эди. Рухий ишқ заифларга ёрдам бериш ишига ҳалакит бермайди, аксинча, кишини руҳлантиради деб ўйлаган Симонсон Катюшани соф муҳаббат билан севар эди.

Бироқ ахлоқий масалаларни ўз билганча ҳал қилганидай, амалий масалаларнинг ҳам кўп қисмини ўз билганча ҳал қиларди. Ҳар қандай амалий иш учун унда назария тайёр

<sup>1</sup> Фагоцит – ёт нарсалар ва бактерияларни ютиб, ҳазм қилиб юборадиган ҳужайра (тарж.).

эди: неча соат ишлаш керак, қанча дам олиш лозим, қандай овқатланиш, печни қандай ёқиш, уйни қандай ёритиш каби масалаларнинг ҳам алоҳида қондалари бор эди.

Шу билан бирга Симонсон одамлар орасида жуда тортинчоқ ва камтар эди. Аммо бир қарорга келдими, ҳеч қандай куч уни қайтара олмасди.

Масловага муҳаббат қўйгани учун бу одамнинг унга нисбатан таъсири зўр эди. Маслова аёлларга хос туйғу билан тез орада бунга пайқаб олди ва мана шундай ажойиб одамда муҳаббат уйғота олгани учун кўнгли кўтарилиб кетди. Нехлюдов олийжаноблик қилиб ва ўтган ишлар туфайли унга уйланмоқчи эди, аммо Симонсон эса уни ҳозир қандай бўлса, шундайлигича севар, кўнглига ёққани учун севарди. Бундан ташқари Катюша, Симонсон уни бошқа хотинлардан фарқ қиладиган ажойиб, юксак ахлоқий фазилатлар эгаси деб ҳисоблаётганини ҳис қиларди. Катюша Симонсоннинг унга қандай ҳислатларни нисбат бераётганини яхши билмас, уни ноумид қилмаслик учун ўзи тасаввур эта оладиган энг яхши ҳислатларни ортдиришга тиришарди. Бу ҳол уни, имкони борича, яхши бўлишга ундарди.

Бу воқеа турмада бошланган эди. Ўшанда сиёсий маҳбуслар билан учрашув вақтида Катюша қовоғи солиқ бу кишининг қуюқ қошлари остидаги мовий кўзларини унга тикиб турганини пайқади. Катюша ўшандаёқ бу одамнинг бошқача эканлигини, унга бошқача қараётганини сизди. Бундан ташқари Катюша, сочлари ҳурпайиб, қошлари чимирилиб тургани учун вазоҳати қаҳрли тус олган бу кишининг кўкиш кўзлари болаларча мулоим ва соф эканини кўрган эди. Кейин Томскда, уни сиёсий маҳбуслар гуруҳига кўчирганларида Катюша бу одамни яна учратди. Иккови бир-бирига бир оғиз ҳам гапирмаган бўлса-да, кўзлари бир-бирларини эсларида сақлаганлари ва бир-бирларига зарур эканликларини гапириб турар эди. Кейинчалик ҳам улар орасида жиддийроқ гап бўлмади, лексин шунга қарамай, Симонсон унинг олдида гапирар экан, унинг сўзлари Масловага қаратилганини, иложи борича, тушунарли қилиб, унинг учун гапираётганини ҳис қиларди. Ўрталаридаги яқинлик

Симонсоннинг жиноий маҳбуслар билан пиёда йўлга тушганидан бошланди.

## V

Нижнийдан Пермгача Нехлюдов Катюшани фақат икки марта: бир сафар Нижнийда маҳбуслар сим тўр тортилган баржага<sup>1</sup> ўтирмасларидан олдин, иккинчи сафар турма идорасида кўришга муваффақ бўлди. Шу икки учрашувда Катюша сир бой бермай тумтайиб турарди. Нехлюдовнинг, аҳволингиз қалай, бирон нарса керак эмасми, деган саволларига тўғри жавоб бермай, тортиниб, унинг назарида, илгариги адоват билан ўпка аралаш жавоб қайтаргандек бўларди. Шу кунларда эркакларнинг шилқимлиги Катюшанинг таъбини хира қилган, бу ҳол Нехлюдовни қийнар эди. Дарёдан ўтиш пайтида ана шу бузук оғир шароит таъсири остида Катюша яна аввалги аҳволига, умидсизликка тушиб қолмаса эди, деб кўрқарди. Бундай пайтларда Катюша Нехлюдовдан аччиғланар, кўп, чекар, ғамни унутиш учун вино ича бошларди. Лекин Нехлюдов унга ҳеч қандай ёрдам бера олмас эди. Чунки йўлга чиққандан кейинги дастлабки кунлар Маслова билан кўришишнинг иложини топа олмаган эди. Маслованинг сиёсий маҳбуслар орасига кўчирилганидан кейин эса шубҳаларининг ноўринлигини англаган, шу билан бирга ҳар учрашувида унда руҳий ўзгаришлар бўлаётганини кўрган эди. Нехлюдов Катюшада шундай ўзгаришлар юз беришини кўпдан буён чин кўнгилдан тилар эди. Томскдаги биринчи учрашувда Катюша яна йўлга чиқиш олдидаги каби кайфиятда эди. У Нехлюдовни кўриб қовоғини солиб ҳам олмади, хижолат тортмади ҳам, аксинча, соддадиллик билан қувониб қарши олди, қилган яхшиликлари учун, айниқса, мана шу ҳозирги танишлари орасига кўчиргани учун миннатдорчилик билдирди.

Икки ой этапда юрганида унда юз берган ўзгариш

<sup>1</sup> Баржа (французча: barge ёки лотинча bara – енгил кема) – шатакка олиб юриладиган ёки ўзиюлар, таги ясси юк кемаси.

ташки қиёфасида ҳам акс этган эди. Маслова озиб, қорайиб кетган, қаригандек кўринарди: чаккаларида, оғзи атрофида ажинлар пайдо бўлган эди. Энди у сочини аввалгидек пешонасига тушириб қўймас, бошига рўмол танғиб юрарди. Эндиликда унинг кийим-бошида ҳам, сочининг оройишида ҳам, муомаласида ҳам аввалгидек сатанглик йўқ эди. Масловадаги мана шу юз берган ва юз бераётган ўзгаришлар Нехлюдовда жуда қувончли ҳис уйғотарди.

Энди у Масловага нисбатан илгари ҳеч қачон сезмаган туйғулар ҳис этарди. Бу туйғу на унинг илк шоирона муҳаббатига, на кейинги ҳиссий ишқига ва на суддан сўнг унга уйланишга аҳд қилган пайтида ўталган бурч ва худписандлик ҳисларига сира ўхшамасди. Бу ҳис – у биринчи марта турмада Катюша билан учрашганида, кейин касалхонадаги фельдшер воқеасидан сўнг (бунинг ноҳақлиги кейин аниқланди), жирканиш ҳиссини енгиб, гуноҳини кечирганидан кейин пайдо бўлган оддий раҳм-шафқат ҳисси эди, бу худди ўша ҳиснинг ўзгинаси эди, бироқ шу фарқ биланки, илгари бу ҳис вақтинча бўлса, энди доимий бўлиб қолган эди, Нехлюдов энди нимани ўйламасин, нима қилмасин, фақат Катюшагагина эмас, балки барча инсонларга раҳм-шафқат ҳисси билан тўлиб-тошган эди.

Бу ҳис Нехлюдов қалбида илгари юзага чиқиш учун йўл топмаган, эндиликда барча дуч келган кишиларга аталган муҳаббат булоғини очиб бергандек эди.

Сафар давомида Нехлюдов шундай бир ҳаяжонли ҳолатда эдики, у ҳамма одамларга, аравақашдан тортиб конвой аскаригача, иши тушиб турган турма бошлиғидан тортиб губернаторгача ғамхўр ва меҳрибон бўлиб қолди.

Бу орада Нехлюдов, Маслованинг сиёсий маҳбуслар тўпига ўтказилгани туфайли, кўпгина сиёсий маҳбуслар билан танишди. Бошда сиёсий маҳбуслар Екатеринбургда битта катта камерада жуда эркин ҳолда сақланган пайтда, кейин йўлда Маслова беш эркак ва тўрт хотин орасига қўшиб қўйилган пайтида танишган эди. Нехлюдовнинг сургун этилган сиёсий маҳбуслар билан бундай яқинлашуви унинг маҳбусларга нисбатан бўлган фикрини тамомила



Ўзгартирди.

Россияда инқилобий ҳаракат бошланган пайдан бери, айниқса, 1-март воқеасидан кейин Нехлюдов инқилобчиларни ёмон кўриб қолган, улардан ихлоси қайтган эди. Нехлюдовни улардан нафратлантирадиган нарса, аввало, инқилобчиларнинг қаттиққўллиги ҳукуматга қарши кураш усулларининг яширинлиги, асосан, уларнинг шафқатсизларча қотиллик қилишлари эди. Булардан ташқари, Нехлюдов инқилобчиларнинг ҳаммасига хос бўлган худписандлик хусусиятлари учун ҳам уларни ёмон кўрарди. Аммо уларни яқиндан танигандан кейин, ҳукумат томонидан кўпинча бегуноҳдан бегуноҳ жазоланганларини билгандан кейин эса Нехлюдов уларнинг ҳозиргидан бошқача бўлишлари мумкин эмаслигини англади.

Жиноий жавобгар деб аталувчиларга бериладиган азоб-укубатлар нақадар мудҳиш ва бемаъни бўлмасин, судгача ва суддан кейин ҳам уларга нисбатан, ҳар ҳолда, қонунга яқинроқ муомалада бўлинарди, аммо сиёсий маҳбусларга келганда эса бу ҳам йўқ эди. Буни Нехлюдов Шустова ва яна анчагина янги танишларининг ишидан қиёс олиб ўз кўзи билан кўрди. Тўрға тушган балиқларга қандай муносабатда бўлсалар, бу одамларга нисбатан ҳам шундай муомалада бўлардилар: тўр қирғоққа тортиб чиқариб, яроқликлари, тириклари териб олинади, майдаларига парво қилинмайди, улар қирғоқда қолиб, ўлиб кетаверади. Шу зайл айбдор бўлиш у ёқда турсин, ҳукуматга зарарли бўла олмайдиганлардан юзлаб кишилар тутиб келтирилар ва уларни йишлаб турмаларда сақлар эдилар. Бу ерда эса улар силга чалинар, ақлдан озар ёки ўзларини ўзлари ўлдирардилар, уларни бўшатиб юборишга сабаб топилмагани учунгина чиқаришмас, қўллари остида, турмада бўлсалар, тергов пайтида бирон масалани ҳал қилишда фойдалари тегиб қолишлари мумкин эди. Мана шуларнинг, ҳатто ҳукумат нуқтаи назаридан қараганда ҳам, кўпинча бегуноҳ саналган бу одамларнинг тақдири жандарм, полиция офицери, айғокчи, прокурор, терговчи, губернатор ёки вазирнинг истагига, кайфиятига боғлиқ эди. Шунақанги тўра зерикиб қолса, ёки ўзини

кўрсатишни истаса, одамларни қамокқа ола бошлайди, ўзининг ёки бошлиқларининг кайфиятига қараб қамокда олиб туради ёки бўшатиб юборади. Энг юқори мартабадаги бошлиқ ҳам ўзини кўрсатмоқчи бўлса, вазир билан қандай алоқада бўлишига қараб, – бу одамларни ё дунёнинг нариги бошига сургун қилиб юборади, ё якка кишилиқ камерада қамокда тутади ёки ўлимга ҳукм қилади, ёхуд бирон ойимчанинг илтимосига кўра бўшатиб юборади.

Сиёсий маҳбуслар билан худди урушдаги каби муомалада бўладилар, улар ҳам табиий, ўзларига қарши, истеъмол қилинган воситаларни қўллардилар. Аффор омма, ҳарбийларнинг қилган ишларини жиноят эканлигини яширибгина қолмай, шу ишларни қаҳрамонлик деб кўрсатгандек, – сиёсий маҳбуслар ҳам ўз тўғарақларидаги кишиларнинг фикри билан яшардилар. Натижада улар озодликдан, ҳаётдан ва инсон учун энг қимматли нарсалардан маҳрум бўлиш хавфи остида қилган мудҳиш ишларини ёмон деб ҳисобламас, аксинча, шавкатли иш деб билардилар. Бировга ёмонлик қилиш у ёқда турсин, ҳатто жониворларнинг азоб чекишини кўришга тоқати бўлмаган мўминқобил одамларнинг одам ўлдиришга хотиржамгина тайёргарлик кўришлари, баъзи вақтларда қотилликни ўз-ўзини ҳимоя қилиш воситаси ва умумнинг бахт-саодати каби олий мақсадга эришиш йўлидаги қонуний ва адолатли қурол деб ҳисоблашлари каби ғалати ҳолнинг майдонга келишини Нехлюдов шу билан изоҳларди. Ҳукуматнинг уларга зўр эътибор бериши, уларни оғир жазога тортиши сиёсий маҳбусларда ўз ишларига, бунинг натижасида ўзларига нисбатан юксак фикр туғдирарди. Ўз бошларидан кечираётган азоб-уқубатларни енгил учун ўзлари ҳақида мана шундай юксак фикрда бўлишлари керак эди.

Улар билан яқиндан танишгач, Нехлюдов баъзи одамлар ўйлагандек, улар ёппасига жиноятчи эмас, бошқаларнинг ўйлаганича ёппасига қаҳрамон ҳам эмас, балки оддий одамлар эканига ишонч ҳосил қилди. Ҳамма жойдагидек, улар орасида яхши одамлар ҳам, ёмон одамлар ҳам, ўртача одамлар ҳам бор эди. Улар орасида мавжуд ёвузлик билан

курашишни ўзларининг бурчлари деб билиб инқилобчи бўлганлар бор эди, лекин ораларида худбинларча шухрат-парастлик билан бу йўлни танлаганлар ҳам йўқ эмасди, кўпчиликни эса серғайрат ёшларга хос хислар – хавф-хатар, тахлика ва ҳаёти билан ўйнашиш нашъаси инқилобга жалб этган эди, уруш пайтида Нехлюдов шундай ҳолларни кўрган эди. Инқилобчиларнинг оддий одамлардан фарқлари, устунлиги шунда эдики, улар орасида ахлоқий талаб оддий одамлар орасидагидан кўра юқорирок эди. Улар орасида ўзини тия билиш, қаноатли, ростгўй, беғараз бўлиш ҳамда умумий иш учун ҳамма нарсасини, ҳатто жонини фидо қилиш шарт эди. Шунинг учун ҳам бу одамлар орасидаги ўртадан юқори савиядаги кишилар ундан анча юқори бўлиб, юксак ахлоқ эгалари эдилар, ўртадан паст савиядагилар эса ундан бир қадар паст, ёлгончи, муғамбир, шу билан бирга худписанд ва мутақаббир одамлар эди. Шундай қилиб Нехлюдов, ўз янги дўстларининг баъзиларини хурмат қилиш билангина кифояланмай, уларни чин кўнгилдан яхши кўриб қолган, бошқаларига эса бепарво эди.

## VI

Катюша кўшиб қўйилган гуруҳ билан бирга кетаётган, каторгага сургун қилинган сил<sup>1</sup> йигитни – Крильцовни Нехлюдов жуда яхши кўриб қолган эди. Нехлюдов у билан Екатеринбургда танишган, кейин йўлда бир неча бор учрашиб суҳбатлашган эди. Ёз кунларидан бирида кўниб дам олиш пайтида Нехлюдов кечгача у билан бирга бўлди. Шунда гапдан гап чиқиб, Крильцов қандай қилиб инқилобчи бўлганини сўзлаб берди. Унинг турмагача бўлган ҳаёти жуда қисқа эди. Унинг отаси жанубий губерниялардан бирида ери бўлган бадавлат помешчик экан, у ёш болалик чоғидаёқ отаси ўлиб кетган. У ёлғиз ўғил бўлиб, онаси қўлида тарбия топган. У гимназияда ҳам, университетда ҳам яхши ўқиган,

<sup>1</sup> Сил (арабча) – турли аъзолар, асосан, ўпқада ўзига хос яллиғланиш билан кечадиган сурункали юқумли касаллик; туберкулёз.

математика факультетининг биринчи фан номзоди бўлиб тугатган. Унга университет ҳузурида қолиб, чет элга боришни таклиф этишган. Лекин у пайсалга солган. Унинг севган кизи бўлган, ўша қизга уйланиб, земствода ишлашни ният қилган. Кўп нарсани истаган-у, лекин ҳеч қайси бирига юраги чопмаган. Шу орада университетда бирга ўқиган ўртоқлари умум иши учун ундан пул сўрашган. Крильцов шу умум ишининг у вақтларда ўзи заррача қизикмаган инқилобий иш эканлигини билган ва ўртоқлик ҳиссига берилиб ҳамда кўрқатти деб ўйлашмасин тагин, деган хаёл билан пул берган. Пул олганлар қўлга тушишган, ёнларидан пулни Крильцов берганлигини кўрсатувчи хат чиққан; уни қамокқа олишган, аввал полиция қисмида тутиб, кейин турмага солишган.

– Мени қамашган турмада, – деб ҳикоя қиларди Крильцов Нехлюдовга (кўкраги ичига ботиб кетган Крильцов баланд сўрида тиззасига тирсагини қўйиб ўтирар, чакнаб турган ақлли, мулойим, чиройли жавдираган кўзлари билан Нехлюдовга қарарди), – шу турмада маҳбусларни унча қаттиқ тутишмасди: девор дукуллатиб гаплашардик, йўлакда айланиб юрар, суҳбатлашар, озиқ-овқатларимизни баҳам кўрар, ҳатто кечқурунлари жўр бўлишиб қўшиқ айтишардик. Овозим яхши эди. Шундай. Ойимни демасам, – ойим жуда куйиб (Кетди, – турмада туриш менга қайтага яхши ва жуда мароқли эди. Ўша ерда мен Петров деган машҳур одам (у кейин крепостда ўзини ойна билан кесиб ўлдирган) ва яна бошқа инқилобчилар билан танишдим. Лекин инқилобчи эмас эдим. Улардан ташқари камерамдаги яна икки одам билан танишдим. Улар бир иш учун, поляк хитобномалари тарқатгани учун қамалган ва темир йўлга олиб борилаётган пайтларида конвой қўлидан қочишга уринганлари учун кесилган эдилар. Уларнинг бири поляк Лозинский эди, иккинчиси – яхудий, Розовский. Шундай. Розовский жуда ёш эди. У, ёшим ўн еттида дер эди-ю, лекин кўрган одам ўн бешдан ортиқ демас эди. Ориққина, ушоққина, қора кўзлари ёниб турар, серғайрат ва барча яхудийлар сингари мусиқага қобилиятли эди. Раста бўлса ҳам, жуда

яхши ашула айтар эди. Ҳа. Менинг кўз олдимда икковини судга олиб бордилар. Икковини эрталаб олиб кетишди. Кеч-курун қайтиб келишди ва икковининг ўлимга ҳукм этишганини айтишди. Ҳеч ким буни кутмаган эди. Уларнинг гуноҳи арзимас эди – конвойдан қочишга уринишган, ҳеч кимни ярадор ҳам қилишмаган. Розовский каби бир гўдакни қатл қилиш мумкинлигига ишониш қийин эди. Ҳаммамиз – турмадагиларнинг ҳаммаси, кўрkitиш учун шундай қилин-япти, ҳукм бекор қилинади, деб ўйладик. Аввалига ҳаяжонландик, кейин тинчиб, ҳаётимиз кундагидек давом этди. Бир куни кечкурун камерам эшиги ёнига қоровул келди-да, шипшитиб дурадгорлар келганини, дор қураётганларини айтди. Аввалига тушунмадим: нима деяпсан? Қанақа дор? Аммо қоровул чол шундай ҳаяжонланган эдики, башарасига қараб, бу дор ўша иккита ўртоғимиз учун қурилатганини тушундим. Деворни дукуллатиб ўртоқларимиз билан гаплашмоқчи бўлдим-у, лекин ўшалар эшитиб қолишмаса эди, – деб чўчидим. Ўртоқларимиз ҳам жим эди. Ҳамма хабардор бўлса керак. Йўлақлар ва камералар бутун окшом сув қуйгандек жимжит эди. Ҳеч қайсимиз девор дукуллатмас, кўшиқ айтмас эдик. Соат ўнларда қоровул яна олдимга келди ва Москвадан жаллод олдириб келишганини айтди. Шундай деди-ю, нари кетди. Мен уни чақира бошладим. Тўсатдан Розовский камерасидан туриб менга: «Нима гап? Нега чақиряпсиз?» – деб қичқирди. Мен, қоровул менга тамаки олиб келган эди деган мазмунда гап айтдим. Лекин у гўё тушуниб тургандек, мендан нега кўшиқ айтмаганимизни, нега девор дукуллатиб гаплашмаганимизни сўрай бошлади. Унга нима деб жавоб қилганимни билмайман, у билан ортиқ гаплашмаслик учун нари кетдим. Шундай. Мудҳиш кеча бўлди. Туни билан қулоғимни динг қилиб ўтирдим. Тўсатдан, азонга яқин йўлак эшиги очилиб, бир талай одам келаётганини эшитдим. Сакраб туриб, дарча ёнига бордим. Йўлақда чироқ ёниб турарди. Биринчи бўлиб мугасадди ўтиб кетди. Семизгина, афтидан, ўзига бино қўйган, катъий киши эди. Рангида ранг колмабди: бўздек оқариб, ваҳима босиб мункайиб қолибди. Унинг кетидан қовоғи солиқ, қиёфаси шиддатли

ноибѝ ўтди, ундан кейинда қоровул. Менинг эшигим ёнидан ўтиб, қўшни камера олдиди тўхташди. Ноибнинг ғалати товуш билан: «Лозинский, тулинг, тоза кийим кийинг», – дегани қулоғимга кирди. Шундай. Кейин эшикнинг ғижиллаб очилганини ва уларнинг ичкари киришганини эшитдим. Сўнгра Лозинскийнинг оёқ товушлари эшитилди: у йўлакнинг нариги томонига ўтди. Мен фақат мутасаддини кўрадим. Ранги ўчиб, тугмаларини гоҳ қадаб, гоҳ ечиб елкасини қисиб қўярди. Шундай. Тўсатдан бир нарсдан чўчигандай тисарилди. Лозинский унинг олдидан ўтиб, менинг эшигим олдига келди. Чиройли йигит эди. Бежирим поляк типѝ бўлади-ку: кенг, гўғри пешона, ипақдек майин, малла, жингалак сочли, гўзал мовий кўзли йигит. Шунақанги соғлом, хушрўй, гулдек очилган йигит. У менинг дарчам олдиди тўхтагани учун бутун юзи яққол кўринарди. Ранги докадек оқарган, юзи сўлгин эди. «Крильцов, папиросинг борми?» Мен энди узатмоқчи бўлиб турган эдим, лекин ноиб, кечикиб қолишдан кўркқандек, апил-тапил портсигарни чиқарди ва унга узатди. Лозинский битта папирос олди, ноиб гугурт чақиб тутди. У чека бошлади ва хаёлга толгандек кўринди. Кейин гўё бир нарсани эслагандек гапира бошлади: «Бу – ҳам бешафқатлик, ҳам адолатсизлик. Мен ҳеч қанақа жиноят қилганим йўқ». Мен... Мен кўз узолмай тикилиб турардим, оппоқ бўйни қалтираб кетгандек бўлди, у жимиб қолди. Шундай. Шу маҳал йўлақда Розовскийнинг яҳудийларга хос ингичка овоз билан алланима деб қичқираётгани эшитилди. Лозинский папирос қолдигини ташлади ва эшик ёнидан кетди. Дарча олдиди Розовский пайдо бўлди. Унинг қора кўзлари намли, болаларниқига ўхшаш юзи қизарган ва терлаган эди. У ҳам эгнига озода кийим кийган, иштони шу қадар кенг эдики, у ҳадеб икки қўллаб кўтариб қўяр ва дир-дир қалтирарди. Розовский аянчли юзини менинг дарчамга яқинлаштирди-да: «Анатолий Петрович, доктор менга «кийик ўт» қайнатиб ичишни буюргани рост-а? Касалмандман, яна «кийик ўт» ичишим керак», – деди. Ҳеч ким жавоб бермади. Розовский гоҳ менга, гоҳ мутаса дига савол назари билан қаради. Шу гапи билан нима демоқчи бўлди,



халигача тушунмайман. Шундай. Тўсатдан ноиб жиддий тус олди, ғалати қилиб чийиллаб: «Бу нима майнабозчилик юр, деб кичқирди. Розовский ўзини нима кутаётганини тушуна олмади, шекилли, бир нарсадан куруқ қолгандек, йўлак бўйлаб югуриб кетди. Лекин кейин тихирлик қилиб туриб олди – унинг чинқироқ овозини ва йиғлаганини эшитдим. Говур-гувур, оёқ товушлари эшитилди. Розовский чиркирар ва йиғларди. Кейин овозлар узоқлашди, – йўлак эшиги жаранглаб кетди, кейин жимлик чўкди... Шундай. Шундай қилиб осиб юборишди. Икковини арқон билан бўғиб ўлдиришди. Бошқа қоровул Лозинскийнинг қаршилиқ кўрсатмаганини, аммо Розовский анчагача оёғини тираб туриб олганини, зўрлаб дор тагига Судраб чиқиб, бўйнига сиртмоқни зўрлаб солганларини сўзлаб берди. Шундай. Қоровул тентакнамо йигит эди. «Бегим, менга буни даҳшатли дейишган эди. Қўрқадиган жойи йўқ экан. Осишгандан кейин икковиям елкасини мана бундай қилиб икки марта қимирлатиб қўйишди – елкаларининг талвасали ҳаракатини қилиб кўрсатди – кейин жаллод сиртмоқ яхши тортилсин, – деди, шекилли, оёқларидан тортди, шу билан тамом: ортиқ қимирлашмади», – деди. «Қўрқадиган жойи йўқ экан», – деди Крильцов қоровулнинг сўзини такрорлаб. У жилмаймоқчи бўлган эди, лекин жилмайиш ўрнига хўнграб йиғлаб юборди.

Шундан кейин Крильцов оғир нафас олиб, бўғзига келиб тикилган йиғини юта-юта анчагача жим қолди.

– Ўшандан кейин инқилобчи бўлиб кетдим. Шундай, – деди у ўзини тутиб олиб сўнтра саргузаштини қискагина хикоя қилиб тугатди.

Крильцов халқ озодлик партиясига кирган, ҳатто, ҳукуматни ўз ихтиёри билан ҳокимиятдан воз кечиб, уни халқ қўлига топширишга мажбур этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган қўпоровчилик гуруҳининг бошлиғи бўлган. Шу мақсад билан у гоҳ Петербурга, гоҳ чет элга, гоҳ Киевга, гоҳ Одессага борган ва ҳамма ерда муваффақият қозонган. Қаттиқ ишонган бир одами уни қўлга тушириб берган. Крильцовни қамоққа олган, суд қилганлар, икки йил қамоқ-



да тутиб тургач ёлимга ҳукм қилганлар ва бу ҳукми муддатсиз қаторгага алмаштирганлар.

Турмада у силга чалиниб қолган. Энди, ҳозирги ша-роитда, бир неча ойдан ошиқ яшамаслиги кўриниб турарди. Буни унинг ўзи ҳам биларди, лекин қилган ишига ўкинмас, агар яна бир марта дунёга келса, ўз умрини шу ишга – ўша даҳшатли тартибни бузишга сарф қилажагини айтарди.

Шу одамнинг бошидан кечирганлари ва у билан яқинлашиш Нехлюдовга илгари тушунмаган нарсаларни англашиб берди.

## VII

Этапдан чиқаётганда конвой офицери билан маҳбуслар ўртасида бола туфайли жанжал чиққан куни карвонсаройда тунаган Нехлюдов кеч уйғонди ва губерния маркизига юбормоқчи бўлган хатларини ёзиб узоқ ўтириб қолгани учун карвонсаройдан одатдагидан кўра кечроқ чиқди. Бу гал у ҳар вақтдагидек маҳбусларга йўлда етиб олмади, балки маҳбуслар тўхтаб ўтадиган бекатга қош қорайган пайтда етиб борди. Ҳаддан ташқари йўғон, оппоқ бўйинли, семизбақалок бева хотиннинг карвонсаройида кийимларини қури-тиб олиб, қатор-қатор иконалар, суратлар билан безалган озода меҳмонхонада чой ичиб олгач, Нехлюдов Маслова билан учрашиш учун офицердан ижозат олиш мақсадида этап жойлашган ҳовлига қараб кетди.

Ўтган бекатларнинг ҳаммасида конвой офицерлари ўзгариб турсалар ҳамки, ҳеч қайси бири Нехлюдовни этап жойлашган бинога киритмаган эдилар. Шундай қилиб у, Катюшани бир ҳафтадан ортиқ кўрмаган эди. Турма бошлиқларидан бир каттакони шу йўлдан ўтиб кетиши керак, деган хабарни эшитиб, конвой офицерлари жуда қаттиқ туриб олган эдилар. Эндиликда ўша бошлиқ, маҳбуслар тўхтаб ўтадиган бекатларга қайрилиб ҳам қарамай ўтиб кетган эди. Шунинг учун ҳам Нехлюдов, эрталаб маҳбуслар тўдасини қабул қилиб олган конвой офицери, аввалги офицерлар

каби маҳбуслар билан учрашишга ижозат берар, деб ўйларди.

Карвонсарой бекаси, қишлоқнинг нариги бошидаги бекатга бориш учун ўз аравасини бермоқчи бўлганди, лекин Нехлюдов пиёда боришни афзал кўрди.

Янги мойланган этигидан қора мой ҳиди келиб турган хизматкор, яғриндор йигит Нехлюдовни кузатиб кўядиган бўлди. Осмондан туман тушиб турар, оқшом шу қадар қоронғи эдики, деразалардан ёруғ тушмай турган ерда йигит икки-уч қадам нари кетса, Нехлюдов уни кўрмай қолар, фақат этиги билан шилп-шилп лой кечаётганини эшитарди, холос.

Майдондаги черков ва деразаларидан ёруғ тушиб турган қатор-қатор ўйлар ёнидан, узун кўчадан ўтиб, Нехлюдов кузатувчи йигит кетидан қишлоқнинг бир чеккасига, зимзиё қоронғиликка кирди. Лекин кўп ўтмай бу қоронғиликда ҳам бекат олдида ёнаётган фонарларнинг нурлари туман ичида ғира-шира кўрина бошлади, борган сайин ёруғлашиб борди; тўсиқ ёғочлари, соқчининг қорайиб турган гавдаси, йўл-йўл устун ва будка кўрина бошлади. Соқчи яқинлашиб келувчиларни одатдагидек: «Ким у?» – деб қарши олди ва бегона эканликларини билиб, шу қадар қаттиқ туриб олдики, уларнинг тўсиқ олдида туришларига ҳам рухсат бергиси келмади. Лекин Нехлюдовнинг кузатувчиси соқчининг қаттиқ туришига парво қилмади.

– Вой-бўй, жаҳлингни қара-ю сенинг! – деди йигит унга. – Каттаконингни чақир, пойлаб турамиз.

Соқчи жавоб қайтармай, эшикка қараб алланима деб қичқирди ва тўхтаб, яғриндор йигитнинг қўлчиноқ ёруғида Нехлюдовнинг этигига ёпишиб қолган лойни чўп билан тозалаётганини кузата бошлади. Тўсиқнинг нариги томонида эркак-аёлларнинг ғовур-ғувури эшитиларди. Уч дақиқалардан кейин занжир шиқирлаб, эшик очилди, шинелини елкасига ташлагай старший конвой қоронғиликдан қўлчиноқ ёруғига чиқди ва нима гап, деб сўради. Нехлюдов шахсий иш юзасидан қабул қилишларини сўраб ёзган хати билан карточкасини узатиб, офицерга беришни илтимос

қилди. Старший конвой соқчидан кўра очикрок, лекин ҳар нарсага қизикаверадиган одам бўлиб чиқди. У ўлжа тушириш пайига тушди, шекилли, Нехлюдовнинг нима сабабдан офицер билан учрашмоқчи бўлганини, ўзи кимлигини билишни истарди. Нехлюдов алоҳида бир иши борлигини, агар хатни унга етказилса, қуруқ қўймаслигини айтди. Старший конвой хатни олди, бош ирғатиб кириб кетди. У кетгандан кейин бир қанча вақт ўтгач занжир шиқирлаб, эшикдан сават, челақ, хурмача ва коп кўтарган хотин-халажлар чиқа бошлади. Улар ўзларига хос сибирь шевасида қаттиқ-қаттиқ гаплашиб, остонадан ҳатлаб ўта бошлашди. Ҳаммалари қишлоқчасига эмас, шаҳарчасига кийинган, эгниларида пальто, калта пўстин бор эди: юбкалари липпаларига қистирилган, бошларида рўмол. Улар қўлчирик ёруғида Нехлюдовни ва унинг кузатувчисини қизиқиб кўздан кечира бошладилар. Яғриндор йигитни учратиб қолганига севиниб кетди, шекилли, бир жувон шу заҳоти уни сибирчасига эркалаб сўқди.

– Ҳа, шайтон, бу ерда нима балолар қилиб юрибсан? – деди у йигитга.

– Мана бу одамни кузатиб келган эдим, – деб жавоб берди йигит. – Ўзинг нима олиб келган эдинг?

– Сут-қатик, эрталаб яна олиб кел, дейишди.

– Ётиб қол дейишмадимиз? – деб сўради йигит.

– Гапинг бошингда қолсин, маҳмадона! – деб қичқирди жувон қулиб. – Юр, қишлоққа бирга қайтайлик, кузатиб қўй бизни.

Йигит алланима деган эди: хотинларгина эмас, соқчи ҳам қулиб юборди. Кейин у Нехлюдовга мурожаат қилиб:

– Нима дейсиз, ёлғиз топиб бораласизми? Адашиб қолмайсизми? – деб сўради.

– Топаман, топаман.

– Черковдан ўтганингиздан кейин, болахоналик уйнинг нариги томонида, ўнг қўлдаги иккинчи ҳовли. Мана бу сўйилни олиб қўйинг, – деди у Нехлюдовга, сўнгра боя ушлаб келган, одам бўйндан узун таёқни берди-да, этигини шалоплата-шалоплата қоронғиликда хотинлар билан ғойиб

бўлди.

Эшик шикирлаб очилиб, Нехлюдовни офицер хузурига таклиф қилиш учун старший конвой чикқанда туман орасидан, бояги йигитнинг ва чувуллашган хотинларнинг овози эшитилиб туради.

## VIII

Махбуслар тўхтаб ўтадиган кичик бекат Сибирдаги барча бекат ва бекатчалар сингари йўл ёқасига жойлашган эди: атрофига учи найзали ёғочлар қоқиб тўсилган ҳовлида учта бир каватли уй бор эди. Биттасига, деразаларига панжара тутилган энг катта уйга – махбуслар, иккинчисига – конвой командаси, учинчисига – офицер ва идора жойлашган эди. Уйларнинг учалови ҳам ҳар вақтдагидек, бу ёруғ хоналарда роҳат қиласиз, деб ваъда этгандек риёкорона нур сочиб турарди. Уйларнинг пиллапояси ёнида қўлчиноқ ёнар, девор ёнида ҳам бештача қўлчиноқ ҳовлини ёритиб турарди. Унтер офицер Нехлюдовни тахта устидан олиб ўтиб, кичкина уйлардан бирининг зинапоясига бошлаб борди. У уч поғона юқори чикқач, Нехлюдовни олдинга ўтказиб, лампочка ёритиб турган, тошқўмир хиди анқиган даҳлизга киритди. Мато кўйлақ, қора шим кийган, галстук таққан аскар печь ёнида энгашиб бир пой этикнинг қўнжи билан самоварнинг чўғини олдирадди. Сарик қўнжли этикнинг иккинчи пойи оёғида эди. Аскар Нехлюдовни кўриши биланок, самоварни шу ҳолича қолдириб, Нехлюдовнинг чарм камзулини ечиб олди ва ичкарига кириб кетди.

– Келди, жаноби олийлари.

– Чақир унда, – деган жаҳлдор овоз эшитилди.

– Ичкарига марҳамат, – деди аскар ва яна самоварга уннай кетди.

Осма чироқ ёритиб турган иккинчи хонада овқат қолдиқлари ва иккита шиша турган стол ёнида, австрияча камзул кийган узун сарик мўйловли, юзи кип-қизил офицер ўтирадди, камзули кенг кўкрагига, елкаларига жуда ёпишиб

турарди. Иссиқ уйда тамаки ҳидидан ташқари яна аллақандай ёмон атирнинг ўткир ҳиди анқирди. Нехлюдовни кўриб, офицер ўрнидан сал туриб кўйди, шубҳа билан масхараомуз қаради.

– Хизмат? – деди у ва жавобни кутмасдан эшик томонга кичкирди: – Бернов! Самовар бўладиганми ўзи?

– Ҳозир.

– Ҳозир кўрсатиб қўяман сенга, ўла-ўлгунча эсингдан чиқармайсан! – деб кичкирди офицер кўзларини чакчайтириб.

– Олиб боряпман! – деб кичкирди аскар ва самоварни кўтариб кирди.

Аскар самоварни жойлаштириб бўлгунча, Нехлюдов кутиб турди (офицер қаерига туширсам экан деб мўлжаллагандай кичкина, ёвуз кўзлари билан аскарни кузатиб қолди). Самовар ерга қўйилгандан кейин офицер чой дамлади. Кейин жавондан коньяк солинган тўрт киррали графин билан «Альберт» деган бисквит олди. Шуларнинг ҳаммасини дастурхонга қўйгач, Нехлюдовга мурожаат қилди:

– Ҳўш хизмат?

– Бир маҳбус хотин билан учрашувга ижозат беришингизни сўрайман, – деди Нехлюдов ўтирмасдан.

– Сиёсийми? Қонун ман қилади, – деди офицер.

– У хотин сиёсий маҳбус эмас, – деди Нехлюдов.

– Марҳамат қилиб ўтирсинлар, – деди офицер.

Нехлюдов ўтирди.

– У хотин сиёсий маҳбус эмас, – деб такрорлади гапини Нехлюдов, – лекин менинг илтимосимга кўра олий даражали бошлиқлар сиёсийлар билан бирга юришга ижозат беришган...

– Ҳа, биладан, – деб унинг сўзини бўлди офицер. – Кичкинагина, қорачадан келган-а? Ҳай, майли, учрашсангиз бўлади. Чекадиларми?

Офицер папирос кутисини Нехлюдовнинг олдига сурди, икки стаканга баравар қилиб чой қуйди-да, биттасини Нехлюдовнинг олдига сурди.

– Марҳамат, – деди у.

– Раҳмат, учрашишга борсам деган эдим...  
– Тун узун. Улгурасиз. Чақиртириб бераман.  
– Чақиртирмасдан мени улар олдига киритиш мумкин эмасми? – деди Нехлюдов.

– Сиёсийлар ёнигами? Йўқ, қонунга тўғри келмайди.  
– Менинг бир неча бор киришимга рухсат беришган. Агарда бирон нарса беради деб ўйлайдиган бўлсангиз, бу жувон орқали ҳам бериб киритишим мумкин-ку.

– Йўғ-э, усти боши тинтилади, – деди офицер ёқимсиз кулиб.

– Ундай бўлса, мени тинтиб қўя қолинглар.  
– Келинг, бир гап бўлар, – деди офицер оғзи очилган графинни Нехлюдовнинг стаканига яқинлаштириб. – Рухсат этасизми? Ҳай, ўзингиз биласиз. Бу Сибирдек хилват жойда яшаб, илмли одамни учратиб қолсанг, ўзингда йўқ қувониб кетасан. Бизнинг хизматимиз, ўзингиздан қолар гап йўқ, жуда юрак қиздирадиган иш. Бошқа нарсага ўрганган кишига жудаям оғир. Биздақаларни конвой офицери бу, жуда дағал одам, жоҳил деб ўйлайдилар, бу одам, балки, бошқа бир нарса учун дунёга келгандир деб хаёлларига ҳам келтирмайдилар.

Офицернинг қип-қизил юзи, узуги, атир ҳиди, айниқса, ёқимсиз кулгиси Нехлюдовга жуда жирканч эди. Лекин бугун ҳам у жиддий ва илтифотли кайфиятда эди, сафарда юрган вақтида доим шундай эди. Бундай пайтларда у ўзини босиб олиб, ҳеч қандай одам билан енгилтаклик ва нафрат билан гаплашмас эди, ҳар қандай одам билан «очикчасига» гаплашиши керак деб ҳисобларди. Офицернинг гапларини эшитгач, у ўз қўл остидаги кишиларни жазолашда иштирок этаётганидан ўнғайсизланипти, деб ўйлаган Нехлюдов:

– Менимча, шу хизматда ҳам одамларнинг кулфатларини енгиллатиб тасалли топишингиз мумкин, – деди жиддий.

– Қанақа кулфат? Булар ўзи шунақа халқ.  
– Қанақа бошқача халқ? – деди Нехлюдов. – Ҳаммага ўхшаган одамлар. Улар орасида бегуноҳлариям бор.

– Рост, ҳар хил одамлар бор. Раҳминг келади, албатта.

Бошқалар заррача нарсага йўл кўймайди, мен эса, иложи борича, аҳволларини енгиллатишга уринаман. Кел, улар жафо кўргандан кўра ўзим кўриб кўя қолай, дейман. Бошқалар сал бир нима бўлса, дарров қонунга қараб иш қилишади ё отишга тушади, менинг эса раҳмим келади. Чойдан қуяйми? Ичсинлар, – деди у яна чой қуяётиб. – Шу кўрмоқчи бўлганингиз аёл ким ўзи? – деб сўради у.

– Исловатхонага тушиб қолган бир бебахт хотин. Ўша ерда уни одам заҳарлашда ногўғри айблашди, ўзи жуда топилмайдиган хотин, – деди Нехлюдов.

Офицер бошини чайқаб кўйди.

– Ҳа, шунақалар бор. Мен сизга айтсам, Қозонда биттаси бўларди – исми Эмма эди. Ўзи венгриялик жувон, кўзлари Эрон қизлариникига ўхшарди, – деб давом этди у. Эммани хотирлар экан оғзининг таноби қочди. – Латофат демаганингиз шундай зўр эдики, нах графиня дердингиз...

Нехлюдов офицернинг гапини бўлди ва бояги мавзуга қайтди.

– Шундай одамлар қўл остингизда экан, аҳволини енгиллатсангиз бўлади. Шундай қилсангиз, ўзингизни анча бахтиёр ҳис қилишингизга аминман, – дерди. Нехлюдов ажнабийлар ёки болалар билан гаплашаётгандай дона-дона қилиб гаплашишга уриниб.

Офицер ҳозир ҳам кўз ўнгида турган, бутун хаёлини банд этган ўша шахсо кўз венгер жувон ҳақидаги ҳикоясини давом этдириш ниятида бўлса керак, гапи қачон тамом бўларкан деб, кўзларини чакнатиб Нехлюдовга қараб турарди.

– Дуруст, бу гапингиз тўғри деб фараз этайлик, – дерди офицер. – Уларга жуда раҳмим келади. Мен сизга ҳалиги Эмма ҳақида гапириб бермоқчи эдим. Нима қиларди денг...

– Бу мени қизиқтирмайди, – деди Нехлюдов, – сизга ростини айтсам, илгари ўзим ҳам тамомила бошқача бўлган бўлсам-да, эндиликда хотинларга нисбатан бундай муносабатдан нафратланаман.

Офицер Нехлюдовга қўрқув аралаш қаради.

– Чойдан яна ичмайдиларми? – деб сўради у.



– Йўқ, раҳмат.

– Бернов! – деб қичқирди офицер, – бу кишини Бакуловнинг олдига олиб бориб қўй, сиёсий махбуслар олдига, алоҳида камерага ўтказиб юборсин: йўқламагача ўша ерда қолишлари мумкин.

## IX

Нехлюдов даракчи билан бирга фонарлар хира ёритиб турган қоронғи ҳовлига қайтиб чиқди.

Рўпараларидан чиқиб қолган конвой:

– Қаёққа? – деб сўради Нехлюдовни кузатиб қўяётган конвойдан.

– Бешинчи алоҳида камерага.

– Бу ердан ўтолмайсан, берк, нариги эшикдан юриш керак.

– Нега ёпиқ?

– Старший конвой бекитиб кетган, ўзи кишлоққа кетиб қолибди.

– Бу ёққа юринг унда.

Аскар Нехлюдовни бошқа томонга бошлаб кетди ва тахта устидан ўтиб бошқа эшикка яқинлашди. Ғуж бўлиб учишга тайёрланаётган асаларилар уясидаги каби ғовур-ғувур овозлар ва ғимирлашлар ташқаридан эшитиларди. Лекин Нехлюдов яқин бориб, эшик очилганда эса бу ғовур-ғувур кучайиб бақириб-чақираётган, сўкинаётган, кулаётган овозларга айланди. Кишанларнинг жангир-жунгури эшитилди, сийдик ва қора мойнинг таниш қўланса хиди димокқа урилди.

Шу иккала таассурот – кишанлар жаранги билан ғовур-ғувур овозлар ва бу қўланса хид Нехлюдовга ҳамма вақт маънавий азоб берар, сўнгидан кўнглини оздирарди. Шу иккала таассурот аралашиб кетиб, бир-бирини кучайтирарди.

Ҳозир у махбусхонанинг каттакон сассиқ ёғоч пақир («параха») турган даҳлизига кираркан, дафъатан, шу пақир

чеккасида ўтирган аёлга кўзи тушди. Аёлнинг рўпарасида сочи қирилган бошидаги чалпаксимон шапкасини чеккасига сурган бир киши турарди. Улар алланима тўғрисида гаплашишарди. Маҳбус Нехлюдовга кўзи тушган заҳоти кўзини қисиб қўйди-да:

– Подшоям сувни туғиб туролмайди, – деди.

Аёл эса этагини тушириб, кўзини ерга тикди.

Дахлиздан камераларнинг эшиги очиладиган узун йўлакка кириларди. Биринчи камера оилаликларники, кейинги каттакон камера бўйдоқларники эди. Йўлакнинг бошида сиёсий маҳбуслар учун ажратилган иккита кичкина камера бор эди. Бир юз эллик кишига мўлжалланган этап биносига тўрт юз эллик маҳбус жойлаштирилгани учун шу қадар тикилиб кетган эдики, маҳбуслар камераларга сиғмай, йўлакни ҳам банд қилган эдилар. Баъзилари ерда ўтирар ё ётар, бошқалари бўш ёки қайноқ сув тўлдирилган чойнак кўтариб у ёққа-бу ёққа ўтиб туришарди. Булар орасида Тарас ҳам бор эди. У Нехлюдовга етиб олиб, у билан мулойимгина кўришди. Тараснинг бурни ва кўзининг таги моматалоқ бўлиб кетган, бу жароҳатлар унинг ёқимли юзини хунук қилиб юборган эди.

– Сенга нима бўлди? – деб сўради Нехлюдов.

– Шунақа бўлиб қолди, – деди Тарас жилмайиб.

– Нукул муштлашишгани муштлашишган, – деди конвой нафрат билан.

– Хотин туфайли, – деб қўшиб қўйди улар кетидан келаётган маҳбус, – сўқир Федька билан солишиб қолди.

– Федосья қалай? – деб сўради Нехлюдов.

Тарас:

– Ёмон эмас, тузук, унга чой олиб кетяпман, – деди-да, оилалилар камерасига кириб кетди.

Нехлюдов эшикдан бошини тикиб қаради. Камера эркак ва аёллар билан тўла, сўрилар ҳам, сўриларнинг таги ҳам банд эди. Ёйиб қўйилган кийимларнинг буғи камерани тўлдириб юборган, аёлларнинг қий-чуви эшитиларди. Кейингиси бўйдоқлар камерасининг эшиги эди. Буниси аввалгисидан баттар тикилинч, ҳатто эшикда ва йўлакда одам

тирбанд, алланарсани бўлишаётган ёки ҳал қилаётган, кийими ҳўл маҳбуслар говур-гувур қилиб туришарди. Конвой Нехлюдовга бу ерда староста картадан қилинган чипталар билан қимор ўйнаб, олдиндан бой бериб қўйилган ёки олинган озиқ-овқат пулларини майданшчикка<sup>1</sup> бераётганини айтди. Яқинроқда турганлар унтер-офицер билан бекни кўриб, жим бўлиб хўмрайиб кузатиб қолишди. Таксим қилаётганлар орасида Нехлюдов эгар қош, хомсемиз, оппок, заиф бир йигитни доим ёнида олиб юрадиган каторгачи Федоровни, ўрмон бўйлаб қочиб кетаётиб, ўртоғини ўлдириб, гўштини еганлиги билан машҳур бўлган бурунсиз, чўтир, бадбашара саёқни кўрди. Бир елкасига нам халат ёпган саёқ йўлакда турар ва Нехлюдовга йўл бермасдан масхараомуз бақрайиб қарарди. Нехлюдов уни айланиб ўтди.

Бу манзара Нехлюдовга қанчалик таниш бўлса-да, шу уч ой мобайнида мана шу тўрт юз жиноий маҳбусларни турли ҳолатда: иссиқда, кишан судраган оёқлари билан кўтараётган чанг-тўзон ичида кетаётганларини, йўлда дам олиш пайтларида ва иссиқ кунларда этап ҳовлисида очиқдан очиқ фоҳишабозлик қилаётганларни неча-неча бор кўрган бўлса-да, ҳар сафар улар орасига кирганида, ҳаммаси ўзига диққат билан тикилаётганини сезганида улар олдида ўзини гуноҳкор ҳис этиб қаттиқ мулзам бўларди. Нехлюдов учун энг оғири шу эдики, мулзам бўлиши ва гуноҳкорлигини ҳис этиш билан бирга улардан жирканар, даҳшатга келарди. Нехлюдов шу кўйларга солинган одамларнинг бошқача бўлишлари мумкин эмаслигини биларди-ю, лекин шундай бўлса ҳамки, кўнглидаги нафратни енга олмасди.

Нехлюдов сиёсий маҳбуслар эшигига яқинлашганда:

– Бу текинтомоқларники маза, – деган гапни эшитди – уларга нима; қорни оғрийдимия, – деди аллаким хирқирок овоз билан, кейин сўқиниб қўйди.

Масхараомуз, заҳарханда кулги эшитилди.

<sup>1</sup> Майданшчик – турмада қиморга бош бўлувчи, яширинча ароқ сотувчи маҳбус (турк.).

Нехлюдовни бошлаб келган унтер-офицер бўйдоқлар камерасидан ўтгандан кейин йўқламадан олдин келишини айтиб қайтиб кетди. Унтер-офицер сал нари кетиши билан усти бошидан аччиқ тер хиди келиб турган яланг оёқ маҳбус кишанини ушлаган ҳолда шипиллаб юриб Нехлюдов олдига келди-да, сирли қилиб шивирлади:

– Ёрдам беринг, бегим. Бечора болани авраб, бошини айлантириб қўйишди. Шўрликни қиморга бой бериб, пулини ичиб ҳисоблашди. Бугун йўқлама пайтида ўзини Карманов деб кўрсатди. Ҳимоя қилинг, биз айтсак, ўлдиришади, – маҳбус шундай деди-ю, хавотирланиб теварак-атрофга аланглаб қўйди-да, Нехлюдовдан нарироққа кетди.

Гап шундай эди: Карманов деган каторгачи афти ўзига ўхшаган, сургунга кетаётган йигитни йўлдан уриб, ўзининг ўрнига уни каторгага юбормоқчи, ўзи йигит ўрнига сургунга кетмоқчи эди.

Нехлюдов бу гапдан хабардор эди. Чунки худди шу маҳбус бир ҳафта бурун шу ҳақда гапирган эди. Нехлюдов, тушундим, қўлимдан келганича ҳаракат қиламан, дегандай бош ирғаб қўйди ва ҳеч қаёққа ўгирилиб қарамай йўлида кетаверди.

Нехлюдов бу маҳбусни Екатеринбургда кўрган эди. Ўшанда бу киши Нехлюдовдан, хотинимнинг ҳам кетимдан боришига ижозат олиб беринг, деб илтимос қилган эди. Ўша одамнинг ҳозирги иши Нехлюдовни жуда ҳайрон қолдирди. Бу одам ўттизга бориб қолган, ўрта бўйли, оддий дехқон киёфасидаги киши эди, у талончилик ва одам ўлдиришга қасд қилгани учун каторгага ҳукм қилинган эди. Унинг номи Макар Девкин бўлиб, жинояти жуда ғалати эди. Ўз воқеасини Нехлюдовга ҳикоя қилиб берган бу одамнинг гапига кўра, бу жиноят ўзининг, Макаرنинг иши бўлмай, шайтоннинг иши эди. Унинг айтишига қараганда, Макаرنинг отасиникига тушган бир йўловчи, қирк чақирим наридаги кишлоққа бориш учун икки сўмга аравасини кира қилибди.

Отаси Макарга йўловчини олиб бориб қўйишни

буюрибди. Макар отни кўшибди, кийинибди ва йўловчи билан ўтириб чой ичибди. Чой устида йўловчи, Москвада йиққан беш юз сўм пули борлигини, уйлангани келаётганини айтибди. Буни эшитиб Макар ҳовлига чиқибди-да, чанага хашак орасига болта тикиб қўйибди.

– Болтани нега олганимни ўзим ҳам билмайман, – деб гапириб берган эди у. – «Болтани ол, болтани, дейди», – олдим. Ўтирдик, жўнаб кетдик. Туппа-тузук гаплашиб кетдик. Болтани унутиб ҳам қўйибман. Қишлоққа яқинлашдик, – олти чақиримча қолди. Йўл тепаликка караб чиқиб кетди. Чанадан тушиб, орқасидан кетяпман, у эса: «Нима деб ўйлайсан ўзинг? Тепага чиқсанг катта кўча, одам кўп, у ёғи кишлоқ. Пулни олиб кетади-қолади; бажарадиган бўлсанг, айна вақти», – дейди. Чанага энгашиб, хашакни тўғрилаган бўлдим, қандай қилиб болта қўлимга тушганини ўзим ҳам билмай қолибман. Ҳалиги одам ўтирилиб қаради. «Нима қиляпсан?» – деди. Болтани кўтариб бир солиб қолмоқчи бўлдим, у эпчил одам экан, чанадан ирғиб тушиб қўлимдан ушлаб олди. «Нима қиляпсан, лаънати?..» – деди-ю, қорга босиб олди. Мен қаршилиқ кўрсатмадим, таслим бўла қолдим. Қўлимни боғлаб, чанага ташлади. Тўғри становойга олиб борди. Мени қалъага қамашди. Суд қилишди. Жамоат яхши одам эди, ёмонлигини кўрмаган эдик, деб гувоҳлик берди. Хўжайинларим ҳам маъқул одам эди дейишди. Фақат адвокатни ёллашга чақам бўлмади, – деган эди Макар, – шунинг учун ҳам тўрт йилга ҳукм қилишди.

Энди ана шу одам бир ҳамқишлоғини кутқазиб қоламан деб, шу бир оғиз сўзи билан бошини ўлим хавфи остида қолдириб, маҳбуслик сирини Нехлюдовга айтди. Агар унинг шу ишидан хабардор бўлиб қолишса, уни, албатта, бўғиб ўлдирардилар.

Эшиги йўлакнинг тўсилган қисмига қараб очиладиган иккита кичкина камерага сиёсий маҳбуслар жойлашган эдилар. Нехлюдов йўлакнинг тўсилган қисмига ўтгач, биринчи дуч келган одам Симонсон бўлди. У ўт қаланган печка олдида эгнида куртка, қўлида палён ушлаган ҳолда тиз чўкиб ўтирарди.

Симонсон Нехлюдовни кўриб тиз чўкиб ўтирган ерида, ўсиқ қошлари остидаги кўзларини кўтариб юқорига қаради-да, қўлини узатди.

У Нехлюдовнинг кўзига тик қараб, тагдор қилиб:

– Келганингизга хурсандман, сизни кўришим керак эди, – деб қўйди.

– Хўш, хизмат? – деди Нехлюдов.

– Кейинрок. Ҳозир бандман.

Симонсон шундай деди-ю, яна печка ёқишга киришди. У печкага иссиқлик энергиясини тежаш тўғрисидаги ўз назариясига амал қилиб, ўт қалар эди.

Нехлюдов биринчи эшикка кириб кетмоқчи бўлиб турган ҳам эдики, иккинчи эшиқдан Маслова чиқиб қолди, у бир тўда ахлатни печка томонга қараб супуриб келаётган эди. Маслова эгнига оқ кофта, оёғига пайпоқ кийган, юбкасининг липпаси қистирилган эди. У бошига чанг қўнмаслиги учун оқ дуррасини пешонасигача тушириб танғиб олган эди. Нехлюдовни кўриб қаддини ростлади, қип-қизариб, жонланиб кетди, супургини ерга қўйиб қўлини юбкасига артди-да, унинг рўпарасига келиб тўхтади.

– Камерани супуриб-сидиряпсизми? – деди Нехлюдов қўлини узатиб.

– Ҳа, эски ҳунарим, – деди Маслова жилмайиб. – Шундай ифлоски оёқ босиб бўлмайди. Роса қатронладик. Ҳа, рўмол қуридимми? – деди у Симонсонга ўгирилиб.

– Қурий деб қолди, – деди Симонсон унга қандайдир бошқача қараб. Унинг бу боқиши Нехлюдовни ҳайрон қолдирди.

– Ундай бўлса, келиб олиб кетаман, қуригани пўстин

олиб келаман. – Маслова нариги эшикка қараб кета туриб Нехлюдовга бериги эшикни кўрсатди-да, – бизникилар шу ерда, – деб қўйди.

Нехлюдов эшикни очиб, сўрида турган кичиккина ту누ка чироқ хира ёритиб турган торгина кимерага кирди. Камера совук, босилмаган чанг, зах ва тамаки ҳиди келарди. Ту누ка лампа яқинроқдагиларни яхши ёритар, лекин сўрилар қоронғилик ичида, деворда кўланкалар ўйнаб турарди.

Кичкинагина камерада озик-овқат билан таъминлаш ишини бошқарувчи, ҳозир қайноқ сув билан овқат келтиргани кетган икки эркакдан бошқа ҳамма ҳозир эди. Бу ерда Нехлюдовнинг эски таниши, аввалгидан баттар озиб, сарғайиб кетган, катта кўзлари жавдираши, пепонасидаги қон томирлари ўйнаб чиққан, эгнига кулранг кофта кийган, сочи калта Вера Ефремовна бор эди. Вера Ефремовна олдига ёзиб қўйилган газетадаги тамакиларни эпчил ҳаракатлар билан папирос ўрамига тикарди.

Нехлюдовга жуда ёқиб қолган сиёсий маҳбус хотинларнинг бири – Эмилия Ранцева ҳам шу ерда эди. У рўзгор ишларини бошқарар, энг оғир шароитларда ҳам бу ишга фэйз киритарди. У лампа ёнида енгини шимариб, офтобда қорайган чиройли қўллари билан кружка ва пиёлачаларни эпчиллик билан артиб, сўрига ёзилган сочик устига терарди. Ранцева хунуқкина бўлса-да, аклли, мўмин-қобил жувон эди. Лекин жилмайган Пайтида очилиб кетар, хушчақчақ, тетик, истараси иссиқ бўлиб қоларди. Ҳозир Нехлюдовни у худди шундай табассум билан кутиб олди.

– Биз эса Россияга бутунлай кетиб қолдингиз деб ўтирибмиз, – деди у.

Марья Павловна нариги бурчақда, сояда малла соч қизалоқ олдида ивирсиб юрар, қизалоқ эса ширин тили билан алланималар деб бидилларди.

– Келганингиз жуда яхши бўлди-да, Катяни кўрдингизми? – деб сўради у Нехлюдовдан. – Бизнинг меҳмонимизни кўринг. – Марья Павловна қизалоқни кўрсатди.

Анатолий Крильцов ҳам шу ерда эди. Озиб кетган,



рангида ранг қолмаган Крильцов пийма<sup>1</sup> кийган оёғини йиғиб, сўрининг нариги бошида қўлини калта пўстинининг енгига тикиб, букчайиб титраб ўтирар, кўзлари жавдираб Нехлюдовга қараб турар эди. Нехлюдов унинг олдига бормоқчи бўлган эди, шу пайт эшикнинг ўнг томонида, қопни кавлаштириб ўтирган кўзойнакли, гуттаперча камзул кийган жингалак соч малла кишига кўзи тушди. У жилмайиб турган истараси иссиқ Грабец деган қиз билан гаплашарди. Бу одам машҳур инкилобчи Новодворов эди. Нехлюдов у билан кўришишга шошилди. Шу тўпдаги сиёсий махбуслар ичида энг ёмон кўргани шу одам бўлгани учун ҳам шундай қилди. Новодворов кўзойнак орқали мовий кўзларини чақнатиб Нехлюдовга каради-да, ковоғини солиб, чўзинчок қўлини узатди.

– Маза қилиб саёҳат қиялпсизми? – деди у ачитгандай қилиб.

Нехлюдов унинг ачитиб гапираётганини сезмаганга солиб:

– Ҳа, қизиқ нарсалар кўп, – деб жавоб берди гўё унинг гапини самимий гап деб тушунгандек. Кейин Крильцовнинг олдига борди.

Нехлюдов ўзини бепарво қилиб кўрсатган бўлса-да, аслида, Новодворовни кўрганда жини кўзгарди. Новодворовнинг бу сўзлари Нехлюдовнинг кўнглини оғритиш ва уни хафа қилиш учун қилган ҳаракати Нехлюдовнинг кайфини бузди, унинг кўнгли қоронғилашиб, таъби хира бўлди.

– Хўш, соғлиқлар қалай? – деди у Крильцовнинг совук ва титроқ қўлларини қисиб.

– Ёмон эмас, фақат ивиб кетдим, сира исимаяпман, – деди Крильцов шошиб қўлини калта пўстинининг енгига тикиб. – Бу ер жуда совук. Қаранг, деразалар синиб ётибди. – Крильцов темир панжара орқасидаги ойнанинг икки жойдан синганини кўрсатди. – Камнамосиз, кўринмайсиз?

– Киришга рухсат беришмаяпти, жуда қаттиққўл бошлиқлар экан. Бугунгиси тағинам илтифотлироқ чиқиб

<sup>1</sup> Пийма (русча; шимол халқлари тилларидан: бугу терисидан қилинган қишқи этик) – жундан босиб тайёрланган, узун кўнгли, иссиқ кишлоқ оёқ кийим.

қолди.

– Илтифотли эмиш! – деди Крильцов. – Бугун эрталаб нима қилганини Машадан сўранг.

Марья Павловна ўтирган ўрнидан турмасдан эрталаб тапдан жўнаш пайтида бўлиб ўтган қизалоқ воқеасини сўзлаб берди.

Вера Ефремовна қатъий оҳангда:

– Менинча, коллектив равишда қатъий норозилик билдириш керак, – деди-ю, кейин гоҳ унинг, гоҳ бунинг юзига қатъиятсизлик ва қўрқув аралаш қараб, – Владимир норозилик билдирди, лекин бу камлик қилади, – деди.

– Қанақа норозилик? – деди аччиғланиб афтини буриштириб Крильцов. Вера Ефремовнанинг овозидаги: сунъийлик ва асабийлик уни кўпдан буён ғижинтирган бўлса керак, – Катюшани қидиряпсизми? – деди у Нехлюдовга ўтирилиб. – Ишдан боши чиқмайди, уй ичини қатронлагани-қатронлаган. Мана бизнинг – эркакларнинг камерамизни тозалаб чиқди; энди хотинларникини тозалапти. Лекин бургани ҳеч йўқота олмайди, еб ташлади. Маша у ерда нима қиляпти? – деди у боши билан, Марья Павловна ўтирган бурчакка ишора қилиб.

– Асраган қизини тараб-тозалапти, – деди Ранцева.

– Битини бизга юқтирмасмикан? – деди Крильцов.

– Йўк, йўк, жуда эҳтиёт қиляпман. Қизалоғимиз озодагина бўлиб қолди, – деди Марья Павловна. – Олиб туринг уни, – деди Ранцевага ўтирилиб, – мен бориб Катюшага қарашаман. Шунақаси жун рўмолни ҳам ола келаман.

Ранцева қизалоқни қўлига олди ва оналик меҳри билан унинг дўмбоқ қўлчаларини бағрига босиб, тиззасига ўтқазди-да, бир бўлак қанд берди.

Марья Павловна чиқиб кетди; у кетиши билан қаймоқ сув ва озик-овқат кўтарган икки киши хонага кирди.

Кирганларнинг бири кўнжи узун этик, калта пўстин кийган котма, ўрта бўй йигит эди. У енгил кадам ташлаб тез-тез юриб келарди, кўлтигида рўмолга ўралган қон, икки кўлида буғи чиқиб турган, қайнок сув солинган иккита катта чойнак бор эди.

У нонни Масловага узатиб, чойнакни пиёлачалар орасига қўяр экан: – Ана, князимиз ҳам келибдилар, – деди.

– Ажойиб нарсалар сотиб олдик. – У калта пўстинини ечиб одамлар боши тепасидан сўри бурчагига ирғитди. – Маркел сут билан тухум сотиб олди; бугун зиёфат бўлади деяверинг. Кирилловна ҳалиям нафосат ва тозалик учун курашяптими, – деди Ранцевага жилмайиб қараб. – Қани, энди чой дамла, – деди яна унга.

Бу одамнинг ташқи қиёфасидан, унинг ҳаракатларидан, овозидан, боқишларидан хушчақчақлик ва ғайрат барқ уриб турарди. Кирганларнинг иккинчиси ҳам ўрта бўй, орик, бўзрайган котма юзининг ёноқлари туртиб чиққан, бири-биридан узок жойлашган кўкиш кўзлари чиройли, лаби юпқа киши эди, у аксинча, қовоғи солик, маъюс эди. Унинг эгнида эски пахтали камзул, оёғида калош билан этик бор эди. У иккита хурма билан иккита сават кўтариб кириб, уларни Ранцеванинг олдига қўйди-да, Нехлюдовга бўйнини эгиб салом берди, таъзим қилар экан кўзини узмай унга қарарди. Кейин терлаган қўлини истар-истамас узатди-да, саватдаги нарсаларни аста-секин олиб тера бошлади.

Бу иккала сиёсий маҳбус халқ ичидан чиққан эди: биринчиси деҳқон Набатов, иккинчиси фабрика ишчиси Маркел Кондратьев эди. Маркел инқилобий ҳаракатга ўттиз беш ёшга борган пайтида аралашган эди. Набатов эса ўн саккиз ёшидан киришиб кетган эди. Қобилиятли бўлгани учун қишлоқ мактабидан гимназияга ўтган Набатов, дарс бериб юриб ўзини-ўзи таъминлаб ўқиган, курсни олтин медаль билан тугатган, лекин университетга кирмаган, чунки VII синфдалигидаёқ, унутилган оға-иниларининг кўзини очиш учун ўзи чиққан халқ ичига қайтишга қарор қилган. У

айтганини қилган: аввал катта бир қишлоқда мирзо бўлиб ишлаган, лекин деҳқонларга китоб ўқиб бергани ва улар орасида матлубот<sup>1</sup> ва истеъмол ширкатлари<sup>2</sup> тузгани учун кўп ўтмай қамокқа олинган. Биринчи сафар уни турмада саккиз ой тутиб турганлар, кейин бўшатиб юбориб махфий назорат остида сақлаганлар. Озод этилганидан сўнг у дарҳол бошқа губернияга, бошқа қишлоққа жўнаб кетган ва ўқитувчи бўлиб жойлашиб олиб, яна ўша ишини давом эттирган. Уни яна қамаганлар, бу гал бир йилу икки ой ушлаб турганлар. Турмада сиёсий маслағига эътиқоди янада кучайган.

Иккинчи марта қамалганидан кейин уни Пермь губерниясига сургун қилганлар. Набатов у ердан қочган. Уни яна қамокқа олганлар ва етти ой қамокда сақлаб Архангельск губерниясига сургун этганлар. У ерда янги подшога қасамёд қилишдан бош тортгани учун Якутск вилоятига сургунга юборганлар; шундай қилиб у, эсини таниганидан кейинги умрининг ярмини турма ва сургунларда ўтказган. Шу саргузаштлар уни аламзада қилиб қўймаган, шу билан бирга унинг ғайратини бўғмаган, қайтага кучига куч қўшган. Бу – тош ютса ҳазм қиладиган, ҳамма вақт бирдай ғайратли, хушчақчақ, тетик, серҳаракат одам эди. У ҳеч қачон, ҳеч бир ишидан пушаймон эмас, ҳеч нимани олдиндан чамалаб қўймас, ақл-идрокини ишга солиб, эпчиллик, усталик билан шу бугунги ишни битирар эди. Набатов озодликда экан ўз олдига қўйган мақсад йўлида, яъни: ишчиларни, асосан деҳқон халқини бирлаштириш, кўзини очиш йўлида иш олиб борарди; қамокдалигида ҳам у аввалгидек ғайрат ва ишбилармонлик билан, фақат ўзигина эмас, балки ўз доирасидагиларнинг ҳам ҳаётини енгиллитиш учун ташқи дунё билан алоқа боғлашга киришарди. У, аввало, жамоатчи эди. Ўзи учун ҳеч нарса керак эмасдай кўринарди, арзимаган нарса билан қаноатланарди. Лекин ўртоқлари учун, жамоа

<sup>1</sup> **Матлубот** (арабча; қарзлар, мажбуриятлар) – аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш учун тузилган кооперация (жамият).

<sup>2</sup> **Ширкат** (арабча; шериклик; уюшма) – 1) маълум ишни бирга амалга ошириш мақсадида бирлашган кишилар ҳамкорлиги (асарда шу маънода); 2) тенг ҳуқуқли иштирокчилардан ташқил топган саноат ёки савдо уюшмаси.

учун кўп нарсани талаб этар, ҳар қанақа ишни – хоҳ жисмоний, хоҳ ақлий иш бўлсин – тиним билмай, мижжа коқмай, оч-наҳор бажаришга тайёр эди. Деҳқон бўлганлигидан у меҳнатсевар, зеҳни ўткир, ишда эпчил, ўзини тия биладиган, одобли, бошқаларнинг ҳис-туйғулари эмас, фикрларини ҳам ҳурматлар эди. Унинг деҳқон оиласидан чиққан, хурофатга муккасидан кетган кекса онаси тирик эди. Набатов унга ёрдамлашиб турар, озодлик чоғида бориб ҳолидан хабар олиб турарди. Уйида бўлган чоғида онасининг қандай ҳаёт кечираётганини суриштирар, унга ёрдамлашар, илгариги ўртоқлари, деҳқон болалари билан алоқасини узмас эди; улар билан биргаллашиб тамакини қоғозга ўраб чекар, мушт кетди ўйнашар, уларга алданган эканликларини, шу алдов сиртмоғидан қандай қутулиш кераклигини уқдирарди. Инқилоб халққа нималар бериши ҳақида ўйлар ва гапирар экан, ҳамма вақт ўзи мансуб бўлган халқни ўша аввалги шароитда яшайди, лекин ер-сувли бўлиб, хўжайинларсиз, тўраларсиз кун кечиради деб тасаввур этарди. Унинг фикрича, инқилоб халқ ҳаётининг асосий шаклини ўзгартириши керак эмасди – бу масалада унинг фикри Новодворов ва унинг издоши Маркел Кондратьевнинг фикрига тўла мос келарди – унинг фикрича, инқилоб эски биноларни тўлиқ бузиб ташлалаши керак эмас, балки шу ота-боболарини алдаб келган шу эски бинонинг ичкарасини қайтадан тақсимлаш керак.

Динга ҳам барча деҳқонларга хос эътиқодга ишонар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ҳеч қачон битмайди, доимо бир шаклдан иккинчи шаклга ўтиб туради – гўнг ғаллага, ғалла товукқа, итбалиқ курбақага, қурт капалакка, ёнғоқ эманга айланади, шу каби инсон ҳам йўқ бўлиб кетмайди, фақат ўзгаради деб ўйлар, шунга ишонарди. Шу сабабли ўлимни дадил, ҳатто хушчакчақлик билан кутиб олишга тайёр, кишини ўлимга олиб борадиган азоб-уқубатларга чидаш берар, лекин бу ҳақда гапиришни ёмон кўрар, гапира билмас эди. У ишлашни яхши кўрарди, ҳамма вақт иш билан банд эди, ўртоқларини ҳам худди шундай омилкор бўлишга ташвиқ қиларди.

Халқ ичидан чиққан бошқа сиёсий маҳбус Маркел Кондратьев тамомила бошқача одам эди. У ўн беш ёшидан ишга кириб кетган, аламини унутиш учун папирос чеккан, ича бошлаган. Биринчи марта болалик чоғида рождество байрамида фабрикантнинг хотини қилган арча байрамига олиб борганларида бир нарса унга алам қилган эди. У ерда унга ва ўртоқларига бир тийинлик сурнай, олма, зарга ўралган ёнғоқ билан анжир қоқи ҳадя қилиб, фабрикантнинг болаларига қиммат баҳо ўйинчоқ совға берган эдилар. Бу ўйинчоқнинг баҳоси эллик сўм туриши ҳақида у кейинроқ билган эди.

У ёши йигирмага тўлганда фабрика ёш инқилобчи аёл келди ва Кондратьев ўқитиб унга ҳаётдаги яхшилик ва ёмонлик, ишончи ҳақида тушунчалар бера бошлади. Кондратьев унга қулоқ сола бошлади ва унинг назари бу аёлни юқори қилиб кўрсатарди. Шунинг учун ҳам ичкиликни ва чекишни ташлади, эндиликда уни омборчи қилиб қўйганларидан кейин, аввалгидан кўра бўш фурсати кўпайгач, уни ўқишга сарф қила бошлади.

Инқилобчи жувон Кондратьевни ўқитар, унинг ҳар қандай билимни ташналик билан ўзлаштиришига, қобилиятига ҳайрон қоларди. Икки йил ичида алгебрани, геометрияни, тарихни ўрганди (тарих фанини жуда яхши кўрарди), бадний ва танқидий адабиётни, муҳими социалистик адабиётни батамом ўқиб чиқди.

Инқилобчи жувонни қамоққа олдилар. Уйдан тақиқланган китоблар чиққани учун Кондратьевни ҳам қамадилар, кейин Вологодская губерниясига сургун қилдилар. Кондратьев Новодворов билан ўша ерда танишди, яна кўпгина инқилобий китоблар ўқиди, ҳаммасини ёдида сақлаб қолди ва социалистик нуқтаи назарда яна ҳам қаттиқ туриб олди. Сургундан қайтгач ишчиларнинг катта митингига раҳбарлик қилди. Бу митинг фабрикантнинг емирилиши ва директорнинг ўлдирилиши билан тугади. Уни қамоққа олдилар, ҳуқуқдан маҳрум этиб, сургунга ҳукм қилдилар.

Ҳозирги ҳукм сурган иқтисодий тузумга қандай қарши бўлса, динга ҳам шундай қарши эди у. Ўзи иқроп бўлган

диннинг беъмаънилигини тушунгач, бошда кўрқа-писа, ўзини зўрлаб ундан қутулди, кейин бундан ўзи хурсанд бўлди. У илгари ўзини ва ота-боболарини алдаб келган поплар ва диний ақидаларни мазах қилгани қилган эди.

У дунё лаззатларидан кечган, озгина нарса билан қаноатланарди. Ёшлигидан меҳнатга ўрганган, кучли бўлган бу одам ҳар қандай жисмоний ишни чаққонлик билан осонгина бажара олар, ишлаб чарчамасди. Лекин турма ва этапларда ўқишни давом эттириш учун бўш фурсатни ҳаммадан кўра кўпроқ кадрларди. Ҳозир у Маркснинг биринчи томини ўқир, бу китобни катта қимматбаҳо буюм каби қопчиғида эҳтиётлик билан сақлаб келарди. Новодворовдан бўлак ўртоқларининг ҳаммасига вазмин ва сиполик билан муомала қиларди. Новодворовга у жуда содиқ эди, ҳар қандай масалада унинг фикрини инкор этиб бўлмас бир ҳақиқат деб биларди.

Кондратьев хотинларга ҳамма зарур ишларга халал берувчи ғов деб қарар ва улардан жирканарди. Лекин Масловага ачинар, унга юмшоқ муомала қилар, уни пастки табаканинг юқори табақа томонидан эксплуатация<sup>1</sup> қилишининг тимсоли деб биларди. Шу сабабли Нехлюдовни ёмон кўрар, у билан кам гаплашарди. Нехлюдов билан қўл қисиб кўришмас эди.

### ХІІІ

Печка бозиллади, чой дамланди, стакан ва кружкаларга қуюлди, сут солиб оқланди, тешиқкулчалар, юмшоқ буғдой нонлар, пишган тухумлар, ёғ ва бузок каллапоччаси ўртага қўйилди. Ҳамма сўри устига солинган дастурхон олдига келди, еб-ичиб, гаплашиб ўтиришди. Ранцева кутида ўтириб чой қуярди. Ҳўл калта пўстинини ечиб, қуриган жун рўмолга ўралиб, Нехлюдов билан гаплашиб, ўз ўрнида ётган

<sup>1</sup> Эксплуатация (французча: exploitation – ишлатиш, фойдаланиш; фойда олиш) – ишлаб чиқариш воситалари эгаларининг ўзгалар меҳнати маҳсулини ўзлаштириб олиши.



Крильцов дан бошқа ҳамма Ранцеванинг атрофини қуршаб олган эди.

Йўлда совқотиб, шалаббо бўлган, бу ерда ивирсиган ифлос хонага келиб тушган одамлар захмат чекиб камерани тозалаганларидан кейин, овқат еб, иссиқ чой ичиб олгач, кайфлари чоғ бўлиб кетди.

Деворнинг нариги томонидан жиний маҳбусларнинг дупур-дупури, бақириб-чақиргани, сўқинишлари уларнинг қандай муҳитда эканликларини эслатар, улар ўзларини роҳатда ҳис этардилар. Бу одамлар денгиз ўртасидаги оролда тургандек, ўзларини ўша қуршаб олган азоб-уқубат ва хўрлик денгизининг тўлқинларидан вақтинча халос деб билар, шу сабабли кайфлари чоғ, руҳлари кўтаринки эди. Ҳар тўғрида гаплашишарди-ю, фақат ўзларининг ҳозирги аҳволлари ва нималар қутаётганлигини тилларига олишмасди. Ундан ташқари, мана шу одамлар сингари, зўрлик билан бир жойга тўпланган ёш эркак ва аёллар орасида муҳаббат пайдо бўлгани каби, улар орасида ҳам икки томонлама ёки бир томонлама ишқ-муҳаббат пайдо бўлган эди. Уларнинг деярли ҳаммалари ошиқ эдилар. Новодворов хушрўйгина, кулиб турувчи Грабецга ошиқ эди. Грабец инкилоб ҳақида кам ўйлайдиган, инкилоб масаласига тамомила бефарқ қарайдиган ёш курсист киз эди. Аммо замона таъсирига берилиб, нима биландир қораланиб сургун бўлган эди. Озодликдаги каби бу ерда ҳам бутун орзуси эркакларга ёқишдан иборат эди. Сўроқ вақтида ҳам, турмада ҳам, сургунда ҳам шу кайфиятда эди. Энди, сафарда Новодворов унга ошиқ бўлгани учун кўнгли жойига тушган, ўзи ҳам уни севиб қолган эди. Севгига тез бериладиган, лекин ўзига муҳаббат уйғотмайдиган, аммо шунга карамай мени ҳам биров севиб қолар деб умидвор бўлган Вера Ефремовна гоҳ Набатовга, гоҳ Новодворовга ошиқ бўларди. Крильцовнинг Марья Павловнага бўлган муносабатида ҳам муҳаббатга ўхшаш бир нарса сезилиб турарди. Барча эркаклар хотинларни қандай севса, Крильцов ҳам уни шундай севарди. Лекин Марья Павловнанинг муҳаббатга бўлган муносабатини билгани учун, ўз ҳиссини шунча маҳалдан буён меҳрибон-

лик билан парваришлаб келаётган кишига нисбатан бўлган миннатдорлик ва дўстлик ниқоби остига яширарди. Набатов билан Ранцева ўртасидаги ишқий муносабат жуда мураккаб эди. Марья Павловна ифбатли, покиза қиз бўлгандек Ранцева ҳам эрининг ифбатли, вафодор хотини эди.

У ўн олти ёшида, гимназиядалик чоғидаёқ Петербург университетининг талабаси Ранцевни севиб қолди ва ўн тўққиз ёшида унга турмушга чиқди. У пайтларда! Ранцев ҳали талаба эди. Тўртинчи курсдалик чоғида эри университетда рўй берган бир можарода аралашгани учун Петербургдан сургун қилинди ва инқилобчи бўлиб кетди. Ранцева эса ўқиб турган тиббиёт курсини ташлаб унинг кетидан жўнади ва у ҳам инқилобчи бўлди. Агар Ранцева эрини дунёдаги одамлар ичида энг яхшиси, деб ўйламаганда уни севмаган, севмагандан кейин унга эрга ҳам чиқмаган бўлар эди. Лекин умри бино бўлиб бир марта севиб, ўз фикрича, дунёдаги энг яхши, энг ақлли одамга эрга теккандан кейин у, табиий, ҳаётни ва ҳаётнинг мақсадини дунёдаги энг яхши, энг ақлли одам тушунгандай тушунарди. Ранцев илгари яшашдан мақсад ўқиш деб тушунарди. Ранцева ҳам у пайтлар худди шундай деб ўйлар эди. Кейин у инқилобчи бўлди. Ранцева ҳам инқилобчи бўлди. Ранцева мавжуд тартиб ярамаслигини, ҳар қандай инсоннинг вазифаси шу тартибга қарши курашишдан, шахснинг эркин ривожланишига имкон берадиган сиёсий ва иқтисодий тузум барпо қилишга уринишдан иборат эканлиги ва ҳоказоларни жуда усталик билан исбот қила оларди. Бу – ўз фикрим – ўз хаёлим, деб ўйларди, ваҳоланки фақат Эри ўйлаган нарсани ҳаққоний деб ўйлар, фақат бир нарсани, эри билан бир жон, бир тан бўлиб яшашни истарди. Фақат шутина унга руҳий каноатланиш бахш этарди.

Эридан ва боласидан айрилиш унга жуда оғир эди. Боласини ўзининг (Ранцеванинг) онаси олиб кетган эди. Лекин эри учун, ҳаққоний иш учун шу жудоликка бардош берарди. Шу ишни деб эри жон куйдиргани учун уни ҳаққоний деб биларди. Ранцеванинг ҳамма вақт фикри-зикри эрида эди, авваллари ҳеч кимни севмагани каби ҳозир

хам эридан бошқа ҳеч кимни сева олмас эди. Лекин Набатовнинг садоқатлр, пок муҳаббати уни ҳаяжонлантирарди. Эрининг ўртоғи, ахлоқли ва иродали киши бўлган Набатов унга ўз синглисидек қарар, лекин Ранцевага бўлган муносабатида икковини кўрқувга соладиган, шу билан бирга ҳозирги оғир ҳаётларини безайдиган бошқача зўр ҳис борлиги билиниб турарди.

Шундай қилиб, улар ичида фақат Марья Павловна билан Кондратьевгина ошиқ-маъшуқликдан халос эди.

#### XIV

Одатдагидек, ҳамма чой ичиб, овқат еб бўлгандан кейин, Катюша билан алоҳида гаплашиш ниятида бўлган Нехлюдов Крильцов ёнида у билан суҳбатлашиб ўтирарди. Гапдан гап чиқиб у, Крильцовга, Макар келиб айтган гапни ва унинг қилган жиноятини гапириб берди. Крильцов ёниб турган кўзларини Нехлюдовнинг юзига тикиб диққат билан тингларди.

– Шундай, – деди у тўсатдан. – Кўпинча шундай фикр миямга келади. Мана, улар билан ёнма-ён кетяпмиз, – мана шу «улар» кимлар? Ахир, биз шулар учун ўзимизни фидо қияпмиз-ку. Лекин уларни яқиндан билиш у ёқда турсин, танишни ҳам хоҳламаймиз. Улар эса бизни ёмон кўришади, ўзларига душман санашади. Мана шуниси даҳшатли.

– Ҳеч даҳшатли жойи йўқ, – деди гапга кулоқ солаётган Новодворов. – Омма ҳар доим ҳукмронларни яхши кўради, – деди у шакиллаб. – Ҳукумат ҳукмронлик қилади – омма уни яхши кўради, бизни эса ёмон кўради, эртага ҳокимият тепасига биз чиқсак, бизни яхши кўради...

Шу маҳал девор ортида бакириб сўккан товушлар, одамларнинг деворга келиб урилаётгани, кишанларнинг жанги, чинқирган ва қичқирган овозлар эшитилди. Аллакимни дўппослашар, аллаким: «Дод!» – деб қичқирарди.

– Ана, ўша йиртқичлар! Шулар билан бизнинг ўртаямизда яна қандай муносабат бўлиши мумкин? – хотиржам

гапирди Новодворов.

– Сен йиртқичлар дейсан. Мана, ҳозир Нехлюдов шундай воқеани гапириб бердики, – деди Крильцов аччиғланиб. У ҳамқишлоғини қутқазаман деб ҳаётини хатарга солаётган Макара ҳақида гапириб берди. – Бу йиртқичлик эмас, бу – жасорат.

– Кўнгилчанлик! – деди Новодворов истехзо билан. – Бу одамларнинг туйғуларини ва нима учун шу ишни қилаётганларини тушунишимиз қийин. Сен бу ишни олийжаноблик деб биласан, балки ўша каторгачини кўролмагани учун шундай қилгандир.

– Нега бошқа одамларнинг яхшилигини кўргинг келмайди, – деди Марья Павловна тўсатдан кизишиб (у ҳамма билан «сенсираб» гаплашарди).

– Йўқ нарсани кўриб бўлмайди.

– Ахир, бир одам даҳшатли ўлим хавфи остида шу ишни қилиб турибди-ку, нега йўқ экан?

– Агар биз, – деди Новодворов, – ўз ишимизни амалга оширмакчи эканмиз, бунинг учун, аввало, (лампа ёнида китоб ўқиб ўтирган Кондратьев китобини бир чеккага йиғиштириб, устозининг сўзини диққат билан тинглай бошлади) хаёлпарастликни йиғиштириб қўйиб, ҳар нарсани қандай бўлса, шундай кўра билишимиз керак. Халқ оммаси учун ҳар қандай ишни бажаришимиз лозим-у, лекин улардан ҳеч нарса кутмаслигимиз керак; омма бизнинг фаолиятимизнинг объектидир, лекин ҳозиргидек сусткаш экан, бизга кўмаклаша олмайди, – деб гап бошлади у маъруза ўқигандек. – Биз уларни ўстириш учун иш олиб бораётирмиз. Шунинг учун ҳам, токим ўсиш жараёни юз бермагунча улардан ёрдам кутиш – хаёлпарастлик.

– Қанақа ўсиш жараёни, – деб гап бошлади Крильцов қип-кизариб. – Жабр-зулм ва истибдодга қаршимиз деймиз. Ахир, шунинг ўзи истибдод эмасми?

– Йўқ, истибдод эмас, – деб жавоб берди Новодворов хотиржам. – Мен халқ бориши керак бўлган йўлни биламан деяпман фақат. Шу йўлни кўрсата оламан ҳам.

– Сен кўрсатган йўл ҳаққоний йўл эканлигини қаер-

дан биласан? Ахир, инквизиция<sup>1</sup> ва катта инқилоблардаги хунрезлик худди шу истибоддан келиб чиққан эмасми? Улар ҳам фан бўйича битта ҳаққоний йўл бор деб билишган.

– Уларнинг адашганлиги, менинг ҳам адашаётганим-ни исбот қилмайди. Ундан ташқари, назариётчиларнинг хомхаёллари билан ижобий иқтисодий фан хулосалари орасида катта фарқ бор.

Новодворовнинг овози бутун камерани тўлдирган эди. У ёлғиз ўзи гапирар, бошқалар жим ўтиришарди.

– Доим баҳслашишгани баҳслашган, – деди Марья Павловна, у бир дақиқага жим бўлиб қолганда.

– Ўзингиз шу тўғрида нима деб ўйлайсиз? – деб сўради Нехлюдов Марья Павловнадан.

– Анатолий ҳақ гапиряпти деб ўйлайман. Халққа ўз қарашларимизни мажбуран қабул қилдиришимиз ярамайди.

– Сиз-чи, сиз нима дейсиз, Катюша? – деб сўради Нехлюдов жилмайиб ва бирон ўринсиз гап айтади деб ҳижолатпазлик билан жавобини кутиб турди.

– Менинг ўйлашимча, оддий халқ қаттиқ ранжитилган, – деди қип-қизариб, – жуда қаттиқ ранжитилган.

– Тўғри, Михайловна, тўғри, – деб кичкирди Набатов, – халқ жуда ранжиган. Унга озор бердирмаслик керак. Бизнинг ишимиз шундан иборат.

Новодворов:

– Инқилобнинг вазифаси ҳақида ажиб тасаввур, – деди-да, жаҳл билан, индамай папирос чека бошлади.

– У билан гаплашиб бўлмайди, – деди Крильцов шивирлаб, сўнгра жим бўлди.

– Гаплашмаганингиз яхши, – деди Нехлюдов.

<sup>1</sup> **Инквизиция** (лотинча: inquisitio – қидирув; тергов) – эркин фикрловчи, дахрий, мавжуд черков тартиб-қоидаларига қарши чиққан кишиларни, шунингдек, яҳудийларни таъқиб ва суд қилиш учун XIII аср бошларида католик черкови томонидан тузилган, бевосита Рим папасига бўйсунган суд-полиция ташкилоти.

Новодворовни инқилобчиларнинг ҳаммаси хурмат қилганига, жуда ўқимишли ва ақлли деб ҳисоблашига қарамай, Нехлюдов уни маънавий жиҳатидан ўрта, даражадан паст инқилобчилардан ҳисоблаб, ўзидан анча паст кўрарди. Бу одамнинг ақлий кучи катта эди, лекин ўзи ҳақидаги ўй-хаёли ҳаддан ташқари катта бўлиб, ақлий кучидан аллақачон ўзиб кетган эди. \*

Бу одамнинг маънавий ҳаёти Симонсонникига қараганда тамомила бошқача эди. Симонсон эркак тахлит, яъни қилган иши фикрининг фаолиятидан келиб чиқар ва шу билан белгиланарди. Новодворовнинг фикрий фаолияти, қисман, ҳиснинг таъсирида юзага чиққан мақсадга эришиш, қисман, ҳиссиётга берилиб қилган ишларини оқлашга қаратилган хотинсифат одам эди.

Новодворовнинг инқилобий фаолияти, (гарчи уни ўзи ишончли далиллар келтириб усталик билан тушунтирса-да), Нехлюдовнинг назарида, фақат худписандлик, одамлардан ўзини юкори кўрсатиш истагига асослангандек кўринарди. Дастлаб, бировларнинг фикрини ўзлаштириб олиб, уни аниқ баён эта олиш қобилиятига эга бўлгани учун ўқиб юрган чоғларида, бу қобилият юксак кадрланган ўқитувчилар ва ўқувчилар орасида (гимназия, университет ва магистратуро-да) пешқадам ўқувчи бўлди, бундан у мамнун эди. Лекин ўқиш тугаб, диплом олгач, унинг биринчилиги ҳам тугади. Новодворовни ёмон кўриб қолган Крильцовнинг гапига қараганда у янги шароитда биринчиликни олиш учун маслагини тамомила ўзгартирган, тадрижий-либерал бўлган бу одам қизил, яъни «Народная воля» ташкилотининг аъзоси бўлган. Кишида шубҳа ва тараддуд кўзгатадиган ахлоқий ҳамда эстетик хусусиятлар табиатида бўлмагани туфайли у, тез орада инқилобчилар партиясининг раҳбари бўлиб олиб иззати-нафсини қондирди. Бир йўлни танлаб олганидан сўнг у, ортиқ шубҳаланмас ва тараддудланмасди. Шу сабабли ўзича, мен ҳеч қачон хато қилмаганман деб ўйларди. Ҳамма нарса унга жуда оддий, равшан, аниқдек туюларди.

Дунёқарашининг торлиги ва бир томонламалиги туфайли ҳамма нарса унга, ҳақиқатан ҳам, оддий ва очик-ойдин кўринар, унинг айтишича, манتيқий бўлса бас эди. Ўзига ишонч шу қадар зўр эдики, одамларни ўзидан ё узоклаштирар ёки бўйсундирарди. Унинг ҳаддан ташқари худписандлиги ақл ва заковатининг теранлигидан деб ҳисоблаган ёшлар орасида иш олиб боргани учун кўпчилик унга итоат қилар, натижада, инқилобчилар доирасида обрўси зўр эди. Унинг фаолияти кўзғолонга тайёргарлик кўриш, шу орқали ҳукуматни қўлга олиб, вакиллар мажлисини чақиритдан иборат эди. Мажлисга у тузган программа тақдим этилиши керак эди. Новодворов бу программа ҳамма масалани қамраб олган деб ишонар, уни бажармаслик мумкин эмас деб ҳисобларди.

Ўртоқлари уни жасорати ва қатъийлиги учун ҳурмат қилар, лекин севишмас эди. Ўзи эса ҳеч кимни яхши кўрмас, ҳамма атоқли кишиларга рақиб деб қарар, қари эркак маймунлар ёш маймунларга қандай муносабатда бўлса, уларга ҳам, иложи бўлса, шундай муомала қилишни истар эди. У қобилиятини намоён қилишга халақит берадиган бошқа одамларни ақл-идрок ва заковатдан маҳрум қилишга тайёр эди. Новодворов ўзига қойил қолган одамларгагина яхши муомалада бўларди. Энди йўлда ў гапига юрган ишчи Кондратьев ва Вера Ефремовна билан хушрўй Грабещга шундай муомалада эди. Буларнинг ҳар иккови ҳам уни севиб қолган эди. У асосан хотинлар озодлиги тарафдори бўлса-да, кўнглида ҳамма хотинларни аҳмоқ ва ҳеч нарсага арзимайдиган одамлар деб ҳисобларди. Ҳамиша у ошиқ бўлган хотинлар бундан истисно эди. Энди Грабещга ошиқ бўлиб қолган эди. Ошиқ бўлиб қолган чоғларда, уларнинг ажойиб фазилатларини фақат менгина ҳис эта оламан, деб ўйларди.

Жинслар ўртасидаги муносабат масаласи қам, барча масалалар сингари, унга жуда оддий ва очик-ойдинга ўхшаб кўринар, эркин муҳаббатни тан олиши билан бу масала ҳал бўлади қўяди деб ҳисобларди.

Унинг никоҳлаб олган хотинидан бошқа яна бир хотини бор эди. Ораларида ҳақиқий муҳаббат йўқлигига



қаноат ҳосил қилгач у, ҳақиқий хотини билан ажралишиб кетган эди. Эндиликда эса Грабец билан янги эркин никоҳда бўлиш ниятида эди.

Нехлюдов унинг таъбирича, Маслова олдида «кий-шанглагани» учун, айниқса, мавжуд тузумнинг камчиликлари ҳақида ва уни тузатиш йўллари ҳақида Новодворов сингари эмас, балки қандайдир ўзича, князчасига, яъни аҳмоқчасига ўйлашга ботингани учун уни ёмон кўрарди. Нехлюдов Новодворовнинг ўзига қандай муносабатда эканидан хабардор эди. Лекин бутун саёҳат давомида яхши кайфиятда бўлишига қарамай, бу одамга нисбатан кўнглида туғилган нафрат ҳиссини енга олмас, Новодворов қандай муомала қилса, унга ҳам худди шундай муносабатда бўларди.

## XVI

Кўшни камерада бошлиқларнинг овози эшитилди. Ҳамма жим бўлиб қолди, кейин бош конвой билан икки конвой кирди йўқлама бошланган эди. Бош конвой ҳаммани бармоғи билан нуқиб санаб чиқди. Навбат Нехлюдовга етганда бетакаллуф хушмуомалалик билан:

– Йўқламадан кейин энди қолиб бўлмайди, князь. Кетиш керак, – деди.

Нехлюдов унинг нима демоқчи бўлганини пайқаб ёнига борди-да, тайёрлаб қўйган уч сўмини кистирди.

– Э-э, сизларга бир нима деб бўладими! Майли, ўтира туринг.

Бош конвой чиқиб кетай деб турганда, яна битта ун«тер-офицер кирди. Унинг кетидан кўзи гурра бўлган, соқоли даккам-дуккам, ориқ новча маҳбус кириб келди.

– Қизимга келган эдим, – деди маҳбус. Тўсатдан ёш гўдакнинг:

Ана дадам келди, – деган кўнғироқдек овози эшитилди ва Ранцеванинг орқасидан кизнинг малла сочли боши кўтарилди. Ранцева, Марья Павловна ва Катюша билан бир-

га Ранцеванинг юбкасидан кизалокқа янги кўйлак тикишарди.

– Келдим, қизим, келдим, – деди Бузовкин мулойим. Марья Павловна Бузовкиннинг дабдаласи чиққан юзига ачиниб қараб.

– Кизалокнинг шу ерда тургани яхши, – деди. – Бизга ташлаб кета қолинг.

– Опамлар менга кўйлак тикишяпти, – деди кизалок Ранцеванинг кўлидаги ишни отасига кўрсатиб. – Чиройли, кип-қизил, – деб бидилларди у.

– Биз билан ётиб қолмайсанми? – деди Ранцева кизалокни эркалаб.

– Коламан. Дадам ҳам қолсин.

Ранцеванинг юзи табассумдан ёришиб кетди.

– Даданг қолмайди, – деди у. – Биз билан қола қолсин, – деди қизнинг отасига мурожаат қилиб.

Бош конвой эшик ёнида тўхтаб:

– Майли, қолдилинг, – деди ва унтер-офицер билан бирга чиқиб кетди.

Конвойлар чиқиб кетиши билан Набатов Бузовкиннинг олдига борди-да, елкасидан ушлаб:

– Карманов алмашиниб кетаётган эмиш, ростми, оғайни? – деди.

Бузовкиннинг соддадил, ёкимли юзи тўсатдан ғамгин тус олди, кўзини парда қоплагандай бўлди.

– Эшитганимиз йўқ. Унақа эмасдир-э, – деди у. Кўзи боягидек пардали эди. – Ҳа-я, Аксютка, энди хонимлар билан ёта қол, – деди-да, чиқиб кетишга Шошилди.

– Ҳаммасини билади, алмашингани рост, – деди Набатов. – Энди нима қиласиз?

– Шаҳарда бошлиқларга айтаман. Икковини ҳам кўрсам танийман, – деди Нехлюдов. Яна тортишув бошланиб кетади деб кўрқишди, шекилли, ҳамма мик этмай ўтирарди.

Боядан бери сўрининг бир бурчагида қўлини боши остига кўйиб жим ётган Симонсон сапчиб ўрнидан турди-да, эҳтиётлик билан ўтирганларни айланиб ўтиб, Нехлюдов ёнига келди.

– Энди гаплашсак бўладими?

– Албатта, – деди Нехлюдов унинг кетидан бориш учун ўрнидан туриб.

Нехлюдовнинг ўрнидан турганини кўрган Катюша унинг кўзига қараб кип-кизариб кетди, хайрон бўлгандай бош чайқаб қўйди.

Симонсон Нехлюдов билан бошлашиб йўлакка чиққач:

– Гап шундай, – деди сўз бошлаб. Жиноий маҳбуслар орасидаги говур-гувур ва шов-шувлар йўлакда жуда яққол эшитиларди. Нехлюдов юзини буриштирди, лекин Симонсон бунга парво қилмади. – Сизнинг Катерина Михайловнага бўлган муносабатингизни билганим учун, – деб гап бошлади у меҳрибон кўзлари билан Нехлюдовга тўғри тикилиб қараб, – ўзимнинг унга, – деб гапини давом этдирди у. Лекин эшикнинг ёнгинасида алланарсани талашиб қичқираётган икки овоз уни тўхташга мажбур этди.

– Меники эмас деяпман-ку, аҳмоқ? – деб қичқирарди бир овоз.

– Бу кунингдан кўра ўлганинг яхши-е, – дерди иккинчиси хириллаб.

Шу маҳал Марья Павловна йўлакка чиқди.

– Бу ерда гаплашиб бўлармишми, – деди у бу ёққа кинглар, Верочкадан бошқа одам йўқ. – Шуни деб ў кичкинагина эшикли қўшни хонага кирди. Бу, аслида, бир кишилик камера бўлиб, энди сиёсий маҳбус аёлларга берилган эди. Сўрида бошини бурқаб Вера Ебоемовна ётволди.

Боши оғрияпти, энди ухлаб қолди, гапингизни эшитмайди, мен эса чиқиб кетаман, – деди Марья Павловна.

– Йўқ, йўқ, қолавер, – деди Симонсон, – менинг ҳеч кимдан, айниқса, сендан яширадиган сирим йўқ.

– Яхши, – деди Марья Павловна ва гавдасини болалардек у ёқдан-бу ёққа ташлаб, сўрига жойлашиб ўтириб олди, чиройли бўта кўзларини аллақайёққа тикиб тинглашга тайёрланди.

– Гап шундай, – деб такрорлади Симонсон, – Катерина Михайловнага бўлган муносабатингизни билганим

учун, ўзимнинг унга бўлган муносабатимни сизга билдиришга мажбурман, деб ҳисоблайман.

Симонсоннинг соддадиллиги ва ростгўйлигидан завқланган Нехлюдов:

– Хўш, қандай муносабат экан? – деб сўради.

– Катерина. Михайловнага уйланмоқчи эдим...

– Қизик! – деди Марья Павловна Симонсонга тикилиб.

– ...Катюшадан шуни, яъни менга хотин бўлишга розилик беришини сўрамоқчи эдим, – деб давом этди Симонсон.

– Мен нима қила олардим? Ихтиёр ўзида, – деди Нехлюдов.

– Шундай-ку-я, лекин бу масалани сизсиз ҳал қилолмайди у.

– Нега?

– Нега деганда, ўрталарингиздаги муносабат масаласи қатъий ҳал этилмас экан, у ҳеч нарса дея олмайди.

– Мен томондан масала қатъий ҳал қилинган. Мен бўйнимдаги қарзимни узишим керак, бундан ташқари, унинг аҳволини енгиллатишим керак, лекин ҳеч қачон унга малол келтиришни истамайман.

– Шундай-ку-я, лекин у сизнинг фидокорлигингизни истамайди-да.

– Ҳеч қандай фидокорлик қилаётганим йўқ.

– Мен биламан, унинг бу қарори қатъий.

– Йўқса мен билан гаплашишнинг нима ҳожати бор?

– деди Нехлюдов.

– Сиз ҳам шуни маъқул деб топганингизни Катюша билиши керак.

– Қилишим керак бўлган ишни, қандай қилиб, қилмаслигим лозим деб топаман. Лекин бир нарсани айтишим мумкин, у ҳам менинг озод эмаслигим. Лекин у озод.

Симонсон хаёл суриб жим бўлиб қолди.

– Яхши, унга шундай деб айтаман. Тагин унга ошиқ бўлиб қолибди деб ўйламанг, – деб давом этди у. – У кўп жабр-жафо кўрган, ажойиб, топилмайдиган одам бўлгани

учун яхши кўраман. Ундан менга ҳеч нарса керак эмас. Лекин жон-дилим билан унга ёрдам бергим, ахволини...

Симонсоннинг овози қалтираб кетганини эшитиб Нехлюдов ҳайрон бўлди.

– ...Енгиллатгим келади, – деб давом этди Симонсон. – Сизнинг ёрдамингизни қабул қилишни истамас экан, ҳеч бўлмаса, меникини қабул қилсин. Агар у рози бўлса, менинг ҳам у сургун қилинган жойга юборишларини сўрардим. Тўрт йил – минг йил эмас. Унинг ёнида яшардим, кўлимдан келганича қисматини ҳам енгиллаштирардим. – Симонсон ҳаяжонланиб яна жим бўлиб қолди.

– Мен нима ҳам дердим? – деди Нехлюдов. – Унинг сиздек ҳомий топганига хурсандман...

– Худди шуни билмоқчи эдим, – деб жавоб қилди Симонсон. – Уни севганингиз, унга яхшилиқни раво кўрганингиз учун, икковимизнинг никоҳимизни маъқул деб топасизми, шуни билишни истардим.

– О, албатта, – деди Нехлюдов кескин.

Симонсон бадқовоқ одамдан қутилмаган мулойимлик билан:

– Ҳамма гап унда, менга шу жафокаш ором олса бўлди, – деди Нехлюдовга қараб.

Симонсон ўрнидан турди, Нехлюдовнинг қўлидан ушлаб, бўйинини чўзди-да, тортинчоклик билан жилмайиб ўпди.

– Йўқса унга худди шундай деб айтаман, – деди-ю, чикиб кетди.

## XVII

– Буни қаранг-а! – деди Марья Павловна. – Ошиқ, ошиқи-беқарор. Владимир Симонсон ана шундай болаларча, аҳмоқона ошиқ бўлиб қолади, деб сира қутмаган эдим. Қизик, ростини айтсам, кишини ачинтирадиган нарса, – деб яқунлади у хўрсиниб.

– Лекин у, Катюша нима деркин? Сиз нима деб ўй-

лайсиз, бунга қандай муносабатда бўларкин? – деб сўради Нехлюдов.

– Катюшами? – Марья Павловна бу саволга, иложи борича, аниқроқ жавоб қайтармоқчи бўлди, шекилли, ўйла-ниб қолди. – Катюшами? Ўтмишининг қандайлигидан қатъи назар, Катюша табиатан нозик, ахлоқли жувон... жуда нозик ҳис этади. У сизни севади, чин кўнглидан севади. Лекин сизни ўзи билан ўралашиб қолмаслигингиз учун, сизга салбий бўлса-да, яхшилиқ қила олганидан бахтиёр. Сизга эрга тегиш унинг учун, аввалгидан ҳам баттар даҳшатли, тубанлик бўларди. Шунинг учун ҳам бунга у рози бўлмайди. Шуниси ҳам борки, сизнинг шу ердалигингиз уни нотинчлантиради.

– Нима қилай, кўзидан ғойиб бўлайми? – деди Нехлюдов.

Марья Павловна болаларга хос мулоим табассум этди.

– Ҳа, қисман.

– Қандай қилиб қисман ғойиб бўлиш мумкин?

– Ёлғон гапирдим, лекин Катюша ҳақида шуни айтмоқчи эдимки, у Симонсоннинг қандайдир жўшқин муҳаббатининг бемаънилигини кўриб турган бўлса керак (Симонсон унга ҳали ҳеч нарса деганича йўқ). Бу муҳаббатдан у ҳам мамнун, ҳам қўрқади. Ўзингиз биласиз, бу ишлардан мен беҳабарман, лекин Симонсоннинг бу муҳаббати, менинг назаримда, ниқобланган оддий эркаклик ҳиссидан бўлак нарса эмас. Унинг айтишича, бу муҳаббат унинг ғайратига ғайрат кўшади, бу муҳаббати маънавий муҳаббат эмиш. Лекин бу ҳар қандай мустасно муҳаббат бўлгани билан, асосида яна, албатта, ўша ифлослик ётишини биламан-ку... Новодворов билан Любочка ўртасидаги муҳаббатнинг бири-да бу ҳам.

Марья Павловна ўзи қизикқан мавзуга берилиб кетиб, асосий масаладан четга чиқиб қолди.

– Нима қилай энди? – сўради Нехлюдов.

– Унга гапнинг очигини айтганингиз маъқул деб ўйлайман. Ҳамма вақт ора очиқ бўлгани маъқул. Катюшани

чакириб бераман, гаплашинг. Майлими? – деди Марья Павловна.

– Майли, – деди Нехлюдов. Марья Павловна чиқиб кетди.

Шу кичкина камерада Вера Ефремовнанинг бир меъёрдаги нафас олиши, ахён-ахёнда чуқур хўрсинишк, жинной маҳбусларнинг икки эшик наридаги камерадан эшитилиб турган ғовур-ғувурини тинглар экан, Нехлюдовни ғалати бир хис қамраб олди.

Симонсон айтган гаплар уни ўз устига олган мажбуриятдан қутқарди (иродаси бўшапган пайтларда бу мажбурият унга оғир ва ғалати туюларди), лекин, ҳар қалай. Симонсоннинг гапи унга ёқмадигина эмас, алам ҳам қилиб кетди. Симонсоннинг бу таклифи унинг қилган ишининг фавқулоддалигини бузишини, ўз кишилари ва, бегона одамлар назарида, фидокорлигининг қийматини пасайтириб юборишини хис этар эди. Симонсондек Катюшага ҳеч қандай алоқаси бўлмаган яхши бир одам у билан тақдирини боғлашни истар экан, Нехлюдовнинг фидокорлиги, қиймати пасаярди, албатта. Балким, бунда оддий рашк ҳисси ҳам бўлгандир: Нехлюдов Катюшанинг ўзига бўлган муҳаббатига шундай ўрганган эдики, унинг бошқа одамни севиши мумкинлигини хаёлига келтиргиси келмасди. Катюша озод бўлиб кетгунча шу ерда яшайман, деб олдиндан тузиб қўйган режасининг бузилиши ҳам бунга таъсир этгандир. Агар у Симонсонга тегадиган бўлса, унинг олдида туришининг кераги бўлмай қолар, шунинг учун ҳам у янги режа тузиши керак бўларди. Нехлюдов эс-ҳушини йиғиштириб олишга улгурмасдан очиқ эшиқдан жинной маҳбусларнинг бақирик-чакириклари эшитилди (бугун улар орасида алланима рўй берган эди), камерага Катюша кирди.

У илдам юриб Нехлюдовнинг олдига келди.

– Марья Павловна юборди мени, – деди у Нехлюдовга яқинлашиб.

– Ҳа, сиз билан гаплашиб олишим керак. Ўтирсангизчи. Владимир Иванович менга гапини айтди.

Катюша қўлини тиззасига қўйиб ўтирди. У хотиржам



кўринарди, лекин Нехлюдов Симонсоннинг отини айтганда кип-қизариб кетди.

– У нима деди сизга? – деб сўради у.

– Сизга уйланмоқчи эканлигини айтди.

Катюшанинг юзи тўсатдан азоб чеккандек буришиб кетди. У ҳеч нима демай, ерга қараб қолди.

– У менинг розилигимни ёки маслаҳат беришимни сўрапти. Мен, ҳаммаси сизнинг ихтиёрингизда эканини, бу нарсани ўзингиз ҳал қилишингиз кераклигини айтдим.

– Вой, у нимаси? Нега энди? – деб гўлдиради у ва Нехлюдовга ҳамма вақт, айниқса, қучли таъсир қиладиган ғалати қараш қилиб, ғилай қўзлари билан қия қараб қўйди. Бир неча дақиқа улар сўзсиз бир-бирларига қараб қолдилар. Бу боқиш икковига ҳам кўп нарсаларни сўзлаб берди.

– Ўзингиз ҳал қилишингиз керак, – деб тақрорлади Нехлюдов.

– Нимани ҳал қиламан? – деди у. – Ҳаммаси аллақачон ҳал қилинган.

– Йўқ, сиз Владимир Ивановичнинг таклифини қабул қиласизми йўқми, шуни ҳал қилишингиз керак, – деди Нехлюдов.

– Мендай каторгачига эрга чиқишни ким қўйибди? Владимир Ивановични ҳам ҳалок қилишнинг нима кераги бор?

– Хўш, башарти афв этишса-чи? – деди Нехлюдов.

– Э-э, қўйинг-е. Бошқа гапим йўқ, – деди-да, Маслова ўрнидан туриб, камерадан чиқди.

## XVIII

Нехлюдов Катюша билан изма-из эркаклар камера-сига кирганда, у ердагиларнинг ҳаммаси ҳаяжонда эди. Ҳамма жойга бориб-келиб юрадиган, ҳамма билан танишиб, ҳамма нарсани кузатиб юрадиган Набатов барчани ҳайратга солган бир хабар олиб келибди. Бу хабар шундан иборат эдики, у девор қавагидан, каторгага ҳукм этилган инқилобчи

Петлиннинг хатини толиб келипти. Ҳамма Петлинни аллақачон Карага етган деб ҳисобларди, тўсатдан маълум бўлишича, яқиндагина худди шу йўлдан жинойи маҳбуслар билан бирга ўтиб кетибди.

«17 августда, – дейилган эди хатда, – ёлғиз ўзимни жинойи маҳбуслар билан жўнатишди. Неверов мен билан бирга эди, Қозонда, жиннихонада ўзини ўзи осиб ўлдирди. Ўзим соғ-саломатман, бардамман, ишларимиз яхши бўлиб кетар деб умид қиламан». Ҳамма Петлиннинг аҳволи ва Неверовнинг ўзини осиб ўлдиришининг сабабини муҳокама қила бошлади. Крильцов эса ёниб турган кўзларини бир нуқтага тикканича диққат қилиб турарди.

– Эрим Петропавлевскдалигида Неверовнинг кўзига ҳар нарса кўринадиган бўлиб қолганини айтган эди, – деди Ранцева.

– Ҳа, шоир, хаёлпараст одам. Бундай одамлар якка камокда ётишга бардош беролмайдилар, – деди Новодворов. – Мен яккахонага тушиб қолганимда хаёл сурмасликка ҳаракат қилардим, вақтимни жуда зик қилиб тақсимлардим. Шу сабабли кунни осон ўтқазардим.

Набатов хафагарчиликни таркатмоқчи бўлди, шекилли:

– Кунни ўтказиш қийин бўлибдими? Камокқа олганларида кўпинча севинардим, – деди тетиклик билан. – Йўкса хавотирланиб яшайсан, қамалиб қолсам, бошқаларнинг сирини очиб, ишни пачава қилмасмиканман деб кўрқасан, камокқа олишдими, бўлди – масъулият тамом, дам олсанг бўлади. Папиросингни чекиб ўтиравер!

Марья Павловна Крильцовнинг тўсатдан ўзгарган сўлган юзига ташвишланиб қараб:

– Сен уни яхши танирмидинг? – деб сўради.

– Неверов хаёлпарастми? – деб гап бошлади тўсатдан Крильцов анчадан бери бакираётгандек ёки ашула айтгандек харсиллаб. – Неверов шундай одам эдики, бизнинг швейцарнинг тили билан айтганда, бунақаларни онаси битта туради... шундай... у мусаффо, пок одам эди. Шундай... ёлғон гапириш у ёқда турсин муғамбирликни ҳам билмас

эди. Териси юпкагина эмас, йўк, бутунлай шилиб олин-  
гандек асаблари яланғоч эди. Шундай... мураккаб, истъеод-  
ли одам эди, бунақа... Ҳақ, гапириб ҳам нима қилдим!.. – У  
жим бўлиб қолди. – Биз бу ерда, – деди у ковоғини солиб  
жаҳл билан, – аввал халққа илм бериб, кейин ҳаёт тузумини  
ўзгартирамизми ё аввал тузумни ўзгартирамизми – қайси  
йўл билан: тинч тарғибот йўли биланми ё террор йўли билан  
курашамиз деб баҳслашамиз. Шундай, баҳслашамиз. Улар  
эса баҳслашишмайди, ўз ишларини билишади. Ўнлаб, юзлаб  
одамларнинг ҳалок бўлиши улар учун ҳеч гап эмас, тагин  
қанақа одамларни денг! Улар учун одамларнинг сараси  
ҳалок бўлгани яхши. Шундай, декабристларни муомаладан  
чиқаришгандан кейин умумий савияни пасайтириб юбориш-  
ди деган эди Герцен. Шундай пасайиб кетдики! Кейин  
Герценни ва унинг тенгдошларини четлаштирдилар. Энди  
Неверовларни...

– Ҳаммани йўқота олмайдилар, – деди Набатов тетик  
овоз билан. – Барибир, наслимиз қолади.

Крильцов гапини бўлишга йўл қўймай:

– Уларга шафқат қилар эканмиз, йўк, қолмайди, –  
деди товушини баланд қилиб. – Папирос бер.

– Ўзингни ёмон ҳис қилаяпсан, шекилли, Анатолий, –  
деди Марья Павловна, – қўй, чекма.

– Э-э, қўйсанг-чи, – деди жаҳл билан Крильцов,  
сўнгра чека бошлади. Лекин шу топнинг ўзидаёқ йўтали  
тутди, ўқчий бошлади. Тупириб бўлгач, у гапини яна давом  
эттирди: – Нотўғри йўлдан борганмиз, нотўғри йўлдан. Гап  
сотиб ўтиргандан кўра бирлашишимиз керак эди... уларни  
яксон қилишимиз керак эди. Шундай.

– Ахир, улар ҳам одам-ку, – деди Нехлюдов. – Йўк,  
улар одам эмас, – шу ишларни қила оладиганлар одам эмас...  
Мана, бомба ва баллонлар<sup>1</sup> ўйлаб чиқаришди дейишяпти.  
Шу баллонларда осмонга чиқиб уларнинг устига бомба  
ташлаб бургадек қириб юбориш керак... Шундай. Чунки... –

<sup>1</sup> Баллон – 1) суюқлик ёки газ сақланадиган махсус идиш; 2) автомобиль,  
велосипед ва шу кабиларнинг ҳаво билан тўлдириладиган шинаси; 3) азростатнинг  
газ билан тўлдириладиган қобиғи.

кип-кizarиб гапини давом эттирмоқчи эди, лекин бирдан аввалгидан баттар йўтал тутиб қолди, оғзидан лахта-лахта кон келди.

Набатов қор келтиргани югириб кетди. Марья Павловна валерьянка<sup>1</sup> томчиси топиб унга узатди, лекин у, кўзини юмиб, оппоқ ориқ қўллари билан уни итарар, оғир ва тез-тез нафас оларди. Қор билан совуқ сув бироз тинчитгандан кейин уни ётқиздилар. Нехлюдов ҳамма билан хайрлашди-да, уни олиб кетгани келиб, анчадан бери кутиб турган унтер-офицер билан бирга чиқиб кетди.

Жиноий маҳбусларнинг овози ўчди, кўплар ухлаб қолган эди. Одамлар сўри устида ҳам, сўри тагида ҳам, йўлларда ҳам ётганларига қарамай камерага сиғишмай қолган эди. Уларнинг бир қисми, бошлари остига қопларини кўйиб, устиларига нам халатларини ёпиб йўлакда, ерда ётишарди.

Камераларнинг эшигидан ва йўлакдан хуррак товушлари, инграган овозлар ва одамларнинг уйқусираши эшитиларди. Ҳамма ерда устига халат ёпиб гуж бўлиб ётган одам гавдаси кўринарди. Жиноий бўйдоқлар камерасидагина, бир неча одам бурчакда шам қолдигини ёқиб ўтирарди, аскарни кўриш билан шамни ўчиришди, йўлакда, чирок тагида бир чол яланғоч бўлиб олиб, кўйлагининг битини боқиб ўтирарди. Сиёсий маҳбуслар камерасининг захарланган ҳавоси бу ернинг сассиғидан кўра софдек туюларди. Тутаб ёнаётган лампа туман орасидан кўрингандек хира, нафас олиш қийин эди. Йўлакдан ухлаб ётганларнинг биронтасини босиб олмасдан ёки тегиб, кетмасдан ўтиш учун, аввал бўш жойни топиб ўша ерга оёқ қўйиш, кейин иккинчи қадам учун яна бўш жой кидириш керак эди. Уч киши, йўлакдан ҳам жой топмаган бўлсалар керак, даҳлизда тирқишидан шалтоқ ифлосланиб ётган бадбўй ёғоч пакир тагида ётарди. Уларнинг бири тентакнамо чол эди. Нехлюдов уни йўлда бир

<sup>1</sup> Валериана (лотинча: *valeriana* ёки *Yaleria* – шу ўсимлик келиб чиққан жой номи) пуштиранг гулли, илдизидан шифобаҳш дамлама тайёрландиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Валерьянка -- валериана ўсимлигининг илдизидан эфир ёки спиртда тайёрланган, асабни тинчлантириш учун истеъмол қилинадиган дори.

неча марта кўрган эди. Иккинчиси, ўн ёшлар чамасидаги бола бўлиб, икки маҳбус ўртасида, юзини қўлига тираб, маҳбуслардан бирининг оёғига бош қўйиб ётарди.

Дарвозадан чиққач Нехлюдов тўхтади ва кўрагини тўлдириб, анчагача муздек совуқ ҳаводан нафас олди.

## XIX

Осмонда юлдузлар чарақлади. Баъзи жойларда ҳали ҳам лой пилчиллаб турган қатқалоқ йўлдан юриб Нехлюдов карвонсаройга қайтди-да, қоронғи деразани тақиллатди. Кенг яғринли хизматкор йигит ялангоёқ келиб эшикни очиб, уни даҳлизга киритди. Даҳлизнинг ўнг томонидаги қора уйдан извошчиларнинг қаттиқ хурраги эшитилади; тўғридаги эшикнинг орқасидаги ҳовлидан анча-мунча отнинг сули чайнагани эшитилади. Чап томонда озодагина хонага кирадиган эшик бор эди. Озода хонада шувоқ ҳиди келар, тўсик орқасида аллакимнинг уйни тўлдириб хуррак отгани эшитилар, иконалар олдида қизил шишали лампа ёнарди. Нехлюдов ечинди, клеёнка сирилган диванга катта ва қалин жун рўмол солди, устига ўзининг чарм ёстиғини қўйди-да, ётиб шу бугун кўрган-кечирганларини хаёлидан ўтказа бошлади. Нехлюдов шу бугун кўрган нарсалари ичида энг даҳшатлиси, бошини маҳбуснинг оёғига қўйиб, ёғоч пакирдан оқиб тушаётган шалтоқда ётган бола эди.

Шу бугун кечкурун Симонсон ва Катюша билан бўлган суҳбатнинг қутилмаган ва муҳим нарса эканлигига қарамай, Нехлюдов бу воқеа устида тўхталмади: унинг бу масаладаги муносабати жуда мураккаб, шу билан бирга, ноаниқ эди, шу сабабдан Нехлюдов бу ҳақдаги фикрларни ўзидан қува бошлади. Лекин у, қўланса ҳавода димиқиб, сассиқ пакирдан сизиб оқаётган шалтоқда ётган бахти қароларни, айниқса, каторгачининг оёғига бошини қўйиб ухлаётган маъсум болани хаёлидан қува олмас, бу манзара кўз олдида кетмас эди.

Узоқ бир жойда одамларнинг бир қисми бошқа бир

қисмини хўрлаб, қаттиқ азоблаганини, фахш йўлига солаётганини билиш бошқа-ю, одамларнинг бузилаётгани, бири бошқа бирини азоблаганини уч ой мобайнида ўз кўзинг билан кўриш бошқа. Нехлюдов худди шуни ҳис этарди. Ана шу уч ой мобайнида у ўзидан: «Бошқалар кўрмаётган нарсаларни кўраётган мен жинними, ёки шу мен кўраётган нарсаларни вужудга келтираётганлар жинними?» деб сўраган эди бир неча бор. Лекин одамлар (улар кўпчиликини ташкил этадилар) уни ҳайрон қилган ва даҳшатга солган нарсаларни қилиниши керак бўлган муҳим ва фойдали иш деб билиб, шундай зўр ишонч билан бажарар эдилар-ки, бу одамларни ақлдан озган деб бўлмас эди, лекин ўз фикрларининг равшанлигини ҳис этгани учун ўзини ҳам ақлдан озган дея олмасди. Шу сабабли доимо хайрон эди.

Уч ой мобайнида кўрганларидан Нехлюдов қуйидагича тушунча ҳосил қилган эди: озодликда яшовчи одамлар орасидан суд ва маъмурият энг асабийлари, қизикқонлари, серҳаракатлари, истеъдоддилари, кучлилари, муғамбирлик ва эҳтиёткорликни унча билмайдиганларини ажратиб олади; озодликда қолганлардан кўра гуноҳи ортиқ бўлмаган ёки жамият учун хавfli бўлмаган ана шу одамлар, биринчидан, турмаларга қаматилади, этап ва каторгаларга сурилади, табиатдан, оиласидан, меҳнатдан, яъни инсоннинг табиий ва маънавий ҳаёти учун зарур бўлган барча шароитлардан йироқда ойлаб, ҳатто йиллаб бекорчиликда, моддий жиҳатдан таъминланган ҳолда тутилади. Бу биринчидан. Иккинчидан, шундай муассасаларда бу одамлар ҳар турли кераксиз хўрликларга дучор этилади – кишанга солинади, сочлари қирилади, шармандаларча кийим кийдирилади, яъни заиф одамларни эзгу ҳаётга тарғиб этувчи кучдан – одамларнинг фикри-мулоҳазаси ҳақидаги ташвишдан, шарм-ҳаёдан, ўз кадр-кимматини сезишдан маҳрум этилади. Учинчидан, ҳамма вақт таҳлика остида яшаш (офтоб уриш, сувга ғарк бўлиш, ўт ичида қолиш каби фавқулодда ҳодисалар тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади), – қамок жойларидаги доимий юкимли касалликлар, ҳолдан тойиш, калтакланиш орқасида бу одамлар шундай даражага бориб етадиларки, бундай

шароитда юмшоқ кўнгилли, ахлоқли одам ҳам ўзини ҳимоя қилиш мақсадида даҳшатли ва раҳмсизларча иш қилишга мажбур бўлади ёки шундай қилганларни кечиради. Тўртинчидан, шу одамларни турмушда бузилган (айниқса, шу муассасаларнинг ўзи бузган) ярамас, қотил ва ёвуз одамларга қўшиб қўядилар, бу бузилган одамлар шунча чора билан ҳам бузилиб улгурмаган одамларга бир ачитқи каби таъсир этадилар. Бешинчидан, ниҳоят, шу таъсирлар остидаги одамларнинг ҳаммасига, жуда ишонтирарли йўл билан, чунончи, уларга шафқатсиз муомалада бўлиш, болаларга, хотинларга, кексаларга азоб бериш, савалаш, хипчинлаш, қочоқларни хоҳ тирик, хоҳ ўлик ҳолда тутиб берганларга мукофот бериш, эр-хотинларни айириш ва бировларнинг хотинини бировларнинг эрига қўшиш учун уларни бир жойга қамаш, отиш, осиш йўллари билан жуда ишонарли қилиб: «Ҳар қандай зўрлик, шафқатсизлик ҳукумат томонидан ўзига қулай бўлган кезларда ман қилинмайди, аксинча, шундай қилишга рухсат этилади, шунинг учун ҳам бу чораларни тутқунликка тушган, чорасиз ва фалокатга дучор бўлганларга нисбатан татбиқ этиш жойиз», – деган фикрни укдирардилар.

Шуларнинг ҳаммаси бошқа ҳеч қандай шароитда эришиб бўлмайдиган сўнг даражадаги фахш ва разолатни вужудга келтириб, кейинчалик уни халқ орасида тарқатиш учун атайлаб очилган муассасаларга ўхшар эди. Нехлюдов авахта ва этапларда бўлаётган ҳодисаларни синчиклаб кузатар экан: «Иложи борича, кўпроқ одамни йўлдан оздириш, разолатга судраш тўғрисида топшириқ берилгандай-а», – деб ўйларди. Йил сайин юз минглаб кишилар йўлдан оздирилади, ниҳоят бузуқликнинг учига чикқанларида турмаларда сингдириб олган разилликларни халқ орасига ёйишлари учун озод этилади.

Жамият ўз олдига вазифа қилиб қўйган бу мақсад Тюменск, Екатеринбург, Томск турмаларида ва этапларда муваффақият билан амалга оширилаётганини Нехлюдов ўз кўзи билан кўрди. Рус жамияти талаб қилган, деҳқон ва христианлар ахлоқи билан яшаб келган содда, оддий киши-



лар бу тушунчаларини бир чеккага йиғиштириб қўйиб, агар фойдаси бўлса, инсонни ҳар қандай хўрлаш, таҳқирлаш мумкин деган янги турма тушунчаларини ўзлаштириб оладилар. Қамокда ётиб чиққан одамлар ўз бошларидан кечирганларидан қиёс олиб, черков ва ахлоқ ўқитувчилари тарғиб қилган фикр, яъни инсонни ҳурмат қилиш ва унга ачиниш ҳақидаги қонунлар ҳақиқатда бекор қилинганини бутун қалблари билан ҳис қиладилар ва шу сабабли бу қонунга риоя қилмаса ҳам бўлади, деган қарорга келадилар. Нехлюдов ҳамма таниш маҳбусларнинг: Федоров, Макар, ҳатто икки ой эгапта юриб, беҳаё фикрлари билан уни ҳайрон қолдирган Тараснинг ўзгариб қолганини кўрди. Йўлда Нехлюдов саёқлар ўрмонга қочиб кетаётганда, бирон ўртоқларини бирга қочишга кўндириб, кейин ўлдириб гўштини ейишларини эшитди. Нехлюдов шу гуноҳ билан айбланган, айбига иқроп бўлган бир одамни ўз кўзи билан кўрди. Ҳаммадан даҳшатлиси шу эди-ки одамхўрлик воқеаси камдан кам учрайдиган ҳодиса бўлмай, доим такрорланиб турарди.

Фиск-фужурни ана шу муассасалар ёрдами билан ёйилиши натижасидагина Нишенинг, ҳамма нарсани қилиш мумкин, ҳеч нарса ман қилинмайди, деган янги таълимотини аввал маҳбуслар орасида, ундан сўнг эса халқ орасида таратиш, рус кишисини саёқлар даражасига тушириш мумкин.

Мана шу содир бўлаётган воқеаларни, жиноятнинг олдини олиш, қўрқитиш, тузатиш ва қонуний жазолаш билан изоҳлаш мумкин эди. (Китобларда шундай деб ёзар эдилар.) Аммо, ҳақиқатда эса, аҳвол тамомила бошқача эди. Жиноятнинг олдини олиш ўрнига уни ёяр эдилар. Қўрқитиш ўрнига жинояткорларни рағбатлантиришарди, натижада уларнинг кўпчилиги, чунончи, саёқлар ўз хоҳишлари билан қамокқа борардилар. Одамларни тузатиш ўрнига уларни мунтазам равишда ҳар турли иллатлар билан захарлаб келинарди. Ҳукумат томонидан бериб турилган жазолар эса ўч олиш ҳиссини пасайтириш у ёқда турсин, балки бу ҳисни халқ орасида кучайтирарди, илгари халқ орасида бу нарса

йўқ эди.

Нехлюдов: «Бас, нега бундай қилишади?» – деб ўзидан сўрар, лекин жавоб тополмас эди.

Бу нарсалар бехосдан, билмасдан, бир мартагина қилиб қўйилмас эди, бу нарсалар ҳар доим, юз йиллардан бери давом этиб келган, фақат фарқи шу эдики, илгари одамларнинг бурунларини йиртиб, қулоқларини кесишса, кейинча тамға босиб, қўлларига гаврон буров солишса, энди қўл кишан уриб, араваларда эмас, поездларда ташишар эди, – мана шулар Нехлюдовни ҳаммасидан ҳам кўпроқ ажаблантирарди.

Хизматчилар унга, сизни ғазаблантирган нарсалар қамоқхоналар ва сургун жойларнинг бопта эмаслиги орқасида туғилган, агар янги фасонда турмалар солинса, буларнинг ҳаммасини тузатиб юбориш мумкин, деб айтган бўлсалар ҳам, бу мулоҳазалар Нехлюдовни қаноатлантирмасди, чунки у ўзини ғазаблантирган нарсалар қамоқхоналарнинг бопта ё бопта эмаслиги орқасида бўлмаётганини сезарди. У электр қўнгириклар ўрнатилиб, мукамал қилиб қурилган турмалар ҳақида, Тард тавсияси бўйича электр токи билан қатл этиш ҳақида ёзилган нарсаларни ўқиган, шунинг учун такомиллаштирилган жабр-у зулм уни яна ҳам бешбаттар ғазаблантирар эди.

Судларда ва вазирликларда катта маош оладиган одамлар ўтиради, бу маошлар уларга халқдан йиғиб берилади ва улар бу маошлар эвазига ўзлари синғари амалдорлар томонидан айна асосида ёзилган китобчаларни қараб чиқадилар, ўзлари ёзган қонунларни бузган одамларнинг қилмишларини жинойий қонуннинг маълум бир моддасига тўғрилашади ва шу моддаларга асосланиб одамларни ўзлари ҳеч вақт кўрмаган аллақандай жойларга жўнатишади. Одамлар у ерларда бағритош, қўпол назоратчилар, кузатувчилар, конвойлар ихтиёрига топширилади, миллионлаб кишилар руҳан ва жисман ҳалок бўлишадики, – мана шу нарсалар Нехлюдовни жуда ёмон ғазаблантирарди.

Турмалар ва этапларни кўргандан кейин Нехлюдов шуни пайқаб олди: маҳбуслар орасидаги барча ярамас

ҳоллар: ароқхўрлик, қиморбозлик, раҳмсизлик, авахта-дагилар қиладиган барча даҳшатли жиноятлар, одамхўрлик – тасодиф ҳол ҳам эмас калтафаҳм олимлар айтгандек, одамларнинг жиноятчи бўлиб туғилганлигидан, насли айниганидан ҳам эмас (бу назариялар ҳукуматга жуда қўл келади), балки одамлар бошқаларни жазолашлари мумкин дейилган хатонинг муқаррар оқибатидир. Нехлюдов одамхўрликнинг ўрмонда эмас, вазирликларда, комитетларда ва департаментларда бошлашиб, фақат ўрмондагина тугалланишини кўрди; ўз поччасининг ва барча судьяларнинг, приставдан тортиб, то вазиргача бўлган барча амалдорларнинг ўзлари гапириб юрган адолат ёки халқ фаровонлиги билан сира ишлари йўқ, улар оқибатда халқни бузадиган ва унга азоб берадиган нарсаларни қиляётганликлари учун тўланадиган сўмларнинг ғамини ер эдилар. Бу нарса ойдай равшан эди.

«Мана шуларнинг ҳаммаси, наҳотки, фақат англашилмовчилик орқасида қилинаётган бўлса? Қиляётган нарсаларини қилмасликлари учун ана шу амалдорларнинг ҳаммасига маошлари тўлаб турилса, ҳатто мукофот ҳам берилса, қандай бўлар экан?» – деб ўйларди Нехлюдов. Шуларни ўйлар экан хўрозлар иккинчи марта кичкирди, у қимирлади дегунча фаввора сингари атрофида сачрай бошлаган бургаларга парво қилмай, донг қотиб ухлаб қолди.

## XX

Нехлюдов уйғонганда, извошчилар аллақачон йиғилишган, уй бекаси нонушта қилиб бўлган эди. У семиз бўйнидаги терни рўмол билан артиб, этап аскарлари бир хат келтирганини айтгани кирган эди. Хат Мария Павловнадан эди. У Крильцовнинг дарди ўйлашганидан қаттиқроқ эканлигини ёзган эди. «Биз бир хур уни шу ерда қолдириб, ўзимиз ҳам бирга қолмоқчи бўлиб эдик лекин рухсат беришмади, шунинг учун бирга олиб кетамиз, аммо бундан кўрқяпмиз. Бир ҳаракат қилиб кўрсангиз, агар уни шаҳарда қолдиришадиган бўлса, биронтамизни қолдиришсин.

Мабодо бунинг учун менинг унга тегишим зарур бўлса, албатта, бунга ҳам тайёрман».

Нехлюдов отларни олиб келиш учун бир болани станцияга юбориб ўзи дарҳол йиғиштиринишга киришди. У яккинчи стаканни ичиб тугатгани йўқ эди, уч отли извош кўнғироқларини жиринглатиб, тошдек қотиб қолган қатқалоқда гилдиракларини гумбурлатиб, эшик олдига келиб қолди. Нехлюдов бўйни семиз беканинг ҳақини тўлаб, шошиб-пишиб ташқарига чиқди-да, извошга ўтириб олиб, иложи борича, тезроқ хайдашга буюрди – у маҳбуслар тўдасига етиб олиш ниятида эди. У қишлоқдан чиқиб, қоплар ортилган, касаллар ўтирган араваларга етиб олди; аравалар қатқалоқ лой устида гумбурлаб борар эди. (Офицер йўқ, у илгари кетиб қолган эди.) аскарлар ичиб олишган бўлишса керак, чакчақлашиб араваларнинг орқасида, йўл бўйлаб кетишарди. Араваларнинг сон-саногини йўқ эди. Олдинги араваларда мадорсиз жиноятчилар олти кишидан бўлиб қисилишиб, орқадаги уч аравада эса сиёсий айбдорлар учта-учтадан бўлиб ўтиришибди. Энг охирдаги аравада Новодворов, Грабев ва Кондратьев, иккинчисида – Ранцева, Набатов ва Марья Павловна ўз ўрнини бўшатиб берган бод касалли, мажолсиз хотин ўтирарди. Учинчисида – Крильцов ётар – остига пичан солиниб, бошига ёстик қўйилган эди. Унинг ёнида ён-ёгочда Марья Павловна ўтирарди. Нехлюдов извошни Крильцов тушган арава ёнида тўхтатиб, ўзи унинг олдига пиёда юриб борди. Шиеракайф конвой Нехлюдовга қўл силтаган эди, у парво қилмай, арава ёнига келди-ю, унинг чекасини ушлаб, ёнида кетаверди. У узун пўстинга ўралиб, бошига мўйна телпак кийган ва оғзини рўмол билан ўраб олган, яна ҳам рангсиз кўринарди. Чиройли кўзлари жуда катта, ёниб тургандай кўринарди. У аравада секин-аста чайқалиб, Нехлюдовдан кўзларини олмай қараб борарди. Нехлюдов соғлигини сўраганда, фақат кўзларини юмди-ю, жаҳл билан бошини сарак-сарак қилди. Бутун қуввати, афтидан, араванинг чайқатишига қарши ўзини тутишга сарф қилинаётган бўлса керак, Марья Павловна араванинг у ёнида ўтирган эди. У маъноли қилиб Нехлюдов билан кўз уриш-

тириб олди; унинг қарашларида Крильцов учун тапвиш ифодаси бор эди. У шўх бир товуш билан гап бошлади:

– Чамамда, офицер уялди, шекилли, – араванинг тақир-туқури орасидан Нехлюдов гапини эшитсин учун бақириб гапирди у, – Бузовкиннинг қўлидаги кишанни олиб ташлашди, қизчасини ўзи кўтариб олган. Катя билан Симонсон ҳам у билан бирга, менинг ўрнимга Верочка кетяпти.

Крильцов Марья Павловнага ишора қилиб бир нарса деди, лекин гапини эшитиб бўлмади, кейин йўталишдан ўзини тийиб ковоқларини солиб туриб, бош чайқади, Нехлюдов гапини эшитиш учун калласини яқинлаштирди. Ана шундан кейин Крильцов оғзини рўмолдан бўшатиб шипшитди:

– Энди анча тузукман. Ишқилиб, шамолламасам бўлди.

Нехлюдов маъқуллаб бош ирғаб қўйди, кейин Марья Павловна билан кўз уриштириб олди.

Крильцов яна:

– Хўш, уч жисм муаммоси нима бўлди? – деб шивирлади-да, қийналиб туриб кулимсиради. – Ҳали мушкулми?

Нехлюдов унинг гапини тушунмаган эди, Марья Павловна бунинг уч жисм, яъни куёш, ой ва ернинг ўзаро муносабатини аниқлайдиган машҳур математик муаммо эканлигини, Крильцов ҳазиллашиб бу муаммони Нехлюдов, Катюша ва Симонсон ўртасидаги алоқага ўхшатганини тушунтириб берди. Крильцов: «Ҳа, Марья Павловна менинг ҳазилимни тўғри тушунтириб берди»,– дегандай қилиб бош ирғатди.

– Муаммони ҳал қилиш менинг ихтиёримда эмас, – деди Нехлюдов.

– Хатимни олдингизми, илтимосимни бажо қиласизми? – деб сўради Марья Павловна.

Нехлюдов:

– Албатта, – деди-ю, Крильцовнинг чехрасидаги норозилик аломатини пайқаб, ўз араваси томон кетди ва қийшайиб қолган извошига чиқди-да, унинг четини ушлаб

олиб, ўйдим-чўнқир ерларда силкиниб кетаверди. Оёқларига кишан солинган, иккита-иккита қилиб қўллари кишанланган кулранг чопонли ва нимча пустинли бир чақирим жойгача чўзилган маҳбуслар сафи ёнидан ўтиб кетди. Нехлюдов йўлнинг у юзида Катюшанинг кўк рўмолини, Вера Ефремовнанинг қора пальтосини, Симонсоннинг курткасини, жундан тўқилган шапкасини ва сандалга<sup>1</sup> ўхшатиб камар билан ўраб олган оқ жун пайпоқларини кўрди. Симонсон нима тўғридадир қизишиб гапириб, аёллар ёнида борар эди.

Аёллар Нехлюдовни кўриб, унга таъзим қилишди, Симонсон эса шапкасини тантанали қилиб кўтариб қўйди. Нехлюдовнинг уларга айтадиган гапи йўқ эди, шунинг учун извошини тўхтатмай, ўтиб кетаверди. Текис йўлга чиқишгач, извошчи отларни яна ҳам тезроқ ҳайдади, лекин қатор чўзилиб бораётган юк араваларидан ўтиб кетиш учун дамбадам текис йўлнинг икки чеккасига тушишга мажбур бўларди.

Ҳамма ёғини арава ғилдираклари чуқур ўйиб юборган йўл игна баргли қоронғи ўрмон оралаб борар, қайин ва тилоғоч дарахтларининг ҳали хазон бўлмаган япроқлари икки томонда ярқираб, кулранг тусда товланиб турарди. Манзилнинг ярмида ўрмон тугаб, икки томонда кенг дала очилди ва монастирнинг<sup>2</sup> тилла хочи билан гумбазлари кўринди. Кун жуда очилиб кетди, булутлар тарқалди, куёш ўрмондан баланд кўтарилди, кўлмак сувлар ҳам, гумбазлар ҳам, черков хочлари ҳам куёшда ярқираб кўзни қамаштира бошлади. Олдинда, ўнг томонда, кўкимтир уфқда узок тоғлар оқариб кўринарди. Уч отлик извош шаҳар ёнидаги каттакон қишлоққа кирди. Қишлоқ кўчаси руслар ва ғалати

<sup>1</sup> Савадал (танча, оловдон) – Ўрта Осиё, Яқин Шарқ мамлакатлари ва Японияда маълум бир жойни иситиш учун мўлжалланган манжал. Хонанинг ўртасига ёки чеккароқ ерига чорбурчак чуқурчага ўрнатилган, устига кўрпа ёпилиб, атрофига кўрпачалар тўшалган хонтахтадан иборат бўлиб, ичига саксовул ёки кўмир чўғи солинади. Қиш совуғида танчага оёқ-қўлни тикиб исинилади, айни пайтда устига дастурхон ёзиб, ундан стол сифатида фойдаланилади.

<sup>2</sup> Монастир (юнонча: monasterion – чекка, оламлардан узоқдаги жой) – 1) тарки дунё қилган христиандар – монахларнинг муайян қонда ва меъёрлар, белгили низомга амал қилиб яшовчи диний жамоаси; 2) шундай жамоага қарашли черков, турар-жой, ер-мулк ва бошқалар (бу ерда шу маънода).

шапкалар, ҳамда чопонлар кийган ўзга миллат одамлари билан лиқ тўла. Дўконлар, майхоналар, қовоқхоналар ва аравалар ёнида маст ва хушёр эркаклар билан аёллар ивирсиб юрар, шангиллаб гапиришарди. Шаҳарнинг яқинлиги сезилиб туради.

Извошчи ўнг ёндаги отга камчи босди-да, тизгинни тортиб, ўзи ўтирган жойида бир кифтини чиқариб ўтириб олди – тизгинлар ўнг томонга ўтиб қолди. У олифтагарчилик қилиб извошини кўчада чопгириб кетди, то дарёга етгунча тизгинларини тортмади. Дарёдан солга тушиб ўтилар эди. Нариги қирғоқдан келаётган сол шўх дарёнинг ўртасида эди. Дарёнинг бу томонида ўн иккитача арава кутиб турарди.

Нехлюдов кўп кутмади. Дарёнинг анча юқорисидан келаётган солни тез оқар сув ҳадемай соҳил кўприклари ёнига келтириб қўйди.

Калта пўстин ва чориқ кийиб олган кенг ягринли, мушакли, новча камгап солчилар одатдагича чаққонлик билан арқон ташлаб устунларга боғлашди-да, тўсиқларни олиб қўйишиб, солдаги араваларни қирғоққа туширишди, кейин юкларни ортишди, араваларни ва сувдан чўчиган отларни солга жойлашди. Шўх, кенг дарё сувлари солнинг икки томонига келиб урилар, арқонни таранг қиларди. Сол тўлиб кетди, Нехлюдовнинг извошдан чиқарилган отлари аравалар орасига келтириб қўйилди, солчилар тўсиқни жойига қўйишди-да, сиғмаган кишиларнинг илтимосларига парво қилмасдан, арқонни тортиб олишиб, солни ҳайдаб кетишди. Сол жимжит, фақат солчиларнинг тапур-тупури ва депсиниб тахталарни тўкиллатаётган отларнинг туёқ товушларигина эшитилиб турарди.

## XXI

Нехлюдов сол чеккасида кенг дарёнинг тезоқар сувларига қараб турар эди. Унинг хаёлида икки сиймо биринкетин гавдаланарди: ўлим тўшагида ётган газабнок Крильцовнинг арава зарбидан силкинаётган боши ва йўл



четида Симонсон билан бирга дадил қадам ташлаб бораётган Катюшанинг қомати. Ўлаётган, лекин ўлимни бўйнига олмаган Крильцов ҳақидаги таассурот оғир ва қайғули эди. Симонсондай кипининг муҳаббатига сазовор бўлган, эзгуликнинг тўғри ва мустаҳкам йўлига тушиб олган бардам Катюша ҳақидаги иккинчи таассурот унга шодлик келтириши керак эди. Лекин бу ҳам Нехлюдов учун оғир эди, бу оғир ҳисни енгишга қодир эмасди.

Шаҳар томондан келаётган каттакон кўнғироқнинг садоси сув устида янгради. Нехлюдов ёнида турган извошчи ва солчиларнинг ҳаммаси бирин-кетин шапкаларини олиб чўқинишди. Панжара ёнида турган пахмоқ соқолли ва пас-так бўйли бир чол (у Нехлюдовга ҳаммадан кўра яқинроқ турса-да, Нехлюдов уни даставвал пайқамаган эди), чўқинмади, бошини баланд кўтариб, Нехлюдовга тикилиб қолди. Унинг эғнида ямоқ чопон, мовут шим, серямоқ чориқ бор эди. Елкасида кичкина қопчиқ, бошида жунлари тўкилиб кетган чўзинчоқ мўйна шапка.

Нехлюдовнинг извошчиси шапкасини кийиб, тузатиб кўйгандан сўнг:

– Сен нега чўқинмайсан, чол? – деб сўради. – Ё дининг бошқами?

Пахмоқ чол ўдағайланиб, дона-дона қилиб:

– Кимга чўқинаман? – деди тезгина.

Извошчи киноя қилди:

– Кимга бўларди, Худога-да.

– Менга кўрсатиб қўй, қаерда у? Қаерда ўша Худо?

Чолнинг қиёфасида аллақандай жиддийат ва қатъият бор эди, извошчи унинг кучли одам эканлигини сезди-ю, пича хижолат тортди, лекин сир бой бермади, жим бўлиб қолмасликка ва кулоқ солиб турган одамлар олдида уялиб қолмасликка тиришиб:

– Қаерда бўларди? Осмонда-да, албатта, – деди шошиб.

– Нима, осмонга чиққанмисан?

– Чиққанманми, йўқми, лекин Худога ибодат қилиш кераклигини ҳамма билади.

– Худони ҳеч ким ҳеч қаерда кўрган эмас. Отасининг пушти камаридан бўлган якка-ю ягона фарзанд бор, холос, – деди чол боягидай тезгина қош-қовоғини солиб.

Извозчи қамчисининг сопини камарига қистириб, ёнда борадиган отнинг қайишини тузата туриб:

– Билдим, христиан эмассан, тешикпарастсан. Сен тешикка чўкинасан, – деди.

Биров кулиб юборди.

Сол четида 'араваси билан турган ёши анчага бориб қолган бир киши:

– Ўзинг қайси диндасан, бува? – деб сўради.

– Менда ҳеч дин йўқ. Нимагаки, ўзимдан бошқа ҳеч кимга, ҳеч кимга ишонмайман, – деб янада боягидай қатъият билан жавоб берди чол.

– Ие, қандай киши ўзига ишонса бўлади? – деди Нехлюдов гапга аралашиб, – хато қилиши мумкин.

Чол бош чайқаб, қатъий қилиб жавоб берди:

– Ҳеч-да.

– Йўқса нега ҳар хилдинлар бор? – деб сўради Нехлюдов.

– Шу важданки, одамлар бошқаларга ишонишади-ю, ўзларига ишонишмайди. Мен ҳам одамларга ишониб, худди ўрмонга кириб қолгандай, роса адашиб юрдим; пундай адашдимки, йўл топиб чиқишга ақлим етмай қолди. Эски мазҳаб, янги мазҳабдилар, шанбали, якшанбалилар, попи, попсиз, австрияли, молуканли скопцилар – ҳаммаси адашади. Қўй-чи, ҳар бир дин фақат ўзини мақтайди. Ана шундай қилиб, ҳамма кўзи очилмаган кучукваччаларга ўхшаб, тарқалиб кетган-да. Дин кўп-у, руҳ битта. Сенда ҳам, менда ҳам, унда ҳам битта руҳ. Агар ҳар ким ўзидаги руҳга ишонса, бориб-бориб ҳаммаси бирикади. Ҳар ким ўзига ўзи ишонса, ҳамманинг боши қовушади.

Чол шанғиллаб гапирар ва, афтидан, гапимни кўпроқ одам эшитсин деб, атрофга қараб-қараб кўяр эди.

– Хўш, бу фикрингизни анчадан бери тарғиб қилиб юрасизми? – деб сўради Нехлюдов.

– Менми? Анчадан бери. Эҳ, улар мени йигирма уч

йилдан бери кувишади?

– Нега кувишади?

– Исони қандай кувишса, мени ҳам шунақа кувишади.

Тутиб олиб судларга судрашди, попларга рўпара қилишди, китобпарастлар, бидъатчилар<sup>1</sup> олдига олиб боришди, жиннихоналарга ҳам тиқиб кўришди. Барибир, ҳеч нима қилишолмайди. Сабаби – мен ҳур одамман. Мендан: «Отинг нима?» – деб сўрашади. Ўзига биронта от қўйиб олгандир, деб ўйлашади-да. Менга ҳеч қанақа отнинг кераги йўқ. Мен ҳамма нарсадан кечганман: менинг отим ҳам йўқ, турар-жойим ҳам ватаним ҳам, – ҳеч нима йўқ. Бир ўзимман. Отимми? Одам! «Нечага киргансан?» – дейишади. Мен эса санаганим йўқ, санаб ҳам бўлмайди, нимагаки мен ҳамма вақт бўлганман, ҳамма вақт бўламан. «Отанг ким, онанг ким?» – деб сўрашади. Мен: «Отам ҳам йўқ, онам ҳам йўқ, менинг отам – Худо, онам – ер, шунинг учун менинг Худою ердан бўлак ҳеч нима йўқ», – дейман. «Подшони-чи, тан оласанми?» – деб сўрашади. Нега тан олмай? У ўзига подшо, мен ўзимга подшо дейман. Ана шундан кейин: «Э, сен билан гаплашиб бўлармиди», – дейишади. Мен эса: «Гаплаш деб ялинаётганим йўқ», – дейман. Шу зайлда мени қийнашгани қийнашган.

– Энди қаерга кетяпсиз? – деб сўради Нехлюдов.

– Худо насиб қилган жойга. Ишлайман, иш топмасам – тиланаман, – солнинг нариги соҳилга яқинлашиб келаётганини сезиб, чол гапини тугатди-да, эшитиб турганларнинг ҳаммасига голибона бир назар ташлаб қўйди.

Сол дарё соҳилига келиб тўхтади. Нехлюдов ҳамёнини олиб, чолга пул таклиф қилди. Чол олмади.

– Мен буни олмайман. Нон оламан, – деди у.

– Хайр, мени кечир.

– Нимани кечираман? Мени хафа қилмадинг-ку. Э, мен хафа бўладиган одам эмасман, – деди-ю, чол ечиб қўйган қопчиғини елкасига ола бошлади. Бу орада извошни

<sup>1</sup> Бидъат (арабча: – янгилик, янгилик киритиш; динга қарши хатти-ҳаракат) –

1) диний ақидаларга киритилган ўринсиз ислоҳ, динга хилоф янгилик; динда кейинчалик пайдо бўлган нарса; 2) эскидан қолган урф-одат, расм-русм.

киргокка тушириб отларни кўшиб кўйишган эди.

Нехлюдов барваста солчиларга чой пули бериб, извошга чикиб ўтирганда, извошчи:

– Нима қиласиз ўша билан гаплашиб, хўжайин, – деди. – Ўз йўлидан адашган саёк-ку.

Тепаликка чиқишганда, извошчи орқасига ўтирилиб қаради.

## XXII

– Қайси меҳмонхонага олиб борай?

– Қайсиниси яхшироқ?

– «Сибирской»дан яхшиси йўқ. Дюковники ҳам чакки эмас.

– Хоҳлаганингга олиб боравер.

Извошчи тагин якка кифт бўлиб ўтириб олиб, отларни ҳайдаб кетди. Бу шаҳарнинг бошқа шаҳардан фарқи оз эди. Ўша пастак болхонали, кўк томли уйлар, ўша черков, ўша дўконлар, катта кўчадаги магазинлар ва ўшанақа миршаблар. Фақат уйларнинг қарийб ҳаммаси ёғочдан ясалган, кўчаларга тош ётқизилмаган. Серқатнов кўчаларнинг бирида извошчи аравасини меҳмонхона олдида тўхтатди. Лекин мусофирхонада бўш номер йўқ экан, шунинг учун бошқасига боришди. Бунда бўш номер бор экан, шундай қилиб, Нехлюдов икки ойдан сўнг яна бир қадар озода ва шинам уйга жойлашди. Унга ажратилган номер серхашам бўлмасида, Нехлюдов извошда юриш, карвонсаройлар ва этаплардан кейин роҳат топди. Энг муҳими, битлардан қутулиш керак, чунки, этапларда бўлганда бит юқтирган, улардан тозалана олмаган эди. Жойлашди-ю, дарҳол ҳаммомга жўнади, у ердан ўзини шаҳарли қиёфасига келтирди – оҳорланган кўйлак, тахи бузилмаган шим, сюртук ва пальто кийиб, тўғри ўлка ҳокиминикига кетди. Катта ва семиз, қирғиз оти кўшилган шаддироқ извош Нехлюдовни каттақон, чиройли бино олдида келтирди. Бу ерга уни мусофирхона швейцари бошлаб келган эди. Бино олдида қоровуллар ва битга миршаб

турарди. Бинонинг олди ҳам, орқаси ҳам боғ, япроклари тушиб, сўппайиб колган тоғтерак ва қайинлар орасида арчалар, карағайлар, оқ карағайлар кўхаришиб, зич бўлиб туришарди.

Генерал бетоб бўлгани учун ҳеч кимни қабул қилмаётган экан. Нехлюдов бир амаллаб карточкасини хизматкор орқали киргизди, у хушxabар билан чиқди:

– Ташриф буюрсинлар.

Дахлиз, хизматкор, чопар, зина, паркети ялтиритаб артилган зал – буларнинг ҳаммаси Петербургдагига ўхшар, фақат ифлосроқ ва дабдабалироқ эди. Нехлюдовни кабинетга бошлаб киришди.

Чўмич бурун, пешонасининг бир неча ери гурра, боши тақир ва кўзларининг ости салқиган генерал, таъсирчан киши эди. Этнига татарча шойи тўн кийган бу одам-папирос ушлаган ҳолда кумуш таглик стаканда чой ичаётган эди.

– Ассалому алайкум! Чопон кийган ҳолда қабул қилаётганим учун кечирасиз-да. Ҳар ҳолда, қабул қилмагандан тузукроқ-ку, – деди у, тиришлар қат-қат бўлиб кетган йўғон гарданига чопонини тортиб кўяр экан. – Бироз тобим йўқроқ, ташқарига чиқмаяпманам. Дунёнинг бир четидаги бизнинг ўлкамизга сизни қақдай шамол учирди?

– Маҳбуслар гуруҳи билан келдим, улар ичида менга яқинроқ бир одам бор, – деди Нехлюдов – Шунинг учун жаноб ҳазратлари ҳузурига қисман шу киши ва яна бир иш ҳақида илтимос билан келдим.

Генерал папиросини қаттиқ тортиб чекди-да, уни кулдонга эзиб ўчирди, чойдан хўплаб, шишинкираган қисик, ўткир кўзларини Нехлюдовдан олмай диққат билан кулок солди. Фақат Нехлюдовнинг чекишни истайдими-йўқлигини сўраш учунгина гапини бўлди.

Генерал либераллик ва инсонпарварликни ўз касби билан биргаликда олиб бориш мумкинлигига ишонган ҳарбий олимлар жумласига мансуб эди. Лекин табиатан ақлли ва шафқатли киши бўлганидан буларни бирга қўшиш мумкин эмаслигига тез орада кўзи етди ва бу ички қарама-

қаршилиқни кўрмаслик учун ҳарбийлар орасида кенг тарқалган майхўрлик одатига тобора кўпроқ берилиб кетди ва ўттиз беш йиллик ҳарбий хизматдан кейин докторлар алкоголик деб атаган иллатга мубтало бўлди. Бутун вужудидан май ҳиди келарди. Кайф қилиш учун бирозгина ичса кифоя эди. Майхўрлик унинг учун бир зарурат бўлиб, ичмасдан турулмас эди, шунинг учун ҳар кун кечқурун қаттиқ маст бўлса ҳам, у бу ҳолатга шундай ўрганиб олган эдики, гандиракламас ҳам, бемаъни гаплар гапирмас ҳам эди. Мабодо гапирган тақдирда ҳам, шу қадар юксак мавкени эгаллагани учун уни доно гап деб қабул қилишарди. Фақат эрталаб у ақлли кишига ўхшар ва ўзига айтилган гапларни тушуна олар, «ароқхўр-у, ақл жойида» деганларидек, у ҳам ўз вазифасини яхшими-ёмонми бажаришга қодир эди. Юқори мартабали амалдорлар унинг пияниста эканлигини билишарди. Лекин у пиянисталикка йўлиқмасдан бурун қандай билимдон бўлса, кейин ҳам шу савияда қолган, шундай бўлса ҳам, ҳар ҳолда, бошқалардан маълумотлироқ, журъатли, эпчил, салобатли эди, мастлик чоғларида одоб сақлаб ўзини тута биларди, шунинг учун уни ҳозир эгаллаб турган амалига тайинлашиб, шу масъулиятли ўринда сақлаб қилишарди.

Нехлюдов ўзини қизиқтирган шахс хотин киши эканлигини, у ноҳақ кесилганини ва гуноҳини ўтишларини сўраб подшо номига ариза берилганини айтди.

– Ҳўш, сўнгра-чи? – деди генерал.

– Ана шу хотиннинг тақдири ҳақидаги хабарни шу ойдан кечиктирмасдан менга шу ерга юборишларини Петербургда ваъда қилишган эди...

Генерал кўзларини Нехлюдовдан олмай қалта бармоқли қўлини столга чўзиб қўнғироқ чалди, папирোসини тутатиб, қаттиқ-қаттиқ йўталиб, унинг сўзига жимгина кулоқ солди.

– Илтимос қилардим, аризага жавоб келгунча, иложи бўлса, ўша хотин шу ерда тўхтатиб турилса.

Ҳарбийча кийинган лакей, деншчик кирди.

– Сўрагин-чи, Анна Васильевна турибдимикин, –

деди унга генерал, – ундан кейин бизга чой келтир. Хўш, яна нима? – деди генерал Нехлюдовга юзланиб.

– Менинг иккинчи илтимосим, – деб сўзини давом этдирди Нехлюдов, – шу гуруҳда кетаётган бир сиёсий маҳбус тўғрисида.

Генерал маънодор қилиб калласини силкитиб:

– Ҳо, ҳали шунақа денг! – деб қўйди.

– Оғир касал – ўлим тўшагида ётибди. Ўзини ҳам шу ерда, касалхонада қолдиришса керак. Сиёсий маҳбус хотинлардан бири унинг ёнида қолишни истайди.

– Касалга бегонами?

– Бегона-ю, агар қолдиришса, ўша маҳбусга тегишга ҳам тайёр.

Генерал чакнаб турган кўзларини унга қаттиқ тикиб олиб жимгина кулоқ солар, афтидан, шу қараши билан ҳамсухбатини хижолат қилгиси келар, тинмай папирос чекар эди.

Нехлюдов сўзини тугатганда, у стол устидан бир китобни олди-да, бармоқларини ҳўллаб варақлай кетди, кейин някоҳ тўғрисидаги моддани топиб ўқиди.

– У хотин нима жазога ҳукм қилинган? – деб сўради бошини китобдан кўтариб.

– Каторгага.

– Никоҳдан кейин ҳам, барибир, маҳбуснинг аҳволи яхшиланмайди.

– Ахир...

– Шошманг. Агар у хотинга озод эркак уйланган тақдирда ҳам, у жазосини тортиши керак. Бу ерда: қайси бири оғирроқ жазога муносиб – хотинми, эркакми, деган савол туғилади.

– Икковлари ҳам каторга жазосига ҳукм қилинган.

– Вассалом, – деди қулиб генерал. – Эркак нима бўлса, хотин ҳам шу экан. Эркакни касаллиги учун қолдириш мумкин, – деди у сўзини давом этдириб, – шуниси ҳам борки, унинг аҳволини яхшилаш учун нимаики қилиш мумкин бўлса, ҳаммаси қилинади, лекин аёл, унга теккан тақдирда ҳам, бу ерда қола олмайди...



– Генерал хоним, қаҳва ичяптилар, – деди хизматкор.  
Генерал унга бошини силкиб қўйди-да, гапини давом  
этдирди:

– Хайр, яна ўйлаб кўраман. Фамилиялари нима? Ёзиб  
беринг, мана бу ерга.

Нехлюдов ёзиб қўйди.

Нехлюдов касал билан кўришишга ижозат сўраган  
эди, генерал:

– Бунга ҳам рухсат қилолмайман. Мен, сиздан гумон-  
сираётганим йўқ, албатта, – деди. – Сиз ўшалар ва бошқалар  
билан қизиқасиз, сизда пул бор. Бу ердаги бизнинг одам-  
ларимиз ҳаммаси сотқин. Порахўрликни тугатинг, дейиша-  
ди менга. Ҳамма порахўр бўлгандан кейин, ахир, қандай  
килиб тугатиб бўлади? Амали қанча паст бўлса, улар ораси-  
да порахўрлик шунча кўп. Қизик, беш минг чақирим кела-  
диган жойдан қайси бирини тутиб бўлади? Мен бу ерда  
қандай султон бўлсам, у ҳам ўз ерида шунақа султон, –  
генерал кулди. – Сиз сиёсийлар билан кўришгансиз, уларга  
пул бергансиз, улар сизни турмага киргизишган, а, ростдан  
ҳам шундай эмасми? – деди у кулимсираб. – Шундай, а?

– Ҳа, рост.

– Биламан, шундай қилишга мажбурсиз. Сиёсий  
махбусни кўргингиз келади. Унга ачинасиз. Турма назорат-  
чиси ё конвой берган пулингизни олади, чунки ойлиги икки  
танга, холос, бола-чақаси бор, олмай иложи йўқ. Сизнинг ва  
униинг ўрниингизда мен бўлсам, мен ҳам шундай қилардим.  
Лекин-ўтирган ўрнимда қонундан заррача ҳам ташқарига  
чиқишим мумкин эмас, чунки мен одамман, мен ҳам раҳм-у  
шафкат кўчасига кириб кетиб қолишим мумкин. Мен ижро-  
чи одамман, менга бу вазифани маълум шартлар билан  
ишониб топшириб қўйишган, шунинг учун мен бу ишончини  
оқлашим керак. Хайр, бу масала тамом энди. Қани,  
пойтахтингизда нима гаплар бор, шулардан гапириб беринг.

Генерал айни замонда ҳам янгиликларни билгиси, ҳам  
ўзининг салмоқдор ва одампарвар одам эканлигини кўрсат-  
гиси келиб турган бўлса керак, ундан ҳар хил нарсаларни  
сўрар, ўзи ҳам сўзлар эди.

– Хўш, айтинг-чи, қаерга кўндингиз? Дюкникига? Э, у ер ёмон-ку. Ундай бўлса, тушки овқатга келинг, – деди генерал, Нехлюдовга жавоб бера туриб. – Соат бешда. Инглизча гаплашасизми?

– Ҳа, гаплашаман.

– О, жуда соз. Билсангиз, бу ерга бир инглиз сайёҳи келган. У Сибирдаги турмалар ва сургун жойларни ўрганиб юрибди. Ана шу киши бизникига меҳмон бўлади, сиз ҳам келинг. Тушлик соат бешда, хотиним ваъдада туришни талаб қилади. Келганингизда ҳалиги хотин тўғрисида ҳам, касал тўғрисида ҳам сизга жавоб айтаман. Балки, касал ёнида бирон кишини қолдириш мумкин бўлар.

Нехлюдов генералга таъзим қилиб чикди-да, кўтаринки руҳ билан тўғри почтага қараб кетди.

Почта биноси гумбаз каби пастаккина уй эди. Амалдорлар конторка орқасида ўтириб, тикилишиб турган одамларга почта улашарди. Бир амалдор бошини қийшайтириб, бармоқлари тез-тез суриб турган конвертларга муҳр босарди. Нехлюдовни узоқ кутдиришмади, фамилиясини билишиб, дарҳол бир ўрам қоғоз келтириб беришди. Булар ичида пул, бир неча хат, китоблар, «Отечественные записки» журналининг сўнгги сони бор эди. Нехлюдов хатларини олди, қўлида китобча билан алланарсани кутиб скамейкада ўтирган аскар олдига борди-да, унинг ёнига ўтириб, олган хатларини кўздан кечира бошлади.

Буларнинг орасида чиройли конверт устидаги қизил сўрғичга равшан қилиб муҳр босилган битта буюртма хат ҳам бор эди. У конвертни очди-ю, Селениннинг аллақандай расмий қоғоз билан бирга қўшиб юборган хатини кўриб, юзига қон югурганини ва юраги ўйнай бошлаганини сизди. Бу – Катюшанинг иши юзасидан чиқарилган қарор эди. Қандай қарор экан? Наҳотки рад қилишган бўлса? Нехлюдов майда, ўқилиши қийин, лекин эгри-букри ҳарфлар билан ёзилган хатга шошиб-пишиб кўз югуртириб чикди-ю, суюниб чуқур тин олди. Қарор ижобий эди.

« – Азиз дўстим, – деб ёзган эди Селенин. – Сўнги суҳбатимиз менда қаттиқ таассурот қолдирди. Маслова тўғрисидаги гапинг тўғри экан. Мен ишини диққат билан қараб чиқиб, унга нисбатан ўтакетган ноинсофгарчилик қилинганини кўрдим. Бу хатони фақат ариза қабул қиладиган комиссиягина тузатиши мумкин эди, сен ҳам аризани ўша ерга берган экансан. Мен аралашиб ишнинг ўша ерда ҳал қилинишига мўяссар бўлдим, мана энди афв этилганлиги тўғрисидаги қўғознинг кўчирилган нусхасини графиня Екатерина Ивановна берган манзил бўйича сенга юборяман. Қўғознинг асл нусхаси у суд маҳалида ўтирган қамоқхонага юборилди, улар ҳам дарҳол Сибирь Бош бошқармасига юборишса керак. Сенга шу хушxabарни тезроқ етказишга шошилдим. Кўлингни дўстона сиқиб қоламан. Селенининг».

Қўғознинг мазмуни куйидагича эди:

«Император ҳазратларининг зоти олий номларига афв сўраб юборилган аризаларни қабул қилиш девонхонаси. Фалон иш, фалон тадбир. Фалон стол, фалон кун, фалон йил. Зоти олий номларига афв сўраб юборилган ариза олинishi билан император ҳазратлари девонхонасининг бош мудури буйрузига мувофиқ мешчанка Екатерина Масловага маълум қилинадурким, император ҳазратлари мутелик билан қилинган арзни эшитиб, Маслованинг илтимосига илтифот айлаб, каторгани Сибирнинг унча олис бўлмаган ерига сургун қилиш билан алмаштириш тўғрисида фармони олий бердилар».

Бу қувонтирадиган муҳим хабар эди: Нехлюдов Катюша учун, кўйинг-чи, ўзи учун ҳам орзу қилиши мумкин бўлган нарсалар юзага чиққан эди. Рост, Катюшанинг аҳволидаги бу ўзгариш унга бўладиган муносабатида янги қийинчиликлар туғдирарди. Катюша каторгачи бўлиб турган пайтларида Нехлюдов унга таклиф қилган никоҳ сохта никоҳ бўлиб, фақат унинг аҳволини енгиллаштиришигина мумкин эди. Энди бирга яшашларига ҳеч нима тўғон бўлолмас эди. Буни эса Нехлюдов назарида, тутмаган эди. Булардан ташқари, Катюшанинг Симонсон билан муносаба-

ти-чи? Катюшанинг кечаги сўзлари қандай маънода эди? Мабодо у Симонсон билан топишишга рози бўлса, бу яхши бўлармиди ё ёмон? Нехлюдов бу фикрларнинг тагига ҳеч етолмасак, энди булар ҳақида ўйламай қўйди. «Бу нарсалар кейин маълум бўлади, – деб ўйлади у, – ҳозир эса Катюшани, иложи борича, тезроқ кўриш, хушxabарни айтиш ва уни кутказиш керак». У, қўлимдаги кўчирма нусха Катюшани озод қилишга кифоя, деб ўйларди. Шунинг учун почта конторасидан чиқа солиб, извошчига, тўғри авахтага қараб ҳайда, деб буюрди.

Авахтага эрталаб боришни генерал тақиб қилганига қарамай, Нехлюдов, юқори мартабали бошлиқлардан ундириб бўлмайдиган нарсани кўпинча пастки мартабали амалдорлардан осонгина ундиришни тажрибада билгани сабабли, Катюшага хушxabарни айтиш, иложи бўлса, озод қилиш, айна замонда Крильцовнинг саломатлигини билиш, унга ва Марья Павловнага генерал айтган нарсаларни эшитдириш учун, нима қилиб бўлса ҳам, авахтага киришга жазм қилди.

Авахта мутасаддиси новча бўйли, йўғон, басавлат киши бўлиб, мўйлов қўйган ва икки чаккасида ўсган соқолининг учи қайрилиб тушган эди. У Нехлюдовни рўйхуш бермай қабул қилди ва бошлиқнинг ижозатисиз бегона кишиларни маҳбуслар билан кўриштира олмаслигини шартта айтди. Нехлюдов пойтахт турмаларида кўришишга рухсат берганларини айтиб эди, назоратчи:

– Эҳтимол, рухсат беришгандир, лекин мен йўл қўя олмайман, – деб жавоб берди. Унинг сўз оҳангида: «Сиз, пойтахтлик жаноблар, бизни ҳайрон қолдириб оғзимизни очиб қўймоқчисизлар-да. Йўқ, биз Шарқий Сибирда ҳам тартибни қаттиқ сақлаймиз ва сизларга кўрсатиб қўямиз», – деган маъно бор эди.

Подшо аъзамларининг ўз девонхонасидан чиққан фармон нусхаси ҳам назоратчига таъсир қилмади. У Нехлюдовни турмага киргизишдан қатъиян бош тортди. Нехлюдовнинг соддадиллик қилиб: «Маслова фармоннинг шу нусхаси кўрсатилиши билан озод қилиниши мумкин», – деган гапига назоратчи нафрат билан кулиб қўйди-да, бировни

озод қилиш учун ўзининг бевосита бошлиғидан буйруқ бўлиши кераклигини айтди. Лекин у Маслованинг афв этилганини ўзига етказишга ва бошлиғидан буйруқ келди дегунча уни бир зум ҳам тутмасликка ваъда берди.

Крильдovнинг соғлиги тўғрисида ҳам бир нима дейишдан бош тортди. Ҳатто шундай маҳбус борлигини айтиши мумкин эмаслигини билдирди. Нехлюдов шу тариқа ҳеч нарса қилолмай извошига ўтириб, мусофирхонага жўнаб кетди.

Мутасаддининг қаттиқ муомалада бўлишининг сабаби шу эдики, меъёрга қараганда икки ҳисса тўлиб кетган турмада бу вақтда ялписига тиф касали тарқалган эди. Нехлюдовни олиб кетаётган извошчи йўлда унга: «Турмада халқ қирляпти, улар орасида аллақандай ўлат пайдо бўлган. Кунда йигирма чоғлик одамни кўмишади» деди.

## XXIV

Турмадаги муваффақиятсизликка қарамай, боягидай димоғи чоғ, ҳаяжонга келган, ғайратга кирган Нехлюдов, Маслованинг афв этилганлиги тўғрисида қоғоз келган-келмаганлигини билиш учун, губернатор маҳкамасига кетди. Қоғоз келмаган экан, шунинг учун Нехлюдов мусофирхонага қайтди-ю, бир зум кечиктирмасдан Селенин билан адвокатга шу тўғрида хат ёзишга ўтирди. Хатни тугатиб соатига қаради. Генералникига бориш пайти келган эди.

Йўлда миясига яна Катюша ўзининг афв этилганлигига қандай қарар экан, деган фикр келди. Уни қаерга жойлашар экан? Нехлюдов Катюша билан қандай турар экан? Симонсон нима қилади? Катюшанинг унга муносабати қандай экан? Нехлюдов Катюшада юз берган ўзгаришни ўйлади. Айни замонда унинг ўтмишини ҳам эслади.

«Бунини унутиш, хотирдан чиқариб юбориш керак, — деб ўйлади-ю, яна миясидан Катюша ҳақидаги ўйлари кувшишга шошилди. — Кўраминиз-да», — деди у ўзига, кейин генералга айтадиган гапларини ўйлай бошлади.

Нехлюдов бадавлат одамлар ва олиймаком амалдорлар ҳаётининг ҳашаматини кўра-кўра кўзи пишиб қолган эди, анчадан бери серхашам ҳаёт тугул, балки оддий қулайликлардан ҳам маҳрум бўлган Нехлюдов учун генерал-никидаги зиёфат унинг жонига аро кирарди.

Уй бекаси Петербургда *grande dame*<sup>1</sup> аталган табақага мансуб бўлиб, Николай саройининг собиқ фрейлини<sup>2</sup> эди, у французчани табиий, русчани ғайри табиий гапирар эди. У коматини тик тутар, қўлларини ҳаракатга келтирганда ҳам тирсақларини белидан олмас эди. У ўзини вазмин тутар, эрини қайғу аралаш ҳурмат қилар, меҳмонларига эса, уларнинг шахсларига қараб турли муомалада бўлса-да, ҳаддан зиёд меҳрибончилик кўрсатарди. У Нехлюдовни сезилмайдиган даражадаги хушомадгўйлик билан ўз одамидай қабул қилди. Натижада Нехлюдов ўзининг бутун фазилатларини янада янгидан кўриб, танаси яйраб кетди. У Нехлюдовнинг Сибирга келтирган, ғалати, лекин ҳалол ишини билганини ва уни ажойиб киши деб ҳисоблаганини сезарди. Бу нозик хушомадгўйлик ва генерал уйидаги ҳаётнинг дабдабаси Нехлюдовни шундай қамраб олдики, у чиройли анжомлар, ширин таомлар ва ўзи одатланиб қолган доирага мансуб яхши тарбияли одамлар билан қилинадиган енгил ва ёқимли муносабатлар бахш этган ҳузур-ҳаловатга берилиб кетди, сўнгги вақтларда яшаб ва кўриб турган нарсалари гўё туш эди-ю, энди уйғониб ҳақиқий ҳаётга қайтгандай бўлди.

Зиёфатда уй ичидагилар – генералнинг қизи билан куёви ва адъютантдан ташқари бир инглиз, тиллафуруш ва узок Сибирь шаҳарларининг биридан меҳмон бўлиб келган губернатор бор эди. Бу одамларнинг ҳаммаси Нехлюдовга ёқар эди.

Инглиз соғлом, бетлари кип-қизил киши бўлиб, французчани ўлгудай ёмон гапирар, лекин инглизчани ниҳоятда яхши, нотиклар сингари фасоҳат билан сўзлар эди. У кўп

<sup>1</sup> *Grande dame* (французча) – кибор хотин.

<sup>2</sup> *Фрейлин* – малика ёки қиролича ҳузурда хизматда бўлган, дворян оиладан чиққан аёл.

нарсаларни кўрган ва Америка, Ҳиндистон, Япония ҳамда Сибирь тўғрисидаги ҳикоялари билан ҳангомани қизитиб ўтирарди.

Лондонда тикилган гавҳар запонкали фрак кийган каттакон кутубхонаси бўлган, хайрия йўлига кўп инъомлар қилган ва европача либерал маслакда бўлган тиллакон хўжайини, деҳқонвачча ёш савдогар Нехлюдовга ёқди. Соғлом деҳқон танасига пайванд қилинган Европа маданиятининг ўзида акс этдирган, янги ва яхши маърифат эгаси бўлган бу одам уни қизиқтирди. Узоқ шаҳар губернатори Нехлюдов Петербургда эканида одамлар оғзидан тушмай қолган ўша департамент директори эди. Бу хомсемиз кишининг сийрак сочлари жингалак, кўк кўз, узук таққан оппоқ қўлларининг бармоқлари йўғон, табассуми ёқимли эди. Бу губернаторни уй эгаси шунинг учун кадрлардики, порахўрлар ичида ёлғиз угина пора олмас эди. Мусикани жон-у дилидан яхши кўрадиган ва ўзи ҳам пианинони яхши чаладиган уй бекаси эса уни яхши мусиқачи бўлгани ва ўзи билан тўрт қўллашиб пианино чалишгани учун кадрларди. Нехлюдовнинг кайфи шу қадар чоғ эдики, бу киши ҳам унга бугун нохуш кўринмасди.

Ҳар ишда хизматини тақлиф қилиб турадиган, ғайратли, ияги кўкитир офицер – адъютант хушчақчақ бўлгани учун ҳаммага ёқар эди.

Ҳаммасидан Нехлюдовга генералнинг мулоим қизи билан куёви манзур бўлди. Генералнинг қизи хушрўй эмас, бутун фикри-зикри икки боласида бўлган содда дил ёш жувон эди. Ота-онаси билан узоқ вақтгача тортишиб, ўзи яхши кўриб теккан эри Москва университетининг либерал номзоди, камтарин ва ақлли киши бўлиб, хизмат қилар, статистика билан машғул бўлар, айниқса ўзга миллат кишилари билан қизиқар, уларни ўрганар, севар ва қирилишлан сақлаб қолишга тиришарДИ.

Ҳамма Нехлюдовга сертакаллуф муомала қилар, афтидан, у янги ва мароқли шахс бўлгани учун хурсанд эди. Генерал овқатга ҳарбий кийимда, кўкрагига оқ хоч такиб чиқди-ю, Нехлюдов билан эски ошнасидай кўришиб, дарҳол



меҳмонларни тамадди қилишга ва ароққа таклиф этди. Генерал Нехлюдовдан бу ердан кетгандан кейин нима қилганини сўраган эди, у почтага борганлигини, эрталаб айтган кишиси афв этилганини сўзлаб, турмага боришга ижозат беришини яна илтимос қилди.

Зиёфат устида ишдан гапирилгани учун норози бўлган генерал қовоғини солиб, жавоб қилмади.

– Ароқ ичасизми? – деди у ёнига келган инглизга франсуз тилида.

Инглиз ароқни ичди-да, бугун черковда, сўнг заводда бўлганини, катта турмани ҳам бориб кўришни истаганини айтди.

– Жуда соз, – деди генерал, Нехлюдовга юзланиб, – бирга борсангиз бўлади. Буларга рухсатнома беринг, – деди кейин адыютангга.

– Сиз қачон бормоқчисиз? – деб сўради Нехлюдов инглиздан.

– Мен турмаларга кечқурун боришни маъқул кўраман, чунки бошлиқларнинг ҳаммаси уйларида бўлишади, тайёргарлик кўрилмайди, ҳамма нарсани ўз ҳолича кўриш мумкин, – деди инглиз.

– Э, турмани бутун латофати билан кўрмоқчи эканда? Кўраверсин. Неча марталаб ёздим, менга қулоқ солишмади. Майли, энди чет эл матбуотидан билиб олишсин, – деди генерал, кейин уй бекаси меҳмонларни таклиф этган емак столи ёнига келди.

Нехлюдов уй бекаси билан инглиз ўртасидан жой олди. Рўпарасида эса генералнинг қизи билан департаментнинг содиқ директори ўтирарди.

Овқат устида у ёқдан-бу ёқдан гаплашиб ўтиришди, гоҳ Ҳиндистон ҳақида (бу тўғрида инглиз ҳикоя қилиб берди), гоҳ Тонкинга аскар юбориш ҳақида (буни генерал каттиқ қоралади), гоҳ Сибирдаги умумий қувлик ва пора-хўрлик ҳақида гап борди. Бу гапларнинг ҳаммаси Нехлюдовни кўп қизиқтирмас эди.

Лекин овқатдан кейин, меҳмонхонада қаҳва ичишга

Ўтирганларида инглиз билан уй бекаси ўртасида Гладстон<sup>1</sup> ҳақида жуда мароқли суҳбат бўлди; шу суҳбатда, Нехлюдовга инглиз жуда кўп бамаъни гаплар айтгандай, унинг сўзлари ҳамсуҳбатларга манзур бўлгандай туюлди. Яхши овқатдан, ичкиликдан сўнг юмшоқ креслода ўтириб, мулоим ва назокатли одамлар орасида қаҳва ичиш Нехлюдовга тобора хузур қиларди. Инглизнинг илтимосига кўра уй бекаси собиқ департамент директори билан фортепиано ёнига ўтириб, Бетховеннинг<sup>2</sup> яхши ўрганиб олишган Бешинчи симфониясини чалиб юборишганда, Нехлюдов ўзидан мамнун бўлган чоғларида ҳис этадиган узоқ вақтлардан бери сезмаган руҳий ҳолатга келиб, ўзининг қанчали яхши киши эканлигини эндигина пайқагандай хурсанд бўлиб кетди.

Рояль<sup>3</sup> ажойиб, симфония ҳам жуда яхши чалинди. Шу симфонияни севадиган ва биладиган Нехлюдовга, ҳар ҳолда, шундай туюлди. Секин ва равон чалинадиган ажойиб мусиқа асарини эшитаркан, ўзи ва ўзининг барча фазилатлари устида ўйлаб кўнгли эриб, бурнининг ичи қичишганини сезди.

Нехлюдов узоқ вақтдан бери қилмаган роҳати учун уй бекасига ташаккур билдириб, энди хайрлашиб кетмоқчи бўлиб турганда генералнинг қизи дадил юриб келди-да, қизариб-бўзариб:

– Болаларимни сўраган эдингиз, кўришни хоҳлайсизми? – деди.

Онаси қизининг ёқимли, лекин ўринсиз ҳаракатига кулиб:

– Назарида, ҳамма бунинг болалари билан қизикади, – деди. – Князь ҳеч қизикмайди.

– Аксинча, жуда, жудаям қизиқ, – деди Нехлюдов, жомидан тошиб тушаётган бу бахтли она меҳридан таъсирланиб. – Марҳамат, кўрсатинг.

<sup>1</sup> Уильям Юарт Гладстон (1809-1898) – инглиз сиёсий арбоби ва ёзувчиси Буюк Британиянинг 41- (1868-1874), 43- (1880-1885), 45- (1886-йил февраль – август) ва 47-й (1892-1894) Бош Вазир лавозимларида ишлаган.

<sup>2</sup> Людвиг ван Бетховен (1770-1827) – немис композитори, пианиночи ва дирижёр.

<sup>3</sup> Рояль (французча: royal – қиролга оид, тегишли) – торлари, қопқоғи ва механизми горизонтал жойлашган, клавишли мусиқа асбоби.

Карта ўйналадиган стол ёнида куёви, тиллакон хўжайини ва адъютанти билан ўтирган генерал:

– Болаларни кўрсатиш учун князни олиб кетяпти, – деб кулди. – Боринг, боринг, бурчингизни бажаринг.

Ёш жувон, болаларим тўғрисида ҳозир князь нима дер экан, деган фикрдан ҳаяжонга тушаётган бўлса керак, илдам қадам ташлаб, Нехлюдовнинг олдига тушиб ичкари уйга кириб борарди. Оқ гул қоғоз ёпиштирилиб қора абажурли<sup>1</sup> кичкина чироқ ёқиб қўйилган учинчи уйда иккита каравотча ёнма-ён турар, улар орасида сибирликларга хос меҳрли, ёноқлари туртиб чиққан энага оқ кийим кийиб ўтирарди. Энага ўрнидан туриб салом берди. Ёш она биринчи каравотча устига энгашди-ю – у ерда узун жингалак сочлари ёстиқ устида сочилиб ётган икки ёшли қизча оғизчасини очиб ухларди.

Жувон бир учидан оппоқ оёқчалари чикиб турган ҳаворанг йўлли, тўқима аёлни тузата туриб:

– Мана бу Катя, – деди. – Яхшими? Энди иккига кирди, холос.

– Чиройли!

– Буниси Васюк, буваси шундай исм қўйди. Бутунлай бошқа кўринишдаги бола, сибирликларга хос. Шундай эмасми?

– Жуда аломат бола, – деди Нехлюдов, кўрагини бериб ётган гўдакни томоша қилиб.

– Ростданми? – деди онаси, маънодор кулиб.

Нехлюдов кишанларни, сочлари қирилган бошларни, калтакларни, бузуқликларни, ўлим тўшагида ётган Крильцовни, Катюшани бутун ўтмиши билан эслади. Шу он унда ҳасад уйғонди ва шундай бахтга эришгиси келди, унинг назарида – бу пок ва гўзал бахт эди.

Нехлюдов гўдакларни қайта-қайта мақтаб ва бу мақтовлардан терисига сиғмаган жувонни бироз қаноатлантиргандан кейин меҳмонхонага қайтиб чиқди; турмага бирга

<sup>1</sup> Абажур (французча: abat-jour – ёруғликни қайтарувчи) – керакли ёруғликни бир жойга тўплаб тушириш ёки кўзни ёруғлик нуридан пана қилиш учун чироқ устига ўриятиладиган, шиша, мато, металл ва шу кабилан ясалган қашоқ.

борамиз деб келишиб қўйган инглиз Нехлюдовни у ерда кутиб ўтирган эди. Нехлюдов қари ва ёш мезбонлар билан хайрлашиб, инглиз билан бирга ташқарига чиқди.

Ҳаво ўзгарган эди. Қор элаб ёғар, йўлларни, томларни, боғдаги дарахтларни, уй олдини, извош тепасини ва отларнинг сағрисини қор босган эди. Инглизнинг ўз экилажи бор эди. Нехлюдов унинг извошчисига авахтага боришни буюриб, ўз извошига ёлғиз ўтирди. Кўнгилсиз бир вазифа билан кетаётгани учун дилгир бўлган, қорда зўрға юраётган юмшоқ извошда ўтирган Нехлюдов инглизнинг орқасидан турмага жўнади.

## XXV

Энди ҳамма ёқни – дарвоза олдини, томни ва деворларни тоза, оппоқ қор қоплаганига қарамай, дарвозасининг олдида соқчи турган ва чироқ ёқиб қўйилган, кўча юзидаги ҳамма дарвозаларидан ёруғ тушиб турган авахтанинг баҳайбат биноси эрталабкидан кўра яна ҳам хунукроқ таассурот қолдирарди. Забардаст мутасадди дарвозага чиқди-да, Нехлюдов билан инглизга берилган рухсатномани чироқда ўқиб, хайрон бўлиб кенг кифтларини учирди-да, буйруққа итоат қилиб, меҳмонларни бошлаб кириб кетди. Олдин уларни ҳовлига олиб кирди, кейин чапдаги эшик орқали зина билан идорага бошлаб олиб борди. Меҳмонларни ўтиришга таклиф қилгач, нима хизмат билан келганликларини сўради. Нехлюдовнинг Масловани кўрмоқчи бўлганини билиб, Катюшани олиб келиш учун назоратчини юборди-да, саволларга жавоб беришга тайёрланди. Нехлюдов инглизнинг саволларини таржима қилиб бериб турди.

– Қалъа неча кишига мўлжаллаб қурилган? – деб сўради инглиз. – Маҳбуслар қанча? Эркаклар, аёллар, болалар қанча? Каторгачилар, сургун қилинганлар ва ўз ихтиёрлари билан эргашиб кетаётганлар қанча? Касаллар қанча?

Нехлюдов инглизнинг ҳам, мутасаддининг ҳам сўзларининг маъноларига чуқур тушунмай таржима қиларди,

чунки Маслова билан кўришиш олдидан кутилмаган бир хижолатпазликка тушиб қолган эди. Инглизга таржима қилиб бериб турган пайтида, гапини тамомламасдан оёқ товущи яқинлашиб келаётганини эшитиб, сўнг идора эшиги очилди. Худди илгаригидек, аввал назоратчи, унинг орқасида бошига рўмол ўраб, маҳбус кофтаси кийиб олган Катюша кириб келганда, Нехлюдов уни кўриб, бир хил бўлиб кетди.

Катюша кўзларини ердан олмай тез-тез қадам ташлаб уйга кириб келаётганда, Нехлюдовнинг миясидан: «Мен яшашни истайман, оила қилиш, бола-чақа кўришни истайман, инсонларча ҳаёт кечиришни истайман», – деган фикр ўтди.

Нехлюдов ўрнидан туриб, бир неча қадам ташлаб унга пешвоз борди, Катюшанинг чехраси унга қаҳрли, ёқимсиз кўринди. Унинг чехраси бир маҳаллар Катюша уни таъна қилган пайтдагидай қаҳрли эди. Катюша қизарар, бўзарар, қалтироқ бармоқлари кофтасининг этагини бурар, гоҳ унга қарар, гоҳ кўзларини ерга тикарди.

– Беласизми, сизни афв этишибди? – деди Нехлюдов.

– Ҳа, назоратчи айтди.

– Мана энди, қоғоз келиши билан қутулиб чиқишингиз, хоҳлаган ерингизда маскан тутишингиз мумкин. Яна ўйлашиб кўраимиз...

У шошиб Нехлюдовнинг сўзини бўлди:

– Ўйлашиб нима қиламиз? Владимир Иванович қаерга борса, мен ўша ерга бирга кетаман.

У кучли ҳаяжонга келганлигига қарамай, кўзларини кўтариб Нехлюдовга қаради-да, худди айтадиган гапини илгаридан тайёрлаб қўйгандек, тез ва бурро гапирди.

– Шунақа денг! – деди Нехлюдов.

– Владимир Иванович бирга турайлик дегандан кейин, – у чўчиб тўхтади-ю, гапини тўғрилади, – ёнимда бўлсангиз дегандан кейин нима қилай. Менга бундан ортик нима керак! Мен буни бахт деб ҳисоблашим керак. Нима иложим бор?

«Иккисидан бири: ё у Симонсонни яхши кўриб қол-

ган-у, мен хаёл қилган фидокорликни истамайди ёки ҳамон мени севади-ю, лекин менинг фойдам учун мендан воз кечяпти, ўз тақдирини Симонсон билан боғлаб, ишни бир ёклик қилмоқчи», – деб ўйлади-ю, Нехлюдов уялиб кетди. Юзига қизил югура бошлаганини сезди.

– Агар уни севсангиз...

– Севиш-севмаслик нима? Мен севгидан кечганман, Владимир Иванович бутунлай бошқача одам.

– Ҳа, албатта, – деб Нехлюдов гап бошлади, – У ажойиб одам, шунинг учун, менинг ҳам фикрим...

Нехлюдовнинг ортиқча бир гап айтиб қўйишидан ёки ўзи айтадиган гапни айтолмай қолишидан кўрқаётгандек, Катюша яна унинг сўзини бўлди.

– Йўк, Дмитрий Иванович, сиз хоҳлаган нарсани қилмаганим учун мени кечиринг, – деди у, Нехлюдовга ўзининг кийғоч, сирли боқиши билан. – Начора, тақдир шундай кўринади. Сиз ҳам яшашни истайсиз.

У Нехлюдовнинг боя ўзига-ўзи айтган гапини такрорлади, лекин Нехлюдов ҳозир сира ҳам буни ўйламас, бошқа нарса устида ўйлар, бошқа нарсани ҳис қилиб турар эди. У айнаи вақтда уялар, Катюша билан бирга йўқотадиган нарсаларига ачиғиб турарди.

– Мен бундай бўлишини кутмаган эдим, – деди у.

– Бу ерда қолиб, кийнаиб нима қиласиз. Шунча кийналганингиз ҳам етар, – деди Катюша ғалати қилиб, жилмайиб қўйиб.

– Ҳеч кийналганим йўк, аксинча, менга яхши бўлди, агар қўлимдан келса, сизга яна хизмат қилишни истардим.

– Бизга, – Катюша «бизга» деди-ю, унга бир қараб қўйди, – ҳеч нима керак эмас. Ҳали ҳам мен учун шунча меҳрибонлик қилдингиз. Сиз бўлмаганингизда... – у бир нима демоқчи бўлди-ю, товуши титраб кетди.

– Менга раҳмат айтишингиз мумкин эмас, – деди Нехлюдов.

– Ҳисоблашиб ўтириш нима ҳожат? Ҳисобимизни Худо тўғриласин, – деди Катюша ва қора кўзларида пайдо бўлган ёш ялтирай бошлади.

– Қандай яхши аёлсиз, – деди у.

У кўз ёшлари орасидан:

– Мен-а? – деди-ю, аянч бир табассум чехрасини ёритди. Шу орада инглиз:

– Are you ready<sup>1</sup>? – деб қолди.

Нехлюдов унга:

– Directly<sup>2</sup>, – деди-да, Крильцов тўғрисида сўради.

Катюша ҳаяжонини босиб олган эди, билган-нетганларини энди вазмин гапириб берди: Крильцов йўлда беҳол бўлиб қолган экан, уни касалхонага жойлашибди. Марья Павловна қаттиқ ташвишга тушиб, касалхонада унга энағалик қилишини сўраган экан, рухсат беришмабди.

Катюша инглизнинг кутиб турганини пайқаб:

– Мен кетаверайми? – деб сўради.

– Сиз билан хайрлашмайман, сиз билан яна кўришман, – деди Нехлюдов.

– Кечиринг, – деди Катюша, эшитилар-эшитилмас.

Кўзлари тўқнашди, ана шунда, унинг «яхши қолинг» эмас, «кечиринг» деганида ғалати қилиб кўз қирини ташлаганидан ва аянчли табассумидан Нехлюдов Катюшанинг қарори ҳақидаги икки тахминдан иккинчиси тўғри эканлигини тушунди: Катюша Нехлюдовни яхши кўрарди, шунинг учун у билан тақдирини боғласа, унинг ҳаётини барбод қилган, Симонсон билан кетган тақдирда унга эрк берган бўларди: мана энди ниятига етгани учун қувонар, Нехлюдовдан айрилаётгани учун азоб чекарди.

Катюша унинг қўлини қисди-да, шартта ўтирилиб чиқиб кетди.

Инглиз билан бирга чиқишга тайёр бўлган Нехлюдов унга қаради, лекин инглиз ён дафтарига алланималар ёзиб ўтирарди. Нехлюдов унга халақит бермаслик учун девор ёнидаги диванчага ўтирди-ю, жуда қаттиқ чарчаганини бирдан сезди. У кечаси билан бедор бўлганидан эмас, саёҳатдан эмас, ҳаяжонлардан ҳам эмас, бутун ҳаётдан даҳшатли равишда чарчаганлигини сезди. Ўтирган диванининг орқасига

<sup>1</sup> Are you ready (инглизча) – бўлдингизми.

<sup>2</sup> Directly (инглизча) – ҳозир.



суянди, кўзларини юмди ва бир зумда каттик ухлаб колди.

– Хўш, энди камераларни кўрасизларми? – деб сўради мутасадди.

Нехлюдов сесканиб уйғонди-ю, қаерда эканлигини кўриб ҳайрон бўлди. Инглиз ёзувини тугатиб, энди камераларни кўрмоқчи бўлиб турган эди. Нехлюдов чарчаб, ҳафсаласи пир бўлиб орқасидан эргашди.

## XXVI

Турма мутасаддиси, инглиз ва Нехлюдов назоратчилар ҳамроҳлигида даҳлиздан ўтиб, ўлгидай сассик йўлакка киришганда, у ерда тўппа-тўғри полга сияётган иккита маҳбусни кўриб ҳайрон бўлишди-ю, каторгачилар ўтирадиган биринчи камерага кириб кетишди. Ўртаси тахта сўрили камерада ҳамма маҳбуслар ухлагани ётган эди. Етмиш чоғли одам бор эди. Улар бошларини бир тарафга қўйиб, ёнма-ён ётишарди. Одамлар кириши биланоқ ҳаммалари кишанларини шарақлатиб туришди, сўри четига тизилишди. Сочларининг ярми янгигина олинган, бошлари ярқираб турар эди. Фақат икки кишигина турмади. Буларнинг бири, иситмаси бўлса керак, қип-қизариб кетган ёш йигит, иккинчиси эса тинмай инграган чол эди.

Инглиз, йигитнинг оғриганига анча бўлдими, деб сўради. Мутасадди йигитнинг эрталабдан бери оғриб ётганини, чолнинг эса анчадан бери юракбуруғ касалига мубтало бўлганини, лекин касалхона бетоблар билан аллақачон тўлиб-тошиб кетганидан уни ётқизишга жой бўлмаганини айтди. Инглиз хафа бўлиб бош чайқади ва бу одамларга бир неча оғиз сўз айтмоқчи бўлганини билдириб, айтадиган сўзларини Нехлюдовдан таржима қилиб беришини илтимос этди. Маълум бўлдики, инглизнинг ўз саёҳатидан кўзлаган бир мақсади – Сибирдаги сургун жойлар ва қамокхоналарни тасвирлашдан бошқа яна – тоат-ибодат ва тавба-тазарру билан гуноҳлардан пок бўлиш йўлини ҳам тарғиб қилишни ўзига мақсад қилиб олган экан.

– Уларга айтинг: Исо уларга ачинган, уларни севган, – деди у, – улар йўлида жон берган. Агар улар шунга ишонишса, халос бўлишади. – У гапираётганда, маҳбуслар сўри ёнида қўлларини ёнларига тушириб жим туришди. – Мана шу китобда ҳамма нарса ёзилган, айтинг, – деди у, сўзининг охирида. – Ўқий оладиганлар борми?

Саводли кишилар йиғирмадан ортиқ экан. Инглиз халтачасидан муқовали бир неча Инжил олди, ана шундан кейин бақувват қора тирноқли пайдор қўллар, жулдур энглар ичидан чиқиб бир-бирини итариб чўзилди. У шу камерадагиларга иккита Инжил бериб, наригисига кетди.

Наригисида ҳам аҳвол шу эди. Яна ўшандай димикқан, сассиқ, худди боягидай тўрда, деразалар ўртасида Исо сурати осилган, эшикнинг чап бикинида ҳожат челаги турар, бу ерда ҳам ёнма-ён қисилиб ётишарди. Булар ҳам сапчиб туришди, дарҳол каторга тизилишди, бу ерда ҳам уч киши ўрнидан турмади. Улардан иккитаси туриб ўтирди, учинчиси эса турмади ҳам, киргувчиларга қайрилиб қарамади ҳам: булар касаллар эди. Инглиз айнан бояги сўзларини айтиб, бу ерда ҳам иккита Инжил қолдирди.

Учинчи камерадан шовқин ва тўс-тўполон эшитиларди. Мутасадди эшикни тақиллатиб: «Смирно!» – деб қичқирди. Эшикни очишганда, яна ҳамма сўри ёнида қотиб қолди, фақат касаллар ва муштлашаётган икки киши каторга турмади: икковининг ҳам ғазабдан юзлари даҳшатли тус олган, бири сочига, иккинчиси эса соқолига ёпишган эди. Назоратчи ёнларига югуриб келгандагина улар бир-бирларини қўйиб юборишди. Биттасининг бурни пачақланган, қон аралаш оқиб тушаётган мишигини, сўлакайини чопонининг энги билан артар, иккинчиси эса юлинган соқолини терар эди.

– Камера бошлиғи! – деб қичқирди мутасадди.

Чиройли, бақувват бир одам олдинга чиқди.

У кўзлари билан кулимсираб туриб:

– Ҳеч тинчитиб бўлмапти-да, офицер жаноблари, – деди.

– Мен тинчитиб қўяман, – деди мутасадди, ковоғини

солиб.

– What did they fight for<sup>1</sup>? – деб сўради инглиз.

Нехлюдов нимага муштлашганини камера бошлиғидан сўради.

У эса ҳамон кулимсираб туриб:

– Ўғрилиқ қилгани, бировнинг нарсасига кўз олайтиргани учун, – деди. – Буниси итарганди, униси жавоб қилди.

Нехлюдов инглизга таржима қилиб берди.

Инглиз мутасаддига юзланиб деди:

– Буларга бир неча оғиз сўз айтмоқчи эдим.

Нехлюдов таржима қилиб берди. Мутасадди: «Майли» деди. Ана шундан кейин инглиз ўзининг чарм муқовали Инжилини олди.

– Лутфан, таржима қилиб берсангиз, – деди у Нехлюдовга. – Сизлар жанжаллашиб, муштлашибсизлар, ҳолбуки сиз билан бизнинг йўлимизда жонини фидо қилган Исо жанжалингизни бартараф қилиш учун бизга бошқа йўл кўрсатган. Қани, булардан сўранг-чи, бизни хафа қилган кишига Исонинг қонуни бўйича қандай жавоб қилиш кераклигини билишармикан?

Нехлюдов инглизнинг сўзлари биган саволини таржима қилиб берди.

Махбуслардан бири забардаст мутасаддига кўз қирини ташлаб:

– Бошлиққа арз қилиш керақдир, у бартараф қилар? – деди савол оҳангида.

– Яхшилаб таъзирини берилса, иккиламчи бировни хафа қилмайди, – деди бошқа махбус.

Уни маъқуллаган бир неча кишининг кулгиси эшитилди. Нехлюдов уларнинг жавобларини инглизга таржима қилиб берди.

– Уларга айтинг, ҳазрати Исонинг қонуни бўйича бунинг тескарисини қилиш керак: бир бетингга шапалок билан уришса, иккинчи бетингни тутиб бер, – дедингиз, бетини

<sup>1</sup> What did they fight for (инглизча) – улар нега муштлашишди?

тутиб бераётгандай қилиб.

Нехлюдов таржима қилиб берди.

– Ўзи тутиб бериб кўрсайди, – деди бир овоз.

Ётган касаллардан бири:

– Унисига ҳам туширса, кейин қаерни тутиб бериш керак? – деди.

– Унақада ҳамма ёғингни дабдала қилади-ку.

Орқадагилардан бирови:

– Қани, уриб кўр-чи, – деб шарақлаб кулиб юборди.

Бутун камера қаҳқаҳа овозига тўлди. Калтак еган киши ҳам қон ва мишиқ оқаётган юзини тиржайтириб хахолаб юборди. Касаллар ҳам кулишди.

Инглиз хижолат бўлмади, эътиқоди мустаҳкам кишилар имкон ҳорижидаги нарсаларга осонлик билан эришадилар, шуни айтиб қўйинг, деб илтимос қилди.

– Сўранг-чи, ичкилик ичишадими?

– Ичганда қандай, – деди бир овоз ва яна қикир-қикир кулги, қаҳқаҳа садоси кўтарилди.

Бу камерада тўртта касал бор эди. Инглизнинг нега касалларни бир камерага қўймайсизлар, деган саволига мутасадди уларнинг ўзлари хоҳлашмайди деб жавоб берди. Бу касаллар юқумли эмас, фельдшер буларга ҳамма вақт қараб, ёрдам қилиб туради, деди.

– Икки кундан бери қорасини кўрсатмайди, – деди бир овоз.

Мутасадди жавоб қилмай, икковини бошқа камерага бошлаб чиқиб кетди. Яна эшикни очишди, яна маҳбуслар ўринларидан туриб қотиб қолишди, яна инглиз Инжил улашди: бешинчи, олтинчи камераларда ҳам, чапда ҳам, ўнгда ҳам, ҳар икки томонда ҳам шундай бўлди.

Каторгачилардан бошқа жойларга жўнатиладиганлар камерасига, у ердан сиёсийларга ва ўз ихтиёрлари билан кетувчиларга ўтишди. Ҳамма ерда ҳам аҳвол боягидай эди; ҳамма ерда ўша оч-яланғочлар, саёқлар, касалга йўлиққанлар, хўрланганлар, қамокқа тикилган, ваҳшийларга ўхшаш одамлар кўринади.

Инглиз бир неча Инжилни улашиб бўлгандан сўнг,

бошқа китоб ҳам бермади, ортиқ нутқ ҳам сўзламади. Аянч-ли манзара, димиқтирадиган ҳаво, афтидан, уни шахдидан қайтарган бўлса керак, у камерама-камера юрар ва мутасаддининг ҳар камерада кимлар ўтирганини айтганда фақат «All right!» дебгина кўярди. Нехлюдов эса, бирга юришдан бош тортишга ҳам мажоли қолмай ҳамон боягидай ҳорғин ва умидсиз, тушда юргандай юрар эди.

## XXVII

Нехлюдов сургун қилинаётганларнинг камераларидан бирида эрталаб солда кўрган ўша ғалати табиатли чолни кўриб ҳайрон бўлди. Жулдур кийимли, ҳамма ёғи тириш, елкаси йиртиқ кулранг кўйлак ва шунга ўхшаш лозим кийиб олган бу чол сўри ёнида, ерда ўтириб олиб, кирган одамларга савол назари билан ўқрайиб қарарди. Кир кўйлагининг тешикларидан кўриниб турган озгин танаси бўш ва кучсиз бўлса ҳам, чехраси солдагидан кўра маъноли ва жиддий эди. Бошлиқлар кирганда, бу ердагилар ҳам бошқа камерадагилар сингари ирғиб туриб қотиб қолишди, чол эса парво қилмай ўтираверди. Кўзлари ўтдек ёниб турар, қошлари ғазаб билан чимирилган эди.

– Тур! – Деб кичқирди унга мутасадди.

Чол қимир этмади, фақат нафрат билан тиржайиб кўйди.

– Сенинг олдингда малайлариинг туради. Мен малайинг эмасман. Тамғанг бор... – деди чол, мутасаддининг пешонасига ишорат қилиб.

– Нима-а? – мутасадди чол устига юриб, даҳшат билан кичқирди.

Нехлюдов шошиб-пишиб:

– Мен бу кишини биламан, – деди мутасаддига. – Буни нега қамадинглар?

– Хужожати йўқ, деб полиция юборибди. Юбор-

---

<sup>1</sup> All right (инглизча) – жуда соз.

манглар деймиз, улар юборишгани юборишган, – деди мутасадди чолга хўмрайиб қараб.

Чол Нехлюдовга қараб:

– Сенам дейман, худобезорлардан экансан-да?

– Йўқ, мен зиёратчиман, – деди Нехлюдов.

– Ҳа-а, худобезорлар одамларни қандай қийнашганини томоша қилай, деб келибсан-да? Мана, томоша қил. Одамларни тутиб келишиб, ҳаммасини битта қафасга тиқиб қўйишибди. Одамлар пешона тери билан нон топиб ейиши керак, булар бўлса қамаб қўйишибди. Одамларни ишлатмай чўчкадай боқишяпти, йиртқич ҳайвонга айланишсин дейишади-да.

– Бу нима деяпти? – деб сўради инглиз.

Мутасадди одамларни камокда сақлагани учун чол уни қоралаяпти, деди Нехлюдов.

– Сўранг-чи, қонунга риоя қилмаганларни, унинг фикрича, нима қилиш керак? – деди инглиз.

Нехлюдов саволни таржима қилиб берди.

Чол зич тишларининг оқини кўрсатиб, ғалати қилиб кулди.

– Қонун! – чол нафрат билан такрорлади. – У аввал ҳаммани талади, одамлардан ҳамма ерни, ҳамма бойликни тортиб олди, ҳаммасини тагига босиб олди ўзига қарши чиққанларнинг ҳаммасини қирди, кейин талашмасин ва ўлдиришмасин деб қонун ёзди. Шу қонунни олдин ёзсайди.

Нехлюдов таржима қилиб берди. Инглиз илжайди.

– Хўш, энди ўғрилар ва қотилларга қандай чора кўриш керак экан, сўранг-чи.

Нехлюдов яна таржима қилиб берган эди, чол қовғини қаттиқ солиб олди.

– Унга айтиб қўй, аввал пешонасидан худобезорлар тамғасини олиб ташласин, ана унда ўғри ҳам, қотил ҳам бўлмайди. Худди шундай деб айт.

Нехлюдов чолнинг сўзини таржима қилиб берганда, инглиз:

– He is crazy<sup>1</sup> – деди-ю, елкаларини учуриб, камерадан чикиб кетди.

– Сен ўз ишингдан қолма, буларни кўявер. Ҳамма ўз йўлига. Кимни жазолашни, кимни кечирришни Худонинг бир ўзи билади, биз билмаймиз, – деди чол. – Ўзингга ўзинг бошлиқ бўл, унда бошлиқлар керак бўлмайди. – Чол камерада имирсилаган Нехлюдовга жаҳл билан хўмрайиб, кўзларини чақчайтириб ўшқирди: – чик, чик. Худобезорнинг малайлари битларни одамлар билан боқаётганларини хўп томоша қилиб олдинг. Бор, бор!

Нехлюдов йўлакка чиққанда, инглиз эшиги очик турган бўш камера олдида мутасадди билан турар ва бу камеранинг нимага кераклигини сўрар эди. Назоратчи бунинг ўликхона эканлигини айтди.

Нехлюдов таржима қилиб берганда, инглиз:

– О, – деди-ю, кириш истагини билдирди.

Ўликхона кичкинагина оддий камера эди. Бир бурчакка уйиб қўйилган қоплар, ўтинларга ва чап ёкдаги сўрида ётган тўрт нафар ўликка девордаги лампадан хирагина ёруғ тушиб турарди. Бўз қўйлак-иштон кийган биринчи жасад новча, чўкки сокол киши бўлиб, сочининг ярми қирилган эди. Жасад қотиб қолибди, кўкариб кетган қўллари кўкрагига ковуштириб қўйилган бўлса керак, ажралиб кетибди. Яланг оёқларининг ҳам ораси очилган, оёқ панжалари диккайиб турибди. Унинг ёнида оқ юбка ва кофтали, яланг оёқ, боши яланг, сочлари майда қилиб ўрилган, тиришиб қолган кичкина юзи сап-сарик, кирра бурун қари кампир ётарди. Кампирнинг у томонида аллақандай кўк кийимли бир эркак ўлиги бор эди. Уни қўргач, Нехлюдов бир нарсани эслади.

Нехлюдов яқин келиб, унга қаради.

Тевага қаққайиб турган кичкина чўкки сокол, чиройли, бақувват бурун, оқ, кенг пешона, сийрак, жингалак сочлар. У бу таниш чехрани кўриб, кўзларига нишонмай қолди. Нехлюдов бу жафокаш чехрани кеча ҳаяжонли, ғазабли ҳолда кўрган эди. Энди у хотиржам, тинч ва ниҳоят гўзал бир

<sup>1</sup> He is crazy (инглизча) – ақлдан озган.



киёфада ётибди.

Ҳа, бу Крильцов ёки ҳеч бўлмаганда унинг вужуди қолдириб кетган из эди.

«Нима учун у шунча азоб чекди? Нега яшади? Энди тушунганмикан у бунини?» – деб ўйлар эди Нехлюдов, унга жавоб йўқдай, ўлимдан бошқа ҳеч нима йўқдай туюларди, кўнгли бир хил бўлиб кетди.

Нехлюдов инглиз билан хайрлашмасданоқ ховлига чиқариб қўйишини назоратчидан сўради-да, ёлғиз қолиб, шу оқшом кўрган нарсалари ҳақида ўйлаб кўриш кераклигини сезиб, мусофирхонага жўнади.

## XXVIII

Нехлюдов ётмади, мусофирхона номерида алла-маҳалгача у ёқдан-бу ёққа юриб турди. Уни Катюша билан боғлаб турган алоқа ипи узилган эди. Энди у Катюшага керак эмас, бундан у ҳам хафа бўлар, ҳам уялар эди. Лекин уни ҳозир қийнаётган нарса бу эмасди. Унинг бошқа иши битмаган, битиш у ёқда турсин, уни ҳар маҳалдагидан ҳам баттарроқ қийнар ва ундан ҳаракат талаб қилар эди.

Шу кунларда, айниқса, шу бугун мана шу мудҳиш турмада кўрган ва билган даҳшатли ёвузликларнинг ҳаммаси, дилкаш Крильцовни ҳам жувонмарг қилган ёвузлик тантана қилар, ҳукм сураар ва уни енгил у ёқда турсин, уни қандай енгилш мумкинлиги ҳам ақлга сиғмас эди.

Ҳавоси бузук, мараз билан тўлган жойларга келтириб тикилган ва парвойи фалак генераллар, прокурорлар, назоратчилар томонидан қаматилган юзларча, мингларча мазлум одамлар унинг кўз олдига келди, жинни деб танилган ва бошлиқларнинг шармандасини чиқарадиган ғалати, эркин чол эсига тушди ва ўликлар орасида ётган, аламзадалик билан ўлган Крильцовнинг чиройли ва мумдай қотиб қолган чехраси кўриниб кетди. Ана шундан кейин унинг ўзи, яъни Нехлюдов жинними ё ўзларини ақли деб санаган ва шу ишларни қилаётган одамлар жинними? – деган савол яна

униг олдида кўндаланг бўлиб, жавоб талаб қила бошлади.

Нехлюдов, юришдан ва ўйлашдан чарчаб, чирок рўпарасидаги диванга ўтирди-да, унга инглиз эсдалик қилиб берган Инжилни беихтиёр олиб очди, буни ҳам чўнтакларисидаги нарсалар билан бирга столга чиқариб қўйган эди. «Инжилда ҳамма мушкулга даво бор дейишади», – деб ўйлади-ю, Инжилни очиб, ўқий бошлади.

Матфейнинг XVIII боби.

1. Шунда шогирдлар ҳазрати Исони ўраб олишиб дедиларки: Даргоҳи илохийда ким мўътабар эрур? – деб ўқийди у.

2. Ҳазрати Исо бир болани ёнига чақириб олиб улар орасига қўйди.

3. Ва деди: чин сўзим шулки, сизлар ҳам болалардек содда ва маъсум бўлмасангиз, даргоҳи илохийга ноил бўлмайсизлар.

4. Бинобарин, кимки шу боладек хокисор бўлса, ул даргоҳи илохийда мўътабардур:

Нехлюдов ўзини нақадар хокисор тутса, ҳаётдан шу қадар кўп лаззат ва роҳат тоганини эслаб:

«Ҳа, ҳа, шундай», – деб ўйлади.

5. Кимики менинг йўлимда шундай боладан бирини қабул этса, мени қабул этган бўлур.

6. Менга сизгинувчи ушбу бандаларимдан бирини кимки йўлдан оздирса, униг бўйнига тегирмон тош боғлаб, дарёни шўр қаърига чўқтирмоқлик аъло ва афзалдир.

«Кимики қабул этса, дегани нимаси: уни ким қабул қилади, каерга қабул қилади? «Менинг йўлимда», – деганининг маъноси нима?» – деб сўради Нехлюдов бу сўзлардан ўзига ҳеч қандай наф йўқлигини сезиб. – «Нима учун бўйнига тегирмон тоши боғлаб дарёни шўр қаърига ташлаш керак? Йўқ, бу унақа эмас: тушуниб бўлмайди, дудмал», – деб ўйлади Нехлюдов, ўз умрида бир неча бор Инжилни ўқишга киришганини ва мана шундай ноаниқ жойлар уни Инжилдан совутиб юборганини эслаб. Кейин у йўлдан оздирувчи нарсалар тўғрисидаги 7-, 8-, 9- ва 10-сураларни ҳам ўқиди: бу сураларда шундай йўлдан оздирувчи нарсалар бунёдга

келиши кераклигидан, бузуклик қилган одамларнинг дўзах-га ташланишидан ва оллоху таолонинг жамолини кўриб турадиган аллақандай фаришталардан баҳс этилган эди. «Афсуски, гализда, йўқса анчагина яхши нарсалар борга ўхшайди», – деб ўйлади у.

11. Илло, одамзод ҳалок бўлганларни топиш ва қутқазиш учун дунёга келган, – деб ўқишда давом этди у.

12. Нима дейсиз? Бировнинг юзта қўйи бўлса-ю, шулардан биттаси йўқолиб қолса, у киши тўқсон тўққизта қўйини тоғда қолдириб, ўша адашган битта қўйни қидириб кетмайдими?

13. Мабодо у топилгудай бўлса, чин сўзим шулки, йўқолмаган тўқсон тўққизта қўйдан кўра, топилган битта қўйига кўпроқ суюнади.

14. Бинобарин, парвардигори олам ҳам мазкур бандаларидан биттасининг ҳалок бўлишини ихтиёр этмайди.

«Ҳа, уларнинг ҳалок бўлишини Худо хохламайди, лекин мана, юзлаб, минглаб ҳалок бўлишяпти. Уларни қутқазиб қолишнинг ҳам чораси йўқ», – деб ўйлади у.

21. Шунда Петр унга юзланиб дедики: ё раббим! Менга қарши гуноҳ қилган биродаримни неча бор афв этсам бўлади? Етти мартагачами ?

22. Ҳазрати Исо унга деди: етти мартагача демайман сенга, етти карра етмиш мартагача.

23. Шул ваҳдин парвардигори олам ҳам қуллари билан ҳисоб-китоб қилмоқни истаган подшо қабилидандир.

24. Подшо ҳисоб-китоб бошлаганда, унинг олдига ўн минг тилло қарзи бўлган бир кишини бошлаб келибдурлар.

25. Қарзини тўлашга ҳеч нарсаси бўлмаганидан, подшо унинг ўзини, хотинини, болаларини ва бор-йўғини сотишга ва шу тариқа қарзни тўлашга буюрибдир.

26. Шунда қул унинг оёғига йиқилиб дебдики: подшоҳим андақ сабр қил, ҳамма қарзимни тўлайман.

27. Подшоҳ қулига шафқат қилиб, қарзини кечибди ва ўзини озод қилиб юборибдир.

28. Мазкур қул ташқарига чиқиб, бир ўртоғига дуч келибдир, ўртоғи ундан юз диноҳ қарздор экан, қарзингни

тўлаб қўй деб ўртоғининг ёқасидан бўғибдир.

29. Шунда ўртоғи унинг оёғига йиқилиб, андак сабр қил, ҳамма қарзимни тўлайман, деб ялиниб-ёлворибдир.

30. Лекин у кўнмабди, ўртоғини олиб бориб, қарзингни тўлагунингча ўтирасан, деб зиндонга солиб қўйибдир.

31. Ушбу воқеани кўрган бошқа ўртоқлари кўпдан кўп ранжиган бўлиб, ўз подшоҳларига келиб арз қилибдирлар.

32. Шунда подшоҳ уни қошига чақиртириб дебдирки: – Э баттол кул! Менга илтижо қилганинг туфайли ҳамма қарзингни кечган эдим.

33. Мен-ку сенга шафқат қилдим, сен ҳам ўртоғингга шафқат қилмоғинг лозим эмасмиди?

– Наҳотки фақат шугина? – деб юборди Нехлюдов, шу сўзларни ўқиб. Унинг саволига бутун ичдан бир овоз:

«Ҳа, фақат шугина», – деб жавоб қилди.

Нехлюдовда ҳам маънавий ҳаёт кечирадиган кишиларда бўладиган ҳодиса юз берди. Олдинлари ўзига аллақандай эриш, кулгили, ҳатто ҳазилдай туюлган фикрларнинг тўғрилиги ҳаётда ўз тасдиғини топиб, охири ҳеч қандай шубҳа туғдирмайдиган энг содда ҳақиқатга айланди. Одамларни азоб-у уқубатга солиб қўйган ана шу мудҳиш ёмонликдан кутулишнинг бирдан бир тўғри йўли шундан иборатки, одамлар ҳар доим ўзларини Худо олдида гуноҳкор деб билишлари, шунинг учун ҳам бошқа одамларни жазолашдан ва уларни тузатишдан ожиз эканликларига тан беришлари керак. Бу фикр энди унга ойнадай равшан бўлди. Турмалар ва авахталарда у ўз кўзи билан кўрган даҳшатли аҳвол ва шу ёвузликни қилаётган одамлардаги худписандлик – уларнинг имкон хорижидаги нарсаларни қилмоқчи бўлишгани орқасида бунёдга келган: улар ўзлари ёмон бўлганлари ҳолда ёмонликка барҳам беришмоқчи бўлишган. Бу нарса унга аён бўлди. Ахлоқсиз одамлар ахлоқсизларни тузатмоқчи бўлишган ва бу мақсадга сунъий йўллар билан эришмоқчи ўйлашган. Лекин бу ҳаракатларнинг оқибати шу бўлганки, муҳтож ва тамаъгир кишилар одамларни жазолаш ва тузатиш деб аталган ана шу сохта тадбирни ўзларига касб қилиб олишиб,

Ўзлари ўлгудай бузилганлар ва қийнаб келаётган одамларини ҳам сира тинмай бузмоқдалар. У кўрган дахшатларнинг бонси ва бу дахшатни йўқотиш чораси унга энди равшан бўлди. У шу маҳалгача тополмай келаётган жавоб Исонинг Петрга берган жавобнинг ўзгинаси эди. У шундан иборат эди: ҳаммани ҳар вақт, ҳадеб кечиравериш керак, зеро дунёда гуноҳдан пок одамнинг ўзи йўқки, у бошқага жазо бера олсин ва уни тузата олсин.

Нехлюдов ўзига: «Йўт-е, масала бундай осон ҳал бўлмаса керак», – дер, ҳолбуки, бу фикр масалани назарий жиҳатдангина эмас, амалий жиҳатдан ҳам шубҳасиз тўғри ҳал қилаётганини кўрар эди, Нехлюдов масаланинг тескарисча ҳал қилинишига одатланиб қолгани учун бошда унга бу фикр ғалати туюлди. Ёвузларни нима қилиш керак, наҳотки уларни жазосиз қолдириб бўлса? – дейилган ҳар маҳалги эътироз энди уни хижил қилмас эди. Агарда жазо чораларининг-жиноятни камайтиргани, жинояткорни эса тузатгани амалда исбот қилинган бўлса, бу эътироздан бирон маъно чиқиши мумкин эди: лекин бу ҳолнинг тамом тескариси исбот қилинганидан, яъни бир тоифа одамнинг бошқа тоифа одамни тузатиш қўлидан келмагани равшан бўлгандан сўнг, қўлингиздан келадиган бирдан бир бамаъни нарса шуки, фақат бефойда бўлибгина қолмай, балки зарарли ва бунинг устига, ахлоққа зид нарсаларни қилишдан, жабр қилишдан ўзингизни тиясиз. «Сизлар жиноятчи деб билган кишиларни неча юз йиллардан бери жазолаб келасизлар. Хўш, жиноятчиларни йўқота олддингизми? Йўк, балки жазо орқали бузилган жиноятчилар ҳисобига ҳам, баҳузур ўтириб олиб одамларни жазоловчи жинояткор – судьялар, прокурорлар, терговчилар, турмачилар ҳисобига ҳам уларнинг ададлари ошди, холос». Нехлюдов жамият ва тартибнинг бошқа одамларни суд қилиб жазоловчи ва қонуний жинояткорлар борлиги учун эмас, балки, мана шундай бузуқларга қарамай, одамлар, ҳар қалай, бир-бирларига ачинганлари, бир-бирларини яхши кўрганлари туфайли мавжуд эканлигини энди англади.

Нехлюдов Инжилдан мана шу фикрни тасдиқловчи ва

исботловчи далил топиш умидида, уни бошидан ўқий бошлади. У Исонинг тоғ устида қилган ваъзларини ўқиб чиқиб, бугун биринчи марта шу ваъзларда мавҳум ва чиройли фикрлар эмас, аксарияти бажариб бўлмайдиган маҳоватли талаблар эмас, амалда бажарилиши осон бўлган содда, равшан панд-насиҳатлар борлигини кўрди; улар Нехлюдовга ҳамиша чуқур таъсир қиларди, агар шу панд-насиҳатлар бажарилгудай бўлса (бунинг бажарилиши мумкин), кишилиқ жамиятини бутунлай янги асосида қуриш мумкин бўлар эди, шу тақдирда Нерслодовни нафратлантирган зўравонлик ўз-ўзидан йўқ бўлибгина қолмай, башариятга муносиб бўлган энг олий саодатга эришилар, дориламон бўлар эди.

**Панд-насиҳатлар бешта эди.**

**Биринчи насиҳат** (Мф. V, 21-26)да: одам боласи бошқаларни ўлдириш у ёқда турсин, балки биродарига жаҳл ҳам қилмасин, ҳеч кимни арзимаган одам деб ҳисобламасин, «хас-чўп» ўрнида кўрмасин. Мабодо биров билан уришиб қолгудек бўлса, Олло таолога ибодат қилишдан аввал у киши билан ярашиб олсин, дейилади.

**Иккинчи насиҳат** (Мф. V, 27-33)да: одам боласи зино қилиш у ёқда турсин, балки аёллар жамолига қараб лаззатланишдан ўзини сақласин, бир аёл биланки топишибдими, унга минбаъд хиёнат қилмасин, дейилади.

**Учинчи насиҳат** (Мф. V, 33-37)да: одам боласи бирон нарсани ваъда қилаётганда қасам ичмасин, дейилади.

**Тўртинчи насиҳат** (Мф. V, 38-42)да: одам боласи ёмонликка ёмонлик қилиш у ёқда турсин, бир бетига шапалоқ урганда иккинчи бетини ҳам тутиб берсин, ўзига етган озорни кечирсин, унга сабр-у тоқат қилсин ва ундан одамлар ниманики сўраса, йўқ демасин, дейилади.

**Бешинчи насиҳат** (Мф. V, 43-48)да: одам боласи душманларини ёмон кўриш у ёқда турсин, уларга қарши уруш қилмасин, балки уларни яхши кўрсин, уларга ёрдам қилсин, хизмат қилсин, дейилади.

Нехлюдов ёниб турган чироқ ёруғига қараб қотиб қолди. У ҳаётимизда ҳукм сурган барча бадкорликларни

эслади-ю, агар одамлар шу тартиб-қоида асосида тарбияланган бўлсалар, бу ҳаётнинг қандай бўлишини кўз олдига келтирди, ана шунда кўп вақтлардан бери кўнглида уйғонмаган шодлик бутун вужудини қамраб олди. У узок вақт чарчаб, азоб-уқубат чекиб келган одамдай бирдан роҳат ва фароғат топди.

Нехлюдов кечаси билан ухламади, илгарилари кўп марта ўқиган ва пайқамаган сўзларини ўқиб, уларнинг том маъносини биринчи марта тушунди. Инжил тилавот қилган кўп одамлар шу ҳолатга тушади. Губка сувни ўзига қандай тортса, у ҳам китобда топган барча керакли, муҳим ва кўнгилини шод этувчи нарсаларни ўзига шундай сингдириб олди. Ўқиган нарсалари танишдай туюлар, илгари, аллақачонлари билган, лекин тўла англамаган ва ишонмаган нарсаларни эсига тушираётгандек, тасдиқлаётгандек бўлар эди. Энди у англар, ишонарди.

Ушбу насиҳатларни қулоқларига олганларида одамлар ўзларига ярашган энг олий саодатга эришишлари мумкинлигини англаб ва бунга ишонибгина қолмай, энди уқар қандай кишининг бу васиятларни бажаришдан бўлак иложи йўқлигини, инсон ҳаётининг бирдан бир маъноси шундан иборат эканлигини, бундан заррача четга чиқилгудай бўлинса, бу дарҳол жазоланиладиган хато бўлишини ҳам англар ва бунга ишонар эди. Бу нарса бутун таълимотдан келиб чиқарди, боғбонлар ҳақида ибратли ҳикояда яна ҳам равшан, яна ҳам дангал ифода этилган эди. Хўжайиннинг ишини қилинлар деб бокқа юборилган боғбонлар боғни ўзларининг хусусий мулклари деб ҳаёл қилганлар; улар боғдаги жамики нарсаларни ўзлари учун қилинган деб билишган, шунинг учун ишимиз хўжайинни эсдан чиқариб, хўжайинни ҳамда уларнинг хўжайини олдидаги бурчларини эслатувчиларни ўлдириб, боғда гашт қилиб яшашдан иборат, деб ўйлаганлар.

«Биз ҳам худди шундай қиялпмиз, деб ўйларди Нехлюдов, – бизга ҳаёт лаззат олиш учун берилган ва биз ўз ҳаётимизнинг хўжайинларимиз деб бемаъни ишонч билан яшаб келамиз. Ахир, бунинг бемаънилиги равшан-ку. Агар



биз дунёга келган бўлсак, бировнинг иродаси билан ва бирон иш билан келгандирмиз. Биз эсак фақат ўз роҳат ва фароғатимиз учун яшаймиз деб ўйлаймиз, ҳолбуки хўжайинининг айтганини қилмаган малай қандай ёмон аҳволга тушса, бизнинг ҳам шундай аҳволга тушишимиз турган гап. Хўжайиннинг истак ва иродаси мана шу насиҳатларда баён этилган. Фақат одамлар шуни бажаришса бўлди, ер юзида дориламон бўлади ва одамлар ўзларига ярашган саодатга эришади.

Оллонинг амрига ва унинг айтганларига бўйсунинг, қолгани ўз-уздан бўлаверади. Биз эсак ана шу қолганини кидирамиз-у, лекин тополмаётибмиз.

Ана менинг ҳаётимда қилинадиган ишлар. Ҳозиргина биттасини тугатгандим, энди иккинчиси бошланди».

Шу кечадан тортиб Нехлюдов учун бутунлай янги ҳаёт бошланди, унинг янги шароитга тушгани эмас, балки унда энди содир бўлган нарсаларнинг ҳаммаси илгариги вақтлардагидан бутунлай бошқача маъно касб этгани бунга сабаб бўлган эди. Ҳаётининг бу янги даври нима билан тугар экан, буни келажак кўрсатади.

*Тамом*

(1899)

---

## МУНДАРИЖА

Биринчи қисм .....	6
Иккинчи қисм .....	262
Учинчи қисм .....	470

# **ЖАХОН АЛАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ**

**Лев ТОЛСТОЙ**

**ТИРИЛИШ**

**(роман)**

**Таржимон:**

**Холида АҲРОРОВА**

**Нашрга тайёрловчи:**

**Эргашбой МАТЁҚУБОВ**

**Масъул муҳаррир:**

**Лолахон ҚЎЗИБОЕВА**

**Қўшимча изоҳ ва иқтибосларни киритувчи:**

**Эргашбой МАТЁҚУБОВ**

**Мусахҳих:**

**Лолахон ҚЎЗИБОЕВА**

**Компютерда саҳифаловчи:**

**Эргашбой МАТЁҚУБОВ**

**Литсензия рақами АІ № 274. 15.07.2015. да берилган.**

**Босишга 2019.08.11. йилда рухсат этилди. Бичими – 84x108 1/32 .**

**Босма табоғи – 18.0. Гарнитура – «Times New Roman».**

**Қоғоз – офсет босма. Адади – 1200 нусха. Буюртма рақами –45.**

**Баҳоси келишилган нарҳда.**

**“ADAD-PLYUS” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.**

**Манзил: Тошкент, “Бунёдкор” шоҳ кўчаси 28-уй. 100097**



## ЛЕВ ТОЛСТОЙ

Рус адиби Лев Толстой қаламига мансуб “Тирилиш” асари – жаҳон адабиётининг ўлмас дурдоналаридан бири ҳисобланади.

Ушбу асар ҳаётда бўлиб ўтган оддий воқеа – бир суд жараёни асосида яратилган бу асарда адиб ижтимоий адолатсизликка асосланган жамиятнинг ички, маънавий асосларини очиб ташлайди.

Асарни ўқиш давомида бирор жойда мантиқсизликка дуч келмайсиз. Асарнинг асосий қаҳрамонлари Нехлюдов, Маслова ва иккинчи даражали қаҳрамонлар орқали ҳам жуда катта мазмун яратади.

ISBN 978-9943-5770-9-1



9 789943 577091